




Implemented by:



# XIV O'ZBEKISTON IQTISODCHILAR FORUMI

“Yangi O'zbekiston  
iqtisodiyoti: ustuvor  
yo'nalishlar va kelajak  
istiqbollari” mavzusida





Institute of Forecasting and  
Macroeconomic Research

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти

**ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДЧИЛАРИ ФОРУМИ**

Тошкент, 2022 йил, 14 октябрь

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ:  
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР ВА КЕЛАЖАК  
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

---

**ФОРУМ ЭКОНОМИСТОВ УЗБЕКИСТАНА**

Ташкент, 14 октябры 2022 г.

**ЭКОНОМИКА НОВОГО УЗБЕКИСТАНА:  
ПРИОРИТЕТЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ**

Тошкент-2022

ISSN 978-9943-5783-3-3

УДК: 338.22(575.1); ББК: 65.7(5Узб)

**“Янги Ўзбекистон иқтисодиёти: устувор йўналишлар ва келажак истиқболлари” мавзусидаги Илмий-амалий конференция мақолалари тўплами. // и.ф.д., проф. Т.Ахмедовнинг умумий таҳрири остида. // Тошкент: IFMR, 2022. – 319 бет.**

**Таҳрир хайъати аъзолари:** DSc У.Абидхаджаев, PhD З.Халдаров, и.ф.н., доц. Д.Курбанова, и.ф.д. Д.Каримова, DSc Х.Сайдалиев, PhD Н.Ибрагимова, и.ф.н., Э.Бикиева, PhD М.Каримов, PhD К.Кўзиев, PhD Э.Якубова, З.Костюченко, Д.Ильина, А.Костюченко.

*Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан 2022 йил 14 октябрда интернет платформа асосида видеоконференция форматида ўтказилган «Янги Ўзбекистон иқтисодиёти: устувор йўналишлар ва келажак истиқболлари» мавзусидаги Ўзбекистон иқтисодчилари XIV Форумига тақдим этилган илмий мақолаларни ўз ичига олади.*

*Форум мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш бўйича стратегик ташиббуслар ва амалий тавсиялар тайёрлаш, мавжуд салоҳият ва янги хавф-хатарларни аниқлаш, жумладан, ҳамон давом этаётган пандемия ва глобал инқироз шароитида юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий оқибатлар ва унинг республика иқтисодиётига таъсирини баҳолаш ҳамда яшил иқтисодиётга самарали ўтиш, замонавий иш ўринларини барпо этиш ва камбағалликни қисқартириш, макроиқтисодий барқарорликни ҳисобга олган ҳолда тегишли тақлифлар ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилди.*

*Ушбу тўплам ҳамон давом этаётган пандемия ва глобал инқироз шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини прогнозлаштириш, замонавий иш ўринлари яратиш сифатида “яшил иқтисодиёт” га ўтишнинг самарали йўллари амалга ошириш, жумладан, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, ва камбағалликни қисқартириш ва реал секторни ривожлантириш масалаларига бағишланган илмий мақолаларни ўзида мужассам этган. Бундан ташқари, мақолаларда трансформация даврида ижтимоий соҳа ва инсон капиталини ривожлантиришнинг долзарб масалалари, аҳоли бандлиги ва фаровонлиги даражасини ошириш чоратадбирлари, шунингдек, ҳудудларни комплекс ривожлантириш учун заҳираларни аниқлаш ва имкониятларини кенг жорий этиш йўллари кўриб чиқилган.*

*Тўпламда инновацияларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигига бозор механизмларини жорий этиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, экспорт ҳажминини ошириш учун инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш масалалари ҳам ёритилган.*

*Тўплам миллий иқтисодиётни ривожлантириш масалалари билан қизиқувчи жамоатчилик, илмий-педагогик ходимлар, докторантлар, миллий ва хорижий илмий-тадқиқот муассасалари, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари мутахассислари учун мўлжалланган. Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланган.*

**Ушбу илмий мақолалар тўпламида келтирилган қарашлар ва хулосалар муаллифларнинг шахсий фикрларини билдиради.**

**Таҳририят:** Бош муҳаррир – Т. Ахмедов, Масъул муҳаррир – А. Юлдашев.

Техник муҳаррир – И. Одашев, Компьютер графикаси дизайнери – И. Саидов.

Нашр учун масъул – Н. Примов.

УДК: 338.22(575.1)

© Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти (ПМТИ), 2022. [www.ifmr.uz](http://www.ifmr.uz)

## МУНДАРИЖА

Эскендер ТРУШИН. Сделать Узбекистан привлекательным для прямых иностранных инвестиций: ключевые компоненты национальной стратегии.....	8
Нилуфар САФАРОВА. Рақобатбардошлик параметрларининг халқаро туризм оқимларига таъсири.....	14
Guilherme MAGALHO. Green transition in Uzbekistan.....	19

## ЯНГИ ХАВФ-ХАТАРЛАР ШАРОИТИДА МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА РЕАЛ СЕКТОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Турсун АХМЕДОВ, Гузал АЛИМОВА. Ўзбекистонда камбағалликни қискартириш бўйича миллий тизимнинг шаклланиши.....	27
Валентин КОТОВ. Пути формирования эффективного инвестиционного контура для центров инновационного роста нового Узбекистана.....	31
Mr. Debankur MAJUMDAR, Siddhartha BHATTACHARYA. The economy of new Uzbekistan: priorities and prospects.....	37
Галия ФЕДЯШЕВА. Индексы в комплексной оценке потребительских предпочтений продукции специальных экономических зон.....	47
Татьяна ДЕРГАЧЁВА. Искусственный интеллект в условиях цифровизации экономики Республики Узбекистан.....	54
Комилжон ҚЎЗИЕВ, Фазлиддин МУХИДДИНОВ. Дунё томчилатиб суғориш технологиялари бозори тажрибаларини Ўзбекистонда қўллаш масалалари.....	62
Бобур БОРОНОВ. Республика саноатида ёғ-мой махсулотларининг тутган ўрни ва аҳамияти.....	69
Ҳикматулла САЙДАХМЕДОВ. Минерал хомашё ресурсларининг Ўзбекистон иқтисодий ўсишига таъсири.....	73
Нилуфар АХМЕДОВА. Қурилиш соҳаси тараққиётини таъминлашда йирик ва кичик бизнес ролини баҳолаш.....	79
Нодирбек РАСУЛОВ. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.....	86
Зуфар АШУРОВ. Иқтисодиётни трансформациялаш шароитида бизнеснинг ижтимоий масъулиятини ошириш масалалари.....	93
Абдусатторжон АБДУМУМИНОВ. Оценка возможностей производства биотоплива из пищевых отходов в Узбекистане.....	99
Хулқар ТУРОБОВА. Қишлоқ хўжалиги кооперативларида синергетик самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш.....	107
Баходир МАМАТОВ. Ташқи савдонинг макроиқтисодий барқарорликка таъсирини баҳолаш.....	112
Dostonbek ESHPULATOV. Oziq – ovqat ta’minoti tizimini barqaror rivojlantirish yo’llari.....	121

## ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ

Дилдора КАРИМОВА. Переход к зеленой экономике в контексте сокращения бедности: концептуальные и практические вопросы.....	128
Зумрат ГАЙБНАЗАРОВА. «Яшил» иш ўринларини яратиш орқали экологик барқарор иқтисодиётга адолатли ўтиш.....	132
Мирхамид ТУРАЕВ, Хушнудбек ВАСИТОВ. Автомобиль йўллари қурилишида “эко” технологияларни жорий этиш – сифат гарови.....	140
Сергей ВОРОНИН, Азиза УБАЙДУЛЛАЕВА, Феруза АЗИМОВА. Использование экологического налогообложения в качестве механизма перехода к зеленой экономике.....	144
Эльвира БИКЕЕВА, Диляра СУЛТАНОВА. Стимулирование перехода на «зелёный» транспорт: мировой опыт и задачи для Узбекистана.....	152
Лола ХАЗРАТКУЛОВА. Экологические проблемы современности: анализ и основные направления их решения.....	157

Rustam JUMAMATOV, Galya FEDYASHEVA, Azimjon ZAYDULLAEV. O'zbekiston daryolarining "yashil" elektr energiyasi: ta'sir etish omillari va rivojlanishi.....	163
Shoxrux OCHILOV. Markaziy Osiyo davlatlari iqtisodiyotida CO <sub>2</sub> uglerod chiqindilarining kamabag'allikka ta'siri.....	170

## ТРАНСФОРМАЦИОН ДАВРДА ИЖТИМОЙ СОҶА ВА ИНСОН КАПИТАЛИ

Muzaffar KARIMOV, Islomjon XUDOYBERDIYEV. Aholining budjet kapital qo'yilmalari taqsimotida ishtirok etishi masalalari.....	176
Aminboy SADULLAEV. O'zbekistonda demografik qarish jarayonlari va uning ijtimoiy-iqtisodiy oqibatlarini.....	182
Ботир АБДУЛЛАЕВ, Турсун АХМЕДОВ. Ўзбекистонда норасмий бандликни камайтириш йўллари....	189
Шоирахон НУРДИНОВА, Рабиа ҲАН. Миграция тадқиқотларида интерсекционал ёндашув.....	195
Муҳаббат АХМЕДОВА. Ишсизлик: назарий асослар, ҳисоблаш усуллари, тенденциялар ва таклифлар.....	200
Luiza ASHURZODA. Demografik omillarning iqtisodiy o'sishga ta'sirining metodologik asoslari.....	204
Гузал АЛИМОВА, Muhammadjon G'ANIEV. O'zbekistonda pandemiyadan keyingi davrda aholi farovonligini oshirish va kambag'allikni qisqartirishning asosiy yo'nalishlari.....	209
Шахло МАХКАМОВА, Ширин ДУШАМОВА. Пенсия ёшани мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик кўрсаткичларига қараб белгилашнинг илмий асослари.....	215
Наиля ИБРАГИМОВА, Анвархўжа ШОАЗИЗОВ. Келажакда демографик жараёнларнинг таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларига таъсирини баҳолаш.....	220
Сабина ХОЛБАЕВА. Роль расходов домашних хозяйств в развитии человеческого капитала.....	230
Zebiniso RADJABOVA, Diyodor BERDIKLICHEV. Subyektiv farovonlikning metodologik asoslari va uning determinantlari.....	237
Нигина СУЛТАНОВА. Трудоустройство молодежных кадров путем внедрения современных методов подбора.....	243

## ҲУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ЗАҲИРАЛАР ВА ИМКОНияТЛАР

Орынбай НАЗАРБАЕВ, Эльмира МАДЕНОВА. Қорақалпоғистон Республикасининг табиий-иқтисодий салоҳияти ва самарадорлигини ошириш муаммолари.....	247
Шерзодбек ОТАБОЕВ, Мирзабек ЖАМОЛОВ. Ўзбекистон ҳудудларида иқтисодий фаоллик барометрини баҳолаш.....	252
Гавҳар ХИДИРОВА. Минтақада ички туризм шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари.....	257
Ахметжан МАМАТОВ, Хуршид АСАТУЛЛАЕВ, Сардор ХАСАНОВ, Мамажан МАМАТОВ. Қашқадарё вилоятининг иқтисодий хавфсизлик даражаси ва уни баҳолаш услубияти.....	262
Бунёд ГАФУРОВ, Нурбек ЮЛДАШЕВ. Маҳаллаларнинг иқтисодий ҳолатини баҳолаш орқали ҳудудларни ривожлантириш имкониятлари.....	272
Мэлс РАШИДОВ. Минтақалардаги эркин иқтисодий зоналар самарадорлигини баҳолаш усуллари ва таҳлили.....	279
Нурбек ЯКУБОВ. Социологическое исследование состояния сферы услуг в махаллях (на примере хорезмской области).....	285
Назиржон НАЗАРОВ. Навоий вилоятининг узоқ муддатли истикболда барқарор ривожланишига хавф солиши мумкин бўлган таҳдидлар.....	291
Раҳимжон ОЧИЛОВ, Ҳикматулла САЙДАҲМЕДОВ. Ўзбекистон қишлоқ ҳудудларида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг замонавий ҳолати ва асосий йўналишлари.....	297
Бобур СОБИРОВ, Машхура АЛИМОВА. Туристик ҳудуднинг рақобатбардошлигини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш.....	302
Shahzodjon TOSHIMOV. Hududlarni kompleks rivojlantirishda "obod qishloq" va "obod mahalla" dasturlarining roli (Navoiy viloyati misolida).....	311
Salimjon BEKMURODOV. Hududlarning muammolilik darajasini baholash.....	315

## ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДЧИЛАРИНИНГ XIV ФОРУМИ

2022 йилнинг 14 октябрида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги қошидаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти (ПМТИ) да Ўзбекистон иқтисодчиларининг йиллик форуми бўлиб ўтди. У Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти (GIZ) кўмагида ташкил этилди ва гибрид шаклда ўтказилди.

Мазкур форум хорижий ва маҳаллий экспертлар, илмий, академик ва ишбилармон доира вакиллари ўртасида ижтимоий-иқтисодий соҳадаги долзарб муаммоларни муҳокама этиладиган анъанавий майдончага айланиб улгурди. Форумда халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар (БМТ, ЖБ, ОТБ, БМТ ТД, ЕТТБ, ЮНИСЕФ, ХМТ, ЕИ, ШХТ, GIZ, ФТА, КОИСА, JETRO, JICA ва бошқалар) нинг вакиллари иштирок этди.

Бу йилги форумнинг мавзуси **“Янги Ўзбекистон иқтисодиёти: устувор йўналишлар ва истиқболлар”** деб номланди. Форумда асосий эътибор 2022-2026 йиллар учун мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш доирасида ривожланиш истиқболлари, шунингдек, юзага келган глобал муаммолар ва таҳдидлар муҳокамасига қаратилди.

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари Илҳом Норқулов** форумни ўзининг кириш сўзи билан очиб берди.

**Франция тараққиёт аганетлиги (ФТА) нинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари Вансон Копен** ўз чиқиши чоғида муттасил ўзгараётган шароитларга жавоб қайтариши ва тезда қарор қабул қилиши лозим бўлган сиёсатчилар учун жиддий синов даври келганини таъкидлади. Улар бир томондан, олдинга қўйилган вазифаларни бажариш имконини берувчи қарорларни топиши, бошқа томондан эса ташқи таҳдидларнинг таъсирини энг паст даражага тушириши даркор. Ушбу ҳолат чуқур тадқиқотлар ўтказилишини талаб этувчи палла келганлигини билдиради ва бундай шароитда тадқиқотчилар ҳамда сиёсатчилар ўртасидаги ўзаро алоқаларни кучайтириш, айниқса муҳим.

Ялпи мажлисда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (Эрик Ливни), Франция тараққиёт агентлиги (Гильерме Магачо), Жаҳон банки (Эскендер Трушин), Ўзбекистондаги Германия иқтисодий гуруҳи (Павел Билек) каби халқаро ташкилотлар, шунингдек, маҳаллий илмий жамоаларнинг вакиллари чиқиш қилди.

**ПМТИнинг Таҳлил ва инсон капитали омилларини прогнозлаш бўйича гуруҳи раҳбари Муҳаббат Аҳмедова** институт фаолияти натижаларини тақдим қилар экан, муассаса иқтисодий соҳада олиб борилаётган тадқиқотларга муносиб ҳисса қўшаётганини қайд этди. ПМТИ макроиқтисодиёт, ижтимоий соҳа, реал сектор, “яшил” иқтисодиёт, ҳудудлар иқтисодиёти каби муҳим йўналишлар бўйича изланишлар олиб бормоқда.

М.Аҳмедова алоҳида тадқиқотларнинг натижалари ҳақида тўхталаркан, 2022-2030 йилларда Иқтисодий эркинлик индексида юқори кўрсаткичларга эришиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг стратегияси ишлаб чиқилгани, 2030 йилгача бўлган давр учун мамлакат аҳолисининг ўсиш прогнози тайёрлангани, саноат экспортининг диверсификация даражасидаги ўзгаришлар баҳолангани, электр энергияси истеъмолининг ортиши саноат тармоқларига қандай таъсир қилиши таҳлил этилгани, “углерод изи калькулятори” ишлаб чиқилгани ва яна бир қатор тадқиқотлар олиб борилганини таъкидлади.

**Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг етакчи минтақавий иқтисодчиси Эрик Ливни** иқтисодий тараққиётда Ўзбекистон давлат таълим тизимининг ролига оид тадқиқот натижаларини баҳам кўрди. Мамлакатларнинг танлаб олинган турли гуруҳлари ёрдамида ўтказилган тадқиқот таълим даражасининг ўсиши ЯИМнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган улуши ортишига олиб келишини кўрсатди. Бироқ, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ улушининг юқори даражаси ҳамма вақт ҳам таълим даражасининг ортишига

хизмат қилавермайди. Бундан ташқари, сифатли давлат таълими нафақат иқтисодий кўрсаткичлар, балки ижтимоий йўналишдаги саъй-ҳаракатлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**Майами университети (АҚШ, Флорида штати), Ижтимоий фанлар мактабининг форумга таклиф қилинган мустақил тадқиқотчиси Гулноза Қўлдошева** ривожланган мамлакатлардаги урбанизация ва иқтисодий уйғониш стратегиялари асосида ривожланаётган мамлакатларга ўз таклифларини тақдим этди. Шаҳарсозликда маҳаллий ҳокимият органлари ролини кучайтириш ва бунда уларнинг техник, бошқарувчилик имкониятлари ва малакасини албатта ошириш, ердан фойдаланишни тартибга солишнинг ишончли тизимини ишлаб чиқиш, зоналарга ажратиш ва мулк ҳуқуқи, минтақавий режалаштириш жамғармаларини ташкил қилиш, режалаштириш амалиётига иқлим билан боғлиқ жиҳатларни кўшиш, шаффофлик ва ҳисобот берилишини таъминлаш воситаси сифатида жамоатчиликни кенг жалб қилиш ана шу таклифларнинг асосийларидир.

**Франция тараққиёт агентлиги иқтисодчиси Гильермо Магачо** ўз маърузасида Ўзбекистон “Яшил” иқтисодиётга ўтишга кўмаклашиш йўлида саъй-ҳаракатларини аямаётганини қайд этди. Республика улуғвор миллий мақсадли кўрсаткичларни, жумладан 2030 йилга бориб, ЯИМ бирлигига тўғри келадиган иссиқхона газлари ажратилишини 2010 йил даражасидан 35 фоизга қисқартиришни белгилаб олди. Г.Магачонинг таъкидлашича, тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон экологик хавфсиз ўтишни ривожланаётган мамлакатлар одатда дуч келадиган бир қатор қийинчиликлар, хусусан, тўлов баланси ва фискал чекловлар билан боғлиқ муаммолар, шунингдек, ижтимоий зиддиятларга тўқнаш келмасдан амалга ошириши мумкин.

Ўтиш даври давлат инвестицияларини ошириш, саноатнинг экологик хавфсиз тармоқларида ишлаб чиқаришни кенгайтиришда зарур бўлган қувватларни ошириш учун янги инфратузилмаларни барпо этишни талаб этади. Бундан ташқари, адолатли ўтишни таъминлаш учун кадрларни қайта тайёрлаш, юқори ойлик маош тўланадиган бандликка алоҳида эътибор қаратган ҳолда бандликни кафолатлаш, ижтимоий ҳимоя тизимига сармоя киритиш муҳим аҳамият касб этади.

**Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент филиалининг илмий-услубий ишлар бўйича директор ўринбосари, и.ф.д. Нодира Зокирова** ўз маърузасида Ўзбекистонда олиб борилаётган, аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, давлат бошқарувининг барча босқичлари ва умуман, жамиятда уларнинг ролини оширишни кўзда тутувчи ислохотларга эътибор қаратди. Айни чоғда олиб борилаётган ислохотлар аёллар учун муносиб бандликни таъминлаш, қизларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш, уларни раҳбарлик лавозимларига, жумладан кам таъминланган ва ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган аёлларни қўллаб-қувватлаш ёрдамида илгари суришни ўз ичига олади.

Гендер тенгсизлигини бартараф этиш учун комплекс ёндашув зарур. Ижтимоий-маданий контекстга таъсир қилиш, стереотипларни бартараф этиш, аёлларни касбга йўналтириш, техник ва ахборот технологиялари соҳаларида билим олишга жалб қилиш, ҳуқуқий асослар ва ижтимоий ҳимояланганлик даражасини кучайтириш, янги билим, қобилият ва малакага эга бўлишга рағбатлантириш, бандликнинг янги шаклларини татиқ этиш ва фойдаланиш шулар жумласидандир.

**Жаҳон банкининг катта иқтисодчиси Эскендер Трушин** ўз чиқиши чоғида Ўзбекистон учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг янги стратегияси мамлакатда ривожланишнинг янги мақсадларини қўллаб-қувватлаш муҳим бўлган бир паллада ишлаб чиқилаётганини таъкидлади. У Ўзбекистонга киритилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосан табиий ресурсларни қазиб олиш ва экспорт қилишга алоқадор бўлган тармоқлар билан чекланиб қолаётганини қайд этди. Бироқ сўнгги вақтларда ишлаб чиқариш саноатига киритилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори ортиб бормоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон илмий салоҳият талаб этиладиган товар ва хизматлар соҳасига

кўп миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида жуда катта имкониятга эга.

Тақдимотда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун устувор аҳамиятга эга тармоқлар қайд этилди. Электр ускуналар, қадоқлаш материалларини ишлаб чиқариш, банк иши ва қайта тикланувчи энергия манбалари, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун “истиқболли” бўлган тармоқлар, хусусан, озик-овқат саноати ва қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни “юксалиш учун тайёр” бўлган тармоқлар сирасига киритиш мумкин.

Ўзбекистоннинг инвестицион рақобатбардошлигини ошириш учун инвестицион муҳитни яхшилаш ҳамда давлат корхоналари ва давлат-хусусий шерикчилик корхоналарини хусусийлаштириш имкониятидан фойдаланиш бўйича тавсия ва таклифлар айтиб ўтилди.

**ПМТИ докторанти Нилуфар Сафарова** туризм соҳаси рақобатбардошлиги параметрларининг мамлакатга келувчилар сонига таъсир даражасини баҳолашга бағишланган тадқиқот натижаларини тақдим этди. Бунинг учун Бутунжаҳон иқтисодий форуми томонидан ҳисоблаб чиқилган Туризм рақобатбардошлиги индексининг 14 та параметридан фойдаланилди. Тадқиқот натижалари индекснинг битта пунктга ошиши мамлакатга келаётган сайёҳлар оқимининг 1,87 фоиз ортишига олиб келишини кўрсатди. Натижалар туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун самарали восита бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Германия иқтисодий гуруҳи етакчи маслаҳатчиси Павел Билекнинг** билдиришича, 2030 йил прогноз сценарийларидан келиб чиққанда, харажатлар нуқтайи-назаридан Ўзбекистон учун энг мақбул тизим кўёш фотоэлектр ва шамол станцияларининг белгиланган юқори қувватини ўз ичига олади. Бундан ташқари, унинг тадқиқотида минтақавий ҳамкорлар билан интеграция ва электр энергиясини олди-сотди қилиш энергетика тизимларини модернизация қилиш учун кетадиган умумий харажатларни янада камайтириши мумкин. П.Билек тавсия сифатида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва аккумулятор батареяларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш, шу билан бирга харажатлар, газ истеъмоли ва чиқиндилар ҳажмини камайтириш учун 2030 йилга янада улғувор мақсадларни қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Форум гибрид шаклда ўтказилгани боис кўплаб иқтисодчилар ва умуман, ҳоҳловчилар унда онлайн тарзда қатнашиш ҳамда экспертларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан муурожаат қилиш имконига эга бўлди. Муҳокамалар мамлакатимизни иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ кўплаб долзарб мавзуларни қамраб олди. Ҳар қандай иқтисодий тараққиёт замирида пухта илмий асос, аниқ ҳисоб-китоблар, макроиқтисодий тадқиқотлар ва прогнозлар ётади. Шундай экан, мазкур форум ҳам мутахассисларга ўз изланишларини янада мукамал қилиш, фикр, тажриба алмашиш имконини берди. Ишланмаларнинг янада пишиқ-пухта бўлиши эса иқтисодий лойиҳалар ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишининг муҳим шартидир.



## **СДЕЛАТЬ УЗБЕКИСТАН ПРИВЛЕКАТЕЛЬНЫМ ДЛЯ ПРЯМЫХ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ: КЛЮЧЕВЫЕ КОМПОНЕНТЫ НАЦИОНАЛЬНОЙ СТРАТЕГИИ**

Всемирный банк выпустил доклад<sup>1</sup> в июне 2022 г., в котором анализируется роль прямых иностранных инвестиций (в дальнейшем - ПИИ) в экономической трансформации Узбекистана с 2010 г. и излагаются анализ состояния ПИИ и рекомендации по разработке новой национальной стратегии ПИИ для поддержки экономического развития страны в течение 2022-2026 гг. Разработка новой стратегии ПИИ для Узбекистана происходит в важный момент для поддержки новых целей развития Узбекистана. Узбекистан недавно запустил Стратегию развития Нового Узбекистана на 2022-2026 гг., в которой обозначены трансформационные приоритеты для продвижения развития страны и повышения темпов экономического роста. Новая стратегия предусматривает привлечение в Узбекистан ПИИ около 5 млрд. долл. США в год, что представляет собой увеличение примерно на 3 млрд. долл. США по сравнению с предстратегическим базовым уровнем. Это подчеркивает критическую важность разработки и принятия новой эффективной стратегии ПИИ. Сравнительно слабое привлечение ПИИ в экономику Узбекистана в прошлом, наряду с грандиозными целями по привлечению ПИИ на будущее, требует разработки стратегии по привлечению дополнительных ПИИ, в особенности в более сложных и наукоемких отраслях.

### **Основные выводы из анализа привлечения ПИИ в Узбекистане в прошлом**

Для достижения поставленных целей экономического развития и привлечения ПИИ, изложенных в Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 гг., Узбекистану необходимо привлекать больше ПИИ и более высокого качества; это потребует диверсификации как по отраслям, так и источников ПИИ. Несмотря на положительную динамику, показатели привлечения ПИИ в Узбекистан всё ещё отстают от показателей других стран региона Европы и Центральной Азии и других стран мира, схожих с Узбекистаном по показателям общего развития. В частности, для Узбекистана характерна ограниченная отраслевая структура ПИИ, представленная в основном отраслями, имеющими отношение к добыче и экспорту природных ресурсов, малый объём инвестирования в наукоемкие отрасли и ограниченное число стран-источников ПИИ. Узбекистану необходимо диверсифицировать свою экономическую базу, привлекая ПИИ в другие сектора для стимулирования трансформации экономики. С 2003 по 2019 гг. на уголь, нефть и газ суммарно приходилась половина всех ПИИ в новые проекты в Узбекистане, что сопоставимо с другими богатыми ресурсами странами, включая Туркменистан, Азербайджан, Казахстан и Австралию. Другими словами, из четырех видов ПИИ (*natural resources-seeking, domestic market-seeking, strategic assets-seeking, and efficiency-seeking FDI*) в Узбекистане в основном ПИИ в добычу и продажу природных ресурсов, а в других отраслях – в основном ПИИ в производство и продажу продукции на внутренний рынок.

Тем не менее, Узбекистан по-прежнему обладает огромным потенциалом для привлечения большего объема ПИИ в наукоемкие товары и наукоемкие услуги. Хотя на наукоемкие товары приходится пятая часть ПИИ в новые проекты в Узбекистане, этот уровень все еще ниже, чем в Турции, Молдове, Малайзии, России и Беларуси. К счастью, в последние годы отраслевая структура ПИИ смещается от добычи полезных ископаемых к обрабатывающей промышленности. Хотя официальные данные с разбивкой по времени для отраслевых ПИИ недоступны, данные Госкомстата Узбекистана показывают, что обрабатывающая промышленность привлекает все большую долю иностранных инвестиций и кредитов в основной капитал. Доля добывающей промышленности сократилась с 57% в 2017 г. до 18% в 2020 г., а доля обрабатывающей промышленности увеличилась более чем в три раза с 13 до 42%.

Потоки ПИИ в Узбекистан ограничены небольшим числом стран-источников: более 90% общего объема привлеченных в экономику Узбекистана ПИИ пришлось на долю пяти стран: России, Южной Кореи, Казахстана, США и Турции. Доля России уменьшилась с 65% в 2009 г. до 6% в 2019 г. Доля Китая, напротив, увеличилась до 44% в 2019 г., Юж.Корея до 14%, Турция 8%, Нидерланды

<sup>1</sup> Рекомендации для национальной стратегии по прямым иностранным инвестициям с дорожной картой для Узбекистана: новые источники роста, Всемирный банк, Округ Колумбия, 2022 г.

(<https://documents1.worldbank.org/curated/en/099515108112240110/pdf/IDU0efe43a120f8bd0423c08c570d59f97ae3785.pdf>)

7%. Однако по сравнению со странами с похожим уровнем развития, экономика Узбекистан привлекает относительно мало ПИИ из развитых стран с высоким уровнем дохода на душу населения, что привело бы к получению наибольшей выгоды в аспектах инноваций и включения в глобальные цепочки создания стоимости. Более того, конфликт между Россией и Украиной наглядно продемонстрировал важность диверсификации источников ПИИ в целях предотвращения возникновения чрезмерной ориентированности на одну страну.

Несмотря на недавние успехи, Узбекистану по-прежнему необходимо повышать качество привлекаемых ПИИ. Только 16% иностранных компаний непосредственно занимаются экспортом в Узбекистане, в то время как в других сопоставимых странах иностранные компании часто экспортируют от 40-60% до 90% в своей продукции. Иностранные компании в других странах также с большей вероятностью и чаще используют импортные ресурсы. Данные World Bank Enterprise Surveys (исследование предприятий различных стран Всемирным банком в 2019 г.) показывают, что лишь 1/3 иностранных компаний в Узбекистане используют технологии, лицензированные за границей. Это больше, чем 19% у отечественных компаний в Узбекистане, использующих иностранные технологии, но меньше, чем у компаний во многих сопоставимых странах, таких как Армения, Словакия и Венгрия. Около 55% иностранных компаний в Узбекистане имеют собственные веб-сайты, что в два раза выше, чем у отечественных компаний в Узбекистане, но ниже, чем у компаний в Казахстане, Кыргызской Республике и Таджикистане.

### **Влияние глобальных трендов на привлечение ПИИ**

Ожидается, что глобальные тенденции, к которым относятся пандемия COVID-19, война в Украине, изменение структуры глобальных цепочек создания стоимости, «Индустрия 4.0» и климатические изменения окажут многогранное воздействие на общемировые потоки движения ПИИ, в результате повлияют и на экономику Узбекистана. На формирование мировых потоков ПИИ огромное влияние оказала пандемия COVID-19, став причиной масштабных перебоев в сфере глобального производства и торговли. Ожидается, что Узбекистан как страна, не имеющая выхода к морю, ощутит на себе сравнительно серьёзное негативное воздействие из-за всеобщего уменьшения потоков ПИИ в связи с пандемией и, как следствие, нарушений в цепочках поставок. Также прогнозируется, что война в Украине негативно отразится на только-только начавшемся восстановлению мировой экономики; особенно это коснётся стран Центральной Азии, чьи потоки инвестирования и торговые связи прочно налажены с пострадавшей российской экономикой.

Наряду с этими отрицательными явлениями, амбиции Узбекистана по привлечению ПИИ будут необходимо соотносить с постепенно развивающимся переходным процессом к рыночной экономике, реструктуризацией промышленного производства посредством модели «Индустрия 4.0» (цифровизация, роботизация, 3-D печать и др.), а также с повышенным вниманием к изменению климата и экологической устойчивости. Международные инвестиционные соглашения и торговые соглашения все чаще включают положения, касающиеся устойчивого развития, зеленых инвестиций и экологических обязательств, в частности по декарбонизации своих продуктов и услуг. Политика ПИИ в отношении сокращения выбросов парниковых газов повлияет на многие отрасли, особенно на транспорт, энергетику, автомобильную промышленность и животноводство. Возобновляемые источники энергии постепенно занимают место угля, нефти и газа. Это может негативно отразиться на этих отраслях Узбекистана, но одновременно открывает новые возможности. В ближайшие годы необходимо будет значительно увеличить инвестиции в инфраструктуру экологически чистой энергии, солнечной, ветровой, гидро-, в т.ч. использовать огромный потенциал Узбекистана по развитию микро-ГЭС на ирригационных каналах разного уровня. Оптимизация соответствующей политики и нормативно-правовой базы будет иметь большую важность в позиционировании Узбекистана как надёжной территории для предприятий, конкурирующих в рамках стремительно меняющегося мира.

По мере глобального переосмысления структуры глобальных цепочек создания стоимости и затруднения с получением основных товаров, высокая доступность основных ресурсов в Узбекистане и взаимосвязь Узбекистана с двумя крупнейшими мировыми центрами спроса в Европе и Азии являются конкурентным преимуществом страны. Реконфигурация глобальных производственных сетей позволяет Узбекистану использовать сильную заинтересованность Китая в соединении своей экономики с Европой, чтобы зарекомендовать себя в качестве направления для ПИИ и производства товаров, которые необходимы на обоих рынках.

### **Элементы стратегии по ПИИ**

В упомянутом докладе Всемирного банка по привлечению ПИИ в Узбекистан содержатся основные исходные элементы для разработки правительством Узбекистана новой стратегии и дорожной


карты по ПИИ для открытия новых источников роста экономики, включая выявление отраслей с высоким потенциалом роста для привлечения ПИИ в Узбекистан, концепцию и конкретные задачи, связанные с привлечением ПИИ для Узбекистана, и четкие, поддающиеся количественной оценке цели и целевые показатели для содействия максимальному увеличению вклада ПИИ в достижение общих целей экономического развития Узбекистана.

Анализ исторических показателей ПИИ в Узбекистане свидетельствует о настоятельной необходимости привлечения большего числа и более качественных ПИИ, поступающих из развитых стран, особенно в более сложных и наукоемких секторах. Это повысит эффективность фирм, занимающихся ПИИ, и устранит критические пробелы в инновациях, участии в глобальных производственно-сбытовых цепочках, а также будет способствовать созданию более квалифицированных и высокооплачиваемых рабочих мест для населения Узбекистана, и повысит спрос на связи ПИИ с местной наукой. Это потребует активной деятельности по поощрению инвестиций, тщательно ориентированной на наиболее перспективные отрасли.

Сравнение конкурентоспособности отраслей посредством методологии Группы Всемирного банка по отраслевому сканированию ПИИ позволило выявить ряд отраслей Узбекистана, наиболее отвечающих требованиям достижения целей, поставленных в рамках стратегии до 2026 г. Отраслевое сканирование ПИИ опиралось на: (1) комбинацию информации из законченных аналитических отчетов (см. Приложение 9.2 отчета), (2) оценку потенциальной выгоды инвестиционных проектов в отраслях экономики для инвесторов (см. Приложение 9.3 отчета), (3) выводы из детальных консультаций с предприятиями частного сектора Узбекистана, в том числе с ПИИ, в разных отраслях экономики (см. Приложение 9.4 отчета), и (4) выявление потенциально приоритетных отраслей для привлечения ПИИ по двум критериям: «желательность для страны», целесообразность привлечения ПИИ в отрасль с точки зрения выгод для Узбекистана для достижения его целей развития (например, потенциал создания рабочих мест, роста доходов, роста экспорта, потенциал интеграции в глобальные цепочки, перелив новых технологий в страну), а также «выгодность для иностранного инвестора», коммерческая отдача от инвестирования в данные отрасли исходя из имеющихся условий инвестирования (прибыль, совокупные издержки на единицу продукции, отдача на капитал и др.).

Приоритетные отрасли для привлечения ПИИ – это те, что представляют наибольшие выгоды для экономики Узбекистана и, в то же время, являются максимально привлекательными для иностранных инвесторов, как показано на рисунке ниже (Рис. 1). К ним можно отнести два типа отраслей: (1) «готовые к продвижению» для привлечения ПИИ, и (2) «перспективные» для привлечения ПИИ. В отраслях, относящихся к первой категории («готовые к продвижению» для привлечения ПИИ), существует высокая вероятность привлечения ПИИ в кратко- и среднесрочной перспективе. К ним можно отнести, например, производство электрооборудования, упаковочных материалов, банковское дело и возобновляемые источники энергии. Отрасли, относящиеся ко второй категории («перспективные» для привлечения ПИИ) требуют реализации дополнительных мер государственной политики и реформ для полного раскрытия их потенциала с целью повышения их привлекательности для инвесторов. К ним можно отнести, например, пищевую промышленность и производство строительных материалов. Для этих отраслей необходимо определить конкретные действия по реформированию мер политики, которые могут помочь им стать отраслями, которые можно считать готовыми к усилиям по привлечению ПИИ. Например, в пищевой промышленности нужно устранить трудности по нехватке холодильных складов для готовой продукции. В промышленности строительных материалов большие затраты на логистику, высокие пошлины на импорт сырья и большое присутствие государства.

Рисунок 1. Приоритетные отрасли, определённые для привлечения ПИИ в Узбекистане.



**Источник:** рекомендации для национальной стратегии по прямым иностранным инвестициям с дорожной картой для Узбекистана: новые источники роста. Всемирный банк, Вашингтон, Округ Колумбия, 2022 г., с.47.

За последние несколько лет в 2017-2021 гг. правительство Узбекистана реализовало большую программу реформ, которые повысили конкурентоспособность и инвестиционную привлекательность страны. Правительство провело ключевые реформы по либерализации обменного курса национальной валюты, улучшению процедур по регистрации и условий для работы частных предприятий, в том числе путем цифровизации и упрощения, улучшению онлайн доступа к законодательству, что повысило производительность труда в экономике. На базе достижений этих реформ, в упомянутом отчете по рекомендациям к стратегии ПИИ приводятся новые меры реформ по дальнейшему повышению конкурентоспособности экономики Узбекистана для привлечения ПИИ более высокого качества в свете меняющихся глобальных условий для ПИИ. В 2019 г. Узбекистан принял новое законодательство по инвестициям и улучшил институциональную структуру для продвижения инвестиций путем предоставления МИВТу мандата по инвестиционной политике и реструктуризации функций Агентства по привлечению ПИИ при МИВТ. Также реформы улучшили доступ на рынки Европы путем присоединения к Генеральной системе преференций Европейского Союза (GSP+) в апреле 2021 г.

Всесторонняя оценка нормативно-правовой базы Узбекистана и экономической среды для инвестиций и проведенные консультации с частными фирмами с ПИИ в Узбекистане в более десяти отраслях экономики выявили ключевые проблемы и препятствия для открытия новых источников роста и повышения уровня ПИИ в Узбекистане. Также помог этому и обзор существующих аналитических отчетов Группы Всемирного банка и других международных организаций (например, Систематическая диагностика Всемирного банка по Узбекистану 2022 г., Диагностика частного сектора Узбекистана в 2019 г., Диагностика экономического роста Узбекистана в 2018 г., Экономический меморандум по Узбекистану в 2021 г. среди прочих). Эти элементы позволили провести всестороннюю оценку ключевых

барьеров в инвестиционном климате и выявить реформы по улучшению инвестиционного климата для привлечения ПИИ. Новый закон об инвестициях 2019 г. упорядочил законодательство об инвестициях. Тем не менее, закон еще можно усилить, чтобы обеспечить большую ясность и устранить оставшиеся неясности, особенно связанные с защитой и гарантиями инвесторов, и обеспечить соответствие двусторонним инвестиционным договорам и международным инвестиционным соглашениям, ратифицированным Узбекистаном.

Важно отметить, что такие реформы должны дополнять реформы, укрепляющие среду для частного сектора в более широком смысле, включая реформы, нацеленные на улучшение рыночного распределения таких факторов производства как земля, человеческий капитал, сырье, кредиты, а также реформы по улучшению конкуренции, по усилению экспорто-ориентированности частного сектора, направленные на создание улучшенных бизнес-услуг для частного сектора, и по ускорению рыночных реформ в сельском хозяйстве, как отмечается в опубликованной Всемирным банком недавно Систематической диагностике по Узбекистану.

Предложенный план действий по реализации стратегии ПИИ и дорожная карта, представленные в отчете Всемирного банка, излагают конкретные меры по реформированию, которые правительство Узбекистана может предпринять в течение следующих трех-пяти лет для решения выявленных проблем по увеличению инвестиций страны, и содержат ориентировочные сроки и приоритеты с момента реализации. Рекомендованные реформы для повышения инвестиционной конкурентоспособности Узбекистана подразделяются на три основные категории:

- **Реформы по улучшению инвестиционного климата.**

- модернизировать инвестиционное законодательство,
- согласовать и централизовать ограничения на ПИИ,
- опубликовать политику и процедуры лицензирования, связанные с инвестициями,
- создать эффективный механизм рассмотрения жалоб,
- усилить правила, регулирующие законную экспроприацию,
- опубликовать полный перечень позитивных стимулов, а также и «негативного списка»

для гармонизации и централизации всех ограничений и запретов на ПИИ с целью повышения прозрачности,

- регулярно рассматривать/мониторить инвестиционные ограничения и барьеры инвестиционной политики в целевых отраслях, на которые нацелена стратегия ПИИ, в т.ч. обеспечение бесперебойного электроснабжения для производственных процессов, снабжения сырьем и материалами, развитие технических навыков персонала, улучшение конкуренции, развитие логистики и др.,

- составить план действий по согласованию таможенных тарифов и акцизов для основных ресурсов и базового сырья для содействия усилению конкуренции и развития технических навыков в приоритетных отраслях для ПИИ;

- **Реформы по укреплению деятельности по поощрению инвестиций, включая соответствующие учреждения и процессы.**

- принятие согласованной координационной основы для государственных органов, занимающихся поощрением и упрощением процедур инвестирования, укрепление их управления и оперативной эффективности,

- предоставление услуг иностранным инвесторам со стороны агентств по продвижению инвестиций и других гос.органов,

- подготовка и проведение целевых кампаний по поощрению инвестиций в целевых отраслях,

- установление систематического подхода для сопоставительного анализа (бенчмаркинга) и к установлению контрольных показателей конкурентоспособности,

- подготовка и осуществление целевых программ после-проектного содействия инвесторам,

- создание основы для систематического отслеживания мнений, настроений и намерений иностранных инвесторов в Узбекистане; и

- **Реформы по использованию потенциала приватизации государственных предприятий и государственно-частного партнерства (ГЧП) для привлечения ПИИ.**

- принятие закона о приватизации, определение роли ПИИ в процессе приватизации, подготовка и реализация специальной программы привлечения ПИИ, связанной с приватизацией,

- увязка проектов по ГЧП со стратегическими приоритетами ПИИ, особенно потребностей в ПИИ для развития инфраструктуры,
- проведение обзора структуры ГЧП Узбекистана, укрепление потенциала по реализации ГЧП.

Надеемся, что данное исследование Всемирного банка внесет вклад в разработку национальной стратегии по ПИИ в Узбекистане. А также поможет и в эффективной реализации стратегии посредством предложенной подробной дорожной карты и практической системы мониторинга и оценки (МиО) с ключевыми показателями деятельности (КПД или КРІ), которые могут применяться правительством для мониторинга прогресса в достижении целей и задач стратегии по ПИИ. В отчете также излагаются соответствующие механизмы и периодичность сбора данных и обязанности заинтересованных органов правительства по контролю за прогрессом и отчетности.

## РАҚОБАТБАРДОШЛИК ПАРАМЕТРЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ОҚИМЛАРИГА ТАЪСИРИ

Глобализация жараёнларининг тобора чуқурлашиб бориши билан мамлакатлар, минтақа ва шаҳарлар орасида иқтисодийнинг деярли барча жабҳаларида, жумладан, туризм соҳасида ҳам рақобат шиддатли тус олмоқда. Бугунги сайёҳ дам олиши ёки бизнес сафарларини амалга ошириши учун танлов имкониятлари ва талаблари жуда кенг. Шу сабабли, давлатлар туризм соҳасида узоқ муддатга мўлжалланган режалаштиришни ўз устунликлари ва заиф томонларини, жаҳон миқёсидаги рақобатбардошликларини ҳолис баҳолаган ҳолда амалга оширишлари муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, COVID-19 пандемияси туризм соҳасидаги муҳитни тубдан ўзгартирди, рақобатбардошлик қабул қилувчи давлатларда барқарорлик калити ва вазиятнинг ечими сифатида намоён бўлди [4].

Анъанавий ёндашув асосида кенг ёйилган таърифига кўра, рақобатбардошлик “мамлакат эркин ва адолатли бозор шароитида халқаро бозорлар талабига жавоб берадиган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва узоқ муддатли истиқболда аҳолининг реал даромадларини сақлаш ва оширишни удалай олиш даражасидир”[6]. Жаҳон Иқтисодий Форумининг (ВЭФ) кенгрок макроиқтисодий талқини бўйича эса рақобатбардошлик “мамлакатнинг самарадорлик даражасини белгиловчи институтлар, сиёсат ва омиллар мажмуи”дан иборат. Ўз навбатида, туризм рақобатбардошлигига тааллуқли таърифлар ҳам хилма-хил. Уларнинг замирида асосий ресурслар ва диққатга сазовор жойлар, қўллаб-қувватловчи омиллар, стратегик режалаштиришни қўллаш, вазият ва шарт-шароитлар (сиёсий вазият, географик жойлашув ва бошқалар)дан иборат омиллар ётади [5].

Мазкур тадқиқот мамлакатга таъриф буюрувчилар сонига рақобатбардошлик ва унинг параметрлари таъсирини баҳолашга бағишланган. Туризмнинг ўсиб бораётган ижтимоий-иқтисодий аҳамияти сабабли, туризмнинг миллий рақобатдошлигини баҳолаш ва мониторинг қилишнинг бир қатор услублари ишлаб чиқилди [2, 3, 5]. Дестинациялар рақобатдошлигига доир энг муҳим ишланмалардан ВЭФ томонидан тақдим этилган Туризм рақобатбардошлиги индекси (ТТСИ – Tourism and Travel Competitiveness Index) . 2021 йилдан бошлаб, мазкур индекс такомиллаштирилиб, “Туризм ривожланиши индекси”га ўзгартирилди [7]. Пандемиядан кейин туризм соҳаси ўз фаолиятини тўлиқ тикламаганлиги сабабли, ундан аввалги давр маълумотлари асосида таҳлиллар ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

ТТСИ индекси – туризм соҳаси рақобатбардошлигининг миллий баҳосини кўрсатади ва ҳукуматнинг туризм соҳасида олиб бораётган чора-тадбирлари муваффақиятининг ўлчови вазифасини бажаради. Ушбу индекс туризм рақобатбардошлигига салмоқли таъсир кўрсатувчи ўзгарувчиларнинг тўртта муҳим гуруҳи асосида ҳисобланади. Бу гуруҳлар (1) туризмни қўллаб-қувватловчи муҳит, (2) туристик сиёсат ва иккиламчи шарт-шароитлар, (3) инфратузилма ҳамда (4) табиий ва маданий ресурслари субиндексларини ўз ичига олади. Ўз навбатида, ҳар бир субиндекс туризм рақобатбардошлигининг бир неча мезонлари орқали берилган, умумий ҳолда 14 та мезон тақдим этилган (1 - жадвал). Мезонлар ҳам бир неча ўзгарувчилар ёрдамида баҳоланади.

### 1-жадвал

#### Туризм рақобатбардошлиги мезонлари

Туризмни қўллаб-қувватловчи муҳит	Туристик сиёсат ва иккиламчи шарт-шароитлар
Ишбилармонлик муҳити Хавфсизлик Соғлиқни сақлаш ва гигиена Инсон ресурслари ва меҳнат бозори Ахборот технологиялари ҳолати	Соҳа устуворлиги Халқаро очиклик Нарх рақобатдошлиги Атроф-муҳит барқарорлиги
Инфратузилма	Табиий ва маданий ресурслар
Ҳаво транспорти инфратузилмаси Ер ва сув транспорти инфратузилмаси Туристик хизматлар инфратузилмаси	Табиий ресурслар Маданий ресурслар

Жаҳон туризм бозорида рақобатбардошлик омилларининг аҳамиятлилиги даражасини баҳолашнинг халқаро туристик оқимлар билан ифодаланган модели 1 - расмда тасвирланган. Таклиф

этилатган модель ВЭФнинг Туризм ва саёхат рақобатбардошлиги индексига тегишли ишланмаларга асосланган, тушунтирувчи омиллар сифатида дестинациялар рақобатбардошлигининг 14 кўрсаткичидан фойдаланилган ва улар “K<sub>ij</sub>” (i=1,...14; j=1...140).



**1-расм. Халқаро туристик оқим ўсиши омилларини таҳлил этувчи концептуал модели**

Халқаро индекслар таъсирини моделлаштиришнинг эмпирик моделларига асосланган ҳолда ТТСИ ва унинг субиндексларини халқаро туристик оқимлар ҳажмига таъсирини ўлчаш учун қуйидаги чизиқли-логарифмик моделдан фойдаланамиз:

$$\log(TA_i) = \beta_1 + \beta_2 K_{ji} + \beta_3 \log(GDP)_i + \beta_4 \log(population)_i + \varepsilon_i, \quad (1)$$

$$i=1, \dots, 140; j=1, \dots, 14$$

бунда, тобе ўзгарувчи  $\log(TA_i)$  – ҳар бир давлатга 2009-2017 йиллар давомида ташриф буюрганларнинг ўртача сони логарифми;  $K_{ji}$  – ТТСИнинг 2019 йил учун субиндекслари ( $K_{1i}$  – ишбилармонлик муҳити;  $K_{2i}$  – хавфсизлик;  $K_{3i}$  – соғлиқни сақлаш ва санитария;  $K_{4i}$  – инсон ресурслари ва меҳнат бозори;  $K_{5i}$  – ИТ ҳолати;  $K_{6i}$  – мамлакат учун соҳанинг устуворлиги;  $K_{7i}$  – халқаро очиқлик;  $K_{8i}$  – баҳо рақобатбардошлиги;  $K_{9i}$  – атроф-муҳит барқарорлиги;  $K_{10i}$  – ҳаво транспорти инфратузилмаси;  $K_{11i}$  – ер усти ва сув транспорти инфратузилмаси;  $K_{12i}$  – туристик хизматлар инфратузилмаси;  $K_{13i}$  – табиий ресурслар;  $K_{14i}$  – маданий мерос ва хизмат сафарлари);  $\log(GDP)_i$ , – аҳоли жон бошига ЯИМ қийматлари логарифми ва  $\log(population)_i$  – мамлакат аҳолиси сони логарифми [1]. Сўнгги иккита ўзгарувчи натижаларнинг статистик барқарорлигини текшириш учун киритилади.

Тадқиқотимизнинг мақсадларидан бири – туризм халқаро рақобатбардошлигининг туристик оқимларга таъсирини баҳолашдир. Адабиётларни ўрганиш жараёнида туризм оқимларини прогнозлашда даромад, масофа, иқлим, табиий ва маданий ресурслар каби омиллар ҳисобга олинишига гувоҳ бўлдик. Мазкур илмий ишда, “дестинация рақобатбардошлиги халқаро туристик оқимларни белгиловчи муҳим омилдир”, деган гипотеза олға сурилиб, қўйилган гипотеза ўринли эканлигини эмпирик жиҳатдан асослашга эришилди.

**Қўйилган гипотезани текшириш қуйидаги ифодани 117 та давлатдан иборат танланма воситасида баҳолаймиз:**

$$\log(TA_i) = \beta_1 + \beta_2 K_{ji} + \beta_3 \log(GDP)_i + \beta_4 \log(population)_i + \varepsilon_i, \quad (2)$$


$$i=1, \dots, 140; j=1, \dots, 14$$

Энг аввало ўзгарувчилар орасидаги корреляция кўрсаткичлари аниқланди (2 - жадвал). Корреляцион таҳлил халқаро ташриф буюрувчилар сони (ТА), халқаро туризм тушумлари (TR) ва



рақобатбардошлик индекси (ТТСІ) орасида кучли корреляцион алоқа борлигини тасдиқлади. Халқаро ташриф буюрувчилар сони билан Ахборот технологиялари ҳолати, ҳаво транспорти инфратузилмаси, туристик хизматлар инфратузилмаси ҳамда маданий мерос субиндекслари орасида юқори корреляцион боғлиқлик аниқланди. Шунингдек, ТА билан соғлиқни сақлаш ва санитария, хавфсизлик, инсон ресурслари ва меҳнат бозори, халқаро очиклик, соҳа устуворлиги ва табиий ресурслар субиндекслари орасида ўртача кучли корреляция мавжудлиги тасдиқланди. Қизиқарлиси, ТТСІ нинг субиндексларидан ишбилармонлик муҳити, баҳо рақобатбардошлиги ҳамда атроф-муҳит барқарорлиги ташриф буюрувчилар сонига сезиларли таъсир кўрсатмаслиги ҳам исботланди.

Халқаро ташриф буюрувчилар сони билан туризм рақобатбардошлиги индекси орасидаги боғлиқлик характери аниқлаш учун уларни скаттер-диаграмма кўринишида тасвирлаймиз. 2-расмда ўзгарувчилар орасида чизиқли боғлиқлик мавжуд эканини кўриш мумкин. Демак, юқорида келтирилган модель тўғри танланган, деб ҳулоса қилишга ҳақлимиз.



**2-расм. Халқаро ташриф буюрувчилар сони билан туризм рақобатбардошлиги индекси орасидаги боғлиқлик скаттер-диаграммаси**

Регрессия натижалари 3-жадвалда келтирилган. Натижалар мантиқийлиги ва ишончлилигини назорат қилиш учун олинган мамлакатлар ЯИМ ва аҳолиси сони ўзгарувчилари киритилди. Ўзгарувчилар барча регрессияларда ишора ва статистик аҳамиятlilik жиҳатидан тўғри баҳоланган. Мамлакатларнинг ЯИМ мусбат ишорага эга ҳамда 1% даражада статистик аҳамиятлидир. Коэффициентнинг миқдорий маъноси мамлакатнинг ЯИМ 1% га юқори бўлса, унга туризм оқимлари 0,34% дан – 0,8% гача ёки ўртача 0,5% га ортиқ бўлишини англатади. Демак, юқори ЯИМли мамлакатларга халқаро ташриф буюрувчилар сони нисбатан кўп бўлади. Аҳоли сонини кўрсатувчи (POP) ўзгарувчиси ҳам 1% аниқликда статистик аҳамиятли ва мусбат ишорага эга. Олинган натижалар қатъиятlilikи (robustness) бир неча усулда текширилди. Масалан, Шарқий Европа ва МДХ давлатларида туризм бозор муносабатлари шароитидаги ривожланиши бошқа давлатлардан фарқ қилишини эътиборга олган ҳолда танланмадан бу давлатларни истисно қилиш асосида регрессиялар амалга оширилди, бироқ натижаларда сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Бундай ҳолат 3-жадвалда келтирилган натижалар қатъий, ишончли ва ҳолис эканини англатади.

Энг асосийси, ТТСІ ва унинг К1 (ишбилармонлик муҳити) ва К8 (баҳо рақобатбардошлиги) дан ташқари бошқа барча субиндекслари ташриф буюрувчилар сонига таъсири статистик жиҳатдан юқори аҳамиятли эканлиги аниқланди, бундай натижани корреляцион таҳлилларда ҳам кузатиш мумкин. Демак, мамлакатнинг халқаро туризм бозоридаги рақобатбардошлиги халқаро туристлар оқимига салмоқли таъсир кўрсатади. Яъни, ТТСІ нинг 1 пунктга юқори бўлиши, мамлакатга туристлар оқими ҳажмининг 1,87 % га ошишига мос келади.

16. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-27 от 29.11.2021 г. «О мерах по утверждению и реализации Концепции общественной безопасности Республики Узбекистан».
17. Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-3245 от 29.08.2017 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления проектами в сфере информационно-коммуникационных технологий».
18. Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-316 от 12.07.2022 г. «Об утверждении Общенациональной программы «Безопасная и гладкая дорога», намеченной к реализации в 2022-2026 годах».
19. Сайт Центр информационной безопасности и содействия в обеспечении общественного порядка Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций // <https://www.psec.uz>.

## Приложение 1.

### Приоритетные сферы и отрасли для внедрения технологий искусственного интеллекта (ИИ)\*

№	Отрасль/сфера	Область применения согласно Программе	Примечания автора
1	Сельское хозяйство	Мониторинг состояния почвы и сельскохозяйственных культур на основе данных дистанционного зондирования земли, а также работы сельскохозяйственной техники, в том числе комбайнов	В целом носит прикладной характер. На практике уже применяются беспилотные летательные аппараты для сбора данных. Главным является дальнейшая обработка этих данных, где может вступать в игру ИИ, выбирая решения для проведения необходимых мероприятий. Что касается

			сельскохозяйственной техники – то здесь, скорее всего, имеется ввиду её обучение распознавать качество почвы, высоту ростков и на основе этого определять, сколько надо внести семян, удобрений, какую выбрать позицию насадок и др. Однако здесь встает вопрос – экономическая эффективность выпуска сельхозтехники со встроенным ИИ, насколько это финансово оправдано. Видится возможность применения ИИ в проведении мероприятия по адаптации к изменениям климата.
2	Банки	Повышение эффективности мониторинга за деятельностью коммерческих банков и упрощения выполнения ими регуляторных требований (SubTech и RegTech), а также для анализа качества оказания банковских услуг, удаленной биометрической идентификации (Face-ID) пользователей и оценки кредитных рисков	В целом носит прикладной характер, но больше преобладает второй и третий уровни – машинное обучение и глубинное обучение. Часто применяется крупными банками для проведения скоринга кредитозаемщика. В настоящее время выстраивается тесное сотрудничество Газпромбанка России и Узначбанка в направлении проведения машинного обучения. Может применяться для выявления транзакционного мошенничества
3	Финансы	Анализ и повышение эффективности бюджетных расходов, пенсионных, социальных и страховых выплат, а также пособий	В целом носит прикладной характер. Основная цель – правильный расчет всех выплат, правильное сопоставление доходов и расходов бюджета, максимальная точность и альтернативность вариантов бюджета.
4	Налоги	Анализ налоговых поступлений юридических лиц, выявления отклонений налоговых отчислений	В целом носит прикладной характер.
5	Транспорт	Процесс управления локомотивами для отслеживания их передвижения и предупреждения машинистов при опасных ситуациях, анализа движения общественного транспорта и определения оптимальных маршрутов, а также мониторинга автомобильного движения и транспортных пробок	В целом носит прикладной характер, но возможен и второй и третий уровни – машинное обучение и глубинное обучение. В настоящее время в Узбекистане активно устанавливаются специальные программные комплексы видеонаблюдения. Осуществляются меры по обеспечению концепции «Безопасный Узбекистан», программ «Безопасный город», «Безопасная и гладкая дорога» [16], [17], [18]. Так, комплекс «Безопасный город» предусматривает интеграцию информационных систем органов внутренних дел, государственных органов и других организаций, систем видеонаблюдения, фиксации правонарушений, охраны объектов, раннего реагирования и оповещения о возможных угрозах, датчиков интеллектуальной аналитики, а также других информационных систем по профилактике правонарушений, дежурно-диспетчерских центров и центров обработки данных [19]. Необходимо более широкое применение беспилотного транспорта.
6	Энергетика	Прогнозирование выработки и потребления энергоресурсов, оптимизации работы технологического оборудования	В целом носит прикладной характер, но возможен и второй и третий уровни – машинное обучение и глубинное обучение. Должно быть увязано с данными обязательного энергоаудита. Следует добавить возможность управления рисками возникновения техногенных катастроф.
7	Здравоохранение	Диагностика пневмонии на основе анализа компьютерной томографии легких человека, а также рака молочной железы на ранних стадиях на основе анализа маммографии	В целом носит прикладной характер, но возможен и второй и третий уровни – машинное обучение и глубинное обучение. Применение должно быть расширено. Необходимо увязать с анализом роста всех видов заболеваний, выявления их причин и разработки адресных программ в рамках страны. Важно использовать в профилактических целях при анализе

			лабораторных исследований и результатов диагностики. Важно для разработки программ по сокращению генетических заболеваний, выявлению широкого круга заболеваний на ранних стадиях.
	Фармацевтика	Анализ и прогнозирование потребностей рынка в лекарственных средствах и изделиях медицинского назначения	В целом носит прикладной характер. Связано с маркетинговыми исследованиями и коррелирует с задачами, которые могут решаться с применением ИИ в здравоохранении.
	Электронное правительство	Удаленная биометрическая идентификация пользователей при оказании электронных государственных и финансовых услуг (Face-ID)	В целом носит прикладной характер, но возможно машинное обучение. Особенно актуально для системы кадастра.

*\*Составлено автором на основе Постановления Президента Республики Узбекистан № ПП-4996 от 17.02.2021 г. «О мерах по созданию условий для ускоренного внедрения технологий искусственного интеллекта».*

## **ДУНЁ ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БОЗОРИ ТАЖРИБАЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**Комилжон ҚЎЗИЕВ,**

*PhD (иқтисодий фанлари бўйича),*

*Прогнозлаштириши ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти  
лойиҳа раҳбари,*

**Фазлиддин МУХИДДИНОВ,**

*Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириши вазирлиги  
Бош мутахассиси - мустақил тадқиқотчи*

**Аннотация:** мақолада дунё томчилатиб суғориш технологиялари (ТСТ) бозори тажрибалари ёритилган. Тадқиқот натижасида дунё мамлакатлари илгор тажрибаларини Ўзбекистон ҳудудларида қўллаш бўйича тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** Дунё томчилатиб суғориш технологиялари бозори, ТСТ бозорининг ҳажми, ТСТ қўлланилган майдонлар ҳажми, жами суғориладиган майдонидаги улуши, сув танқислиги, сув тежамкорлик, манзилли озиқлантириши

## **ВОПРОСЫ ПРИМЕНЕНИЯ МИРОВОГО ОПЫТА РЫНКА ТЕХНОЛОГИЙ КАПЕЛЬНОГО ОРОШЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Комилжон КУЗИЕВ,**

*PhD (по экономическим наукам),*

*Руководитель проекта Института прогнозирования и  
макроэкономических исследований,*

**Фазлиддин МУХИДДИНОВ,**

*Министерство экономического развития и сокращения бедности,  
Главный специалист - соискатель*

**Аннотация:** в статье освещен опыт мирового рынка технологий капельного орошения (ТКО). В результате исследования сформированы рекомендации по применению передового опыта стран мира в регионах Узбекистана.

**Ключевые слова:** мировой рынок технологий капельного орошения, объем рынка капельного орошения, площади капельного орошения, доля капельного орошения от общей орошаемой площади, дефицит воды, водосбережение, точная фертигация.

## ISSUES OF APPLYING THE WORLD EXPERIENCE OF THE DRIP IRRIGATION TECHNOLOGY MARKET IN UZBEKISTAN

**Komiljon KUZIEV,**

*PhD (in Economics),*

*Project Manager of Institute for Forecasting  
and Macroeconomic Research,*

**Fazliddin MUKHIDDINOV,**

*Chief Specialist of Ministry of Economic Development  
and Poverty Reduction Researcher*

**Abstract:** *the article highlights the experience of the global market for drip irrigation technologies. As a result of the study, recommendations were formed on the application of the best practices of the countries of the world in the regions of Uzbekistan.*

**Keywords:** *world market of drip irrigation technologies, volume of the drip irrigation market, drip irrigation areas, share of drip irrigation in the total irrigated area, water scarcity, water saving, precision fertigation.*

**Кириш.** Худудларда сув танқислигининг ортиб бориши мавжуд ресурслардан тежамли фойдаланишни талаб қилади. Шу мақсадда, мамлакатимизда сув тежамкор технологияларни (СТТ) қўллаш бўйича амалий ишлар амалга оширилмоқда. Бу соҳада юқори самарадорликка эришиш учун дунёда шаклланган томчилатиб суғориш технологиялари бозорига интеграциялашиш ва унинг илғор тажрибаларини Ўзбекистонда қўллаш долзарб ҳисобланади. Бу тажрибалар худудларда СТТ ларни қўллашни сифат жиҳатидан юқори даражага олиб чиқади. Шу сабабли, ушбу тадқиқотнинг мақсади дунё томчилатиб суғориш технологиялари (ТСТ) бозорини ўрганиш ва уларнинг илғор тажрибаларининг Ўзбекистон худудларида қўллаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Адабиётлар шарҳи.** Дунё ТСТ бозори тенденцияларига оид таҳлиллар, асосан соҳага оид аналитик ташкилотлар томонидан бериб борилади. Жумладан, The International Commission on Irrigation and Drainage ҳамда Fortune Business Insights ташкилотларининг экспертлари, АҚШнинг Род-Айленд университети олимлари томонидан дунё ТСТ бозорининг ҳажми, ўсиш суръати ва прогнозлари, бозорнинг сегментлари ва давлатлар кесимидаги қамрови каби маълумотлар уларнинг йиллик таҳлилий ҳисоботларида кенг ёритилган.

**Асосий қисм.** Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш усулларида бири томчилатиб суғориш бўлиб, бу усул биринчи марта XX асрнинг 60-йилларида Исроилнинг Негев чўлида қўлланилган. Қисқа вақт ичида эришилган ижобий натижалар дунёнинг кўплаб мамлакатларида томчилатиб суғоришнинг тез тарқалишига хизмат қилди. Натижада дунёда томчилатиб суғориш технологиялари (ТСТ) бозори шаклланиб бўлди ва унинг ҳажми 9,3 млрд. АҚШ доллари миқдорига баҳоланмоқда. Дунёда Chinadrip Irrigation Equipment Co. Ltd, Hunter Industries; Irritek SPA, Jain Irrigation Systems Ltd, Lindsey Corporation, Microjet, Netafim, Rhine Bird Corporation, Rivulis Irrigation Ltd ва Toro Company каби компаниялар ТСТнинг йирик ишлаб чиқарувчиси ва ўрнатиб берувчилари ҳисобланади. Шунингдек, ТСТ нинг энг асосий талабгорлари Хитой, АҚШ, Британия, Канада, Германия, Франция, Италия, Австралия, Россия, Япония, Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Бразилия, Аргентина каби давлатлар эканлиги қайд этилмоқда [1].

Дунё ТСТ бозорининг энг асосий иштирокчиларидан бири Исроилнинг “Netafim” компанияси ҳисобланади. Бу компания ТСТ ўрнатиш бўйича дунёнинг 110 мамлакатада иш олиб боради. Ер юзидан унинг 33 та филиали ва 17 та ишлаб чиқариш заводлари (йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 150 млрд. дона ТСТ ускунаси) ҳамда юзлаб илмий лойиҳа марказлари фаолият олиб боради. Компаниянинг хизмат кўрсатиш майдони 10 млн гектарни ташкил этган ҳолда, дунёдаги жами ТСТ жорий қилинган майдонларнинг 13 % ини қамраб олган. Ушбу компания Ўзбекистонда ҳам ўз фаолиятини юритади, бироқ унинг қамрови катта эмас. Шунингдек, “Rivulis Irrigation Ltd” компанияси (1966 йилда ташкил топган) дунёнинг 30 та мамлакатада ўз филиалларини очган бўлиб, 3 та йирик илмий марказ ва 15 та йирик ишлаб чиқариш заводларига эга [2].

АҚШнинг Род-Айленд университети (University of Rhode Island) экспертлари баҳоларига кўра, дунё ТСТ бозорининг ҳажми 2028 йилга бориб 23,3 млрд. АҚШ долларига етади. Бу ҳозирги кўрсаткичдан деярли 2,5 бараварга ортиқдир [3].

Fortune Business Insight ташкилоти Осиёдаги ТСТ бозорининг ҳажмини 4,3 млрд. АҚШ доллари қийматида баҳоламоқда. Бу бозорнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 9,3% ни ташкил этса,



2026 йилга келиб унинг ҳажми 9,3 млрд. АҚШ доллариға етган ҳолда, дунёдаги ТСТ бозорининг 40%ини қамраб олиши прогноз қилинган [4].

Ер юзидаги суғориладиган майдонларда сув тежамкор технологияларнинг қўлланиши 100 млн гектарга яқинлашиб қолди. Экин майдонларига турли шаклдаги сув тежамкор технологияларни қўллаш ҳажми бўйича дунёда Хитой мамлакати етакчилик қилмоқда. Жумладан, 2009 йилда Хитой Давлат Кенгаши томонидан “Миллий сувни тежаш - ирригация” дастури қабул қилинади ва бу дастурда 2020 йилга келиб, сув тежайдиган суғориш лойиҳалар остида суғориш майдони мамлакатдаги жами суғориш майдонининг 80% ини (деярли 48 млн гектар) қамраб олиши, шу жумладан, спринклер технологияли майдонларни 4,29 млн гектарга, томчилатиб суғоришни 1,3 млн гектарга, паст босимли трубалар орқали суғориш майдонларини 8,08 млн гектарга ва каналлар копламали суғориш майдонларини 17,8 млн гектарга етказиш режалаштирилган [5].

Шунингдек, бу чора-тадбирга ҳукумат жами 150 миллиард юан (22 млрд АҚШ доллари) инвестиция киритишни режалаштираётгани айтилган.

Хитой юзага келатган сув танқислиги муаммосини ечиш мақсадида ирригация соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишни жадаллаштириш учун жами сармояларни йилига 1 триллион юангача (145,8 млрд АҚШ доллари) ошириш режасини баён қилган.

#### 1-жадвал

#### Дунёда сув тежамкор технологиялар (СТТ) қўлланилган майдонлар ҳақида маълумот (2017-2020 йиллар)

Мамлакатлар номи	Жами суғориладиган майдони, млн. гектар	Шулардан СТТ қўлланилган майдон, млн.гектар	Жами суғориладиган майдонидаги улуши (фоизда)
Исроил	0,3	0,3	99,0
Бразилия	5,8	4,5	77,0
Испания	3,6	2,6	73,0
ЖАР	1,7	1,2	72,0
Жанубий Корея	1,1	0,7	60,0
Италия	2,4	1,4	57,0
АҚШ	24,7	13,8	56,0
Саудия Арабистони	1,6	0,9	56,0
Франция	2,9	1,5	51,0
Хитой*	59,0	24,0	41,0
Австралия	2,4	1,9	38,0
Туркия	5,7	1,1	18,0
Миср	3,4	0,6	17,0
Эрон	8,6	1,4	16,5
Ҳиндистон	69,5	7,7	11,1
Бошқа мамлакатлар	35,0	11,0	31,0
<b>Жами</b>	<b>227,7</b>	<b>74,6</b>	<b>33</b>

**Манба:** *International Commission on Irrigation and Drainage (ICID) маълумотлари асосида тузилган.*

Дунё мамлакатлари орасида сув тежамкор технологияларни катта майдонларга қўллаш бўйича АҚШ (13,8 млн гектар), Ҳиндистон (7,7 млн гектар), Бразилия (4,5 млн гектар), Испания (4,5 млн гектар) давлатлари етакчилик қилмоқда.

Бироқ жами суғориладиган майдонларда ТСТ ининг қамрови кўрсаткичи бўйича Исроил етакчилик қилмоқда. Исроилда жами суғориладиган майдонларининг 99 % ига сув тежамкор технологиялар ўрнатилган (1-жадвал).

Уларнинг самарали технологияси манзилли озиклантириш (Precision Fertigation) деб номланади. Бу шаклдаги томчилатиб суғориш усули ўсимликларнинг илдиз зонасига сувни кичик дозаларда томчилатиш орқали уни озиклантиришга асосланган. Бунда сув таъминотининг миқдори ва частотаси ўсимликларнинг эҳтиёжларига мувофиқ тартибга солинади. Сув барча ўсимликларга тенг ва бир хил миқдорда оқади. Бунда бутун дала суғорилмайди, сувни йўқотмасдан, ўсимлик илдизига керакли миқдор етказиб берилади ва буғланиш, шимилиш туфайли катта сув йўқотишлари камаяди.

Сувдан тежамли фойдаланишда Исроил мамлакати тажрибаси жуда ҳам самарали ҳисобланади. Жумладан, уларда сувдан фойдаланиш соҳасидаги Қонунчилик базаси қуйидаги меъёрий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган: 1959 йилда қабул қилинган “Сув ресурслари тўғрисида”ги Қонун (фундаментал ҳукукий асос ҳисобланади), 1956 йилда қабул қилинган “Сув

кудукларини бурғилаш устидан назорат тўғрисида”ги Қонун, 1957 йилдаги “Тупроқни муҳофаза қилиш ва дренаж тизими тўғрисида”ги Қонун, 1995 йилда кучга кирган “Сувни ўлчаш тўғрисида”ги Қонун, 2001 йилда қабул қилинган “Сув корпорациялари тўғрисида”ги Қонунлар бўлиб, эътиборлиси сувдан фойдаланиш соҳасидаги ҳар бир ислоҳот Қонун билан мустаҳкамланган.

Исроилнинг Катерина кибуцисада 1972 йилда тузилган “НЕТАФИМ” (Netafim irrigation) компанияси дунёда томчилатиб суғориш тизимларининг биринчи саноат ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади. Ушбу томчилатиб суғориш тизимининг (ТСТ) афзаллиги нафақат 70% гача сувни тежашдир, балки минерал ўғит, ишчи кучи, ёқилғини тежаш ҳамда манзилли озиклантириш орқали экинларнинг ҳосилдорлигини икки барабар оширишга имкон беради. ТСТ ни шўрга чидамли ва маҳаллий шароитга мослаштирилган навлар билан бирлаштириш орқали юқори ҳосил олишга эришилган. Уларда жами экин майдонларидаги ўсимликларнинг 75% и томчилатиб суғориш, қолган 25%и эса ёмғирлатиб суғориш усуллари орқали сув ва ўғитлар билан озиклантирилади [6].

Умуман олганда, Исроилда яратилган сув хўжалиги тизими интеграцияси тежамкорликнинг классик намунаси ҳисобланади. Бунда:

1. Барча сув манбаларининг тўлиқ интеграцияси ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги, сув турларидан қатъий назар, ушбу интеграция барча зоналар, минтақалар ва алоҳида сувдан фойдаланувчилар учун тенг даражада сув таъминотига эришишга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

2. Ҳуқуқий, техник, ташкилий ва молиявий менежментнинг барча тамойиллари ҳамма учун бир хил услубда ва бир хил қоидаларга мувофиқ бирлаштирилган бўлиб, бу бутун мамлакат бўйлаб сувни бошқаришнинг юқори самарадорлигига эришишга хизмат қилади.

3. Сув хўжалиги тизимларининг барқарорлигини таъминлаш учун бутун сув хўжалиги тизими Киннерет кўли (Твериадский кўли), ҳар бир алоҳида ер ости ҳавзалари, Яркон дарёси ҳавзаси ва асосий сув транспортидаги сув таъминоти, шунингдек тозаланган оқова сув таъминоти тизими қаттиқ кўриқланади.

4. Исроилда сувнинг барча турларидан фойдаланишнинг чамбарчас боғлиқлиги яққол кўзга ташланади. Шу билан бирга, ер усти сув ресурсларидан қайта тозалаб фойдаланиш сув таъминотининг кўпайишига ҳамда ер усти сувларининг экологияси ва сув манбаларининг ҳолатини яхшилашга имкон беради.

5. Соҳани қўллаб-қувватлашнинг пухта ўйланган ва ташкил этилган молиявий-иқтисодий механизми, сувдан фойдаланувчиларнинг ҳиссаси ва давлат субсидиялари сув хўжалиги харажатларини тўлиқ қоплашга, шу билан бирга инновация ва янгиликларга қизиқишни оширишга хизмат қилмоқда.

6. Сувни қайта ишлаш тажрибаси. Исроил давлати сув муаммосини ҳал этиш учун, аввало, шўр денгиз сувини чучуклаштириш технологияларини ишлаб чиқди. Қолаверса, оқова сувлардан фойдаланиш, яъни сувдан иккиламчи фойдаланишда ҳам кўп ютуқларга эришди. Масалан, мамлакатда оқова (ташлама) сувларнинг 70 фоизи тозаланиб, суғоришда қайта фойдаланилади. Бу Ер юзидаги энг юқори кўрсаткич бўлиб, яқин орада буни 90 фоизгача кўтариш режалаштирилган.

7. Яхши ташкил этилган сув ахборот тизими. Радио, телевидения, интернет ва бошқа каналларда ҳар куни мамлакатдаги сув таъминоти даражаси, Киннерет кўлининг сув сатҳи ва асосий ер ости горизонтларидан ер ости сувларининг чуқурлиги каби маълумотлар узлуксиз ёритиб борилади. Оммавий ахборот воситалари орқали барча сувдан фойдаланувчилар сув ресурсларини бошқаришнинг асосий масалаларини ҳал қилиш имкониятига эга.

Юқоридаги илғор тажрибалар дунёнинг бошқа мамлакатларининг эътиборини торта бошлади. Исроиллик ТСТ муҳандисларнинг ишларига иқлими қурғоқчил – Австралия, Яқин Шарқ, АҚШ (Калифорния) каби давлатлар кўпроқ қизиқиш билдирмоқда.

Масалан, Исроилнинг Aqva Word компанияси фойдаланиш учун яроқли тоза сувни сайёранинг исталган нуқтасидан топа оладиган инновацион қурилмани яратган. Бу уларнинг ноу-хаулари бўлиб, ер остидан сув топилишини 100 фоиз кафолатлайди. Улар топадиган артезан суви ер ости сувларидан фарқли равишда об-ҳаво ўзгаришларига боғлиқ бўлмайди. Бу усул кўпи билан икки кун ичида ер ости манбасини топишда ёрдам беради.

АҚШда ТСТ 1969 йил Сан Диего округида авокадо етиштириш учун қўлланилган. Боғларнинг асосий қисми суғориш учун ноқулай бўлган қияликларда (қир, адир) жойлашганлиги ҳамда бошқа ерларга қараганда арзон бўлгани учун бу майдонлар танланган эди. Натижада ташландиқ ердан юқори даражада ҳосил олинди ва барча харажатлар қопланиб, даромадга эришилди.

ТСТ ни жорий қилишда АҚШ, Австралия, Хитой, Ҳиндистон ва Испания каби давлатларда салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Масалан, Хитойда сувни тежовчи технологияларни жорий этишнинг 75% харажатлари давлат ҳисобидан қоплаб берилади, қолган 25% эса хусусий капитал ҳисобига тўғри келади .

Австралия “Ички хўжаликда суғориш самарадорлигини ошириш дастури” (OFIЕP), “Қишлоқ жойларда сувдан барқарор фойдаланиш ва инфратузилмани ривожлантириш” каби дастурлари орқали сувдан фойдаланиш самарадорлиги ва унумдорлигини оширишга эришмоқда. OFIЕP дастури ирригаторларга Муррай-Дарлинг Жанубий ҳавзасига уланган тизимидаги хўжалик ички суғориш инфратузилмасини модернизация қилишда ёрдам беради, шу билан бирга тежалган сувни атроф-муҳитга қайтаради. Австралиянинг “Сув ресурслари тўғрисида” ги қонунга асосан, 1998 йилдан бошлаб, лицензияга эга ҳар бир сув фойдаланувчилари ер усти ва ер ости сувларидан фойдаланишни ҳисобга олиш учун сув ҳисоблагичларини ўрнатишлари шарт этиб белгиланган. Бу эса қанча сув ишлатганининг аниқ ҳисобини юритиш имконини берди [7].

Германия тажрибасига кўра, энг яхши сув тежамкор технологиялардан фойдаланиш қонунчилик билан мустақамланган. Германия қонунчилик қондаларига кўра, Федерал ҳукумат энг самарали технологиялардан фойдаланишни акс эттирувчи тегишли талабларни белгилаши керак. Федерал сув қонунчилигининг иловасида, юқори самарали сув тежамкор технологиялар рўйхатининг тақдим этилиши белгилаб ўтилган. Бу қоида соҳага инновацияларни жалб қилишга хизмат қилади.

#### **ТСТ бўйича жаҳон мамлакатлари тажрибасини Ўзбекистон ҳудудларида қўллаш.**

Ўзбекистон ҳудудларида фойдаланиладиган ўртача йиллик сув ресурсларининг миқдори 51 – 53 млрд куб метрни ташкил этади. Сувнинг катта қисми суғоришда ишлатилади ва айнан вегетация даврида сув танқислиги кузатилади. Масалан, 2021 йилги суғориш мавсумида ҳудудларда сув таъминоти меъёрга нисбатан 25 фоиз кам бўлиши кузатилди. Бу қарийб 8-10 млрд. куб метр сув танқислигига олиб келди.

Ҳудудларда сув танқислигининг ортиб бориши мавжуд ресурслардан тежамли фойдаланишни талаб қилади. Шу мақсадда, мамлакатимизда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича бир қатор амалий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган ПФ-4478 фармонида кўра, томчилатиб суғоришни жорий қилган юридик шахсларнинг томчилатиб суғорилаётган ер майдони 5 йил муддатга ягона ер солиғидан озод қилиниши қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 декабридаги ПҚ-4919 сонли “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисmini қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинган ҳамда буни амалга ошириш тартиби бўйича Низом ишлаб чиқилган.

Ушбу Низомга кўра, пахта ва узум плантацияларининг 1 гектарига – 8 миллион сўмдан 11 миллион сўмгача, мевали экинларга – 6 миллион, озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликларга – 2,5 миллион, сабзавот экинлари ва картошкага - 1,5 миллион, полиз экинларига – 1,3 миллион сўм миқдорида субсидиялар ажратиш белгиланган. Жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш технологияларидан суғориш мавсумида фойдаланмаслик ҳолатлари аниқланса, ажратилган субсидия давлат бюджетига қайтарилиши ҳам белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-144-сонли “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 2022 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича прогноз кўрсаткичлар ҳамда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар ажратиш тартиби тасдиқланган. Юқоридагиларга кўра, сувни тежайдиган технологиялар 2021 йилнинг ўзида 433 минг гектар майдонда жорий этилган бўлса, 2022 йилда 478 минг гектар майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш назарда тутилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 315-сон “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш ва муқобил энергиядан фойдаланиш бўйича харажатларининг бир қисmini қоплашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан “Пахта ва бошоқли дон экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби усқуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисmini қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низом билан фермерларнинг сотиб олган электр усқуналари харажатларининг бир қисmini қоплаш назарда тутилган.

Ушбу норматив ҳужжатлар асосида ҳар бир вилоят туманларида ишчи гуруҳлар тузилган ва дастлабки тарғибот ишлари олиб борилган ҳамда талабгорларнинг манзилли рўйхати

шаклантирилган ва пудратчи ташкилотлар, банк, талабгорлар ўртасида шартномалар тузилиб амалий ишлар қилинмоқда.

Бироқ айрим фермерлар пудратчи ташкилот билан шартнома тузган, ҳаттоки маблағ ҳам ўтказиб берилган, лекин пудратчи далага сув тежамкор технологияларни вақтида ўрнатиб бермаган. Бунда ТСТ бозори тўлиқ шаклланмаганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, республика бўйича сув тежамкор технологиялар қўлланилаётган майдонларнинг ҳажми сўнгги беш йилда 7,7 мартага ортган. Бунда кўпроқ пахта майдонларига ТСТлар ўрнатилган бўлиб, республика бўйича пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги 1,26 бараварга ортган. Бу таҳлилдан кўринадики, ТСТ ларнинг самарадорликка таъсири ҳали юқори даражада сезилгани йўқ (1-расм).



**1-расм. Ўзбекистонда томчилатиб суғориш технологиялари жорий қилинган пахта майдонлари ва пахта ҳосилдорлигининг ўзгариши**

**Манба:** интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Сув тежамкор технологиялар қўлланилаётган майдонларни кенгайтириш билан бирга, унинг натижадорлигини ва самарадорлигини мониторинг қилиш зарур бўлади. Мантқан олиб қараганда, ТСТ ўрнатилган пахта майдонида ҳосилдорлик ортиши керак.

Қишлоқ хўжалигида сув тежамкор технологияларни қўллашда нарх категорияси жуда таъсирчан таъсирга эга. Худудларда пахта майдонларини суғориш учун томчилатиб суғориш ускуналарини ўрнатиш фермер ва деҳқон хўжалиқларига ўртача 1 га ерга 1600 АҚШ долларидан 2900 АҚШ долларигача бўлган қийматдаги харажатга айланмоқда. Бунга электр линияларини тортиш ва трансформатор харажатлари кирмайди. Бошқа экин турлари учун нисбатан юқоридаги нархдан арзонроқ. Бироқ бошқа давлатларда, масалан, Россияда 1 гектар майдонга ўрта ҳисобда 1100 \$ дан 1910 \$ гача, Қозғистонда 1000 \$ дан 2500 \$ гача нархда ўрнатилиб, хизмат кўрсатилмоқда.

Пудратчи ташкилотлар томонидан 2013 йилда томчилатиб суғориш тизимларини ўртача 10 гектар буғдой майдонига ўрнатиш харажатлари 91,6 миллион сўмни, ўшанча пахта майдонига ўрнатиш эса 88,4 миллион сўмни ташкил этган. 2021 йилда бу кўрсаткичлар 290 ва 250 миллион сўмни ташкил этган ҳолда 2,8 - 3,1 бараваргача ошган. Нарх ортиб бориши сувни тежайдиган суғориш тизимлари таркибий қисмларининг, ҳовуз-тиндиргич, насос станциялари (сув моторлари), филтрлаш қурилмаси, бош (магистрал) қувур, тарқатувчи қувур, томизгичли суғориш шланглари, сув ҳисоблагич каби деталларни таннархига бевосита боғлиқ. Таннархни камайтириш учун дунё ТСТ бозорига интеграциялашиб, ҳар бир туманда рақобат муҳитини шаклантириш лозим.

Жаҳон ТСТ бозорига интеграциялашиш учун сув тежамкор технологияларни ўрнатиш бўйича талабгорлар манфаатдорлигини шаклантириш зарур бўлади. Яъни, қишлоқ хўжалиги субъектлари тадбиркор сифатида ушбу технологияни ўрнатиш учун ўз “бизнес ташаббусларини” шаклантириши зарур. Бу жараён тадбиркорлар етиштираётган маҳсулот нарх ҳамда истеъмол қилаётган сув ва энергия ресурслари нархини мувофиқлаштириш орқали амалга оширилади. Масалан, анъанавий суғориш усулида етиштирилган пахта хом ашёси нархи билан томчилатиб суғориш технологиясини қўллаш орқали етиштирилган пахта хом ашёси нархи бир хил бўлса, у ҳолда фермер иккинчи ҳолатда ортиқча харажат қилган бўлиб қолади ва унда “бизнес манфаат” шаклланмайди. Шу сабабли,

пахтачилик ва ғалла етиштиришда томчилатиб суғоришни қўллаб маҳсулот етиштирган фермерларга хом ашёнинг шартномавий (биржа) нархи устига 10-15 % устама нарх белгилаш мақсадга мувофиқ.

Суғоришда фойдаланилаётган сув ва электр энергия сарфи учун тўловлар нарhini шакллантиришда АҚШ тажрибасини қўллаш самарали бўлади. Жумладан, сув истеъмолчилари (фермер ва деҳқонлар) ресурс учун маълум ҳажмда “бюртма” беради. Агар вегетация даврида ўша лимитни тежаб ишлатса солиқ ёки тўловлар пасайтирилиб белгиланиши керак. Аксинча, лимитдан қўп ишлатилган сувга юқори нархлар белгиланса, истеъмолчида тежамкорлик учун интилиш пайдо бўлади.

Қишлоқ хўжалигида сув тежамкор технологияларни қўллаш соҳанинг саноатлашувини талаб қилади. Яъни, насос ва филтрлаш станцияси, турли хилдаги қувурлар, суғориш шланглари, сув ҳисоблагич, қайта тикланувчи энергия олиш учун қуёш панеллари, кўчма генераторлар каби жиҳозларни саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак бўлади. Сув хўжалиги ташкилотлари бир йил олдин қанча ерга СТТ ўрнатилади ва унга қанча электр энергия керак бўлади, деган ҳисоб-китобларни қилиб, энергетика тизимида қўшимча электр энергияси учун бюртма бериши керак. Шунга мос равишда энергетика тизими узлуксиз тарзда электр энергияси билан таъминлаш учун қўшимча ишлаб чиқаришни йўлга қўяди.

Ҳукуматнинг қарори билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишда муқобил энергиядан фойдаланишни рағбатлантириш чоралари қўрилмоқда. Лекин бу фермер ва деҳқонлар учун алоҳида билим ва кўникмаларни талаб қилади. Бунда сув тежамкор технологияларни жорий қилишни кластер корхона билан ҳамкорликда амалга оширилиши ва кластер томонидан фермерларга соҳага оид мутахассис белгиланиши ишни самара томонга етаклайди.

Ўтган 2021 йилда туманлар кесимида сув тежамкор технологияларни жорий қилишнинг қузатуви натижасида кластерлар ёрдамида амалга оширилган ишларнинг самараси алоҳида ажралиб турганига гувоҳ бўлдик. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Денов туманида кластерлар ёрдамида белгиланган режадан 2,5 баравар қўп майдонга сув тежамкор технологиялар ўрнатишди. Сирдарё вилоятида эса сув тежовчи ускуналарни харид қилиш учун тегишли ташкилотлар билан 142 та шартномалар тузилган бўлиб, шундан 125 таси фермер хўжаликлари ва 17 таси кластер ташкилотларидир. Мана шу натижалардан хулоса қилиш мумкинки, бу тадбирларга кластер усули жорий қилиш анча самарали эканлиги намоён бўлмоқда.

ТСТ таркибий қисмларини мунтазам ишлаб чиқариш, ҳовуз-тиндиргич, насос станциялари (сув моторлари), филтрлаш қурилмаси, бош (магистрал) қувур, тарқатувчи қувур, томизгичли суғориш шланглар, сув ҳисоблагич каби деталларни маҳаллий саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқариш прогноз параметрларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу қишлоқ хўжалиги субъектларини сувни тежайдиган суғориш тизимлари ўз вақтида ўрнатиш ва давр ўтиши билан эскирганларни янгилаш имкониятини оширади.

#### **Хулоса ва таклифлар.**

Юқоридагилардан келиб, чиққан ҳолда қуйидаги чора-тадбирлар ва тавсиялар таклиф қилинади:

- Исроил тажрибасига қўра, ТСТ жараёнини соҳага оид Қонун билан мустаҳкамлаш зарур;
- ТСТ қўллашда манзилли озиклантириш (Precision Fertigation) усулини тўғри қўллашни назорат қилиш керак;
  - жаҳон амалиётида сув тежамкор технологияларни оммавийлашувига сув сарфининг юқори аниқликда назорат қилиниши, ҳамда меъёрдан ортиқча сув сарфи учун жуда катта жарима тўловларни жорий этилиши каби ташкилий усуллар сабаб бўлган. Шу сабабли, сув сарфи регулятори механизмни қўллаш зарур. Агар вегетация даврида ўша лимитни тежаб ишлатса солиқ ёки тўловлар пайсатирилиб белгиланиши керак. Аксинча лимитдан қўп ишлатилган сувга юқори нархлар белгиланса, истеъмолчида тежамкорлик учун интилиш пайдо бўлади;
  - дунё мамлакатлари тажрибасига қўра, ТСТ кластер усулда жорий қилиш анча самарали бўлиб, буни барча ҳудудларда қўллаш зарур;
  - ТСТ бозори (ишлаб чиқарувчилар, пудратчилар) асосан Тошкент, Наманган, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида жойлашган. Буни барча вилоятларда шакллантириш мақсадга мувофиқ;
  - Австралияда қўлланилган ишлатилган сувнинг аниқ ҳисобини юритиш тажрибасини ҳамда Германиянинг сув соҳасига инновацияларни жалб қилиш тажрибаларини жорий қилиш оқилона бўлади;
  - деҳқон фермерларда сув тежамкор технологияларни ўрнатиш учун “бизнес манфаат” шакллантириш мақсадида асосан, пахтачилик ва ғалла етиштиришда томчилатиб суғоришни қўллаб

етиштирган маҳсулотининг шартномавий (биржа) нархи устига 10-15 % устама нарх белгилаш мақсадга мувофиқ;

- қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган суғориш технологияларни ўрнатиш жараёнига кластерларни кенгрок жалб этиш зарур.

### **Манба ва адабиётлар.**

1. *Agricultural Water Management for Sustainable Rural Development. The International Commission on Irrigation and Drainage (ICID) Annual Report 2020-21*/[https://icid-ciid.org/icid\\_data\\_web/ar\\_2019.pdf](https://icid-ciid.org/icid_data_web/ar_2019.pdf)
2. *Eurodrip SA, Rivulis Irrigation India Private Limited, T-Systems Australia Pty. Ltd. /irrigation-products.com/*
3. *Drip-Irrigation-Market-Size. <https://www.globenewswire.com/en/news-release/2022/06/20/2465449/0/en/Drip-Irrigation-Market-Size-Worth-23-31Bn-by-2028-at-13-9-CAGR-Led-by-Emitters-Segment-Global-Analysis-Forecast-by-The-Insight-Partners.html>*
4. <https://www.fortunebusinessinsights.com/drip-irrigation-market-102684>
5. *Gu Yuping. water-saving irrigation practice in China. [https://www.icid.org/ws1\\_2001.pdf](https://www.icid.org/ws1_2001.pdf)*
6. <https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnyy-opyt-v-selskom-hozyaystve-po-ispolzovaniyu-vodnyh-resursov>
7. *Australia Micro Irrigation Market Overview 2027. Report of Bonafide Research. 60 Pages. June 2022*

## **РЕСПУБЛИКА САНОАТИДА ЁҒ-МОЙ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

**Бобур БОРОНОВ,**

*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти докторанти*

**Аннотация:** мақолада мамлакатда ёғ-мой маҳсулотларининг тутган ўрни, уларнинг турлари, тавсифи, ишлаб чиқариш ҳажми, шунингдек мамлакатда жаҳон бозорида рўй бераётган иқтисодий ўзгаришлар таъсирида ёғ-мой маҳсулотларининг нархи ошиб кетишининг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ислохотлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** ёғ-мой саноати, ёғ-мой маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, тайёр маҳсулот, кунгабоқар ёғи, соя ёғи.

## **РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ МАСЛОЖИРОВОЙ ПРОДУКЦИИ В ПРОМЫШЛЕННОСТИ РЕСПУБЛИКИ**

**Бобур БОРОНОВ,**

*PhD (по экономическим наукам),*

*докторант Самаркандского института экономики и сервиса*

**Аннотация:** в статье освещены такие вопросы, как роль масложировой продукции в стране, их виды, описание, объем производства, а также проводимые реформы по предотвращению роста цен на масложировой продукции в связи с экономическими изменениями, происходящими на мировом рынке в стране.

**Ключевые слова:** масложировая промышленность, масложировая продукция, пищевые продукты, готовая продукция, подсолнечное масло, соевое масло.

## **ROLE AND SIGNIFICANCE OF OIL AND FAT PRODUCTS IN THE INDUSTRY OF THE REPUBLIC**

**Bobur BORONOV,**

*PhD (по экономическим наукам),*

*doctoral student of Samarkand institute of economics and service*

**Abstract:** *the article highlights such issues as the role of the oil and fat products in the country, their types, description, production volume, as well as the ongoing reforms to prevent the rise in prices for fat and oil products due to economic changes taking place on the world market in the country.*

**Keywords:** *oil and fat industry, oil and fat products, food products, finished products, sunflower oil, soybean oil.*

**Кириш.** Ҳозирги даврда, мамлакатимизда озиқ-овқат саноати соҳасида қатор ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Умуман, халқимиз хотиржам бўлиши керак: сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада кафолатланган захирани яратиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилади. Бунинг учун Ҳукумат ва ҳокимликлар томонидан барча чоралар кўрилади ҳамда бу масала Президентнинг доимий назоратида бўлади” [1] деб таъкидлаганлари, мамлакатда ички бозорни рақобатбардош ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш, шунингдек нарх-навонинг барқарорлигини таъминлаш каби вазифалар долзарб эканлигидан далолат беради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони [2] қабул қилинди. Ушбу Фармон бўйича амалга ошириш зарур бўлган Давлат дастурида озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларида таклифни ошириш ва мавсумий тақчилликларни бартараф этиш, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, нархлар барқарорлигини таъминлаш, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратиш, озиқ-овқат хом ашё базасини кенгайтириш ва органик маҳсулотлар ҳажмини босқичма-босқич ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби устувор йўналиш, мақсад ва вазифалар белгилаб олинган.

#### **Асосий қисм.**

Юқорида белгиланган вазифалардан кўриниб турибдики, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш республика иқтисодиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Бугунги кунда, озиқ-овқат саноати таркибида ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Жумладан ички бозорда ёғ-мой маҳсулотлари ассортиментини кўпайтириш ва аҳолининг уларга бўлган эҳтиёжини тўлиқроқ қондириш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналарига етарли шарт-шароитлар ва қулай имкониятлар очиб берилган.

Иқтисодий интеграциялашув шароитида ёғ-мой саноати корхоналари ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, мойли экинлар хом ашёсини қайта ишлашда замонавий технологиялар жорий этиш бўйича салмоқли ўзгаришлар юз берди. Бугунги кунда, ёғ-мой корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик қуввати 4,3 миллион тонна бўлиб, шундан 3,3 миллион тоннаси пахта чигитини ва 1 миллион тоннаси эса, соя дуккаги ҳамда кунгабоқар уруғларини қайта ишлаш учун мўлжалланган. Корхоналарда ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётган бўлсада, лекин пахта чигитини қайта ишлаш қуввати камайиб бормоқда.

Республикаимизда асосий турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш статистика маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2021 йилда пахта чигити 1061,7 минг тоннани ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 103,0 фоизга кўпайган [3]. Ушбу саналардан билиш мумкинки, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқаришда асосий хом ашё ҳисобланган пахта чигитини етиштириш олдинги йилга нисбатан ошган, бироқ ушбу даврда ўсимлик ёғи (тозаланган) ишлаб чиқариш ҳажми 146169,7 тоннани ташкил этиб, ушбу кўрсаткич олдинги йилга нисбатан 86,7 фоизга камайганини кўриш мумкин [4]. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ўсимлик ёғини ишлаб чиқариш тенденцияси фақатгина пахта чигитигагина боғлиқ бўлмай, балки бошқа турдаги ўсимлик турларидан ҳам ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилмоқда.

Шу боис, тадқиқот иши ёғ-мой корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулот турларини ўрганиб чиқишни ҳам тақозо этди. Бугунги кунда, мамлакатимизда ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, шу жумладан пахта ёғи, кунгабоқар ёғи, соя ёғи ва бошқалар. **Ёғ-мой саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини қуйидаги расм орқали кўриш мумкин (1-расм):**



1-расм. Ўғ-мой саноати маҳсулотлари [5]

Бундан ташқари, ўғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида юқоридаги маҳсулот турларидан яна 100 дан ортиқ турдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Юқорида келтирилган асосий маҳсулот турларининг умумий тавсифи ва аҳамиятига тўхталамиз.

**Пахта ёғи.** Маҳаллий халқимиз томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ичида энг кўп истеъмол қилинадиган ўғ-мой маҳсулотларидан бири бу пахта ёғи ҳисобланади. Пахта чигитидан толаси ажратиб олингандан кейин, унинг қолган асосий қисми ўғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Пахта ёғи асосан озиқ-овқат ва техник мақсадлар учун ишлатилади.

Пахта ёғидан маргарин, кир совун, атир совун, техника мойи, глицерин, стеарин ва бошқа озиқ ва ноозиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Ўғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида биргина пахта чигитининг ўзидан 12 турдаги тайёр маҳсулот олинади. Жумладан, “Пресс усулида олинган рафинацияланган олий навли пахта ёғи”, “Пресс усулида олинган рафинацияланган дезодорацияланган олий навли пахта ёғи”, “Экстракция усулида олинган рафинацияланган олий навли пахта ёғи”, “Экстракция усулида олинган рафинацияланган дезодорацияланган олий навли пахта ёғи”, “Пресс усулида олинган рафинацияланган дезодорацияланган олий навли пахта салат ёғи” ва бошқалар.

Пахта хом ашёсидан олинадиган пахта техник чигити ўғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда асосий хом ашё ҳисобланади. Бироқ, бугунги кунда, пахта майдонлари кундан-кунга қисқариб бормоқда. Хом ашё танқислиги натижасида ўғ-мой ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари юқори бўлганлиги билан ундан фойдаланиш даражаси нисбатан паст бўлиб қолмоқда. Бу эса, тармоқ корхоналари олдида нафақат пахта мойи ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтиришни, балки ўғ-мой маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш каби янги вазифаларни белгилаб беради.

**Кунгабоқар ёғи.** Кунгабоқар уруғидан олинадиган ушбу ўсимлик ёғи таом тайёрлашда фойдаланилиб, мамлакатимизда энг кўп истеъмол қилинадиган ўғ-мой маҳсулотларидан бири ҳисобланади. Республикада фаолият кўрсатаётган барча ўғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар кунгабоқар ёғи ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, кунгабоқар уруғи асосан Украина, Россия ва Қозоғистон мамлакатларидан импорт қилинади.

Кунгабоқар ёғи нафақат озиқ-овқат маҳсулотлари, балки маргарин ва бошқа пиширик ёғлари ишлаб чиқариш учун ҳам асосий компонент ҳисобланади. Бугун дунёда, ушбу маҳсулотдан тиббиёт, косметология соҳасида малҳамлар, юз ниқобларини тайёрлашда кенг фойдаланилади. Тозаланган кунгабоқар ёғи шиша идишларда 18 даражадан юқори бўлмаган ҳаво ҳароратида тўрт ой мобайнида сақланиши мумкин. Кунгабоқар ёғининг таркиби 99,9% ўғ ва 0,1% сувдан иборат.

**Соя ёғи.** Корхоналарнинг моддий техник базаси пахта чигитини қайта ишлашга мўлжалланган бўлсада, бугунги кунда, мамлакатимизда ўғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш хом ашёсининг яна бир тури ҳисобланган соя дуккагини ишлаб чиқариш технологияси йўлга қўйилди.



Соя дуккаги ловия, нўхат каби маҳсулотлар туркумига киради. Жаҳонда ўсимлик мойларини ишлаб чиқариш бўйича соя ёғи етакчи ўрин эгаллайди.

Саноатда соя дуккагидан ёғни ажратиш учун иккита усул қўлланилади: экстракция, яъни кимёвий ва прессланган, яъни механик усулда. Ёғ олишнинг механик усули маҳсулотнинг табиий хусусиятларини ўзида сақлаш, экологик тоза ва хавфсизлиги билан ажралиб туради. Экологик тоза маҳсулот ҳисобланган соя ёғини кундалик фаолиятида истеъмол қилиш инсон организмнинг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

**Махсар ёғи.** Мамлакатимизда бугунги кунда, маҳаллий мойли уруғ ҳисобланган махсар маҳсулотидан тайёрланадиган ёғ-мой маҳсулотларига талаб ортиб, корхоналар фаолиятида уларни ишлаб чиқариш ривожланиб бормоқда.

Махсар иссиқ иқлим шароитида ўсувчи экин ҳисобланиб, мамлакатимизда махсар экинини етиштириш бошқа давлатларга нисбатан кенг тарқалган ҳисобланади. Асосан лалми ерларга эга худудларда, жумладан Самарқанд, Тошкент, Жиззах вилоятларида етиштирилади. Махсар мойидан саноатда маргарин ишлаб чиқишда, техникада ҳамда озиқ-овқатда фойдаланилади. Махсар экинини қайта ишлаш натижасида, ёғ ҳамда чорвачиликда зарур бўлган озуқа ҳисобланган кунжара олиниб, унинг таркиби оксилга бой бўлади.

**Зиғир ёғи.** Зиғир уруғидан олинадиган зиғир ёғи мамлакатимизда кўп истеъмол қилинадиган, тўй-маросимларида фойдаланиладиган ёғ-мой маҳсулоти тури ҳисобланиб, корхоналарда унинг дезодорацияланган ва дезодорацияланмаган биринчи навлари ишлаб чиқарилади. Зиғир ёғи совуқ пресслаш усули ёрдамида ишлаб чиқарилади. Ушбу усулда пресслаш ёрдамида тозаланган ва эзилган уруғлар қизиқ кетмайди, натижада ёғнинг фойдали элементлари ўзида сақлаб қолинади. 120 даражали иссиқда пресслаш натижасида ишлаб чиқиладиган ёғнинг таркибида фойдали моддалар нисбатан кам бўлади. Зиғир ёғи махсус кимёвий эритувчилар ёрдамида экстракцияланганда, кимёвий моддалар кўп ишлатилганлиги боис, энг кам фойдали ёғ маҳсулотига айланади.

**Ер ёнғоқ ёғи.** Бой таъм ва хушбўй ҳидга эга бўлган ер ёнғоқ ёғи овқатга қўшимча таъм қўшиш ҳамда уларни қовуриш мақсадида кенг фойдаланилади. Ишлаб чиқариш корхоналарида ер ёнғоқ дуккагини совуқ пресслаш ва экстракциялаш натижасида ёғи олинади. Ер ёнғоқ жуда ёғга бой масулот тури ҳисобланиб, ёғ кислоталарининг манбаи ҳисобланади.

Ер ёнғоқ ёғи саноатда глицерин маҳсулотини ишлаб чиқариш учун хом ашё ҳисобланиб, ундан динамитнинг асосий таркибий қисми ҳисобланган нитроглицерин моддаси ишлаб чиқарилади. Ушбу ёғ-мой тури аллергия кўзгатувчи маҳсулот ҳисобланиб, тиббиётда 2 ёшгача бўлган чақалоқларга бериш таъқиқланади.

**Аралаш ёғлар.** Ўсимлик ҳамда мева данакларидан олинадиган ёғлар аралашмасидан аралаш ёғлар олинади. Бугунги кунда, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари томонидан “Палов ёғи” – пахта ёғи билан ўрик ёғи аралашмасидан [50:50], “Ёғду” ўсимлик ёғи – соя ёғи билан бойитилган пахта ёғи аралашмасидан [70:30], “Барака” ўсимлик ёғи – махсар ёғи билан бойитилган пахта ёғи аралашмасидан [50:50] пропорция усулида тайёрланади.

**Маккажўхори ёғи.** “Ғарбнинг олтини” номи билан АҚШда энг кўп истеъмол қилинадиган ёғ тури маккажўхори ёғи ҳисобланади. Ёғнинг таркиби кунгабоқар ёғига ўхшаш бўлиб, энг фойдали ёғ-маҳсулотларидан ҳисобланади. Чунки, унинг таркибидаги инсон организмга зарур бўлган Е витамини зайтун ва кунгабоқар ёғи таркибидан икки баробар кўп ҳисобланади. Шунингдек, маккажўхори ёғи диетали озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланиб, инсон организмда энг тез ҳазм бўладиган ёғ-мой маҳсулоти ҳисобланади.

Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида маккажўхори донидан 10% миқдорида ёғ олиниб, пресслаш ва экстракция йўллари билан ишлаб чиқарилади.

Маккажўхори ёғи озиқ-овқат саноатида майонез, маргарин каби маҳсулотларни ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

**Данак ёғлари.** Ёғ-мой саноатида маҳаллий мевалар, жумладан анор, узум, гилос, шафтоли, ўрик, олхўри мевалари ва полиз экинлари ҳисобланмиш қовун, қовоқ, тарвуз данакларидан ёғлар олиш ҳам йўлга қўйилган. Данак мойлари аралашмаси фойдали ёғ маҳсулотларидан ҳисобланиб, ундан совун маҳсулоти ҳам олинади.

Европа мамлакатларидан Франция, Германия, Голландия давлатларида ушбу маҳсулотнинг импорт ҳажми йиллик ўртача 6 % га ошиб, асосан косметика соҳасида кенг фойдаланилади.

**Шрот, шелуха.** Пахта шроти ва шелухаси ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонасида пахта чигитидан ишлаб чиқариладиган ёндош маҳсулот тури ҳисобланади. Ушбу маҳсулот чорвачилик соҳасида чорва ҳайвонларининг асосий озуқаси ҳисобланиб, тўйимли ва юқори калорияга эга маҳсулотдир.

Маҳсулотнинг чиқиши ва унинг озукавийлиги ишлаб чиқаришнинг технологик усуллари, яъни пресслаш ёки экстракция усулларига боғлиқ.

Шелуха фақат пахта чигитидан олинadиган ягона маҳсулот ҳисобланиб, бошқа хом ашё турларидан олинмайди. Шелуха паррандачилик ва чорвачилик соҳаларида озукa маҳсулоти сифатида ишлатилади.

**Ёғ кислоталари.** Ёғ кислоталари таркибида камида 6 углерод атомига эга бўлган табиий ва синтетик кислотади. Табиий ёғ кислоталари молекуласида углерод атомлари сони тенг бўлиб, улар тўйинган ва тўйинмаган бўлади. Ҳайвон ёғлари ва ўсимлик мойлари таркибида 10...22 углерод атоми бўлган кислоталар кўп учрайди.

Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулотларни қайта ишлаб чиқариш натижасида олеин-пальмитин ёғ кислоталари, хом ёғ кислотаси ва дистилланган ёғ кислоталари каби маҳсулотлар олинади.

**Глицерин.** Ёғларнинг кислотали гидролизидан глицерин олинаб, улар саноатда совун ишлаб чиқариш учун хом ашё маҳсулотлари ҳисобланади. Корхоналарда 94% ва 98% лик глицерин маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, улар саноатда кенг фойдаланилади.

Саноатда ўсимлик ёғларидан тайёрланадиган глицерин биринчи марта Швеция давлатида ёғ таркибига маълум миқдорда сувни қўшиб, иссиқ ҳароратда 12 соат давомида қиздирилиб ишлаб чиқарилган.

Глицерин косметика соҳасида терининг қатламига озукa моддаларидан ҳисобланиб, намловчи био-кимёвий модда сифатида фойдаланилади. Глицерин моддасидан тайёрланадиган кремлар нафақат терини намловчи модда, балки инсон юзини ёшартирувчи таъсирга эга бўлиб, юздаги ажинларни кеткизадиган табиий маҳсулот ҳисобланади.

**Хўжалик совуни.** Корхоналарда маҳсулотларни рафинациялаш натижасида ҳосил бўлган чиқинди, яъни ёғ кислоталарини зарарсизлантириш жараёнида соапсток маҳсулоти олинади. Соапсток маҳсулоти саноатда хўжалик совуни ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Корхоналарда чиқиндилардан максимал даражада маҳсулот олишлари учун замонавий технологияларни киритиш зарур. Бу эса, ишлаб чиқариш корхоналарининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиради ҳамда корхонада ишлаб чиқариш рентабеллигини оширади. Бугунги кунда, корхоналарда 60%, 65%, 70% ҳамда 72% лик қаттиқ хўжалик совунлари ишлаб чиқарилади.

**Майонез.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорида майонез – рафинацияланган, дезодорацияланган ўсимлик мойлари, сув, тухум маҳсулотлари тухум сариғига (қурук) қайта ҳисобланганда 1 фоиздан кам бўлмаган миқдорда, қайта ишланган сут маҳсулотлари, озукавий қўшимчалар ва бошқа озукавий ингредиентларни қўшиб ёки қўшмасдан тайёрланган куйи дисперс бир хил эмульсияланган маҳсулот, деб таъриф берилган [6];

**Маргарин.** Бугунги кунда, ўсимлик мойи асосида ишлаб чиқарилаётган маргарин, турли пишириқлар учун ишлаб чиқариладиган техник ёғлар, сариёғ ўрнини босувчи ёғлар ёғ-мой саноатининг ривожланаётган тармоқларидан бирига айланди. Ушбу ёғларнинг истеъмолчилари умумий овқатланиш корхоналари ҳамда озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқлари ҳисобланиб уларда сут, нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида хорижий давлатлардан янги асбоб-ускуналар киритилиб, модернизациялаш натижасида маргарин маҳсулоти ишлаб чиқариш соҳасида катта ютуқларга эришилди. Бугунги кунда, бозорда рақобатбардош маргарин маҳсулотлари пайдо бўлиб, ушбу маҳсулотларнинг экспорт ҳажми ҳам ошиб бормоқда.

**Бошқа маҳсулотлар.** Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида енгил саноат ҳамда қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган госсипол смоласи, эмульсол ҳамда солидол маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилади.

Госсипол смоласи пахта соапстоги ёғ кислоталарини дистилляция қилишда кубли қолдиқ ҳолида олинади. Госсипол смоласи ўта ёнувчан маҳсулот ҳисобланиб, уни ташишда ва сақлашда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш зарур.

Эмульсол минерал мойларга асосланган кўп компонентли таркибга эга, жигарранг тусли, қурилиш соҳасида кенг фойдаланиладиган тайёр мойлаш воситасидир. Эмульсолнинг таркиби материални чиришдан ҳимоя қилишга хизмат қилувчи моддаларни ўз ичига олади.

Солидол таркиби қаттиқ ва зич мойли маҳсулот ҳисобланиб, фойдаланилаётган хом ашё турига қараб жигарранг ва сариқ рангларга эга бўлиши мумкин. Саноатда машина ва асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган ускуналарнинг эҳтиёт қисмларини мойлашда фойдаланилади.

Республикада ишлаб чиқариш соҳасига берилаётган кенг имкониятлар ва яратилаётган қулай шарт-шароитлар натижасида юқорида келтирилган ёғ-мой маҳсулотлари ва уларнинг турларига бўлган талабнинг ортиши билан бир қаторда унинг нархига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Бугунги кунда, бутун дунёда, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бораётган бўлсада, бироқ унга бўлган талаб ҳам ортиб бориши натижасида жаҳон бозорларида унинг нархи 33 фоизга ошди” [7]. Бизнинг мамлакатимизда ҳам, ички бозордаги ёғ-мой маҳсулотларининг асосий қисмини импорт маҳсулотлари ташкил этганлиги боис, ушбу кўрсаткичлар миллий иқтисодиётимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади.

Шунингдек, мамлакатимизда ёғ-мой маҳсулотлари билан ички бозорни тўлдириш бўйича яна айрим муаммолар мавжуд. Жумладан, ички бозорда хом ашё маҳсулотларининг етишмаслиги, ташқи бозордан эса, олиб келиш, ташиш харажатларининг юқорилиги, корхоналарда маҳсулот сифати ҳамда миқдорини максимал даражада чиқариб берадиган асбоб-ускуналарнинг ҳозирги стандарт талабларига жавоб бера олмаслиги мисол бўла олади.

Бугунги кунда, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватининг катта бўлишига қарамасдан ички бозорда ёғ-мой маҳсулотларига бўлган талаб ҳамон юқориликча қолмоқда. Бунга сабаб, ички бозордаги ушбу маҳсулотларнинг ярми импорт маҳсулотлари ҳисобига тўғри келганлиги боис, жаҳонда юз бераётган глобал иқтисодий жараёнлар ички бозордаги нархларга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу эса, табиийки, нархнинг ошишига, аҳоли эҳтиёжини тўлиқ қондира олмасликка олиб келмоқда.

Хусусан, 2019 йилда жаҳонда ўсимлик ёғи экспортининг 64% ини ташкил этган ва бу кўрсаткич бўйича етакчилик қилган Украина ва Россиядаги ҳозирги вазият дунё бозорида ёғ-мой маҳсулотларининг танқислигига олиб келиб, маҳсулот нархининг ошишига сабаб бўлмоқда. Германиянинг “Oil World” журнали таҳлилчилари “Россия ва Украина ўртасидаги уруш Европа Иттифоқи, Шимолий Африка, Яқин Шарқ, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатлардаги ёғ-мой маҳсулотлари бўйича талаб ва таклифга таъсир қилади. Шу билан бирга, кунгабоқар ёғини рапс (колза уруғи), соя, палма ва маккажўхори мойи билан алмаштириш чекланади, чунки уларга таклиф ҳам катта эмас. 2021 йилнинг октябрь-декабрь ойларида Украинадан Европа Иттифоқи мамлакатларига етказиб берилган кунгабоқар ёғи ҳажми 1,52 миллион тоннани ташкил этган бўлиб, бу 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 2,16 миллион тонна камдир. Шундай бўлсада, ушбу маҳсулот Европа Иттифоқидаги умумий таъминотнинг 86% ини ташкил этди” [8], деб ҳисоблашади.

Мамлакатимизда жаҳон бозорида рўй бераётган иқтисодий инқироз таъсирида ёғ-мой маҳсулотларининг бозордаги нархи ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида қатор ислохотлар олиб борилмоқда. Хусусан, ўсимлик ёғи, соя дуккаги, кунгабоқар ва зиғир уруғи маҳсулотлари импортини қўшилган қиймат солиғидан озод этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонун [9] имзоланди.

Давлат статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, 2022 йил 15 июнь куни мамлакатимиз ҳудудларида фаолият кўрсатаётган деҳқон бозорларида ўсимлик мойи нархлари турлича бўлиб, минимал нарх Наманган вилояти бозорида қайд этилган бўлиб, 1 литр пахта ёғи 15,5 минг сўмга сотилган. Максимал нарх эса, Тошкент шаҳрининг бозорида қайд этилган бўлиб, 1 литр кунгабоқар ёғи 28 минг сўм миқдорида сотилган [10].

#### **Хулоса ва таклифлар.**

Ушбу рақамлардан кўриш мумкинки, мамлакатимизда ёғ-мой саноатини ривожлантириш, аҳоли эҳтиёжларини қондирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва нарх барқарорлигини таъминлаш муҳим муаммолардан бўлиб, олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

\* бугунги кунда, мамлакатимиз аҳолисининг ёғ-мой маҳсулотларига бўлган талаби кун сайин ошиб бормоқда, чунки халқимиз ҳаётида азал-азалдан тўй-маърака маросимлари кўп бўлиб, унда ушбу маҳсулот тури жуда кўп сарфланади;

\* мамлакатда мойли хом ашёларнинг чегараланганлиги сабабли, корхоналарда ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқаришда уларда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмапти;

\* ички ва ташқи бозорларда ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатбардошлик даражаси паст ҳолатда;

\* мамлакатда фаолият кўрсатаётган ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолиятини, яъни хом ашёни олиб келиш, сақлаш ва ташиш инфратузилмасини тўлиқ ривожлантириш зарур;

\* аксарият корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган асбоб-ускуналар замон стандартларига жавоб бермайди, шу боис, ривожланган давлатларда фойдаланилаётган замонавий технологияларни киритиш зарур;

\* ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида мутахассис кадрларни қайта ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш лозим.

Бизнинг фикримизча, олиб борилган тадқиқот натижаси асосида берилган ушбу хулоса ва таклифлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимизда ёғ-мой саноатини ривожлантиришга муайян даражада хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

## **Манба ва адабиётлар**

1. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2022 йил 28 январь. ПФ-60.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси расмий веб-сайти. <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/industry-2>
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси расмий веб-сайти. <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/industry-2>
5. “Ўзёғмойсаноат” уюммаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқарилди.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёғ-мой маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 2020 йил 17 ноябрь. 724-сон.
7. <https://uzlidesp.uz/news-of-uzbekistan/12305>
8. <https://www.agroinvestor.ru/markets/news/37649-na-mirovom-rynke-formiruetsya-defitsit-podsolnechnogo-masla/>
9. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга доир чоралар тўғрисида”ги Қонуни. 2021 йил 29 апрель. 689-сон.
10. <https://yogmoy.uz/uz/post/view?slug=bozorlarda-usimlik-mojining-narhi-neca-sumni-taskil-etmokda-2022-jil-15-iun-olatiga>

## **МИНЕРАЛ ХОМАШЁ РЕСУРСЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИГА ТАЪСИРИ**

**Ҳикматулла САЙДАҲМЕДОВ,**

*иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент,*

*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти бош илмий ходими*

**Аннотация:** мақолада ҳудудларнинг минерал хомашё ресурсларидан фойдаланишининг иқтисодий ўсишига таъсири келтирилган. Ўзбекистоннинг минерал хомашё ресурсларидан фойдаланиш ҳолати бошқа мамлакатлар билан таққосланган. Минерал хомашё ресурсларнинг турлари бўйича фойдаланишининг интеграл индекси ҳисобланган. Шунингдек, минерал хомашё ресурсларининг ялпи миллий даромадга (ЯМД) ва минтақаларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотларига (ЯҲМ) таъсири баҳоланган.

**Калит сўзлар:** минерал ресурслар, иқтисодий ўсиш, минтақа, саноат, заҳиралар, ишлаб чиқариш, интеграл индекс, ЯМД, ЯҲМ.

## **ВЛИЯНИЕ МИНЕРАЛЬНО-СЫРЬЕВЫХ РЕСУРСОВ НА ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ УЗБЕКИСТАНА**

**Ҳикматулла САЙДАҲМЕДОВ,**

*кандидат экономических наук, доцент,*

*главный научный сотрудник Института прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** в статье приводится влияние использования минерально-сырьевых ресурсов на экономический рост регионов. Приводится сравнение стоимости минерально-сырьевых ресурсов

Ўзбекистана с другими странами. Рассчитан интегральный показатель интенсивности использования минерально-сырьевых ресурсов. Также дана оценка влияния минеральных ресурсов на валовый национальный доход (ВНД) и валовый региональный продукт (ВРП) регионов.

**Ключевые слова:** полезные ископаемые, экономический рост, регион, промышленность, запасы, производство, интегральный показатель, ВВП, ВРП.

## IMPACT OF MINERAL RESOURCES ON THE ECONOMIC GROWTH OF UZBEKISTAN

**Hikmatulla SAYDAKHMEDOV,**

*candidate of economic sciences, associate professor,  
chief researcher, Institute of Forecasting and Macroeconomic Research*

**Abstract:** *the article presents the impact of the use of mineral resources on the economic growth of regions. Uzbekistan's use of mineral resources is compared with other countries. An integral index of use of mineral raw resources was calculated. Also, the impact of mineral resources on the gross national income (GNI) and the gross regional product (GRI) of the regions was evaluated.*

**Keywords:** *mineral resources, economic growth, region, industry, reserves, production, integral index, GDP, GNI.*

**Кириш.** Маълумки, Ўзбекистон Республикаси минерал хомашё ресурсларига бой давлат ҳисобланади. Олтин, мис, уран, табиий газ конлари захиралари ва уларни қазиб олиш бўйича дунёда етакчи ўринларни эгаллайди. Мамлакат ва унинг ҳудудлари иқтисодий ўсишини баҳолашда энг долзарб масалалардан бири бўлиб минерал хомашё ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ҳисобланади. Ҳозирги вақтда минерал хомашё ресурслари ва уларнинг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссасини баҳолашнинг методологияси мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сон фармонида ҳар бир минтақанинг табиий ва минерал хомашё ресурслар салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилган [1].

Минерал хомашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун ҳар бир ҳудуддаги фойдали қазилма конларининг турлари, миқдори, сифати ва иқтисодий баҳоси тўғрисида етарлича тўлиқ маълумотга эга бўлиш керак.

Ўзбекистонда минерал хомашё ресурслари иқтисодиёти масалалари бўйича О.Зокиров, Р.Х.Абдуллаев, В.В.Батурина, М.Гапиров, С.С.Халиков, С.Р.Алимходжаев, С.Н.Хошимова ва бошқалар изланишлар олиб борганлар.

О.Зокиров республикада нефть ва газ конларини ўзлаштириш самарадорлиги бўйича тадқиқотлар олиб борган. Тадқиқот натижалари асосида нефть ва газ конларини ишлаб чиқаришга жалб қилиш бўйича таклифлар берган. Р.Х.Абдуллаев мамлакатда агрокимёвий ўғитлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун хомашё базани кенгайтириш йўналишида тадқиқотлар ўтказган. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида у Жанубий Ўзбекистонда калий конларини ўзлаштиришни таклиф қилган. В.В.Батурина Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги фойдали қазилма конларини ўрганган ва уларни ўзлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиққан. С.С.Холиков фосфорит конлари, жумладан, Жерой-Сардара кони асосида Ўзбекистонда фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш базасини яратиш ва уни ривожлантириш масалаларини тадқиқ қилган. С.Р.Алимходжаев Ўзбекистонда рангли металлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борган. Тадқиқотлар натижасида Олмалиқ кон металлургия комбинатида рангли металлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиққан. С.Н.Хошимова Ўзбекистонда темир конлари, яъни Темиркон (Жиззах вилояти), Сюрен ота (Тошкент вилояти) ва Тебинбулоқ (Қорақалпоғистон Республикаси) конларини ўзлаштириш самарадорлиги бўйича таклифлар ишлаб чиққан.


Чет эллик тадқиқотчилар орасида Н.А.Симакова ўз тадқиқотларида табиий ресурс салоҳиятининг (шу жумладан минерал ресурсларнинг) саноатни ривожлантиришда иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борган. Натижада ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг оқилона вариантларини иқтисодий асослашга ва иқтисодиётнинг ҳозирги географиясининг хусусиятларини тушунтиришга имкон яратган. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш омили сифатида минерал хомашё салоҳиятининг аҳамияти ҳам очиб берилган.

В.Н.Беляевнинг тадқиқотларига кўра, Россиянинг аксарият хуудларининг ривожлантириш истиқболлари минерал ресурсларнинг мавжудлиги билан белгиланишини таъкидлаган. В.Н. Беляев Урал Федерал округи минерал ресурслар базасини ривожлантиришнинг учта варианти бўйича прогноз ҳисоб-китобларини амалга оширган: минерал ресурс комплексининг минтақавий ривожланишнинг асосий кўрсаткичларига таъсирини акс эттирувчи прогнозлар ишлаб чиққан. Ўзлаштириш учун истиқболли фойдали қазилма конларини аниқлаган. Урал Федерал округининг ҳар бир субъекти учун истиқболли конларни баҳолаш асосида минерал ресурслар мажмуасининг минтақавий ривожланишнинг асосий кўрсаткичларига таъсирини акс эттирувчи индикаторлар аниқлаган: ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши, саноат, инвестициялар, ходимлар сони, солиқ тушумлари, янги ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан тушадиган тушумлар. Таҳлиллар натижасида ялпи ҳудудий маҳсулот ва саноат ишлаб чиқариши бўйича хом ашёга бой минтақалар, хомашёдан бошқа ихтисослашувга эга бўлган хуудларга қараганда анча ривожланган деган хулосага келган[2].

Ер қаърида жойлашган минерал ресурсларни баҳолаш ҳар бир минтақа учун уларнинг хуудда мавжудлигига қараб амалга оширилади. Дастлаб улар минерал хомашё турлари бўйича тақсимланади ва ёқилғи-энергетика, қимматбаҳо, рангли ва қора металллар, техник, тоғ-кимё, қурилиш материаллари ва бошқаларнинг заҳиралари аниқланади.

Ўзбекистонда минерал ресурсларни иқтисодий баҳолаш Ўзбекистон Республикасининг “Ер қаъри тўғрисида”ги қонунига ва Вазирлар Маҳкамасининг “Республика геология ва минерал ресурслар Давлат кўмитаси ҳузуридаги минерал хомашё заҳиралари бўйича Давлат комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ амалга оширилади.

**Тадқиқот натижалари.** Жаҳон банки маълумотларига кўра<sup>1</sup>, минерал хомашё ва энергетика (нефть, табиий газ, конденсат, кўмир) ресурсларининг камайиши миқдори алоҳида келтирилган. Ўзбекистонда минерал ресурсларнинг камайиши миқдори, 2020 йилда ялпи миллий даромаднинг (ЯМД) 6,182 фоизини ташкил этган (2015 йилда – 1,843%) ва энергетика ресурслари - 3,420%. (2015 йилда – 3,287%) тенг бўлган. Ёқилғи-энергетика ресурслари минерал ресурсларнинг бир тури бўлгани учун, уларни бирлаштириб, Ўзбекистонда минерал ресурсларнинг камайиши ҳажми ЯМДнинг 9,602% ини ташкил этади, деган хулосага келишимиз мумкин. Таққослаш учун, Россияда бу кўрсаткич 5,557%, Қозоғистонда-9,034%, Туркменистонда-10,722%, Озарбайжонда-10,871%, Қирғизистонда-15,601%, Канадада-0,950%, Германияда- 0,075%, Австралияда- 4,554%, Бразилияда- 2,559%га тенг (1-чизма).



**1-чизма.** Ўзбекистонда минерал ресурслар камайиш миқдорининг ЯМДдаги улушини дунёнинг бошқа ресурсларга бой мамлакатлари кўрсаткичлари билан таққослаш.

**Манба:** Жаҳон банки маълумотларига асосан муаллиф ишланмаси. <https://data.worldbank.org/>

<sup>1</sup> Жаҳон банки маълумотларига асосан [www.data.worldbank.org](http://www.data.worldbank.org).

Бу шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда минерал ресурсларнинг камайиш даражаси Озарбайжон, Қирғизистон ва Туркманистон каби ресурсларга бой мамлакатларга нисбатан паст. Лекин Қозоғистон, Канада, Германия, Австралия, Бразилия каби минерал ресурсларга бой давлатларга нисбатан Ўзбекистонда минерал ресурсларнинг камайиб кетиши анча юқори. АҚШ, Германия ва Канада каби ривожланган мамлакатларда минерал ресурсларнинг камайиши паст. Бинобарин, Ўзбекистонда минерал ресурсларнинг юқори даражада камайиб кетиши барқарор иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади [3].

Минерал ресурслар захираларини қазиб олиш ва саноат соҳалари ўзаро боғлиқлиги механизмини очиб бериш учун минерал **ресурслардан фойдаланиш интенсивлиги индекси (ФИИ) тушунчасидан** фойдаланамиз.

Минерал ресурслардан фойдаланиш интенсивлиги интеграл индекси деганда, ҳудуддаги ҳар бир турдаги минерал ресурсларнинг мамлакатдаги жами захирасидаги улушининг, мамлакатдаги жами қазиб олишдаги улушига нисбати, деб тушуниш мумкин. Таҳлил натижаларига кўра, республикада калий тузлари бўйича Қашқадарё вилоятида ФИИ (1,000), фосфоритлар бўйича Навоий вилоятида (1,000)га тенг. Бу шуни кўрсатадики, калий тузлари ва фосфоритлар бўйича Қашқадарё ва Навоий вилоятларига республикадаги жами захиралар ва улар асосида қазиб олиш ишлари ҳам тўғри келади. Цемент хомашёси бўйича Навоий вилоятида ФИИ 4,707га тенг, яъни республикадаги жами цемент хомашёси захирасининг 8,3 фоизи ва қазиб олишнинг 38,9 фоизи Навоий вилоятига тўғри келади. Демак цемент хомашёсини республикадаги қазиб олиш улушининг захира улушига нисбати ФИИни беради.

Минерал ресурслардан фойдаланишнинг ҳудудлар иқтисодий ўсишига таъсирини аниқлаш учун куйидаги услуб таклиф этилади.

Ҳудудлар ЯХМда минерал ресурслар мажмуасининг қўшилган қиймат улушини аниқлаш услуби. Дастлаб маълум бир ҳудудда минерал ресурслардан фойдаланишни саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмига қўшган қийматини ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Услубда ишлатиладиган Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичининг (ИФУТ) асосий соҳалари бўлган тоғ-кон саноати, нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш, металлургия саноати ва металл бўлмаган минерал маҳсулотларни ишлаб чиқариш олинади [4].

Сўнг минерал хомашё ресурслар мажмуасининг минтақа саноати қўшимча қиймати ҳажмига қўшган ҳиссаси аниқланади. Бу, натижада минерал ресурслар комплексининг вилоят ЯХМдаги улушини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу услубни қўллаш натижасида ҳудудларни 3та гуруҳга ажратилди:

I-гуруҳга, ҳудудлар ЯХМ ишлаб чиқаришида минерал хомашёлардан фойдаланишнинг юқори улуши Навоий (58%) ва Тошкент (25,4%) вилоятларига тўғри келди.

II-гуруҳга, ҳудудлар ЯХМ ишлаб чиқаришида минерал хомашёлардан фойдаланишнинг ўртача улуши Тошкент шаҳри (11,9%) ва Бухоро (9,8%), Фарғона (5,5%), вилоятлари кирди. Тошкент шаҳрининг бу гуруҳдан жой олишининг асосий сабабларидан бири Қашқадарё вилоятида фаолият юритаётган йирик газни қайта ишлайдиган “Шўртангаз”, “Шўртангаз кимё мажмуаси” ва “Муборак газни қайта ишлаш” корхоналари республика аҳамиятидаги корхоналар бўлгани учун, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми Тошкент шаҳри ҳисоботларида акс эттирилади.

III-гуруҳга, ҳудудлар ЯХМ ишлаб чиқаришида минерал хомашёлардан фойдаланишнинг кам улушига эга бўлган Сирдарё (2,1%), Жиззах (1,9%), Самарқанд (1,6%), Сурхондарё (1,4%), Наманган (0,9%), Хоразм (0,5%), Андижон (0,4%) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (1,2%) ташкил этди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, куйидаги таклиф ва тавсияларни бериш мумкин:

Ҳудудларнинг минерал хомашё салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шунингдек, айрим ҳудудлар (Навоий, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари) иқтисодиётининг минерал ресурсларга боғлиқлигини камайтириш учун куйидагилар зарур:

а) иқтисодиётни диверсификация қилиш ва минерал ресурслардан фойдаланишда чиқиндиларсиз ҳамда кам чиқиндили технологиялардан фойдаланиш;

б) фойдали қазилма конлари ва тоғ-кон мажмуаларининг чиқиндиларидан оқилона фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш;

в) фойдали қазилма конларини қайта ишлаш учун ишлаб чиқариш объектларини оқилона жойлаштириш;

г) рудалардан комплекс фойдаланиш, фойдали компонентнинг ажратиб олиш миқдорини ошириш;

д) минерал хомашёларни минтақалараро ташиш ҳажмини камайтириш мақсадида корхоналарни самарали жойлаштириш;

е) маҳаллий ҳокимият органлари томонидан маҳаллий (ғишт хомашёси, қум ва шағал материаллари, оҳақтошлар, қоплама материаллар ва бошқалар) конлардан фойдаланишга рухсат бериш.

Умуман олганда, Ўзбекистон ҳудудларининг минерал хомашё ресурсларидан фойдаланиш ва ҳудудларнинг иқтисодий ўсишига таъсирини баҳолаш мамлакатнинг инновацион салоҳиятини очиб бериш, иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги интеграцияни ривожлантириш, қўшимча инвестицияларни жалб қилиш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга имкон беради. Шу билан бирга, ҳудудлар иқтисодиётини индустриялаштириш, логистика ва турли хил иқтисодий алоқаларнинг ривожланишида катта аҳамитга эга.

### **Манба ва адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сон фармони.

2. Волович В. Н., Маринина О. А. Экономическая оценка минерально-сырьевых ресурсов. - 2005. - 12-сон. - 167-169 бетлар.

3. Сайдахмедов.Х.М. Мамлакат минтақаларининг минерал хомашё салоҳиятини баҳолаш бўйича услубий ёндашувларни такомиллаштириш.

// Иқтисодиёт: таҳлил ва прогнозлар. – 2020. – № 7-8(11). - П. 119-123.

4. Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитаси расмий сайтининг статистик маълумотлари. <https://www.uzgeolcom.uz/ru/>

## **ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЙИРИК ВА КИЧИК БИЗНЕС РОЛИНИ БАҲОЛАШ**

**Нилуфар АХМЕДОВА,**

*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),*

*Тошкент архитектура-қурилиш институти доценти*

**Аннотация:** маълумки, бугунги кунда қурилиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш, мулкдорлар синфини ҳамда бозорда рақобат курашини ривожлантиришида асосий йўналишлардан бири сифатида қаралиб, барқарор иқтисодий ривожланишнинг локомотиви вазифасини бажариб келмоқда. Ушбу нуқтаи назардан қурилиш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Мақолада республикамизнинг қурилиш соҳаси тараққиётини таъминлашда йирик ва кичик бизнес ролини баҳолаш, бу борада тўпланган илгор хорижий ва маҳаллий тажрибаларни умумлаштирган ҳолда келгусида мазкур секторни янада ривожлантириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** қурилиш, йирик ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, корхона, локомотив, бизнес субъектлари, регрессион таҳлил, корреляцион таҳлил, микрофирмалар.

## **ОЦЕНКА РОЛИ КРУПНОГО И МАЛОГО БИЗНЕСА В ОБЕСПЕЧЕНИИ РАЗВИТИЯ СТРОИТЕЛЬНОЙ ОТРАСЛИ**

**Нилуфар АХМЕДОВА,**

*PhD (по экономическим наукам),*

*Ташкентский архитектурно-строительный институт, доцент*

**Аннотация:** известно, что сегодня строительная отрасль рассматривается как одно из основных направлений в формировании малого бизнеса и частного предпринимательства, социально-



экономического развития, развития класса собственности и конкуренции на рынке, служит локомотивом устойчивого экономического развития.

В статье дается оценка роли крупного и малого бизнеса в обеспечении развития строительной отрасли страны, обобщается лучший мировой и отечественный опыт в этой сфере, а также разрабатываются предложения и рекомендации по дальнейшему развитию этой отрасли.

**Ключевые слова:** строительство, крупный и малый бизнес, частное предпринимательство, предприятие, локомотив, субъекты хозяйствования, регрессионный анализ, корреляционный анализ, микрофирмы.

## ASSESSMENT OF THE ROLE OF BIG AND SMALL BUSINESS IN ENSURING THE DEVELOPMENT OF THE CONSTRUCTION INDUSTRY

**Akhmedova Nilufar Shukhratovna**

*PhD (in economics),*

*Tashkent Institute of Architecture and Building, associate professor*

**Abstract.** *it is known that today the construction industry is regarded as one of the main directions in the formation of small business and private entrepreneurship, socio-economic development, development of the property class and competition in the market, and today it serves as a locomotive for sustainable economic development.*


*The article assesses the role of large and small businesses in ensuring the development of the country's construction industry, summarizes the best world and domestic experience in this area, and also develops proposals and recommendations for the further development of this industry.*

**Keywords:** *construction, large and small business, partial entrepreneurship, enterprise, locomotive, hosting entities, regression analysis, correlation analysis, microfirms.*

**Кириш қисми.** Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий фаровонликни сақлашда қурилиш соҳаси ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш каби муҳим муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади. Шунингдек, ижтимоий объектларни қуриш ва инфраструктурани шакллантиришда ҳам соҳанинг аҳамияти каттадир.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор иқтисодиётини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш, мулкдорлар синфини ҳамда бозорда рақобат курашини ривожлантиришда асосий йўналишлардан бири сифатида қаралиб, бугунги кунда барқарор иқтисодий ривожланишнинг локомотиви вазифасини бажариб келмоқда. Ушбу нуқтаи назардан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

**Асосий қисм:** Мамлакатимизда ҳам аҳолини уй-жой билан таъминлаш, яшаш шароитларини яхшилаш, замон талабларига мос қурилиш ишларини амалга ошириш каби йўналишларда қатор амалий ишлар қилиниб келинмоқда. Ушбу чора-тадбирлар натижаларини мамлакатимиздаги муҳим ҳудудий бирликлардан бўлган Тошкент шаҳри маълумотлари асосида қараб чиқамиз. Яъни, қурилиш соҳасини ривожлантириш уни янги сифат даражасига кўтариш, рақобатбардошлигини ошириш масалалари бўйича амалга оширилаётган чора тадбирлар натижаларини таъминлашда йирик ва кичик бизнеснинг аҳамиятини статистик маълумотларга таянган ҳолда баҳолаб ўтамиз. Маълумотларнинг кўрсатишича, мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида қурилиш соҳаси барқарор ривожланишини таъминлаш масалаларига кейинги йилларда алоҳида эътибор қаратилмоқда, натижада 2021 йилда Тошкент шаҳрида бажарилган жами қурилиш ишлари ҳажми 26535,3 млрд. сўмни ташкил қилиб, олдинги йилга нисбатан 18,3 фоизга ўсиши таъминланган. Ушбу қурилиш ишлари йирик қурилиш ташкилотлари, кичик корхона ва микрофирмалар ҳамда норасмий сектор томонидан амалга оширилди (1-расм).



**1-расм. Қурилиш соҳасида фаолият юритувчи субъектларнинг жами қурилиш ишларини бажаришдаги улуши**

**Манба:** “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати” статистик тўплам. 2022 йил январь-март” Тошкент 2022-йил. 217-233 бб. ва айнан шу тўпламнинг 2020-2021-йилги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Қурилиш ишларининг субъектлар орасидаги тақсимога эътибор қаратадиган бўлсак, Тошкент шаҳрида натижалар анча ижобий қўринишга эга. Хусусан, шаҳарда норасмий секторнинг улуши республика билан солиштирганда анча паст бўлиб, 9.2 фоизни ташкил қилмоқда. Бундан ташқари, кичик корхона ва микрофирмалар улуши ҳам 66.3 фоизга тенг бўлгани ҳолда, республика кўрсаткичига нисбатан 13.5 бирликка юқори қийматга эга бўлмоқда.

Натижада йирик бизнеснинг улуши шаҳарда нисбатан пастлигича қолмоқда. Умуман олганда республика ва шаҳарда амалга оширилган қурилиш ишларини бажаришда норасмий сектор улушининг етарли даражада катта эканлиги ушбу соҳада тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш имкониятлари мавжудлиги, улар учун қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини асослайди.

Амалга оширилган қурилиш ишлари ҳам фаолият йўналишига қараб, уч турга ажратилади. Яъни, бино ва иншоотларни, фуқаролик объектларини ва ихтисослаштирилган қурилиш ишларини бажариш кабилардир. 2021 йил январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон республикасида фаолият кўрсатаётган қурилиш корхона ва ташкилотлари сони 40950 тани ташкил қилиб, шундан 8237 таси, бошқача айтганда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотнинг бештадан биттаси Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келмоқда.

**1-жадвал**

**Қурилиш ишлари бўйича фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони**


	Ўзбекистон Республикаси		Тошкент шаҳри	
	Корхоналар сони	Улуши	Корхоналар сони	Улуши
Бино ва иншоотларни қуриш	23779	58.1	4137	50.2
Фуқаролик объектларини қуриш	3811	9.3	534	6.5
Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари	13360	32.6	3566	43.3
<b>Жами:</b>	40950	100	8237	100

**Манба:** “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати” статистик тўплам. 2022 йил январь-март” Тошкент 2022-йил. 217-233 бб. ва айнан шу тўпламнинг 2020-2021-йилги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ўзбекистонда фаолият йўналиши бўйча жами қурилиш корхоналарининг 58,1 фоизи бино ва иншоотларни қуриш билан шуғулланса, Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич бироз паст қийматга эга бўлиб, 50,2 фоизни ташкил қилмоқда. Фуқаролик объектларини қуриш бўйича ҳам айтилган тенденцияни кузатиш мумкин, яъни шаҳарда бу йўналишдаги қурилиш ишлари билан шуғулланувчи субъектлар улуши бироз пастроқ. Натижада ихтисослаштирилган қурилиш ишларини бажарувчи корхона ва ташкилотларнинг жамига нисбати анча юқори қийматга эга бўлмоқда. Юқорида келтириб ўтилган таҳлилларга асосланган ҳолда шунини таъкидлаш мумкинки, мавжуд корхона ва ташкилотларнинг фаолият йўналиши бўйича тақсимооти билан норасмий секторнинг улуши орасида боғлиқлик мавжудлигини кўриш мумкин. Бино ва иншоотлар, фуқаролик объектларини қуриш билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар улушининг паст бўлиши фикримизча шаҳарда норасмий секторнинг ҳам улушининг паст бўлишига сабаб бўлмоқда.

Амалга оширилган тадқиқот натижаларига кўра, қурилиш соҳасини ривожлантиришда ўз ечимини қутаётган қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, бажарилаётган қурилиш ишларининг 9,2 фоизининг норасмий сектор ҳиссасига тўғри келиши, кичик ва йирик бизнес ривожининг мақбул нисбатларини таъминлашнинг зарурлиги кабилар шулар жумласидандир. Чунки қурилиш соҳасида кичик бизнес субъектларини ривожлантириш норасмий сектор улушини камайтириш, бажарилган қурилиш ишлари ҳажмини оширишга хизмат қилади. Келтириб ўтилганларни инобатга олган ҳолда, Тошкент шаҳри мисолида қурилиш соҳаси ривожини таъминлашда кичик ва йирик бизнес субъектлари фаолиятининг таъсирини баҳолаб ўтмоқчимиз.

Жами мавжуд корхона ва ташкилотлар сонида айнан қурилиш соҳасидаги корхоналар ва ташкилотлар улушининг ўзгариши динамикасига эътибор қаратиб ўтмоқчимиз. Мазкур таҳлилни амалга ошириш учун 2014-2021 йиллар маълумотларидан фойдаланилди (2-расм).



2-расм. Тошкент шаҳрида қурилиш соҳасидаги корхоналар ривожининг муҳим кўрсаткичлари динамикаси

**Манба:** “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг жтимоий-иқтисодий ҳолати” статистик тўплам. 2022 йил январ-март” Тошкент 2021-йил. 217-233 бб. ва айнан шу тўпламнинг 2014-2021-йилги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Шаҳарда рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг жамига нисбатан улуши 6,3 фоиздан 8,2 фоизга ошиши таъминлангани ҳолда 1,9 бирликка кўтарилган бўлса, фаол корхоналар сони улушидаги ўзгариш 2,2 бирликни ташкил қилган. Фаол корхоналар улушидаги ўзгаришнинг рўйхатдан ўтган корхоналар улушига нисбатан юқори қийматга ўзгариши соҳадаги ижобий натижаларга эришишни ифодалайди. Бундан ташқари, нофаол корхоналар улушида кескин пасайиш кузатилган, яъни 11,4 фоиздан 7,2 фоизгача камайган. Янгидан ташкил қилинган корхона ва ташкилотларнинг қурилиш соҳасига оид бўлганларининг улуши ҳам 2,8 бирликка ошганлиги соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасини ўзида акс эттирмоқда. Бироқ, бошқа томондан корхона ва ташкилотлар улушининг ҳам ўсиши соҳада тадбиркорлик субъектлари учун етарли даражада қулай муҳит яратилмаганлигидан далолат бермоқда.

Қурилиш соҳаси ўзига хосликлари билан бошқа тармоқлардан ажралиб туради, бундан ташқари қурилиш ишларини бажариш учун кўп маблағ талаб қилиниши ҳамда узок муддатли инвестицияларга эҳтиёжнинг юқори бўлиши кабилар соҳа ривожини таъминлашда кичик ва йирик

бизнес субъектларининг муқобил ва оптимал нисбатларини таъминлаш лозимлигини асослайди. Буни инобатга олган ҳолда, келтирилган ижобий натижаларга эришишда кичик ва йирик қурилиш ташкилотлари ривожланишининг таъсирини баҳолаб ўтамиз. Бунинг учун жами қурилиш соҳасидаги корхона ва ташкилотларда кичик корхоналар улушини аниқлаб олдик (2-жадвал).

2-жадвал

**Тошкент шаҳрида жами қурилиш корхоналарида кичик қурилиш корхоналарининг улуши (фоизда)**

Йиллар	Рўйхатга олинган	фаол	нофаол	янги ташкил этилган	тугатилган
2014	98.2	98.0	99.4	100.0	99.7
2015	98.4	98.3	99.5	99.6	98.6
2016	98.6	98.5	99.1	100.0	100.0
2017	98.8	98.7	99.3	100.0	99.7
2018	99.0	99.0	98.9	99.7	99.3
2019	99.3	99.3	98.6	99.7	99.4
2020	99.3	99.3	99.6	99.8	99.5
2021	99.0	99.0	100.0	99.8	97.7

Натижалар соҳада тадбиркорлик тараққиётини ифодаловчи барча кўрсаткичларда кичик бизнеснинг улуши жуда катта эканлигини кўрсатмоқда. Хусусан, рўйхатга олинган ва фаол корхоналар бўйича улуши 98,0 фоиздан юқори бўлиб, бир хил тенденцияга эга бўлганлигини, охириги йилда пасайганлигини кузатиш мумкин. Нофаол корхоналар бўйича ҳам кичик бизнес улушининг ўсиши кузатилади, яъни 2021 йилга келиб уларнинг 100 фоизи кичик қурилиш корхоналари ҳиссасига тўғри келган. Тугатилган корхоналарда кичик қурилиш корхоналарининг улуши 2021 йилга келиб кескин пасайган ҳолда, 97,7 фоизни ташкил қилган. Нофаол корхоналар улушининг ошиши салбий натижа сифатида қаралса, тугатилган корхоналардаги улушнинг камайиши ижобий натижани ифодалайди.

Йирик бизнес субъектлари улушининг паст бўлиши, уларнинг қурилиш ишларини амалга оширишдаги ролини ифодаламайди, чунки бажарилган қурилиш ишларида кичик бизнес субъектлари улушига эътибор қаратадиган бўлсак, келтирилган рақамларга нисбатан анча паст эканлиги фикримиз тасдиғи бўлиб хизмат қилади. Яъни фаолият олиб бораётган қурилиш корхоналарининг 99,0 фоизи кичик тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келишига қарамадан, уларнинг бажарилган қурилиш ишларидаги улуши 2020 йилда 71,1 фоизни ташкил қилган.

Тошкент шаҳрида қурилиш соҳасидаги кичик бизнес субъектлари сони анча юқори эканлигини ва корхоналар сонидagi асосий ўзгариш улар ҳиссасига тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳамда шаҳарда амалга оширилган қурилиш ишларининг реал қиймати орасидаги боғлиқликни корреляцион таҳлил асосида қараб чиқамиз (3-жадвал).

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, бажарилган қурилиш ишларининг реал ҳажми қурилиш соҳасидаги кичик бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигини ифодаловчи барча кўрсаткичлар билан юқори корреляцион боғлиқликка эга эканлиги аниқланди.

3-жадвал

**Корреляцион таҳлил натижалари**

	Рўйхатга олинган	Фаол	Нофаол	Янги ташкил этилган	Тугатилган	Бажарилган қурилиш ишларининг реал ҳажми
Рўйхатга олинган	1.000					
Фаол	0.998	1.000				
Нофаол	-0.046	-0.108	1.000			
Янги ташкил этилган	0.919	0.930	-0.254	1.000		
Тугатилган	-0.843	-0.818	-0.340	-0.582	1.000	
Бажарилган қурилиш ишларининг реал ҳажми	0.989	0.987	-0.036	0.945	-0.806	1.000

Хусусан, фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони билан бажарилган қурилиш ишларининг реал ҳажми орасидаги корреляция коэффиценти 0,99 ни ташкил қилмоқда, шунингдек янгидан ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари билан 0,95 тенг эканлиги фикримиз тасдиғидир. Нофаол ва тугатилган кичик бизнес субъектлари билан бажарилган қурилиш ишлари реал ҳажми орасидаги корреляция коэффиценти мос равишда -0,04 ва -0,81 га тенг эканлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларига кўра, Тошкент шаҳрида қурилиш соҳаси тараққиётини таъминлашда йирик ва кичик бизнес субъектларининг муқобил нисбатларини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Аниқланишича, шаҳарда қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари сонидagi ўзгариш айнан кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Фикримизча, йирик бизнес субъектларининг мавжуд салоҳиятини сақлаб қолган ҳолда кичик бизнеснинг ривожланишини таъминлаш, улар учун қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш ва сонини ошириш қурилиш соҳасини ривожлантиришдаги муҳим йўналишлардан бири сифатида қаралади.

Юқорида келтирилган фикр мулоҳазаларга таянган ҳолда қурилиш соҳасида кичик ва йирик бизнеснинг ўзаро таъсирини регрессион таҳлил асосида қараб чиқамиз. Дастлаб қурилиш соҳасидаги жами янгидан ташкил қилинган ва тугатилган корхоналарнинг қурилиш соҳасидаги фаол кичик бизнес субъектлари сонига таъсирини қараб чиқамиз. Амалга оширилган регрессион таҳлил натижаларини қуйида келтириб ўтаемиз.

$$\begin{aligned}
 Sac &= 4689.43 + 2.56T_{new} - 9.83T_{clo} & (1) \\
 se &= (681.48) \quad (0.28) \quad (1.78) \\
 t &= (6.88) \quad (9.21) \quad (-5.22) \\
 p &= (0.001) \quad (0.00) \quad (0.003) & R^2 = 0.98
 \end{aligned}$$

*Бу ерда: Sac – қурилиш соҳасидаги фаол кичик бизнес субъектлари сони; Tnew – қурилиш соҳасидаги янги ташкил қилинган корхона ва ташкилотлар сони; Tclo - қурилиш соҳасидаги тугатилган корхона ва ташкилотлар сони;*

Ишлаб чиқилган моделнинг барча коэффицентлари Стьюдент мезонига кўра адекват, бундан ташқари детерминация коэффиценти ҳам 0.98 ни ташкил қилмоқда. Яъни натижавий омил ўзгаришининг 98 фоизи танлаб олинган омиллар ҳиссасига тўғри келишини кўрсатмоқда. Фишер мезони (128,4) ҳамда Durbin-Watson (2,3) статистикаси бошқа мезонлар натижалари ҳам талаб даражасида эканлигини кўрсатмоқда. (1-формула.)

Тадқиқот натижаларига кўра қурилиш соҳасида янгидан ташкил қилинган корхона ва ташкилотлар сонининг бир бирликка ошиши фаол кичик бизнес субъектлари сонининг ўртача 2,56 бирликка ошишини таъминласа, тугатилган корхона ва ташкилотлар сонининг бир бирликка ошиши кичик бизнес субъектлари сонини ўртача 9,83 бирликка камайтиради. Бундан кўринадики, тугатилган корхона ва ташкилотлар таъсири янгидан ташкил қилинганига қараганда деярли 4 баробарга юқори экан.

Юқоридаги таҳлилни қурилиш соҳасидаги фаол йирик бизнес субъектлари учун ҳам амалга ошириб ўтмоқчимиз. Кичик бизнес субъектларидан фарқли равишда йирик бизнес субъектларининг янгидан ташкил қилинган ва тугатилган корхоналар сонига таъсирчанлиги анча паст ҳисобланади. Чунки маълумотларга кўра йирик корхоналарда янгиларининг ташкил қилиниши ва тугатилиш ҳолатлари кам кузатилади. Жумладан, таҳлил қилинаётган даврда жами 7767 та корхона янгидан ташкил қилинган бўлса, шундан 15 таси йирик корхоналар ҳиссасига тўғри келган, холос. Бундан ташқари жами тугатилган 2123 та корхонанинг 13 таси йирик корхоналар эканлиги аниқланди. Натижада ушбу жараёнларда йирик корхоналар улуши мос равишда 0,2 ва 0,6 фоизни ташкил қилиши аниқланди.

Соҳада янгидан ташкил қилинган ва тугатилган корхоналарнинг фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сонига таъсирини ўрганиш бўйича амалга оширилган регрессион таҳлил натижаларига кўра қуйидаги моделга эга бўлинди.


$$\begin{aligned}
 Bac &= 115.07 - 0.01T_{new} - 0.19T_{clo} & (2) \\
 se &= (11.46) \quad (0.005) \quad (0.03) \\
 t &= (10.04) \quad (-2.71) \quad (-6.50) & R^2 = 0.90
 \end{aligned}$$

Бу ерда: *Bac* – қурилиш соҳасидаги фаол йирик бизнес субъектлари сони; *Tnew* – қурилиш соҳасидаги янги ташкил қилинган корхона ва ташкилотлар сони; *Tclo* - қурилиш соҳасидаги тугатилган корхона ва ташкилотлар сони.

Олинган натижаларга кўра, соҳада янгидан ташкил қилинган ва тугатилган тадбиркорлик субъектлари сони таъсирини ифодаловчи коэффициентларнинг иккаласи ҳам манфий қийматга эга бўлмоқда. Мазкур коэффициентлар Стьюден мезони бўйича адекват, детерминация коэффициенти ҳам етарли даражада юқори қийматга эга бўлмоқда. Бошқа мезонлар бўйича натижалар ҳам 2-формулада келтириб ўтилган бўлиб, улар ҳам натижаларнинг адекватлигини исботламоқда.

Юқорида келтирилган таҳлилларга таянган ҳолда аниқланган модель ва коэффициентлардан хулосалар чиқариш учун фойдаланамиз. Уларга кўра, соҳада янгидан ташкил қилинган корхоналар сонининг 100 бирликка ошиши йирик корхоналар сонини бир бирликка камайтиради. Бунинг сабабларини ўрганиш учун маълумотларга эътибор қаратиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади (3-расм).

Фаол йирик бизнес субъектлари сони 2019 йил 1 январь ҳолатигача камайиш тенденциясига эга бўлган, натижада 54 тадан 37 тагача камайган. Ушбу даврда жами янги ташкил қилинган корхоналар сони ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 481 тадан 1443 тагача ошган ва 2020 йил биринчи январь ҳолатига 1739 тага етган ва 2021 йил 1 январь ҳолатига пасайиб 1465 тани ташкил қилган. Кейинги икки йилда эса фаол йирик бизнес субъектлари сонини кескин ўсиши кузатилгани ҳолда, 37 тадан 83 тагача ошган.



3-расм. Тошкент шаҳрида жами ташкил қилинган корхоналар ва фаол йирик бизнес субъектлари сонининг динамикаси

**Манба:** “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати” статистик тўплам. 2022 йил январь-март” Тошкент 2021-йил. 217-233 бб. ва айнан шу тўпламнинг 2014-2021-йилги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Натижада бир-бирига нисбатан тескари йўналишдаги ўзгариш улар орасидаги манфий боғлиқликка сабаб бўлган. Бундан кўринадики, Тошкент шаҳрида қурилиш соҳасида жами янгидан ташкил қилинган корхоналар сони фаол йирик бизнес субъектлари сонига салбий таъсир кўрсатади.

Иккинчи омил қурилиш соҳасидаги жами тугатилган корхоналар сонининг 10 бирликка етиши фаол йирик бизнес субъектлари сонининг ўртача миқдорда тахминан 2 бирликка камайишига олиб келади.

**Хулоса ва тавсиялар.** Тадқиқотларимиз натижаларига кўра, қурилиш соҳасида жами янги ташкил қилинган корхоналар сони фаол кичик бизнес субъектлари сонига ижобий, аммо йирик бизнес субъектлари сонига салбий таъсир қилади. Бу бир-бирига зид бўлган ҳолатни келтириб чиқармоқда. Ушбу ҳолатда янги ташкил қилинган корхоналар сонини ошириш лозимми, деган саволга жавоб олиш мақсадида қурилиш соҳасидаги фаол бўлган кичик ва йирик бизнес субъектлари сони орасидаги боғлиқликни қараб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топдик ва қуйидаги натижаларга эга бўлдик. Таҳлил натижаларига кўра, иккала кўрсаткич орасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд бўлиб, моделнинг озод ҳади адекват эмаслиги аниқланди. Шу сабабли, иккала кўрсаткичнинг боғлиқлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилган регрессион таҳлилни Gretl дастуридан фойдаланган ҳолда амалга ошириб ўтдик ва натижаларни қуйида келтириб ўтаемиз.

$$\begin{aligned} S_{ac} &= 88.66B_{ac} & (3) \\ se &= (11.23) \\ t &= (7.89) \quad R^2 = 0.90 \end{aligned}$$

Юқорида келтириб ўтилган таҳлил натижаларидан ташқари, дастур асосида олинган барча натижалар 3-формулада келтириб ўтилган. Ишлаб чиқилган модель ва унинг коэффиценти барча мезонлар бўйича адекват бўлиб, ушбу моделдан таҳлил қилиш учун фойдаланиш мумкин эканлигини кўрсатмоқда. Яъни Тошкент шаҳрида йирик фаол қурилиш корхоналари сонининг бир бирликка ошиши кичик фаол қурилиш корхоналари сонининг ўртача миқдорда 88.66 бирликка оширишга хизмат қилади. Бошқача айтганда, кичик қурилиш корхоналари сонининг 88.66 бирликка ошиши йирик корхоналар сонини оширишга хизмат қилади.

Биринчи модель натижаларига кўра, жами янги ташкил қилинган қурилиш корхоналари сонининг бир бирликка ошиши кичик фаол қурилиш корхоналари сонини 2,56 бирликка ошириши аниқланган эди. Ушбу боғлиқлик бўйича қараб чиқадиган бўлсак, жами янги ташкил қилинган корхоналар сонининг 34,63 бирликка ошиши кичик фаол қурилиш корхоналари сонини 88,66 бирликка ошишига, бу эса ўз навбатида йирик фаол қурилиш корхоналари сонини бир бирликка оширишга хизмат қилади.

Қурилиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни фаоллаштириш стратегияси ва устувор йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича амалга оширилган тадқиқотларимиз натижасида қуйидаги хулосаларга келинди.

Ўтиш даврида кичик бизнеснинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши рағбатлантирувчи селектив хусусиятга эга бўлиши керак.

Қурилиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг мавжуд муаммоларини давлат органлари ҳокимияти, маҳаллий органлар бошқаруви билан ҳамжиҳатликда бартараф қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда, субъектларнинг яшовчанлик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳудудлар миқёсида ривожлантиришни тартибга солиш стратегик механизмини жорий қилиш ва қўллаш зарур.

Олинган натижаларга асосланган ҳолда шунини таъкидлашимиз мумкинки янгидан ташкил қилинган қурилиш корхоналари кичик ва йирик фаол қурилиш корхоналари сонининг ошишига хизмат қилади.

### **Манба ва адабиётлар**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони* \\\ *lex.uz*
2. *Ўзбекистон Республикаси президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони*
3. *Renata Stasiak-Betlejewska and Marek Potkány/ Procedia Economics and Finance 34 (2015 ) 35 – 42*
4. *Манба: Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати” статистик тўплами.*
5. *Муаллиф ишланмаси.*
6. *www.toshstat.uz (Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси расмий сайти)*
7. *Муаллиф ишланмаси.*

## **ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Нодирбек РАСУЛОВ,**  
*DSc (иқтисодий фанлари бўйича),  
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий  
тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари, доцент*

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистонда рақамли иқтисодийнинг ривожланиш тенденциялари, унинг иқтисодий моҳияти, миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини таъминлашда тутган ўрни ҳамда унинг устувор йўналишлари очиқ берилган. Шунингдек, рақамли технологиялар иқтисодийни ривожлантиришининг муҳим омили сифатида маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш, ортиқча харажатларни камайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, яширин

иқтисодиёт кўламини қисқартиришида муҳим вазифани бажариши тўғрисида маълумотлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, рақамли иқтисодиётнинг асосий йўналишлари, рақамли технологиялар, яширин иқтисодиёт, ахборот технологиялари, ахборотлаштириш ва рақамлаштириш, иқтисодий хавфсизлик.

## ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Нодирбек РАСУЛОВ,**

*DSc (по экономическим наукам), доцент,  
Руководитель проекта Института прогнозирования  
и макроэкономических исследований*

**Аннотация.** в статье раскрыты тенденции развития цифровой экономики в Узбекистане, ее экономическая сущность, роль в обеспечении конкурентоспособности национальной экономики и приоритетные направления развития цифровой экономики. Отмечена важная роль цифровых технологий в повышении качества продукции и услуг, снижении избыточных затрат, обеспечении занятости населения, а также уменьшении масштабов теневой экономики как важного фактора экономического развития.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, основные направления цифровой экономики, цифровые технологии, теневая экономика, информационные технологии, информация и цифровизация, экономическая безопасность.

## PRIORITY AREAS OF DEVELOPMENT OF DIGITAL ECONOMY IN UZBEKISTAN

**Nodirbek RASULOV,**

*DSc (doctor of Science),  
associate professor Project Manager  
Institute of Forecasting and Macroeconomic Research*

**Abstract:** the article reveals the trends in the development of the digital economy in Uzbekistan, its economic essence, its role in ensuring the competitiveness of the national economy and priority areas for the development of the digital economy. The important role of digital technologies in improving the quality of products and services, reducing excess costs, providing employment for the population, as well as reducing the scale of the shadow economy as an important factor in economic development is noted.

**Keywords.** digital economy, main directions of the digital economy, digital technologies, shadow economy, information technologies, information and digitalization, economic security.

**Кириш.** Сўнгги йилларда рақамли иқтисодиёт тушунчаси бир қатор мамлакатларнинг амалиётида кенг қўлланила бошланди. Бунинг сабаблари сифатида рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши, ахборот технологиялари соҳасидаги янгиликлар, иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини ахборотлаштириш ҳамда иқтисодиётнинг халқаро даражада глобаллашуви сабаб эканлиги мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда.

Рақамли иқтисодиёт мавзуси ҳозирда маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан фаол ўрганилмоқда. Уларнинг фикрига кўра, жамият ҳаётининг барча соҳалари, жумладан, иқтисодий тизимдаги фаолиятни рақамлаштириш жаҳон иқтисодиётидаги асосий тенденциялардан бирига айланиб улгурди. Иқтисодий муносабатларда иштирок этаётган субъектлар учун рақамлаштириш жараёнининг долзарблиги ҳамда замонавий иқтисодиётнинг ривожланиши, биринчидан, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларига ИТ технологияларни кенг жорий этиш билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, ушбу технологияларни ишлаб чиқиш жараёнида қўлланилиши корхоналарнинг вақт ва пул харажатларини тежаш соҳасида рақамли технологиялар имкониятларининг ўсишига олиб келди. Бунинг оқибатида иқтисодий муносабатлар тизимининг барча даражаларида рақобатнинг кучайиши, корхоналар ўз фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўлларини излашга мажбур бўлишмоқда. Бу ҳолат ўз навбатида инновацион ишланмаларнинг яратилишига замин яратмоқда.

XXI асрнинг бошларида Ғарбий Европа, Япония, Жанубий Корея, Хитой ҳамда АҚШнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига рақамли иқтисодиёт ва рақамли технологиялар шиддат билан кириб



кела бошлади, натижада ўша даврлардаёқ иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шу жумладан, тижорат банкларида ҳам рақамли инқилоб юз берди. Рақамли иқтисодиётнинг улуши қатор ривожланган мамлакатларда мамлакат ЯИМга нисбатан ўртача 5-5,5 фоизни ташкил этади. Охирги маълумотларга кўра, Хитойнинг рақамли иқтисодиёт ҳажми 2021 йилда 7,1 трлн. АҚШ доллариغا етди. Маълумот учун дунёдаги жами рақамли иқтисодиёт ҳажми 40 трлн. АҚШ доллари атрофида эканлиги мутахассислар томонидан эътироф этилган [1].

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларини “рақамлаштириш” жараёни тўғрисида сўз борганда, биринчи навбатда, мазкур атамага аниқлик киритиш ҳамда барча мутахассислар томонидан иложи борича бир хил талқин қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш кенг маънода рақамли технологияларни тармоқ ва соҳаларга кенг қўллаш ва ассимиляция қилиш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни англатади. Умуман олганда рақамлаштириш у ёки бу соҳадаги ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолиятни автоматлаштириш, мазкур жараён тўғрисида ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш, алмашиш ва узатиш технологиялари мажмуасидир.

Рақамли иқтисодиёт тушунчасига бир қатор маҳаллий ва хорижий олимлар, тадқиқотчилар ҳамда олимлар томонидан таърифлар берилган. Жумладан, Россиялик иқтисодчи олимлардан В.Иванов “Рақамли иқтисодиёт – реал ҳақиқатни тўлдирадиган виртуал муҳит” – деб таъриф берган [2]. Р.Мешчеряков “Рақамли иқтисодиёт” атамасини иккита ёндашув орқали исботлашга ҳаракат қилади. Муаллифнинг биринчи ёндашуви “классик” деб номланиб, унга телетиббиёт, масофавий таълим, дори-дармонлар, турли хил товарларни онлайн сотишни мисол келтиради. Иккинчи ёндашув сифатида “рақамли иқтисодиёт”га илғор рақамли технологияларни жорий этиш орқали юқори фойда кўришни таъкидлаб ўтади [3]. М. Калужский эса “рақамли иқтисодиёт”ни “интернет фаолияти орқали иқтисодий муносабатларни ташкил этиш шакллари сифатида ишлаб чиқаришни рақамлаштириш усуллари, воситалари ва уни амалга ошириш билан боғлиқ муҳит” – деб таъриф берган [4]. Маҳаллий олимларимиздан академик С. Ғуломов, Б. Ходиев, Ш. Мустафақулов [5], Н. Расулов, О. Умаровлар ҳам рақамли иқтисодиёт бўйича ўзларининг муносабатларини билдиришган. Жумладан О.Умаровнинг фикрига кўра, “рақамли иқтисодиёт – бу ишлаб чиқариш комплекси бўлиб, у инсонлар учун қулайликларни таъминлайдиган маҳсулот ва хизматларни яратадиган виртуал муҳит ҳисобланиб, рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий ишлаб чиқариш тизимини ташкил этади”.

Юқорида муаллифларнинг турли назарий ишланмаларида рақамли технологиялар маълум даражада рақамли иқтисодиётнинг асоси эканлигини таъкидлайди. Ушбу технологияларни ишлаб чиқиш ва улар билан боғлиқ жараёнларни айрим муаллифлар рақамли иқтисодиётнинг бир қисми сифатида эътироф этишса, бошқалари эса рақамли технологияларни рақамли иқтисодиётнинг асосий таркибига киритишади.

Демак, олимларни ёндашувларини ўрганган ҳолда шундай хулоса қилиш мумкинки, тез ўзгариб боровчи рақамли технологиялар бевосита рақамли иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим омил бўлиб, унинг функционал хусусиятлари таъсир доирасини аниқлаш ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларининг асосини таъминлайдиган назарияларни шакллантириши лозим бўлади.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот ишидаги муаммоларни ўрганишда хорижий олимларнинг мазкур масала бўйича ёндашувлари, ривожланган мамлакатлардаги эришилган тажрибалар назарий жиҳатдан ўрганилди. Шу билан бирга мамлакатимиздаги рақамли иқтисодиётни ривожланишидаги иқтисодий статистик кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришдаги устувор йўналишлар яқиндан ўрганилди ва статистик маълумотлар тизимлаштирилди. Тўпланган маълумотлар асосида кузатиш ва иқтисодий таҳлилни қиёслаш, тизимли ёндашув ҳамда мантиқий ёндашув каби услублардан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

XXI асрга келиб рақамли иқтисодиёт мамлакатлар учун иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ижтимоий тенгсизликни қисқартириш ҳамда глобаллашув даражасига тенглашишда муҳим омиллардан бирига айланди. Охирги йигирма йилликда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон Банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, G7 мамлакатлари ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг мамлакат тараққиётига қандай таъсир кўрсатиши юзасидан олиб борилаётган тадқиқотлар кўлами ортиб бормоқда [6].

Рақамли технологияларнинг тез тарқалиши ва унинг тобора ривожланиб, қамров доирасининг кенгайиб бориши бевосита мамлакатлар иқтисодийтини ривожланишига ўз таъсирини кўрсатиб бормоқда. Бу эса амалиётда рақамли иқтисодиёт мезонларини ўлчаш, самарадорлик даражасини аниқлаш, ЯИМ таркибидаги улушини ҳисоблаш, рақамли маҳсулот ва хизматлар таркибини шакллантириш, унинг концептуал асосларини белгилаш, рақамли иқтисодиёт ўзгартираётган ҳуқуқий-сиёсий масалалар юзасидан кўплаб илмий ва амалий ишларни бажариш учун тўртки бўлмоқда.

Мамлакатимизда 2017 йилда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси ва унда белгиланган устувор вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш мамлакатнинг халқаро даражадаги мавқеини мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, корхоналар салоҳиятини юксалтириш, ишлаб чиқаришга инновацияларни кенг жорий этишни долзарб масалалардан бирига айлантирди. Бу эса иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқаришни рақамли иқтисодиёт негизда шакллантириш муҳим эканлигини кўрсатмоқда. Чунки иқтисодиётнинг турли соҳаларига рақамли технологияларни кенг кириб бориши ҳамда мамлакатимизда электрон ҳукумат тизимини жорий этиш муаммосининг босқичма-босқич ҳал этилиши ўз навбатида рақамли иқтисодиётнинг шаклланишига асос бўлади. Ҳозирги кунда илмий адабиётларда “Рақамли иқтисодиёт” атамаси мутахассислар, тадқиқотчи ва олимларнинг фаолияти туридан келиб чиқиб турлича талқин қилинмоқда. Мазкур атама бўйича ҳозирча яхлит бир таъриф мавжуд эмас. Тадқиқотларимизни кўрсатишича, ушбу атамага иқтисодий нуқтаи назардан қуйидаги ёндашувлар мавжуд. “Рақамли иқтисодиёт –

- реал борлиқни ўзида ифодаловчи виртуал муҳит;
- рақамли технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- интернет технологияларига асосланган жамият;
- иқтисодиёт соҳасининг янги бир кўриниши;
- онлайн-савдо ва савдо майдончалари, веб-иқтисодиёт;
- ахборотларни қайта ишлаш, сақлаш, узатиш борасидаги янги усуллар генерацияси, ахборот коммуникацияси ва рақамли технологияларига асосланган иқтисодиёт;
- янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделларини яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгилаш тизимга кўчириш.”

Маълумотларга кўра, Ўзбекистоннинг ЯИМда рақамли иқтисодиётнинг улуши ҳозирги кунда 2,2-2,5 фоиз атрофида. Ахборот технологиялари бўйича мутахассисларнинг тавсияларига кўра рақамли иқтисодиётнинг ЯИМ таркибидаги улуши ўртача 7-8 фоиз бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Таққослаш учун бу кўрсаткич Буюк Британияда 12,4 фоиз, Жанубий Кореяда – 8, Хитойда – 6,9, Ҳиндистонда – 5,6, Қозғистонда – 3,9 фоизни ташкил этади [7].

Рақамли иқтисодиётга ўтиш Ўзбекистон учун нафақат вақтни тежаш ва шунинг ҳисобига ишлаб чиқариш интенсивлиги ва самарадорлигини ошириш учун зарурдир. Чунки рақамли иқтисодиёт хуфёна иқтисодиёт даражасини пасайтиришга, бюрократик тўсиқларнинг олдини олишга тўртки бўлади. Мамлакатда қанчалик ахборот-технологиялари ривожланса, шунга мос ҳолда рақамли иқтисодиётнинг бозор дастаклари ишлаб кетишига олиб келади.

Ахборот коммуникация технологияларининг ривожланиш индекси бўйича Ўзбекистон 2017 йилда дунёнинг 176 мамлакати орасида 4,9 балл билан 95-ўринни эгаллади. Биринчи ўринни 8,98 балл билан Исландия, иккинчи ўринни 8,85 балл билан Жанубий Корея эгаллаган эди. Беларуссия 7,55 балл билан 32-ўрин, Россия 7,07 балл билан 45-ўрин, Қозғистон 6,79 балл билан 52-ўринни эгаллаган эди [8]. Мазкур таҳлиллардан кўринадики, мамлакатимизда ахборот-технологияларини ривожлантиришга, унинг инфратузилмаларини янада такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратишимиз лозим бўлади.

**1-жадвал**

**Ўзбекистонда Ахборот-коммуникация хизматлари таркиби, фоизда [9]**

Хизматлар	йиллар										
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан:											
Почта хизмати	3,9	3,8	3,8	3,8	4,4	4,2	3,5	3,3	3,2	2,9	3,0
Симли телефон алоқа хизмати	14,3	15,9	19,0	17,2	15,9	12,9	11,4	14,1	13,9	12,8	11,6
Мобил телефон алоқа хизмати	70,6	65,3	60,4	59,7	57,3	58,3	58,8	54,2	53,5	51,8	51,9

Интернет хизмати	5,4	7,2	8,6	10,8	14,0	15,8	17,0	21,4	22,9	27,1	27,7
Бошқа алоқа турлари	5,8	7,8	8,2	8,5	8,4	8,8	9,3	7,0	6,5	5,4	5,8

1-жадвалдан кўришиб турибдики, сўнгги ўн йилликда мамлакатимизда ахборот коммуникация тизими (АКТ) соҳасида олиб борилган ислохотлар, давлатнинг қўллаб-қувватлаши натижасида айрим тармоқларда таркибий силжишлар рўй берди. Агар 2010 йилда АКТ хизматларининг асосий қисмини мобил телефон алоқаси берган бўлса (70,6 фоиз), 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 51,9 фоизни ташкил этди. Интернет тармоғининг улуши эса 5,1 баробарга ўсди. Чунки, 2019 йилнинг охири 2020 йилнинг бошларида бутун дунёда коронавирус пандемиясининг кенг авж олиши аҳолининг интернетга бўлган талабининг ошишига олиб келди.

Интернет тезлиги бўйича ҳам мамлакатимизда муаммолар мавжуд. 2020 йил маълумотларига кўра, Ўзбекистон 176 мамлакат орасида кенг тасмали (стационар) ва мобил интернет бўйича 116 ва 129 ўринларда қолди. Бу кўрсаткичлар бўйича Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Беларусь ва Россиядан ҳам орқада қолиб кетдик. Стационар интернет бўйича биринчи ўринни Сингапур (196,88 Мбит/с), мобил интернет бўйича етакчиликти Жанубий Корея (95,11 Мбит/с) эгаллайди. Ўзбекистон кенг тасмали интернет бўйича 19,91 Мбит/с, мобил интернет бўйича 10,79 Мбит/с билан рейтинг етакчиларидан 10 баробар орқада қолмоқда [10].

## 2-жадвал

### Ўзбекистонда Ахборот-коммуникация хизматларидан фойдаланувчилар сони [11], (млн.нафар)

Хизматлар	йиллар											
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	
Симли телефон алоқа фойдаланувчилари	1,89	1,93	1,98	2,0	2,51	2,82	3,41	3,44	3,49	3,21	2,9	
Мобил телефон алоқа фойдаланувчилари	20,9	25,4	20,3	20,3	19,6	20,1	20,6	21,4	22,8	23,2	23,5	
Интернет хизматидан фойдаланувчилар	4,0	4,5	5,1	6,1	4,9	10,2	12,1	14,7	20,0	23,3	24,2	
Кенг тасмали интернет хизматидан фойдаланувчилар	0,4	0,5	0,7	1,0	2,7	5,8	8,7	10,4	12,3	15,1	17,4	
Рақамли телевидение қамрови (фоизда)	29,2	31,5	38,0	42,0	45,0	54,4	68,6	95,0	98,7	100	100	

2-жадвал маълумотларига кўра, Ўзбекистонда симли алоқа хизматларидан фойдаланиш 2016 йилдан бошлаб камая бошлаган. Бунга сабаб сифатида аҳолининг кундалик ҳаётида мобил телефонларнинг улушининг кўпайиб борганлиги билан таққослашимиз мумкин. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аҳоли рақамли телевидениедан фойдаланиш билан тўла қамраб олинди. Пандемия вақтида мобил телефондан фойдаланувчилар сони олдинги йилларга нисбатан органини кўришимиз мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Рақамли иқтисодиёт” тушунчасига ижтимоий-иқтисодий, молия-солик, пул-кредит, сиёсий-маданий, маданий-маърифий муносабатлардаги алоқаларга рақамли технологияларни қўллашни амалга оширувчи янги тизим сифатида қарашимиз мумкин.

Рақамли иқтисодиётнинг асосий белгилари ахборот-коммуникация технологиялари асосида юқори даражада автоматлаштирилганлик, электрон ҳужжат алмашинувини сифатли амалга оширишнинг мавжудлиги, молия, солик, божхона, тижорат банклари, бухгалтерия, аудиторлик ва бошқарув тизимларининг ўзаро электрон интеграциялашуви, маълумотларнинг электрон базалари, CRM (Customer Relationship Management - мижозлар билан ўзаро муносабат тизими)нинг мавжудлиги ҳамда турли хилдаги корпоратив тармоқларнинг ягона электрон платформа асосида бирлашувидир. Ҳозирда “Рақамли иқтисодиёт” тушунчасини бутун дунё сиёсатчилари, иқтисодчилари, журналистлари, тадбиркорлари ва бошқа соҳа вакиллари ҳам ўз фаолиятларида қўлламоқдалар.

2016 йилда Жаҳон банки томонидан рақамли иқтисодиётнинг ривожланганлик ҳолати, иқтисодиётга таъсири тўғрисида илк таҳлилий маъруза эълон қилинди. Мазкур маърузада “Рақамли иқтисодиёт бу – иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизими” – деган ёндашув илгари сурилган. Шу билан бирга, маърузада у интернет фаолияти асосида ташкил топган иқтисодиёт, электрон иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланиши таъкидлаб ўтилган [12].

Бу борада мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 19 февралда «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 2 мартдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармонлари қабул қилинди. Бу фармонлар мамлакатда рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, рақамли иқтисодиёт соҳасидаги устувор йўналишлар сифатида қуйидагилар белгиланди:

- рақамли инфратузилмаларнинг замонавий талаблар асосида модернизация қилиниши;
- саноат тармоқларида маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда самарадорликни ошириш бўйича технологияларни қўллаш орқали “Рақамли ишлаб чиқариш”ни йўлга қўйиш;
- рақамли технологиялар ва платформалар яратиш ҳамда рақамли хизматлар кўрсатиш соҳасида максимал даражада кичик ва ўрта корхоналар ташкил этиш ҳамда самарали фаолиятини таъминлаш;
- давлат, тадбиркорлар ва фуқароларга маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш бўйича фойдаланиш қулай, барқарор, хавфсиз ва иқтисодий самарали хизматлар кўрсатилишини таъминлайдиган маълумотларни қайта ишлаш марказлари яратиш;
- ҳокимият, тадбиркорлар ва фуқаролар эҳтиёжларини қондириш учун маълумотлар билан ишлашнинг рақамли платформаларини жорий этиш;
- нақд пулсиз (электрон) тўловлар, онлайн ва банк-молия соҳасидаги фаолиятнинг бошқа электрон шакллари тизимларига тўлиқ ўтиш;
- электрон тўлов воситаларининг жаҳон тўлов тизимлари билан интеграциясини таъминлаш;
- ахборот технологиялари соҳасида инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш учун технопарклар, бизнес-хаблар, илмий-технологик кластерлар ва коворкинг-марказлар, венчур жамғармаларнинг барқарор ўсишини таъминлаш.

Мазкур вазифаларнинг амалга оширилиши келажакда мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва унинг фаолият кўрсатиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Таъкидлаб ўтилган вазифаларнинг ҳал этилиши таркибида фан сизими юқори бўлган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва экспорт қиладиган мамлакатлар қаторидан жой олишга имконият беради. Бу эса миллий иқтисодиётимизга самарали менежмент тизимини жорий этиш, турмуш сифатини ошириш, жаҳон хом-ашё, технологик ва озиқ-овқат бозорлари конъюктурасига боғлиқликдан халос бўлишга, электрон тижорат ва онлайн савдо ҳажмини оширишга олиб келади. Натижада рақамли иқтисодиётга ўтиш Ўзбекистон учун қуйидаги натижаларга эришиш имконини беради:

- аҳоли, бизнес, давлат бошқаруви органлари орасидаги ўзаро муносабатлар, хизмат кўрсатиш тезлашади ва шаффофлиги таъминланади;
- доимий равишда ишончли, сифатли ва тезкор маълумотларга эга бўлиш масаласи ҳал этилади;
- ишлаб чиқариш сифат ва тезкорлик жиҳатдан ўсади;
- “рақамли ишлаб чиқариш” эвазига янги турдаги маҳсулотлар ва хизматлар пайдо бўлади;
- яширин иқтисодиёт кўлами кескин камайиб, қора бозорга барҳам берилади;
- бошқарув, саноат ишлаб чиқариш ҳамда барча соҳаларда шаффофлик таъминланиши ва инсон аралашувининг максимал даражада камайиши ҳисобига коррупция даражаси камаяди;
- ялпи ички маҳсулот ҳажми ошади.
- “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш концепцияси лойиҳасига мувофиқ, 2025 йилга бориб ЯИМда АКТ улушини 5,0% га, 2030 йилда эса 10% гача оширишга эришилади.

Юқорида келтирилган таҳлиллар, тадқиқотда қўйилган мақсадлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни таъкидлашимиз мумкин:

1. Рақамли инфратузилмани ривожлантириш. Бунинг учун 2030 йилгача барча ижтимоий объектларни интернет тармоғи билан 100 фоиз таъминлаш. Бунинг учун республика бўйича оптик толали алоқа тармоғи узунлигини 250 минг км.га етказиш.
2. Электрон ҳукуматни ривожлантириш. Мазкур вазифани бажариш учун 2030 йилга қадар электрон давлат хизматлар улушини 90 фоизга олиб чиқиш. Бунинг учун ягона интерактив давлат хизматлар порталидан фойдаланувчилар сонини 2,5 млн. га етказиш.
3. Иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини рақамлаштириш. Бунинг учун 2030 йилга бориб, корхона ресурсларини бошқариш тизими - ERP (ERP - Enterprise Resource Planning) жорий қилинган

йирик хўжалик ташкилотлари улушини 100 фоиз қилиш. Ҳозирги кунда бу кўрсаткич 20 фоизни ташкил этади. Электрон ҳисоблагичлар улушини ҳам 100 фоизга етказиш кўзда тутилган.

4. Рақамли технологиялар миллий бозорини ривожлантириш. Ушбу йўналишда 2030 йилга қадар маҳаллий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар сонини 6 мингтага, дастурий маҳсулотлар экспортини 700 млн. АҚШ доллариغا етказиш ҳамда ИТ-парклардаги резидентлар сонини 4000 тага олиб чиқиш белгиланган.

5. Ахборот технологиялари соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш. Бу йўналишдаги ишларни 2030 йилга қадар яқунлаш учун ахборот-коммуникация технологиялар соҳаси бўйича олий ўқув юртлирида тайёрланаётган мутахассислар қабул квотасини 20 минг нафарга ҳамда рақамли технологиялар марказини 202 тага етказиш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 50 дан ортиқ рақамли технология марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур йўналишда белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш яқин келажақда юртимизда айнан янги рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш, рақамлаштириш учун инфратузилма ва ҳуқуқий муҳитни шакллантиришга катта туртки беради.

### **Хулоса ва таклифлар**

Хулоса қилиб айтганда, рақамли иқтисодийни ривожлантиришда замонавий илмий ёндашувлар ва инновацияларнинг янги ютуқларидан фойдаланиш, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг “Тараққиёт стратегияси” ҳамда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши мамлакатимизда илмий сиғимкорлиги юқори бўлган тармоқларнинг ривожланишига туртки беради.

Шундай қилиб, тадқиқот натижасида рақамли иқтисодийнинг категориялари орқали функционал хусусиятлари таҳлилида қуйидаги назарий натижаларга эришилди.

Биринчидан, рақамли иқтисодийнинг функционал хусусиятлари йиллар давомида кенгайиб, келажақда ноаниқлик билан бир қаторда янги имкониятларни пайдо қилади.

Иккинчидан, анъанавий иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошлик тушунчаларини ўзгартирди.

Учинчидан, иқтисодийнинг тезкор ўсишини таъминлаш ғоялар ва стартапларга инвестицияларни жалб қилиш натижасида амалга ошади.

Тўртинчидан, қиймат занжирларига, айниқса, платформалаштириш, модуллаштириш ва сервисация орқали турли хил таъсир кўрсатади. Шунингдек, қийматни қўшиш ва таркибий ўзгаришларнинг янги воситаларини очади.

Бешинчидан, Рақамли иқтисодийнинг хусусиятларини аниқ белгилаш ва категорияни шакллантиришда унинг барча хусусиятларини инобатга олган ҳолда таърифлаш, рақамли иқтисодийнинг ЯИМ даги улушини тўғри ҳисоблашга фундаментал асос вазифасини бажаради. Ҳозирда рақамли иқтисодийни ўлчаш мураккаблашиб бормоқда.

Демак, рақамли иқтисодийнинг устувор йўналишларини ривожлантириш борасидаги маълумотларни умумлаштириб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

Биринчидан, глобаллашув шароитида рақамли иқтисодийни ривожлантириш муаммоси объектив воқелик бўлиб, барча мамлакатлар учун долзарб ҳисобланади. Шунинг учун рақамли иқтисодийни ривожлантириш стратегиясини танлашда бизнес ва ҳукумат ўртасида оптимал ўзаро алоқаларни тизимлаштириш лозим бўлади.

Иккинчидан, жамиятнинг кундалик эҳтиёжларига ахборотлаштириш жараёнларининг кириб келиши инсон-жамият-давлат муносабатларининг янада такомиллашувига шароит яратади. Натижада давлат хизматларини рақамлаштириш фаолиятига ижобий таъсир этади. Шундан келиб чиқиб, мазкур соҳада малакали, тажрибали кадрларни тайёрлашга эътибор қаратилиши зарур.

Учинчидан, миллий иқтисодийни ривожлантиришда рақамли иқтисодий имкониятларидан кенгрок фойдаланиш, унинг тамойилларини амалиётга жорий этиш мақсадида ахборот-коммуникациялар инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда хорижий тажрибалардан кенгрок фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

### **Манба ва адабиётлар**

1. <https://regnum.ru/news/3658320.html>

2. Иванов В., Малинецкий Г. Цифровая экономика: мифы, реальность, перспектива. Москва, Российская академия наук, 2017 г. 4 с.

3. Развитие цифровой экономики в России как ключевой фактор экономического роста и повышения качества жизни населения: монография / Нижний Новгород: издательство «Профессиональная наука», 2018 г. 8 с.

4. Матушевская Е.А. Цифровая экономика: содержание и отличительные черты // Вопросы студенческой науки Выпуск №3 (55), март 2021. <file:///C:/Users/Admin/Downloads/tsifrovaya-ekonomika-soderzhanie-i-otlichitelnye-cherty.pdf>
5. Mustafqulov Sh. Raqamli iqtisodiyot – Yangi O‘zbekiston taraqqiyotining yangi davri. <http://tsue.uz/?m=20200225>
6. Скаковский Л.Р. Зарубежный опыт в сфере создания современной цифровой экономики: выводы и уроки для Республики Казахстан / <https://isca.kz/ru/analytics-rw/2327>
7. Юсупов. Ю. Экономическое обозрение. №10(238), 2019.
8. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси расмий сайти ([www.stat.uz](http://www.stat.uz)).
9. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.
10. <https://www.itu.int/net4/ITU-D/idi/2017/index.html>
11. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.
12. Основы цифровой экономики. Под ред. М.И.Столбова, Е.А.Бренделевой. Учебное пособие / -М.: Издательский дом «НАУЧНАЯ БИБЛИОТЕКА», 2018 г. -168 с.

### **ИҚТИСОДИЁТНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА БИЗНЕСНИНГ ИЖТИМОЙ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Зуфар АШУРОВ,**  
*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),  
 Хусусийлаштириши ва давлат активларини  
 бошқариши муаммоларини тадқиқ этиши  
 маркази директори ўринбосари*

**Аннотация:** ушбу мақолада иқтисодиётни трансформациялашнинг ҳозирги даврида бизнеснинг ижтимоий масъулиятини ошириши, корпоратив ижтимоий масъулият тизимини жорий қилишнинг муҳимлиги ва зарурлиги ёритилган. Мақола сўнгида Ўзбекистонда корпоратив ижтимоий масъулият тизимини жорий этиши ва ривожлантириши бўйича муаллифнинг таклиф ва тавсиялари келтирилади.

**Калит сўзлар:** иқтисодиётни трансформациялаш, ижтимоий масъулият, бизнеснинг ижтимоий масъулияти, корпоратив ижтимоий масъулият, ESG тамойиллари.

### **ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ СОЦИАЛЬНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ БИЗНЕСА В УСЛОВИЯХ ТРАНСФОРМАЦИИ ЭКОНОМИКИ**

**Зуфар АШУРОВ,**  
*PhD (по экономическим наукам),  
 Заместитель директора Центра исследования  
 проблем приватизации и управления  
 государственными активами*

**Аннотация:** в данной статье рассматривается важность и необходимость повышения социальной ответственности бизнеса и внедрения системы корпоративной социальной ответственности в современном периоде трансформации экономики. В конце статьи даны авторские предложения и рекомендации по внедрению и развитию системы корпоративной социальной ответственности в Узбекистане.

**Ключевые слова:** трансформация экономики, социальная ответственность, социальная ответственность бизнеса, корпоративная социальная ответственность, ESG принципы.

## ISSUES FOR INCREASING THE SOCIAL RESPONSIBILITY OF BUSINESS IN CONDITIONS OF ECONOMY TRANSFORMATION

Zufar ASHUROV

PhD (in economic),

Deputy Director of the Center for  
Research of Problems in Privatization  
and State Assets Management

**Abstract.** *this paper discusses the importance and necessity of increasing the social responsibility of business and introducing the corporate social responsibility system in the modern period of economic transformation. At the end of the paper the author gives proposals and recommendations for introduction and development of the corporate social responsibility system in Uzbekistan.*

**Keywords:** *economy transformation, social responsibility, social responsibility of business, corporate social responsibility, ESG principles.*

**Кириш.** Охирги йилларда бутун дунё бўйлаб давлат, фуқаролик институтлари ва хусусий компаниялар ўртасидаги муносабатларда рўй берган ўзгаришлар ижтимоий ҳамкорликнинг янги шакллари пайдо бўлишига олиб келди. Шундай шакллардан бири ихтиёрий равишдаги ўзаро муносабатлар тизимига асосланувчи – корпоратив ижтимоий масъулиятдир. Ҳозирда бизнес муҳитида “ижтимоий масъулият” тушунчаси фаол қўлланилмоқда, бизнес ҳамжамиятлари томонидан корпоратив ижтимоий масъулият стратегиялари ишлаб чиқилмоқда, корхоналар ташкилий тузилмасида корпоратив ижтимоий масъулиятга жавобгар бўлимлар ёки мутахассислар киритилмоқда. Европа мамлакатларида эса бутун бир илмий текшириш институтлари бу ҳодисани ўрганиш билан шуғулланмоқда.

Бизнеснинг ижтимоий масъулияти концепцияси барқарор ривожланишнинг иқтисодий, экологик ва ижтимоий кўрсаткичлари тизимида акс этади ҳамда компания стратегик режалаштириш ва бошқаришнинг бир бўғини ҳисобланади, жамият билан доимий муносабатлар орқали амалга оширилади. Концепциянинг моҳияти шундан иборатки, ҳар қандай ишлаб чиқаришга оид ва иқтисодий қарорлар уларнинг компания ва жамият учун ижтимоий ва экологик оқибатларини инobatга олинган ҳолда қабул қилинади. Бунда корпоратив ижтимоий масъулият компаниянинг стратегик ривожланиш, ишчанлик обрў-эътиборини ва рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ҳамда унинг бозор капиталлашувини оширишда кучли омил бўлиб хизмат қилади [1].

Бизнеснинг ижтимоий масъулиятини ошириш масалалари айни пайтда Ўзбекистонда иқтисодиётни трансформациялаш жараёнлари кечаётган даврда ҳам долзарб бўлиб турибди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони [2] билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастури”га мувофиқ миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, умумбашарий муаммоларга ёндашиш устувор йўналишини амалга ошириш вазифаларидан бири сифатида ҳудудлар, шаҳарлар ва туманлар кесимида камбағал тоифадаги оилалар, аёллар ва ёшларнинг ягона электрон ҳисобга олиш тизимини яратиш, камбағалликнинг қайта тикланиш хавфини бартараф этиш мақсадида бизнеснинг ижтимоий масъулиятини рағбатлантириш, бунда, биринчи навбатда, меҳнат жамоасига муносиб ойлик маошларни белгилаш ва уларга қўшимча «ижтимоий пакет»лар тақдим этиш, шунингдек, ишлаб чиқаришни кенгайтириб бориш ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратиш масалаларига эътибор қаратиш каби вазифалар белгиланган.

### **Корпоратив ижтимоий масъулият: назарий жиҳатлар**

Хўш, бизнеснинг ижтимоий масъулияти ёки корпоратив ижтимоий масъулият нима?

**Корпоратив ижтимоий масъулият** – бу шундай концепцияки, унга мувофиқ корхоналар ўз фаолиятининг акциядорларга, мижозларга, таъминотчиларга, ходимларга, маҳаллий ҳамжамият ва бошқа манфаатдор томонлар, шунингдек табиий муҳитга бўлган таъсири устидан масъулиятни ҳис этган ҳолда жамият манфаатларини инobatга олишади. Ушбу мажбурият қонунчиликка риоя қилиш мажбурияти доирасидан чиқиб, корхоналар ўз ходимлари ҳамда бутун жамият турмуш даражасини ошириш учун ихтиёрий равишда қўшимча чораларни амалга оширишларини тақозо этади [3].

Корпоратив ижтимоий масъулият, авваламбор, ишлаб чиқариш корхоналарига қаратилган бўлиб, уларнинг жамиятдаги миссиясини характерлайди. Корхонанинг ижтимоий масъулияти бу корхонанинг жамият ижтимоий, иқтисодий ва экологик соҳаларини ривожланишига қўшган ихтиёрий ҳиссаси бўлиб, корхона асосий фаолиятига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Бундай

фаолиятни корхонанинг қонуний фаолияти доирасидан ташқари бўлган фаолият, деб ҳам айтиш мумкин. Корпоратив ижтимоий масъулият ёрдамида корхона хулқий принципларни кадрлаш, инсонларни, жамиятни ва табиий муҳитни ҳурмат қилиш орқали иқтисодий муваффақиятга эришиши мумкин [4].

Компанияларда ижтимоий масъулият уч даражада амалга оширилиши мумкин: 1) Асосий даража куйидаги мажбуриятларни бажаришни тақозо қилади: давлат солиқларини ҳамда ходимлар иш ҳақларини ўз вақтида тўлаб бориш, имконият даражасида янги иш ўринларини яратиш ёки штатни кенгайтириш; 2) Ижтимоий масъулиятнинг иккинчи даражаси ишловчиларга нафақат меҳнат шароитлари, балки турмуш шароитлари билан таъминлаб бериш, ишловчиларнинг малака даражасини ошириш, уларни профилактик даволанишга юбориш, уй-жой куриш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ва ҳ.к.ни тақозо этади; 3) Учинчи даража ижтимоий масъулиятнинг олий даражаси бўлиб, хайрия фаолияти билан шуғулланишни тақозо этади.

Корпоратив ижтимоий масъулият ички ва ташқи бўлиши мумкин. Ички корпоратив ижтимоий масъулиятга меҳнат хавфсизлиги, иш ҳақининг барқарорлиги, ижтимоий аҳамиятга молик бўлган иш ҳақини бир маромда сақлаб туриш, ходимларни қўшимча тиббий ва ижтимоий суғурталаш, ўқув дастурлари ҳамда малака ошириш дастурлари орқали инсон ресурсларини ривожлантириш, оғир аҳволда бўлган ходимларга ёрдам бериш кабилар киради. Ташқи корпоратив ижтимоий масъулиятга ҳомийлик ва корпоратив хайрия, атроф муҳитни ҳимоя қилишга қўмаклашиш, маҳаллий ҳамжамият билан биргаликда ишлаш, инқирозли вазиятларда иштирок этишга тайёр туриш, товар ва хизматлар истеъмолчилари олдида жавобгар бўлиш (сифатли махсулотларни ишлаб чиқариш) кабилар киради.

Дунёда корпоратив ижтимоий масъулиятга бўлган эътиборнинг ошиб бориши асосий сабаблари иқтисодий ўсишнинг инсон салоҳияти билан боғлиқ номоддий омиллари ролининг ошиб бориши, бизнеснинг ижтимоий ривожланиш воситасига айланиб бориши, глобаллашув шароитида йирик компанияларнинг иқтисодий ривожланишга таъсирининг кучайиши бўлиб ҳисобланади.

Ривожланган давлатлардаги компания ва ташкилотлар ўз ижтимоий масъулиятини кўрсатиш учун доимий равишда ижтимоий ҳисоботларни чоп этишади. Бундай ижтимоий ҳисоботлар компания ўзининг стратегик режаларида белгилаб қўйилган ижтимоий фаровонлик, иқтисодий ва экологик барқарорлик соҳасидаги мақсадларни қандай ва қанақа суръатлар билан амалга ошираётганлигини кўрсатади. Компанияларда тайёрланадиган ижтимоий ҳисоботларнинг сифати корпоратив ижтимоий масъулият доирасида амалга оширилган ишлар сифатига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Бугунги кунда бундай ҳисоботларнинг бир қанча стандартлари (AA1000 AS, SA8000, ISO 26000:2010, GRI) мавжуд бўлиб, улар корпоратив ижтимоий масъулиятнинг асосий принципларини ўз ичига олади.

#### **Ўзбекистонда корпоратив ижтимоий масъулият: жорий таҳлил.**

Бугунги кунда Ўзбекистонда бизнеснинг ижтимоий масъулияти тизимини жорий этиш ва ривожлантириш ҳали бошланғич босқичда турибди. Корпоратив ижтимоий масъулиятнинг умумэтироф этилган тамойилларини мамлакатимиз корхоналари фаолиятига жорий этиш учун корпоратив бошқарув тизимида тегишли шарт-шароитлар ва рағбатлантирувчи имкониятларни яратишни талаб этади, чунки корпоратив ижтимоий масъулият элементларини жорий этиш мамлакатимиз корхоналари учун нисбатан янгилик ҳисобланади.

Ҳозирда, асосан, чет эл капитали иштирокидаги ёки қўшма корхоналар (масалан, Baker Tilly Uzbekistan, ATM Sanita Pharma, Knauf Uzbekistan, BAT Uzbekistan, Nestle Uzbekistan, Beeline Uzbekistan ва ҳ.к.) да корпоратив ижтимоий масъулият сиёсати олиб борилмоқда, бироқ маҳаллий корхоналар жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжларини таъминлашга ҳали тўлиқ иштирок этишгани йўқ. Бу шу билан боғлиқки, Ўзбекистонда корпоратив ижтимоий масъулиятнинг бизнес, жамият ва давлат вакилларига тушунарли бўлган мезонлари ҳали яхши ишлаб чиқилмаган.

Мазкур тадқиқот доирасида республикадаги айрим компанияларнинг ижтимоий масъулият борасида амалга ошираётган ишлари ўрганилди. Жумладан, **“Beeline Uzbekistan”** мобил оператори ўз ижтимоий масъулият сиёсатини асосан спорт, таълим ва маданият соҳаларини қўллаб-қувватлаш, болалар, ногиронлар ва фахрийларни ҳомийлик қилиш кўринишида амалга оширади. 2018 йилда компания Республика олимпия захиралари коллежига мамлакатимиздаги илк олимпия стандартидаги сузиш ҳавзасини ўз маблағлари ҳисобига куриб топширган [5].

**“British American Tobacco Uzbekistan”** компанияси аҳоли турмуш даражасини ошириш ва маҳаллий ҳамжамиятни ривожлантиришга қаратилган қатор ташаббусларни амалга оширади. Ҳар йили компания томонидан ижтимоий лойиҳаларга инвестициялар сарфланади. Компанияда тамаки ишлаб чиқаришда ижтимоий масъулият сиёсати мавжуд. Компания ушбу сиёсатида, асосан қишлоқ хўжалигида маҳаллий ва халқаро илғор тажрибаларни ҳамда атроф-муҳит, саломатлик ва хавфсизлик стандартларини жорий этишни мақсад қилган. Республикада компания ташкил этилганидан буён 200



дан ортик ижтимоий лойиҳалар амалга оширилган. Айни пайтда компания томонидан тарихий, маданий ва маърифий характердаги 8 та йирик ижтимоий лойиҳа муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ўтган 4 йил мобайнида ана шундай ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишга 10 млрд сўмдан ортик инвестиция киритган. Шундай ижтимоий лойиҳалардан Ургут шахрида маданият ва истироҳат боғини қуриш, туман қишлоқларида артезиан қудукларини таъмирлаш, Зарафшон кўриқхонасидаги ноёб тўқай ўрмоннинг экотизимини сақлаш дастури доирасида 1000 тупдан ортик дарахт кўчатларини экиш, биохилма-хилликни асраш дастури доирасида Самарқанд шахрида Экология марказини ташкил этиш кабиларни алоҳида қайд этиб ўтиш мумкин [6].

“*Knauf Uzbekistan*” компаниясида ижтимоий масъулият компаниянинг ажралмас қисми ҳисобланади. Компания учун корпоратив ижтимоий масъулият солиқларни тўлаш, иш ҳақини ошириш, ходимларнинг касбий маҳорати ва билимини ошириш, уларнинг турмуш даражасини ошириш, шунингдек, маҳсулот сифатини тинимсиз назорат қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳисобланади. Бундан ташқари, компания томонидан мактаблар, касалхоналар, спорт клублари, хайрия жамиятлари, масжидлар ва жисмоний шахсларга моддий ёрдам кўрсатилади, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга қаратилган қатор хайрия ва ижтимоий лойиҳалар амалга оширилади [7].

“*Nestle Uzbekistan*” компаниясининг корпоратив ижтимоий масъулият сиёсати ўз ходимларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ёлғиз ва кекса одамлар, кам таъминланган оилаларга ёрдам беришга йўналтирилган. Бу борада компания “Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фонди билан ҳамкорлик қилади. Коронавирус пандемияси даврида компания томонидан карантин зоналари ва ижтимоий муассасаларга қарийб 900 кг га тенг озиқ-овқат маҳсулотлари хайрия кўринишида етказиб берилган [8]. Шунингдек, компания Оролбўйининг экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларидаги ижтимоий муассасаларга, жумладан болалар боғчалари, меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, мактаблар ва маҳаллаларга 100 тонна ичимлик сувини бепул етказиб берган [9].

Мамлакатимизда бизнестда ижтимоий масъулият тизимини яратиш борасида ҳукумат қарорлари даражасида бир қатор муайян қадамлар ҳам қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 январдаги ПҚ-4124-сон “Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [10] ҳамда 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон “Аҳоли ва иқтисодий энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [11] қарорларига мувофиқ «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ, «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ, «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ 2020 йил якунидан бошлаб, Глобал ташаббускорлик ҳисоботи (Global Reporting Initiative, GRI) мувофиқ ҳисоботларни, шу жумладан, иқтисодий, ижтимоий ва экологик масалалар бўйича, чоп этиши белгиланди. Ушбу қарорлар асосида «Ўзтрансгаз» АЖ Ўзбекистонда илк марта GRI халқаро стандарти асосида ижтимоий, экологик ва корпоратив бошқарув масалаларини ўз ичига олган 2020 йил учун барқарор ривожланиш тўғрисидаги ҳисоботини чоп этди [12].

Шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, корпоратив ижтимоий масъулиятнинг халқаро стандартларидан бири сифатида эътироф этиладиган БМТ нинг Глобал келишуви (UN Global Compact) сафига ихтиёрий равишда қўшилиш ҳам Ўзбекистон компаниялари ва ташкилотлари орасида кенг тарқалмоқда. БМТ нинг Глобал келишувига аъзо бўлган компаниялар ва ташкилотлар инсон ҳуқуқлари, меҳнат муносабатлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва коррупцияга қарши курашиш соҳаларига оид тамойилларига амал қилиб, Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади. Жумладан, 2021 йилда Anglesey Food (Korzinka савдо белгиси), Silverleaf, Artel Electronics каби компаниялар, 2022 йилда HR Capital Consulting, Black Swan Consulting, Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмаси, Тошкентдаги Британия менежмент университети каби ташкилотлар БМТ нинг Глобал келишувига аъзо бўлган.

Охириги пайтларда тармоқ корхоналарини трансформация қилиш жараёнида корпоратив ижтимоий масъулиятнинг яна бир кўриниши бўлган ESG (Environmental, Social, Governance – экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув) тамойилларини жорий этиш масалалари ҳукумат қарорларида кенг ўрин олмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августдаги 526-сон қарорига [13] асосан металлургия саноати корхоналарида ESG кредит ва рейтингларини олиш бўйича ташкилий ишларни амалга ошириш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармонида [14] мувофиқ давлат иштирокидаги корхоналарда экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойилларига асосланган инвестициялар ва ишлаб чиқариш унумдорлиги юқори бўлган технологияларнинг кўпайишини

рағбатлантириш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июндаги ПҚ-307-сон Қарорига [15] асосан тўқимачилик саноати корхоналарида ESG тизимини жорий этиш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июлдаги ПҚ-319-сон Қарорига [16] мувофиқ “Навоийуран” давлат корхонасида халқаро талабларга мувофиқ экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойилларини жорий этиш; Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 августдаги 474-сон қарорига асосан [17] кон-металлургия саноати корхоналарида («Навоий КМК» АЖ, «Олмалик КМК» АЖ ва «Ўзметкомбинат» АЖ) Глобал ташаббускорлик ҳисоботи (GRI), атроф муҳит, ижтимоий ва бошқарув (Environmental Social Governance — ESG) тартибига асосан атроф муҳитни муҳофаза қилиш сиёсатини ишлаб чиқиш ва экологик менежмент тизимини жорий этиш каби вазифалар белгиланган.

Мутахассисларнинг фикрича [18], Ўзбекистонда корпоратив ижтимоий масъулиятнинг ривожланишига қийинчилик туғдирувчи куйидаги тўсиқларни ажратиш кўрсатиш мумкин: маҳаллий аҳолининг менталитети ва маданий хусусиятлари; бизнесда шаффофликнинг йўқлиги; яширин иқтисодиёт ва солиқ сиёсати; ҳукуматнинг корпоратив ижтимоий масъулиятни рағбатлаштириш бўйича сиёсатининг йўқлиги; бизнестан ижтимоий масъулиятни талаб қилувчи манфаатдор томонлар фаолиятининг сустлиги ва ҳ.к.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда иқтисодиётни трансформациялаш шароитида бизнеснинг ижтимоий масъулиятини ошириш, корпоратив ижтимоий масъулият тизимини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилмоқда, бироқ бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳали етарлича эмас. Бунинг учун, Ўзбекистонда корпоратив ижтимоий масъулият тизимли тарзда ривожланиб бориш тусига эга бўлиши мақсадга мувофиқ.

**Бизнингча, Ўзбекистонда корпоратив ижтимоий масъулиятни тизимли тарзда ривожлантириш учун куйидаги чора-тадбирларни ҳам амалга ошириш талаб этилади:**

- корпоратив ижтимоий масъулият тизимини яратиш ва ривожлантириш борасида давлат стратегияси ва дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- Ўзбекистон акциядорлик жамиятлари ва қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликда корхоналарнинг ижтимоий масъулият соҳасидаги фаолиятини рағбатлантирувчи нормаларни киритиш;

- тоғ-кончилик ва қазиб чиқариш тўғрисидаги қонунчилигида қазиб чиқарувчи корхоналар томонидан улар фаолиятининг экологияга таъсири тўғрисидаги ахборотни мажбурий тартибда ошкор қилиб бориши бўйича талабларни ўрнатиш;

- трансформация қилинаётган корхоналар томонидан ўз ичига ESG маълумотларини олган номолиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва чоп этиш амалиётини йўлга қўйиш, бу борада қонунчиликни такомиллаштириш;

- трансформация қилинаётган корхоналар кузатув кенгашлари ҳузурида “Ижтимоий масъулият ва ESG бўйича кўмита” ташкил этиш борасида амалий чоралар кўриш;

- трансформация қилинаётган корхоналар томонидан БМТ нинг барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш оширишга қўшаётган ҳиссаси тўғрисидаги маълумотларни номолиявий ҳисоботларда ёритиб бориш амалиётини йўлга қўйиш;

- корпоратив ижтимоий масъулият, барқарор ривожланиш ва ESG асосида номолиявий ҳисоботларни тайёрлаш борасида кадрларни тайёрлаш;

- корпоратив ижтимоий масъулият ва барқарор ривожланиш соҳасини тарғиб қилиш учун турли ўқувлар, семинарлар ва анжуманларни ташкил этиш;

- корпоратив ижтимоий масъулиятни жорий этиш ва ривожлантириш бўйича илмий-амалий тадқиқотларни давлат томонидан рағбатлантириш.

## **Манба ва адабиётлар**

1. Ашуров З.А. Корпоратив ижтимоий масъулият концепцияси ва уни Ўзбекистонда жорий этиши муаммолари. // Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришида менежмент ва корпоратив бошқарувнинг аҳамияти. Халқаро илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами (2020 йил 20 май). – Тошкент: ТДИУ, 2020. – Б. 408-410.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони / Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)).

3. Литовченко С. Е., Корсаков М. И. Социальная ответственность бизнеса: актуальная повестка. - М., 2003.
4. Ашуров З.А. Мамлакат ижтимоий, иқтисодий ва экологик барқарорлигини таъминлашда корпоратив ижтимоий масъулиятлиликнинг аҳамияти. // Ижтимоий-иқтисодий, демографик ва экологик барқарорлик, мутаносиблик ва хавфсизликни мустаҳкамлашнинг усуллар ва вазифалари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари (2010 йил 30 январь). – Урганч: УрДУ, 2010. – Б. 37-39.
5. Долухано Ф. Beeline Uzbekistan открьл первый в стране олимпийский бассейн. 31.10.2018 [Электронный ресурс]. – URL: <http://sportengineering.ru/article/beeline-uzbekistan-otkryl-pervyj-v-strane-olimpijskij-bassejn->
6. Филимонов М. Политика по социальной ответственности в табачном производстве [Электронный ресурс]. – URL: <https://bat.uz/doings/soczialnaya-otvetstvennost/politika-po-soczialnoj-otvetstvennosti-v-tabachnom-proizvodstve.html>
7. Социальная ответственность [Электронный ресурс]. – URL: <https://knauf.uz/index/o-nas/social.html>
8. «Нестле» в Узбекистане выделяет продукты питания организациям и общественным фондам для поддержки в борьбе с COVID-19. Интернет-газета UzDaily. 13.04.2020 [Электронный ресурс]. – URL: <http://uzdaily.uz/ru/post/50911>
9. Благотворительная акция фонда «Соглом авлод учун» и СП «Нестле Узбекистан». Интернет-издание Anhor.uz. 03.03.2017 [Электронный ресурс]. – URL: <https://anhor.uz/society/blagotvoritelynaya-akciya-nestle-uzbekistan-i-fonda-soglom-avlod-uchun>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 январдаги ПҚ-4124-сон “Кон-металлургия тармоги корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори / Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон “Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармогини молиявий соғломлаштириши ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори / Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).
12. Наша цель – делать свою работу качественно во благо Процветания Республики Узбекистан и ее населения. 25.10.2021. [Электронный ресурс]. - URL: <https://www.utg.uz/ru/press-service/novosti/korporativnye-novosti/nasha-tsel-delat-svoyu-rabotu-kachestvenno-vo-bлаго-prosvetaniya-respubliki-uzbekistan-i-ee-naselen>
13. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августдаги 526-сон “2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни давом эттириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори / Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириши орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиши борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги Фармони / Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июндаги ПҚ-307-сон “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиши стратегиясини амалга ошириши бўйича ташиқий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори / Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июлдаги ПҚ-319-сон “2022-2030 йилларда «Навоийуран» давлат корхонасида урanni қазиб олиши, қайта ишлаш ҳажмларини ошириши ҳамда уни трансформация қилиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори / Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 августдаги 474-сон “Кон-металлургия саноати соҳасида экологик талабларни ва атроф муҳит муҳофазаси меъёрларини халқаро стандартлар асосида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори / Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).
18. Шарипова М. Корпоративная социальная ответственность в Узбекистане: препятствия и возможности. Национальное информационное агентство Узбекистана, 12.12.2018. [Электронный ресурс]. - URL: <http://uza.uz/ru/society/korporativnaya-sotsialnaya-otvetstvennost-v-uzbekistane>

## ОЦЕНКА ВОЗМОЖНОСТЕЙ ПРОИЗВОДСТВА БИОТОПЛИВА ИЗ ПИЩЕВЫХ ОТХОДОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Абдусатторжон АБДУМУМИНОВ,**  
старший научный сотрудник

*Института прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** объем пищевых отходов растет с ростом населения планеты. Но при разработке правильной стратегии возможно не только смягчить последствия вреда на окружающую среду, но и удовлетворить энергетические потребности страны. В данной статье представлена оценка возможностей производства биотоплива из пищевых отходов и расчёт реального уровня снижения выделения выхлопных газов автомобильными средствами на примере Республики Узбекистан. Кроме того, анализ даст оценку потенциального вреда на окружающую среду при несоответствующей утилизации пищевых отходов.

**Ключевые слова:** биотопливо, биоэтанол, биодизель, пищевые отходы, биотопливо в Узбекистане, углекислый газ, CO<sub>2</sub>, карбон диоксид, альтернативные виды топлива.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ЧИҚИНДИЛАРИДАН БИОЁҚИЛҒИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

**Абдусатторжон АБДУМУМИНОВ,**

*Прогнозлаштириши ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти  
катта илмий ходими*

**Аннотация:** дунё аҳолиси сонининг ортиши билан озиқ-овқат чиқиндилари ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Аммо тўғри стратегияни ишлаб чиқиш нафақат атроф-муҳитга зарар таъсирини юмшатиш, балки мамлакатнинг энергия эҳтиёжларини қондириши ҳам мумкин. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси мисолида озиқ-овқат чиқиндиларидан биоёқилги ишлаб чиқариш имкониятларини баҳолаш ва транспорт воситалари томонидан зарарли газлар эмиссиясини камайтиришнинг реал даражасини ҳисоблаш келтирилган. Бундан ташқари, таҳлил озиқ-овқат чиқиндиларини ноўрин утилизация қилиш ҳолатларида атроф-муҳитга етказилиши мумкин бўлган зарарни баҳолайди.

**Калит сўзлар:** биоёқилги, биоэтанол, биодизель, озиқ-овқат чиқиндилари, Ўзбекистонда биоёқилги, карбон диоксида, CO<sub>2</sub>, муқобил ёқилги.

## ASSESSMENT OF BIOFUEL PRODUCTION OPPORTUNITIES FROM FOOD WASTE IN UZBEKISTAN

**Abdusattorjon ABDUMUMINOV,**

*senior researcher  
Institute of Forecasting and Macroeconomic Research*

**Abstract:** the amount of food waste increases as the world's population grows. But with the right strategy, it is not only possible to mitigate environmental damage, but also to meet the energy needs of the country. This paper will assess the potential of biofuel production from food waste and calculate the actual level of GHG reduction from motor vehicles, in the example Republic of Uzbekistan. In addition, the analysis will assess the potential harm to the environment if food waste is not disposed properly.

**Keywords:** biofuels, bioethanol, biodiesel, food waste, biofuels in Uzbekistan, carbon dioxide, CO<sub>2</sub>, carbon dioxide, alternative fuels.

**Введение.** Рост численности населения и количества используемых транспортных средств в мире привели к значительному повышению уровня выделения выхлопных газов в атмосферу. Около **22,7%** глобальных выбросов CO<sub>2</sub> приходится на транспортный сектор [1], в то время как в Узбекистане [2] данный показатель составляет **13,2%**. Устойчивым и эффективным решением данной проблемы является производство чистых видов энергии, в частности постепенная замена ископаемого жидкого топлива на биотопливо.

Одним из крупнейших шагов по развитию данного направления стал Закон Республики Узбекистан о ратификации Парижского соглашения в 2018 г. (Париж, 12 декабря 2015 г.) [3]. На 26-й сессии Конференции ООН по изменению климата в Глазго Узбекистан взял на себя дополнительное обязательство по снижению выбросов парниковых газов на единицу ВВП на **35%** до 2030 года относительно показателей 2010 года [4]. Также ожидается, что Стратегия по переходу Республики Узбекистан на «зеленую» экономику на период 2019-2030 годов [5] будет стимулировать повышение экологичности автотранспорта.

Целью данного анализа является оценка возможностей использования альтернативных видов топлива и расчёт реального уровня снижения выделения выхлопных газов автотранспортными средствами на примере Республики Узбекистан. Данное исследование фокусируется на преобразованию пищевых отходов в биотоплива, так как это одновременно способствует смягчению последствий вреда на окружающей среде и удовлетворить энергетические потребности автотранспортов.

### **Что такое биотопливо?**

Чрезмерная эксплуатация запасов нефтяного топлива привела к быстрому истощению этих источников [6]. Потребление данного вида топлива также связано с выделением выхлопных газов, что вызывает ряд негативных последствий для экологии [7]. В результате ощущается острая необходимость развития более экологичного, эффективного и возобновляемого источника энергии. Среди других альтернативных источников, биотопливо заслуживает больше внимания, поскольку оно является более экологичным и устойчивым источником [8]. На сегодняшний день самыми распространёнными видами биотоплива являются этанол и биодизель.

**Биоэтанол** — добывается из "биомассы", таких как кукуруза, тростник, овощей, пшеницы, стеблей хлопчатника и т.д. При процессе ферментации микроорганизмы перерабатывают растительный сахар и производят этанол. Наиболее употребляемыми видами являются E10 и E15 (содержание этанола составляет 10% и 15% соответственно), которые можно использовать в обычных автомобилях. Также приобретает всё больше популярность марка E85 (85% этанола) для автомобилей, приспособленных под гибкое топливо (flexible fuel vehicles). Даже если автомобиль не приспособлен к потреблению высокопроцентной смеси биоэтанола, достаточно установить дополнительное устройство [9] для преобразования автомобиля «на гибком топливе».

**Иккинчидан**, Қашшоқлик индекси тўлиқ ишончли бўлмаган маълумотлардан фойдаланиб ҳисобланади. Масалан, АҚШда Меҳнат статистикаси бюроси (ингл. BLS) ва истеъмол нархлари индекси (ингл. CPI) иккаласи ҳам мос равишда инфляция ва ишсизлик тўғрисида ишончли маълумотларни эълон қилсада, иккиси ҳам тўлиқ аниқ маълумот бўлиши мумкин эмас. Чунки ишсизлик даражаси фақатгина фаол иш излаётган кишиларни ҳисобга олади, узоқ вақт иш топа олмаганидан иш излашдан воз кечганларни эмас. Шунингдек, инфляция кўрсаткичларининг аниқлик даражаси юқори бўладиган даражада ҳисоблаш қийин бўлиши мумкин.

**Учинчидан**, индекс “олма” билан “апельсин”ни таққослайди. Иқтисодчилар асосан, юқори даражадаги ишсизлик одамларга юқори даражадаги инфляциядан кўра иқтисодий жиҳатдан ёмонроқ таъсир қилади, деб ҳисоблашади. Истеъмол нархларининг ўсиши одамларга салбий таъсир кўрсатса-да, лекин бу ишсиз қолгандаги умуман даромаднинг йўқлиги билан чамбарчас боғлиқ эмас.

Биз тадқиқотимиз давомида Қашшоқлик индексидан фойдаланиб, макроиқтисодий барқарорлик индексини такомиллаштирдик. Қашшоқлик индексидан фарқли ўлароқ, макроиқтисодий барқарорлик индекси ошса, бу мамлакатда ҳаёт фаровон бўлаётганлигини, агар индекс камайса, мамлакатда нобарқарорлик, яъни макроиқтисодий беқарорлик юзага келаётганлигини англатади. Индексни ҳисоблаш учун эса, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Марказий Банкнинг 2014-2021 йиллар чораклик маълумотлари асосида мустақил ўзгарувчилар сифатида мамлакатимизнинг асосий экспорт ва импорт маҳсулот гуруҳлари ҳажми (минг АҚШ долларида); ЯИМ ўсиши (фоизда); ишсизлик даражаси (фоизда); валюта курси (АҚШ долларининг сўмга нисбатан курси); Марказий Банкнинг фоиз ставкаси (фоизда); инфляция (фоизда); аҳоли сони (млн. киши) олиниб, таҳлил қилинди. **Тенгламани қуйидагича шакллантирдик:**

$$MSI = EXP_{str.} + IMP_{str.} + GDP_{gr.} + UN_{rate} + EXCH_{rate} + INT_{rate} + CPI \quad (1)$$

Бу ерда,  $MSI$  – макроиқтисодий барқарорлик индекси;  $EXP_{str.}$  – экспорт таркиби;  $IMP_{str.}$  – импорт таркиби;  $GDP_{gr.}$  – ЯИМ ўсиши;  $UN_{rate}$  – ишсизлик даражаси;  $EXCH_{rate}$  – валюта курси;  $INT_{rate}$  – Марказий Банк фоиз ставкаси;  $CPI$  – истеъмол нархлари индекси.

1-тенглама асосида Макроиқтисодий барқарорлик индексини аниқлаб олдик ва унинг дастлабки натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган.

**1-жадвал.**

### Тавсифий статистика

Ўзгарувчилар	Манба	Кузатувлар сони	Ўртача қиймат	Стандарт оғиш	Мин.	Макс.
Макроиқтисодий барқарорлик		32	28,393	6,757	18,14	39,51
Хиршман-Херфиндал индекси		32	0,889	0,05	0,757	0,984
Товар ва хизматлар экспорти	ЎзР ДСК*	32	8,182	0,27	7,424	8,745
Товар ва хизматлар импорти	ЎзР ДСК*	32	8,36	0,314	7,892	8,933
Аҳоли сони	ЎзР ДСК*	32	17,307	0,04	17,242	17,379
Аҳоли жон бошига ЯИМ	ЎзР МБ**	32	6,135	0,397	4,561	6,633
Валюта курси	ЎзР МБ**	32	8,606	0,622	7,722	9,291

**Изоҳ:** \* - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси;

\*\* - Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки.

Мамлакатимизнинг ташқи савдо алоқалари, яъни экспорт-импорт операциялари ҳажми (асосан экспорт ва импортимизнинг асосини ташкил этувчи товар гуруҳлари олинди), экспорт

диверсификацияси кўрсаткичи, аҳоли сони, аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми ва валюта курси ҳақидаги чораклик маълумотлардан фойдаландик.

$$MSI = \beta_0 + \beta_1 HHI + \beta_2 EXP + \beta_3 IMP + \varepsilon \quad (2)$$

Бу ерда,

*MSI* – макроиктисодий барқарорлик индекси;

*HHI* – Хиршман-Херфиндал индекс (индекс асосида экспорт диверсификацияси аниқланган бўлиб, унда индекс 1 га яқинлашса, экспорт диверсификацияланган, аксинча 0 га яқин сон чиқса, экспорт диверсификациялашмаганлигини билдиради);

*EXP* – мамлакатимизнинг асосий экспорт товарлари гуруҳи ҳажми, асосан пахта толаси (ТИФ ТН коди – 52), озиқ-овқат маҳсулотлари (ТИФ ТН коди – 01-08), кимёвий маҳсулотлар (ТИФ ТН коди – 38), нефть маҳсулотлари (ТИФ ТН коди – 27), қора ва рангли металллар (ТИФ ТН коди – 84), машина ва унинг асбоб-ускуналари (ТИФ ТН коди – 87) ва хизматлар экспорти (ТИФ ТН коди – 85) минг АҚШ долларарида олинди;

*IMP* – мамлакатимизнинг асосий импорт товарлари гуруҳи ҳажми, асосан озиқ-овқат маҳсулотлари (ТИФ ТН коди – 01-08), кимёвий маҳсулотлар (ТИФ ТН коди – 38), нефть маҳсулотлари (ТИФ ТН коди – 27), қора ва рангли металллар (ТИФ ТН коди – 84), машина ва унинг асбоб-ускуналари (ТИФ ТН коди – 87) ва хизматлар импорти (ТИФ ТН коди – 85) минг АҚШ долларарида олинди;

$\varepsilon$  – хатолик.

Танлаб олинган кўрсаткичлар ва шакллантирилган статистик маълумотлар асосида STATA 13 компьютер дастури ёрдамида регрессион таҳлил ўтказилди. Ўтказилган тадқиқот асосида қуйидаги функция тенгламасига эришилди:

$$\ln MS = 2,171 - 43,64 * HHI - 6,108 * \ln EXP + 11,1 * \ln IMP + 132,3 * \ln Population + 0,518 * \ln GDP_{pc} + 12,2 * \ln Exchange_{rate} \quad (3)$$

Қуйидаги жадвалда экспортни диверсификация қилиш, товар ва хизматлар экспорт ҳамда импортнинг Ўзбекистондаги макроиктисодий барқарорликка таъсири бўйича энг кичик квадратлар (OLS – кўп ўлчовли регрессия тенгламаси) баҳолаш усули бўйича дастлабки корреляцион-регрессион таҳлил натижалари келтирилган.

2-жадвал.

### Баҳолаш натижалари

Ўзгарувчилар	(1)	(2)	(3)	(4)	(5)	(6)	(7)
(1) Макроиктисодий барқарорлик	1.000						
(2) Хиршман-Херфиндал индекси	-0.583*** (0.000)	1.000					
(3) Товар ва хизматлар экспорти	-0.255 (0.159)	0.530*** (0.002)	1.000				
(4) Товар ва хизматлар импорти	0.793*** (0.000)	-0.491*** (0.004)	0.476*** (0.006)	1.000			
(5) Аҳоли сони	0.821*** (0.000)	-0.529*** (0.000)	0.183 (0.316)	0.413*** (0.000)	1.000		
(6) Аҳоли жон бошига ЯИМ	-0.318 (0.076)	0.222 (0.222)	-0.083 (0.651)	-0.242 (0.182)	-0.308 (0.086)	1.000	
(7) Валюта курси	0.916*** (0.000)	-0.569*** (0.001)	0.204 (0.262)	0.488*** (0.000)	0.530*** (0.000)	-0.370** (0.037)	1.000

Изоҳ: Қавс ичида стандарт оғишлар берилган: \*\*\*  $p < 0.01$ , \*\*  $p < 0.05$ , \*  $p < 0.1$

Тадқиқотимиз натижаларидаги 1-модель экспортни диверсификация қилиш ва макроиктисодий барқарорлик орасидаги боғлиқлик натижаларини кўрсатади. Экспортни диверсификация қилиш коэффициенти шуни кўрсатадики, экспортни диверсификация қилиш индексининг 1%га ошиши макроиктисодий барқарорлик индексининг 0,78 % ўсишига олиб келади.

## Регрессия натижалари

Ўзгарувчилар	(1) Model 1	(2) Model 2	(3) Model 3	(4) Model 4
Экспорт диверсификацияси	-78.34*** (19.92)	-50.14*** (16.18)	-43.64*** (14.83)	-43.64*** (15.41)
Товар ва хизматлар экспорти		-7.533** (2.983)	-6.108** (2.655)	-6.108** (2.915)
Товар ва хизматлар импорти		16.21*** (2.501)	11.10*** (3.250)	11.10*** (3.446)
Аҳоли сони			132.3*** (37.90)	132.3*** (38.98)
Аҳоли жон бошига ЯИМ			0.518 (1.142)	0.518 (0.452)
Валюта курси			12.20*** (1.911)	12.20*** (2.741)
Константа	37.07*** (2.417)	-39.93 (28.22)	2,171*** (641.5)	2,171*** (661.5)
Кузатувлар сони	32	32	32	32
R-квадрат	0.340	0.738	0.905	0.905
<b>Breusch-Pagan тести</b>	<b>1.76 (0.1841)</b>	<b>1.12 (0.4299)</b>	<b>2.83 (0.0924)</b>	
<b>Ramsey RESET тести</b>				<b>1.82 (0.173)</b>

Изох: Қавс ичида стандарт хатолик берилган: \*\*\*  $p < 0.01$ , \*\*  $p < 0.05$ , \*  $p < 0.1$

Тадқиқот натижаларини акс эттирувчи 2-модель экспортни диверсификация қилиш, товарлар ва хизматлар экспорти ҳамда импорти натижаларини тақдим этади. Бунда R-квадрат 1-моделдаги 34 %дан 2-моделда 73,8 % гача кўтарилди, бу эса, бизнинг кўрсатган моделimiz боғлиқ ўзгарувчидаги катта фарқни тушунтириши мумкинлигини кўрсатади. Экспортни диверсификация қилиш ҳамда товар ва хизматлар экспорти коэффицентлари негатив ва статистик аҳамиятга эга бўлиб (5 % атрофида), бу эса кўпроқ диверсификация ва экспорт ҳажмининг ортиши макроиқтисодий барқарорликнинг мустақамланишига олиб келишидан далолат беради. Хусусан, экспорт диверсификацияси ҳамда товар ва хизматлар экспортидаги 1% ўзгариш эса, қашшоқлик индексига тескари ўлчанадиган макроиқтисодий барқарорликнинг 0,501 ва 0,07 %га ошишига олиб келади. Ушбу натижалар экспортни диверсификация қилиш ва экспорт ҳажмининг ўсиб бориши Қашшоқлик индексини пасайтиради, натижада эса макроиқтисодий барқарорлик яхшиланади. Бошқа томондан эса, товар ва хизматлар импорти коэффицентлари ижобий ва муҳим бўлиб, кўпроқ импорт Қашшоқлик индексини ошириши мумкин ва натижада мамлакатда макроиқтисодий беқарорлик юзага келади. Аниқроқ қилиб айтганда, товар ва хизматлар импортининг 1%га ошиши Қашшоқлик индексининг 0,162%га ошишига олиб келиши мумкин. Гетероскедастика муаммоси мавжудлигини текшириш учун биз Breusch-Pagan тестини қўллаيمиз. Ноль гипотеза шундаки, қолдиқлар гомоскедастикдир. 1-модель ва 2-модель учун синов натижалари қолдиқларининг бир хил эканлигини кўрсатади. 3-модель асосий натижаларни бирламчи мустақил ўзгарувчилар билан бирга бошқа назорат ўзгарувчилари, жумладан, аҳоли сони, аҳоли жон бошига ЯИМ ва валюта курсини тақдим этади. Бироқ, 3-моделдаги ҳисоб-китоблар ишончли стандарт хатоларни кўрсатмасдан олинганлиги сабабли биз гетероскедастика муаммосини текширдик. Breusch-Pagan тести натижаларига кўра, биз ноль гипотезани 95 %да рад эта олмаймиз. Шунга қарамай, Breusch-Pagan тести тахминлари 3-моделда 90%да гетероскедастиканинг мавжудлигини кўрсатади, бу эса ноль гипотезани рад этади. Бу коэффицентлар учун стандарт хатолар ва уларнинг t-қийматлари нотўғри баҳоланишига олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, қоида тариқасида, биз гетероскедастика мавжудлигини тахмин қиламиз ва мумкин бўлган гетероскедастика муаммосини ҳал қилиш учун гетероскедастика мустақам стандарт хатолар моделimizни белгилаймиз. Ушбу муаммони ҳал қилишнинг икки йўли мавжуд, биринчиси гетероскедастик бардошли стандарт хатолардан фойдаланиш, иккинчиси эса, энг кичик вазнли квадратлар усулидан (WLS) фойдаланишдир [7]. Биз гетероскедастик бардошли стандарт хатолар вариантыдан фойдаланамиз ва чиққан натижаларни 4-моделда кўрсатдик. Учинчи ва тўртинчи моделларга назар ташланса, мустақил ўзгарувчиларнинг стандарт хатолари камайди. Натижалар шуни кўрсатмоқдаки, экспортни диверсификация қилиш ҳамда товар ва хизматлар

экспорти коэффициентларининг 1%га ошиши Макроиктисодий барқарорлик индексининг мос равишда 0,43 ва 0,06 % ошишига олиб келиши мумкин. Аксинча, товар ва хизматлар импортидаги 1%га ошиш Макроиктисодий барқарорлик индексининг 0,11 %га пасайишига олиб келади. Ушбу натижалар эса, экспортни диверсификация қилиш ҳамда товар ва хизматлар экспорти макроиктисодий барқарорликни оширишга ёрдам бериши мумкинлигини кўрсатади. Бунга асосий сабаб эса, иккала ўзгарувчи ҳам қашшоқлик индекси билан салбий, макроиктисодий барқарорлик билан эса, ижобий боғлиқликка эга. Шунингдек, товар ва хизматлар импорти макроиктисодий беқарорликка олиб келади. Назорат ўзгарувчиларига кўра, аҳоли сонининг ошиши ва валюта курсининг кўтарилиши макроиктисодий беқарорликка олиб келиши мумкин. Аҳоли жон бошига ЯИМ эса, кутилган салбий белги билан статистик аҳамиятга эга эмас.

Корреляцион-регрессион таҳлил натижаларидан сўнг биз турли пострегрессион тестларни ўтказдик. Боғлиқ ўзгарувчини тушунтириш учун зарур бўлган барча ўзгарувчилар киритилган ёки йўқлигини билиш учун тест қиламиз. Моделимизни Ramsey RESET тести орқали текширганимизда натижа шуни кўрсатдики, р-қиймати одатдаги 95 % аҳамиятлилиқ даражасидан юқори, шунинг учун, биз ноль гипотезани рад эта олмаймиз ва бизнинг моделimiz кўпроқ ўзгарувчиларни талаб қилмайди деган хулосага келдик.

Тавсифлаш хатосини қўшимча текшириш учун биз Linktest ўтказамиз. Ушбу тест Yhat (Ms, башорат қилинган) ва Yhat-квадратига нисбатан кузатилган. Yhat (Ms) билан мустақил ўзгарувчилар ўртасида янги регрессия ўтказиш орқали моделimizда кўпроқ ўзгарувчиларга эҳтиёж борлигини текширади. Ноль гипотеза шундаки, тавсифлаш хатоси йўқ, \_hatsq нинг аҳамиятига қараб эса, биз \_hatsq нинг р-қиймати аҳамиятли эмаслигини кўрамиз, бу ноль гипотезани рад этиб бўлмаслигини кўрсатади ва бизнинг моделimiz тўғри кўрсатилган деган хулосага келамиз.

**4-жадвал.**

Манба	SS	df	MS	Кузатувлар сони = 32		
Модел	1288.793	2	44.396	Эҳтимоллик > F = 0.000		
Қолдиқ	126.649	29	4.367	R-квадрат = 0.910		
Жами	1415.442	31	45.659	Root MSE = 2.090		
Макроиктисодий барқарорлик	Кoeffициент	Стандарт хато	t	P>t	[95% ишонч оралиғи]	
_hat	-0.355	0.982	-0.360	0.721	-2.362	1.653
_hatsq	0.025	0.018	1.380	0.177	-0.012	0.061
_cons	17.721	12.931	1.370	0.181	-8.725	44.168

Кейин эса биз мултиколлинеарлик тестини ўтказамиз, бу кўп омилли регрессия моделидаги мустақил ўзгарувчилар мукамал коллинеар эмаслиги ҳақидаги тахминни синаб кўриш учун муҳимдир. Демак, бир регрессор бошқасининг чизикли функцияси бўлмаслиги керак. Мултиколлинеарлик мавжуд бўлганда, стандарт хатолар кўпайтирилиши мумкин [8]. Мултиколлинеарликнинг мавжудлигини текшириш учун биз Ўзгарувчан инфляция омили (инг. VIF) тестидан фойдаланамиз.


**5-жадвал.**

**Ўзгарувчан инфляция омили**

Ўзгарувчилар	VIF	1/VIF
Аҳоли сони	4.512	0.222
Валюта курси	4.114	0.243
Товар ва хизматлар импорти	3.970	0.252
Хиршман-Херфиндахл индекс	3.197	0.313
Товар ва	2.956	0.338

хизматлар экспорти Аҳоли жон бошига ЯИМ	1.179	0.848
VIF ўрта арифмети	3.321	.


VIF >10 ёки 1/VIF < 0,10 мултиколлинеарлик мавжудлигини кўрсатади. Бирок, VIF тест натижалари шуни кўрсатмоқдаки, барча VIF қийматлари 5 дан кичик ва 1/VIF қийматлари ҳам 0,10 дан катта. Бу бизнинг регрессия баҳоларимизда мултиколлинеарлик муаммо эмаслигини кўрсатади. Сўнгра қўшилган ўзгарувчи чизмаларидан фойдаланиб, биз ўзгарувчан қийматларни текшираемиз, чунки ҳаддан ташқари қийматлар бизнинг баҳоловчиларимизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Биз AVPLOTSни учта мустақил ўзгарувчига, жумладан, экспорт диверсификацияси индекси, товар ва хизматлар экспорти ҳамда импорти учун қўллаемиз.



**1-расм. AVPLOTS натижалари**

Барча тестларнинг (p, t ва F) ҳақиқийлигига таъсир қилувчи регрессия моделининг (OLS) яна бир тахмини шундаки, қолдиқлар “нормал” ҳаракат қилади. Қолдиқлар (“e” ҳарфи билан кўрсатилган) қузатилган қийматлар (Y) ва тахмин қилинган қийматлар (Yhat) ўртасидаги фарқдир: e = Y - Yhat.

Бу ерда биз қолдиқлардаги нормалликни текшириш учун учта графикдан, биринчидан, ядро зичлиги тахмини ва ядро зичлиги гистограммаси чизмаларидан фойдаланамиз. Ядро зичлиги графиги қолдиқлар учун ўзига хос гистограмма ҳосил қилади, нормал вариант солиштириш учун нормал тақсимотни қоплайди. Ядро зичлигини баҳолаш графиги шуни кўрсатадики, қолдиқлар амалда нормал тақсимотга амал қилади. Гистограмма (ядро зичлиги графиги) қолдиқларнинг деярли нормал тақсимланишини кўрсатади. Иккинчидан, стандартлаштирилган нормал эҳтимоллик графиги (pnorm) ёрдамида қолдиқларнинг ўрта диапазонидаги нонормалликни текшираемиз ва квинтил-нормал чизмалар (qnorm) ёрдамида маълумотларнинг экстремал қисмларида нонормалликни текшираемиз. Qnorm қолдиқларининг квинтилларини нормал тақсимот квинтилларига қарши чизади.



2-расм. Ядро зичлиги натижалари

Pnorm сюжети қолдиқлар чизикдан бироз узокда эканлигини кўрсатади, лекин умуман олганда нормалликни кўрсатади. Шунингдек, qnorm сюжетлари думлар одатдагидан бироз пастрок эканлигини кўрсатади, умуман олганда мақбулдир.

График нормаллик тестларидан сўнг, биз қолдиқларнинг тақсимланиши нормал деган ноль гипотеза билан нормаллик учун график бўлмаган Shapiro-Wilk тестидан фойдаланамиз.

6-жадвал.

**Нормал маълумотлар учун Shapiro-Wilk тести**

Ўзгарувчи	Кузатувлар	W	V	z	Эҳтим.>z
e	32	0.976	0.807	-0.446	0.672

Натижалар p-қиймати 0,67 эканлигини ва 95 %да ноль гипотезани рад эта олмаслигини кўрсатади. Шундай қилиб, биз қолдиқлар нормал тақсимланган, деган хулосага келамиз. Биз F-тести ёрдамида иккита коэффицент: товар ва хизматлар экспорт ҳамда импорти биргаликда 0 дан фарқ қиладими ёки йўқлигини текшираемиз.

7-жадвал.

**Чизикли гипотезани текшириш тести**

(1) export_div = 0		
(2) lnexp = 0		
(3) lnimp = 0		
	F (3, 28) = 26.25	
	Эҳтимол. > F = 0.0000	



Ноль гипотеза шундан иборатки, учта коэффициент макроиктисодий барқарорликка ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Бироқ, тест натижалари шуни кўрсатадики,  $p$ -қиймати 0.0000 ва биз нол гипотезани рад қиламиз ва учта ўзгарувчининг ҳам боғлиқ ўзгарувчига, макроиктисодий барқарорликка сезиларли таъсири бор деган хулосага келдик.

**Хулоса.** Ўзбекистон Республикаси маълумотлари асосида республикамиз макроиктисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш учун ўтказган тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатдики, мамлакатимиз макроиктисодий барқарорлигини таъминлашда ташқи савдонинг ролини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

**Биринчидан,** хом ашё экспортини чеклаб, унинг ўрнига қўшилган қийматли товарлар экспортини ошириш лозим. Экспортимиз асосини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил этаётганлиги сабабли, уларни қайта ишлаш орқали экспорт товарлари сонини янада ошириш лозим.

**Иккинчидан,** экспорт диверсификациясини ўлчайдиган индекснинг (Хиршман-Херфиндал индекси) 1% га ошиши макроиктисодий барқарорликнинг 0,78% ўсишига олиб келади. Бундан кўринадики, экспорт таркибини диверсификация қилиш, макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

**Учинчидан,** экспорт диверсификацияси индекси ҳамда товар ва хизматлар экспорти ҳажмининг 1%га ошиши, макроиктисодий барқарорликни мос равишда 0,501 ва 0,07 %га ўзгартириши аниқланди. Бу эса, экспортни ошириш ва диверсификация қилиш макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлайди, деган хулосани беради.

**Тўртинчидан,** товар ва хизматлар импортининг 1%га ошиши макроиктисодий барқарорлик индексини -0,162 %га камайтиради. Бу импортни маҳаллийлаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини, ҳозирги кунда импортни маҳаллийлаштиришнинг зарурлиги ва бу орқали валютанинг четга чиқиб кетишининг олдини олиш мумкинлигини кўрсатади.

**Бешинчидан,** макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда тўлов балансида экспорт улушини ошириш мақсадида, асосан техника-технологияларни импорт қилиш орқали ишлаб чиқаришни кенгайтириш муҳим, деган хулосани беради.

## **Манба ва адабиётлар**

1. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. Мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг асосий яқунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2017-йил 14-январь. // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: 2017. – 237 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. <https://www.lex.uz/docs/3107036>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/pdfs/5841063>
5. Okun, Arthur M. (1975), *Equality and Efficiency: The Big Tradeoff*. Washington, D.C.: Brookings Institution, 1975, pp. 91–92.
6. Hanke, Steve H. (14 April 2021). "Hanke's 2020 Misery Index: Who's Miserable and Who's Happy?"
7. Barro, Robert J.; Grossman, Herschel I. (1971). "A General Disequilibrium Model of Income and Employment". *American Economic Review*. 61 (1): 82–93.
8. Stock, J., H. and Watson, M., W. (2003). *Forecasting Output and Inflation: The Role of Asset Prices*. *Journal of Economic Literature* Vol. 41 (September 2003) pp. 788-829.
9. Stock, J., H. and Watson, M., W. (2003). *Forecasting Output and Inflation: The Role of Asset Prices*. *Journal of Economic Literature* Vol. 41 (September 2003) pp. 788-829.

## OZIQ – OVQAT TA’MINOTI TIZIMINI BARQAROR RIVOJLANTIRISH YO‘LLARI

**Dostonbek ESHPULATOV,**  
*Guliston davlat universiteti tayanch doktoranti*

**Annotatsiya:** *iqtisodiyotda barqarorlik juda unikal ijtimoiy – iqtisodiy hodisadir. Ayniqsa ekzogen omillarga ta’sirchan bo’lmish Agrosanoat majmui (keying o’rinlarda – ASM) yadrosi - qishloq xo’jaligi sohasida bu muammo dolzarb hisoblanadi. Shundan kelib chiqqan holda maqolada oziq-ovqat ta’minoti tizimlarining xususiyatlari ko’rib chiqilgan. O‘zbekiston Respublikasida qishloq xo’jaligi va agrar oziq - ovqat bozorini barqaror rivojlantirish statistik ko’rsatkichlari tahlil qilingan va xulosalar olingan.*

**Kalit so‘zlar:** *oziq - ovqat tizimi, qishloq xo’jaligi, barqaror rivojlanish, asosiy iqtisodiy ko’rsatkichlar.*

## ПУТИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ

**Достонбек ЭШПУЛАТОВ,**  
*докторант Гулистанского государственного университета*

**Аннотация.** *Стабильность в экономике — весьма своеобразное социально-экономическое явление. Эта проблема актуальна в сфере сельского хозяйства, особенно чувствительного к экзогенным факторам. Исходя из этого, в статье рассматриваются характеристики систем продовольственного обеспечения. Получены результаты исходя анализа статистических показателей устойчивого развития сельского хозяйства и агропродовольственного рынка Республики Узбекистан.*

**Ключевые слова:** *продовольственная система, сельское хозяйство, устойчивое развитие, основные экономические показатели.*

## WAYS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF THE FOOD SUPPLY SYSTEM

**Dostonbek ESHPULATOV,**  
*doctoral student of Gulistan State University*

**Abstracts.** *Stability in the economy is a very unique social and economic phenomenon. This problem is urgent in the field of agriculture, which is especially sensitive to external factors. Based on this, the article considers the features of food supply systems. The statistical indicators of sustainable development of agriculture and agrarian food market in the Republic of Uzbekistan have been analyzed and conclusions taken.*

**Keywords:** *food system, agriculture, sustainable development, key economic indicators.*

**Kirish.** O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “2022–2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” gi PF-60-son farmonida Oziq-ovqat sanoatini rivojlantirish dasturini amalga oshirish asosiy maqsadlardan biri sifatida e’tirof etilgan. Dasturga ko‘ra, oziq-ovqat xomashyo bazasini kengaytirish va organik mahsulotlar hajmini bosqichma-bosqich oshirish dasturini ishlab chiqish va amalga oshirish belgilangan. Bunda, 2022 yilda Davlat investitsiya dasturi doirasida umumiy qiymati 440 mln AQSh dollari bo‘lgan 50 ta yirik loyihani amalga oshirish; 2026 yilga borib oziq-ovqat mahsulotlari hajmini 7,4 mln tonnaga, qayta ishlash darajasini sut bo‘yicha 32 foiz, go’sht – 25 foiz, meva-sabzavot – 28 foizga yetkazish maqsadi qo‘yilgan.

Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 23.10.2019 yildagi “O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020–2030- yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5853-son farmonida oziq-ovqat mahsulotlari xavfsizligini ta’minlash va iste’mol ratsionini yaxshilash, talab etiladigan miqdordagi oziq-ovqat mahsulotlari yetishtirishni nazarda tutuvchi oziq-ovqat xavfsizligi davlat siyosatini ishlab chiqish va joriy etish; qishloq xo‘jaligi va oziq-ovqat tarmog‘ini modernizatsiyalash, diversifikatsiya qilish va barqaror o‘shini qo‘llab-quvvatlash uchun xususiy investitsiya kapitali oqimini ko‘paytirishni nazarda tutuvchi sohada davlat ishtirokini kamaytirish va investitsiyaviy jozibadorlikni oshirish mexanizmlarini joriy qilish masalalari ustuvor yo‘nalish sifatida belgilangan.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda, hozirgi sharoitda mamlakatimizda oziq – ovqat ta'minoti tizimini barqaror rivojlantirish eng dolzabr masala hisoblanadi. Shu munosabat bilan tizimning barqaror rivojlanishiga ta'sir etuvchi asosiy omillarni aniqlash uchun samaradorlik ko'rsatkichlaridan foydalangan holda qishloq xo'jaligining rivojlanish sifatini tahlil qilish zarurati paydo bo'ldi.

Tadqiqotimizning asosiy maqsadi mamlakatimizda oziq – ovqat ta'minoti tizimini barqaror rivojlantirish yo'llarini aniqlashdir. Shundan kelib chiqib, tizimning barqarorligini ifodalashda tanlab olingan 13 ta asosiy ko'rsatkichlarni tahlil qilish, ularning barqarorlogini baholashni o'z oldimizga vazifa qilib qo'ydik. Maqolada asosan nisbiy ko'rsatkichlar tahlil qilingan. Chunki tadqiqotdan maqsadimiz aynan barqaror rivojlanish tendensiyalarini aniqlash edi.

#### **Mavzuga oid adabiyotlar tahlili**

Z.M.Ilyina qishloq xo'jaligida barqarorlikning tahlili uchun quyidagi yondashuvlardan foydalanishni taklif qiladi [1]: statik (bozor rivojlanish chegaralarini aniqlash); dinamik (dinamiklar qatorining tebranishini o'rganish); adaptiv (oziq-ovqat tizimining tashqi sharoitlarning o'zgarishiga moslashish darajasini omilli baholash).

**“Qishloq xo'jaligida iqtisodiy o'sish sifatini aniqlash va uning ko'rsatkichlari tahlili”** mavzusidagi maqolada bir qator iqtisodiy ko'rsatkichlarni tahlil etilib, oziq – ovqat tizimini barqaror rivojlantirish qishloq xo'jaligida iqtisodiy o'sish sifatini ta'minlash bilan bevosita bog'liqligi aniqlangan [2].

Qishloq xo'jaligida barqaror iqtisodiy o'sishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlari, ularning obyekt va ko'lamiga ko'ra (oziq-ovqat bozori, qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishi, investitsiya faoliyati, davlat tomonidan tartibga solish, o'sish barqarorligi, strategiyani amalga oshirish va boshqalar uchun) tarkibiy unsurlari qishloq xo'jaligi sohasidagi olimlarning ishlarida taklif etilgan: E.F.Zavorotin [3, 300-b], V.Z.Mazloev [4, 15-b], A.I.Altuxova [5, 347-b] va boshqalar.

Jahonda barqaror rivojlanishni ta'minlash kelgusi 15 yil ichida milliy rivojlanish siyosatini belgilovchi 17 ta xalqaro maqsadga izchil erishishni o'z ichiga oladi. Qishloq xo'jaligi va oziq-ovqat xavfsizligining roli iqlim o'zgarishi va tabiiy resurslarni tejash zarurati tufayli kambag'allik va ochlikni bartaraf etishda eng katta ahamiyatga ega.

Qishloq xo'jaligini barqaror yuritish ekologiyaga zarar yetkazmasdan oziq-ovqat ishlab chiqarish uchun zarur bo'lgan barcha tabiiy resurslardan foydalanishni o'z ichiga oladi.

#### **Tahlil va natijalar**

FAO ma'lumotlariga ko'ra, Yevropa va Markaziy Osiyo mamlakatlari odatda oziq-ovqat bilan yetarlicha ta'minlangan hisoblanadi. Bu mintaqalarda to'yib ovqatlanmaslik muammolarining turli shakllari uchrasa-da – mikroelementlarning yetishmasligi, kamqonlik, katta yoshli aholining qariyb 25 foizi semizlikdan, taxminan ikki foizi to'yib ovqatlanmaslikdan (taqqoslash uchun, dunyoda o'rtacha 9 foiz) aziyat chekadi. O'zbekiston Sog'liqni saqlash vazirligi, Xalqaro Sog'liqni Saqlash Tashkiloti bilan hamkorlikda 2020 yilda o'tkazgan tadqiqotlariga ko'ra O'zbekiston aholisining 51 % i ortiqcha vazndan, 28 % i semizlikdan aziyat chekadi [6]. Shuningdek, Statistika qo'mitasi ma'lumotlariga ko'ra O'zbekistonda “to'yib ovqatlanmaydiganlar ulushi” ko'rsatkichlari 2016-2018 yillar uchun 2,8 foiz (0,9 mln. kishi) va 2017–2019 yillar uchun 2,6 foiz (0,8 mln. kishi)ni tashkil etgan [7].

O'zbekistonda qishloq xo'jaligini rivojlantirish va oziq-ovqat bozorini tartibga solishning maqsadlari, vazifalari va asosiy yo'nalishlari O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020—2030-yillarga mo'ljallangan strategiyasiga asosan belgilangan [8]. Qishloq xo'jaligini barqaror rivojlanishining ba'zi statistik ko'rsatkichlari tahlili jadvalda keltirilgan.

Ma'lumki aniq bir sohada ishlab chiqarish hajmi pul qiymati ko'rinishida o'sishi narxlarning oshishi hisobiga ham amalga oshishi mumkin. Bu esa sohada ishlab chiqarishning real o'sish sur'atlarini aniqlashda xatoliklarga sabab bo'lishi mumkin. Shuning uchun bunday kamchiliklarning oldini olish uchun jadvalda keltirilgan indekslar o'sish sur'ati (1–5) ko'rsatkichlarni bazis yildagi narxlar yordamida hisobladik. Ya'ni unda narxlar bir yil avvalgi yilga nisbatan olinadi, natijada real yalpi o'sishni aks ettiradi. Shuningdek, tarmoq rivojlanish indekslarining barqarorligini baholash uchun vaqti qatorlarning alohida qiymatlari bo'yicha tebranuvchanligi hamda tarmoq barqaror rivojlanish indeksini baholashda hisoblangan indekslar o'rtacha geometrigidan foydalanilgan.

Jadvalda keltirilgan ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, barcha kategoriyada qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish indeksi asosan ijobiy bo'lgan, ya'ni o'rtacha 120% o'sish kuzatilgan. Barqarorlik nuqtai nazaridan indeksda asosan barqarorlikni kuzatamiz. Shunday qilib, 2016 – 2021 yillar oralig'ida indeks o'sish sur'atida (0.2%) deyarli o'zgarish bo'lmagan.

Qishloq xo'jaligida asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar jismoniy hajmi indeksida sezilarli o'sish sur'atlari kuzatilgan bo'lsada, ko'rsatkich o'rtacha barqarorlik darajasiga ega bo'lgan. 2020 yilga kelib

2017 yilga nisbatan keskin -29 % ga pasaygan. Faqat 2016–2018-yillardagina barqaror o'sish sur'atlari kuzatilgan.

Qishloq xo'jaligida yaratilgan qo'shilgan qiymat indeksi 2019 yil eng tez o'sgan. So'ngi yillarda o'sish sur'ati pasaygan bo'lsa-da, 2021 yili 2016-yilga nisbatan o'sish sur'ati 0.9 % ga ortib, asosan barqaror bo'lgan.

Barcha turdagi xo'jalik toifalarida ishlab chiqarilgan dehqonchilik mahsulotlarida yuqori tebranuvchanlikni ko'rishimiz mumkin. Yillar mobaynida

1-jadval

**Qishloq xo'jaligini rivojlanish ko'rsatkichlari**

	Ko'rsatkichlar	2016	2017	2018	2019	2020	2021	Teb ranuv chan lik, koef*	Barqa- rorlik, koef*	2016 y. 2020 y. ga nisbatan %
1	Barcha kategoriyada qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish indeksi, (qiyosiy narxlarda) o'tgan yilga nisbatan % da	118,1	113,9	114,1	129,7	124,5	118,3	5,2%	94,8%	0,2
2	Qishloq xo'jaligida asosiy kapitalga kiritilgan nvestitsiyalar jismoniy hajmi indeksi, o'tgan yilga nisbatan %	108,1	113,3	118,0	171,6	130,4		20,0%	80,0%	22,3
3	Qishloq xo'jaligida yaratilgan qo'shilgan qiymat indeksi, o'tgan yilga nisbatan, %	117,6	108,1	112,7	128,9	124,9	118,6	6,4%	93,5%	0,9
4	Barcha turdagi xo'jalik toifalarida ishlab chiqarilgan dehqonchilik mahsulotlari indeksi o'sishi, % da o'tgan yilga nisbatan	113,4	119,9	106,6	127,8	119,1	119,3	6,1%	93,9%	6,0
5	Barcha turdagi xo'jalik toifalarida ishlab chiqarilgan chorvachilik mahsulotlari indeksi o'sishi, % da o'tgan yilga nisbatan	124,0	107,1	123,7	131,8	130,3	117,2	7,5%	92,5%	-6,8
6	Meva - sabzavot mahsulotlari eksporti, o'tgan yilga nisbatan % da	46,5	116,4	135,5	138,1	83,5		37,4%	62,6%	37,0
7	Qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligida real hisoblangan o'rtacha oylik ish haqining o'sishi, % da		108,8	108,1	151,5	118,1		16,8%	83,2%	9,3
8	Kapital qaytishi ko'rsatkichi o'tgan yilga nisbatan % da	109,3	100,6	96,7	75,6	95,5		13,0%	87,0%	-13,8
9	Material qaytishi ko'rsatkichi o'tgan yilga nisbatan % da	99,3	91,5	98,1	99,0	100,5	100,4	3,4%	96,5%	1,1
10	Qishloq xo'jaligida mehnat unumdorligi o'tgan yilga nisbatan % da	114,6	127,3	131,3	115,2	117,2	120,8	5,2%	94,8%	1,5
11	Qishloq hududlarida aholi jon boshiga umumiy daromadlari		117,7	124,8	119,3	111,3	121,8	4,3%	95,7%	4,1
12	Global oziq - ovqat xavfsizligi indeksi [9], o'tgan yilga nisbatan % da	105,6	102,7	91,4	99,1	99,3	99,4	4,7%	95,3%	-5,1
13	Tarmoq barqaror rivojlanish indeksi (o'rtacha geometrigi)	102,6	110,2	112,6	121,5	111,9	114,1	5,0%	95,0%	2,5

**Manba:** Statistika qo'mitasi ma'lumotlari asosida muallif tomonidan hisoblab chiqilgan.

\*Berilgan tebranuvchanlik va barqarorlik koeffitsientlari jadvalda keltirilgan indekslar bo'yicha emas, balki vaqt qatorlarining haqiqiy ko'rsatkichlari bo'yicha hisoblangan.

Indeks o'sish sur'atida keskin ko'tarilish va pasayishlar yuz bergan. Buning asosiy sababi bir tomondan sohaga boshqarib bo'lmaydigan iqlim sharoitlari ta'siri mavjudligi bo'lsa, boshqa tomondan sohada qo'shilgan qiymat zanjiri, logistika va sotish tizimlari yaxshi rivojlanmaganligida. Yuqori hajmdagi ishlab chiqarish soha mahsulotlari narxini tushib ketishiga natijada yaxshi moliyaviy ta'minlanmagan agrar tashkilotlarning moliyaviy zarar ko'rishiga olib keladi. Bu esa keyingi yilda ishlab chiqarishga o'z salbiy natijasini ko'rsatgan. Nisbatan barqarorlikni chorvachilik mahsulotlari indeksi o'sishida ko'rishimiz mumkin. Bu soha ishlab chiqarishi iqlim o'zgarishiga ta'sirchanligi pastroqdir. Shunday qilib, bu ikki ko'rsatkichlar o'zaro teskari a'loqaga ega holda barqarorlik o'sish yo'liga o'tishga harakat qilmoda.

Meva - sabzavot mahsulotlari eksporti ulushi barqaror o'sib bormoqda. 2017 yilda jami eksportga nisbatan 5,1 % ni tashkil etgan bo'lsa, 2020 – yilda 6,7 % ni tashkil etdi. Shuningdek, ko'rsatkich umumiy jihatda o'ta beqarorlikni namoyo etgan. Mamlakatimiz qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarishda yuksak potentsialga ega. Qishloq xo'jaligi va oziq-ovqat mahsulotlarining eksporti hajmining oshishi 2021 yilda 3,5 mlrd AQSh doll., 2025-yilda 10 mlrd AQSh doll., 2030-yilda 20 mlrd AQSh dollariga yetkazish maqsad qilib qo'yilgan [10].

Qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligida real hisoblangan o'rtacha oylik ish haqi o'sishi 2017-yilga nisbatan 2020 – yilda jami 9% ga o'sgan.

Hududlar iqtisodiyotidagi sifat o'zgarishlarini ko'rsatuvchi iqtisodiy o'sish samaradorligining asosiy ko'rsatkichlaridan biri ishlab chiqarish jarayonida material qaytimi ko'rsatkichidir. **Ishlab chiqarish jarayonida material qaytimi quyidagi formula yordamida qiyosiy narxlarda aniqlanadi:**

$$M_i^r = \frac{GO_i^r}{II_i^r} \quad (1),$$

**Bu yerda:**

$M_i^r$  –  $i$  – tarmoqning  $r$  – hududda material qaytimi, so'm/so'm;

$GO_i^r$  –  $i$  – tarmoqning,  $r$  – hududda yalpi tushumi;

$II_i^r$  – *Ishlab chiqarish jarayonida i – tarmoqning, r – hududda material xarajatlari (oralig'iste'mol)*

So'nggi 6 yil ichida O'zbekiston qishloq xo'jaligida material qaytimi miqdor jihatdan 2015–2019 - yillar orasida asosan pasayib borgan. 2015 yilda material qaytimi ko'rsatkichi 2,85 p.ga teng bo'lgan, 2017-yilda keskin tushish (2,59 p.) kuzatilgan. Shundan so'ng ko'rsatkich barqaror o'sib bormoqda. E'tiborlisi shundaki, COVID – 19 pandemiyasi qolgan tarmoqlarda pasayishga olib kelgan bo'lsa, qishloq xo'jaligida esa bu ijobiy o'zgarishlarga sabab bo'lgan. O'zbekiston qishloq xo'jaligida material qaytimi 2015-yildagi ko'rsatkich qiymatiga nisbatan 11 foiz punktga kamaygan yoki 2021-yilda 2015-yilga nisbatan 1 so'm qishloq xo'jaligi mahsuloti ishlab chiqarish uchun sarflangan moddiy xarajatlar 12,4 foiz punktga oshgan.

Hudud iqtisodiyotining asosiy kapitaliga yo'naltirilgan investitsiya resurslaridan foydalanish samaradorligi kapital qaytimi ko'rsatkichi orqali ko'rib chiqiladi. Kapital qaytimi kiritilgan investitsiyalarning bir birligiga ishlab chiqarilgan qo'shimcha mahsulotni hajmini tavsiflaydi.

**Kapital qaytimi ko'rsatkichi material qaytimi ko'rsatkichi sifatida quyidagi formula yordamida qiyosiy narxlarda aniqlanadi:**

$$K_i^r = \frac{GRP_i^r}{I_i^r} \quad (2),$$

**Bu yerda:**

$K_i^r$  –  $i$  – tarmoqning  $r$  – hududda kapital qaytimi;

$GRP_i^r$  –  $i$  – tarmoqning,  $r$  – hududda yalpi tushumi;

$I_i^r$  – *Ishlab chiqarish jarayonida i – tarmoqning, r – hududda investitsiyalar hajmi.*

O'zbekiston qishloq xo'jaligida 2017-2020 yillar oralig'ida eng ko'p investitsiyalar 2020 - yilda jalb qilingan (14 776,8 mlrd.so'm). 2020 yilga kelib jalb qilingan investitsiyalar hajmi 2017 yilga nisbatan 2,4 barobar (8 666,2 mlrd.so'm) oshdi. Ammo shuni ta'kidlash kerakki, kapital qaytimi ko'rsatkichi ushbu davrlarda muntazam pasayib borgan: 2020 yilga kelib kapital qaytimi o'zgarishi 2015 yilda erishilgan ushbu ko'rsatkich darajasiga nisbatan 0,76 baravarni tashkil etdi.

Ishlab chiqarish samaradorligining yana bir muhim ko'rsatkichi mehnat unumdorligidir. Mehnat unumdorligi mehnat samaradorligini tavsiflaydi. Makrodarajada u ma'lum vaqt davomida xodim tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulot hajmi bilan o'lchanadi.

**Mehnat unumdorligi ko'rsatkichi quyidagi formula yordamida aniqlanadi:**

$$L_p^r = \frac{GRP_i^r}{L_i^r} \quad (3),$$

**Бу ерда:**

$L_i^r$  –  $i$  – tarmoqning  $r$  – mehnat unumdorligi;

$GRP_i^r$  –  $i$  – tarmoqning,  $r$  – hududda yalpi tushumi;

$L_i^r$  –  $r$  – *худудда i – tarmoqda band aholi soni.*

O'zbekiston qishloq xo'jaligida mehnat unumdorligining o'zgarishi tahlili shuni ko'rsatadiki, 2010-2021 yillarda mehnat unumdorligining o'sishi kuzatilgan. Bu ko'rsatkich bo'yicha eng yaxshi yutuqlarga

so'ngi 5 yillikda erishilgan bo'lib, bu ko'rsatkich 2016 yilga nisbatan 2,7 baravar o'sgan, 2010 - yilga nisbatan esa 8,7 barobar o'sgan.

Oziq-ovqat xavfsizligi deganda odamlar doimo sog'lom va faol hayot kechirishlari uchun ularning parhez ehtiyojlarini qondiradigan yetarli va to'yimli oziq-ovqatdan jismoniy, ijtimoiy va iqtisodiy foydalanish imkoniyatiga ega bo'lgan davlat sifatida aniqlanadi.


1996 yilgi Jahon oziq-ovqat sammitida moslashtirilgan ushbu ta'rifdan foydalanib, Global oziq-ovqat xavfsizligi indeksi 113 mamlakatda oziq-ovqatning arzonligi, mavjudligi, sifati va xavfsizligi, tabiiy resurslar va chidamlilik xususiyatlari bilan bir qatorda boshqa asosiy masalalarni ko'rib chiqadi. Indeks rivojlanayotgan va rivojlangan mamlakatlarda oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlovchi omillarni o'lchaydigan 59 ta noyob ko'rsatkichdan tuzilgan dinamik miqdoriy va sifat ko'rsatkichlari modelidir. Tadqiqotning umumiy maqsadi qaysi mamlakatlarning oziq-ovqat xavfsizligiga eng ko'p va eng kam ta'sir ko'rsatishini arzonlik, mavjudlik, sifat va xavfsizlik, tabiiy resurslar va chidamlilik toifalari orqali baholashdan iborat.

Oziq-ovqat xavfsizligi bo'yicha tadqiqotlar butun dunyo bo'ylab ko'plab tashkilotlarning mavzusi bo'lsa-da, bu ko'rsatkich bir qancha sabablarga ko'ra ajralib turadi. Ushbu indeks oziq-ovqat xavfsizligini xalqaro miqyosda belgilangan to'rtta o'lchov bo'yicha har tomonlama o'rganadigan dastlabki indeksdir. Bundan tashqari, tadqiqot ochlikdan tashqari oziq-ovqat xavfsizligiga ta'sir qiluvchi asosiy omillarni ham inobatga oladi. Bundan tashqari, ko'rsatkich oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlovchi omillarni aniqlash uchun bir qancha noyob sifat ko'rsatkichlarini aniqlaydi, ularning aksariyati hukumat siyosatiga tegishli bo'lib, hozirda hech qanday xalqaro ma'lumotlar to'plamida o'lchanmagan.

O'zbekistonda oziq - ovqat xavfsizligi indeksi 2017–2018 yillar oralig'ida keskin 12 % pasayishdan so'ng, muntazam sur'atda kamayib bormoqda. Shunday qilib, 2017 – yilda ushbu indeks ko'rsatkichi 60,2 ga teng bo'lgan, 2021 - yilga kelib 53,8 gacha pasaygan.

Tizimni barqaror rivojlanish indeksi tahlil qilinganda, ma'lum bo'ldiki, 2016–2021-yillarda tarmoqda rivojlanish barqarorligi 110 % dan yuqori bo'lgan (2016 - yil bundan mustasno – past daraja). Qishloq xo'jaligini rivojlanishi alohida ko'rsatkichlari barqarorligi tahlil qilingan davr mobaynida tahlili meva - sabzavot mahsulotlari eksporti o'sishi ko'rsatkichida o'ta kuchli beqarorlikni, Qishloq xo'jaligida asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar jismoniy hajmi indeksi, Qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligida real hisoblangan o'rtacha oylik ish haqining o'sishi va kapital qaytimi ko'rsatkich asosan beqarorlikni, qolgan barcha ko'rsatkichlar esa barqarorlikni namoyon etgan. Bundan kelib chiqib yana bir bor ta'kidlash lozimki, mamlakatda investitsiyalash va eksportni tashkil etish mexanizmidan sezilarli muammolar mavjud.

Shuningdek, quyida keltirilgan rasmda biz tomondan ishlab chiqilgan tizimni barqaror rivojlanish indeksini xalqaro hisoblanadigan o'xshash ko'rsatkich Global oziq - ovqat xavfsizligi indeksi bilan solishtirar ekanmiz, asosan o'zaro muvofiqliklar kuzatilsada, ko'rsatkichlarni uzoq muddatli prognozlashtirish maqsadida tuzilgan ekonometrik modelimiz xususiy ko'rsatkichimizda ishonchlilik darjasi pastroq bo'lsada, Global oziq - ovqat xavfsizligi indeksini pozitiv trend bilan ifodalanihini ko'rsatdi.



**1-rasm. Oziq – ovqat ta'minoti tizimini baholashda xalqaro va xususiy indekslar qiyosiy tahlili**  
**Manba: muallif tomonidan tuzilgan.**

## **Xulosa va takliflar**

Xulosa sifatida aytish mumkinki, oziq – ovqat tizimini barqaror rivojlanish ko'rsatkichlari sifatida tanlab olingan 11 ko'rsatkichdan aksariyatida beqarorlik hukm surmoqda. Shuningdek, 2017 – 2020 yillar oralig'ida 5 ta ko'rsatkichlarda salbiy o'zgarishlarga, qolgan 6 tasida esa o'sish kuzatilgan. Kuzatilgan ko'rsatkichlarda davr mobaynida kuchli tebranishlar ro'y bergan. Umuman olganda aytish mumkinki, mamlakatimizda qishloq xo'jaligida so'ngi yillarda ba'zi ko'rsatkichlar bo'yicha o'sish kuzatilgan bo'lsada sezilarli natijalarga erishilmagan. Shunday bo'lsada, oziq – ovqat tizimi 2017 – yildan yuksalish fazasiga o'tgan deyish mumkin. Bunga asosiy ko'rsatkichlardagi ijobiy o'zgarishlar guvohlik beradi.

Tadqiqotchi Yuliy Yusupov o'z tadqiqotlarida O'zbekistonda qishloq xo'jaligi iqtisodiyotning davlat tomonidan eng ko'p tartibga solinadigan tarmoqlaridan biri hisoblanishini. Shuningdek, asosiy yirik qishloq xo'jaligi ishlab chiqaruvchilari – fermerlarning mulkiy huquqlari nihoyatda kuchsiz himoyalangani, sohada boshqaruv usullarining eskiligini, soha uchun bozorlarning yaxshi rivojlanmaganligi va boshqa kamchiliklarni ta'kidlab o'tar ekan, agrar sohada chuqur islohotlarni amalga oshirish lozimligini aytib o'tadi [11].

## **Fikrimizcha, oziq-ovqat tizimini barqarorligini oshirish uchun quyidagi institutsional choralar ko'rilishi lozim:**

- ijtimoiy-iqtisodiy o'sishga ko'maklashish, oziq-ovqat xavfsizligi va to'yib ovqatlanishni ta'minlash, kambag'allikni kamaytirish maqsadida qishloq xo'jaligi innovatsiyalaridan foydalanishni osonlashtirish; yangi biznes modellarini ilgari surish, ishlab chiquvchilar uchun innovatsiyalarni unga eng muhtoj odamlarga, shu jumladan, kichik fermer xo'jaliklariga, yer va boshqa resurslar cheklangan hududlarga qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishining samaradorligi, raqobatbardoshligi va barqarorligini oshirish uchun o'tkazishning yangi usullarini topish, siyosiy, mafkuraviy tafovutlar va geografik chegaralarni bartaraf etish, hamkorlikni rivojlantirish, bilim va axborot almashish uchun ochiq ma'lumotlar bazalaridan foydalanish;

- o'zgaruvchan iqlim sharoitida rivojlanishni samarali qo'llab-quvvatlash va oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash uchun qishloq xo'jaligi tizimlarini iqlimga mos qishloq xo'jaligiga aylantirish va qayta yo'naltirish;

- aholi daromadlarini oshirish, rivojlanish jarayonining barqarorligini ta'minlash va qishloq xo'jaligini rivojlantirish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish o'rtasida murosaga erishishga qaratilgan qishloq hududlarini kompleks rivojlantirish;

- qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishida tashkilotlar rentabelligini oshirish bilan birga qishloq ekotizimlarining bioxilma-xilligini saqlab qolish zarur;

- oziq-ovqat yo'qotilishi va chiqindilarni kamaytirish barqaror rivojlanishga hissa qo'shadi, chunki ishlab chiqarilgan oziq-ovqat miqdori sayyoramiz aholisi uchun yetarli bo'lishi mumkin, ammo har yili 820 millionga yaqin odam ochlikdan aziyat chekmoqda. Oziq-ovqatning adolatli taqsimlanishi, ko'p yoki noto'g'ri ovqatlanadiganlar va to'yib ovqatlanmaydiganlar o'rtasida muvozanatni ta'minlashga intilish kerak. Buning uchun quyidagilarni amalga oshirish lozim:

- hududlarni o'z – o'zini oziq – ovqat bilan ta'minlash borasidagi hamda uni muhtoj hududlarga adolatli taqsimlashda davlat siyosatini kuchaytirish,

- oziq – ovqat mahsulotlari tanqisligi mavjud hududlarda iste'mol narxlarini subsidiyalash, transport logistika tizimini rivojlantirish, ombor va transport infratuzilmalarida mavjud bilim va texnologiyalarni qo'llash, o'rim-yig'imdan keyingi chiqindilarni kamaytirish uchun yangi mos texnologiyalarga sarmoya kiritish, chiqindilarni kamaytirish uchun infratuzilma, moliyaviy va bozor islohotlarni amalga oshirish;

- qishloq joylarining tabiiy va madaniy boyliklarini saqlash va rivojlantirish, eksport va turizmni rivojlantirish bilan bir qatorda oziq-ovqat mahsulotlari yoki hunarmandchilik buyumlarining geografik yo'nalishlari va kelib chiqish joyi nomidan intellektual mulk ob'yekti sifatida foydalanish. Bu an'anaviy va yarim qayta ishlangan mahsulotlarni ilgari surish elementi va kafolati bo'lib, sog'lom ovqatlanish maqsadlarida barqaror oziq - ovqat tizimini shakllantirishga hissa qo'shadi;

- chidamli "superbakteriyalar" rivojlanishini cheklash, dori vositalaridan noto'g'ri foydalanish natijasida sog'liq, oziq-ovqat xavfsizligi va rivojlanishga tahdid soladigan global tendentsiyaning oldini olish uchun mikroblarga qarshi vositalardan oqilona foydalanish; gigienani yaxshilash va tibbiy xizmatlar sifatini oshirish, masalan, odamlar va hayvonlarni emlash, yuqumli kasalliklarning tarqalishining oldini olish;

- qishloq xo'jaligi ekinlari zararkunandalari va kasalliklarining inson salomatligi va atrof-muhitga salbiy ta'sirini, ularning fazoda tarqalishi va o'simliklar bilan o'zaro ta'sirini kamaytirish. Hasharotlar, begona o'tlar va kasalliklardan yillik yo'qotishlar taxminan 20-40 foizni tashkil qiladi. Pestitsidlarni noto'g'ri ishlatish va saqlash inson salomatligi va atrof-muhitga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin;

- organik qishloq xo'jaligini rivojlantirish. 2019 yilda global organik bozor 90 milliard yevroga yetdi. O'zbekiston organik qishloq xo'jaligi mahsulotlarini eksportida katta potensialga egaligiga qaramasdan, eksport sur'ati sekin o'sib bormoqda. O'zbekistonning GSP+ (General System of Preferences)ni imzolagan 9 – davlat bo'ldi. Bu anglatadiki, O'zbekiston barcha tovarlarini Yevropa Ittifoqiga bojxona to'lovisiz olib kirishi mumkin. Afsuski, ba'zi sabablarga ko'ra bu imkoniyatlardan oqilona foydalanilmayapdi. Organik ishlab chiqarishni va eksportni rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari quyidagilardan iborat: sotishni tashkil etish, sertifikatlashtirish tizimini shakllantirish, iste'molchilarni xabardor qilish, qishloq xo'jaligi texnologiyalaridan foydalanish, ta'lim va malaka oshirish, organik mahsulotlar ishlab chiqaruvchilarni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash;

Shunday qilib, iqtisodiyotning barqaror rivojlanishiga iqtisodiy faoliyatni rag'batlantirish, jalb qilingan resurslardan foydalanish uchun shart-sharoitlar yaratish va iqtisodiy rivojlanishning maqsadli vazifalariga muvofiq iqtisodiy faoliyatni ta'minlash tizimi yordam beradi.

### **Manba va adabiyotlar**

1. Ильина З.М. Устойчивость развития продовольственной системы: методические аспекты / З.М. Ильина // Весті Нацыянальнай акадэміі навук Беларусі. Серыя аграрных навук. - 2013. - № 2. - С. 9-19.
2. Eshpulatov D.B. va boshqalar. "Qishloq xo'jaligida iqtisodiy o'sish sifatini aniqlash va uning ko'rsatkichlari tahlili". "Logistika va Iqtisodiyot" ilmiy elektron jurnali. III son. 2022. 142-159 b.
3. Zavorotin, E.F. Organizacionno-jekonomicheskij mehanizm ustojchivogo razvitija agropromyshlennogo kompleksa i sel'skih territorij v Povolzh'e [Tekst] / E.F. Zavorotin, V.I. Afanas'ev, A.A. Gordopolova, N.S. Tjurina, A.P. Nesmyslenov i dr. - Saratov: Saratovskij istochnik, 2017. - 300 b.
4. Mazloev, V.Z. Formirovanie processov transformacii jekonomicheskogo mehanizma agrarnogo sektora [Tekst] / V.Z. Mazloev, M.G. Ozerova // Jekonomika sel'skogo hozjajstva Rossii. - 2017. -№ 8. 15-21 b.
5. Altuhov, A.I. Osnovnye napravlenija razmeshhenija i specializacii sel'skogo hozjajstva Rossii: monografija [Tekst] / A.I. Altuhov, A.G. Papcov, A.A. Shut'kov [i dr.]. - M.: OOO «Sam poligrafist», 2020. - 347 b.
6. Очерк: В Узбекистане борются с ожирением населения. Saytda mavjud: <http://russian.people.com.cn/n3/2021/0823/c31519-9887056.html> (tashrif vaqti: 27.07.2022).
7. O'zbekiston aholisining 2,6 foizi to'yib ovqatlanmasligi ma'lum qilindi. Saytda mavjud: <https://uzreport.news/society/uzbekiston-aholisining-2-6-foizi-toyib-ovqatlanmasligi-malum-qilindi> (tashrif vaqti: 21.07.2022).
8. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 23.10.2019 yildagi PF-5853-son "O'zbekiston respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020 — 2030-yillarga mo'ljallangan strategiyasini tasdiqlash to'g'risida" gi Farmoni. Saytda mavjud: <https://lex.uz/docs/-4567334> (tashrif vaqti:22.07.2022).
9. Global food security index. Saytda mavjud: <https://impact.economist.com/sustainability/project/food-security-index/> (tashrif vaqti:17.06.2022).
10. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son "2022 — 2026 Yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida" gi Farmoni. Saytda mavjud: <https://lex.uz/uz/docs/-5841063> (tashrif vaqti:17.06.2022).
11. Yusupov Y. "Аграрный сектор Узбекистана: особенности, ключевые проблемы, необходимость реформ". Saytda mavjud: <https://cabar.asia/ru/agrarnyj-sektor-uzbekistana-osobennosti-klyuchevye-problemy-neobhodimost-reform> (tashrif vaqti:17.07.2022).



**ПЕРЕХОД К ЗЕЛЕННОЙ ЭКОНОМИКЕ В КОНТЕКСТЕ СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ:  
КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ**

**Дилдора КАРИМОВА,**  
доктор экономических наук,  
руководитель проекта Институт прогнозирования и  
макроэкономических исследований

**Аннотация:** политика перехода к «зеленой» экономике с самого начала предполагает реализацию мер с учетом интересов населения. Справедливый доступ малоимущих к природным ресурсам, равное распределение выгод от экономического роста и адресная система социальной защиты позволят минимизировать риски от внедряемых новшеств «зеленого» развития. Долгосрочное повышение благосостояния людей в условиях гармонизации усилий в сферах экологии, экономики, инфраструктуры и социальной защиты населения позволит будущим поколениям избежать потери окружающей среды и людских ресурсов.

**Ключевые слова:** «зеленая» экономика, бедность, экономика, экология, социальная защита населения, предпринимательство, зеленые рабочие места.

**КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШ КОНТЕКСТИДА ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ:  
КОНЦЕПТУАЛ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАР**

**Дилдора КАРИМОВА,**  
иқтисодиёт фанлари доктори,  
Прогнозлаштириши ва макроиқтисодий тадқиқотлар  
институтини лойиҳа раҳбари

**Аннотация:** “Яшил” иқтисодиётга ўтиши сиёсати бошиданоқ аҳоли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишни назарда тутди. Кам таъминланган аҳолининг табиий ресурслардан тенг фойдаланиши, иқтисодий ўсишдан олинган фойданинг тенг тақсимланиши ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг манзилли тизими яшил ривожланишдан келиб чиқадиган хатарларни минималлаштиради. Экология, иқтисодиёт, инфратузилма ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиши соҳасидаги саъй-ҳаракатларни уйғунлаштириши шароитида халқ фаровонлигини узоқ муддатга яхшилаш келажак авлодларга атроф-муҳит ва инсон ресурсларини йўқотишининг олдини олиши имконини беради.

**Калит сўзлар:** “яшил” иқтисодиёт, камбағаллик, иқтисодиёт, экология, аҳолини ижтимоий ҳимоя тизими, тадбиркорлик, яшил иш ўринлари.

**TRANSITION TO A GREEN ECONOMY IN THE CONTEXT OF POVERTY REDUCTION:  
CONCEPTUAL AND PRACTICAL ISSUES**

**Dildora Karimova,**  
DSc (Doctor of Economics),  
Institute for forecasting and  
macroeconomic research, project manager

**Abstract:** the policy of transition to a "green" economy from the very beginning implies the implementation of measures taking into account the interests of the population. Equitable access for the poor to natural resources, equal distribution of benefits from economic growth and a targeted system of social protection will minimize the risks from the introduction of green development innovations. Long-term well-being improvement in the context of harmonizing efforts in the areas of ecology, economy, infrastructure and social protection will allow future generations to avoid the loss of the environment and human resources.

**Keywords:** "green" economy, poverty, economy, ecology, social protection, entrepreneurship, green jobs.

**Введение.** В целях последовательной реализации задач, определенных Стратегией развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, а также обеспечения выполнения обязательств Парижского соглашения<sup>1</sup> и перехода Республики Узбекистан на «зеленую» экономику постановлением президента утверждена стратегия по переходу Республики Узбекистан на «зеленую» экономику на период 2019-2030 годов [1]. Политика для «зеленой» экономики в перспективе до 2030 года предполагает сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, расширение использования возобновляемых источников энергии, преодоление последствий экологического кризиса в Приаралье.

Как известно, «зеленая» экономика – это экономика, которая обеспечивает долгосрочное повышение благосостояния людей и сокращение неравенства, при этом позволяя будущим поколениям избежать существенных рисков для окружающей среды и ее обеднения [2].

В долгосрочной перспективе переход к «зеленой» экономике основывается на принципах Национальных целей и задач в области устойчивого развития, в основе которых лежат вопросы сокращения бедности.

**Основная часть.** На сегодняшний день рост численности населения, нерациональное потребление природных ресурсов, усиление негативного антропогенного воздействия на окружающую среду и рост выбросов парниковых газов, медленное обновление технологий и слабое участие малого бизнеса во внедрении инновационных решений, низкий уровень энергоэффективности экономики и увеличение потребности экономики в ресурсах - все это ограничивает ускоренный переход к зеленой экономике в Узбекистане.

Как показывает опыт многих стран и самого Узбекистана, экономический рост - это необходимая, но недостаточная предпосылка для сокращения бедности. В условиях зеленой экономики существует необходимость гармонизации усилий в сферах экологии, экономики, инфраструктуры и социальной защиты населения.

Макроэкономические цели «зеленой» экономики. Достижение макроэкономических целей «зеленой» экономики должны сопровождаться ростом показателей в ключевых секторах, созданием «зеленых» рабочих мест, повышением доходов и качества жизни населения.

Сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, расширение использования возобновляемых источников энергии должны осуществляться с учетом интересов всех слоев населения, особенно малообеспеченных семей и уязвимых граждан. Например, снижение энергоемкости ВВП должно происходить при одновременном повышении обеспечения доступа населения к надежному и современному энергоснабжению. Развитие сельского хозяйства на основе «зеленых» стандартов должно повысить производительности труда, занятость и доходы сельского населения. Устойчивое управление ресурсами и развитие ресурсосберегающего, органического и климатоустойчивого сельского хозяйства повысит уровень обеспеченности населения экологически чистым продовольствием.

Расширение государственно-частного партнёрства и кредитных гарантий поможет мобилизовать частные инвестиции в производство возобновляемой энергии и другую важную инфраструктуру. Приведение инфраструктуры в соответствии с требованиями «зеленой» экономики должно параллельно обеспечить доступ, особенно сельского населения, к надежному и современному энергоснабжению, безопасной питьевой воде и коммунальным услугам.

Зеленый рост должен создавать новые возможности для бедного населения за счет создания рабочих мест: 1) в отраслях экономики с потенциалом «озеленения», в частности промышленности (энергетика, металлургия и химия), производства строительных материалов и строительства, туризма, таких сфер как транспорт, образование и наука; 2) в отраслях с высоким неформальным сектором - сельское хозяйство, строительство, транспорт и др. Формирование официального сектора переработки, утилизации и обезвреживания отходов будет способствовать не только созданию рабочих мест, но и снижению опасности для здоровья людей.

Разработка, внедрение и развитие экологически ориентированных инноваций в бизнес-процесс, производство эко-продукции для населения, создание «зеленых» рабочих мест – все это должно повышать благосостояние бедных и уязвимых слоев населения.

---

<sup>1</sup> В 2018 году Республика Узбекистан ратифицировала Парижское соглашение (Париж, 12 декабря 2015 года) и взяла количественное обязательство определяемого на национальном уровне вклада по его реализации — снижение к 2030 году удельного выброса парниковых газов на единицу валового внутреннего продукта на 10 % от уровня 2010 года.

Социальные аспекты сокращения бедности. Развитие человеческого потенциала и наличие квалифицированных кадров является ключевым условием для перехода к «зеленой» экономике и внедрения принципов устойчивого развития в стране. Уровень образования, здоровье и материальный достаток, а также осведомленность среди населения позволят успешно воплотить в жизнь все отраслевые и национальные программы «зеленого» развития.

Воспитание специалистов нового поколения, обладающих основными понятиями, знаниями и специальными навыками в области «зеленой» экономики потребует внесения изменений в системы профессиональной подготовки и обучения в соответствии с спросом на зеленые профессиональные квалификации и навыки. Также достижению этих целей будут способствовать создание «зеленых» университетов как инновационных социальных институтов по подготовке кадров, разработка новых образовательных программ по рациональному использованию природных ресурсов и охране окружающей среды.

Переход к «зеленой» экономике не является гендерно нейтральным процессом и требует всестороннего учета интересов женщин при разработке политики. Мужчины и женщины имеют различные гендерные роли и ответственность, различный доступ к ресурсам и принятию решений. Зеленая экономика включает в себя вопросы справедливого доступа женщин к природным ресурсам, распределения выгод от экономического роста и минимизации рисков от внедряемых новшеств «зеленого» развития.

Система социальной защиты населения должна быть ориентирована на смягчение негативных последствий изменения внутренней политики (стратегия по достижению углеродной нейтральности, тарифная политика в энергетическом секторе, реформа госпредприятий и др.), особенно для уязвимых групп населения.

Экологические аспекты сокращения бедности. С экологической точки зрения интенсивное использование природных ресурсов, безусловно, вносит значительный вклад в экономический рост в краткосрочном периоде, но в долгосрочной перспективе это приведет к значительным негативным последствиям в виде широкомасштабной бедности и ухудшения здоровья населения из-за, загрязненного воздуха и некачественной питьевой воды, недостатка продовольствия и энергии.

Особо актуальной является политика государства сокращения бедности через создание новых рабочих мест, повышения квалификации и внедрения технологий, позволяющих увеличить производительность труда и уровень заработной платы. Построенная эконометрическая модель на основе панельных данных 28 европейских стран за период 2005-2019 гг., показала, что рост возобновляемой энергетики и производительности труда действительно снижают риск бедности [3]. В частности, зеленая экономика может повлиять на увеличение производительности труда, например, за счет внедрения «зеленых» технологий, позволяющих более эффективно использовать ресурсы, уменьшая при этом уровень загрязнения. А уровень загрязнения, как правило связан со здоровьем людей, их трудоспособностью и расходами на медицину.

В исследованиях тесные взаимосвязи были также выявлены между бедностью и другими факторами, например, выбросами парниковых газов (выбросы могут влиять на климат и условия работы населения), экономическим ростом и перераспределением результатов экономического роста, состоянием здоровья населения (при увеличении госрасходов на социальные цели, улучшении качества жизни и здоровья населения люди могут больше работать и зарабатывать), развитием науки (должны создаваться новые «зеленые» технологии, повышающие производительность труда и ресурсоэффективность) и т.д.

Опыт стран показывает, что в условиях перехода к зеленой экономике может возникнуть новый тип бедности — энергетическая бедность, характеризующаяся тем, что у бедных слоев населения отсутствуют средства для оплаты услуг подорожавшей электроэнергии. В этом случае электроэнергия из возобновляемых источников может в конечном счете оказаться дешевле и упредить энергетическую бедность. Также более адресная помощь населению, например, меры по компенсации оплаты услуг электроэнергии для молодых малообеспеченных семей с несовершеннолетними детьми будут сокращать бедность.

Практика Узбекистана. Узбекистан имеет уникальные возможности и предпосылки для зеленой экономики. Обширная территория, природные ресурсы, растущее население и спрос на потребительском рынке и другие факторы благоприятствуют новым возможностям. Если учесть, что в сельском хозяйстве сконцентрированы около трети занятых в экономике, а также большая часть бедных проживает на селе, то устойчивое развитие сельского хозяйства является приоритетом в процессе перехода к зеленой экономике. Данный сектор призван обеспечить экологически чистой

продукцией более 35 млн. населения, не нанося ущерба экосистемам и здоровью людей в условиях жаркого климата и дефицита воды.

Проводится широкомасштабная работа по обучению и вовлечению в предпринимательство членов бедных семей, зафиксированных органами самоуправления граждан (махаллей) в «железной тетради», «женской» и «молодежной» тетрадах. Напомним, создать «молодёжную тетрадь» для безработной молодёжи и «женскую тетрадь» для нуждающихся женщин предложил в 2020 году президент Шавкат Мирзиёев. Ранее в том же году был внедрён список «темир дафтар», содержащий информацию о семьях, нуждающихся в помощи государства.

Государство выделяет субсидии, стимулируя вовлечение малоимущих в предпринимательство [4]. Акцент делается на те отрасли и виды деятельности, где сконцентрированы бедные и есть спрос населения. Выдаются субсидии на создание бизнеса в сельском хозяйстве, в частности на строительство теплиц (для выращивания на своих участках цветов, лимонов, фруктов и овощей), а также для организации животноводства, птицеводства, рыболовства, пчеловодства), на закупку оборудования для полива, саженцев и семян. Безработным гражданам, вернувшимся из-за рубежа трудовым мигрантам и выходцам из малообеспеченных семей, покрываются расходы для вхождения в сельхозкооперативы.

Женщинам, открывшим малый бизнес, выделяются субсидии на приобретение оборудования (швейного, прядильного, кондитерского, парикмахерского).

Всем предприятиям и организациям, независимо от форм собственности, разрешается привлекать женщин, работающих на дому. При этом за каждую надомницу работодатели получают субсидию, за счет чего обеспечивают надомниц оборудованием, например, швейным, прядильным, кондитерским.

Центры профобучения также могут получить субсидии государства для обучения лиц из «железных» тетрадей по направлениям: ремонт бытовой техники, мебели и компьютеров, создание и обработка мультимедиа, дизайн-проектов, разработка и обслуживание информационных систем, мобильных приложений, сайтов, профессиональное фото- и видеосъёмка, парикмахерские услуги и косметология [4].

В соответствии с временным порядком социальной поддержки женщин, женщинам, включённым в «Женскую тетрадь», выделяются кредиты на занятие предпринимательской деятельностью на срок не более трёх лет со льготным периодом до шести месяцев [5].

Женщины, чей бизнес связан с приусадебным хозяйством, приравниваются к категории самозанятых и пользуются налоговыми и другими льготами. Предприятия в сельской местности, обеспечивающие занятость малообеспеченных женщин, платят налог на имущество и землю по ставке 50%, социальный налог — по ставке 1%. Им разрешено продавать свою продукцию в рамках госзакупок на основании прямых договоров.

Пересмотр программ и мер развития бизнеса и поддержки бедных через призму экологических составляющих (развитие отраслей экономики с потенциалом «озеленения», экологически ориентированные инновации в бизнес-процессах, внедрение в производство энергосберегающих технологий и т.д.) позволит обеспечить гармонизацию усилий в сферах экологии, экономики, инфраструктуры и социальной защиты населения и ускорить переход к «зеленой» экономике.

**Выводы и рекомендации.** Высокая материало- и энергоёмкость экономики, повышенный спрос на природные ресурсы – типичные издержки экономического роста в развивающихся странах. Переход к зелёной экономике характеризуется системными инновациями, высокой эффективностью использования ресурсов, снижением зависимости от углеводородов, что требует крупных вложений в экономику страны. Реализация модели “зеленого развития” связана также с необходимостью решения и другой проблемы – недопущения усиления неравенства и бедности. Для разработки «пакета» инструментов «зеленой» политики необходимо учитывать уровень развития страны, устойчивость к природным катастрофам и экономическим кризисам. Важным фактором сокращения бедности могут стать инвестиционные вложения в развитие «зеленой» инфраструктуры, включая систему водоснабжения и канализации, общественный транспорт, ориентированный на альтернативные источники топлива и др. Это может подстегнуть экономический рост, как со стороны предложения, так и со стороны спроса, одновременно расширяя занятость и способствуя улучшению жизненных условий, особенно сельского населения.

Такой подход требует увеличения инвестиций в природные активы, используемые бедными слоями населения. Хорошим примером служит принятый в Индии в 2006 году Закон о государственном обеспечении занятости в сельских районах, который предусматривает вложение

средств в сохранение и восстановление природного капитала. Эта программа реализуется как программа общественных работ, гарантирующая предоставление оплачиваемой работы членам бедных семей.

Еще одним примером может служить создание программ развития зеленого бизнеса в Южной Африке, ориентированной на бедных, женщин, молодежь с использованием инициативы «Зеленое предпринимательство» [6]. В данном проекте потенциал «зеленой» экономики для борьбы с бедностью и защиты окружающей среды использовался на низовом уровне – на уровне общин. Работа проводилась в густонаселенных городских районах с высоким уровнем бедности, безработицы и преступности. Многие участники проекта не имели работы из-за отсутствия образования. Основным источником доходов в этих семьях были доходы от временной/непостоянной занятости, пенсии и пособия. Государство в сотрудничестве с организациями гражданского общества и частным сектором инициировало проект зеленого предпринимательства по трем направлениям – сбор и переработка отходов; выращивание и продажа саженцев и семян, посадка деревьев; выращивание овощей и фруктов для собственного потребления и продажи. Такая инициатива позволила не только развивать предпринимательские навыки и получить доход, но и понимать важность окружающей среды для здоровья людей.

### **Источники и литература**

1. Постановление Президента Республики Узбекистан от 4 октября 2019 года № ПП-4477 «Об утверждении стратегии по переходу Республики Узбекистан на «зеленую» экономику на период 2019 – 2030 годов».
2. Программа ООН по окружающей среде. UNEP <https://www.unep.org/ru/node/19231>
3. Руцкий В. Н., Осипенко М. В. Зеленая экономика как фактор производительности труда в обрабатывающей промышленности стран Европейского союза // Финансовый журнал. 2020. Т. 12. №4.
4. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 12.05.2022 г. № 252 «Об утверждении положения о порядке выделению субсидий за счет средств фонда привлечения населения к предпринимательству агентства по работе махаллабай и развитию предпринимательства при министерстве экономического развития и сокращения бедности Республики Узбекистан»
5. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 28.04.2021 г. № 250 «О дополнительных мерах по социальной поддержке семей, женщин и молодежи, нуждающихся в материальной поддержке»
6. Hlahla, S., Goebel, A., & Hill, T. R. (2016, March). Green economy: a strategy to alleviate urban poverty and safeguard the environment. KwaZulu-Natal, South Africa. In *Urban Forum* (Vol. 27, No. 1, pp. 113-127). Springer Netherlands.

## **«ЯШИЛ» ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТИШ ОРҚАЛИ ЭКОЛОГИК БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТГА АДОЛАТЛИ ЎТИШ**

**Зумрат ГАИБНАЗАРОВА,**

*иқтисодиёт фанлари доктори,*

*«Саноат иқтисодиёти ва менежменти» кафедраси профессори  
Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети*

**Аннотация:** мақолада “Яшил” иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминловчи муҳим воситалардан бири сифатида камбағалликни тугатиш ва барқарор ривожланиш, шунингдек унинг сиёсатини шакллантиришининг турли вариантларини таъминлаш кўриб чиқилган. Дунё мамлакатлари экологик тизимининг меъёрадагидек фаолиятини таъминлаш билан бир қаторда ижтимоий интеграция, инсоннинг фаровонлигини ошириш ва барча учун бандлик ва муносиб меҳнат билан таъминлаш имкониятларини яратиш орқали камбағалликни йўқотишига, шунингдек барқарор иқтисодий ўсишга ёрдам бериш каби масалалар ёритилган.

**Калит сўзлар:** яшил иқтисодиёт, яшил иш ўринлари, барқарор иқтисодиёт, экологик барқарорлик, камбағаллик, бандлик, яшил энергетика, яшил истеъмол маданияти.

## ПЕРЕХОД К ЭКОЛОГИЧЕСКИ УСТОЙЧИВОЙ ЭКОНОМИКЕ ЧЕРЕЗ СОЗДАНИЕ «ЗЕЛЕННЫХ» РАБОЧИХ МЕСТ

**Зумрат ГАИБНАЗАРОВА,**

*доктор экономических наук,*

*профессор кафедры «Экономика и менеджмент промышленности»*

*Ташкентский государственный технический университет им. И.Каримова*

**Аннотация:** в статье рассматривается снижение бедности и устойчивое развитие как одно из важных средств обеспечения устойчивого развития «Зеленой» экономики, а также различные варианты формирования ее политики. Помимо обеспечения нормального функционирования экологической системы стран мира, выделяются такие вопросы, как социальная интеграция, повышение благосостояния людей и помощь в снижении бедности путем создания возможностей для обеспечения занятости и достойной работы для всех, а также устойчивый экономический рост.

**Ключевые слова:** «зеленая» экономика, «зеленые» рабочие места, устойчивая экономика, экологическая устойчивость, бедность, занятость, «зеленая» энергия, «зеленая» культура потребления.

## FAIR TRANSITION TO THE ENVIRONMENTALLY SUSTAINABLE ECONOMY THROUGH THE CREATION OF «GREEN» JOBS

**Zumrat GAIBNAZAROVA,**

*DSc (in economics),*

*Professor of the department «Economics and management of industry»*

*Tashkent State Technical University named after Islam Karimov*

**Abstract:** the article discusses poverty reduction and sustainable development as one of the important means of ensuring the sustainable development of the "Green" economy, as well as various options for the formation of its policy. In addition to ensuring the normal functioning of the ecological system of the countries of the world, issues such as social inclusion, improving the well-being of people and helping to reduce poverty by creating employment opportunities and decent work for all, as well as sustainable economic growth are discussed.

**Keywords:** green economy, green jobs, sustainable economy, environmental sustainability, poverty, employment, green energy, green consumption culture.

**“Яшил” иш ўринлари рақобатбардош корхоналари ривожлантириши, камбағалликни қисқартириши ва бандликни кенгайтиришига қаратилган иқтисодий тиклаш каби уч томонлама фойда олиш имкониятини беради.**

Бутун дунёда атрофимизни ўраб турган табиий муҳитнинг ҳолати ва “яшил” иқтисодийнинг татбиқ қилиниши бўйича маълум бир хавотирлар мавжуд. Ўзбекистон ҳам ушбу ҳолатга лоқайд муносабатда эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлиги остида “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” [1] ва “Париж битими”[2], шунингдек 2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодийга ўтиш стратегияси [3] доирасида самарали ва кенг миқёсда ислохотлар ўтказилиб, уларнинг самараси мамлакатимиз ва жамиятимиз ҳаётида намоён бўлмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар йўлида ҳамкорлик - 2030” (P4G) [4] халқаро саммитида сўзлаган нутқи юқоридаги мақсадларнинг яққол мисоли бўлиб, ушбу маърузасида у иқлим ўзгариши, унинг оқибатларини енгиб ўтиш, табиатнинг “яшил” тикланиши ва унинг углеродли нейтраллигини таъминлаш бўйича хавотирларини, шунингдек БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Иқлим бўйича Париж битимини бажариш ҳақида баён қилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Орол денгизи ҳалокатининг глобал оқибатларини енгиб ўтишни устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб ўтди.


Шу муносабат билан у 2022 йилда “яшил” истеъмол маданиятини шакллантириш мақсадида “яшил” иқтисодиётни барпо этишга ёшларни жалб этиш бўйича махсус дастурни амалга ошириш ташаббусларини илгари сурди.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ижобий тенденциялари инсонларга салбий таъсир кўрсатаётган тенгсизликнинг кучайиши, гендер тенгсизликнинг сақланиб қолиши, ишсизлик, ижтимоий адолатсизлик, атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашиши ва вақти-вақти билан рўй берадиган иқтисодий, молиявий, энергетик ва озиқ-овқат инқирозлари билан биргаликда кечиши жиддий ташвишни келтириб чиқаради.

Минтақаларнинг иқтисодий ўсишининг юқори суръатларини таъминлаш зарурияти шароитларида, мавжуд бўлган экологик, иқтисодий ва ижтимоий хавфларни бартараф қилишнинг истиқболли йўналишларидан бири бўлган “яшил” иқтисодиётга ўтишни амалга ошириш асосида, ҳудудларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳисобланади. Ҳозирги вақтда кўплаб мамлакатлар иқтисодиётнинг экологиялаштиришдан жуда манфаатдор бўлиб, шу туфайли “яшил” иқтисодиёт тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Табиий муҳитнинг ифлосланишида иқтисодий ривожланган мамлакатлар асосий жавобгар бўлиб ҳисобланади. Уларда дунё аҳолисининг тахминан 20 фоизи истиқомат қилади. Аммо ўз фуқаролари фаровонлигининг юқори даражасини сақлаб қолиш учун давлатлар дунёда ишлаб чиқарилаётган энергиянинг 70 фоизи, металлнинг 75 фоизи ва ёғочнинг 85 фоизини истеъмол қилишмоқда. Ривожланган мамлакатлар улушига жаҳондаги ифлосланишнинг 65 % дан ортиғи, шу жумладан, охириги йигирма йилда куррамиз атмосферасига ташланган ис газининг 2/3 қисми тўғри келади.

Ривожланган мамлакатларда атроф-муҳитнинг ифлосланиши оқибатида етказилган иқтисодий зарар уларнинг ЯИМ 4-6 %и миқдоридан баҳоланмоқда. Экологик муаммоларнинг ўткирлиги ва муҳимлиги, ҳукуматларни уларнинг ечимини топиш, ривожланган мамлакатларда давлат бошқаруви тизимида муҳим ўрин эгаллаган фаол экологик сиёсатни амалга оширишга мажбур қилмоқда [5].



**1-расм. Атмосферага ташланган ва тўпланиб қолган углерод икки оксиди 1990-2021 йиллар жаҳондаги ҳажмга нисбатан, % [5]**

Нидерландия, Германия, Австрия, Шимолий Европа мамлакатлари, АҚШ, Япония каби давлатларда экологик сиёсат айниқса самарали олиб борилмоқда. Улардаги атроф-муҳит масалалари бўйича фаолият олиб бораётган вазирликлар (агентликлар) тегишли тарзда ташкиллаштирилган, яхши таъминланган ва етарли ҳажмда молиялаштирилган. Ушбу соҳадаги ҳукумат дастурлари ҳам умумий мақсад ва улкан вазифалар, ҳам аниқ белгиланган чора-тадбирлар (конунчилик, молиявий, суғурта ва ҳоказолар)ни назарда тутди. Экологик сиёсатни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ қилиш учун кўп миқдордаги маблағ, моддий-техник ва катта молиявий ресурслар ажратилмоқда. Ҳозирги вақтда ЯИМ да атроф-муҳит муҳофазаси учун харажатлар улуши Нидерландияда 2,5%, Австрияда 1,9%, Германияда 1,7%, Японияда 1,5%, АҚШ да 1,3% ни ташкил қилади.

Италия, Греция, Испания ва Португалия каби давлатлар экологик сиёсат борасида камроқ фаоллик кўрсатишмоқда. Ушбу давлатлар табиат муҳофазаси учун ЯИМ нинг 1% дан кам миқдорни ажратишмоқда. Маблағ етарли эмаслиги туфайли кўплаб экологик дастурлар амалга оширилмапти, мавжуд техник хизматлар эса издан чиқмоқда. Мазкур давлатлардаги экологик сиёсат юзаки хусусиятга эга бўлиб, бу экология масалалари билан шуғулланувчи вазирликларнинг нисбатан заифлиги, марказий ва ҳудудий ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг аниқ тақсимланмаганлиги,

худудий органларнинг мувофиқлаштирилмаганлиги, аҳолининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш конунларига етарлича жиддий ёндашмаганлиги (Ўрта ер денгизи синдроми) билан белгиланади.

ЕИГА қўшилгандан сўнг Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида экологик сиёсат фаоллашди. Атроф-муҳитнинг ифлосланишига қарши кураш учун харажатлар оширилди. Хусусан, Польша ва Словакияда ҳозирги вақтда ушбу харажатлар ЯИМ нинг 1,7%, Чехия ва Венгрияда эса 1,3% ни ташкил қилади. Ушбу мамлакатларда атроф-муҳитни асраш бўйича ишлаб чиқилган давлат дастурлари экологик бошқарув қоидаларини назорат қилиш ва ижро этиш органларини мустақамлаш ҳамда уларнинг экологик-иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришдаги ролини оширишни назарда тутди [5].

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти кўп томонлама ва кўп тармоқли хусусиятга эга бўлиб, унда бир вақтнинг ўзида кўмир, тоғ-кон, норудали саноат, металлургия, кимё, нефть ва газ казиб чиқариш ва уларни қайта ишлаш, муҳофаа саноати, шунингдек кучли агросаноат комплекси мавжуд. Шунинг учун республикамизда ходимларнинг ижтимоий ҳимояси ва меҳнат муҳофазаси, уларни касбда учрайдиган хавфлардан таъсирчан ҳимоя қилиш механизмларини шакллантириш тобора долзарб тус олмоқда.

Ушбу шароитларда меҳнат фаолияти жараёнида ходимларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлашга ёрдам берувчи хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг истикболли йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон табиий газни казиб олиш бўйича ўн биринчи ўрин, пахтанинг экспорти бўйича учинчи ўрин ва уни ишлаб чиқариш бўйича олтинчи ўрин, уран захиралари бўйича еттинчи ўрин (жаҳондаги уран захираларининг 4%и), олтиннинг умумий захиралари бўйича тўртинчи ўрин, олтинни казиб олиш бўйича еттинчи ўринда туради. 1991 – 2020 йиллар даврида иқтисодиёт таркиби тубдан ўзгарди.

2020 йил якунларига кўра, ЯИМ нинг тармоқ таркибида қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқ хўжалигининг улуши 28,0 % дан 28,2 % га, қурилиш – 6,6 % дан 7,0 % га ва хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши эса 36,1 % дан 36,3 % га ошган бўлса, саноатнинг улуши 29,3 % дан 28,5 % га камайган [6].

Қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқ хўжалиги 3,0 % даражадаги ижобий ўсиш суръатини кўрсатди. Ушбу тармоқдаги ижобий динамика 3,4 % га ем-хашак (2019 йилда 4,8 % га ўсган, 2018 йилда 4,2 % га пасайган) ва 2,1 % га чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг ўсиши билан белгиланган (2019 йилда 1,6 % га ўсган, 2020 йилда 5,7 % ўсган).

Саноат секторининг қўшилган қиймат таркибида қайта ишлаш саноати улуши 2019 йилдаги 69,9 % га нисбатан 76,5 % гача ортган. Тегишлича, саноат секторининг қўшилган қиймат таркибида тоғ-кон саноати ва конларни очиш нисбий улушининг 15,2 % гача пасайиши қайд этилган (2019 йилда 23,0 %).

2020 йил якунларига кўра қайта ишлаш саноатининг қўшилган қиймат таркибида энг кўп улуш металлургия ва металлни қайта ишлаш саноатига (машина ва ускуналардан ташқари) тўғри келган ва 40,5 % га етган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш улуши 14,5 %, тўқимачилик маҳсулотлари, кийим, тери ва шу каби маҳсулотларнинг улуши 12,7 %, резина, пластмасса маҳсулотлари ва бошқа нометалл минерал маҳсулотларининг улуши 8,5 %, кимё маҳсулотлари 7,1 %, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим тиркамалар ва бошқа транспорт маҳсулотларининг улуши 5,6 %, кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари 2,4 % ва қайта ишлаш саноатининг бошқа маҳсулотлари улуши 8,7 % ни ташкил этган.

2020 йилда қурилиш ишларининг ҳажми 77823,8 млрд.сўмни ташкил қилди. Қурилиш ишларининг умумий ҳажмида йирик ташкилотлар улушига 27,6 %, кичик корхоналар ва микрофирмалар улушига – 52,8 %, жисмоний шахслар улушига 19,6 % тўғри келган.

2020 йил якунлари бўйича хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи қўшилган қиймати 194363,5 млрд.сўмни ташкил қилган ва 2019 йилга таққослаганда 0,1 % га ортган. Шу жумладан, савдо хизматлари (шу жумладан, автотранспорт воситаларини таъмирлаш) 1,7 %, ахборот ва алоқа 15,7 % га ўсган. Шу билан бирга, ташиш ва сақлаш бўйича хизматлар 6,7%, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 14,1 % га қисқарган.

Республикада 2020 йилда 93,2 мингта янги кичик корхоналар ва микрофирмалар яратилди (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари). Уларнинг энг кўп сони савдо (38,8 %), саноат (19,9 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (66,1 %), қурилиш (6,4 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаси (6,0 %), ташиш ва сақлаш (2,6 %) соҳаларида яратилди.



“Яшил” иқтисодийнинг устувор йўналишларини амалга оширишнинг муҳим омилларидан бири меҳнат бозори институтларини такомиллаштириш ва инклюзив ижтимоий ҳимоя тизимларини яратиш орқали инсон ҳаёти ва соғлиғини сақлашнинг ажралмас элементи бўлган муносиб меҳнатни таъминлашдир. Шу муносабат билан “жигарранг” иқтисодийдан “яшил” га ўтиш шароитида чинакам “яшил” иш ўринларини яратиш долзарб муаммо ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ходимларни арзон ва сифатли ўқитиш, қайта тайёрлаш орқали иш ўринларини сақлаб қолиш, уларни ижтимоий ҳимоя билан таъминлаш, бундай иш жойларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишда меҳнат муҳофазасини таъминлаш талабларини ҳисобга олиш етакчи ўринни эгаллайди.

Иқтисодий ўсиш аҳоли турмуш сифатини яхшилашга ёрдам беради. Эркаклар ва аёллар учун самарали бандлик ва муносиб иш ўринларини ошириш асосида барқарор ва инклюзив иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ҳамда таъминлаш, кишиларнинг атроф-муҳитга зарар етказмасдан иқтисодий ривожланишни рағбатлантирувчи муносиб иш ўринларига эга бўлиши учун шароит яратишга қаратилган. Барқарор ва инклюзив иқтисодий ўсишнинг энг муҳим таркибий қисмлари меҳнат унумдорлигини ошириш, айниқса, ёшлар ўртасида ишсизликни камайтириш ва молиявий хизматларни амалга оширишни кўпайтиришдир.

2030 йилгача бўлган даврда Республиканинг иқтисодий ривожланиши барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган. Иқтисодий ривожланиш мақсадлари 2030 йилгача миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш асосида ЯИМ ҳажмини камида икки баравар кўпайтиришни назарда тутаяди, бунга биринчи навбатда самарали бандликни ошириш ҳисобига эришилади.

1-жадвал.

**Иқтисодий ривожланишнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари [7]**


№	Индикаторлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
1.	8.1.1-индикатор. Аҳоли жон бошига реал ЯИМнинг йиллик ўсиш суръатлари, %	4,3	2,7	3,6	3,6
2.	8.2.1-индикатор. Ҳар бир банд кишига реал ЯИМ ўсишининг йиллик суръатлари, %	4,2	2,7	7,4	3,5
3.	8.2.1-индикатор. Ҳар бир банд бўлган инсон учун реал ЯИМ нинг ҳар йиллик ўсиш суръатлари, %	57,8	57,2	54,3	51,8
4.	8.5.1-индикатор. Эркаклар ва аёлларнинг ўртача ойлик иш ҳақи ўртасидаги фарқнинг эркаклар ўртача ойлик иш ҳақига фоиз улуши	34,5	34,6	38,6	36,2
5.	8.5.2-индикатор. Ишсизлик даражаси жинс бўйича бўлинган ҳолда, %				
	а) жами	5,2	5,8	9,3	9,0
	б) эркаклар	5,3	6,0	7,7	6,1
	с) аёллар	5,0	5,6	11,6	12,8
6.	8.6.1-индикатор. Ўқимайдиган ва ишламайдиган ёшлар улуши (16-24 ёшдагилар учун), %	21,2	22,6	21,8	25,9
7.	8.8.1-индикатор. Ишлаб чиқаришда жароҳат олиш, жинси бўйича бўлинган ҳолда, 1000 ишловчилар учун				
	а) жами	0,5	0,4	0,4	0,5
	б) эркаклар	0,5	0,5	0,5	0,6
	с) аёллар	0,2	0,2	0,1	0,1
8.	8.8.2-индикатор. ХМТ конвенцияларига мувофиқ жамоавий шартномалар тузган корхоналар улуши	95,2	98,5	98,9	99,1
9.	8.9.1-индикатор. Туризмнинг ЯИМга бевосита қўшган ҳиссаси умумий ЯИМга фоиз ҳисобида	2,1	2,5	2,5	2,7
10.	8.10.1-индикатор. Банк муассасаларининг 100 минг катта ёшдаги аҳолига нисбатан сони	8,7	8,1	7,9	5,7
11.	8.10.2-индикатор. Банклардаги аҳоли депозитларининг 100 минг катта ёшдаги аҳолига нисбатан сони	86685	100409	92912	71358

Аҳоли жон бошига ялпи ички (минтақавий) маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2019 йилда 3,6 % ни, ҳажми эса 15,2 млн. сўмни ташкил этди. Бундай ўсиш иқтисодийни диверсификация қилиш ва ислоҳ қилиш бўйича кўрилган чоралар ва механизмлар туфайли таъминланди.



2-расм. Аҳоли жон бошига реал ЯИМ ўсиш суръатлари, % [7]


Ҳар бир банд кишига реал ЯИМнинг йиллик ўсиши суръатлари 2019 йилда 3,5 % ни ташкил этди, бу 2018 йилга нисбатан 3,9 % га паст бўлган.



3-расм. Ҳар бир банд кишига реал ЯИМнинг йиллик ўсиши суръатлари, % [7]

Мамлакат фаровонлигининг ошиши кўп жиҳатдан унинг барқарор иш билан бандлик даражасининг ўсиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга қодирлигига боғлиқ.


2019 йилда Ўзбекистонда ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолининг 9,0 % ини ташкил этди. Афсуски, рўйхатдан ўтган ишсиз аёллар сони эркеклардан юқори бўлиб, 2019 йилда бу 12,8 % ни ташкил этди.



4-расм. Ишсизлик даражаси жинс бўйича бўлинган ҳолда, % [7]


Ўзбекистонда меҳнат бозори аёлларнинг эркекларга нисбатан иқтисодий фаоллиги пастлиги билан ажралиб туради. Бунинг асосий сабаби, хотин-қизларнинг асосан уй ишлари ва бола парвариши билан шуғулланишидир.

2019 йилда иқтисодий фаол аҳоли 14,876 млн. кишини (аҳоли умумий сонининг 43,9 % и) ташкил этди. Иқтисодиётда банд бўлганлар сони 2019-йилда 13,54 млн. кишига етди ва 2018-йилга нисбатан 0,3 млн. кишига кўпайди. Иқтисодий фаол аҳолининг энг катта улуши Фарғона (11,0 %), Самарқанд (10,8 %), Андижон (9,5 %) ва Тошкент вилоятларида қайд этилди.



5-расм. Ўқимайдиган ва ишламайдиган ёшлар (16-24 ёшдагилар) улуши,% [7]

Эркаklar ва аёлларнинг иш ҳақи ўртасида ҳам катта фарқ бор. 2019 йилда эркаklar ва аёлларнинг ўртача ойлик иш ҳақи ўртасидаги фарқнинг эркаklar ўртача ойлик иш ҳақига нисбати 36,2 % ни ташкил этди.




6-расм. Эркаklar ва аёлларнинг ўртача ойлик иш ҳақи ўртасидаги фарқнинг эркаklar ўртача ойлик иш ҳақига нисбати, % [7]

2030 йилгача Ўзбекистоннинг даромади ўртачадан юқори бўлган мамлакатлар қаторидан жой олишида юқори қўшилган қийматга эга иш ўринларини ташкил этиш муҳим ўрин тутади.

2019 йилда республикада катта ёшдаги ҳар 100 минг кишига 5,7 та банк муассасаси тўғри келди. Аҳолининг банклардаги омонатлари сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда, бу эса аҳоли банкларга кўпроқ ишона бошлаганидан дарак беради, бу эса, ўз навбатида, банк тизимининг ривожланишига кўмаклашмоқда. Жумладан, 2019 йилда банклардаги аҳоли депозитларининг 100 минг катта ёшдаги аҳолига нисбатан сони 71,2 мингтага етди.



7-расм. Банк муассасаларининг 100 минг катта ёшдаги аҳолига нисбатан сони [7]



8-расм. Банкдаги аҳоли депозитларининг 100 минг катта ёшдаги аҳолига нисбатан сони [7]

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун меҳнат муҳофазаси ва атроф-муҳит ҳимояси ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиши зарур. Хавфсиз ва соғлом ишлаб чиқариш муҳити ва атроф-муҳит муҳофазаси танганинг икки томонидир. Ишлаб чиқариш жараёнларининг салбий таъсиридан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ходимлар, уларнинг оилалари ва умуман жамият соғлиғини муҳофаза қилиш масалалари ҳисобга олинади.

“Яшил” иш ўринлари инсоният йигирма биринчи асрнинг иккита муҳим муаммоси билан учрашишга тайёр бўлади, деган умидни беради:

➤ Иқлим ўзгариши хавфи, унинг бошқариб бўлмайдиган таъсир кўрсатиши эҳтимоли олдини олиш ва ер юзида ҳаётни таъминлайдиган атроф-муҳитни ҳимоя қилиш.

➤ Аҳолининг оммавий ва тез ўсиши, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдан қарийб миллиард нафар инсонлар истисно қилинаётган бир вақтда, муносиб меҳнат шароитларини яратиш ва шу орқали барча учун фаровон ва муносиб ҳаёт кечириш истикболини яратиш.

Таъкидлаш жоизки, атроф-муҳитнинг муҳофазаси ижтимоий ривожланиш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш ва барча учун муносиб меҳнат қилишга қўмаклашиш билан бевосита боғлиқ.

Корхоналарни янада хавфсизроқ ривожлантириш, иш ўринларини яратишга ундаш, умумий ва касб-хунар таълими даражасини ошириш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳам сиёсий чора-тадбирлар талаб этилади. Шунинг учун уч томонлама ижтимоий мулоқот ва жамоавий музокараларга алоҳида аҳамият берилади.

Замонавий дунёда экологик барқарор иқтисодиётга ўтиш “яшил” иш ўринларининг кўпайишига олиб келди – бу иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни кўкаламзорлаштиришда, яъни “яшил” рангга бўйишда муҳим роль ўйнайдиган янги иш турларидир. Бугунги кунда чиқиндиларни қайта ишлашдан тортиб қурилиш ва ташишгача бўлган иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида “яшил” иш ўринлари яратилди. Бундай инновациялар сезиларли даражада хомашё, сув ва энергия сарфини камайтириш мумкин, иқтисодиёт таркибида углерод бўлган моддалардан халос бўлади ва иссиқхона газ чиқиндилари даражаси пасайиб, ифлосланишнинг барча шакллари камаяди.

Миллионлаб “яшил” иш ўринлари аллақачон яратилган бўлиб, қайта тикланадиган энергия манбалари билан боғлиқ соҳаларда уларнинг пайдо бўлиш суръати айниқса тез ўсиб бормоқда. Қайта тикланадиган энергия манбалари, масалан, анъанавий электр энергиясини ишлаб чиқаришга қараганда киритилган бир доллар, ўрнатилган қувват бирлиги ва ишлаб чиқарилаётган энергия бирлиги нисбатида кўпроқ иш ўринлари яратмоқда. Жамоат транспорти автомобиллар ва юк автомашиналарига қараганда кўпроқ иш ўринлари беради.

Маълум даражада, янги ташкил этилган “яшил” иш ўринлари мавжуд иш ўринлари ўрнини эгалламоқда ва шу тарзда, бандликдан тушадиган соф даромад бевосита таклиф этилган иш ўринлари сонидан анча кам бўлади. Масалан, бундай ҳолат қазиб олинувчи ёқилғилар ишлаб чиқаришда банд бўлган иш ўринлари қайта тикланадиган энергия манбаларидаги иш ўринлари билан алмаштирилганда содир бўлади. Атроф-муҳитга таъсири юқори бўлган товар ёки хизматларга бўлган талабнинг камайиши туфайли бошқа иш турлари тўхтаб қолади.

Ўтказилган таҳлиллар иқлим ўзгариши шароитида самарали, ресурсларни тежайдиган ва экологик тоза иқтисодиётни таъминлашда ўзаро боғлиқ муаммолар ва эҳтиёжлар мавжудлигини кўрсатди. Хусусан, қуйидаги муаммолар яшил иқтисодиётга ўтишда салбий таъсир кўрсатмоқда:

- жадал саноатлаштириш ва аҳоли сонининг ўсиши иқтисодиётнинг ресурсларга бўлган эҳтиёжини сезиларли даражада ошириши;

- атроф-муҳитга салбий антропоген таъсирнинг ва иссиқхона газлари чиқиндилари ўсишининг кучайиши;

- ёқилғи-энергетика, нефть ва газ компаниялари эгалари фойдадан воз кечмаслик мақсадида, “яшил иқтисодиёт” жараёнини тўхтатиш учун барча имкониятларни ишга солмоқда;

- иқтисодиётнинг энергия самарадорлигининг пастлиги;

- табиий ресурсларнинг нораціонал истеъмол қилиниши;

- технологияларнинг секин янгиланаётгани;

- кичик бизнес субъектларининг яшил иқтисодиётни ривожлантириш бўйича инновацион ечимларни ҳаётга татбиқ этишдаги иштирокининг суствлиги;

- давлатнинг иқтисодиётга аралашуви;

- ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши;

- солиқ юкининг ошиши;

- иш жойларини қисқартириш;

- маҳсулот ва хизматлар нархининг ошиши.

Ушбу стратегияни амалга оширишнинг муваффақияти кўп жихатдан оддий фуқароларга боғлиқ. Ҳар бир шахс атроф-муҳитни яхшилаш ва келажак авлодлар учун табиий ресурсларни сақлашга ёрдам бериши жиддий ноқулайлик ва молиявий харажатларга олиб келмайди.

Шунингдек, иқтисодийнинг энергия самарадорлигини ошириш, табиий ресурсларни оқилона истеъмол қилиш ва сақлаш, иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш, яшил энергиядан фойдаланишни таъминлаш, яшил иш ўринларини яратиш ва иқлим барқарорлигини таъминлаш соҳасида менежментни яхшилашга ёрдам беради.

“Яшил” иқтисодий ва иш ўринлари йўлидаги энг катта тўсиқ бўлиб, устунлик қилаётган ва кўп ҳолларда янада даромадлироқ бўлиб турган бизнес беқарорлиги ҳисобланади. Корхоналар ўртасида “яшил” технологиялар ва бизнес муносабатларини тарғиб қилганлар орасида биринчи бўлганлар энди тез пул қайтариш масалалари бўйича молиявий бозорлар томонидан қўлланиладиган босимга қарши уруш олиб боришга мажбур ва улар, экологик ва ижтимоий харажатларни ўз ичига олмайдиган, паст нархлар билан истеъмолчиларни жалб қилган рақобат компанияларига қарши туришлари зарурати пайдо бўлмоқда. Яхши малакали тадбиркорлар ва малакали ходимларсиз, технологиялар ва воситаларга инвестициялар киритиш, улардан фойдаланиш мумкин эмас ёки улардан атроф-муҳит учун қутилган иқтисодий фойда олинмайди. Мавжуд кўникмалар бўшлиғини бартароф этиш ва келажакдаги эҳтиёжларни прогноз қилиш бўйича саъй-ҳаракатлар яшил ва кам углеродли иқтисодийга ўтиш учун жуда муҳимдир.

### **Манба ва адабиётлар**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли фармони.*
2. *Париж битимини ратификация қилиш тўғрисида (Париж, 2015 йил 12 декабрь).*
3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодийга ўтиш стратегияси”ни тасдиқлаш тўғрисидаги ПҚ-4477 қарори.*
4. [https://uza.uz/ru/posts/vystuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyoeva-na-vtorom-mezhdunarodnom-sammite-partnerstvo-radi-zelenogo-rosta-i-globalnyx-celey-2030-p4g\\_271629?q=%2Fposts%2Fvystuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyoeva-na-vtorom-mezhdunarodnom-sammite-partnerstvo-radi-zelenogo-rosta-i-globalnyx-celey-2030-p4g\\_271629](https://uza.uz/ru/posts/vystuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyoeva-na-vtorom-mezhdunarodnom-sammite-partnerstvo-radi-zelenogo-rosta-i-globalnyx-celey-2030-p4g_271629?q=%2Fposts%2Fvystuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyoeva-na-vtorom-mezhdunarodnom-sammite-partnerstvo-radi-zelenogo-rosta-i-globalnyx-celey-2030-p4g_271629)
5. *Муаллиф томонидан халқаро статистика маълумотлари асосида тузилган.*
6. <https://www.uzdaily.uz/ru/post/58580>
7. *Муаллиф томонидан “Ўзбекистон Республикасида миллий БРМга эришишнинг статистик кўрсаткичлари тўплами” асосида тузилган.*

## **АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ҚУРИЛИШИДА “ЭКО” ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ – СИФАТ ГАРОВИ**

**Мирхамид ТУРАЕВ,**

*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар  
институтини бош илмий ходими,*

**Хушнудбек ВАСИТОВ,**

*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар  
институтини лойиҳа раҳбари ўринбосари*

**Аннотация:** мақолада цементбетон қопламали автомобиль йўллар яратиш технологияларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистонда “эко” йўллар қуриш, экологик қуриш материаллари билан таъминлашни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилган, тегишли таклифлар тайёрланган.

**Калит сўзлар.** “Эко” қурилиш, иқтисодий, тараққиёт, автомобиль йўллари, цементбетон, истиқболлар.

## ВНЕДРЕНИЕ «ЭКО» ТЕХНОЛОГИЙ В ДОРОЖНОМ СТРОИТЕЛЬСТВЕ – ГАРАНТИЯ КАЧЕСТВА

**Мирхамид ТУРАЕВ,**

*главный научный сотрудник Института Прогнозирования  
и макроэкономических исследований,*

**Хушнудбек ВАСИТОВ,**

*заместитель руководителя проекта Института  
Прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** в статье рассмотрены перспективы развития «зеленого» строительства автомобильных дорог в Узбекистане, с применением технологий создания цементобетонных автодорог, обеспечения экологичными строительными материалами, подготовлены соответствующие предложения.

**Ключевые слова.** «Эко» строительство, экономика, развитие, автомобильные дороги, цементобетон, перспективы.

### INTRODUCTION OF “ECO” TECHNOLOGIES IN ROAD CONSTRUCTION – QUALITY ASSURANCE

**Mirkhamid TURAEV,**

*Institute of Forecasting and Macroeconomic Research  
Chief Researcher,*

**Khushnudbek VASITOV,**

*Institute for Forecasting and Macroeconomic Research,  
Deputy Head of Project*

**Abstract:** in this article considers. The article discusses the prospects for the development of “eco” construction of roads in Uzbekistan, using technologies for creating cement concrete roads, providing environmentally friendly building materials, and preparing relevant proposals.

**Keywords.** “Eco” construction, economics, development, roads, cement concrete, prospects.

**Кириш.** Глобал экологик муаммолар даврида, сўнги йилларда барча табиий ва одатий нарсаларга интилиш, иқтисодиётнинг атроф-муҳит ва инсон саломатлигига умумий салбий таъсирини камайтиришга эътиборни кучайтириш асосий тенденциялардан бирига айланди. Шу билан бирга, келажак авлодларни жиддий экологик хавфларга дучор қилмасдан товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият тизими – “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш амалга оширилмоқда [1].

“Яшил иқтисодиёт” концепциясининг асосий мақсади объект ҳаёти давомида ресурсларни истеъмол қилиш даражасини минималлаштиришдир. “Яшил қурилиш” (Green construction, Green Buildings) ушбу тизимнинг ажралмас қисми бўлиб - бино ва иншоотларни режалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланишда ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда атроф муҳитга энг кам зарар етказиш йўллари излаб топиш ва амалга оширишни кўзда тутади [2].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, “яшил” ёки “эко” қурилиш глобал қурилиш индустриясининг энг муҳим йўналиши сифатида замонавий, энергия тежовчи, экологик тоза бино ва иншоотларни қуриб, барқарор ва инсон учун хавфсиз муҳитни лойиҳалаш ва қуришга ўтишнинг янги механизмларини яратади [3].

“Яшил” қурилиш ёндашуви турли объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш жараёнида энергия ва ресурслар сарфини камайтиришга эътибор қаратган ҳолда, янги “яшил” инфратузилмани ташкил этиш асосида маҳаллий материаллар ва замонавий технологиялардан фойдаланишни бирлаштиради.

**Асосий қисм.** Янги геосиёсий воқеликда минтақамизнинг трансконтинентал савдони рағбатлантириш ва ривожлантиришдаги роли жадал ўсиб бормоқда. Ўзбекистон халқаро транзит юк ташишининг муҳим марказига айланди, унинг худудидан 20 га яқин халқаро йўналишлар ўтади.

Автомобиль йўллари янада ривожлантириш ва сифатини оширишнинг долзарблиги саноат тармоғининг республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ортиб бораётгани ҳамда аҳолининг ишончли ва қулай транспортга тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш зарурати билан ҳам боғлиқ.

Мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсиши ва жаҳон тизимига интеграциялашувини таъминлаш мақсадида, маҳаллий ва халқаро коммуникацияларни янада ривожлантириш зарурлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг юқори суръатлари ва аҳоли даромадларининг сезиларли даражада ошиши кейинги йилларда автотранспорт парки, автомобиллар орқали юк ва йўловчи ташиш ҳажмининг кескин ошишига олиб келди. Бинобарин, автомобиль йўллари тармоғининг кенгайиши мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларига мос келиши ҳамда автомобиллаштириш ва юк ташишнинг ўсишига мос равишда транспортга бўлган эҳтиёжни қондириши керак.

Ўрта ва узоқ муддатли истиқболда тармоқни янада иқтисодий ривожлантиришнинг жамланмаси, шунингдек нуфузли хорижий экспертларнинг ҳисоб-китоблари республикада автомобиль транспортида юк ташиш айланмасининг сезиларли даражада ошишини прогноз қилмоқда [4].

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларида автомобиль йўллари, йўл ҳўжалиги ва йўл бўйи инфратузилмасини янада илғор ривожлантириш ва транзит имкониятларини яхшилаш мақсадга мувофиқлиги белгиланмоқда.

**Илгор дунё тажрибаси.** Дунёда асосан икки турдаги йўл конструкциялари қўлланилади – асфальтбетон ва цементбетон. Ривожланган мамлакатларда автотранспорт воситаларининг ўлчамлари ва юк кўтариш қобилиятини ошириш, юк ўқларига юкламаларни ва ҳаракат интенсивлигини сезиларли даражада оширишни ҳисобга олган ҳолда, йўл қурилишининг турли технологияларини тадқиқ этиб, ишлаб чиқиш ташкиллаштирилган.

Шу билан бирга, йўл қопламаларини қуриш ва эксплуатация амалиёти шуни кўрсатдики, турли хил иқлим шароитларида ҳаракатланиш интенсивлиги ва таркибида цементбетон қопламалар (эксплуатация муддати тахминан 30 йил) асфальт қопламаларига (эксплуатация муддати 8 - 12 йил) нисбатан мустаҳкамроқ. Шунинг учун автомобиль йўллари ривожлантиришда цементбетонни қўллаш мақбул вариант сифатида тан олинган [5].

Статистик маълумотларга кўра, дунёда бетон қопламали йўллар узунлигининг тобора ўсиб бориш тенденцияси кузатилиб, улар автомобиль йўллари асосий турига айланиб бормоқда. Соҳа манбаларига кўра, АҚШда бетон йўллар умумий йўл узунлигининг тахминан 60 фоизини, Германияда 38 фоизини ва Австрияда 46 фоизини ташкил қилади. Хитой ва Ҳиндистон цемент-бетон йўллар қурилишини сезиларли даражада оширмоқда [6].

Ўзбекистонда йўл қурилиши ва таъмирлашида ҳали ҳам асосан асфальт қопламалар кўп бўлиб, бундай йўллар фойдаланишнинг дастлабки 4-5 йилдан кейин таъмирланиши керак. Мамлакатимизда жами юкларнинг 95 фоизи, йўловчиларнинг 88 фоизи автомобиль транспортида ташилади [7].

Замонавий талабларни инобатга олган ҳолда, халқаро стандартларга мувофиқ, соҳада йўлларни юк ўқлари 13 тонна юкламага мўлжалланган йўлларга босқичма-босқич ўтказиш чоралари кўрилмоқда [8]. Бу эса йўлларнинг мустаҳкамлик хусусиятларини сезиларли даражада оширишни талаб қилади.

**Annotatsiya:** davlat va yirik korxonalar faoliyati tufayli atrof-muhit ifloslanishi ortib borishi natijasida hukumatning yashil rivojlanish bo'yicha tashvishlari ko'paymoqda. Kamabag'allikni qisqartirish va ekologik o'zgarishlar bilan bog'liq masalalar barqaror rivojlanish maqsadlari (sustainable development goal *SDG*) ning asosiy tadqiqot ishidir. Markaziy Osiyo davlatlarida CO<sub>2</sub> va kambag'allik o'rtasidagi ta'sirning ARDL modelidan olingan xulosalari shuni ko'rsatadiki, qashshoqlikning o'sishi O'zbekistonda CO<sub>2</sub> emissiyasining faqat qisqa muddatda o'sishiga yordam beradi.

**Kalit so'zlar:** CO<sub>2</sub> ugrelod chiqindi, kambag'allik, Markaziy Osiyo, ARDL model, green economic.

# ВЛИЯНИЕ ВЫБРОСОВ CO<sub>2</sub> НА БЕДНОСТИ В ЭКОНОМИКУ СТРАНАХ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

**Шохрух ОЧИЛОВ,**  
старший научный сотрудник  
Института прогнозирования и  
макроэкономических исследований

**Аннотация:** в результате увеличения загрязнения окружающей среды и из-за деятельности крупных предприятий возрастает проблема уменьшения зеленого развития. Вопросы, связанные с сокращением бедности и изменением окружающей среды, являются основной исследовательской работой и целью устойчивого развития. Выводы в странах Центральной Азии, по моделям ARDL, показывают что в Узбекистане рост бедности будет способствовать росту CO<sub>2</sub> только в краткосрочном виде.

**Ключевые слова:** CO<sub>2</sub>, бедность, Центральная Азия, модель ARDL, зеленое развитие.

## THE IMPACT OF CO<sub>2</sub> EMISSIONS ON POVERTY IN CENTRAL ASIAN ECONOMIES

**Shoxrux OCHILOV,**  
senior researcher  
of the Institute of forecasting and  
macroeconomic research,

**Abstract:** as a result of increasing environmental pollution and because of the activities of large enterprises, the problem of reducing green development is increasing. Issues related to poverty reduction and environmental change are the main research work and the goal of sustainable development. Drawing conclusions in the Central Asian countries, according to ARDL models, shows that in Uzbekistan, the growth of poverty will contribute to the growth of CO<sub>2</sub> only in the short term.

**Keywords:** CO<sub>2</sub>, poverty, Central Asia, ARDL model, green development.

**Кириш.** Davlat va yirik korxonalar faoliyati tufayli atrof-muhit ifloslanishi ortib borishi natijasida hukumatning yashil rivojlanish bo'yicha tashvishlari ko'paymoqda. Kamabag'allikni qisqartirish va ekologik o'zgarishlar bilan bog'liq masalalar barqaror rivojlanish maqsadlari (sustainable development goal [SDG](#)) ning asosiy tadqiqot ishidir. Dunyo bo'ylab rivojlangan va rivojlanayotgan iqtisodiyotlar odamlarni kambag'allikdan chiqarishga va yangi avlodlar uchun ekologik toza atrof-muhitni qoldirishga qaror qilishdi ([Maji-2019](#)). Xususan, rivojlanayotgan iqtisodiyotlar ham samaradorlik darajasini rag'batlantirish orqali iqtisodiy rivojlanishini oshirish va kambag'allikni qisqartirish uchun kundalik asosiy iqtisodiy faoliyatini olib borishadi. Salbiy tomonidan, ular energiya sarfini oshiradi, bu esa uglerod chiqindilarining ko'payishiga olib keladi, inson farovonligiga, shuningdek, yashil iqtisodiyotning rivojlanishiga putur yetkazadi (Baloch va boshq. [2020](#)). Ushbu nazariyaga asoslanib, biz Markaziy Osiyo davlatlari iqtisodiyotida kambag'allikning uglerod chiqindilariga ta'sirini tahlil qilamiz. Tadqiqotlar ([Masron va Subramaniam 2018](#)) (Baloch va boshqalar [2020](#)), Malerba ([2020](#)) tomonidan taqdim etilgan ma'lumotlariga asoslanib, bizning modelimiz quyidagicha

$$CO_{2,t} = \alpha_0 + \alpha_1 Poverty_t + \alpha_2 GDP_t + \alpha_3 Population_t + \mu_t \quad (1)$$

uzoq muddatli model bo'lib, unda Markaziy Osiyo davlatlari iqtisodiyotlarida uglerod chiqindilarining chiqishi (CO<sub>2</sub>) kamabag'allik soni nisbati (*Poverty*), aholi jon boshiga YaIM (*GDP*) va aholi soni (*Population*) ga bog'liq. Shunga o'xshash model Zhao va boshqalar tomonidan tanlangan ([2021](#)) bo'lib, daromadlar tengsizligi va CO<sub>2</sub> emissiyasi o'rtasidagi bog'liqlikni isbotlaganlar. Biroq, model (1) bizga faqat har bir o'zgaruvchining uzoq muddatli prognozlarini beradi va natijalar uchun ham muhim bo'lgan qisqa muddatli davr uchun prognozlarni olish uchun Pesaran va boshqalar ([2001](#)) tomonidan taqdim etilgan ARDL modeldan foydalanamiz. Bu modelda ham uzoq muddatli, ham qisqa muddatli natijalarni olishimiz mumkin. Uzoq muddatli hisob-kitoblar, agar ular o'zgaruvchilarda vaqtli qatorlar xususiyatiga ega bo'lsa, haqiqiy va ishonchli aks ettiriladi. Shu maqsadda (Pesaran va boshqalar 2020) o'zining muhim qiymatlarini ishlab chiqqan F-test, shu bilan birga vaqtli qatorlar uchun xatolarni tuzatish mexanizmi (ECM) yoki t-test ham qo'llaniladi. Yana bir jihat shundaki, makroiqtisodiy o'zgaruvchilar I(0), I(1) yoki ikkalasi birlashgan bo'lsa, birlikdan oldingi ildiz testini o'tkazishning hojati yo'q. ARDL modelining kuchini tahlil qilish uchun ba'zi diagnostik testlardan foydalanish mumkin. Lekin bizning ma'lumotlarimiz panel bo'lganligi uchun uni

ARDL modelni panel ma'lumotlari orqali korrelyatsiya tahlili, Dickey Fuller unit-root test, Hausman test, ARDL model vaqtli qatorlar tahlili (panel data), Granger sababiyat testi orqali Granger (1988) ECM natijalari orqali modelimizni tahlil qilamiz.

**Metodologiya.** Markaziy Osiyo davlatlari iqtisodiyoti (Qozog'iston, Qirg'iston, Turkmaniston, O'zbekiston va Tojikiston)ning 2010 yildan 2020 yilgacha bo'lgan yillik panel ma'lumotlari asosida tahlil olib boriladi. Atrof-muhitning ifloslanishi CO<sub>2</sub> uglerod chiqindilari chiqishi kiloton bilan o'lchanadi. Kamabag'allik aholi sonining kuniga 1,90 AQSh dollari (aholi foizi) ishlatishi nisbati sifatida o'lchanadi, bu bizning asosiy o'zgaruvchimizdir. Biz YaIM va aholining sonini nazorat qiluvchi o'zgaruvchilar sifatida ishlatdik va barcha ma'lumotlar Jahon banki<sup>1</sup> va barqaror rivojlanish maqsadi (SDG)<sup>2</sup> web-sahifasidan olingan. [Ma'lumotlarning ta'riflari](#), manbalari va tavsiflovchi [statistik ma'lumotlar](#) ham quyidagi jadvalda keltirilgan.

1-jadval.

### Ma'lumotlarning ta'riflari va tavsiflovchi statistik ma'lumotlar

Variable	Obs	Mean	Std. Dev.	Min	Max
Inco2	55	3.681	1.546	.851	5.76
YaIM	55	7.952	.947	6.664	9.342
Aholi soni	55	.582	.216	.176	1.038
Kambag'allik	55	3.709	6.516	.001	31.11

**Natijalar va xulosalar.** Natijalar Markaziy Osiyo davlatlarida CO<sub>2</sub> uglerod gazining ta'sirini ARDL model yordamida aniqlanadi. Ushbu tahlilning asosiy maqsadi Markaziy Osiyo davlatlarida kambag'allik, iqtisodiy o'sish va aholining CO<sub>2</sub> emissiyasiga qisqa va uzoq muddatli ta'sirini tahlil qilishdir.

2-jadval.

### Fisher tipidagi ADF vs PP bir ildizlik testi

	ADF test			PP test		
	I(0)	I(1)	Qaror	I(0)	I(1)	Qaror
CO <sub>2</sub>	-3.6779**	-0.9049*	I(0)	-0.9049*	-0.3120*	I(1)
YaIM(GDP)	-10.2739	-6.8458	I(1)	-10.2739	0.6332*	I(0)
Kambag'allik	-10.7535	-6.2476	I(0)	-10.7535	-5.2560	I(1)
Aholi soni	-0.0481*	-3.0494**	I(1)	-0.0481*	-2.2652*	I(1)

\*\*\*  $p < .01$ , \*\*  $p < .05$ , \*  $p < .1$

Jadvalda CO<sub>2</sub> emissiyasi, kambag'allik, YaIM va aholi uchun ADF va PP birlik ildiz testlari keltirilgan. Panel ma'lumotlari asosida ADF va PP unit root bir ildizlik (*xtunitroot*) testini o'tkazamiz. ADF va PP testlari shuni ko'rsatmoqdaki, CO<sub>2</sub> ugrelod chiqindilar chiqishi, aholi soni va YaIM birinchi farqlarda statsionar, kambag'allik esa statsionar.

3-jadval.

### Kutulmalar soniga ko'ra test natijalari

	Kutishlar soni (lag)	I(0)	Kutishlar soni (lag)	I(1)	Qaror
CO <sub>2</sub>	3	-1.7264*	3	-8.9314	I(1)
YaIM(GDP)	3	-13.0753	3	-6.7001	I(1)
Kambag'allik	3	-14.0509	3	1.5484*	I(0)
Aholi soni	3	-5.5749	3	-8.2463	I(0)

\*\*\*  $p < .01$ , \*\*  $p < .05$ , \*  $p < .1$

Kutulmalar soniga ko'ra birlik ildiz testlari shuni ko'rsatadiki, statsionar bo'lgan o'zgaruvchidan tashqari barcha o'zgaruvchilar birinchi farqda statsionar. Kutulmalar soniga ko'ra uzilishlar bilan birlik ildiz

<sup>1</sup> Jahon bankining ma'lumotlar bazasi <https://data.worldbank.org/indicator/EN.ATM.CO2E.PC>

<sup>2</sup> Barqaror rivojlanish maqsadlari (Sustainable Development Goal SDG) web-sahifasidagi Markaziy Osiyo davlatlari ko'rsatkichlari <https://dashboards.sdgindex.org/profiles/uzbekistan/indicators>

testining prognozlarini ham 3-jadvaldagi an'anaviy birlik ildiz testlari bilan mos keladi. Shunday qilib, biz tahlilning keyingi bosqichiga o'tishimiz mumkin.

4-jadval.

Korrelatsion matrisa natijalari				
Variables	(1)	(2)	(3)	(4)
(1) CO <sub>2</sub>	1.000			
(2) YaIM	0.909	1.000		
(3) Aholi soni	-0.616	-0.667	1.000	
(4) Kambag'allik	0.129	-0.196	0.308	1.000

Jadvalda Markaziy Osiyo davlatlari uchun kamabag'allik va CO<sub>2</sub> uglerod chiqindilari chiqishi o'rtasidagi bog'liqlikning qisqa va uzoq muddatli natijalari ko'rsatilgan. Hisob-kitoblar shuni ko'rsatadiki, CO<sub>2</sub> va yalpi ichki mahsulot ham kuchli bog'likka ega. Bu yalpi ichki mahsulotning 1 birlikka oshishi CO<sub>2</sub> (uglerod gazining) 1.45 koeffitsientga oshishiga olib keladi. Kambag'allikning 1 birlikka oshishi esa CO<sub>2</sub> gazining 0,08 koeffitsientga ishlab chiqilishiga olib keladi.

5-jadval.

#### Chiziqli regressiya natijalari

CO <sub>2</sub>	Coef.	St.Err.	t-value	p-value	[95% Conf	Interval]	Sig
YaIM	1.456	.079	18.37	0	1.297	1.615	**
Aholi soni	-.906	.358	-2.53	.015	-1.625	-.186	*
Kambag'allik	.082	.009	9.03	0	.063	.1	**
Constant	-7.675	.783	-9.81	0	-9.246	-6.103	**
Mean dependent var		3.681	SD dependent var		1.546		
R-squared		0.933	Number of obs		55		
F-test		237.652	Prob > F		0.000		
Akaike crit. (AIC)		62.112	Bayesian crit. (BIC)		70.141		

\*\*\*  $p < .01$ , \*\*  $p < .05$ , \*  $p < .1$

Markaziy Osiyo davlatlari tomonidan qanchalik ko'p CO<sub>2</sub> ning ishlab chiqarilishi YaIM va kambag'allikka bog'liq. YaIM aholi soniga salbiy kuchli bog'likka ega. Aholi soniga salbiy va kuchli ta'sir ko'ratadi. Bu atrof-muhit va ekologik holatni yomonligi davlatlardagi reproduktiv salomatligiga ta'sir ko'rsatishini ko'rishimiz mumkin. Markaziy Osiyo davlatlarida CO<sub>2</sub> ning asosiy ishlab chiqarilishi sanoatlashuv jarayonlari bilan bog'liq ya'ni yildan-yilga katta zavodlarning qurilishi, suv bilan bog'liq ekologik muammolar, aholi sonining tez sur'atlarda o'sishini kiritishimiz mumkin.

Markaziy Osiyo davlatlarida CO<sub>2</sub> uglerod chiqindilar chiqishi bo'yicha Qozog'iston kuchli bog'liqlikka ega. Aholi soni esa kambag'allik darajasi bilan kuchli va ijobiy bog'liqlikka ega.

6-jadval.

#### Chiziqli regressiya natijalari

CO <sub>2</sub>	Coef.	St.Err.	t-value	p-value	[95% Conf	Interval]	Sig
YaIM	1.392	.247	5.64	0	.895	1.889	***
Aholi soni	.397	.221	1.80	.078	-.047	.841	*
Kambag'allik	.012	.009	1.29	.205	-.007	.03	
Region : base	0	.	.	.	.	.	
Qozog'iston							
Qirg'iston	-.352	.567	-0.62	.537	-1.492	.788	
Tojikiston	-.976	.604	-1.61	.113	-2.192	.24	
Turkmaniston	-.764	.163	-4.68	0	-1.093	-.435	***

<b>Uzbekistan</b>	.67	.308	2.18	.00	.051	1.289	***
<b>Constant</b>	-7.381	2.273	-3.25	.002	-11.953	-2.809	***

<b>Mean dependent var</b>	3.681	SD dependent var	1.546
<b>R-squared</b>	0.986	Number of obs	55
<b>F-test</b>	459.891	Prob > F	0.000
<b>Akaike crit. (AIC)</b>	-14.289	Bayesian crit. (BIC)	1.770

\*\*\*  $p < 0.01$ , \*\*  $p < 0.05$ , \*  $p < 0.1$

Markaziy Osiyo davlatlari orasida CO<sub>2</sub> uglerod chiqindilarini chiqarish bo'yicha Qozog'iston, O'zbekiston va Turkmaniston davlatlari yetakchi hisoblanib, ularning ulushlari mos ravishda 0.706; 0.67 va -0.764 koeffitsientni tashkil qiladi.

Kambag'allikning asosiy ko'rsatkichi bu aholi soniga kuchli va ijobiy bog'liqlikka ega. Aholi sonining oshishi kambag'allik darajasining o'sishiga olib keladi. Kambag'allik darajasining o'sishi esa yalpi ichki mahsulotning kamayishiga olib keladi. Aholi sonining tez sur'atlarda o'sishi ularni ish bilan ta'minlash darajasining pasayishiga va aholini ijtimoiy-iqtisodiy qo'llab quvvatlash darajasini qiyinlashtirishga olib keladi.

**7-jadval.**

### Granger sababiyat testi orqali ECM natijalari

O'zgaruvchilar	(1) ECT	(2) Qozog'iston	(3) Qirg'iston	(4) Tojikiston	(5) Turkmaniston	(6) Uzbekiston
<b>ECT</b>		-0.0283 (0.0179)	-0.452** (0.180)	0.00438 (0.0781)	0.0704 (0.0652)	-1.146*** (0.204)
<b>D.YaIM</b>		-1.766 (1.143)	-0.266 (0.408)	-1.692** (0.827)	2.309*** (0.794)	-8.860*** (3.337)
<b>D.aholi soni</b>		-0.112 (0.0703)	-0.926** (0.465)	0.849** (0.369)	-1.000 (0.664)	11.26 (7.396)
<b>D.kambag'allik</b>		-0.0406*** (0.0152)	-1.093 (1.156)	-0.0655 (0.0399)	0.178** (0.0829)	0.0556 (0.246)
<b>YaIM</b>	3.022*** (0.380)					
<b>Aholi soni</b>	2.470*** (0.624)					
<b>Kambag'allik</b>	-0.269 (0.164)					
<b>Constant</b>		-0.517 (0.382)	-10.48** (4.695)	0.118 (1.590)	1.532 (1.547)	-23.28*** (4.263)
<b>Observations</b>	50	50	50	50	50	50

\*\*\*  $p < 0.01$ , \*\*  $p < 0.05$ , \*  $p < 0.1$

Olingan natijalarga ko'ra, Markaziy Osiyo davlatlaridan Qozog'iston va O'zbekiston eng ko'p CO<sub>2</sub> uglerod chiqindilarni chiqaruvchi davlatlardir. Turkmaniston CO<sub>2</sub> uglerod chiqindilar chiqishida kam ulushga ega. CO<sub>2</sub> uglerod gazi va kambag'allik darajasi o'rtasidagi bog'liqlikka ko'ra kambag'allik darajasining oshishi CO<sub>2</sub> uglerod chiqindilarni chiqishi darajasini oshishiga olib keladi, bu o'z navbatida aholining soniga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

### Xulosa

Ushbu tadqiqot ishidan shuni xulosa qilish mumkinki, Markaziy Osiyo davlatlarining CO<sub>2</sub> uglerod gazini chiqarishiga kambag'allik ijobiy kuchli ta'sirga ega. CO<sub>2</sub> uglerod chiqindilarining asosiy omili sifatida kuchli sanoatlashuv darajasi va kambag'allik darajasini ko'rishimiz mumkin. Markaziy Osiyo davlatlari ichida Qozog'iston va O'zbekiston CO<sub>2</sub> uglerod chiqindilarining chiqishi bo'yicha asosiy ulushga ega. Qozog'iston va O'zbekiston yalpi ichki mahsulotning ulushi bo'yicha ham Markaziy Osiyo davlatlarida mos ravishda birinchi va ikkinchi o'rinda turadi. Bu esa CO<sub>2</sub> uglerod gazining chiqishiga asosiy omil sifatida yirik sanoatlashgan korxonalar yildan-yilga ko'payayotganligini yoki yirik miqdordagi daraxtlarni aholi tomonidan kesilayotganligini, suv tanqisligini ko'rsatishimizga sabab bo'ladi.

## ***Manba va adabiyotlar***

1. Ahmad W, Ullah S, Ozturk I, Majeed MT (2020) Does inflation instability affect environmental pollution? Fresh evidence from Asian economies. *Energy Environ*:0958305X20971804
2. Baloch MA, Khan SUD, Ulucak ZŞ, Ahmad A (2020) Analyzing the relationship between poverty, income inequality, and CO<sub>2</sub> emission in Sub-Saharan African countries. *Sci Total Environ* 740:139867
3. British Petroleum (2020) BP Statistical Review of World Energy. Accessed from <https://www.bp.com/en/global/corporate/energy-economics/statistical-review-of-world-energy.html>
4. Maji IK (2019) Impact of clean energy and inclusive development on CO<sub>2</sub> emissions in sub-Saharan Africa. *J Clean Prod* 240:118186
5. Masron TA, Subramaniam Y (2019) Does poverty cause environmental degradation? Evidence from developing countries. *J Poverty* 23(1):44–64
6. Chen J, Cheng S, Song M (2017) Decomposing inequality in energy-related CO<sub>2</sub> emissions by source and source increment: the roles of production and residential consumption. *Energy Policy* 107:698–710
7. Apergis N, Payne JE (2010) The emissions, energy consumption, and growth nexus: evidence from the commonwealth of independent states. *Energy Policy* 38:650–655



**AHOLINING BUDJET KAPITAL QO'YILMALARI TAQSIMOTIDA ISHTIROK ETISHI  
MASALALARI**

**Muzaffar KARIMOV,**  
*PhD (iqtisodiyot fanlari bo'yicha),  
Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari,*  
**Islomjon XUDOYBERDIYEV,**  
*Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar instituti  
katta ilmiy hodimi*

**Annotatsiya:** bugungi kunda O'zbekistonda "Tashabbusli Budjet" davlat dasturi mamlakat ijtimoiy hayotida keng qo'llanilar ekan, o'tkazilgan oldingi dastur jarayonlari va ularning ijrosi yuzasidan ba'zi bir xulosalarni chiqarish mumkin. Ushbu maqolada budjet taqsimotida aholining ishtirokini taminlash turlari va bu modellarning amalga oshirilishi dunyoning turli mamlakatlari misolida o'rganilgan. Sanab o'tilgan taqsimot turlarining yutuq va kamchiliklari ko'rsatilgan. Ushbu modellardan xulosa qilgan holda O'zbekiston sharoitida qo'llash mumkin bo'lgan takliflar ishlab chiqildi.

**Kalit so'zlar:** budjet, aholi, taqsimot, turlari, partisipator budjelashtirish, tashabbusli budjetlashtirish, dunyo, O'zbekiston, tajriba, takliflar.

**ВОПРОСЫ УЧАСТИЯ НАСЕЛЕНИЯ В РАСПРЕДЕЛЕНИИ БЮДЖЕТНЫХ  
КАПИТАЛЬНЫХ ВЛОЖЕНИЙ**

**Музаффар КАРИМОВ,**  
*PhD (по экономическим наукам),  
руководитель проекта  
Института прогнозирования и макроэкономических исследований,*  
**Исламжан ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
*старший научный сотрудник  
Института прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** в связи с тем, что сегодня в Узбекистане широко внедряется государственная программа "Инициативный бюджет" в социальную жизнь страны, можно сделать некоторые выводы о проведенных ранее программных процессах и их реализации. В данной статье были рассмотрены виды обеспечения участия населения в распределении бюджета и реализации данных моделей на примере различных стран мира. Показаны достижения и недостатки перечисленных видов распределения. Исходя из этих моделей, разработаны предложения, которые могут быть применены в условиях Узбекистана.

**Ключевые слова:** бюджет, население, распределение, типы, партисипативное бюджетирование, инициативное бюджетирование, мир, Узбекистан, опыт, предложения.

**ISSUES OF CITIZENS' PARTICIPATION IN THE DISTRIBUTION OF BUDGET  
CAPITAL INVESTMENTS**

**Muzaffar KARIMOV,**  
*PhD (in economics),  
Institute of forecasting and macroeconomic research  
head of project,*  
**Islomjon XUDOYBERDIYEV,**  
*Institute of forecasting and macroeconomic research  
senior researcher*

**Abstract:** due to the fact that today in Uzbekistan the state program "initiative budget" is being widely introduced in the social life of the country, some conclusions can be drawn about previously conducted program processes and their implementation. In this article, the types of budget allocation and

ensuring the participation of the population in the implementation of these models were considered on the example of different countries of the world. Achievements and disadvantages of the listed types of distribution are shown. Based on these models, proposals that can be applied in Uzbekistan were developed.

**Keywords:** budget, population, distribution, types, participatory budgeting, initiative budgeting, world, Uzbekistan, experience, proposals.

**Kirish.** Bugungi kunda aholi va keng jamoatchilikning budget kapital qo'yimalari taqsimotida ishtirokini taminlash mamlakatimizda yangi ijtimoiy amaliyotlardan biri hisoblanadi. Ushbu jarayonlar davlat sektorini modernizatsiyalash, ijro hokimiyati va jamoatchilik orasidagi muloqotni yaxshilash, inklyuziv demokratiya shakillanishi kabi ijobiy o'zgarishlarga sabab bo'ladi.

2022-2026-yillarga mo'ljallangan "Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot Strategiyasi" da ham davlat hizmatlari tizimini zamonaviy standartlar asosida tashkil etish, xalq bilan muloqotning yangi mexanizmlarini shuningdek ta'sirchan jamoatchilik nazoratini amalga oshirishning huquqiy asosini yaratish masalalari ustuvor maqsadlar sifatida belgilab berilgan. Ushbu vazifalarni amalga oshirishda aholini budget mablag'lari taqsimotiga keng jalb etish va nazoratni olib borish vositalaridan biri sifatida "Tashabbusli Budget" loyhasidan foydalanish ko'zda tutilgan.

Budget taqsimotida (BT) fuqarolarning ishtiroki – bu demokratik muloqotning effektiv jarayoni bo'lib, aholi munitsipal yoki davlat budgeti taqsimoti jarayonlarida ishtirok etadi va ajratilgan mablag'lar ustidan nazorat olib boradi. Ushbu dasturlar jahonda odatiy siyosiy jarayonlar ishtiroki cheklangan aholi qatlamlarini yoshlar, past daromadli yoki ijtimoiy himoyaga muhtoj fuqarolarning manfaatlarini kengroq o'zida ifoda etishi uchun ham foydalaniladi.

Bugungi kunda dunyo davlatlari tomonidan qo'llanilib kelayotgan aholining BTda ishtiroki modellarini tahlil qilish orqali mamlakatimizda amalga oshirilayotgan "Tashabbusli Budget" loyihasi uchun ba'zi xulosa va takliflar berish imkoniyatiga ega bo'lamiz.

### **Budget taqsimotida fuqarolarning ishtirokiga ko'ra turlari va jahon tajribasi.**

Dunyoning rivojlangan mamlakatlarida davlat organlarining fuqarolar oldida hisobdorligini va tizimning shaffofligini taminlashga asosiy urg'u berilar ekan, bu jarayonlar demokratik qadriyatlarining ajralmas qismi deb tushuniladi. So'ngi yillardagi xalqaro tendensiyalar shuni ko'rsatmoqdaki, aholini davlat boshqaruvi jarayonlariga, xususan, budgetlashtirish jarayonlariga jalb etish keng ommalashib bormoqda.



**1-Rasm. Budget taqsimotida fuqarolarning ishtiroki turlari**

**Manba:** muallif tomonidan tuzilgan.

Hozirgi kunda budget taqsimotida aholining ishtirok etishi dunyoning aksariyat mamlakatlarida u yoki bu ko'rinishda mavjud bo'lishiga qaramay, yagona umumiy qoida mavjud emas. Sababi, har bir mamlakat o'zining ijtimoiy va iqtisodiy shart-sharoitlaridan kelib chiqib muammolarni hal etish uchun o'ziga xos taqsimot modelini taklif qiladi. Shunday bo'lsada, ushbu modellarni xususiyat va vazifasiga ko'ra ma'lum bir turdagi guruhlariga ajratishimiz mumkin. Bular: natijaviy ahamiyatiga ko'ra, moliyaviy manbalariga ko'ra, geografik ko'lamiga ko'ra, ishtirok turlariga ko'ra modellar o'zaro bir-biridan farq qiladi [1]. Yuqorida keltirilgan budget taqsimoti turlariga alohida to'xtalib o'tamiz.

Budjet taqsimoti dasturlarini moliyalashtirish manbalariga ko'ra: **partisipator budjetlashtirish(PB)** va **tashabbusli budjetlashtirish(TB)** kabi turlarga ajratish mumkin.

**Partisipator budjetlashtirish.** Budjetlashtirish dasturlarida taqsimlanuvchi investitsion mablag'lar to'raligicha mahalliy yoki davlat budjeti hisobidan shakllantiriladi. Dunyoning aksariyat mamlakatlarida moliyalashtirishning ushbu usulidan foydalaniladi. Xususan, eng birinchilardan bo'lib o'tgan asrning 80-yillarida fuqarolar ishtirokida budjetlashtirish loyihasini amaliyotga joriy qilgan Braziliyaning Porto Allegri shahrini misol keltirishimiz mumkin. Shahar bugungi kunga kelib, PB dasturiga o'z budjetining 2%-5% ni sarflaydi [2] va 2021-yil mal'umotlariga ko'ra shahar budjeti 328,5 mln. yevroni tashkil etadi [3].

PB loyihasi shahar budjeti e'lon qilingach, 9 oy davomida uch bosqichda davom etadi.

Birinchi bosqich Porto Allegri shaharning 16 ta tumanida ichki assambleyalar yig'ilishlarida tumanga tegishli bo'lgan muammolar (maktablar, infratuzilma obyektlar, v.b.) o'rganiladi.

Ikkinchi bosqich mavzulashirilgan assambleyalar yig'ilishida har bir tuman faqatgina o'ziga tegishli bo'lgan va shahar uchun umumiy bo'lgan muammolar (atrof-muhit, transport, sog'liqni saqlash, v.b.) bilan qatnashadi.

Uchinchi bosqichda tumanlardan saylangan delegatlar taklif etilgan har bir loyiha Muvofiqlashtiruvchi Sessiyada ko'rib chiqiladi.

Yuqoridagi qoidalarning muvaffaqiyatli jihati shundan iboratki, u aholining turli qatlamlari: ayollar, daromadi past yoki malumoti yuqori bo'lmagan aholi qatlamlarini ham o'z ichiga olib, budjet taqsimotida ishtirokini ta'minlashga va o'z fikr-mulohazalarini bildirishga ko'maklashadi. Oxirgi yillarda shahar jamoatchiligi tomonidan qabul qilinayotgan qarorlar tendensiyasi shuni ko'rsatmoqdaki, aholi tobora atrof-muhit, ekologiyaga ko'proq e'tibor qaratib "yashil shahar" maqomi uchun jadal harakatlar olib bormoqda.

**Tashabbusli budjetlashtirish.** Ushbu modelda mahalliy investitsion dasturlarga munitsipal budjet mablag'laridan tashqari xususiy mablag'larni ham jalb qilish imkoniyati mavjud. Ushbu metodni o'ta jiddiy ijtimoiy muammolarni hal etishga mahalliy budjetning imkoniyatlari yetarli bo'lmagan vaziyatlarda qo'llash o'zining yaxshi samarasini berishi mumkin.

Bunga misol qilib Rossiya federal birliklaridagi budjet taqsimotini keltirish mumkin. Mamlakatda budjet taqsimotida yagona umummilliy dastur mavjud emas. Bugungi kunga kelib ba'zi bir federal birliklar doirasida "Mahalliy tashabbuslarni qo'llab-quvvatlash" dasturi faoliyat yuritmoqda. Kirov viloyatida 2017-yilgi "Mahalliy tashabbuslarni qo'llab-quvvatlash" dasturlari uchun ajratiladigan mablag'larning taxminiy tarkibi quyidagicha: viloyat budjeti (67%), munitsipal budjet (13%), aholi (11%) va homiyalar tomonidan (9%) amalga oshirildi [4].

Dasturda har bir ma'muriy okrug aholi tomonidan yuborilgan ariza va takliflarni inobatga olib ularning muhimlik darajasi, ustuvorligi, moliyalashtirish manbalarini o'rganib chiqadi. Ma'qullangan loyihalar mintaqaviy bosqichga yuboriladi. Odatda mintaqaviy bosqichga yuborilgan loyihalarning 65%-70% dastur tomonidan moliyalashtiriladi.

Rossiyada budjet taqsimotining bunday turi shakllanishiga asosiy sabablaridan biri sifatida bir necha o'n yillar davomida muhim ijtimoiy ahamiyatga ega infrastruktura ob'yektlari modernizatsiyasiga yetrali darajada ahamiyat berilmaganligini ko'rsatish mumkin. To'planib qolgan keskin muammolarni tezkor hal etish uchun har doim ham budjet imkoniyatlari yetarli bo'lmashligini inobatga olsak, bunday taqsimot modelini taqchillik masalasiga oqilona yechim ekanligini ko'rish mumkin.

Budjet taqsimotida aholi ishtirokining yakuniy natijalarga ko'rsatadigan ta'siriga ko'ra ham ba'zi bir modellar orasida farqlar mavjud. Masalan Germaniyada o'tkaziladigan PB dasturlar asosan **konsultativ** xarakterga ega ekanligi bilan ajralib turadi [5]. Buning sababi sifatida esa jamiyatdagi korrupsiya ko'rsatkichining nisbatan pastligi va munitsipal boshqaruv organlarning o'z saylovchilari oldida hisobdorligining yuqori ekanligi bilan izohlash mumkin. Germaniyada PB kompaniyalari ko'proq mahalliy hokimiyat uchun konsultativ xarakterga ega ekanligi bilan ajralib turadi.

Investitsion loyihalarni moliyalashtirish munitsipal budjet hisobidan amalga oshiriladi va mahalliy imkoniyalardan kelib chiqqan holda uning 1%-3% qismini tashkil etadi.

PB loyihalarni amalga oshirish uchun bosqichni o'z ichiga oladi: axborot berish- maslahatlashuv-hisobot. Hokimiyat kelasi yil uchun budjet parametrlari haqida fuqarolarni xabardor qilganidan so'ng, elektron portallar yoki yozma ravishda bevosita hukumat idoralariga aholidan arizalar va takliflarni qabul qiladi. Loyiha yakunida mahalliy rasmiylar tomonidan dasturga kiritilgan takliflar va ularning ijrosi bo'yicha hisobotlar jamoatchilikga yetkaziladi.

Germaniyada PBning yana bir qiziqarli jihati shunki, ba'zi bir munitsipalitetlar investitsion loyihalar bilan paralell ravishda budjet konsolidatsiyasi loyihalarini taqdim etishi va aholi takliflarini qabul qilishi mumkin. Bunga misol qilib Solingen shahrini keltirish mumkin. Shahar bankrotlik yoqasiga kelib qolgan davrda bu muammoni yopiq eshiklar ortida emas, fuqarolar bilan konsultativ muloqot orqali hal etishga ahd

qilindi va 2010-yil “Solingen xarajatlarni qisqartiradi” shiori ostidagi aksiyasini boshladi. Shu yilning o‘zida kelib tushgan takliflar va loyihalar yordamida shahar 44 mln. yevro budjet mablag‘lari tejashga erishdi.

Budjet taqsimotida aholi ishtirokining ahamiyatiga ko‘ra turlaridan yana biri **majburiy** xarakterli dasturlardir. Bunda fuqarolar tomonidan ma‘qul deb topilgan loyihalar budjet dasturi ijrosiga kiritiladi. Xitoyda o‘tkaziladigan PB dasturlari ushbu turdagi modellarga misol bo‘la oladi. Birgina Sichuan provinsiyasining ma‘muriy markazi bo‘lgan Chengdu shahrida o‘tkaziladigan PB dasturini misol sifatida keltirsak, shahar o‘zining yirik aglomeratsiyasi bilan ajralib turadi. Chengdu shahri ma‘muriy birlik sifatida shahar va uning atrofidagi qishloqlardan tarkib topgan. Fuqarolar PB dasturini amalga oshirish uchun qishloq va shahar tumanlari kengashlari uchun vakillar saylashadi. Ushbu kengash budjet taqsimoti va monitoringi bilan shug‘ullanadi va aholi tomonidan kelib tushuvchi tashabbusli ariza va takliflarni muhimlik darajasini baholaydi.

Xitoydagi PB o‘ziga hos jihati shundan iboratki, munitsipalitetlar dasturlarni moliyalashtirishda davlat investitsion fondlari kreditlaridan foydalanishadi. 2009-2011- yillar oralig‘ida Chengdu shahri munitsipaliteti PB dasturlarini loyihalash uchun \$230 mln. mablag‘ jalb qila olgan [6].

Chengduda budjet qabul qilish 2 bosqichda amalga oshiriladi. Birinchi bosqichda aholi uy xo‘jaliklaridan takliflar yig‘ish va shu bilan parallel ravishda joriy budjet parametrlari yoritib boriladi. Keyingi bosqichda kelasi yili amalga oshiriluvchi loyihalar saralanadi. Ushbu vazifalarni shahar va qishloq kengashlari amalga oshiradi. Saralashdan so‘ng loyihalar mahalliy hokimiyatga yuboriladi va uning tashkiliy texnik imkoniyatlari baholanib tasdiqlanadi. Mahalliy kengash vakillari qabul qilingan investitsion loyihalar ustidan monitoring va baholash ishlarini olib boradi. Bajarilgan ishlar yuzasidan aholiga hisobotlar beriladi.

PB dasturlari orasida Chengdu modelida bir vaqtning o‘zida shahar va qishloq joylari uchun baravar amaliy loyihalar olib borilganligi - qishloq va shahar aholisi turmush darajasi orasidagi farqni sezilarli darajada kamayishiga turtki berdi.

**Geografik ko‘lamiga** ko‘ra budjet taqsimoti dasturlarini **mahalliy** va **mintaqaviy** kabi turlarga ajratish mumkin. **Mahalliy** (munitsipal) PB dasturlari ma‘lum bir chegaralangan geografik hududlarda (shahar, viloyat, shtat, provinsiya v.h.k) joriy etiladi. Uning moliyalashtirish manbalari, aholining ishtiroki, qonunchligi bilan boshqalarnikidan farq qiladi. Polshada olib boriladigan PB dasturlar bunga misol bo‘la oladi. 2013-yilgi ma‘lumotlarga ko‘ra 72 munitsipal ma‘muriyatlarda PB dasturlarini joriy etish uchun sa‘y-harakatlar olib borilmoqda.

Mamlakatdagi PB jarayonlarini umumiy manzarasi haqida tasavvurga ega bo‘lish uchun Gdansk shahrini misol keltirish mumkin. 2013-yil mahalliy kengash tomonidan PB ustavi qabul qilindi va ilk marotaba “Gdansk shahrining 2014- yilgi fuqarolik budjeti” loyihasiga start berildi [7]. Shahar loyihalarni munitsipal budjetdan moliyalashtiradi va bu budjetning 0.3% - 0.5% foizini tashkil qiladi. Loyihalar tashabbuskorligi aholi tomonidan amalga oshiriladi va quyidagi mavzularni o‘z ichiga oladi. Bular:

- turar-joy mavzolari va ularning infratuzilmalari;
- mehmonxona va turistik uylar;
- yo‘llarni tamirlash va harakat xavfsizligi;
- shahar joylari va ijtimoiy ob‘yektlarni rekonstruksiyalash;
- ekologiya va shaharsozlik;

Ovoz berish jarayoni elektron shaklda amalga oshirilib, bunday imkoniyatga ega bo‘lmaganlar uchun ovoz berish markazlari tashkil etiladi. Ovoz berishda shaharning 18 yoshdan oshgan barcha fuqarolari qatnasha oladi.

Gdansk shahri misolida, PB jarayonlarida alohida mavzularning ustuvor vazifalar sifatida tanlab olinishi qanchalik samara keltirishi mumkinligiga baho berishimiz mumkin. Aksariyat fuqarolar ishtirokidagi BT dasturlari qisqa va o‘rta muddatli muammolarni hal etishga qaratilganligini ko‘rishimiz mumkin. Mavzuli PB loyihalari esa munitsipal hokimiyat va jamoatchilikga hududning o‘rta va uzoq davrdagi paydo bo‘lishi mumkin bo‘lgan muammolarini tahlil qilish, ularga birgalikda yechim izlash imkoniyatlarini yaratadi.

**Mintaqaviy** PB dasturlari esa ma‘lum bir mintaqa(davlat) uchun umumiy budjet va umumiy qonunchilikka ega bo‘ladi. Ushbu turdagi PB ning yana bir xususiyati shuki, unda ovoz berish jarayoni mintaqa(davlat) uchun umumiy tarzda tashkil etiladi, yani, fuqaro yashash manzilidan qat‘iy nazar istalgan hududdagi loyihalarga ovoz berishi mumkin. Bunday PB dasturlar qatorida O‘zbekistondagi “Tashabbusli Budjet” davlat dasturi va qo‘shni Qozog‘istondagi “Xalq Ishtirokidagi Budjet” dasturlarini keltirish mumkin. Qozog‘istonda PB dasturi 2020- yildan boshlab joriy etila boshlandi. Bugungi kunga kelib barcha viloyatlar va mahalliy hududiy tuzilmalar doirasida amalda qo‘llanilib kelinmoqda. Dasturni moliyalashtirish mahalliy budjet hisobidan amalga oshiriladi va investitsiyalar mahalliy budjet umumiy hajmining:

- respublika darajasidagi shahar tumanlari va poytaxt uchun 5%;
- viloyat ahamiyatidagi tumanlar va viloyat ahamiyatidagi shahar tumanlari uchun 10%; miqdorida belgilangan [8].

Qozog'istonda "Xalq Ishtirokidagi Budjet" deb nomlanuvchi PB loyihasiga takliflar elektron shaklda aholi tomonidan beriladi. Buning uchun har bir viloyatlar va hududiy birliklar uchun ochiq budjet saytlari yaratilgan bo'lib ushbu saytlar orqali yangiliklar berib boriladi. Aholi tomonidan yuboriladigan takliflarga cheklovlar mavjud emas. Loyihani amalga oshirish jarayoni 8 bosqichdan iborat bo'lib, fuqarolarning arizalarini ma'sul vakillardan iborat komissiya ko'rib chiqadi va dastur ijrosi uchun ma'qullaydi [9].

Mahalliy budjet taqsimotida aholining keng qatlami faol qatnashishini taminlash ushbu jarayonning bosh maqsadi ekanligini rasmiylar tomonidan takidlanib kelinishiga qaramay takliflarni saralash va ularni amalga oshirishda ayrim murakkabliklar mavjud. Byurokratik to'siqlar takliflarni o'rganib chiqishdagi shaffoflikning cheklanganligi fuqarolar tomonidan loyihaga bo'lgan qiziqishning susayishiga olib kelishi mumkin.

Budjet taqsimotida aholi ishtirokining taminlashdagi metodlar orasidagi farqlanishning so'nggi turi bu ovoz berish jarayoni bilan bog'liqdir. Ovoz berishda fuqarolar ishtiroki usullariga ko'ra, **bevosita ishtirok va vakillik oqrali ishtirok** metodlaridan foydalanishilishi mumkin.

**Bevosita ishtirok** jarayonida fuqarolar PB uchun muhokamaga qo'yilgan loyihalar haqida ma'lumotga ega bo'lishadi va unga to'g'ridan- to'g'ri ovoz berish imkoniyatiga ega bo'lishadi. Bugungi kunda O'zbekistonda o'tkazilayotgan "Tashabbusli Budjet" loyihasiga ovoz berish jarayonida aynan shu metoddan foydalaniladi. Yurtimizda "Open Budjet" elektrton portaliga kelib tushgan ariza va takliflarga ovoz berish har bir fuqaro alohida ovoz berish imkoniyati mavjud.

**Vakillik orqali ishtirok etish** metodida esa fuqarolar muhokamaga qo'yilayotgan loyihalarni munitsipal kengashlarda yoki boshqa jamoat birlashmalari doirasida muhokama qilishlari, ularga ustuvorlik berishlari mumkin. Misol qilib keltirmoqchi bo'lgan Janubiy Koreyaning Seul shahrida ushbu jarayon ancha tartibli yo'lga qo'yilgan. PB dasturini tashkil etish va uning nazorati yuzasidan shahar Budjet Kengashi tuziladi va uning tarkibi 250 delegatdan iborat bo'ladi. Kengash shahar mamuriyati azolari, 25 mahalliy okrug vakillari va fuqarolardan tashkil topadi. Mahalliy delegatlar o'zlari saylangan okrug manfaatlarini kengashda himoya qilish imkoniyati beriladi. Kengash fuqarolardan kelib tushgan arizalarni o'rganib chiqib budjet dasturini qabul qiladi. Dastur uchun takliflar fuqarolar tomonidan elektron shaklda yoki aholining kengashga tashrif buyurishi orqali amalga oshiriladi.

Seul shahrida PB dasturini loyihalashtirish munitsipal budjet hisobidan moliyalashtiriladi va u shahar budjetining 2%-3% ni (\$50 mln.-\$60 mln.) tashkil qiladi [10].

Janubiy Koreyaning ilg'or informatsion texnologiyalar sohasidagi yutuqlari tufayli bugungi kunda PB dasturlaridan fuqarolar keng foydalanilmoqda. Janubiy Koreyadagi yana bir o'ziga xos xususiyat PB dasturlari interaktiv darslar sifatida maktablarda o'rganilishidir. Bu esa bolalarda yoshlikdan budjet haqida iqtisodiy tushunchalar paydo bo'lishiga, o'zining fuqarolik pozitsiyasini shakllanishiga yordam beradi.

Yuqorida ko'rib chiqqan modellardan xulosa qilsak, har bir davlat o'zida mavjud muammolarga o'z imkoniyat va xususiyatlaridan kelib chiqqan holda o'ziga xos yechimlar taklif qiladi. Bularni umumlashtiradigan bo'lsak, budjet taqsimoti jarayonlarida aholi ishtirokining turlari bo'yicha dunyo mamlakatlarida qo'llaniluvchi dasturlar quyidagicha manzara hosil qiladi.

	Natijaviy ahamiyati	Ishtirok turi	Moliyalash manbasi	Geografik ko'lami
Brazilya	majburiy	jamoviy	partisipator	mahalliy
Rossiya	konsultativ	indiviual	tashabbusli	mintaqaviy
Polsha	majburiy	indiviual	partisipator	mahalliy
Xitoy	majburiy	jamoviy	partisipator	mahalliy
Germaniya	konsultativ	indiviual	partisipator	mahalliy
Janubiy Koreya	majburiy	indiviual	partisipator	mahalliy
Qozog'iston	majburiy	indiviual	partisipator	mintaqaviy

**1-jadval. Budjet taqsimoti turlari jahon mamlakatlari miqyosida**

**Manba:** muallif tomonidan tuzilgan.

Ushbu fuqarolarning budjet taqsimotidagi ishtiroki modellarini tahlil qilgan holda ularning O'zbekistondagi analogi hisoblangan "Tashabbusli Budjet" loyihasi doirasida amalga oshirilgan ishlar bilan tanishib chiqamiz va yakunda xulosa va takliflarni keltirib o'tamiz.

#### **O'zbekistonda partisipativ budjetlashtirish bo'yicha amalga oshirilgan choralar**

Bugungi kunda O'zbekistonda kuchli demokratik jamiyat sari dadil qadamlar tashlanayotgan bir davrda, fuqarolar va davlat o'rtasida aloqa o'rnatishga ko'mak beruvchi har qanday vositalar dolzarb

ahamiyatga ega. Shunday vositalardan biri “Tashabbusli Budjet” loyihasidir. Xalqaro tajribadan ma’lumki, ijtimoiy faol aholi qatlamining buyudjet taqsimotidagi ishtiroki o’zining ijobiy samarasini ko’rsatib kelgan. Bu jarayon aholining boshqaruv organlariga bo’lgan ishonchini orttirib, budjet mablag’laridan samarali foydalanishga imkon beradi.

O’zbekistonda budjet taqsimotida aholi ishtirokini ta’minlash borasidagi dastlabki qadam O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 22- avgustdagi “Budjet ma’lumotlarining ochiqligini va budjet jarayonida fuqarolarning faol ishtirokini ta’minlash chora-tadbirlari to’g’risida”gi PQ-3917 sonli qarori asosida amalga oshirilgan.



**2-rasm. 2021-2022 yillarda O’zbekistonda “Tashabbusli Budjet” dasturi doirasida amalga oshirilgan ishlar**

**Manba:** muallif tomonidan tuzilgan.

“Tashabbusli Budjet” davlat dasturi ilk bor 2021-yil 1-iyuldan 3- sentabrgacha davom etdi va 41125 ta ariza kelib tushdi va u loyiha yakuniga ko’ra ularning 1597 tasi ma’qullanib investitsion loyihaga kiritildi. 2021-yil 13- apreldagi PQ-5072 sonli “Budjet jarayonida fuqarolarning faol ishtirokini ta’minlash bo’yicha chora-tadbirlar to’g’risida”gi Prezident qaroriga muvofiq 2022-yil 1-yanvardan boshlab respublikaning barcha tuman(shahar)larida tegishli budjetlarning tasdiqangan umumiy xarajatlarining 5% jamoatchilik fikri asosida moliyalashtirishga yo’naltirish tartibi joriy etildi.

2022-yil 2-fevraldan ikkinchi marotaba “Tashabbusli Budjet” dasturiga start berildi. Ushbu dastur yakunida aholi tomonidan 69700 ta arizalar kelib tushgan va ularning 2215 tasi ma’qullanib investitsion dasturga kiritildi.

Bugungi kunda “Tashabbusli Budjet” davlat dasturi uchinchi marotaba o’tkazilmoqda va unga 961,14 mlrd. so’m mablag’ ajratilgan. 2022-yil 5-avgust holatiga ko’ra loyihaga 60743 ta ariza kelib tushgan [11]. Arizalar yuborish jarayoni yakunga yetmaganligini inobatga olsak, aholining ishtiroki avvalgi dasturlardan ko’proq bo’lishi kutilmoqda.

#### **O’zbekistonda partisipativ budjetlashtirishni takomillashtirish bo’yicha xulosa va takliflar.**

O’zbekistonda “Tashabbusli Budjet” loyihasi boshlanganiga ko’p bo’lmagan bo’lsada ba’zi bir xulosalari keltirish mumkin. Birinchi o’rinda aholining loyihalar bo’yicha yetarli darajada ma’lumotlarga ega emasligi. Shuningek, dastur doirasidagi muhokamalarga qo’yilgan loyihalarning ustuvorlik darajasini aniqlashda kamchiliklar ko’zga tashlanmoqda. Sababi ijtimoiy faol aholi yashovchi hududlarda keltirilgan muammolarning dastur yakunida yetarli darajada ovoz to’play olishi, ba’zi bir ijtimoiy faolligi past hududlar uchun taklif etilgan loyihalarga nisbatan yuqoriligi ehtimoli mavjud. Shu sababdan quyidagi takliflarni havola qillamiz:

- Dastlabki bosqichlarda dasturga kelib tushgan loyihalar haqida aholini ko’proq xabardor qilish uchun OAVni bu jarayonga faol jalb etish: internet saytlari va ijtimoiy tarmoqlarda maxsus kontentlar yaratish, televideniya ushbu mavzularda ko’rsatuvlar tayyorlash, bloggerlar yordamida mavzularni keng yoritish, telegram va youtube kanallar orqali podkastlar tashkil qilish.

- Ovoz berish bosqichida qatnashayotgan loyihalarga ma’lum kriteriyalar asosida ustuvorlik berish jarayonlarni ishlab chiqish. Dasturga qabul qilinadigan loyihalarni mavzulashtirish. Bugungi kundagi global iqlim o’zgarishlari tufayli uning respublikamizga ta’sirini kamaytirish uchun yashil energetika, ichimlik suvi tejamkorligi va ekologik masalalardagi takliflarni yanada qo’llab quvvatlash.

- Maktablarda va OTMlarda “Tashabbusli Budget” dasturi haqida interaktiv shaklda dars va treninglar tashkil qilish. Yoshlarda budget taqsimoti haqida tushunchalarni shakllantirish, iqtisodiy manbalardan oqilona foydalanish ko‘nikmalarini shakllantirish.

- Aholini faqatgina budget taqsimoti emas budget konsolidatsiyasi jarayoniga ham jalb etish. Buning uchun online platformalar orqali mahalliy budgetlar xarajatlarini ochiqlash va uni optimallashtirish yuzasidan aholining taklif va mulohazalarini qabul qilishni yo‘lga qo‘yish. Ushbu qadamlar budget mablag‘larini tejash va aholi fikrini tahlil qilish imkoniyatlarini beradi.

- Mahalliy budget imkoniyatlari cheklangan hududlarda aholi tomonidan bildirilayotgan takliflarni moliyalashtirishga xususiy sektor va homiylik mablag‘larini jalb etish mexanizmini yaratish. Buning uchun hududlarda ijtimoiy ahamiyati yuqori bo‘lgan va yetarlicha ko‘p ovoz to‘plagan loyihalar ro‘yxati shakllantirilib mahalliy budget imkoniyatlari o‘rganiladi. Ushbu ro‘yxat asosida mahalliy hokimiyatlar jamoatchilikka budget imkoniyatlari haqida axborot berib, loyihalarga aholi va homiylik mablag‘larini jalb etish tadbirlarini olib boradi.

Yuqorida sanab o‘tilgan takliflar dastur samaradorligi va ko‘lami ortishishiga xizmat qiladi. Mamlakatda aholi orasida faol fuqarolik pozitsiyasining shakllanishini va dahldorlik hissini paydo qiladi. Davlat idoralarning fuqarolarga ko‘rsatadigan xizmatlari sifatining yaxshilanishiga turtki beradi.

### **Manba va adabiyotlar**

1. <https://www.citizenlab.co/blog/civic-engagement/guide-to-participatory-budgeting>
2. <https://www.local.gov.uk/case-studies/case-study-porto-alegre-brazil>
3. <https://www.porto.pt/en/news/municipal-budget-3285-million-euros-higher-2021-and-foresees-tax-property-reduction>
4. Шульга И.Е., Вагин В.В., Шаповалова Г.Н. Инициативное бюджетирование. Российский опыт в области участия граждан в решении вопросов местного значения. М.: «Алекс», 2017 г. Стр.40
5. <https://www.internationalbudget.org/wp-content/uploads/Ruesch-Wagner-PB-in-Germany>
6. Cabannes Y. (2013) “Participatory budgeting contribution to basic basic services delivery”, Draft Report for GOLD International Report, IIED/UCLG URL:<https://www.researchgate.net/publication/278408912>
7. Jasmina Džinić, Mária Murray Svidroňová . (2016). Participatory Budgeting: A Comparative study of Croatia, Poland and Slovakia. <https://www.researchgate.net/publication/305818231>
8. [https://www.inform.kz/ru/chto-predusmatrivaet-proekt-byudzhet-narodnogo-uchastiya\\_a3877144](https://www.inform.kz/ru/chto-predusmatrivaet-proekt-byudzhet-narodnogo-uchastiya_a3877144)
9. <https://budget.open-almaty.kz/>
10. Совместное бюджетирование в Сеуле, Южная Корея – Participedia. URL: <https://participedia.net/case/4368> )
11. <https://openbudget.uz/boards>

## **О‘ZBEKISTONDA DEMOGRAFIK QARISH JARAYONLARI VA UNING IJTIMOIIY-IQTISODIY OQIBATLARI**

**Aminboy SADULLAEV,**  
iqtisodiyot fanlari nomzodi,  
Urganch Davlat Universiteti dotsenti

**Annotatsiya:** maqolada O‘zbekistondagi demografik qarish jarayonlarining kechishi, sabablari va uning keltirib chiqaradigan oqibatlari, mehnatga yaroqli bo‘lgan aholiga qariyalar va bolalarning demografik yuklamalari, qariyalar xayotini yanada yaxshilash muammolari yoritilgan.

**Kalit so‘zlar:** demografik qarish, tug‘ilish koeffitsienti, tug‘ilishning yig‘indi koeffitsienti, umr ko‘rish davomiyligi, mehnatga yaroqli aholi, demografik yuklama.

## **ДЕМОГРАФИЧЕСКОЕ СТАРЕНИЕ НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА И ЕГО СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПОСЛЕДСТВИЯ**

**Аминбой САДУЛЛАЕВ,**  
кандидат экономических наук,  
доцент Ургенчского Государственного Университета

**Аннотация:** в статье рассматривается состояние и причины демографического старения населения Узбекистана и его социально-экономические последствия, демографическая нагрузка на трудоспособное население детьми и населением старческого возраста, проблемы улучшения жизни пожилого населения.

**Ключевые слова:** демографическое старение, коэффициент рождаемости, суммарный коэффициент рождаемости, продолжительность жизни, трудоспособное население, демографическая нагрузка.

## DEMOGRAPHIC AGING OF THE POPULATION OF UZBEKISTAN AND ITS SOCIO-ECONOMIC CONSEQUENCES

Aminboy SADULLAEV,  
PhD (in economics),  
Associate Professor, UrGU

**Abstract:** the article discusses the state and causes of the demographic aging of the population of Uzbekistan and its socio-economic consequences, the demographic burden on the able-bodied population by children and the elderly population, the problems of improving the life of the elderly population.


**Keywords:** demographic aging, birth rate, total birth rate, life expectancy, able-bodied population, demographic load.

**Kirish.** Dunyo kutilayotgan umr uzunligining oshayotganligi va tug‘ilishning qisqarib borish tufayli yuz berayotgan aholi yosh tarkibining beqiyos va barqaror o‘zgarib borishini boshdan kechirmoqda. Odamlar uzoq hayot kechirmoqda va jami aholi tarkibida qariyalarning ulushi va soni oshib bormoqda. Butun dunyoda 65 yosh va undan kattalarning aholi tarkibidagi ulushi 2020 yildagi 9,3 foizdan 2050 yilda 16,0 foizgacha yetishi kutilmoqda. Aholining qarib borishi, butun dunyoda yuz berayotgan katta ijtimoiy va iqtisodiy o‘zgarishlar bilan birgalikda yuz bermoqda. [1].

Statistik ma’lumotlar va demografik tahlil shundan dalolat beradiki, O‘zbekiston Respublikasi aholisi ham asta-sekin qarib borish bosqichiga o‘tdi. Hozirgi kunda, mamlakatning 8,5 % aholisi 60 yoshdan oshganlar, 5 % ga yaqini esa 65 yoshdan oshganlar hisoblanadi. Qariyalar ulushining oshib borishi, aholining ushbu qatlaminin ehtiyojlaridan kelib chiqqan holda ijtimoiy himoyasini ta’minlashga qaratilgan, hamda ularning inson salohiyatidan samarali foydalanishni oshirishga qaratilgan davlat siyosati tadbirlarini ishlab chiqish zarurligini keltirib chiqaradi [2].

**Asosiy qism.** O‘zbekistonda aholining 60 yoshdan oshgan qisminin ulushi uzoq vaqtlar davomida katta o‘zgarishga uchrangani yo‘q. Uning ulushi 1991 yildan 2010 yilgacha bor yo‘g‘i 0,3% ga (5,7 dan 6,0% gacha) oshdi. Ammo, 2010 yildan boshlab qariyalar ulushining sekin-asta o‘shishi tezlashib ketdi (1-rasm). 60 yosh va undan kattalarning soni oshishi, birinchidan tug‘ilish darajasining pasayishi tufayli yosh bolalarning ulushi kamayishi va aholi o‘rtacha umr ko‘rish darajasining yildan-yilga o‘sib borayotganligi bilan izohlanadi [2].

Jadvalga e’tibor beradigan bo‘lsak, 1991 yilda aholining o‘rtacha umr ko‘rish darajasi 67 yoshni tashkil qilgan bo‘lsa, 2020 yilga kelib, ushbu ko‘rsatkich 73,4 yoshgacha, ya’ni 6,4 yilga oshdi.



1-rasm. O‘zbekistonda o‘rtacha umr ko‘rish va qariyalar ulushining o‘zgarishi, 1991-2020, yil oxiriga

Manba: O‘zbekiston Respublikasi davlat statistika qo‘mitasi ma’lumotlari asosida hisoblandi.



Respublikada 60 yoshdan oshgan aholining ulushi 2010 yilda 6,0% ni, 2020 yilda esa 8,5% ni tashkil qildi, ya'ni keyingi 10 yildagi o'sish 2,5 foizga teng bo'ldi. Tendensiya shuni ko'rsatmoqdaki, ushbu yoshdagi aholining ulushi 2025-2030 yillarga borib yanada yuqoriroq ulushga ega bo'ladi.

Mamlakatda 2021 yil 1 yanvar holatiga, aholining katta qismini mehnat yoshidagi aholi tashkil qiladi. Lekin, mehnat yoshidagilar tarkibida katta yosh guruhlari ko'pchilikni tashkil qiladi. Masalan, katta mehnat yoshidagilar (44-59 yosh) ulushi O'zbekistonda 1991 yildan 2021 yilgacha 11,0 foizdan 20,8 foizgacha oshdi (jadval 1). Buning sababi, oldingi davrda tug'ilish darajasining juda yuqori bo'lganligi (ushbu yoshdagilar 1962-1977 yillarda tug'ilganlardir) va 1991 yildan keyin tug'ilish ko'rsatkichlarining asta-sekin pasayib borishi tufayli 30 yoshgacha bo'lgan aholining ulushi kamayib bormoqda.

Demak, hozirgi yuqori mehnat yoshidagilar yana 15-20 yildan keyin qariyalar qatoriga qo'shiladilar va mehnat resurslarining asosiy qismini yuqoridagi kam sonli tug'ilgan avlod tashkil qiladi. Bu degani, 2035-2040 yillarga borib, kam sonli mehnat resurslariga demografik yuklama oshib ketadi.

O'zbekiston Respublikasi davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlariga ko'ra 2020 yilda aholining tug'ilgan paytdagi o'rtacha umr ko'rish uzunligi erkaklar uchun 71,2 yilni, ayollar uchun 73,4 yilni tashkil qilgan. Bu, 2000 yilga nisbatan (mos ravishda 68,4 va 70,8 yil) ancha o'sish bo'lganligini ko'rsatadi.

**Jadval 1.**

**Aholi tarkibida yuqori mehnat yoshidagilarning ulushi**  
(yil boshiga; jami aholiga nisbatan % da)

	1991	1995	2000	2005	2010	2015	2020	2021
<b>Jami aholi</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
Shu jumladan yoshlariga ko'ra ulushi:								
40-44	3,5	4,6	5,8	6,2	5,8	6,1	6,2	6,2
45-49	2,3	3,1	4	5	5,6	5,3	5,5	5,5
50-54	3	1,9	2,6	3,5	4,4	5,1	4,7	4,7
55-59	2,2	2,8	1,6	2	3	4	4,5	4,4
<b>Jami (%)</b>	<b>11</b>	<b>12,4</b>	<b>14</b>	<b>16,7</b>	<b>18,8</b>	<b>20,5</b>	<b>20,9</b>	<b>20,8</b>

**Manba:** O'zbekiston Respublikasi davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari asosida.


Erkaklarning o'rtacha umr ko'rish uzunligining o'sishi 2000-2020 yillarda, asosan mehnatga yaroqli yoshda o'lim darajasining pasayganligi bilan, ayollarda esa – pensiya yoshida o'limning kamayganligi bilan izohlanadi. O'zbekistonda o'rtacha umr ko'rish darajasi oshganligiga qaramasdan, dunyoning rivojlangan mamlakatlari aholisining o'rtacha umr ko'rish darajasidan ancha past bo'lib, bu ayniqsa pensiya yoshidan oldingi va endi pensiyaga chiqqanlar o'rtasida umr ko'rish uzunligidagi farqlarda yaqqol namoyon bo'ladi.

Keksalar salmog'i ortishining demografik, iqtisodiy va ijtimoiy oqibatlariga yaxlit holda qarash asosiy xulosaga kelish imkonini beradi. Ya'ni, aholi qarishining kuzatilishi turli va nihoyatda dolzarb muammolar keng ko'lamini o'zida mujassamlashtirgan eng muhim ijtimoiy-demografik jarayon hisoblanadi. Ijtimoiy takror barpo qilish barqarorligi va samaradorligi tobora ko'proq darajada ana shu muammolarni muvaffaqiyatli hal etishga bog'liq.

**Aholining qarib borishi demografik nuqtai nazardan uch guruh omillarga bog'liq bo'ladi:**

- tug'ilish darajasining pasayib borishi;
- katta yoshlarda o'rtacha umr ko'rishning oshishi;
- migratsiya jarayonlari.

O'zbekiston Respublikasida tug'ilishning umumiy koeffitsienti 1990 yillarda pasayib bordi va bu, 2010 yillarga kelib aholi tarkibida qariyalar ulushining ortib borish jarayonini keltirib chiqardi. 2010 yillarning o'rtalaridan tug'ilishning darajasi yana osha boshladi. Ammo, bolalar ulushining o'sishi qariyalarning ulushi o'sishidan past bo'lib qolmoqda (2-rasm).



2-rasm. O'zbekistonda tug'ilish darajasi va qariyalar ulushining o'zgarishi, 2000-2020, yil oxiriga

Manba: O'zbekiston Respublikasi davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari asosida hisoblangan.

O'zbekistonda barcha tug'ilishlarning 89% 20-34 yoshdagi (asosan 20-29 yoshdagi) ayollarga to'g'ri keladi. 2000-2010 yillarda respublikada tug'ilish darajasi eng kam ko'rsatkichlarga ega bo'lganligini e'tiborga oladigan bo'lsak, yaqin o'n besh yillikda 20-34 yoshdagi ayollar soni kamayadi. Shuning uchun ham, bir ayolga to'g'ri keladigan tug'ilishlar soni qisqarmagan taqdirda ham, umuman tug'ilishlar soni kamayadi. Binobarin, mana shu sababga ko'ra mamlakatda prognoz qilinayotgan tug'ilishlar sonining qisqarishi va aholining qarib borishi jarayonini yumshatish uchun, ayollarning reproduktiv salomatligini yaxshilagan holda yosh oilalarni qo'llab-quvvatlash siyosatini davom qildirish zarur bo'ladi.

Tug'ilish darajasining pasayib borishi nafaqat aholi yosh tarkibining o'zgarishi bilan, balki aholining ko'pchilik qismida kam bolalik oilalarning keng tarqalishi bilan bog'liqdir.

Keyingi yillarda tug'ilish koeffitsienti respublikaning deyarli barcha hududida pasayib bordi. Ayollarning yoshlari bo'yicha tug'ilish ko'rsatkichlarini tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, tug'ilish kattaroq yoshdagi ayollar guruhida barqaror pasayish tendensiyasiga ega bo'lmoqda. Tibbiyot sohasidagi olimlarning xulosasiga ko'ra ayollar uchun sog'lig'iga zarar qilmagan holda tug'ish uchun eng qulay davr 20-35 yoshlar orasi hisoblanadi. Yuqorida aytib o'tganimizdek, 2020 yildagi ko'rsatkichlarga ko'ra respublikada tug'ilishlarning asosiy qismi (89,0 foizi) ayollarning 20-34 yoshlariga to'g'ri kelmoqda. Eng asosiysi 20 yoshgacha bo'lgan davrda, ya'ni ayollarning organizmi tug'ish uchun hali to'liq shakllanmagan davrda tug'ilishlar soni kamayib ketgan. Tug'ilish ko'rsatkichlari 35-39, 40-44 va 45-49 yoshlarda ham ancha katta hajmda kamaygan (jadval 2).

Jadval 2.

2020 yilda onasining yoshi va tug'ilish tartibi bo'yicha tug'ilganlar ulushi, % da

	Jami bolalar	Jumladan, tug'ilish tartibi bo'yicha		
		1 bola	2 bola	3 va undan ko'p
<b>Jami aholi</b>				
<b>Jami</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
15-19	3,9	11,2	0,5	0,01
20-24	36,0	63,1	41,4	5,3
25-29	34,2	19,3	44,1	39,2
30-34	18,8	4,8	11,1	39,2
35-39	6,3	1,2	2,6	14,6
40-44	0,7	0,2	0,3	1,6
45-49	0,02	0,001	0,002	0,04
50-54	0,001	0,0	0,0	0,0
55 yosh va undan katta	-	-	-	-
<b>Yoshi ko'rsatilmagan</b>	<b>72</b>	<b>61</b>	<b>5</b>	<b>6</b>

Manba: Demograficheskiy yejegovodnik O'zbekistana. Tashkent 2021. str.146.

Ushbu holat, oilada bolalar sonini cheklash tendensiyasining keng tarqalib borayotganligini tasdiqlaydi. O'tgan asrning 90-yillaridan boshlab O'zbekistonda tug'ilish darajasining pasayib borishi davom etayotganligi shundan dalolat beradiki, mamlakatimiz aholisi rivojlanishida hozirgi vaqtda demografik o'tish davrining ikkinchi bosqichiga xos xususiyatlar namoyon bo'layotganligini ko'rsatadi.

O'zbekistonda tug'ilganlarning navbati bo'yicha taqsimlanishini tahlil qilganimizda shunday xulosaga kelish imkonini beradiki, yuqori navbatda tug'ilgan farzandlarning soni tobora kamayib bormoqda. 2020 yil ma'lumotlari bo'yicha oilada to'rtinchi farzandlarning tug'ilishi – 57,5 foizga, beshinchi va undan yuqori navbatdagi farzandlarniki – 90,0 foizga kamayib ketgan. Beshinchi va undan yuqori navbatdagi farzandlarning tug'ilishi ancha kam uchraydigan hodisa bo'lib qoldi.

Kuzatilayotgan yirik miqyosli demografik o'zgarishlarni turli ko'rinishdagi iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy, siyosiy o'zgarishlar (bozor munosabatlariga o'tilishi, shaharlashuv darajasining oshishi, aholi ma'lumotlilik darajasining oshib borishi, ayollarning ijtimoiy ishlab chiqarishda tobora faolroq qatnashuvi kabilar) bilan bog'lash zarur. Ko'pgina tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, demografik o'zgarishlarning barcha boshqa ijtimoiy o'zgarishlar bilan o'zaro bog'liqligi nafaqat kishilar demografik ongining va demografik hulq-atvorining yangi sharoitlarga moslashuvi bilan yuz beradi, balki sifat jihatdan yangi ijtimoiy munosabatlarga, yangi turmush tarziga moslashuvi sababli yuz beradi.

Tug'ilishga ta'sir ko'rsatadigan ijtimoiy omillar ichida avvalambor, ayollarning jamiyatda tutgan o'rnini aytib o'tish kerak. Masalan, hozirgi kunda O'zbekiston iqtisodiyotining korxon va tashkilotlarida band bo'lgan ayollarning hissasi 41,4 foizni tashkil qiladi [3]. Ayollarning ijtimoiy mehnatda band bo'lishi, albatta, tug'ilish darajasining kamayish tomon o'zgarishiga ta'sir ko'rsatadi.

Ayollarning bandlik darajasi yuqoriligi natijasida ularning ijtimoiy hayotda faolroq qatnashish hohishi bilan reproduktiv hohishi o'rtasida bittasini tanlash munosabati yuzaga chiqadi. Bunda ayollarning ma'lumotlilik darajasi ham muhim o'rin tutib, ijtimoiy hayotda faolroq qatnashish hohishi ustun chiqadi.

Tug'ilish darajasiga ma'lum ma'noda ta'sir ko'rsatadigan yana bir sabab, nikohga kirish yoshi hisoblanadi. Bola tug'ish davrining uzunligi taxminan 30 yilga teng bo'ladi. Bundan tashqari, ayollarning yoshi oshib borishi bilan homilador bo'lish ehtimolligi kamayib boradi. Shuning uchun ham nikohga kirish yoshining har qancha ko'tarilishi ayollar tomonidan tug'adigan bolalar soni kamayishiga olib keladi.

Mamlakatimizda oila qurish davrigacha o'quv yurtini bitirib olish, binobarin o'zining iqtisodiy mustaqilligini oshirishga intilishi natijasida nikohga kirish yoshi ancha ko'tarildi. Agar, o'tgan asrning 80-yillarida 20 yoshgacha davrda qizlarning yarmi turmushga chiqqan bo'lsa, hozirgi paytda bunday yoshda faqat 18 % qizlar nikohga kiradilar.

Aholi tarkibida qariyalar ulushining oshib borishiga, yuqorida aytib o'tganimizdek, katta (60+) yoshlarda o'rtacha umr ko'rishning oshishi ham sabab bo'lmoqda. Buni biz, quyidagi jadvalda (5) kuzatishimiz mumkin. O'zbekistonda 1991 yildan 2020 yilgacha 60-64 yoshdagilarning ulushi 1,8 dan 3,3 foizgacha, 65-69 yoshdagilarning ulushi 1,4 dan 2,1 gacha, 70 yosh va undan kattalarning ulushi 2,2 dan 5,5 foizgacha oshdi. Mana shu jarayondan ham ko'rishimiz mumkinki, 60 yoshdan katta bo'lganlarning umri uzayib bormoqda.

**Jadval 3.**

**Aholi tarkibida 60 yosh va undan kattalarning ulushi**  
(yil boshiga; jami aholiga nisbatan % da)

	1991	1995	2000	2005	2010	2015	2020
<b>Jami aholi, ming kishi</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
Shu jumladan yoshlariga ko'ra ulushi:							
60-64	1,8	2	2,2	1,6	1,6	2,6	3,3
65-69	1,4	1,8	1,6	1,7	1,2	1,3	2,1
70 yosh va undan kattalar	2,2	2,4	2,6	2,7	2,7	2,5	2,5
Jami 60 yosh va kattalar	5,4	6,2	6,4	6	5,5	6,3	7,9

**Manba:** jadval O'zbekiston Respublikasi statistika qo'mitasi ma'lumotlari asosida tuzilgan.

O'zbekiston Respublikasida aholi qarib borishi dunyoning boshqa mamlakatlariga nisbatan sekinroq va yaqin davrda boshlangan jarayon bo'lsada, uning asosiy sabablaridan biri tug'ilishning pasayib borayotganligidir. Yosh oilalarni o'zlari hohlaydigan farzandlarini tug'ishida qo'llab-quvvatlash tug'ilishlar sonining kamayishini yumshatish imkonini beradi. Shu bilan birgalikda, katta yoshlarda o'rtacha umr ko'rish darajasining oshib borayotganligi ham katta ahamiyatga ega bo'lmoqda. Ushbu o'zgarishlarni jadallastirishga qaratilgan chora-tadbirlarni amalga oshirish qariyalarning sog'lig'ini, hayoti sifatini yaxshilashga va ularning iqtisodiyotga hissa qo'shishini ta'minlashga olib keladi. Mamlakatda migratsion o'sish katta bo'lmaganligi tufayli, ushbu holat demografik qarish jarayonlariga ta'sir ko'rsata olmaydi.

Shunga qaramasdan, xorijiy oliy o‘quv yurtlarida ta’lim olgan yuqori malakali mutaxassislarning mamlakatga qaytib kelishiga ko‘maklashish chora-tadbirlarini yanada takomillashtirish zarurdir.

Demografik qarish muammolarini yumshatish uchun quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirish zarur deb hisoblaymiz. O‘zbekiston Respublikasida keksalarni ijtimoiy himoya qilishning samarali va kompleks tizimi ishlayotganiga qaramasdan, bizningcha, mamlakatda shakllangan demografik sharoitlarda qariyalarning hayotini yanada yaxshilash tadbirlarini amalga oshirish maqsadga muvofiqdir.

Demografik omillar mehnat qilish davrining uzunligiga ham ta’sir ko‘rsatadi. Milliy iqtisodiyotda demografik salohiyatning muhim ko‘rsatkichi bo‘lib, demografik yuklama koeffitsienti hisoblanadi. U mehnatga layoqatsiz yoshdagilarning (bolalar va qariyalar) mehnatga layoqatlilar soniga nisbati bilan aniqlanadi. Bolalar yuklamasining koeffitsienti oshib borishi kelajakda aholi tarkibida mehnatga layoqatlilar sonining oshishiga olib keladi. Qariyalar yuklamasining oshishi esa, aholi tarkibida ishchi kuchlarining kamayishini keltirib chiqaradi.

Bolalar va qariyalar demografik yuklamasining qisqarishi va mehnatga layoqatlilar sonining oshishi ta’lim, tibbiyot, texnologiyalar, malaka oshirish sohaslariga investitsiyalarning oshishiga olib keladi. Iqtisodiy o‘shish bandlar sonining oshishi hisobiga yuz beradi.

Dunyoning rivojlangan mamlakatlari yoki MDHning Yevropa qismidagi mamlakatlardan farq qilgan holda O‘zbekistonda aholining qarib borish jarayoni yaqin davrlarda boshlanganligi va tug‘ilishning qisqarishi 1990 yillardan boshlanganligi sababli mehnat yoshidagilarga bo‘lgan bolalar va qariyalar yuklamasi yuqori emas.

Rasmdan (4) ko‘rinib turganidek, har 100 nafar mehnat yoshidagi aholiga 36,6 nafar bolalar va qariyalar demografik yuklamasi to‘g‘ri kelib turibdi. Mamlakatda tug‘ilish darajasining mustaqillik yillarida kamayib borishi va mehnatga yaroqlilar ulushining oshib borishi tufayli, 1990 yildan 2020 yilgacha bolalar yuklamasi 87,8 dan 28,6 gacha, qariyalar yuklamasi 15,8 dan 8,0 gacha kamaygan.

Agar umumiy demografik yuklama kamaysa mamlakat “demografik dividend”ga ega bo‘ladi. **Milliy iqtisodiyotda “demografik dividendning” afzalliklari quyidagilar hisoblanadi:**

- iqtisodiy o‘shish imkoniyatlari;
- inson kapitaliga investitsiyalar imkoniyati kengayadi;
- bandlikning oshishi hisobiga turmush darajasi ham oshib boradi.



**4-rasm. O‘zbekistonda mehnat yoshidagilarga demografik yuklamaning o‘zgarishi 1990-2020 yy. (har 100 nafar mehnat yoshidagilarga)**

**Manba:** O‘zbekiston Respublikasi statistika qo‘mitasi ma’lumotlari asosida tuzilgan.

Ammo, inson kapitaliga va aholi bandligiga investitsiyalar kiritish imkoniyati bo‘lmagan rivojlanayotgan mamlakatlarda yoshlarni ish bilan ta’minlash muammolari ham kelib chiqishi mumkin. Shuni ham aytib o‘tish kerakki, “demografik dividend” dan keyin demografik yuklamaning keskin oshib ketishi yuz beradi. Shuning uchun ham milliy iqtisodiyotni boshqarishda kelajakdagi muammolarni hisobga olgan holda hozirgi demografik bonusdan foydalanib qolish zarur bo‘ladi.

Agar ushbu ko‘rsatkichni MDH mamlakatlaridan biri bo‘lgan Belarus Respublikasi bilan taqqoslab ko‘radigan bo‘lsak, uning qishloq aholisidagi har 100 ta mehnatga yaroqlilariga 2017 yil 1 yanvarida 98,9 ta mehnatga yaroqsiz aholi to‘g‘ri keldi, binobarin, ularning 2/3 qismini mehnat yoshidan yuqori bo‘lganlar tashkil qilgan. Shahar aholisida har 100 ta mehnatga layoqatli aholiga to‘g‘ri keladigan 69,2 ta mehnatga layoqatsizlarning yarmidan ko‘prog‘i (39 kishi) katta yoshdagilarni tashkil qilgan. Ushbu mamlakatda demografik qarish eng katta muammolardan biriga aylangan [4].

O'zbekistonda ham demografik qarish mana shunday katta muammoga aylanishi mumkinmi? Albatta, mamlakatimiz dunyoviy rivojlanish bosqichlarini bosib o'tar ekan, tug'ilish darajasi yanada kamayib boraveradi va aholining o'rtacha umr ko'rish darajasi bundanda oshib borishini e'tiborga oladigan bo'lsak, yana 10-15 yildan keyin bizda ham mehnatga yaroqli yoshdagi aholi qatlamiga bo'lgan demografik yuklama yuqori ko'rsatkichlarga chiqishi ehtimoldan xoli emas.

Bu davrgacha esa, aholi tarkibida mehnatga layoqatli aholining ulushi ko'payishi hisobiga iqtisodiyotning o'sishi uchun katta salohiyat mavjud bo'ladi. Ushbu salohiyat, qariyalarning uzoq sog'lom umr kechirishlarini ta'minlash uchun asos bo'ladi. Shuning uchun ham hozirgi paytda davlatimiz tomonidan qariyalarni ijtimoiy himoya qilishga qaratilgan ko'plab chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining **“Keksalarni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash tizimini yanada takomillashtirishning qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida”** 2020 yil 28 maydagi qarorida keksalarni qo'llab-quvvatlash, sog'lomlashtirish, ijtimoiy faolligini oshirish va ularga ma'naviy-ma'rifiy xizmatlar ko'rsatishni yanada kuchaytirish tadbirlari belgilab berildi [5].

Demografik yuklama ko'rsatkichlarining tahlili nafaqat demografik, balki iqtisodiy nuqtai nazardan, xususan, qariyalarni qo'llab-quvvatlashning ijtimoiy dasturlarini ishlab chiqishda, pensiya tizimi rivojlanishi strategiyasini aniqlashda juda muhimdir.

Mehnatga layoqatli aholining o'zini qarib borishi tajribali xodimlarning ulushi oshishiga va shu bilan birgalikda, eng harakatchan xodimlarning kamayishiga olib keladi. Bularning hammasi iqtisodiyotga va jamiyatga har tomonlama ta'sir ko'rsatadi. O'zbekiston aholisining 45-59 yoshdagilari 1991 yilda mehnatga yaroqli yoshdagilarning (15-59 yosh) 4,5% ini tashkil qilgan bo'lsa, 2020 yilga kelib mehnatga yaroqlilarning katta yoshdagilari guruhi 8,9% ga yetdi. Aholining 30-44 yoshdagilari ulushi 1991 yilda 28,8% bo'lgan bo'lsa, 2020 yilda ularning ulushi 36,6% ga yetdi. [2]. Ushbu yoshdagilarning yana 15-30 yillardan keyin pensiya yoshiga yetishini e'tiborga oladigan bo'lsak, 2035-2050 yillarda aholining katta qismi qariyalar, ya'ni pensionerlar qatoriga qo'shiladilar. Demak, ularga ajratiladigan ijtimoiy xizmatlar va pensiya nafaqasi to'lash miqdori ham oshib boradi, bu esa pensiya fondiga va davlat budjetiga katta bosim bo'lish ehtimolini keltirib chiqaradi.

Mehnatga yaroqli yoshdagilarning qarib borishi jismoniy mehnat talab qilinadigan ish o'rinlarida mehnat unumdorligining pasayishiga olib keladi.

#### **Xulosa va takliflar:**

O'zbekiston Respublikasida aholi qarib borishi dunyoning boshqa mamlakatlariga nisbatan sekinroq va yaqin davrda boshlangan jarayon bo'lsada, uning asosiy sabablaridan biri tug'ilishning pasayib borayotganligidir.

O'tgan asrning 90-yillaridan boshlab respublikada tug'ilish darajasining pasayib borishi davom etayotganligi, mamlakatimiz aholisi rivojlanishida hozirgi vaqtda demografik o'tish davrining ikkinchi bosqichiga xos xususiyatlar namoyon bo'layotganligini ko'rsatadi.

Demografik o'zgarishlar barcha boshqa ijtimoiy o'zgarishlar bilan birgalikda kishilar demografik ongining va demografik hulq-atvorining yangi ijtimoiy munosabatlarga, yangi turmush tarziga moslashuvi sababli yuz bermoqda.

Bolalar va qariyalar demografik yuklamasining qisqarishi va mehnatga layoqatli sonining oshishi ta'lim, tibbiyot, texnologiyalar, malaka oshirish sohalariga investitsiyalarning oshishiga olib keladi va iqtisodiy o'sish bandlar sonining oshishi hisobiga yuz beradi.

Hozirgi yuqori mehnat yoshidagilar yana 15-20 yildan keyin qariyalar qatoriga qo'shiladilar va mehnat resurslarining asosiy qismini 1990-2010 tug'ilgan kam sonli avlod tashkil qiladi va 2035-2040 yillarga borib, kam sonli mehnat resurslariga demografik yuklama oshib ketadi.

Mamlakatimiz dunyoviy rivojlanish bosqichlarini bosib o'tar ekan, tug'ilish darajasi yanada kamayib boraveradi va aholining o'rtacha umr ko'rish darajasi bundanda oshib borishini e'tiborga oladigan bo'lsak, yaqin kelajakda bizda ham mehnatga yaroqli yoshdagi aholi qatlamiga bo'lgan demografik yuklama yuqori ko'rsatkichlarga chiqishi ehtimoldan xoli emas.

**Demografik qarish muammolarini yumshatish uchun quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirish zarur deb hisoblaymiz:**

- qariyalarning uzoq sog'lom umr kechirishlarini ta'minlash va ularning umrini yanada uzaytirish chora-tadbirlarini kuchaytirish zarur;

- qariyalarning salomatligi bilan shug'ullanadigan “Geriatriya” markazini SSV qoshida tashkil qilish maqsadga muvofiqdir;

- davlatning ijtimoiy va iqtisodiy siyosati o'rtacha umr ko'rish darajasining oshib borayotganligini e'tiborga olishi zarur bo'ladi;

- 60 yoshdan oshgan aholi – “yuklama” emas, balki foydalanilmayotgan salohiyat hisoblanadi, binobarin, qariyalarni ijtimoiy mehnat jabhasida ishtirokini kuchaytirish va ularni jamiyatning faol a’zosiqa aylantirish maqsadga muvofiqdir.

- davlatning ijtimoiy va iqtisodiy siyosati o’rtacha umr ko’rish darajasining oshib borayotganligini e’tiborga olishi zarur bo’ladi.

### **Manba va adabiyotlar**

1. ООН. Глобальные вопросы повестки дня. Старение [Электронный ресурс] // Организация Объединенных Наций. – URL: <http://www.un.org/ru/sections/issues-depth/ageing/index.html>.

2. O‘zbekiston Respublikasi davlat statistika qo‘mitasi 1991-2000 y. va 2000-2020 y. ma’lumotlari. <https://www.stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/demography>

3. Труд и занятость в Узбекистане. Статистический сборник Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике. Ташкент 2021. стр.41

4. Калабихина И., Красовская Н., Калмыкова Н. Демографическое старение в Республике Беларусь: вызовы и новые возможности. – Минск: Белсене, 2018. – 17с.

5. “Keksalarni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash tizimini yanada takomillashtirishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 28 maydagi 340-son qarori. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

## **ЎЗБЕКИСТОНДА НОРАСМИЙ БАНДЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Ботир АБДУЛЛАЕВ,**

*Прогнозлаштириши ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти гуруҳ раҳбари,*

**Турсун АХМЕДОВ,**

*Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,*

*Прогнозлаштириши ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директор ўринбосари*

**Аннотация:** мақолада норасмий бандликни чуқурроқ ўрганиши зарурияти, шунингдек, ушбу бандликнинг хусусиятлари ва уни тартибга солиши йўллари асосланган. Ҳозирги кунда мамлакатимиз меҳнат бозорини баҳолашда меҳнатга лаёқатли аҳоли, иқтисодий фаол аҳоли, меҳнат ресурслари, иқтисодиётда расмий ва норасмий бандлар кўрсаткичларидан кенг фойдаланилади. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги “Меҳнат бозорини барқарорлаштиришида норасмий бандликнинг улушини қисқартириши тўғрисида”ги 366 - сонли қарорини амалга ошириши, шунингдек иқтисодиётда норасмий бандликни камайитиришининг йўллари ва тартибга солиши бўйича тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** бандлик, меҳнат бозори, норасмий бандлик, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли, ишсизлик даражаси, ўзини ўзи банд қилиши.

## **ПУТИ СОКРАЩЕНИЯ НЕФОРМАЛЬНОЙ ЗАНЯТОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Ботир АБДУЛЛАЕВ,**

*руководитель группы Института прогнозирования и макроэкономических исследований,*

**Турсун АХМЕДОВ,**

*доктор экономических наук, профессор, заместитель директора Института прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** в статье подчеркивается необходимость более глубокого изучения неформальной занятости, а также особенностей этой занятости и способов ее регулирования. В настоящее время при оценке рынка труда нашей страны широко используются показатели трудоспособного населения, экономически активного населения, трудовых ресурсов, формальных и

неформальных рабочих мест в экономике. В статье даны рекомендации по реализации постановления Президента Республики Узбекистан № 366 от 30 августа 2022 года “О снижении доли неформальной занятости в стабилизации рынка труда, а также пути сокращения неформальной занятости в экономике”.

**Ключевые слова:** занятость, рынок труда, неформальная занятость, трудовые ресурсы, экономически активное население, уровень безработицы, самозанятость.

## WAYS TO REDUCE INFORMAL EMPLOYMENT IN UZBEKISTAN

**Botir ABDULLAEV,**

*Head of the Group,*

*Institute of forecasting and macroeconomic research,*

**Tursun AKHMEDOV,**

*Doctor of Economics, Professor,*

*deputy director institute of forecasting and*

*macroeconomic research*

**Abstract:** *the article emphasizes the need for a deeper study of informal employment, as well as the features of this employment and ways to regulate it. Currently, the indicators of working-age population, economically active population, labor resources, and formal and informal jobs in the economy are widely used in the assessment of the labor market of our country. The article provides recommendations on the implementation of the decision of the President of the Republic of Uzbekistan No. 366 of August 30, 2022 on reducing the share of informal employment in stabilizing the labor market, as well as ways to reduce informal employment in the economy.*

**Keywords:** *employment, labor market, informal employment, labor resources, economically active population, unemployment rate, self-employment.*

**Кириш.** Бугунги кунда жаҳонда меҳнат бозорини барқарорлаштириш ва норасмий бандликни қисқартириш ва аҳолини муносиб иш билан таъминлаш энг долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Норасмий бандликнинг юқори даражаси мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли фаровонлигига, ишсизликнинг кўпайиши, меҳнат бозорига талаб ва таклиф бузилиши, макроиқтисодий барқарорликка ва меҳнат муносабатларига салбий таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд бўлганлар сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сонини аниқлаш, шу жумладан, уй хўжалиқларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган услуб асосида аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январидан қабул қилинган “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли фармонининг 85-мақсадига мувофиқ норасмий ишлаётган 2,5 миллион нафар фуқаронинг бандлигини легаллаштиришга ёрдам бериш орқали уларда ижтимоий кафолат ва имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш кўзда тутилган.<sup>1</sup>

Фармонга кўра, норасмий секторда бандликни камайтириш бўйича тегишли стратегия лойиҳаси ишлаб чиқилиб, унда: яширин иқтисодиётни қисқартиришда жамоатчилик ролини ошириш; норасмий секторда банд бўлган аҳоли ўртасида ижтимоий ҳимояни таъминлаш юзасидан тарғибот ишларини олиб бориш; фуқаро, ходим ва иш берувчиларнинг меҳнат соҳасидаги мурожаатларини «бир дарча» тамойили асосида тезкор кўриб чиқиш механизмларини жорий қилиш; меҳнат соҳасидаги мурожаат ва низоларни ўрганиш ҳамда уларни ҳал қилишга кўмаклашиш мақсадида «Меҳнат-М» маркази фаолиятини эксперимент тарикасида Тошкент шаҳрида ташкил этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистонда юқори демографик салоҳиятнинг мавжудлиги, айниқса қишлоқ жойларида аҳоли ўртасида норасмий бандлик шаҳарларга қараганда қарийб икки баравар кўплиги, ушбу

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январидан қабул қилинган “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли фармони.

бандликнинг 90% дан ортиғи иқтисодиётнинг энг катта улуши бўлган қишлоқ хўжалигига тўғри келиши муаммонинг ўта долзарблигини кўрсатади.

**Тадқиқот методологияси.** Норасмий бандлик куйидагича таърифланади: агар ходим асосий иш жойида (муддатидан қатъий назар) шартнома тузган бўлса, у ҳолда у расмий секторда ишлаган ҳисобланади; акс ҳолда, ишчи норасмий секторда иш билан банд деб ҳисобланади, яъни юридик рўйхатдан ўтмаган ва иқтисодиётнинг расмий секторида ҳисоботларда акс эттирилмаган фаолият турига киради.

Норасмий иш билан бандлик фуқаролар ҳеч қандай расмий рўйхат, рухсатнома ва ҳуқуқий асосга эга бўлмаган меҳнат фаолияти билан шуғулланадиганлар бўлиб, ушбу бандлик ҳуқуқий-иқтисодий кафолатланмаган ва ижтимоий ҳимояланмаганлиги билан ажралиб туради.

Норасмий иш билан бандликнинг алоҳида турлари ислохотлар давригача ҳам мавжуд бўлган (косиблар, чеварлар, киракашлар, репититорлар ва бошқалар). Бироқ, бозор муносабатлари шароитида норасмий иш билан бандликнинг тавсифи, амал қилиш қўлами, таркиби ва унинг иқтисодиётдаги ўрни тамомила ўзгарди. Норасмий сектор меҳнат бозорининг мустақил сегментига айланди ва у аҳолининг иш билан бандлигига ҳамда ижтимоий-иқтисодий вазиятга бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Норасмий бандлик динамикаси бандликнинг ушбу ҳодисанинг кенг тарқалганлиги билан ажралиб турадиган ва анъанавий равишда норасмий ишчиларни (қурилиш ва қишлоқ хўжалиги) жалб қиладиган тармоқларга тарқалиши эмас, балки барча соҳаларда норасмий бандликнинг юқори тарқалиши билан изоҳланади. Меҳнат мигрантлари орасида норасмий секторда банд бўлганлар кўпроқ, аммо миграциянинг норасмий бандликка умумий таъсири ноаниқ.

Юқорида қайд қилинган норасмий бандликнинг асосий таъсири ва маъносидан келиб чиқиб, тадқиқотда қиёсий таҳлил, гуруҳлаштириш монографик кузатув, эксперт баҳолаш усулларидан кенг фойдаланилган.

**Асосий натижалар.** Расмий статистик маълумотларга кўра, 2022 йил январь-июнь ҳолатига Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 41,3 фоизи норасмий секторда фаолият кўрсатади. Мамлакатда 5,7 миллион киши норасмий секторда банд. Халқаро меҳнат ташкилоти тавсияларига кўра, иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлган аҳоли улушининг хавфсизлик даражаси 15 фоиздан ошмаслиги керак.<sup>1</sup>


Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) маълумотларига кўра, дунёда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 60 фоиздан ортиғи норасмий иқтисодиётда банд. ХМТнинг сўнгги ҳисоботида кўра, норасмий иқтисодиётда 2 миллиард одам ишлайди ёки дунё иш билан банд аҳолисининг 61 фоиздан ортиғи норасмий иқтисодиётда ўз тирикчилиги билан ҳаёт кечириди, уларнинг аксарияти ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига тўғри келади. Кўпинча, бу одамлар ижтимоий ҳимоя, меҳнат ҳуқуқлари ва муносиб меҳнат шароитларидан маҳрум.

Норасмий бандлик дунёнинг барча мамлакатларида мавжуд. Унинг даражаси ҳар бир давлатнинг ижтимоий – иқтисодий салоҳияти, амалга оширилаётган ислохотлари устувор йўналишларига бевосита боғлиқ (1 -расм).

---

<sup>1</sup> <https://podrobno.uz/cat/obchestvo/v-uzbekistane-bolee-41-protsenta-trudosposobnogo-naseleniya-rabotaet-v-neformalnom-sektore-mintrud/>





**1-расм. 2018 йилда норасмий бандликнинг умумий бандликдаги улуши, %.<sup>1</sup>**

\* Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумоти (2022 йил январ-июнь).  
(Манба: Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумоти асосида муаллиф ишланмаси)

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра, норасмий бандлик даражаси давлатлар бўйича сезиларли даражада фарқ қилади. Шимолий ва Жанубий Америкада 40 фоиз бўлса, Жанубий Осиёдаги айрим мамлакатларда 80 фоизни ташкил этади. Африкада норасмий бандлик улуши 85,8 фоизга етади, Европа ва Марказий Осиё минтақасида бу кўрсаткич 25,1 фоизни, араб мамлакатларида 68,6 фоизни, Россияда 20,1 фоизни ташкил қилади.

Норасмий меҳнат билан бандликни мувофиқлаштириш жараёнида уни расмийлаштириш, жалб қилиш ва иш ўринларини яратиш билан боғлиқ жараёнлар фаоллигини кузатишга оид маълумотларни тўплаш тартибини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг норасмий секторда жами банд аҳолига нисбатан норасмий бандлик маълум даражада пасайган (2020 йил январь-июнь – 56,7%, 2021 йил январь-июнь – 45,9%, 2022 йил январь-июнь 41,3%) (1-жадвал). Шуни таъкидлаш лозимки, мавжуд вазият асосан республикадан ташқарига меҳнат фаолиятини юритиш учун кетган мигрантларнинг ички меҳнат бозорига қайтиб келиб мавсумий ишларда ва қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг ортиши эвазига юзага келган.

Мамлакатимизда таҳлил даврида меҳнат ресурсларини кўпайиши (0,4 млн. киши) иқтисодий фаол аҳоли сони ошиши (0,42 млн. киши)га қарамадан норасмий секторда банд бўлганлар сони деярли 1,5 млн. кишига қисқарганини ижобий ҳолат дейиш мумкин.

Шунингдек, ишсизлик даражасининг камайиши (4 п.п) билан норасмий бандлик ўртасида бевосита боғлиқликни кузатиш мумкин.

Мамлакат худудларида норасмий бандлик даражасида маълум тафовутлар мавжуд.

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича иқтисодиётда норасмий секторда банд бўлганларнинг тақсимланиши, % (2020-2022 йиллар январ-июн ҳолатига)**

Худудлар	Норасмий бандликнинг жами банд аҳолига нисбатан даражаси, %			2020 йил 2022 йилга нисбатан ўзгариши (+ / -)
	2020 йил	2021 йил	2022 йил	
Республика жами	56,7	45,9	41,3	- 15,4
Қорақалпоғистон Республикаси	57,3	40,6	37,4	- 19,9
Андижон вилояти	65,0	50,4	42,6	- 22,4

<sup>1</sup> [https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS\\_627798/lang--ru/index.htm](https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS_627798/lang--ru/index.htm)

Худудлар	Норасмий бандликнинг жами банд аҳолига нисбатан даражаси, %			2020 йил 2022 йилга нисбатан ўзгариши (+ / -)
	2020 йил	2021 йил	2022 йил	
Бухоро вилояти	53,0	43,4	38,0	- 15,0
Жиззах вилояти	61,5	55,0	52,9	- 8,6
Қашқадарё вилояти	63,1	53,5	51,2	- 11,9
Навобий вилояти	31,5	28,0	25,6	- 5,9
Наманган вилояти	67,3	61,4	56,6	- 10,7
Самарқанд вилояти	65,2	50,0	44,7	- 20,5
Сурхондарё вилояти	66,5	58,5	54,3	- 12,2
Сирдарё вилояти	50,0	41,8	42,2	- 7,8
Тошкент вилояти	51,3	41,0	34,6	- 16,7
Фарғона вилояти	62,9	50,4	46,1	- 16,8
Хоразм вилояти	61,4	43,7	38,7	- 22,7
Тошкент шаҳри	21,1	14,0	11,4	- 9,7

**Манба:** Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумоти асосида муаллиф ишланмаси.

Норасмий бандликнинг энг юқори даражаси Наманган (56,6%), Жиззах (52,9%), Қашқадарё (51,2%), Сурхондарё (54,3%) вилоятларига тўғри келади, энг паст даражаси эса, Тошкент шаҳри (11,4%), Навобий (25,6%) ва Тошкент (34,6%) вилоятларида кузатилган. Худудлар ўртасидаги фарқ, Тошкент шаҳридан ташқари, 2,2 мартани ташкил қилган.

## 2 - жадвал

### Ўзбекистон Республикаси бўйича алоҳида кўрсаткичлар жумладан, норасмий банд бўлганлар сонининг ўзгариш тенденцияси, млн. киши (2020 - 2022 йиллар январь-июнь ҳолатига)

	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2022 йилнинг 2020 йилга нисбатан ўзгариши (+ / -)
Иш билан бандлар, жами	12,7	13,5	13,8	1,037
Меҳнат ресурслари	19,1	19,3	19,5	0,368
Иқтисодий фаол аҳоли	14,7	15,0	15,1	0,419
Ишсизлар	1,9	1,5	1,3	- 0,617
Ишсизлик даражаси, <i>фоиз</i>	13,2	9,8	8,8	- 4 п.п
Расмий секторда бандлар	5,6	5,8	6,1	0,493
Норасмий секторда бандлар	7,2	6,2	5,7	- 1,465
Норасмий секторда бандларнинг жами бандлардаги улуши, <i>фоиз</i>	56,7	45,9	41,3	- 15,4 п.п
Меҳнат мигрантлари	2,04	1,5	2,0	- 0,32

**Манба:** Давлат статистика қўмитаси ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Норасмий бандликнинг мавжуд даражаси шунини кўрсатадики, республикада иқтисодиётнинг ривожланиши ва барқарор ижтимоий-иқтисодий муносабатларга эришилиши орқали норасмий бандлик муаммоларини чуқур ўрганиш зарурияти кучаймоқда. Монографик кузатувлар натижаларига кўра норасмий бандликни асосий сабаблари куйидагилардан иборат (3-жадвал).

**Иқтисодиётнинг норасмий секторида бандлар, минг киши%**  
(2021 - 2022 йиллар январь-июнь ҳолатига)

	2021 й.	2022 й.	2022 йил 2020 йилга нисбатан ўзгариши (+ / -)
<b>Иқтисодиётнинг норасмий секторида бандлар</b>	<b>6197,9</b>	<b>5690,3</b>	<b>-507,6</b>
<i>шу жумладан:</i>			
<b>Вақтинчалик бир марталик ва мавсумий ишларни бажарувчилар</b>	1761,1	1662,3	-98,8
вақтинчалик бир марталик ишларни бажарувчилар	723,7	683,1	-40,6
вақтинчалик мавсумий ишларни бажарувчилар	1037,4	979,2	-58,2
<b>Меҳнат муносабатларини расмийлаштирмасдан оилавий корхоналарда ва тадбиркорларда ишловчилар</b>	999,5	853,4	-146,1
<b>Рўйхатдан ўтмасдан ва тегишли рухсатномасиз фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар</b>	1647,7	1512,7	-135
бозорда ва бозордан ташқарида ( <i>белгиланган савдо нуқталаридан ташқарида</i> ) рўйхатга олинмаган тадбиркор сифатида савдо-сотик билан шуғулланувчилар	815,4	755,1	-60,3
тадбиркорликнинг бошқа турлари (киракашлик, хунармандчилик, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш)	832,3	757,6	-74,7
<b>Юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларида</b>	1789,5	1661,9	-127,6

**Манба:** Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Норасмий фаолият билан бандларнинг сонининг 2021 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан камайиши кузатилди. Ушбу фаолият билан бандлар 2022 йил январь-июнга ҳолатига 6197,9 минг кишини ташкил этгани ҳолда, 2021 йил шу даврига нисбатан **507,6 минг кишига** камайганлигини эътироф этиш мумкин. Бу ҳолат асосан меҳнат муносабатларини расмийлаштирмасдан оилавий корхоналарда ва тадбиркорларда ишловчилар (146,1 минг кишига), вақтинчалик бир марталик ва мавсумий ишларни бажарувчилар (98,8 минг кишига) ҳамда рўйхатдан ўтмасдан ва тегишли рухсатномасиз фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар (135 минг кишига) камайиши билан изоҳланади. Шунингдек, кузатиш натижаларига кўра деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларида норасмий бандларнинг (127,6 минг) сезиларли даражада камайганлиги аниқланди.

**Хулоса ва тавсиялар.** Охириги уч йилда норасмий бандлик даражасининг қисқариши кузатилган, лекин шунга қарамадан норасмий бандликдаги бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Улар:

- муносиб ҳақ тўланадиган доимий иш ўринларининг етишмаслиги, ёшларни, жумладан олий маълумот ёки иш стажига эга бўлмаган ёш кадрларнинг ишга жойлашишларидаги қийинчиликлар;
- юқори даражадаги норасмий бандликнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли фаровонлигига таъсири;
- норасмий бандликнинг - меҳнат бозорига талаб ва таклифнинг бузилишига, макроиқтисодий барқарорликка ва меҳнат муносабатларига салбий таъсири;
- норасмий сектор ривожланишининг асосий сабабларидан бири паст талабга эга бўлган ишчи кучи таклифининг ортишидир;
- давлат рўйхатидан ўтмасдан норасмий равишда тадбиркорлик фаолият турлари (*озик-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, ширинликлар ва миллий таомлар, мева ва сабзавотларни консервация қилиш, уйда нон ёпиш ва ноозик-овқат товарлари билан савдо қилиш, мебелларни таъмирлаш, дераза ва эшик ромларини тайёрлаш, қурилиш ишлари, хизматларни амалга оширувчилар, жумладан: хонадонларда чакана савдо, автомобиллар, сантехника ва бошқа турли маиший хизмат техникаларини таъмирлаш, косибчилик, бичиш-тикиш каби хизматлари ва бошқалар*) билан шуғулланиши;
- қишлоқ жойларда яхши ҳақ тўланадиган доимий иш ўринларининг мавжуд бўлмаганлиги сабабли, ёшларнинг хорижга меҳнат қилиш учун чиқиб кетишлари.

### **Норасмий бандликни тартибга солиш бўйича тавсиялар:**

- ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни бажариш механизмларини такомиллаштириш ва ҳамда бандлик соҳасидаги муаммолар ечимини таъминлаш учун давлат органлари самарадорлигини ошириш;

- меҳнатга норасмий жалб қилмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имкониятларини ўрганиш, маҳаллаларда норасмий банд бўлган фуқаролар ўртасида сўровнома ўтказиш, норасмий бандликни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ҳамда қонуний меҳнат фаолиятини ташкил қилишни рағбатлантириш учун мақсадли чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;

- ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида амалга ошириш мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатини кенгайтириш;

- маҳалла имкониятларидан фойдаланган ҳолда оилавий тадбиркорлик, хизматлар ва сервис соҳасини ва касаначиликни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари яратилишини таъминлаш;

- йирик инвестиция лойиҳаларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларини ҳудудлараро қайта тақсимлаш, ёшларни юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналарига фаол жалб қилиш;

- хизматлар соҳасини, оилавий бизнесни ва касаначиликни янада ривожлантириш учун маҳалла салоҳиятидан фойдаланган ҳолда норасмий тадбиркорларни рўйхатга олиш (расмий банд қилиш) механизмини такомиллаштириш.

Шундай қилиб, бугунги кунда янги барқарор иш ўринларини яратиш муаммоси, айниқса ёшлар, аёллар, чет элдан қайтаётган меҳнат мигрантлари, иқтисодиётнинг норасмий секторидан расмий секторига ўтказиш ҳозирда ва келажакда энг асосий вазифалардан бири бўлиб қолади.

### **Манба ва адабиётлар**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январида қабул қилинган “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли фармони.*

2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги “Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 366-сонли қарори.*

3. *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий маълумотлари.*

4. *Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари.*

5. [https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS\\_627798/lang--ru/index.htm](https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS_627798/lang--ru/index.htm)

6. <https://podrobno.uz/cat/obchestvo/v-uzbekistane-bolee-41-protSENTA-trudosposobnogo-naseleniya-rabotaet-v-neformalnom-sektore-mintrud-/>

## **МИГРАЦИЯ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ИНТЕРСЕКЦИОНАЛ ЁНДАШУВ**

**Шоирахон НУРДИНОВА,**

*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),*

*Иқтисодий тадқиқотлар*

*ва ислоҳотлар маркази бош илмий ходими,*

**Рабиа ХАН,**

*Индиана Университети, докторант*

**Аннотация:** мақолада интерсекционал ёндашувни чуқурроқ тушунишга урғу берилган. Муаллифлар Марказий Осиёдаги миграция концепцияси ва мигрант аёлларнинг ҳаётий тажрибасини интерсекционаллик нуқтаи назаридан таҳлил қилганлар.

**Калит сўзлар:** интерсекционал (дискриминациялар кесишуви) назария, миграция, гендер, Марказий Осиё.

## ИНТЕРСЕКЦИОНАЛЬНЫЙ ПОДХОД К МИГРАЦИОННЫМ ИССЛЕДОВАНИЯМ

**Шоирахон НУРДИНОВА,**  
*PhD (по экономическим наукам),*  
*Центр экономических исследований и реформ, главный научный сотрудник,*  
**Рабиа ХАН,**  
*Университет Индианы в Блумингтоне, докторант*

**Аннотация:** в статье основное внимание уделяется более глубокому пониманию интерсекционального подхода. Авторы оценивают концепции миграции в Центральной Азии и жизненный опыт женщин-мигрантов с интерсекциональной точки зрения.

**Ключевые слова:** интерсекциональная теория, миграция, гендер, Центральная Азия.

## AN INTERSECTIONAL APPROACH TO MIGRATION STUDIES

**Shoirakhon NURDINOVA,**  
*PhD (in Economics),*  
*Center for Economic Research and Reforms, Senior Research Fellow,*  
**Rabia HAN,**  
*Indiana University Bloomington, PhD candidate*

**Abstract.** *The study focuses on a deeper understanding of the intersectional approach. The authors evaluate the concepts of migration in Central Asia and the living experience of migrant women from an intersectional perspective.*

**Keywords:** *intersectional theory, migration, gender, Central Asia*

**Кирриш.** Миграция Марказий Осиё тадқиқотларида долзарб масала ҳисобланади. Ҳар йили миллионлаб марказий осиеликлар турли мамлакатларга иқтисодий, ижтимоий ёки сиёсий сабаблар туфайли кўчиб кетадилар. Миграциянинг янги иқтисодий назариясига кўра, қарор қабул қилишда нафақат кутилаётган даромадни кўпайтириш, балки хавф-хатарни камайтириш, миграция харажатларини пасайтириш муҳим омил ҳисобланади [1]. Россия Федерацияси марказий осиеликлар учун нисбатан арзон йўл харажатлари, визасиз режим туфайли камхарж миграция йўналишига айланган. 2016 йилда рус миграция хизматлари томонидан ишлаш мақсадида рўйхатдан ўтган марказий осиеликлар сони 2,7 миллион нафар бўлса, 2021 йилда 8 миллион кишига етган [2]. Мазкур мигрантлар томонидан 2021 йилда Россиядан Ўзбекистонга жўнатилган пул ўтказмалари 5,5 миллиард АҚШ доллари, Қирғизистон ва Тожикистонга жўнатилган пул ўтказмалари эса мос равишда 2,1 ва 1,8 миллиард долларни ташкил қилган [3]. Россияга дастлаб мавсумий ва циклик миграция кузатилган бўлса, сўнгги йилларда оилавий ва узоқ муддатли миграция тенденциялари қайд этилган. Шунингдек, мигрант профилларида ҳам ўзгариш кузатилиб, мигрант хотин-қизлар сони ҳам ортмоқда. Норасмий ишлаётган марказий осиелик хотин-қизлар кўпинча маргиналлашган гуруҳ сифатида умумий сўровномаларда акс этмайдилар ёки тўлиқ ифодаланмайдилар [4].

Мазкур мақолани ёзишдан мақсад – ўзбек тилида интерсекционал ёндашув тўғрисида адабиёт яратиш ва ушбу ёндашувдан миграция тадқиқотларида фойдаланишга урғу беришдан иборатдир. Биздаги маълумотларга кўра, ўзбек тилида интерсекционаллик (*дискриминациялар кесишуви*) билан боғлиқ илмий адабиёт мавжуд эмас. Шунингдек, мигрант хотин-қизлар қабул қилувчи мамлакатларда ҳам синфи (*мигрантлик*), ҳам жинси нуктаи назаридан муаммоларга дуч келадилар. Шу маънода миграция тадқиқотларида интерсекционаллик назариясидан фойдаланиш масалани кенг қамровли ёритиш ва мигрантларнинг муаммоларини тизимли ўрганиш имконини беради. Мақоланинг биринчи қисмида интерсекционаллик (*дискриминациялар кесишуви*) тушунчаси ва унинг аҳамияти, иккинчи қисмида эса Марказий Осиёдан миграция тадқиқотларида дискриминациялар кесишувини қўллаш сабаблари ёритилган.

**Интерсекционаллик (*дискриминациялар кесишуви*) моҳияти ва келиб чиқиш тарихи**

Интерсекционаллик (*дискриминациялар кесишуви*) гуруҳ ёки шахсларнинг ижтимоий ва сиёсий мавқеига таъсир қиладиган ирқ, синф, жинс ва бошқаларга асосланган тизимли зулм ёки имтиёزلарни тушунтиришга ёрдам беради. Дискриминациялар кесишуви ҳақида Патриция Ҳилл

Коллинз ва Сирма Билге қуйидаги таърифни беради: “Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни камдан-кам ҳолларда бир омил шакллантирган, деб тушуниш мумкин. Улар, одатда, турли хил ва ўзаро таъсир қилувчи кўплаб омиллар томонидан шакллантирилади. Ижтимоий тенгсизлик ҳақида гап кетганда, маълум бир жамиятда инсонларнинг ҳаёти ва ҳокимиятнинг ташкил этилиши ижтимоий бўлишининг бир ўлчовли эмас, балки ирқ, жинс ёки синф орқали, биргаликда ишлайдиган ва таъсир қилувчи кўплаб омиллар орқали шакллантирилиши тушунилади. Дискриминациялар кесишуви таҳлилий восита сифатида инсон ва дунёнинг мураккаблигини яхшироқ англаш имконини беради” [5].

Шу маънода дискриминациялар кесишувини дунё, инсон ва тажрибалардаги мураккабликни тушуниш ва таҳлил қилиш усули сифатида талқин қилиш мумкин.

Дискриминациялар кесишуви илк марта Кимберли Креншоу томонидан америкалик қора танли аёлларга нисбатан қўлланилган кўп ўлчовли зулмни кўрсатиш учун илгари сурилган. Креншоу қора танли аёлларнинг ҳаёти ва тажрибаларини ёритиш учун бир ўлчовли ёндашув етарли эмаслигини таъкидлайди. Қора танли аёллар ҳам ирқий, ҳам жинсий камситишларга дуч келганликлари сабабли, уларга нисбатан зулмни “мавжуд қабул қилинган таҳлилий тузилма доирасида” етарлича таҳлил қилиш имконияти мавжуд эмас [6]. Шу маънода қора танли аёлларнинг муаммоларини дискриминациялар кесишуви ёндашуви асосида ёритиш мақсадга мувофиқ.

Креншоу дискриминациялар кесишувини DeGraffenreid ва General Motors ўртасидаги маҳкама можароси орқали тушунтирган. Беш нафар қора танли аёл турғунлик даврида иш стажига қараб ишдан бўшатишга бўлиб, ишини йўқотган аёллар General Motorsни судга берган. Суд бу компанияда 1964 йилгача оқ танли аёллар ишлагани учун гендер тенгсизлиги ва қора танли эркаклар ишлагани учун ирқий тенгсизлик мавжуд эмаслиги қарорига келиб, ишни рад этади. Лекин Креншоу суднинг бу иш бўйича бир ўлчовли ёндашувини танқид қилиб, қора танли аёллар жинси ва ирқи бўйича икки томонлама камситишга дуч келганликларини даъво қилади. Шунинг учун жинсий ва ирқий камситишни иккита алоҳида тоифада баҳолаш мумкин эмаслигини илгари суради [7].

Креншоуга кўра, дискриминациялар кесишувининг уч тури мавжуд: таркибий, сиёсий ва вакиллик кесишуви [8]. Таркибий дискриминациялар кесишуви турли тузилмаларнинг бирлашиши натижасида мураккаб ва кўп ўлчовли зулмни пайдо бўлишини тушунтиради. Мазкур ҳолатни зўравонликка учраган (мигрант) аёллар тажрибаси мисолида кўриш мумкин. Мигрант аёллар зўравонликка дучор бўлганларида, асосан, қонуний сабаблар туфайли (*депортация бўлиши эҳтимоллиги*) бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар беришмайди. Мигрант аёллар уйдан чиқа олмаслиги, телефонда алоҳида гаплашадиган жойнинг йўқлиги, маданий сабаблар, хорижий тил бўйича тўсиқлар туфайли зўравонлик ҳақида хабар бера олмаслиги мумкин. Ҳар бир тўсиқ улар учун бошқа тизимли муаммоларни келтириб чиқаради [9].

Қора танли аёлларга нисбатан ирқчилик билан қора танли эркакларники фарқ қилади. Қора танли аёлларга нисбатан жинсий камситиш оқ танли аёлларга нисбатан жинсий камситишдан фарқ қилади. Ирқчиликка қарши сиёсий тартибнинг “асосий бенефициарлари” қора танли эркаклар ҳисобланса, гендер масаласида оқ танли аёллар сиёсий аренага чиқади. Ирқчилик ва чекланган феминизм сиёсати қора танли аёллар муаммоларини тўлиқ қамраб олмайди. Сиёсий дискриминациялар кесишуви ушбу масалани ёритади [10].

Олимлар ирқий ва гендер иерархиясини кўпайтиришда вакилликнинг аҳамиятига урғу бермоқдалар. Оммавий ахборот воситаларида қора танли аёлларнинг сексист ва ирқчи маргиналланиши кузатилади. Аёлларнинг кадрсизланишини маданий тасвирларда акс эттиришда қора танли аёллар тасвиридан фойдаланишади. Вакилий дискриминациялар кесишуви ирқ ва жинсга оид кенг тарқалган ҳолатларнинг уйғунлиги орқали ирқчилик ва жинсий вакилликнинг замонавий танқидлари қора танли аёлларнинг маргиналлашини тушунтиради [11].

Женифер Нэш дискриминациялар кесишувининг “институционал интеллектуал лойиҳа”га айланганлигини таъкидлайди [12]. Дискриминациялар кесишуви фақат қора танли аёллар учун ёки ирқ ва жинс нуқтаи назаридан таҳлил қилишнигина қамраб олмасдан, балки бошқа ижтимоий-иқтисодий мавзуларга ҳам қўллаш имкониятини беради. Шу жумладан, марказий осиелик мигрантлар тажрибасида дискриминациялар кесишуви ёндашувини қўллаш миграция тадқиқотларини бойитади.

### **Миграция ва интерсекционаллик**

Миграция тадқиқотларига узоқ вақт давомида гендер нуқтаи назаридан ёндашув эътибордан четда қолган. 1970 йилларгача эркаклар иқтисодий ёки асосий мигрант, аёллар эса одатда биргаликда кўчиб келган мигрант сифатида адабиётларга киритилган [3]. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда мигрант хотин-қизларнинг сони эркак мигрантларга нисбатан ортиши, мазкур мамлакатларда хотин-

қизлар учун хос бўлган иш жойларида талабнинг ортиши, хотин-қизларнинг индивидуал равишда миграцияга мойиллиги масаланинг долзарблигини кўрсатади. 1980 йиллардан бошлаб мигрант хотин-қизларнинг миграция бўйича қарор қабул қилиши, миграция жараёнида дуч келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар бўйича тадқиқотлар пайдо бўлди [14].

Марказий Осиёликларнинг асосий йўналишига айланган Россиядаги мигрант аёлларнинг тажрибасини дискриминациялар кесишуви асосида таҳлил қиламиз. 1-жадвалда Россиядаги марказий осиелик меҳнат мигрантлари сони ҳақида маълумот берилган. 2016-2021 йилларда жами меҳнат мигрантлари 3,8 баравар ортгани кузатилган.

**1-жадвал.**

**Россияга ишлаш мақсадида келганларнинг йилларга кўра сони**

Мамлакат/йил	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Қозоғистон	71 600	88 202	111 464	100 922	60 461	163 938
Қирғизистон	361 875	376 863	351 959	331 655	190 312	884 133
Туркменистон	2 085	1 951	2 779	3 369	3 906	7 880
Тожикистон	837 695	936 752	1 018 497	930 323	507 255	2 439 198
Ўзбекистон	1 433 557	1 822 933	2 007 407	1 688 866	1 011 028	4 519 618

**Манба.** Россия Ички Ишлар Вазирлиги миграция маълумотлари

Маҳаллий аҳоли томонидан марказий осиелик мигрантларга Беларус ва Украин каби славян давлатларидан келган мигрантларга нисбатан салбий муносабат кузатилади. Гарчи жинсидан қатъи назар марказий осиелик мигрантлар Россияда қийинчиликларга дуч келса-да, гендер тенгсизлиги миграция мақомига хос қийинчиликлар пайдо қилганлиги боис аёллар қийин аҳволга тушиш эҳтимоллиги ортади [15]. Шунингдек, вакиллик дискриминациялар кесишуви сифатида Россия оммавий ахборот воситаларида марказий осиелик аёлларни ўз фарзандларини ташлаб кетаётган қиёфасида тасвирлаш кузатилади. Мигрант аёллар фарзандлари учун нафақа олиш мақсадида Россияга келиб, қийинчиликларга дуч келганда уларни ташлаб кетади, деган таассурот пайдо қилади [16]. Баъзи тадқиқотларда эса, соғлиқни сақлаш ходимларининг марказий осиелик мигрант хотин-қизларга мақоми нуқтаи назаридан салбий муносабатларида маданий, ижтимоий ва гендер меъёрлари мавжудлиги таъкидланган [17]. Шунга қарамай, Россиядаги марказий осиелик мигрантларнинг иқтисодий, маданий ва жисмоний хавфсизлиги ўрганилганида, қирғиз мигрант аёллари эркақларига нисбатан ўзларини маданий жиҳатдан хавфсизроқ эканлигини қайд этишган [18].

Халқаро мигрантлар меҳнати бозорининг талаб ва таклиф нуқтаи назаридан сегментлашганлиги миграцияда дискриминациялар кесишуви таҳлили нафақат жинс, этник келиб чиқиш ва синф, балки ёши ва оилавий аҳволини ҳам эътиборга олиш заруриятини пайдо қилади. Теке Ллойднинг таъкидлашича, чет элда ишлашга келган ёш қизларнинг номуси ва шаъни сўроқ қилинади, лекин турмушга чиққан, бева ёки ажрашган аёллар миграция бўйича қарорлар қабул қилишда кўпроқ эркинликка эга [19]. Лекин миграция бўйича қарорлар ўзбекистонлик аёллар томонидан индивидуал тарзда эмас, балки қариндошлар, одатда оила ёки уй хўжаликлари бошлиғи томонидан қабул қилинади [20]. Кўпчилик мигрант аёлларнинг нафақат маҳаллий аҳоли, балки ҳамюрт эркақлар томонидан ҳам камситилишлари кузатилади.

**Хулоса ва таклифлар**

Мазкур мақола мигрант хотин-қизлар бўйича тадқиқотларга концептуал ёндашувни тақдим этиш орқали илмий адабиётда қуйидаги бўшлиқни тўлдиради: биринчидан, миграция тадқиқотларида турлича ёндашувлар мавжуд бўлсада, мигрант хотин-қизлар масаласини дискриминациялар кесишуви ёндашуви орқали таҳлил қилишга урғу берган. Хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеи ва миграция ўртасидаги муносабатларга урғу бериш уларнинг мигрант сифатидаги ҳаётини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Иккинчидан, турли маданий ва ижтимоий контекстларда мигрант хотин-қизларнинг қийинчиликлари ёки муаммоларни вужудга келтирувчи бўйича омилларни қамраб олувчи кўп ўлчовли тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини очиқ берган. Ушбу ёндашув асосида марказий осиелик мигрантлар ҳаётининг фарқли томонларини аниқлаш орқали келажакдаги тадқиқотлар учун асос яратиш мумкин. Бу тадқиқотлар марказий осиелик мигрант хотин-қизларларнинг мигрантлар ҳуқуқидан эркақлар билан тенг фойдаланиш имкониятига эга ёки эга эмаслигига ойдинлик киритади.

Юқорида ҳолатлар юзасидан қуйидаги хулоса ва тавсиялар шакллантирилди:

- *миграция соҳасида гендер, мақом ва ижтимоий келиб чиқиш билан боғлиқликларни эмпирик жиҳатдан қайта кўриб чиқиш;*

- мигрант аёлларнинг миграция бўйича қарор қабул қилиши, мигрант қабул қилувчи жамият ва ҳамюртлари томонидан ёшга доир муносабатлар натижасидан келиб чиққан ҳолда, дискриминациялар кесишувининг асосий тадқиқот мавзуси сифатида миграция тадқиқотларида ёшни асосий категория сифатида белгилаш;

- миграция тадқиқотларида “этник” ва “маргиналлаштирилган” гуруҳларни қолиплаштирилган концептуал чекловларсиз яхшироқ тушунишга имконият бериши.

Умуман олганда, дискриминациялар кесишуви соҳадаги илмий бўшлиқни тўлдириб, миграция жараёнининг эътибордан четда қолган жиҳатларини ҳам очиб беради. Келажакдаги тадқиқотларда мигрант хотин-қизларга нисбатан кўп ўлчовли ёндашувни ирк, жинс, дин, ёш, мақоми жиҳатидан қўллаш мақсадга мувофиқ. Бу орқали Марказий Осиё каби мигрант жўнатувчи минтақада мигрантларнинг ҳаёти кенгроқ ёритилади.

## **Манбалар ва адабиётлар**

1. Douglas S. Massey et al., ‘Theories of International Migration: A Review and Appraisal’, *Population and Development Review* 19, no. 3 (1993): 431–66, <https://doi.org/10.2307/2938462>.
2. Россия Федерациясида миграция ҳолати бўйича статистик маълумотлар <https://xn--b1aew.xn--p1ai/dejatelnost/statistics/migracionnaya/item/9359228/>
3. Россия Марказий Банкнинг трансчегравий пул ўтказмалари маълумотлари [http://www.cbr.ru/statistics/macro\\_itm/svs/tgo\\_obz/crossborder\\_ind\\_2021/#highlight=%D0%BF%D0%B5%D1%80%D0%B5%D0%B2%D0%BE%D0%B4%D1%8B%7C%D0%BF%D0%B5%D1%80%D0%B5%D0%B2%D0%BE%D0%B4%D0%BE%D0%B2](http://www.cbr.ru/statistics/macro_itm/svs/tgo_obz/crossborder_ind_2021/#highlight=%D0%BF%D0%B5%D1%80%D0%B5%D0%B2%D0%BE%D0%B4%D1%8B%7C%D0%BF%D0%B5%D1%80%D0%B5%D0%B2%D0%BE%D0%B4%D0%BE%D0%B2)
4. Victor Agadjanian and Natalya Zotova, ‘Sampling and Surveying Hard-to-Reach Populations for Demographic Research: A Study of Female Labor Migrants in Moscow, Russia’, *Demographic Research* 26 (2012): 131–50.
5. Patricia Hill Collins, and Sirma Bilge. *Intersectionality*. Cambridge, UK: Polity Press, 2016.”
6. Kimberlé Crenshaw, ‘Demarginalizing the Intersection of Race and Sex: A Black Feminist Critique of Antidiscrimination Doctrine, Feminist Theory and Antiracist Politics’, in *Feminist Legal Theories* (Routledge, 2013), 23–51.
7. Crenshaw, *Demarginalising*, 29.
8. Kimberlé Williams Crenshaw, ‘Mapping the Margins: Intersectionality, Identity Politics, and Violence against Women of Color’, in *The Public Nature of Private Violence* (Routledge, 2013), 93–118.
9. Crenshaw, *Mapping*, 1248-1250.
10. Crenshaw, *Mapping*, 1269,1270.
11. Crenshaw, ‘Mapping the Margins’.1290
12. Jennifer C. Nash, ‘Re-Thinking Intersectionality’, *Feminist Review* 89, no. 1 (2008): 1–15.
13. Jorge Balan, ‘Why People Move: Comparative Perspectives on the Dynamics of Internal Migration’, 1981.
14. Anjali Fleury, ‘Understanding Women and Migration: A Literature Review’, Washington, DC, 2016, 55; Shawn Malia Kanaiaupuni, ‘Reframing the Migration Question: An Analysis of Men, Women, and Gender in Mexico’, *Social Forces* 78, no. 4 (2000): 1311–47, <https://doi.org/10.2307/3006176>.Anjali Fleury, ‘Understanding Women and Migration: A Literature Review’, Washington, DC, 2016, 55.
15. Olga Kornienko et al., ‘Financial and Emotional Support in Close Personal Ties among Central Asian Migrant Women in Russia’, *Social Networks*, *The missing link: Social network analysis in migration and transnationalism*, 53 (1 May 2018): 125–35, <https://doi.org/10.1016/j.socnet.2017.04.006>.
16. Sherzod Eraliev and Anna-Liisa Heusala, ‘Central Asian Female Migrants’ Transnational Social Spaces: Straddling Illegality and Tradition’, in *Labour, Mobility and Informal Practices in Russia, Central Asia and Eastern Europe* (Routledge, 2021), 114–32.
17. Elizabeth J. King, Victoria I. Dudina, and Svetlana Dubrovskaya, “‘You Feel Sick, You Get Sick, You Still Keep Going’: Central Asian Female Labour Migrants’ Health in Russia’, *Global Public Health* 15, no. 4 (2 April 2020): 544–57, <https://doi.org/10.1080/17441692.2019.1701060>.
18. Svetlana Gurieva, Kristi Kõiv, and Olga Tararukhina, ‘Migration and Adaptation as Indicators of Social Mobility Migrants’, *Behavioral Sciences* 10, no. 1 (2020): 30.
19. Fatma Armagan Teke Lloyd, ‘Intersectional Power Dynamics and Extended Households: Elderly and Widowed Women’s International Migration from Armenia’, *Gender, Place & Culture* 26, no. 3(2019):362-83.
20. Massey et al., ‘Theories of International Migration’.



## ИШСИЗЛИК: НАЗАРИЙ АСОСЛАР, ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА ТАКЛИФЛАР

**Мухаббат АХМЕДОВА,**  
*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),  
Прогнозлаштириши ва макроиқтисодий  
тадқиқотлар институтининг Инсон капитали  
омилларини таҳлил қилиши ва  
прогнозлаш бўйича гуруҳ раҳбари*

**Аннотация:** мақолада ишсизлик, унинг назарий асослари, ҳисоблаш усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистон меҳнат бозоридаги ишсизлар сони бўйича ва жаҳондаги ишсизлик бўйича маълумотлар келтирилган. Мақола сўнгида юртимизда ишсизликни камайтириши бўйича чора-тадбирлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** ишсизлик, назария, методология, ишсизлик даражаси, бандлик.

## БЕЗРАБОТИЦА: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ, МЕТОДЫ РАСЧЕТА, ТЕНДЕНЦИИ И ПРЕДЛОЖЕНИЯ

**Мухаббат АХМЕДОВА,**  
*PhD (по экономическим наукам),  
Руководитель группы по анализу и  
прогнозированию факторов человеческого  
капитала Института прогнозирования и  
макроэкономических исследований*

**Аннотация:** статья содержит информацию о безработице, ее теоретических основах, методах расчета. Также сегодня представлена информация о количестве безработных на рынке труда Узбекистана и о безработице в мире. В конце статьи приведены меры по снижению безработицы в нашей стране.

**Ключевые слова:** безработица, теория, методология, уровень безработицы, занятость.

## UNEMPLOYMENT: THEORETICAL FOUNDATIONS, CALCULATION METHODS, TRENDS AND PROPOSALS

**Mukhabbat AKHMEDOVA,**  
*PhD (in economics),  
supervisor Group for Analysis and Forecasting of  
Human Capital Factors of the Institute  
of Forecasting and Macroeconomic Research*

**Abstract:** the article contains information about unemployment, its theoretical foundations and calculation methods. Also, information on the number of unemployed people in the labor market of Uzbekistan and on unemployment in the world is presented today. At the end of the article, measures to reduce unemployment in our country are given.

**Keywords:** unemployment, theory, methodology, unemployment rate, employment.

**Ишсизлик** – бир қисм иқтисодий фаол аҳолининг ўзига лойиқ иш топа олмасдан қолиши ва меҳнат захирасига айланишидир<sup>1</sup>. Ўзбекистонда Ишсизлик тушунчаси расман 1992 йилда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши билан меъёрий кучга эга бўлди. Ишсизлик асосан икки турга бўлинади – мажбурий ва табиий:

**мажбурий**, унда киши ишлашга тайёр, у фаол иш қидиради, лекин ишга жойлашиш имконияти йўқ. Ушбу ишсизлик – циклик ва мавсумий турларини ўз ичига олади.

**табиий**, иқтисодиёт тармоқлари ўзгарганда, фан-техника тараққиёти туфайли айрим ихтисосликларга талаб йўқолиб бориши натижасида пайдо бўлувчи **ишсизлик**.

---

<sup>1</sup> Муаллиф ёндошуви

**Назарий ёндашувлар.** Иқтисодиёт фанида мавжуд бандлик концепцияларига асосланиб, ишсизлик сабабларини тушунтириш учун қуйидаги ёндашувларни ажратиш мумкин:

- 1) аҳолининг кўплиги (**малтусизм**);
- 2) капиталнинг органик таркиби ўсиши (**марксизм**);
- 3) иш ҳақининг юқори даражаси (**классиклар, неоклассиклар**);
- 4) ялпи талабнинг етарли эмаслиги (**кейнсчилик**);
- 5) меҳнат бозорининг мослашувчан эмаслиги, унинг иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга тез жавоб бера олмаслиги (**монетаризм**).

Амалиётда ишсизликнинг неоклассик ва кейнс назарияларига мос келувчи сабаблари кенг тарқалган. Ғарбдаги кўплаб иқтисодчилар ишсизликнинг ўсишини иш ҳақининг меҳнат бозоридан мувозанатни таъминлаш учун етарли даражада мослашувчан эмаслиги билан боғлайди. Мажбурий ва табиий ишсизлик икки хил бўлиб, улар ўз навбатида бошқа гуруҳларга бўлинади.

Ишсизлик ва бандлик муаммоси саноат капитали давридан бошлаб пайдо бўлди. Лекин иқтисодий назарияда бирор вазиятга айнан мос келувчи ишсизликнинг ягона талқинини ишлаб чиқилмаган. Ушбу ҳодисани тушунтириш учун турли хил концептуал ёндашувлар мавжуд. Дастлаб, ишсизликни соф демографик омиллар билан изоҳлашга ҳаракат қилинган. Инглиз руҳоний-иқтисодчиси Т.Малтус ишсизлик аҳолининг ўсиш суръати ишлаб чиқариш ўсиш суръатларидан ошиб кетиши натижасида юзага келади, деб таъкидлаган.

Ишсизлик, **марксистик назарияга** кўра, нафақат капиталнинг органик таркиби ўсишининг муқаррар оқибати, капитални жамғаришнинг натижаси, балки капиталистик ишлаб чиқариш зарурати, капитал жамғариш самарадорлигининг зарур шarti ҳамдир. Яъни, жамғарилган капитал самарадорлиги учун жамиятда маълум миқдордаги ишсизлар бўлиши зарур.

Америкалик олим **Э.Фелпс ишсизликнинг табиий даражаси** ҳақидаги гипотезани шакллантирган. Бу гипотезанинг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир иқтисодиёт табиий ёки мувозанатли бандлик даражасига эга бўлиб, бу ҳолат шахсларнинг иш ҳақи ва нархларнинг ўзгариши билан боғлиқ. Ҳукуматнинг экспоненциал фискал ва пул-кредит сиёсати орқали **ишсизлик даражасини** ушбу мувозанат даражасидан **пастга туширишга** қаратилган ҳар қандай уринишлари иш ҳақи ва нархларнинг ошишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, **инфляцияни оширади**. Ушбу жараён ишсизлик даражаси табиий кўрсаткичга қайтганида тўхтади. Ушбу ишсизлик – ихтиёрий, таркибий, институционал, фрикцион, барқарор бўлмаган ва маргинал ишсизлик турларини ўз ичига олади.

**Люис** модели нисбатан қашшоқ мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан қандай ривожланиши мумкинлигини тушуниш учун асос яратишга интилади. Камбағал мамлакатларнинг умумий хусусиятларидан бири шундаки, уларнинг иқтисодиёти асосан ишчи кучи таклифи жуда катта бўлган "натурал сектор"дан иборат ва ҳар бир ишчи кучига инвестиция қилинган капитал миқдори жуда паст, деган тахмин билан бошланади. Люис модели ривожланаётган иқтисодиётда тобора ошиб борадиган ортиқча ишчи кучидан фойдаланиш, янги "капиталистик сектор" нинг ўсишига имконият яратишини тавсифлайди. Вақт ўтиши билан бу капиталистик сектор натурал хўжалик секторидан ўзиб кетиши тахмин қилинади, бу эса бутун иқтисодиётнинг ўсишига олиб келади.

Барча иқтисодий назариялар сингари, **Люис** модели ўз далилларини исботлаш учун оддий тахминларга таянади. Шунинг учун, бу модель ҳеч қачон ҳақиқатга тўлиқ мос келмайди. Бироқ, ривожланаётган мамлакатлар қашшоқликдан қандай қутулиши ва бойлик яратиши мумкинлиги билан кизиққан иқтисодчилар томонидан кенг қўлланилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида маълум даражадаги ишсизликнинг мавжудлиги **табиий** ҳодиса ҳисобланиб, бир қатор иқтисодчилар томонидан мобил меҳнат бозори белгиси сифатида баҳоланади. Америкалик иқтисодчи, монетаризм мактабининг асосчиси **М.Фридман** ишсизликнинг фрикцион ва структуравий шакллари **табиий ишсизликнинг** бир концепциясига бирлаштирган. Гарчи бу ишсизликнинг турли шакллари бўлса-да, улар талаб, ишлаб чиқариш ҳажми, фоиз ставкаси, инфляция каби макроиқтисодий омилларга боғлиқ эмас ва меҳнат бозорининг талаб ва таклиф ўзгаришига кечиккан реакцияси билан боғлиқ. Иқтисодиётда ишсизликнинг қандайдир барқарор даражаси доим мавжуд бўлади, маълум циклик турғунлик ва ривожланиш вақтларида кўтарилади ва пасаяди. Ўз навбатида иқтисодиёт учун амартизация вазифасини ҳам ўтайди. Ишсизлик бозор иқтисодиёти шароитида ишчи кучидан самарали фойдаланиш, иқтисодиётни муваффақиятли ривожлантириш учун зарур бўлган ишчи кучининг оптимал захирасидир. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси асосий капиталдан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини акс эттирганидек, ишсизликнинг табиий даражаси ҳам ишчи кучидан фойдаланишнинг иқтисодий фойдали даражасини, оптимал бандликни акс эттиради.

**М. Тодаро ва Ж. Ҳаррислар (Тодаро-Ҳаррис модели 1970)** нима учун ривожланаётган мамлакатларда шаҳарларда ишсизлик ортиб бораётганига қарамай, қишлоқ аҳолисининг шаҳар марказларига кўчишга интилиш сабабларини аниқлаб берувчи **мантқиқий моделни** ишлаб чиқдилар. Муаллифларнинг таъкидлашича, токи кўчиб бориладиган ҳудуд (шаҳар) ва жўнаб кетиладиган ҳудуд (қишлоқ)лардаги иш ҳақи даражаси ўртасидаги фарқ ишсиз қолиш хавфидан "юқори" бўлиб қолар экан, миграция оқими давом этади. Кейинчалик Тодаро-Ҳаррис моделига аниқликлар киритилди ва такомиллаштирилди, ҳамда у янада реал ҳолатга мослашди (Тодаро ва Маруско 1987; Счифф 1994). Таҳлил ишсизлик хавфидан ташқари, эҳтимоли бўлган харажатлар нуктаи назаридан миграция қарорига таъсир кўрсатадиган бошқа омилларни ҳам ўз ичига олди, масалан, кўчиб ўтиш ва ишга жойлашгунча бўлган яшаш харажатлари, қариндошлардан, ўрганилган ижтимоий муҳитдан ажралиш билан боғлиқ "психологик харажатлари" ва бошқалар.

Моделда мувозанат шаҳар ҳудудида қутилган иш ҳақи (ишсизлик даражасига мослаштирилган ҳақиқий иш ҳақи) қишлоқ хўжалиги ишчисининг маржинал маҳсулотига тенг бўлганда эришилади. Шу билан бирга, қишлоқдаги ишлаб чиқариш ва ундан кейинги меҳнат бозори мукамал рақобатбардош эканлиги ҳам тахмин қилинади. Натижада, қишлоқ жойлардаги қишлоқ хўжалигининг иш ҳақи қишлоқ хўжалигининг маржинал маҳсулдорлигига тенг. Мувозанат ҳолатида қишлоқдан шаҳарга миграция даражаси нолга тенг бўлади, чунки қишлоқда қутилаётган даромад шаҳарда қутилаётган даромадга тенг. Бироқ, бундай мувозанат ҳолатда шаҳар секторида ижобий ишсизлик мавжуд бўлади. Модел Хитойдаги ички миграциянинг сабабини изоҳлайди. Минтақавий даромадлар орасидаги фарқ қишлоқдан шаҳарга миграциянинг асосий омили эканлиги исботланган ва шаҳардаги ишсизлик кўплаб шаҳарлар маҳаллий ҳукуматининг асосий муаммоси ҳисобланади.

#### **Ишсизликнинг чегаравий қийматлари.**

*Маълумот учун: М.Фридман ва Эдмунд Фелпсларнинг фикрича, табиий ишсизлик даражаси ишчи кучининг 5-7% ни ташкил қилади. Халқаро меҳнат ташкилоти бўйича ишсизликнинг табиий даражаси 4-6% оралиғидаги қийматлар ҳисобланади.*

**Ишсизликнинг табиий даражаси** ишсизликнинг оптимал меъёри сифатида белгиланади. Ушбу меъёр доираси **жамиятда ва иқтисодиётда барқарор ўсиш ва самарадорликни** таъминлайди. **Ишсизликнинг табиий даражаси иқтисодиётни инфляциядан сақлайди.** Яратилаётган иш ўринларининг ўсиш суръатлари паст бўлгандаги **табиий ишсизлик** (чекланган иш ўринлари) **ишчи кучи рақобатбардошлигининг ўсишини рағбатлантиради.**

Ишсизликнинг паст ва айниқса нолга яқин кўрсаткичлари мамлакат ривожига зарар етказиши, чунки бундай ҳолда меҳнат бозорида рақобат йўқолади ва натижада иш сифати пасайиб боради. Шунингдек, ишсизликнинг жуда паст даражаси иш ҳақининг ошишига ва натижада инфляцияга олиб келади, бу эса келажакда юқори фоиз ставкаларини келтириб чиқаради.

**10-12%** лик ишсизлик даражаси унинг юқори даражасидан далолат беради ва иқтисодиётга жуда кучли салбий таъсир кўрсатади.

**Ишсизларни ҳисобга олиш методологияси.** Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) методологиясига кўра, ишсизларга маълум муддат ишсиз бўлган, ишлашга лаёқатли ва иш топишга ҳаракат қилаётган, лекин топа олмайдиган шахслар киради. Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларнинг халқаро қиёсланишини таъминлаш учун 15 ёшдан ошган барча шахсларни меҳнатга лаёқатли деб таснифлашни тавсия этади.

***Ишсизлик даражаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади: ишсизлик даражаси = (ишсизлар сони / ишчи кучи сони) \* 100%. Бунда ишчи кучи = бандлар сони + ишсизлар сони.***

*Маълумот учун: Қозғистонда бу кўрсаткич 4,9 фоизни, Озарбайжонда – 6,0 фоизни, Россияда – 3,9 фоизни, Кореяда – 2,9 фоизни, Германияда – 5,4 фоизни, Тожикистонда 7,5 фоизни, Туркияда 10 фоизни ташкил қилади.*

Уй хўжалиқларининг ишчи кучи бўйича сўровлари ишсизлик статистикасининг энг тўлиқ манбаи ҳисобланади. Шунингдек, ишсизларни аниқлаш аҳолини рўйхатга олиш ва расмий ҳисоб-китоблар асосида ҳам аниқланиши мумкин.

**Бутун дунёда ишсизлик ортиб бормоқда.** "Глобал ишсизлик камида 2023 йилгача, яъни пандемиягача бўлган даражадан юқори бўлиши кутилмоқда", дейилади **Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) ҳисоботида.** Шунингдек, ХМТ Бош директори **Гай Райдер** "Инқироз икки йилдан бери давом этмоқда, бироқ прогнозлар ноаниқ, тикланиш суст ва заифлигида қолмоқда" лигини таъкидлайди. Пандемиянинг меҳнат бозорига таъсири дунёнинг барча минтақаларида сезилмоқда, аммо тикланиш суръати ҳамма жойда ҳар хил.

**Россия** иқтисодиёти 2 миллионга яқин иш ўринларини йўқотиши мумкин, бу эса ишсизликнинг жорий йил охирига келиб **4,4 %дан 7,1-7,8 %**гача кўтарилишига олиб келади.

Тадқиқотга кўра, 2023-йилнинг ёзига келиб меҳнат бозори тиклана бошлайди, бироқ иккинчи сценарий узок муддатли таркибий таназзул содир бўлган тақдирда, кейинги бир неча йил ичида ишсизлик даражаси **6,4-6,5** %гача кўтарилиши мумкинлигини кўрсатади. Россия Федерацияси Украинада махсус ҳарбий операция бошлаганидан бери бўш иш ўринлари базаси 122 195 та позицияга қисқариб, 905 448 та позицияга етди. hh.ru сайти бундай хулосага 21-феврал ва 11-мартдаги вакант иш ўринлари эълонлари сонини таққослаб келди. Суғурта компанияси ходимлари, автомобиль бизнеси, кадрлар бўйича мутахассислар ва маъмурий ходимларга бўлган талаб энг кўп зарар кўрди.

**АҚШ**да ишсизлик даражаси 2022 йил январ ойида ўтган ойга нисбатан бир оз кўтарилди, мамлакат Меҳнат департаменти маълумотларига кўра январ ойида бу кўрсаткич декабрдаги 3,9 фоизга нисбатан 4 фоизга ўсди.

**Ўзбекистонда ишсизлар ҳисобини юритиш методологияси.** Халқаро меҳнат ташкилоти тавсиялари асосида ва жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб Ўзбекистонда ишсизлик даражаси **меҳнат ресурслари балансини** ишлаб чиқиш орқали аниқланади.

**Меҳнат ресурслари** — меҳнатга лаёқатли ёшдаги (16 дан пенсия ёшигача) аҳоли ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги меҳнат билан банд бўлган шахслар. **Меҳнат ресурслари баланси** — меҳнат ресурслари сони, расмий ва норасмий банд бўлган фуқаролар, ишсизлар ва иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли кўрсаткичларини акс эттиради.

**Меҳнат ресурслари баланси** Халқаро меҳнат ташкилотининг 2013 йилдаги 19-халқаро конференциясида тасдиқланган тавсияларига асосан ишлаб чиқилган ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрда 1011-сон Қарори билан тасдиқланган методологияга асосан ҳар чоракда ижтимоий сўров асосида ҳисоблаб чиқилади.

Сўровномада ҳар чоракда камида 100 та туман (шаҳар) да 500 та маҳаллада 5 мингта уй хўжалиги ва 30 минг фуқаролар қамраб олинади.

**Ўзбекистон меҳнат бозори тенденциялари.** Ўзбекистон шароитида демографик омиллар ишсизлик даражасига жуда кучли таъсир кўрсатади. Ҳар йили республика аҳолиси ўртача **600 минг кишига** кўпаймоқда. Ўзбекистоннинг ўзига хос демографик хусусияти меҳнатга лаёқатли аҳолининг юқори улуши (ва шунга мос равишда сони)дир. Ҳар йили меҳнат бозорига **500-600 мингта** яқин ёшлар кириб келади. Мамлакатда ҳар йили **1,5 миллиондан** ортиқ киши иш билан таъминланиши керак, уларнинг ярмини 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Ишчи кучи таклифи талабдан **1,2 баравар** юқори.

**Ишга жойлашишга мухтож шахслар сони 1 326,6 минг** кишини ташкил этади, **ишсизлик даражаси** иқтисодий фаол аҳолига нисбатан **8,8 %ни** ташкил этади (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **0,9 %га** камайган).

**16-30 ёшгача бўлганлар орасида ишсизлик даражаси 14,5%, аёллар орасида эса 12,8 %ни** ташкил этади.

Худудлар бўйича ишсизликнинг энг паст кўрсаткичи Тошкент шаҳрида **6,5%ни**, Навоийда **8,1%ни**, Тошкент вилоятида **8,7%ни** ташкил этади. Республикада энг юқори кўрсаткич Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида (**9,3 фоиз**) кузатилади.

**Бўш иш ўринларининг 96,9 мингтаси** (37,0%) давлат ташкилотлари, **165,2 мингтаси** (63,0%) хусусий сектор субъектлари ҳисобига тўғри келади.

Бўш иш ўрнига қўйилган минимал талаблар - **128,2 мингтаси** олий (49%), **109 мингтаси** (41,7%) ўрта махсус маълумотли кадрларга талаб қўйилган бўлса, **23,1 мингтаси** (9,3%) махсус маълумот талаб қилмайдиган бўш иш ўринларини ташкил этади.

Мамлакатимиз меҳнат бозорида танглик даражаси, яъни мавжуд битта бўш иш ўрнига ишсизлар нисбати кўрсаткичи ўртача **5,1 нафарни ташкил этади** (жаҳон классификацияси бўйича танглик даражаси **2-4 киши** мўътадил, **4-6 киши** – ўртача, **6 кишидан юқори** – салбий ҳисобланади).

Маълумот учун. Бу кўрсаткич Россияда 1,7 киши, Германияда 2 киши, Тожикистонда 4,8 киши, Туркияда 5,3 киши.

**Таклифлар.** Ҳозирда ишсизлик даражасини аниқлаш методологияси алоҳида танлаб олинган шаҳар ва туманлар кесимида сўровнома орқали меҳнат вазирлиги томонидан амалга ошириш амалиётини қайтадан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Чунки сўровнома натижалари ҳар доим ҳам вилоят ва мамлакатдаги реал ишсизлик даражасини акс эттира олмаслик эҳтимоли мавжуд. Бунинг учун:

1. Расмий ишсизлик даражасини аниқлаш учун масъул қилиб (жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб) давлат статистика қўмитаси белгиланиши лозим;

2. Янги ишлаб чиқилган ишсизликни аниқлаш методологиясини Ўзбекистон шароитида барча маҳаллалар кесимида амалга ошириш, реал ишсизлик даражасини аниқлашда кенг имкониятлар очиб беради;

3. Ишсизлик даражасини аниқлашда уй хўжалигида (томорқа, болаларни тарбиялаш, ўз-ўзини бандлик ва бошқа омиллар) реал банд бўлганларни ҳисобга олиш лозим;

4. Меҳнат миграциясини кўламини кенгайтириш. Бунда қуйидагилар таклиф этилади:

- хорижий мамлакатлар билан дипломатик, хусусан ишчи кучини экспорт қилиш соҳасидаги келишувларни кенгайтириш, меҳнат шартномаларини тузиш ва меҳнат қилаётган муҳожирларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- мактабдан бошлаб хорижий тилларни, айниқса инглиз тилини ўргатишни сифат жиҳатидан яхшилаш. Меҳнат муҳожирлигига жўнаш истагида бўлган кўпсонли фуқароларни инглиз тили курслари билан қамраб олиш, маҳаллаларда инглиз тилини ўргатиш бўйича бепул курсларни ташкил этиш;

- авиачипталарни харид қилишда Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ёрдамида чипта баҳосининг 50 фоизини тўлаш йўли орқали меҳнат муҳожирларига имтиёزلарни тақдим этиш;

- бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги меҳнат муҳожирларини жўнатиш учун муҳим, деб ҳисобланган мамлакатларнинг меҳнат бозорини мунтазам равишда чуқур таҳлил қилиб бориши зарур;

- Ўзбекистондан чиқиб кетаётган меҳнат муҳожирлари ҳақидаги расмий ҳисоботни такомиллаштириш зарур (алоҳида вазирликларнинг рақамларида тафовут мавжуд);

- Европа Иттифоқи мамлакатларига ишга жўнатувчи хусусий бандлик агентликлари учун лицензия олишни соддалаштириш;

5. Бугунги кунда ва истикболда меҳнат бозоридаги талабни аниқлаш методологиясини жорий этиш. Меҳнат бозоридаги талабни аниқлаш бўйича аниқ ҳисобот юритилмаслиги оқибатида, таълим муассасалари ва “Ишга марҳамат” моно-марказлари, касб-хунарга ўқитиш марказлари томонидан тайёрланаётган, талаб паст бўлган мутахассислар сони ошиб кетишига, бу эса ўз навбатида ишсизлик даражасининг айниқса ёшлар орасида кўтарилишига сабаб бўлмоқда.

### **Манба ва адабиётлар**

1. *К.Х.Абдурахманов Экономика труда: теория и практика, 2019 йил, Тошкент.*
2. *Экономическая теория. Учебное пособие. – Тверь: ТвГУ, 2012. – 185 с.*
3. *World Employment and Social Outlook: Trends 2022, ILO.*
4. <https://www.interfax.ru/russia/844514>.

## **МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИССЛЕДОВАНИЯ ВЛИЯНИЯ ДЕМОГРАФИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ НА ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ**

**Луиза АШУРЗОДА,**

*PhD (по экономическим наукам),*

*Ташкентский филиал Российского экономического университета им. Г.В. Плеханова*

*Заместитель декана Факультета Цифровой экономики и финансов*

**Аннотация:** в статье рассматриваются взаимосвязь между выбранными демографическими переменными и основными экономическими переменными. Рассматриваются возможные и прогнозируемые демографические дивиденды, и общий характер воздействия демографического перехода на процессы экономического развития. Используемая методика позволила изучить влияние влияния демографических факторов на экономический рост в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** демография, демографические дивиденды, человеческий капитал, населения, экономический рост, возрастная структура, продолжительность жизни, старение населения, устойчивое развитие.

## DEMOGRAFIK OMILLARNING IQTISODIY O'SISHGA TA'SIRINING METODOLOGIK ASOSLARI

**Luiza ASHURZODA,**

*PhD (iqtisodiyot fanlari bo'yicha),*

*G.V. Plexanov nomidagi Rossiya iqtisodiyot universitetining*

*Toshkent shahridagi filiali.*

*Raqamli iqtisodiyot va moliya fakulteti dekani o'rinbosari*

**Annotatsiya:** *maqolada tanlangan demografik o'zgaruvchilar va asosiy iqtisodiy o'zgaruvchilar o'rtasidagi bog'liqlik ko'rib chiqiladi. Mumkin va prognoz qilinadigan demografik dividendlar va demografik o'tishning iqtisodiy rivojlanish jarayonlariga ta'sirining umumiy xarakteri ko'rib chiqiladi. O'rganilayotgan usul O'zbekiston Respublikasida demografik omillarning iqtisodiy o'sishga ta'sirini o'rganish imkonini beradi.*

**Kalit so'zlar:** *demografiya, demografik dividendlar, inson kapitali, aholi, iqtisodiy o'sish, yosh tarkibi, umr ko'rish davomiyligi, aholining qarishi, barqaror rivojlanish.*

## METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF STUDY OF INFLUENCE OF DEMOGRAPHIC FACTORS ON ECONOMIC GROWTH

**Luiza ASHURZODA,**

*PhD (in economics),*

*Tashkent branch of the Russian Economic*

*University of G.V. Plekhanov*

*Deputy Dean of the Faculty of Digital Economy and Finance*

**Abstract:** *the article examines the relationship between the selected demographic variables and the main economic variables. Possible and projected demographic dividends and the general nature of the impact of the demographic transition on the processes of economic development are considered. Research method allows us to study the influence of demographic factors on economic growth in the Republic of Uzbekistan.*

**Keywords:** *demography, demographic dividends, human capital, population, economic growth, age structure, life expectancy, population aging, sustainable development.*

**Введение.** Есть несколько неоспоримых причин для исследования влияния населения на экономическое развитие - с присущими ему социальными и демографическими характеристиками - с учетом теорий роста. Во-первых, реальный уровень общественного благосостояния ощущается и описывается только через человеческое сознание. Во-вторых, человек со своими потребностями и желаниями создает исходные задачи для общественного производства и принимает непосредственное участие в этом процессе. Таким образом, население страны одновременно играет роль совокупного производителя и потребителя товаров и услуг. Экономическое поведение индивида является причиной и, в то же время, вызвано высшими интересами, которые представлены социальными группами. После столетий относительно медленного и неравномерного роста население мира ещё почти двести лет назад достигло 1 миллиарда человек. До начала первого так называемого демографического перехода было бесчисленное количество рождений и смертей, продолжительность жизни человека была короткой, а население в основном было молодым.

В связи с переходным периодом значительно снизились смертность, а затем и рождаемость. Темпы роста населения ускорились, а затем – неравномерно для развитых стран и стран третьего мира – снова упали, что соответствовало низкой рождаемости, увеличенной продолжительности жизни и довольно старому населению. Во второй половине 20 века общий рост населения ускорился беспрецедентными темпами. Вышеупомянутые глобальные демографические изменения привели к решающим изменениям, изменили как экономический, так и демографический жизненные циклы людей и реструктурировали сообщества. В результате нынешнее население мира превышает 7,7 миллиарда человек, и ожидается, что оно будет расти с постоянной скоростью, по крайней мере, в течение следующих нескольких десятилетий.

Демографические дивиденды не возникают автоматически; их масштаб во многом зависит от качества государственных институтов. Слабые стороны возможных пенсионных программ

(например, неустойчивое увеличение государственных пенсионных пособий или критическое уклонение от уплаты налогов) могут компенсировать многие из потенциальных демографических дивидендов. Например, если большая часть увеличения предложения рабочей силы сосредоточена в неформальном секторе, который не способствует финансированию социального обеспечения, это может вызвать дисбаланс и снижение общественного благосостояния. Наиболее значимые факторы для демографических переменных устойчивого развития представлены как качественными, так и количественными параметрами населения трудоспособного возраста. Но возрастная зависимость - не единственная важная демографическая характеристика. Колебания рождаемости и смертности влияют на среднюю продолжительность жизни и определяют возрастное распределение между слоями населения. Несмотря на то, что увеличение продолжительности жизни взаимосвязано с качеством жизни, оно обычно меняет государственные финансы и потенциально создает налоговое бремя. Качество человеческого капитала зависит от совокупных государственных и частных производственных затрат. Таким образом, модель устойчивого экономического роста должна сочетать в себе параметры, связанные с созданием человеческого и физического капитала.

**Основная часть.** Благодаря огромному количеству существующих доводов были подчеркнуты доказательства значимости сдвигов в возрастной структуре для экономического роста [1]. Концепция демографического дивиденда получила дальнейшее развитие в исследованиях зарубежных ученых [2]. Возрастная структура считалась решающим фактором экономического роста и основной целью прогноза. Бусеккин, де ла Круа и Ликандро [3] определили и эмпирически доказали, что эндогенный экономический рост был вызван накоплением человеческого капитала конкретного поколения. Хотя предпочтительные изменения вероятностей выживания привели к увеличению продолжительности школьного обучения и более позднему выходу на пенсию, их влияние на экономический рост было неоднозначным. Демографические переменные имели значительные среднесрочные экономические эффекты, но численные взаимосвязности в долгосрочном периоде не казались надежными. Козловский и другие ученые [4] указали на сущность управления экономической безопасностью для развивающейся экономики в условиях глобализации. В целом выявлена взаимосвязь между проблемами безопасности и динамикой качества жизни.

Асемоглу и Джонсон [5], Хансен и Лонstrup [6] доказали, что увеличение продолжительности жизни во второй половине 20-го века одновременно снизило темпы роста реального ВВП на душу населения и способствовало росту населения. Этот двойной вывод был основан на том факте, что благодаря медицинским открытиям во многих развитых странах наблюдались высокие темпы роста продолжительности жизни и численности населения, а также низкие темпы роста ВВП на душу населения. Основываясь на эмпирических данных, полученных в западных экономиках за последнее столетие, показана важность демографического перехода как механизма поддержки роста человеческого капитала [7]. Также было исследовано влияние образования на уровень рождаемости и накопление человеческого капитала.

Были сделаны важные выводы относительно формирования человеческого капитала. Используя панельные данные, Пелинеску доказал ценность хорошего образования и гибкой системы обучения для устойчивого экономического роста [8]. Распространение знаний в сфере производства товаров и услуг, творческих индустрий и конкретные усилия по созданию наукоемкой экономики были определены как основные триггеры, ответственные за долгосрочное развитие. Ханушек изучил возможности совершенствования общественного производства на основе высшего образования [9]. Статистически значимых взаимосвязностей между указанными показателями не выявлено. Тем не менее, разумные эффекты обучения не наблюдались. Ахсан и Хак опровергли гипотезу о том, что годы обучения не связаны с экономическим ростом [10]. Согласно их эмпирическому исследованию, решающее влияние образования может быть обнаружено после того, как конкретная экономика превышает пороговый уровень развития.

На экономическое развитие сильно повлиял комплексный эффект приложения человеческого капитала и структурных изменений в наукоемких отраслях. Между тем признак наблюдаемого эффекта зависел от типа экономической модели и анализируемого периода. В течение длительного периода времени (1960-2011 гг.) совокупное влияние взаимодействия человеческого капитала и структурных изменений оказалось положительным для стран ОЭСР. Нагараджан, Тейшейра и Силва проанализировали литературу о старении населения и его интегральном влиянии на экономический рост, и они обнаружили основные механизмы, с помощью которых старение влияет на развитие [11].

Применяя различные математические методы, Уддин, Алам и Гоу (2016) исследовали поведение сбережений населения в отношении возрастной структуры, коэффициента зависимости, нормы сбережений и реального ВВП [12]. Статистически доказано негативное влияние старения

населения на страны с развитой экономикой. Между тем МакГрат пришел к выводу, что показатели ВВП, основного капитала и человеческого капитала были взаимосвязаны [13]. В то время как причинно-следственные связи от ВВП к основному капиталу и от основного капитала к человеческому капиталу были двунаправленными, причинно-следственная связь от ВВП к человеческому капиталу оказалась однонаправленной, но не наоборот. В результате первоначальная гипотеза о том, что экономический рост был вызван человеческим капиталом, была в целом опровергнута.

Ахмад и Хан эмпирически исследовали, имеют ли демографический переход и динамика человеческого капитала значение для экономического роста для репрезентативной выборки развивающихся стран [14]. Выявлен положительный запаздывающий вклад экономически активного населения и уровня участия рабочей силы в экономический рост. Козловский и другие ученые исследовали региональные особенности аграрного сектора Украины в контексте устойчивого развития [15]. В качестве важной предпосылки экономического роста они подчеркнули тесную взаимосвязь между разумным управлением в вышеуказанной сфере и качеством человеческого капитала.

Что касается перехода в развитых странах от индустриальной к экономике знаний, Фэджиан, Партридж и Малецки (2017) исследовали основные причины эндогенного экономического развития [16]. Основные предпосылки для роста были определены как активизация творчества, среда для предпринимательства и увеличение человеческого капитала; эти факторы были связаны с демографическими параметрами нации. Хотя взаимосвязь между человеческим капиталом (измеряемым уровнем образования) и деловой средой (характеризующейся интенсивностью малых и средних предприятий), по-видимому, статистически взаимосвязана с последующим ростом, другие факторы (например, доля работников креативного класса, доля высокотехнологичных производств и др.) были охарактеризованы как незначительные. Между тем, Кауресма и другие ученые оценили потенциальный вклад будущего образования в экономический рост и сближение доходов [17]. Они предположили, что динамика конвергенции доходов и человеческий капитал выступали в качестве важных драйверов роста реальных доходов.

В данной статье исследуем взаимосвязь между выбранными демографическими переменными и основными экономическими переменными, основанным на методах стран ОЭСР. Рассмотрим возможные и прогнозируемые демографические дивиденды, и общий характер воздействия демографического перехода на процессы экономического развития.

Устойчивое экономическое развитие зависит от динамической взаимосвязи экономических и демографических факторов. Их общий эффект описывается производственной функцией (1):

$$Y = f(x_1, x_2, \dots, x_n), \quad (1)$$

где,  $Y$  - национальный производственный потенциал или ежегодный экономический рост;

$x_1, x_2, \dots, x_n$  - важнейшие экономические и демографические факторы.

Эти факторы глубоко взаимосвязаны с категорией человеческого капитала. Между тем, все значимые элементы вышеупомянутой категории по большей части неразделимы и пересекаются. В нашем исследовании общественное производство определяется функцией Кобба-Дугласа (2).

$$Y_{ij} = A_{ij} * L_{ij}^{\alpha} * K_{ij}^{\beta} \quad (2)$$

$Y_{ij}$  - реальный ВВП страны  $j$  в год  $i$ ;

$A_{ij}$  - общий коэффициент факторной производительности страны  $j$  в год  $i$ ;

$L_{ij}$  - трудоемкость страны  $j$  в год  $i$ ;

$K_{ij}$  - капитальные вложения страны  $j$  в год  $i$ ;

$\alpha$  и  $\beta$  - эластичности труда и капитала по выпуску соответственно,  $\alpha + \beta = 1$ .

В нынешних условиях все факторы производства следует рассматривать как несовершенные дополнения. Общественное благосостояние можно описать реальными темпами роста ВВП на душу населения в год. Последнее зависит от основных производственных факторов, а именно от физического и человеческого капитала. Если реальный темп роста ВВП на душу населения разложить на несколько условно независимых переменных, мультипликативная функция (2) может быть преобразована в аддитивную (3):

$$growt_{ij} = \gamma_0 + \gamma_1 demogr_{ij} + \gamma_2 hum\_cap_{ij} + \gamma_3 contr_{ij} + \varepsilon \quad (3)$$

где  $growt_{ij}$  - темп роста реального ВВП на душу населения страны  $j$  в год  $i$ ;

$demogr_{ij}$  - демографические переменные страны  $j$  в году  $i$ ;



$hum\_cap_{ij}$  - другие переменные человеческого капитала (косвенно связанные с демографическими) страны  $j$  в году  $i$ ;

$contr_{ij}$  - экономический контроль (связанный с физическим капиталом) страны  $j$  в год  $i$ .

Метод OLS применялся для оценки общего воздействия демографических и других выбранных детерминант на экономическое развитие.

Демографические переменные традиционно связаны с коэффициентами рождаемости и смертности. В целом динамика населения зависит не только от природных факторов, но и от механических (например, миграции). Исследование показало, что общее демографическое влияние на экономический рост выражается в постоянных изменениях в слоях населения трудоспособного возраста и динамике ожидаемой продолжительности жизни. Итак, демографические переменные нашего исследования состоят из темпов роста населения трудоспособного возраста ( $WAPop_{gr}$ ) и средних темпов роста продолжительности жизни ( $LifeExp_{gr}$ ). Другой важный фактор экономического роста, связанный с человеческим капиталом, представлен совокупными государственными и частными расходами на исследования и разработки ( $RD\%GDP$ ), рассматриваемыми как процент от ВВП.

Кроме того, мы вводим два экономических контроля: государственные расходы ( $pubExp\%GDP$ ) и общие инвестиции ( $TInv\%GDP$ ) в процентах от ВВП. Государственные расходы характеризуют масштаб перераспределения ВВП и роль государства в процессах создания благосостояния. Эта переменная объединяет как производственные расходы (связанные с формированием человеческого капитала), так и другие расходы с неоднозначным влиянием на экономический рост (считаемые непродуктивными). При одновременном агрегировании государственной и частной финансовой деятельности показатель общих инвестиций связан в первую очередь с производством физического капитала по функции Кобба-Дугласа.

Устойчивый рост описывается как конечная и основная цель экономической политики в долгосрочной перспективе. Различные демографические переменные традиционно включаются в программы и стратегии развития как их наиболее важные показатели. Тем не менее, реальная роль характеристик населения как триггеров роста остается неизвестной. Установленные государством в связи с избирательными обязательствами и обязательствами в отношении взаимной взаимосвязи между политическим и деловым циклами, некоторые декларативные цели в различных областях (например, демография, государственные финансы и т.д.) могут противоречить друг другу и ухудшать общий эффект анализируемой системы. Учитывая вышесказанное, было проведено комплексное методологическое исследование вклада как демографических, так и недемографических факторов в экономический рост.

**Выводы и предложения.** Основываясь на имеющиеся данные, можно увидеть, что за последние три десятилетия экономическое развитие во многом зависело от различных демографических переменных. Между тем рассматриваемые социально-демографические показатели - темпы роста населения в трудоспособном возрасте и средней продолжительности жизни - оказали достаточно негативное влияние на темпы роста производства. В случае неблагоприятной взаимосвязи между численностью населения трудоспособного возраста и темпами роста реального ВВП возможное объяснение может быть получено из качества рабочей силы. В нашем исследовании слой населения трудоспособного возраста определялся в соответствии с методологией Международной организации труда; однако люди в возрасте от 15 до 64 лет объективно обладают несравненными рабочими способностями и компетенциями. Наблюдаемое расширение в вышеупомянутом слое могло быть вызвано увеличением низкоквалифицированных и неквалифицированных субстратов. Последнее характеризовалось относительно слабым производственным потенциалом и довольно незначительным вкладом в общественное производство. Дальнейшее исследование должно охватывать структурные особенности слоя трудоспособного возраста.

Таким образом, исследуемая методика позволит изучить влияние демографических факторов на экономический рост в Республике Узбекистан. Эмпирическое исследование в Узбекистане позволит доказать наличие устойчивой взаимосвязи между наблюдаемыми переменными. Между тем фактическое влияние демографических переменных все еще требует тщательного изучения.

### **Источники и литература**

1. Ф.Ж.Берова «Возрастная структура населения и ее роль в социально-экономическом развитии региона», 2020, Журнал “Экономические науки”, с.12
2. Bloom, D.E., Canning, D., Fink, G., Finlay, J.E. (2007), Does age structure forecast economic growth?, “International Journal of Forecasting”, 23 (4), pp. 569–585.

3. Boucekkine, R., De la Croix, D., Licandro, O. (2002), *Vintage human capital, demographic trends, and endogenous growth*, “*Journal of Economic Theory*”, 104 (2), pp. 340–375.
4. Kozlovskiy, S., Bilenko, D., Kuzheliev, M., Lavrov, R., Kozlovskiy, V., Mazur, H., Taranych, A. (2020), *The system dynamic model of the labor migrant policy in economic growth affected by COVID-19*, “*Global Journal of Environmental Science and Management*”, 6, Special Issue (Covid-19), pp. 95–106.
5. Acemoglu, D., Restrepo, P. (2017), *Secular stagnation? The effect of aging on economic growth in the age of automation*, “*American Economic Review*”, 107 (5), pp. 174–179.
6. Hansen, C.W., Lunnstrup, L. (2015), *The rise in life expectancy and economic growth in the 20th century*, “*The Economic Journal*”, 125 (584), pp. 838–852.
7. Fernihough, A. (2017), *Human capital and the quantity–quality trade-off during the demographic transition*, “*Journal of Economic Growth*”, 22 (1), pp. 35–65.
8. Pelinescu, E. (2015), *The impact of human capital on economic growth*, “*Procedia Economics and Finance*”, 22, pp. 184–190.
9. Hanushek, E.A. (2016), *Will more higher education improve economic growth?*, “*Oxford Review of Economic Policy*”, 32 (4), pp. 538–552.
10. Ahsan, H., Haque, M.E. (2017), *Threshold effects of human capital: Schooling and economic growth*, “*Economics Letters*”, 156, pp. 48–52.
11. Nagarajan, N.R., Teixeira, A.A. Silva, S.T. (2016), *The impact of an ageing population on economic growth: an exploratory review of the main mechanisms*, “*Análise Social*”, 218, pp. 4–35.
12. Uddin, G.A., Alam, K., Gow, J. (2016), *Population age structure and savings rate impacts on economic growth: Evidence from Australia*, “*Economic Analysis and Policy*”, 52, pp. 23–33.
13. McGrath, P. (2016), *The Relationship between Human Capital and Economic Growth in Ireland*.
14. Ahmad, M., Khan, R.E.A. (2019), *Does demographic transition with human capital dynamics matter for economic growth? A Dynamic Panel Data Approach to GMM*, “*Social Indicators Research*”, 142 (2), pp. 753–772.
15. Kozlovskiy, S., Baidala, V., Tkachuk, O., Kozyrskaya, T. (2018), *Management of the sustainable development of the agrarian sector of the regions of Ukraine*, “*Montenegrin Journal of Economics*”, 14 (4), pp. 175–190.
16. Faggian, A., Partridge, M., Malecki, E.J. (2017), *Creating an environment for economic growth: creativity, entrepreneurship or human capital?*, “*International Journal of Urban and Regional Research*”, 41 (6), pp. 997–1009.
17. Cuaresma, J.C., Doppelhofer, G., Huber, F., Piribauer, P. (2018), *Human capital accumulation and long-term income growth projections for European regions*, “*Journal of Regional Science*”, 58 (1), pp. 81–99.

## **O‘ZBEKISTONDA PANDEMIYADAN KEYINGI DAVRDA AHOLI FAROVONLIGINI OSHIRISH VA KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISHNING ASOSIY YO‘NALISHLARI**

**Гузэл АЛИМОВА,**

*иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент,*

*Прогнозлаштириши ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти*

*бош илмий ходими,*

**Muhammadjon G‘ANIEV,**

*Namangan muhandislik-texnologiya instituti*

*“Iqtisodiyot” kafedrasi dotsenti*

**Annotatsiya:** *mazkur maqola mamlakatimizda aholi farovonligini oshirish yo‘nalishlariga bag‘ishlangan. Aholi farovonlikni oshirish bilan bog‘liq tarmoqlarni isloh etish bilan bog‘liq muammolar va uning yechimlari bayon etilgan.*

**Kalit so‘zlar:** *aholi farovonligi, farovonlik, ijtimoiy farovonlik, aholi turmush darajasi, pandemiya, kambag‘allik, kommunal soha, tibbiyot tizimi.*

## ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ПОВЫШЕНИЯ БЛАГОСОСТОЯНИЯ НАСЕЛЕНИЯ И СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ В ПОСТПАНДЕМИЧЕСКИЙ ПЕРИОД

Гузал АЛИМОВА,

*кандидат экономических наук, доцент,  
главный научный сотрудник Института прогнозирования и  
макроэкономических исследований,*

Мухаммаджон ГАНИЕВ,

*Наманганский инженерно-технологический  
институт доцент кафедры «Экономика»*

**Аннотация:** данная статья посвящена возможностям улучшения благосостояния населения в нашей стране. Описаны проблемы, связанные с реформированием отраслей, связанных с повышением благосостояния населения, и пути их решения.

**Ключевые слова:** благосостояние населения, благополучие, социальное благополучие, уровень жизни населения, пандемия, бедность, коммунальная сфера, медицинская система.

## THE MAIN DIRECTIONS OF IMPROVING THE WELFARE OF THE POPULATION AND REDUCING POVERTY IN UZBEKISTAN IN THE POST-PANDEMIC PERIOD

Guzal ALIMOVA,

*PhD (in economics),*

*Chief researcher Institute for Forecasting and Macroeconomic Research,*

Ganiev Muhammadjon Khalilovich

*Associate Professor of the Department of Economics*

**Abstract:** *this article is devoted to ways to improve the welfare of the population in our country. The problems associated with the reform of industries associated with improving the welfare of the population, and ways to solve them are described.*

**Keywords:** *population welfare, well-being, social well-being, standard of living of the population, pandemic, poverty, communal sector, medical systems.*

**Кириш.** Xalqaro tajribadan ma'lumki, milliy iqtisodiyotdagi barcha iqtisodiy o'zgarishlarni baholash, uning pirovard natijasi aholi farovonligini qay darajada yaxshilanayotganligi hamda kambag'allar sonini nechog'li qisqarib borayotganligidan kelib chiqadi. Qolaversa, aksariyat iqtisodiy ta'limot va g'oyalardagi umumiylik shundan iboratki, unda aholi farovonligini oshirish davlatning eng muhim vazifalaridan biri sifatida qaraladi. Farovonlik ikki qismdan iborat bo'lib, birinchisi, iqtisodiy farovonlik - bu hayotiy ne'matlarning jon boshiga iste'moli bilan, ikkinchisi, ijtimoiy farovonlik bo'lib, bu hayot kechirishning umumiy shart-sharoiti qandayligi bilan tavsiflanadi. Demak, jamiyat ishlab chiqarganiga qarab iste'mol qiladi, ammo hammasini emas, ma'lum bir qismi jamg'arilib kelajak xaridlarga yo'naltiriladi. Ayni vaqtda dunyoda yaratilgan tovar va xizmatlar qiymatining 18 foizi jamg'arma hosil etib, kelajakni ta'minlaydi [1].

Farovonlik – bu insonlar hayotini moddiy ne'matlar bilan ta'minlash tizimi bo'lib, unda shaxslarning jismoniy imkoniyatlari va ijtimoiy faolligi yuqori bo'ladi. Farovonlik quyidagi tarkibiy qismlarni o'z ichiga oladi: daromad va iste'mol; davlat ijtimoiy kafolatlari va pullik xizmatlari; ijtimoiy ta'minot va ijtimoiy himoya [2]. Mamlakatda farovonlik asosi moddiy ne'matlar ya'ni tovar va xizmatlar bo'lib, bu avvalo insonlarni fiziologik ehtiyojlarini qondirish uchun mo'ljallangan resurslarni o'z ichiga oladi. Resurslar esa farovonlik uchun asos bo'lib xizmat qiladi, ularning mavjudligi va samarali foydalanish jamiyat farovonligini yanada oshirishga olib keladi. Ijtimoiy farovonlik birinchidan, resurslar, ikkinchidan iqtisodiyotda tovarlar ishlab chiqarish, taqsimlash va iste'mol mexanizmlarini mavjudligi va uchinchidan nomoddiy ne'matlarni o'z ichiga oladi [3]. Bunda davlat ijtimoiy-iqtisodiy siyosati samaradorligi asosiy mezon sifatida qaraladi.

O'zbek tilining izohli lug'atida farovonlik atamasiga "To'kin-sochinlik, mo'l-ko'lchilik, serfayz holat" [4] ya'ni har jihatdan aholi ehtiyojlari to'la-to'kis ta'minlangan jamiyat nazarda tutiladi. Farovonlik kategoriyasi juda keng qamrovga ega bo'lgan, o'zgarib boradigan tushuncha bo'lib, mamlakatda aholining zaruriy moddiy va nomoddiy ne'matlar va xizmatlar bilan ta'minlanganlik hamda ularni iste'mol qilish darajasi tushuniladi. Aholi farovonlik darajasini ifodalash uchun "turmush darajasi", "xalq farovonligi",

“turmush faoliyati xavfsizligi”, “turmush tarzi”, “mehnat faoliyati sifati”, “turmush sifati” kabi turli xil tushunchalar qo‘llaniladi.

**Асосий қисм.** Mamlakatda aholi farovonligini ta‘minlanishi aholi daromadlari va zaruriy ehtiyojlarni qondirish, iste‘mol darajasi va tarkibi, uy-joy, toza ichimlik suvi, gaz, suv, elektr energiya bilan ta‘minlanganlik, ta‘lim, sog‘liqni saqlash kabi ko‘rsatkichlar bilan o‘lchanadi.

Har bir mamlakatda aholi farovonligini yaxshilanishi orqali kambag‘allikni qisqarishiga asta-sekin yo‘l ochiladi. Kishilar turmushining tobora yaxshilanib, yangi sifat darajasiga o‘tib borishi kishilik jamiyati rivojlanishining barcha bosqichlarida namoyon bo‘ladigan o‘ziga xos bo‘lgan umumiy belgi sanaladi. Ishlab chiqarishning ijtimoiy samarasi kishilar farovonligida, ya‘ni darajasi va sifatida namoyon bo‘lib, ishlab chiqarishdan maqsad esa aholini tirikchilik vositalariga bo‘lgan ehtiyojlarini qondirish hisoblanadi. «Aholi turmush darajasi» tushunchasi murakkab ijtimoiy-iqtisodiy kategoriya bo‘lib, kishilarning yashashi uchun mavjud moddiy va ma‘naviy ne‘matlar bilan ta‘minlanishi va iste‘molini namoyon qiladi. Turmush darajasi – bu jismoniy va ijtimoiy ehtiyojlarining rivojlanish darajasi, qondirilganlik miqyosi va ularni qondirish uchun yaratilgan imkoniyatlarni aks ettiruvchi kompleks ijtimoiy-iqtisodiy kategoriyadir [5]. Turmush sifati esa insonning erkinlik farovonligi, ijtimoiy va ma‘naviy rivojlanish darajasi hamda sog‘ligini har tomonlama namoyon etuvchi tushuncha bo‘lib, uning tarkibiga aholining sog‘liq darajasi va umrning davomiyligi, aholining turmush darajasi, aholining turmush tarzi kiradi. Butun dunyo bo‘yicha aholi turmush darajasini yaxshilash masalasida Birlashgan Millatlar Tashkiloti bir qator ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, BMT ning Bosh assambleyasida 2000 yilda qabul qilingan, «Ming yillik taraqqiyot dasturi»ni hamda 2015 yilda qabul qilingan «2030 yilgacha mo‘ljallangan Barqaror rivojlanish dasturlari»ni, bevosita dunyo mamlakatlari aholisini iqtisodiy-ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash, shuningdek, oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlash, ekologiya buzilishini oldini olish, aholi salomatligining hududiy holati tahliliga qaratilgan tadbirlarni aytish mumkin.

Aholi turmush darajasini barchamiz aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan daromadlar miqdori va iste‘mol hajmi miqdorining ortishi yoki kamayishi bilan baholashga odatlanganmiz. Lekin aholi turmush darajasi, bevosita aholi turmush darajasi sifatini baholovchi ko‘rsatkichlar ancha kengroq tushuncha hisoblanadi. Shuning uchun turmush darajasini aholining moddiy va nomoddiy boyliklarga ehtiyojlari darajasi, shuningdek, ushbu ehtiyojlarni qondirish va rivojlantirish uchun jamiyatdagi mavjud sharoitlarni aks ettiradigan murakkab ijtimoiy-iqtisodiy kategoriya sifatida aniqlash mumkin.

Aholi turmush darajasi insonlarning hayotiy ehtiyojlarini qondirish me‘yori sifatida aholi iste‘mol miqdori va sifatini ko‘rsatadi va doimo yaxshilanib boradi. Xo‘p ana shu iste‘mol, ya‘ni kishilarning ehtiyojini qondirish nimalarga bog‘liq, unga qarab kishilar turmush darajasining to‘qligi, hayotining farovonligi darajasi haqida xulosa chiqarish mumkinmi? Kishilarning turmush darajasi shu jamiyatdagi ishlab chiqarishning rivojlanish darajasiga bog‘liq. Bu yerda milliy daromadning jamg‘arish va iste‘mol fondiga bo‘linish nisbati mamlakatning iqtisodiy taraqqiyot holatiga bog‘liq bo‘ladi. Demak, aholi turmush darajasi — ko‘p qirrali hodisa bo‘lib, u turli sabablarga bog‘liq (aholi yashaydigan hududdan, ya‘ni geografik omildan boshlab, mamlakatda umumiy ijtimoiy-iqtisodiy va ekologik holat hamda siyosiy ishlarning holatigacha). Aholi turmush darajasiga u yoki bu darajada demografik holat hamda uy-joy-maishiy va ishlab chiqarish sharoitlari ham, iste‘mol tovarlarining hajmi va sifati ta‘sir ko‘rsatishi mumkin. Aholining quyidagi to‘rtta turmush darajasini ajratib ko‘rsatish mumkin:

- to‘q turmush darajasi – insonning har tomonlama kamol topishini ta‘minlaydigan ne‘matlardan foydalanish;

- normal daraja – insonning jismoniy va aqliy kuch-quvvatini to‘la tiklash uchun qulay sharoitlarni ta‘minlaydigan ilmiy asoslangan me‘yorlar bo‘yicha oqilona iste‘mol qilish;

- kambag‘allik – mehnat uchun resurslarni qayta yaratishning quyi chegarasi sifatidagi ish qobiliyatini saqlash darajasida ne‘matlarni iste‘mol qilish;

-qashshoqlik – iste‘mol qilinishi insonning yashash qobiliyatini saqlash imkoniyatigina beradigan ne‘matlar va xizmatlarning biologik me‘zonlar bo‘yicha yo‘l qo‘yiladigan minimal turlarini iste‘mol qilish [6].

Iqtisodiy adabiyotlarda aholining turmush darajasini belgilaydigan asosiy ko‘rsatkichlar tizimiga bir qator ko‘rsatkichlar kiritilgan. BMT ning xalqaro statistika sohasidagi turmush darajasi ko‘rsatkichlari tizimining oxirgi versiyasi 1978 yilda ishlab chiqilgan va ushbu tizim 12 ta asosiy guruhini o‘z ichiga oladi. Bular: aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan yalpi ichki mahsulot, tug‘ilish, o‘lim, umr ko‘rish davomiyligi, sanitar gigienik sharoitlarining mavjudligi, oziq-ovqat mahsulotlarining iste‘mol darajasi, uy-joy sharoitlari, ta‘lim olish va madaniy imkoniyatlarning mavjudligi, ish sharoitlari va bandlik darajasi, daromadlar va xarajatlar muvozanati, iste‘mol narxlari, transport vositalari bilan ta‘minlanganligi, dam olish va xordiq chiqarish imkoniyatlarining mavjudligi, ijtimoiy ta‘minot tizimining mavjudligi, inson huquqlari va

erkinliklari kafolatlanganligi kabi ko'rsatkichlar bo'lib, ular turmush darajasini ifodalovchi ko'rsatkichlar hisoblanadi.

Bu ko'rsatkichlarning eng asosiysi aholi jon boshiga to'g'ri keladigan yalpi ichki mahsulot bo'lib, mazkur ko'rsatkich mamlakat aholisi turmush darajasini belgilaydi. Xalqaro valyuta fondi ma'lumotlariga ko'ra, aholi jon boshiga to'g'ri keladigan yalpi ichki mahsulot hajmi bo'yicha O'zbekiston dunyo reytingida 187 mamlakat o'rtasida 134-o'rinda turibdi. Respublikamiz yer usti va yer osti resurslarga boy bo'lib, hamma gap ana shu bebaho boylikni xalqimiz manfaati yo'lida oqilona va samarali ishlata olishda. [7]. Aholi farovonligi naqadar yuqori bo'lsa, iqtisodiyotning kuchli hamda ijtimoiyiligini xarakterlaydi. Agar u zaif bo'lsa, farovonlik ham past bo'ladi.

O'zbekistonda makroiqtisodiy siyosatni o'zgarishi 2017 yildan boshlab umumiy makroiqtisodiy vaziyatga ta'sir ko'rsatdi. Ayniqsa, tadbirkorlikni innovatsion asosga o'tkazish hamda erkinlik berish, mamlakat miqyosida tadbirkorlikni har bir oilaga olib kirilishi va agrosanoat tizimidagi zamonaviy islohotlar orqali bandlikni oshirilishi odamlarda farovonlik yashashga bo'lgan intilish va sharoitlarni yaxshilash imkoniyatni oshirdi. Kichik biznes va tadbirkorlik sub'ektlari faoliyatini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanishi natijasida aholining tadbirkorlik faoliyatidan olayotgan daromadlari ortib bormoqda. Jahon banking hisobotlariga ko'ra dunyoda pandemiya bo'lishiga qaramay mamlakatda yalpi ichki mahsulot hajmida pasayish ro'y bermadi aksincha o'sa boshladi. Aholining oziq-ovqat mahsulotlariga bo'lgan talabi qisqarib borib, sanoat mahsulotlariga bo'lgan talabi sifat va miqdor jihatdan kengayadi. Uy xo'jaliklari kuzatuvlari ma'lumotlariga ko'ra, aholining uzoq muddat foydalanadigan tovarlar bilan ta'minlanganlik darajasida ijobiy o'zgarishlar namoyon bo'ldi (1-jadval).

**1-jadval**

**Aholining uzoq muddat foydalanadigan buyumlar bilan ta'minlanganligi  
(100 ta uy xo'jaligiga, dona) [8]**

Nomlanishi	2013 y.	2015 y.	2016 y.	2017 y.	2018 y.	2021 y.
Televizorlar	146	152	153	154	155	170
Sovutgich va muzlatgichlar	100	101	102	101	103	114
Konditsionerlar	29	32	34	34	35	43
Elektr changyutgichlar	51	53	54	54	55	64
Shaxsiy kompyuterlar	32	47	49	50	52	63
Kir yuvish mashinalari	78	79	80	80	81	94
Mobil telefonlar	210	234	246	257	262	308
Yengil mashinalar	35	42	43	44	44	53

Jadval ma'lumotlaridan ko'rish mumkinki, har 100 ta xonadonning yengil mashinalar bilan ta'minlanganlik darajasi 53 taga yetdi. Shuningdek, har bir 100 xonadonga to'g'ri keladigan shaxsiy kompyuterlar 2013 yilda 32 tani tashkil qilgan bo'lsa, 2021 yilda 63 taga yetgan. Aholining sanoat mahsulotlari xaridi bo'yicha jadvalda nomlari keltirilgan barcha tovarlar bilan ta'minlanganlikda ijobiy o'zgarishlar ko'zga tashlanadiki, bu jarayon aholi daromadlari va uning ortishi bilan bevosita bog'liqdir. Bu esa aholi farovonligiga ijobiy ta'sir etmoqda. Pandemiyaning salbiy oqibatlariga qaramay, mamlakatimizda fuqarolarning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish va kambag'allikni qisqartirish davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi sifatida belgilanib, aholini yangi ish o'rinlari va kafolatli daromad manbai, malakali tibbiy va ta'lim xizmatlari, munosib yashash sharoitlari bilan ta'minlash sifat jihatdan yangi bosqichga ko'tarilgan bo'lsada, biroq amalda aholi farovonligini bugungi kun talablari doirasida keskin oshirish uchun yetarli deb bo'lmaydi. Aholini markazlashgan ichimlik suv ta'minotini yaxshilash, ichimlik suvi yetib bormagan hududlarni toza ichimlik suvi bilan ta'minlash aholi farovonligini ta'minlashdagi muhim ko'rsatkichdir. Aholi salomatligi ham aynan shu soha bilan bevosita bog'liq. Aholini toza ichimlik suvi bilan ta'minlashda global iqlim o'zgarishi tufayli quruq fasllar davomiyligini ortishi, tog'larda qor zahiralari maydonini qisqarishi natijasida suv tanqisligi xavfi yuzaga kelmoqda. Ma'lumotlarga ko'ra, mamlakatimiz aholisini, ayniqsa 11 mingdan ziyod qishloqlarni toza ichimlik suvi bilan ta'minlash dolzarb masala bo'lib qolmoqda. Hududlar bo'yicha tahlil qilganda suv ta'minotida farqlar kuzatiladi (2 – jadval).

Jadval ma'lumotlaridan bilish mumkinki, aholini markazlashgan ichimlik suv bilan ta'minlangan darajasi past bo'lgan viloyatlar Buxoro, Qashqadaryo, Xorazm va Qoraqalpog'iston respublikasiga to'g'ri keladi. Respublika bo'yicha esa ichimlik suv ta'minoti 2010 yilda 82.5 foiz bo'lsa, 2021 yilda 68,3 foiz, 2022 yil boshiga kelib 69,7 foizni tashkil qildi. Qolgan 30,3 foiz aholi muqobil suv manbalardan, 9 foizi – maxsus suv tashuvchi transport vositalari orqali suv bilan ta'minlanadi. Respublika bo'yicha 27 ming kilometr, yoki 38 foiz suv tarmoqlari avariya holatida bo'lib, 2 mingta, yoki 20 foiz suv nasoslari ishdan chiqqan. Ja'mi 3 mln 280 ming nafar suv iste'molchidan 44 foiziga hisoblagich o'rnatilgan, xolos. Mamlakat

suv balansini boshqarishda vakolatli davlat organlarining faoliyatini muvofiqlashtiri zarur darajada olib borilmayapti, suv resurslari sifati va xavfsizligi monitoringini amalga oshirishda samarali tizim yaratilmagan.

Respublikada 2021 yil “Obod qishloq” va “Obod mahalla” dasturlari doirasida 352 ta mahallada 3890,9 km. ichimlik va 77,7 km oqova suv tarmoqlari qurildi va ta’minlandi. Keyingi 5 yilda aholi suv ta’minotini yaxshilash uchun 10 trillion ajratilgan bo’lsada, sohada yechimini kutayotgan muammolar ko’p.

## 2-jadval

### O‘zbekiston aholisini ichimlik suvi va tabiiy gaz bilan ta’minlanganligi

Hududlar	Ichimlik suvi			Tabiiy gaz		
	2010 y	2015 y	2021 y <sup>1</sup>	2010 y	2015 y	2021 y
O‘zbekiston respublikasi	82,5	81,4	68,3	83,5	68,7	55,4
Qoraqalpog‘iston respublikasi	69,6	67,7	57,5	95,1	73,0	69,0
Andijon	89,8	91,9	77,3	74,0	63,0	48,6
Buxoro	61,0	57,7	50,9	95,0	74,6	62,2
Jizzax	74,1	70,3	63,2	75,3	68,4	62,2
Qashqadaryo	82,1	73,9	35,8	68,6	24,7	25,2
Navoiy	79,3	80,1	72,5	80,4	74,8	66,8
Namangan	75,9	77,5	85,5	84,8	80,8	40,9
Samarqand	84,6	86,6	63,7	84,4	68,5	41,4
Surxondaryo	81,3	80,5	78,4	62,3	32,5	25,6
Sirdaryo	80,5	82,4	84,0	77,3	63,6	68,7
Toshkent	81,2	78,8	75,4	83,4	87,9	86,9
Farg‘ona	91,2	89,8	68,7	80,6	70,5	44,1
Xorazm	63,6	67,5	40,6	95,0	69,4	62,2
Toshkent sh.	99,9	100,0	97,2	99,9	95,1	95,2

**Manba:** *Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг йиллик ҳисоботлари асосида тайёрланган.*

1. Yil oxiriga ja’mi kvartira (uy-larga) nisbatan foiz hisobida; “O‘zsvuvtaminot” AJ korxonalari tomonidan o‘tkazilgan jalpi xatlov natijalariga ko‘ra hisoblangan.

Respublikadagi 4 mingta mahallada ichimlik suv sutkasiga 4-6 soat beriladi, 1,5 mingdan ortiq mahallada markazlashgan ta’minot yo‘lga qo‘yilmagan. Bundan tashqari, 2 mingga yaqin bog‘cha, maktab va tibbiyot muassasalari markaziy tarmoqqa ulanmagani bois, suvni tashib kelishga majbur bo‘lmoqda. Bu esa, aholi turmush sifatini pasaytiradi va o‘rtasida turli kasalliklarni ham keltirib chiqaradi. Aholi farovonligi barqarorligi va sifat darajasi bevosita aholini tabiiy gaz va arzon narxlarda elektr energiya bilan uzluksiz ta’minlanishiga bog‘liq. Ayniqsa kuz-qish mavsumida tabiiy gaz va elektr energiyasiga ichki talab nisbatan yuqori bo‘ladi. O‘zbekistonda aholini tabiiy gaz bilan ta’minlanganlik darajasi 2010 yil 83,5 foizni, 2015 yil 68,7 foizni va 2021 yilda esa 55,4 foizni tashkil qildi 2-jadval. Ayniqsa, Qashqadaryo, Surxondaryo, Namangan va Andijon viloyatlarida gaz ta’minoti respublika darajasiga yetmaydi. Markazlashgan tabiiy gaz ta’minotining qisqarishi asosan 2013 yildan boshlangan. Respublikada 2013 yilning 18 martida tasdiqlangan «Respublika gaz ta’minoti tizimini 2013-2015 yillar davomida istiqbolli rivojlantirish va mavjud tizimni yanada takomillashtirish Dasturi»ga asosan ko‘plab hududlar markazlashgan quvurlar orqali tabiiy gaz yetkazib berish tizimidan uzib tashlandi. Buning o‘rniga mazkur hududlarga gaz ballonlarida suyultirilgan gaz yetkazib beriladigan bo‘ldi. Suyultirilgan gaz bilan xonadonlarda faqat ovqat pishirish, choy qaynatish va boshqa mayda uy-ro‘zg‘or yumushlarni bajarish mumkin. Biroq asosiy muammo shundaki, suyultirilgan gaz ta’minotida uzilishlar bo‘lib, qish oylarida uyni gaz bilan isitish imkoniyati yo‘q.

Bugungi kunda mamlakatimizda gazlashtirilgan xonadonlar soni 7 mln. 150 mingdan ziyodni tashkil etadi. Shundan 3 mln. 568 mingdan ortiq xonadonlar quvurlarda yetkaziladigan tabiiy gaz, qolgan 3 mln. 581 mingdan ortiq xonadonlar suyultirilgan gaz bilan ta’minlanmoqda. Suyultirilgan gaz ta’minotida muammolar bo‘lgani kabi quvur orqali yetkaziladigan tabiiy gazga ulangan uylarda kuz-qish mavsumida gaz bosimi pasayib ketadi va ta’minotda uzilishlar yuzaga kelmoqda. Natijada ayrim hududlarda aholi qishda uyni isitish uchun muqobil issiqlik manbalarini qidirishga majbur bo‘ladi. Qishloq joylarida esa aholi yil bo‘yi zahira qilinadigan tezak, ko‘mir va o‘tin sotib olish va jamg‘arishi oilaning yili takrorlanuvchi eng asosiy vazifalariga aylangan. Tabiiy gaz ta’minotidagi uzilishlar boshqa tovar va xizmatlar narxini ortib ketishiga sabab bo‘lib, aholi farovonligi darajasi kamayib xarid qobiliyati pasaymoqda.

Mamlakatimizda aholini tabiiy gaz bilan ta’minlash, tabiiy gazga bo‘lgan ehtiyojini to‘liq qondirish bo‘yicha vazifalar O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 9 iyuldagi «Aholi va iqtisodiyotni energiya resurslari bilan barqaror ta’minlash, neft-gaz tarmog‘ini moliyaviy sog‘lomlashtirish va uning boshqaruv tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi 4388-sonli qarorida belgilangan. Mazkur

qarorni izchil bajarilishi aholini tabiiy gaz bilan ta'minlash va nazorat ishlarini takomillashtirishga xizmat qiladi.

Farovon turmush asoslaridan biri tibbiyot tizimi bo'lib, O'zbekistonda keyingi olti yil ichida sog'liqni saqlash sohasini tubdan takomillashtirish, sifatli tibbiy xizmat ko'rsatish, onalik va bolalikni muhofaza qilish davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi sifatida belgilangan. Mamlakatda koronavirus kasalligi avj olgan pandemiya davrida tibbiyot tizimi sinovdan o'tdi. Yangi shifoxona va karantin zonalari ishga tushirildi. Mustaqillik yillari sohada uch xil ko'rinishdagi tibbiyot maskanlari yuzaga keldi. Bular bepul tibbiy xizmat, aralash (ayrim xizmatlari pullik, ayrim xizmatlar bepul) bo'lgan tibbiy xizmat va to'la pullik xizmat. Aholi o'z daromadlariga qarab xizmat turini tanlaydi.

Zamonaviy texnologiyaga asoslangan pullik xizmat sifatli, biroq aholi daromadiga nisbatan qimmat narxlarda xizmat ko'rsatiladi. Natijada barcha aholi ham bu xizmatlardan foydalana olmaydi. Natijada kasallikning surunkali tus olishi oilalar kambag'alligini yanada kuchaytiradi. Mamlakatda xorij tajribasi asosida tibbiyot o'zgarimoqda. Avvalo, tibbiyotga ajratilayotgan mablag'lar hajmi keskin oshirildi. Jumladan, 2022 yilning o'zida sog'liqni saqlash sohasiga budjetdan 24 trillion so'm yo'naltirilib, bu mablag' 2016 yilga nisbatan 4 barobarga ko'pdir. O'tgan besh yilda shifoxonalar va tez tibbiy yordam punktlarini dori-darmon, tibbiyot buyumlari bilan ta'minlashga ajratilayotgan mablag'lar 12 barobarga ko'paytirildiki bu tibbiyot sohasi ko'rsatkichlarini ijobiy tomonga o'zgartira boshladi. Sohada birlamchi tibbiyot bo'g'inini yaxshilashga e'tibor qaratilib, har bir mahallada "xonadonbay" ishlaydigan tibbiy brigadalar tashkil etildi. Birlamchi bo'g'inda aholini 2021 yildan boshlab 66 turdagi dori vositalari bilan bepul ta'minlash yo'lga qo'yildi. Bu bepul dori-darmonlardan ayniqsa qishloq aholisi yetarlicha bexabar emas.

Keyingi yillarda yuqori malaka va texnologiyalar talab qiladigan tibbiy xizmatlar ko'lami davlat shifoxonalari ham kengayimoqda. Respublikaning barcha hududlarida 23 ta ixtisoslashgan tibbiyot markazlarining yuzdan ortiq filiallari faoliyat boshladi. Bu esa avvallari poytaxt va xorijda bajarilgan 210 turdagi operatsiya va tashxislarni mahalliy shifoxonalarda o'tkazishga imkoniyat yaratdi. Biroq, mamlakatda o'lim holatlarining 60 foizi yurak-qon tomir kasalliklari va 10 foizga yaqini onkologiya kasalliklariga to'g'ri kelmoqda. Ilgari davo istab chet ellarga borishga majbur bo'lingan bo'lsa, endilikda qimmat operatsiyalar O'zbekistonda qilinmoqda. Shifoxonalarda 200 turdagi yangi jarrohlik amaliyotlari, xususan, buyrak va jigar transplantatsiyasi yo'lga qo'yildi.

Mamlakatimizda 2016 yilga qadar tibbiy yordam xizmatida har bir chaqiriq uchun o'rtacha davlat tomonidan 745 so'm ajratilgan bo'lsa, ayni vaqtda bitta chaqiriqqa dori-darmon uchun ajratilayotgan mablag' o'rtacha 1 ming 700 so'mni tashkil qilmoqda. Ehtiyojmand aholiga tibbiy xizmat ko'rsatish bo'yicha ochiq va shaffof tizimga o'tildi. Endi ixtisoslashgan markazlarda bepul davolanadigan kasalliklar ro'yxati shakllantirilib, tibbiy yordam uchun haqiqiy ehtiyoji bor aholiga "elektron navbat" asosida berilmoqda. Bu tizimga asosan, mablag'lar shifoxonaga emas, balki aniq bemorlarga ajratilmoqda. Bunday tartib turli surunkali kasalliklar sabab kambag'allik holatiga tushib qolgan aholiga yengillik beradi. Agar oila "Temir daftar"ga kiritilgan bo'lsa, oilada surunkali kasallik bilan yotgan bemor bo'lsa, ularga belgilangan tibbiy xizmatlarni to'liq bepul qilish maqsadga muvofiqdir.

**Хулоса ва таклифлар.** Mamlakatimizda aholi farovonligini oshirishdagi muhim strategik maqsadlardan biri 2030 yilgacha yalpi ichki mahsulotni 160 mlrd dollarga, jon boshiga yalpi ichki mahsulotni 4 ming dollarga yetkazishdir. Buning uchun real yalpi ichki mahsulotning o'sishini 2,1 baravar va aholi jon boshiga yalpi ichki mahsulot o'sishini 3 baravar yoki 2018 yildagi 1533 AQSh dollariga nisbatan 4538 AQSh dollarigacha ta'minlash maqsad qilingan. 2026 yilgacha aholi farovonligini yanada oshirishga qaratilgan «100 ta maqsad»da belgilangan vazifalarni bajarishga kirishildi.

Bunda inson kapitalini rivojlantirishda birinchidan, ta'lim tizimi faoliyatidagi mavjud kamchiliklarni bartaraf etish orqali uning sifati oshirish; ikkinchidan, sog'liqni saqlash tizimining samaradorligini va aholi uchun undan foydalanish imkoniyatini kengaytirish; uchinchidan, kambag'allikni o'lchash tizimini, unga qarshi kurashish tizimini takomillashtirib borish; to'rtinchidan, aholi zaif qatlamlarining mehnat bozoridagi ishtirokini qo'llab-quvvatlash va ijtimoiy himoya tizimi samaradorligini oshirish; beshinchidan, aholini tabiiy gaz, toza ichimlik suvi ta'minoti va sanitariya xizmatlaridan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish muhim o'rin tutadi.

### **Manba va adabiyotlar**

1. O'lmasov A, Vahobov A. *Iqtisodiyot nazariyasi*. – T: "Sharq" 2006. – B. 433.
2. Bulgakov A.V. *Teoreticheskie aspekty dinamiki blagosostoyaniya v usloviyax transformatsii ekonomicheskix sistem. Avtoref. dis. ... kan. ekon. nauk.* – Saratov. 2004 g. – 11 s.

3. Dorosh A. A. *Obщественnoe blagosostoyanie kak faktor formirovaniya novoy ekonomiki*. Avtoref. dis. ... kan. ekon. nauk. – Moskva. 2010 g. – 13 s.
4. [https://n.ziyouz.com/books/uzbek\\_tilining\\_izohli\\_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20F.pdf](https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20F.pdf).
5. G'oyibnazarov B.K. *Aholi turmush darajasini statistik baholash*. Monografiya. – Toshkent. “Fan” nashriyoti, 2005 yil, — B. 12.
6. To'hliev N.va boshqalar. *O'zbekiston iqtisodiyoti*. – Toshkent. “O'zbekiston” nashriyoti. 2018. – B. 445
7. *O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi*. – T: 2017. (22 dekabr). – B. 50.
8. *World Bank Group. Fladship Report. JANUARY// 2022. Global Economic Prospects, c-227. The World Bank. Washington, DC 20433/; Internet: [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org).*
9. *2022-2026 yillarga mo'ljallangan yangi o'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi*. – T: O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 28.01.2022 dagi PF-60-son Farmoni.
10. *Yil oxiriga ja'mi kvartira (uylarga) nisbatan foiz hisobida; “O'zsuvta'minot” AJ korxonalarini tomonidan o'tkazilgan yalpi xatlov natijalariga ko'ra hisoblangan.*
11. *Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси. 07.11.2019. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлиги.*

## **НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ УСТАНОВЛЕНИЯ ПЕНСИОННОГО ВОЗРАСТА В ЗАВИСИМОСТИ ОТ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ И ДЕМОГРАФИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ СТРАНЫ**

**Шахло МАХКАМОВА,**  
кандидат экономических наук,  
начальник отдела Института бюджетно-налоговых исследований  
при Министерстве финансов Республики Узбекистан,  
**Ширин ДУШАМОВА,**  
специалист I-категории  
Института бюджетно-налоговых исследований  
при Министерстве финансов Республики Узбекистан

**Аннотация:** старение населения стало глобальным явлением и, возможно, одной из наиболее значительных социальных трансформаций XXI века. Старение населения оказывает негативное влияние на устойчивость государственных пенсионных систем, и одним из способов решения проблемы устойчивости пенсионной системы является повышение пенсионного возраста. В этой статье рассмотрены научные основы установления пенсионного возраста в зависимости от социально-экономических и демографических показателей страны.

**Ключевые слова:** повышение пенсионного возраста, экономика страны, краткосрочные и долгосрочные эффекты, дискриминация, возрастное снижение здоровья, социально-экономическое развитие.

## **ПЕНСИЯ ЁШИНИ МАМЛАКАТНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ДЕМОГРАФИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ҚАРАБ БЕЛГИЛАШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

**Шахло МАХКАМОВА,**  
иқтисодиёт фанлари номзоди,  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги  
Бюджет ва солиқ тадқиқотлари институти бўлими бошлиғи,  
**Ширин ДУШАМОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги  
Бюджет ва солиқ тадқиқотлари институти I-тоифали мутахассиси

**Аннотация:** аҳолининг қариши глобал ҳодисага ва XXI асрнинг энг муҳим ижтимоий ўзгаришларидан бирига айланди. Аҳолининг қариши давлат пенсия тизимларининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади ва пенсия тизимининг барқарорлиги муаммосини ҳал қилиш усулларидан



бири бу пенсия ёшлари кўтаришидир. Ушбу мақолада пенсия ёшлари мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик кўрсаткичларига қараб белгилашнинг илмий асослари кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** пенсия ёши, мамлакат иқтисодиёти, қисқа муддатли ва узоқ муддатли оқибатлари, дискриминация, соғлиқни сақлаш, саломатликнинг ёшга боғлиқ пасайиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш.

## THE SCIENTIFIC BASIS FOR SETTING THE RETIREMENT AGE DEPENDING ON THE COUNTRY'S SOCIOECONOMIC AND DEMOGRAPHIC INDICATORS

**Shakhlo MAKHKAMOVA,**

*PhD (in economics),*

*Head of department of the Institute for Fiscal Studies  
under the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan,*

**Shirin DUSHAMOVA,**

*1st category specialist of the Institute for Fiscal Studies  
under the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan*

**Abstract:** *the aging of the population has become a global phenomenon and, perhaps, one of the most significant social transformations of the XXI century. The aging of the population has a negative impact on the sustainability of state pension systems, and one of the ways to solve the problem of the sustainability of the pension system is to raise the retirement age. This article demonstrates the scientific basis for setting the retirement age depending on the socio-economic and demographic indicators of the country.*

**Keywords:** *retirement age increase, economy, short- and long-term effects, discrimination, age-related health decline, social and economic development.*

**Актуальность.** По данным ООН, в 2018 г. впервые в истории человечества число людей в возрасте 65 и старше превысило количество детей до пяти лет, а к 2050 г. каждый шестой человек в мире будет старше 65 лет по сравнению с каждым 11-м в 2019 г. При этом за последние 50 лет естественный прирост населения в мире замедлился почти вдвое – до 10,9 человека на 1000 в 2015–2020 гг. с 20,5 в 1965–1970 гг. В то же время медианный возраст (показатель, разделяющий население на две половины) в мире постоянно растет и приблизился в 2020 г. к 31 году по сравнению с 23,6 в 1950 г. и 26,3 в 2000 г. Еще через 20 лет уже половина людей в мире будут старше 50 [1].

В рамках задач по реформированию пенсионной системы, определенных в «Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» [2] предусмотрено **Совершенствование системы пенсионного обеспечения** (Цель 54).

**Влияние повышения пенсионного возраста на рынок труда.** Анализируя вопросы занятости пожилых людей, Wheaton и Crimmins (2012) заключают, что пожилые возрастные группы имеют большой потенциал для участия в рабочей силе, поскольку часто **обладают достаточными физическими возможностями** для работы. Негативная финансовая нагрузка на устойчивость государственных пенсионных программ во многих странах усиливается и без того низким и снижающимся участием этих пожилых работников на рынке труда (Staubli and Zweimüller 2013).

*Появление дополнительных работников может привести к снижению заработной платы на рынке труда, для чего есть предпосылки. В условиях, когда предложение превышает спрос, цена труда снижается, особенно в тех секторах экономики, где наибольшую долю занятых составляют лица пенсионного и пред пенсионного возраста [3].*


При этом в некоторых исследованиях (Иванова и др., 2017, Коровкин и др., 2006) повышение пенсионного возраста рассматривается как *инструмент смягчения дефицита рабочей силы*. Однако будущий дефицит трудовых ресурсов оценивается исключительно в экстенсивном измерении, без учета роста производительности труда, роботизации, появления новых технологий и других возможных достижений научно-технического прогресса, обеспечивающих экономию человеческого труда (Айзинова, 2017) [4].

Как отмечается многими исследователями, например, Дмитриевой А.Я., пожилым людям *уже сложно выполнять трудовую деятельность, осваивать новые технологии, они имеют проблемы со здоровьем*, что влияет на их работоспособность [5].

Томаревской Е.С. подтверждается *возрастное снижение работоспособности* у большинства пожилых работников на основе проведенных исследований по оценке остаточной


работоспособности. В результате проведенного исследования сделаны выводы о сохранении полной общей трудоспособности пожилых людей у 23,6% мужчин и у 7% женщин [6].

**Разрыв между оплатой и производительностью труда в пожилом возрасте.** Одно из ранних исследований возраста и производительности труда в США было проведено Министерством труда США в 1957 году среди производителей обуви (Department of Labor, 1957). Данные этого исследования, представленные на рисунке №1, показывают вогнутый характер кривых производительности.



**Рис.1. Влияние возраста работающих на их производительность труда (Исследование производителей сдельной работы относительная производительность на человеко-час, возраст 35=1) [7]**

Схожую картину можно наблюдать также и в других отраслях, например в науке. Исследование опубликованных экономистами научных работ показывает, что количество научных работ снижается с возрастом. На каждую статью, опубликованную экономистами в возрасте от 36 до 50 лет, экономисты моложе 36 лет опубликовали 1,7 статьи, а экономисты старше 50 лет - 0,2 статьи (Oster and Hamermesh, 1998). На рисунке №2 показана продуктивность ученых-биомедиков в возрасте от 21 года до 60 лет по количеству "Топ-5" наиболее цитируемых статей, опубликованных в зависимости от возраста, на основе выборки из 300 ученых-биомедиков.



**Рис.2. Зависимость возраста медиков и количества опубликованных ими высоко цитируемых научных статей. (Относительный объем высоко цитируемых статей, возраст 35=1) [8]**

Исследование, проведенное в 2010 году в Европе, (van Ours and Stoeldraijer, 2010) подтверждает мнение об отсутствии значительного разрыва в оплате труда/производительности для работников в возрасте 50 лет. Исследование имеет 10-летние возрастные интервалы, начинающиеся в возрасте 25 лет и заканчивающиеся в возрасте 55 лет. Лица старше 56 лет объединены вместе, что отражает недостаток данных в более старших возрастах из-за выхода на пенсию и выборочного характера оставшейся группы. Некоторые из профессий, рассмотренных в исследовании, такие как продавец розничного магазина, которые не являются ни умственно, ни физически сложными, могут выполняться здоровыми 50-летними людьми так же хорошо, как и теми, кому за 40.

**Макроэкономические последствия повышения пенсионного возраста.** В последнее время влияние политики повышения пенсионного возраста на экономический рост и устойчивость пенсионной системы PAYG привлекло большое внимание исследователей. Фанти (2014) исследовал эффекты повышения обязательного возраста в OLG модели [9].

Для любого последующего поколения ВВП сокращается, быстро приближаясь к более низкому долгосрочному уровню. Таким образом, одно из политических последствий заключается в том, что в развитых странах, страдающих от сильного старения населения, обязательное повышение пенсионного возраста, возможно, в долгосрочной перспективе не является подходящей для поддержания сбалансированности пенсионного бюджета PAYG [10].

**Положительные и отрицательные аспекты изменения пенсионного возраста.** Для каждого конкретного человека повышение пенсионного возраста – вопрос непростой. Но если говорить в целом о стране, то без этой меры достаточно сложно и даже невозможно обеспечить дальнейшее социально-экономическое развитие регионов. Во многих развитых странах пенсионный возраст повышен, этим путем идут практически все республики СНГ. В среднем по Европе возраст выхода на пенсию составляет 65 лет.

Думается, что наступили времена, когда у каждого отдельного человека должен быть индивидуальный пенсионный возраст. И это должно быть прописано в законе. С этой точки зрения ниже приведены положительные и отрицательные аспекты повышения пенсионного возраста (табл.1, 2).

**Таблица 1**

**Положительные и отрицательные аспекты повышения пенсионного возраста [11]**

	Положительные аспекты	Отрицательные аспекты
Плюсы и минусы повышения пенсионного возраста	Снижение дефицита пенсионного фонда	Снижение располагаемых доходов в первые годы
	Возможность больше вовлекать людей в рабочие отношения и борьба с возрастной дискриминацией	Необходимость развития программ переобучения
	Возможность повысить пенсии	Влияние на "серый сектор" экономики
	Вероятное улучшение сбалансированности региональных бюджетов	Доходы населения в итоге сократятся
	Повышение сбалансированности бюджетной системы	Проблемы с трудоустройством пожилых людей
		Ухудшение состояния экономики

**Источник:** разработано авторами на основе различных интернет сайтов.


Что касается положительных аспектов, то данная политика может привести к снижению дефицита Пенсионного фонда. Также появится возможность больше вовлекать людей в рабочие отношения, что приведет к борьбе с возрастной дискриминацией. Положительными аспектами также являются возможность повысить пенсии и улучшить/повысить сбалансированность бюджетной системы до регионального уровня.

**Важность пенсии в зависимости от возраста в Узбекистане** (результаты социологических исследований). Как показывают наши расчеты, с увеличением пенсионного возраста увеличивается доход Пенсионного фонда в Республике Узбекистан [12]. Но, к сожалению, наша страна является трудоизбыточной, что не позволяет осуществить данную реформу. Вместе с тем, население нашей страны является относительно молодым - с высоким количеством уровня молодежи.

Для разрешения проблем пенсионной системы важным представляется отношение занятых к выходу на пенсию. Согласно опросу, 83,1% отметили, что выход на пенсию важен, 12,2% - не важен, 4,8% - затруднились ответить. В городе показатель важности несколько выше (84,3%), чем в сельской местности. Результаты опроса показали, что с увеличением возраста респондентов увеличивается важность пенсионного обеспечения. Среди отдельных слоев работающих, по результатам анализа, 90,3% малообеспеченных отметили важность выхода на пенсию; 6,5% – неважность.

В проведенном обследовании среди 513 неорганизованной молодежи (2019 г.) выяснилось, что 74,9% неактивной (неорганизованной) молодежи знают, чтобы получить хорошую пенсию им

придется платить подоходный налог, и отметили ответ "да"-позитивно, и 25,1% сказали "нет"-негативно; 85,2% - знают, что им нужно открыть трудовую книжку для получения пенсии, а 14,8% - не знают об этом.



**Рис. 3. Причины неоформления трудовых книжек неактивной (неорганизованной) молодежью (результаты опроса), %.**

Результаты опроса показали, что требуется повышение информированности населения о пенсионном обеспечении и об отрицательных последствиях не официальной занятости как для отдельных граждан, так и для общества в целом.

**Заключение.** Литературный обзор состояния зарубежных стран в области повышения пенсионного возраста, показал, что с увеличением пенсионного возраста увеличивается ВВП, но не длительное время.

По нашим расчетам, с увеличением пенсионного возраста увеличивается доход Пенсионного фонда в Республике Узбекистан. Но, к сожалению, наша страна является трудоизбыточной, что не позволяет осуществить данную реформу в настоящее время. Вместе с тем, население нашей страны является относительно молодым - с высоким количеством уровня молодежи.

В связи с этим, немаловажным моментом является изыскание путей повышения доходов пенсионного фонда. Одним из таких инструментов является увеличение количества налогоплательщиков. Значительная часть экономически активного населения у нас работает не официально, что увеличивает нагрузку на пенсионный фонд в перспективе.

Последствия повышения пенсионного возраста можно суммировать и разделить на положительные и негативные эффекты. Положительные эффекты: снижение финансовой зависимости пенсионной системы от бюджетных субсидий; предотвращение роста страховой нагрузки на бизнес; содействие активному долголетию.

Отрицательные эффекты: возрастное снижение здоровья, влияющее на уровень работоспособности и производительности труда (23,6% мужчин и у 7% женщин сохраняют свою работоспособность); вынужденная трудовая деятельность при снижении здоровья, которая может привести к инвалидности; снижение уровня жизни пожилых работников; снижение уровня рождаемости; рост общей и регистрируемой безработицы вследствие низкой конкурентоспособности граждан старших возрастов на рынке труда; снижение качества рабочей силы из-за работников пожилого возраста, что повлияет на производительность труда в экономике; вероятное снижение заработной платы в секторе пожилых людей; рост расходов на пособия по безработице пожилым работникам.

Данное исследование показало, что установление пенсионного возраста непосредственно связано с макроэкономическими, социально-демографическими факторами страны. В странах, где население сильно постарело, следует повышение пенсионного возраста на начальном этапе, что даст положительные эффекты. Повышение пенсионного возраста требует дополнительные расходы на обучение ими новых технологий и на здравоохранение. При этом целесообразно развивать геронтологию.

## Источники и литература

1. Старение населения и его влияние на экономическое развитие <https://econs.online/articles/ekonomika/starenie-naseleniya/> [25/08/2022].
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида. ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841077> [18.04.2022].
3. Chichkanov, V.P.; Chistova, E.V; Tyrsin, A.N.; с соавторами. Consequences of Raising The Retirement Age for the Labor Market in the Regions of Russia // Montenegrin Journal of Economics. 2019, Том 15, Вып. 1. С.: 31-45., (перевод с англ. на русс. язык Душамовой Ш.), [17.07.2022].
4. Экономика труда, [Последствия повышения пенсионного возраста для рынка труда регионов России \(urfu.ru\)](https://www.urfu.ru/), [11.08.2022].
5. Дмитриева А. Я., Дубовик В. С., Литвиненко Г.Н. Проблема повышения пенсионного возраста в России. Ближайшее будущее. // Современные научные исследования и разработки: Материалы Международной (заочной) научно-практической конференции. 2017, [11.08.2022].
6. Томаревская Е. С. Остаточная работоспособность людей старше 60 лет // Реструктуризация человеческих ресурсов на евразийском пространстве: современные тенденции: сборник научных статей. Саратов: Поволжский институт управления имени П.А.Столыпина, 2014, [11.08.2022].
7. The Effect of Changes in Retirement Plans on Employee Savings and Retirement Age and the Financial Impact on Employers of Delayed Retirement, <https://www.soa.org/globalassets/assets/files/research/projects/research-effect-changes-retirement-dec-2012.pdf>, (перевод с английского на русский язык Душамовой Ш.), [26.07.2022]
8. The Effect of Changes in Retirement Plans on Employee Savings and Retirement Age and the Financial Impact on Employers of Delayed Retirement, <https://www.soa.org/globalassets/assets/files/research/projects/research-effect-changes-retirement-dec-2012.pdf>, (перевод с английского на русский язык Душамовой Ш.), [26.07.2022]
9. Fanti, L. (2014). Raising the Mandatory Retirement Age and its Effect on Long-run Income and Pay-as-you-go (PAYG) Pensions. *Metroeconomica*, 65(4), 619-645, (перевод с английского на русский язык Душамовой Ш.), [26.07.2022].
10. Macroeconomic Impact of Mandatory Retirement Age Policy to Population Aging in Thailand, [Macroeconomic Impact of Mandatory Retirement Age Policy to Population Aging in Thailand | Cuadernos de Economía \(cude.es\)](https://www.cude.es/), (перевод с английского на русский язык Душамовой Ш.), [26.07.2022].
11. Плюсы и минусы пенсионной реформы <https://www.rbc.ru/newspaper/2018/07/09/5b3f40f59a7947438a0457ed> [30.06.2022].
12. Махкамова Ш.Ю., Агзамходжаев И.Х., Умарова У.И. // Общество и экономика. Выпуск 9. 2014. [www https://naukarus.com/stsenarii-i-varianty-obespecheniya-ustoychivosti-pensionnoy-sistemy-uzbekistana](https://naukarus.com/stsenarii-i-varianty-obespecheniya-ustoychivosti-pensionnoy-sistemy-uzbekistana)  
Махкамова Ш. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти ислох этиши механизмлари ва ёшлар бандлигини ошириши // Молиячи маълумотномаси. -Тошкент, 2019.-9-сон. [wwwhttps://tcmf.uz](https://www.tcmf.uz)

## КЕЛАЖАКДА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМЛАРИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

**Наиля ИБРАГИМОВА,**  
PhD (иқтисодий фанлари бўйича),  
Прогнозлаштириши ва макроиқтисодий  
тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари,  
**Анвархўжа ШОАЗИЗОВ,**  
Прогнозлаштириши ва макроиқтисодий  
тадқиқотлар институти етакчи илмий ходими

**Аннотация:** мамлакатнинг яқин келажакдаги демографик ҳолатини прогнозлаштириши ва унинг асосида иқтисодий-ижтимоий ривожланишни режалаштириши ҳамини долзарб масалалардан биридир. Демографик жараёнларнинг давлат иқтисодиёти соҳаларига таъсирини моделлаштириши орқали келгусида вужудга келиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиши

мумкин. Мақолада мамлакат аҳолисининг яқин келажакдаги демографик прогнози ва унинг иқтисодийта таъсири баҳоси ҳисоб-китоби келтирилган ҳамда келажакда хавфларнинг олдини олиш бўйича таклифлар берилган.

**Калитли сўзлар:** аҳолишунослик, демографик прогноз, туғилиш, ўлим статистикаси, когорта-компонент методологияси, эконометрик таҳлил.

## ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ БУДУЩИХ ДЕМОГРАФИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ НА СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ И ЗДРАВООХРАНЕНИЯ

**Найля ИБРАГИМОВА,**

*PhD (по экономическим наукам),*

*руководитель проекта Института прогнозирования и макроэкономических исследований,*

**Анвархужа ШОАЗИЗОВ,**

*ведущий научный сотрудник Института*

*прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** прогнозирование демографической ситуации в стране на ближайшую перспективу и планирование экономического и социального развития на ее основе является одним из наиболее актуальных вопросов. Будущих рисков можно избежать, моделируя влияние демографических процессов на сферы экономики государства. В статье представлен демографический прогноз численности населения страны на ближайшую перспективу и оценка его влияния на экономику, а также предложения по предотвращению рисков в будущем.

**Ключевые слова:** демографические исследования, демографический прогноз, статистика рождаемости, смертности, когортно-компонентная методология, эконометрический анализ.

### Assessing the impact of future demographic processes on education and health systems

**Nailya IBRAGIMOVA,**

*PhD (иқтисодийёт фанлари бўйича),*

*head of project, Institute of Forecasting and Macroeconomic Research*

**Anvarxo'ja SHOAZIZOV,**

*lead researcher, Institute of Forecasting and Macroeconomic Research*

**Abstract:** forecasting the demographic situation of the country in the near future and planning economic and social development based on it is one of the most urgent issues. Future risks can be avoided by modeling the impact of demographic processes on the spheres of the state economy. The article presents the demographic forecast of the country's population in the near future and the assessment of its impact on the economy, as well as suggestions for preventing risks in the future.

**Keywords:** population studies, demographic forecast, birth, death statistics, cohort-component methodology, econometric analysis.

**Кириш.** 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган чора-тадбирлар, аввалом бор Ўзбекистон аҳолисига қаратилган бўлиб, таълим сифатини ошириш, аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигини ошириш, ўлим даражасини пасайтириш, камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини ҳимоялаш, ташқи миграцияни тартибга солиш ва шу асосда мамлакатдаги демографик салоҳиятни сифат жиҳатидан яхшилашга қаратилган.


Белгиланган мақсадларга эришиш учун демографик истиқболни прогноз қилиш ва унинг таъсирини олдиндан аниқлаш долзарб вазифалар қаторига киради. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун ишлаб чиқариш ва табиий ресурслар муҳимлиги сингари аҳоли ҳам асосий омил ҳисобланади. Ушбу омилнинг ривожланиши демографик жараёнлар, масалан, туғилиш ва ўлим даражасининг ўзгариши, шунингдек, аҳолининг қариши, жинс ва ёш таркиби ҳамда худудий тақсимланиши билан ифодаланади. Ўзбекистондаги демографик вазият ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу аҳолининг юқори табиий ўсиши билан боғлиқ.

**Асосий қисм. 1. Демографик истиқболлар.** 2022 йил бошига кўра, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 35271.3 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 712.4 минг кишига

(2.1%) кўпайди. Эркаклар ва аёлларнинг умумий аҳоли сонидаги улуши мос равишда 50.3% ва 49.7% ни ташкил этди.

Ушбу аҳоли сони ўсишининг юқорилиги, асосан, янги туғилаётган чақалоклар сонининг ўлимга нисбатан анча баландлиги билан боғлиқ. 2021 йил давомида 905,2 мингта бола туғилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан туғилиш коэффициенти 25,9 промиллени ташкил этди, 2020 йилга нисбатан 1,3 промиллега ошди. Худудлар кесимида Самарқанд (110.4 минг бола), Фарғона (99.1), Қашқадарё (97.1) ва Андижон (84.7) вилоятларида туғилиш нисбатан юқори.

Ўлим коэффициенти кўрсаткичи 5.0 промиллени ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан -0.1 промиллега камайди (2020-йилда 5.1 промилле).




**Расм 1. Туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари**

**Манба:** жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

Мамлакатимизда кузатилаётган юқори туғилишнинг сабаби, пандемия давридан сўнг соғлиқни сақлаш тизимига эътибор кучайтирилганлиги, худудларда тиббий муассасаларнинг кадрлар ва технологик салоҳиятининг янада оширилиши, замонавий даволаш, жаррохлик усуллари ва амалиётларининг мамлакатимизда кенг тadbик қилиниши натижасида аҳолининг репродуктив соғлиғи яхшиланиши, кечиктирилган туғилишларнинг амалга оширилиши ва эртанги кунга ишончининг ошиши билан боғлиқ.


Ўзбекистон аҳолисининг истикбол кўрсаткичларини ҳисоблашда уларни *ёшлари бўйича кўчириш методологиясидан* фойдаланилди.

Прогноз натижасига кўра, Ўзбекистон аҳолиси 2030 йилга келиб 41026.5 минг кишини ташкил этиши кутилмоқда (2-расм). Туғилиш суръатлари нисбатан секинлашиши ҳисобига аҳолининг ўсиш суръатлари 2030 йилда 101.7 фоизга камаяди (2021 йилда 102.1 фоиз).



**2-расм. Доимий аҳоли сони, минг киши**

**Манба:** жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.



**3-расм. Истикболдаги туғилиш, аҳоли ўсиш суръати кўрсаткичлари**

**Манба:** Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ПМТИ томонидан ҳисобланган.

2022-2030 йилларда ҳозирги туғилиш тенденциялари маълум даражада камайган ҳолда 938.4 мингдан 931.7 мингга пасайиши кутилмоқда (3-расм).



**4-расм. Аҳоли асосий ёш гуруҳларининг истикболдаги прогнози, %**

**Манба:** Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ПМТИ томонидан ҳисобланган.

Аҳолининг асосий ёш гуруҳлари орасида маълум ўзгариш кутилмоқда (4-расм).


2030 йилга бориб меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 3% га ошиши кутилмоқда. Ўз навбатида меҳнатга лаёқат ёшидан катталар сонининг 1.9% ўсиши натижасида, катта ёшдаги аҳолининг ижтимоий ҳимояси учун бюджет харажатларининг юки ошиши мумкин.

## 2. Истикболда аҳоли сони ва таркибининг ижтимоий соҳаларга таъсири

Соғлиқни сақлаш. 2021 йил бошига мамлакатимизда 1232 та шифохона муассасалари мавжуд бўлиб, ҳар 10000 аҳолига 46.6 шифохона ўрни тўғри келган. Шунингдек 6032 та амбулатория-поликлиника муассасалари қуввати 10000 аҳолига 197.5 кишига мўлжалланган. Ушбу муассасаларда хизмат кўрсатаётган барча турдаги шифокорлар 93.3 минг киши бўлиб, ҳар 10000 аҳолига 27 та ёки битта шифокорга 370 та аҳоли тўғри келади. Шунингдек, ҳомиладор аёллар ва туғадиганлар учун 17.3 минг ўрин мавжуд бўлган бўлиб, ҳар 10000 фертил ёшидаги аёлларга 19.1 ўридан тўғри келган. Ҳомиладорлиги тугаган аёлларнинг фертил ёшидаги аёллардаги улуши 2021 йил бошига 8.9% ташкил қилган. Ҳисоб-китобларга асосан аҳоли соғлигини ҳозирги даражада ушлаб туриш ва яхшилаш учун аҳоли сонини ошишини ҳисобга олган ҳолда 2030 йилгача амбулатория-поликлиника муассасалари сонини 7041 тага етказиш, яъни 117% ошириш лозим. Бу қўшимча 3.5 трлн сўм бюджет харажатларини талаб қилади.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> <http://eduinvest.uz/ru/calculators/kindergarten.index?section=construction>





**5-расм. Соғлиқни сақлаш муассасалари ва ходимлари (2021 й.)**

**Манба:** Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ПМТИ томонидан ҳисобланган.

2021 йилда қайд этилган ўлим ҳолатларининг 61.7 % – қон айланиш тизими касалликларига, 7,8 % – ўсимталарга, 6,7 % – нафас олиш аъзолари касалликларига, 5,2 % – бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатланишларга, 4,1 % – овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларига, 3,1 % – юқумли ва паразитар касалликлар ҳамда 11,4 % – бошқа касалликларга тўғри келди (6-расм).



**6-расм. Ўлимнинг асосий сабаблари бўйича тақсимланиши**

5 ёшгача болалар ўлимнинг ҳудудлар кесимидаги таҳлили Хоразм, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида соғлиқни сақлаш тизимида ушбу ёшдаги болаларга қаратилган чоратадбирлар тизимлар кучайтирилиши лозимлигини кўрсатмоқда (7-расм).




**7-расм. 5 ёшгача болалар ўлими**

**Манба:** Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ПМТИ томонидан ҳисобланган.

Мақтабгача таълим. 2021 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида 1155.7 минг болага мўлжалланган мақтабгача таълим муассасалари (оилавий боғчаларни қўшмаган ҳолда) мавжуд бўлган бўлиб, уларда 1196.4 минг бола тарбияланган. 2022 йил бошига оилавий боғчаларни қўшган ҳолда мақтабгача таълим билан қамров даражаси 67% ни ташкил қилиб, жами 1913.0 минг бола тарбияланмоқда. Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясида 2026 йилга бориб 3-6 ёшли болалар қамровини 80% га етказиш режалаштирилган.

Iqtisodiy nazariyalar va subyektiv farovonlik bo'yicha tadqiqotlarda iste'molning subyektiv farovonlikka ta'sir qilishi haqida asosan 3 ta faraz mavjud: 1) iste'mol darajasining mutlaqligi, ya'ni u oshgani sari subyektiv farovonlik ham oshadi; 2) iste'mol tarkibi yoki sifati, ya'ni nafaqat iste'mol hajmi, balki tarkibi ham ahamiyatli; 3) iste'mol darajasining nisbiyligi, ya'ni o'z iste'mol darajasi va tarkibini atrofda qilargalarga nisbatan taqqoslagan holda farovonlik darajasini baholaydi (hamkasblar, qo'shnilar, do'stlar va boshqalarga nisbatan) [7]. Misol tariqasida, Jaikumar va uning hammualiflari 2004-2011 yillardagi panel ma'lumotlar va probit modellar yordamida uy xo'jaligida ko'zga ko'rinadigan iste'molning (conspicuous consumption) oshishi subyektiv iqtisodiy farovonlikning oshishiga olib kelishini aniqlagan [8]. Ushbu ta'sir kambag'al uy xo'jaliklari orasida kuchliroq ekanligi ko'rsatilgan.

Davlat tomonidan berilgan ijtimoiy yordamning subyektiv farovonlikka ta'siri Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkilotiga a'zo 38 ta mamlakatda tekshirilganda, ijobiy bog'liqlik aniqlangan [9]. Ammo Birlashgan Millatlar Tashkiloti universiteti tomonidan o'tkazilgan boshqa tadqiqot Qirg'izistonda davlat tomonidan ko'rsatiladigan ijtimoiy yordamning subyektiv farovonlikka salbiy ta'sir qilishini ko'rsatmoqda [10]. Mualliflarga ko'ra, bu asosan yosh va davlat institutlariga ishonch orqali tushuntirilishi mumkin. Bundan tashqari, ular Markaziy Osiyodagi boshqa mamlakatlarda ham xuddi shu holat kuzatilishi mumkinligini taxmin qiladi.

Vitter va boshqalar tomonidan olib borilgan metatahliliy tadqiqot sintezi natijalari shuni ko'rsatadiki, AQShdagi yoshi kattalar, ayniqsa ayollar orasida ta'lim salohiyati ularning subyektiv farovonligiga sezilarli darajada bog'liq. Eng e'tiborlisi, lavozim yoki daromad statistik nazorat qilinganda ta'lim va subyektiv farovonlik o'rtasidagi ijobiy korrelyatsiya darajasi kamaymagan. Ushbu ijobiy bog'liqlik 50 yil davomida sezilarli darajada o'zgarmagan [11]. Biroq, Xartog va Usterbekning (1998) [12] Niderlandiyada, Shtusterning (2004) [13] Shveysariya ma'lumotlari bazasi asosida o'tkazgan tadqiqotlari o'rta ma'lumotlilar o'rtadan past, shuningdek, oliy ma'lumotlilarga qaraganda o'z farovonlik darajasini yuqori baholashini ko'rsatdi. Oliy ma'lumotlilar orasida subyektiv farovonlik pastroq bo'lishining sababi ular daromadining o'zlari kutganchalik yuqori emasligi, daromadlar taqsimotining (dispersiya) kengligi [14] yoki oliy ta'lim va kasbiy malaka o'rtasidagi nomuvofiqlik [15] bilan bog'liq.

Mavjud adabiyotlar va tadqiqotlar yirik shaharlarda yashaydigan odamlarning subyektiv farovonligi qishloq hududlarida yashaydiganlarnikiga nisbatan pastroq ekanligini ko'rsatmoqda [16]. Ammo Lenzi va Peruchchalar mavjud tadqiqotlarni o'rganib chiqqan holda subyektiv farovonlikning shaharlarda past bo'lishi odamlarning shaharda yashaganligi uchun emasligini ta'kidlaydi. Ular shahardagi subyektiv farovonlikning pastligi aslida shahar strukturasi va boshqa ko'plab boshqa omillarga bog'liq ekanligini ko'rsatib beradi [17].

Bundan tashqari, ko'plab tadqiqotchilar tomonidan subyektiv farovonlikka oilaviy holat bo'yicha ham baho berishgan. Diener o'z maqolasida turmush qurganlar turmush qurmaganlarga nisbatan o'zlarini

baxtliroq va ruhiy jihatdan yaxshiroq his qilishini aniqlagan [18]. Boshqa bir tadqiqotda oilada mustaqil bo'lmagan bolaning bo'lishi ota-onaning subyektiv farovonligi tushishi, bunday bolalar soni oshgani sari farovonlikning ko'proq tushishi aniqlangan [19]. Ammo, fikrimizcha, ushbu bog'liqlik rivojlanayotgan va rivojlangan davlatlarda turlicha bo'lishi mumkin.

Gallop so'rovnoma asosida dunyo bo'ylab 114 ta mamlakatda o'tkazilgan so'rov natijalari shuni ko'rsatadiki, agar oila a'zolaridan kimdir chet elda ishlasa, bu farovonlikning nisbatan yuqori bo'lishiga olib keladi. Ushbu keng ko'lamli tadqiqot xorijdagi oila a'zosidan pul o'tkazmalarini qabul qilish, ayniqsa, kambag'al sharoitdagi oilalar uchun yanada muhim ekanligini ko'rsatdi [20]. Shuningdek, pul o'tkazmalariga qaramasdan, oila a'zosining chet elda bo'lishi uy xo'jaligida stress va tushkunlikning kuchayishiga olib keladi. Migratsiya darajasi nisbatan yuqori bo'lgan mamlakatlarda oila a'zolarining chet elga ketishi odatiy holat hisoblanadi.

Bandlik farovonlik uchun muhim. Chunki u insonning qadri va o'ziga nisbatan ishonchini oshiradi, ishsizlik esa hayotda erishishi mumkin bo'lgan qobiliyatlar va imkoniyatlar ustidan nazorat pasayishi va ilojsizlikka tushib qolishiga olib keladi [21]. Lukas va boshqalar tomonidan Germaniyada 24,000 nafardan ortiq kishi o'rtasida o'tkazilgan tadqiqotga ko'ra, odamlarga ishsizlik tog'ridan-to'g'ri ta'sir ko'rsatgan va keyinchalik farovonlik darajasi boshlang'ich darajaga qaytgan. Biroq, odamlar o'rta hisobda, qayta ishga kirganlaridan keyin ham avvalgi farovonlik darajasiga to'liq qaytmagan [22].

**Model.** Farovonlikka qaysi omillar ta'sir qilishini o'rganish uchun 2021-yilda Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar instituti tomonidan Jizzax viloyatida aholi farovonligi va kambag'allik darajasini baholash maqsadida o'tkazilgan so'rov natijalaridan foydalanildi. So'rovnoma 610 ta uy xo'jaligidagi jami 3087 nafar respondent ma'lumotlari mavjud. So'rovnoma Jizzax viloyatini ifodalaydigan (reprezentativ) va namunada barcha 13 ta tuman va shaharlarni qamrab olgan. Har bir tumandan (shahar) o'rtacha 4,7 ta mahalla va har bir mahalladan 10 ta uy xo'jaligi tanlangan.

Yuqoridagilarni inobatga olgan holda ushbu tadqiqotda subyektiv farovonlikka ta'sir etuvchi omillarni o'rganish uchun *ko'p omilli probit* modelidan foydalanamiz. Unga ko'ra subyektiv farovonlik quyidagi funksiya orqali aniqlanadi:

$$swb = f(inc, cons, soc\_pr, heduc, urb, mrr, mnchild, migr, emp)$$

O'zgaruvchilar tasnifi:

- swb – subyektiv farovonlik. Uy xo'jaligi a'zosi o'z farovonligini “yuqori”, “o'rtadan yuqori”, “o'rta” deb belgilasa 1 ga; aks holda, 0 ga teng;
- inc – daromad;
- cons – iste'mol, uy xo'jaligi umumiy xarajatlarini uy xo'jaligi a'zolari soniga nisbati orqali ifodalangan;
- soc\_pr – 2020-2021 yillarda kam ta'minlangan oilalarga beriladigan nafaqa yoki moddiy yordam olganlik;
- heduc – oliy ta'limga ega ekanlikni ko'rsatuvchi binar o'zgaruvchi. Uy xo'jaligi a'zosi oliy ta'limga ega bo'lsa, 1 ga; aks holda, 0 ga teng;
- urb – yashash joyi shahar yoki qishloq ekanligini ko'rsatuvchi binar o'zgaruvchi. Uy xo'jaligi shaharda istiqomat qilsa, 1 ga; aks holda, 0 ga teng.
- mrr – turmush qurganlikni ko'rsatuvchi binar o'zgaruvchi. Turmush qurgan bo'lsa, 1; aks holda, 0.
- mnchild – bolalar soni. Uy xo'jaligida voyaga yetmaganlar soni.
- migr – uy xo'jaligi a'zosi mehnat migratsiyasida, 1; aks holda, 0.
- emp – bandlikni ko'rsatuvchi binar o'zgaruvchi. Uy xo'jaligi a'zosi ish bilan band bo'lsa, 1 ga; ishsiz, uy bekasi yoki o'z ixtiyoriga ko'ra ishlamasa, 0 ga teng.

Bundan tashqari, probit modelda respondentlarning qaysi tarmoq turlari bilan bandligining kambag'allikka ta'siri ham tahlil qilindi.

**Natijalar tahlili.** Umumiy hisobda 12 ta probit regressiyasi amalga oshirildi (1-ilova). Dastlabki 9 ta regressiyada aholining subyektiv farovonligiga daromad, xarajat, ijtimoiy yordam olganlik, oliy ma'lumotlilik, shaharda yoki qishloqda yashash, turmush qurganlik, uy xo'jaligidagi bolalar soni, xorijga ishga ketganlik va bandlik o'zgaruvchilarining ta'siri ko'rsatilgan. O'n birinchi modelda bandlik darajasi olib tashlangan va uning o'rniga bandlikning tarmoqlar bo'yicha binar o'zgaruvchilari qo'shilgan. O'n birinchi va o'n ikkinchi modelda voyaga yetmaganlar modeldan chiqarib tashlangan.

Regressiya natijalariga ko'ra quyidagi xulosaga kelish mumkin:

**Daromadlar.** Daromad Jizzax viloyatida subyektiv farovonlikni oshiruvchi omil sifatida barcha modellarda yuqori darajadagi statistik ahamiyatlilik darajasini ko'rsatmoqda (0,0004:0,0002,  $p < 0,01$ ). Ta'sir darajasi juda past bo'lishiga qaramay, natijaning aniqlik darajasi o'ta yuqori. Daromadning subyektiv



farovonlikni oshirishini yetarlicha ko'p adabiyotlar tasdiqlashgan, ushbu maqoladagi natija ham mavjud adabiyotlarni qo'llab quvvatlamogda.

**Iste'mol.** Iste'mol ham o'z navbatida barcha modellarda daromadga nisbatan subyektiv farovonlikni oshirishda ko'proq ta'sir etishini ko'rsatmogda (0,002,  $p < 0,01$ ).

**Ijtimoiy yordam olganlik.** Ijtimoiy yordam olganlik adabiyotlar tahlilida ta'kidlab o'tganimizdek, subyektiv farovonlikni tushuruvchi omil sifatida ahamiyatli natijani ko'rsatmogda (-0,8,  $p < 0,01$ ). Biroq, regressiya har doim ham sabab oqibatni to'g'ri ko'rsatmaydi. Ya'ni, aholining ijtimoiy yordam olishi subyektiv farovonlikni tushiradi yoki subyektiv farovonligi yaxshi bo'lmaganligi uchun ijtimoiy yordam olishadi, deb aniq aytish qiyin. Eksperimental yoki kvazi-eksperimental metodlardan foydalanmas ekanmiz, bu borada so'nggi so'zni aytish biz o'ylagandan murakkabroq bo'ladi. Kelgusi tadqiqotlarda ushbu ikki tomonlama ta'sirni tekshirib ko'rish maqsadga muvofiq.

**Oliy ma'lumotlilik.** Oliy ma'lumotga ega bo'lish barcha modellarda subyektiv farovonlikka ta'siri 90%lik statistik ahamiyatli emasligi aniqlandi (0,3,  $p = 0,11$ ). Ammo guvohi bo'lganingizdek p-qiyamat 0,109 ga teng, ya'ni bu ta'sir 89%lik statistik ahamiyatlikka ega. Bundan tashqari, ushbu koeffitsientning 5%lik ishonch oralig'i [-0,08;0,67] ta'sirning ijobiy ekanligini ko'rsatmogda. Albatta, ilmiy salohiyat nafaqat monetar tomondan subyektiv farovonlikni oshiradi, balki dunyoni yaxshiroq anglash va tushunish evaziga ham aholining subyektiv farovonligini oshiradi degan tushuncha o'rinli.

**Shahar yoki qishloq.** Shaharda yashash barcha modellarda o'rta hisobda subyektiv farovonlikning tushishiga to'g'ri kelmogda (-0.23,  $p < 0,05$ ). Lenzi va Peruchchalar ta'kidlaganidek, shaharda yashash aholining subyektiv farovonligini tushiradi deyishga shoshilmaslik lozim. Umumiy hisobda shaharlar qanchalik piyodalar va aholi uchun qulay hamda yaxshi infrastrukturaga boy bo'lsa, bu shaharlarda subyektiv farovonlik yaxshiroq bo'lishi ta'kidlanadi. Natijalardan yana shuni xulosa qilish mumkinki, shaharda yashovchi aholi qishloqda istiqomat qiluvchi aholiga qaraganda o'z subyektiv farovonliklari haqida ochiq-oydinroq bayon qilishadi.

**Turmush qurganlik.** Oilali bo'lish Jizzax viloyatiga subyektiv farovonlikning o'sishiga olib kelishi barcha modellarda aniqlanmogda, modellar murakkablashgani sari ta'sir kattaroq va statistik ahamiyatliroq bo'lib bormogda (0,5,  $p < 0,01$ ). Ushbu ilmiy tasdiq ham mavjud adabiyotlarga mos keladi.

**Farzandlilik.** Uy xo'jaligida farzandlar soni oshgani sari subyektiv farovonlikka statistik ahamiyatsiz ekanligi aniqlanmogda (0,5,  $p = 0,14$ ). Ammo 5%lik ishonch oralig'ida [-0,02;0,14] koeffitsiyenting asosan ijobiy tomonda yotganini ko'rish mumkin. Ya'ni, farzandlilik 86% statistik ahamiyatlilik bilan subyektiv farovonlikni oshiradi.

**UX a'zosi mehnat migratsiyasida.** Mehnat migratsiyasining subyektiv farovonlikka ta'siri aniqlanmadi (0,2,  $p = 0,9$ ). Ishonch oralig'i [-0,71; 0,84] 0 atrofida simmetrik joylashgan ekanligidan migratsiyaning subyektiv farovonlikka ta'siri na ijobiy, na salbiy tendensiyaga ega. Uy xo'jaligi a'zosining mehnat migratsiyasida bo'lishi uy xo'jaligi uchun turli emotsional va ishchi kuchi bilan bog'liq muqobil xarajatlarga olib keladi. Ikkinchi tomondan mehnat migratsiyasida bo'lish uy xo'jaligiga moliyaviy manfaat keltiradi. Ushbu 0 ta'sir yuqoridagi ikki omilning subyektiv farovonlikka qarama-qarshi ta'siri tufayli hosil bo'lgan bo'lishi mumkin.

**Bandlik (sohalar bo'yicha).** Bandlikning uy xo'jaligi a'zolarinig subyektiv farovonligiga ta'siri statistik ahamiyatsiz ekanligi aniqlandi (0,24,  $p = 0,4$ ). Xuddi shunday bandlik turlari bo'yicha ham subyektiv farovonlikka statistik ahamiyatli ta'sir ko'rsatuvchi o'zgaruvchi aniqlanmadi. Ya'ni band bo'lish yoki umuman qaysi faoliyatda band bo'lish subyektiv farovonlikni belgilovchi omil emas degan xulosaga kelindi.

Subyektiv farovonlik va unga ta'sir etuvchi omillarni o'rganish hamda turli xulosalar berish muhim hisoblanadi. Bu orqali aholining umumiy kayfiyati va farovonligiga baho berish va uning manbalarini o'rganish mumkin. Jizzaxda o'tkazilgan ijtimoiy tadqiqot natijalaridan kelib chiqqan holda daromad, iste'mol, oliy ma'lumotga ega bo'lish, turmush qurganlik va bolalar soni kabi omillar ijobiy; ijtimoiy yordam olganlik va shaharda yashash kabi omillar salbiy; mehnat migratsiyasi va bandlik kabi omillar 0 ta'sirga ega ekanligi aniqlandi.

Aholining yuqoridagi ko'rinishdagi aprobatsiyasi birinchi qadamdagi tadqiqot bo'la oladi, xolos. Aholining subyektiv farovonligini keyinchalik batafsil tahlil qilish uchun subyektiv farovonlikning barcha jihatlarini qamrab oluvchi maxsus so'rov o'tkazish zarur.

**Xulosa va takliflar.** O'zbekistonda olib borilayotgan keng ko'lamli islohotlar negizida aholi farovonligini oshirish maqsadi yotadi. Aholi o'z farovonligini o'zi baholash yo'li amalga oshiriladigan ishlar natijasining oynadagi aksidir. Shunday ekan, farovonlikni o'lchash va prognozlashtirish davlat siyosatida markaziy o'rin tutadi.

Farovonlikni o'lchashni amaliyotda quyidagi uchta yo'nalishda qo'llash mumkin: 1) aholi farovonligini oshirish doirasida olib borilayotgan ishlarni monitoring qilish; 2) maqbul davlat siyosatini ishlab chiqish; 3) siyosatni aholi nuqtai nazaridan baholash.

O'zbekistonda ham mamlakat aholisining o'ziga xos xususiyatidan kelib chiqqan holda subyektiv farovonlikni o'lchaydigan ko'rsatkichlar davlat organlari, ilmiy institutlar, akademiyalar o'rtasida o'zaro hamkorlik asosida pilot loyiha orqali aniqlanishi kerak. Yakuniy indikatorlar beshta asosiy yo'nalishda ishlab chiqilishi va tasniflanishi maqsadga muvofiq: ijtimoiy, iqtisodiy, ekologik, demokratik va madaniy sohalar. Bunda quyidagi muqarrar belgilanmagan, biroq tavsiya etiladigan ko'rsatkichlarga e'tibor qaratish muhim:

- Bandlik;
- Oilaviy ahvol;
- Daromad va iste'mol;
- Shahar yoki qishloqda istiqomat qilish;
- Bilim salohiyati;
- Ijtimoiy infratuzilmalar bilan ta'minlanganlik;
- Ijtimoiy himoya va boshqalar.

Subyektiv farovonlik chora-tadbirlari ushbu doirada aniqlangan barcha mavzular va ko'rsatkichlar bo'yicha ma'lumotlarni e'lon qilish yo'li bilan amalga oshirilishi kerak, bunda ma'lumotlarni yig'ishning ikkita asosiy shakli qo'llanilishi lozim:

1. Davlat va mahalliy davlat hokimiyati idoralari, shu jumladan Davlat statistika qo'mitasining statistik ma'lumotlari;

2. Mamlakat miqyosida salmoqli so'rovga asoslangan ma'lumotlar.

Shu bilan birga, institutsional o'zgarishlarning subyektiv farovonlikka qanday va qay darajada ta'sir qilishini ko'rsatib beradigan davriy monitoring tizimini yaratish aholi farovonligini oshirish doirasida ijtimoiy-iqtisodiy siyosatni yanada maqsadli va oqilona olib borishga zamin yaratadi. Subyektiv farovonlikni monitoring qilishda quyidagi tamoyillarga tayanish lozim:

- Maqsadli guruhlar orasida so'rovnoma o'tkazish orqali aholi farovonligini oshirishga qaratilgan davlat siyosatining subyektiv farovonlikka ta'siri darajasini aniqlash;

- Subyektiv farovonlikni quyidagi toifalarga ajratgan holda, aholi farovonligiga ta'sir ko'rsatayotgan omillarni (0 dan 10 gacha bo'lgan shkalada) sohalar bo'yicha aniqlash va natijalar asosida manzilli chora-tadbirlarni amalga oshirish:

- umuman olganda hayotdan qoniqish darajasi;
- shaxsiy munosabatlardagi farovonlik;
- jismoniy salomatlik;
- ruhiy farovonlik;
- ish sharoiti;
- moliyaviy ahvol;
- yashayotgan hududdan qoniqish darajasi;
- farzandlar farovonligi (agar mavjud bo'lsa).

Aholi subyektiv farovonligi darajasi bo'yicha choraklik so'rovnomalarni mahalliy hokimiyat darajasida olib borish va har yillik natijalarni milliy darajada umumlashtirgan holda ishlab chiqish.

Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar instituti tomonidan 2022 yilning ikkinchi yarmida aholi subyektiv farovonligi darajasini aniqlash doirasida maxsus so'rovnoma o'tkazish mo'ljallangan. Bunda sinov tariqasida o'ziga xos yondashuvga ega bo'lgan keng qamrovli so'rovnoma tuzilib, yuqorida ta'kidlangan farovonlikka ta'sir etuvchi omillarni tahlil qilish ko'zda tutilgan.

### ***Manba va adabiyotlar***

1. Wilson, Warner R. "Correlates of avowed happiness." *Psychological bulletin* 67, no. 4 (1967): 294.
2. Diener, E., Suh, E. M., Lucas, R. E., & Smith, H. L. (1999). *Subjective well-being: Three decades of progress. Psychological bulletin*, 125(2), 276.
3. "OECD Library | Measuring Subjective Well-Being." *OECD Library*.
4. Schwarz, Norbert. "Self-reports: how the questions shape the answers." *American psychologist* 54, no. 2 (1999): 93.
5. Diener, Ed, and Robert Biswas-Diener. "Will money increase subjective well-being?." *Social indicators research* 57, no. 2 (2002): 119-169.

6. Stevenson, Betsey, and Justin Wolfers. "Subjective well-being and income: Is there any evidence of satiation?." *American Economic Review* 103, no. 3 (2013): 598-604.
7. Noll, Heinz-Herbert, and Stefan Weick. "Consumption expenditures and subjective well-being: empirical evidence from Germany." *International Review of Economics* 62, no. 2 (2015): 101-119.
8. Jaikumar, Saravana, Ramendra Singh, and Ankur Sarin. "'I show off, so I am well off': Subjective economic well-being and conspicuous consumption in an emerging economy." *Journal of Business Research* 86 (2018): 386-393.
9. Kolev, Alexandre, and Caroline Tassot. "Can investments in social protection contribute to subjective well-being?: A cross-country analysis." (2016).
10. Gassmann, Franziska, Bruno Martorano, and Jennifer Waidler. "How Social Assistance Affects Subjective Wellbeing: Lessons from Kyrgyzstan." *The Journal of Development Studies* (2021): 1-21.
11. Witter, Robert A., Morris A. Okun, William A. Stock, and Marilyn J. Haring. "Education and subjective well-being: A meta-analysis." *Educational Evaluation and Policy Analysis* 6, no. 2 (1984): 165-173.
12. Hartog, Joop, and Hessel Oosterbeek. "Health, wealth and happiness: why pursue a higher education?." *Economics of education review* 17, no. 3 (1998): 245-256.
13. Stutzer, Alois. "The role of income aspirations in individual happiness." *Journal of Economic Behavior & Organization* 54, no. 1 (2004): 89-109.
14. Castriota, Stefano. "Education and happiness: A further explanation to the Easterlin Paradox." Unpublished paper (2006).
15. Albert, Cecilia, and María Angeles Davia. "Education, wages and job satisfaction." In *Epunet conference*. 2005.
16. Winters, John V., and Yu Li. "Urbanisation, natural amenities and subjective well-being: Evidence from US counties." *Urban Studies* 54, no. 8 (2017): 1956-1973.
17. Lenzi, Camilla, and Giovanni Perucca. "Urbanization and subjective well-being." In *Regeneration of the Built Environment from a Circular Economy Perspective*, pp. 21-28. Springer, Cham, 2020.
18. Diener, Ed, Eunkook M. Suh, Richard E. Lucas, and Heidi L. Smith. "Subjective well-being: Three decades of progress." *Psychological bulletin* 125, no. 2 (1999): 276.
19. Shields, Michael, and Mark Wooden. "Marriage, children and subjective well-being." (2003).
20. Ivlevs, Artjoms, Milena Nikolova, and Carol Graham. "Emigration, remittances, and the subjective well-being of those staying behind." *Journal of Population Economics* 32, no. 1 (2019): 113-151.
21. Gerlach, Knut, and Gesine Stephan. "A paper on unhappiness and unemployment in Germany." *Economics Letters* 52, no. 3 (1996): 325-330.
22. Lucas, Richard E., Andrew E. Clark, Yannis Georgellis, and Ed Diener. "Unemployment alters the set point for life satisfaction." *Psychological science* 15, no. 1 (2004): 8-13.

I-ilova

### Subyektiv farovonlikka ta'sir etuvchi omillarning probit regressiya natijalari

VARIABLES	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10 no. leib	11	12 no. leib
Constant	3.097	-0.664***	-0.197	-0.172	-0.104	-0.360	-0.529**	-0.529**	-0.774**	-0.756**	1.1077	3.067
inc	0.000***	0.000***	0.000***	0.000***	0.000***	0.000***	0.000***	0.000***	0.000***	0.000***	0.0002***	0.000***
edu		0.002***	0.002***	0.002***	0.002***	0.002***	0.002***	0.002***	0.002***	0.002***	0.0028***	0.003***
inc_gr			-0.005***	-0.003***	-0.003***	-0.002***	-0.003***	-0.004***	-0.001***	-0.006***	-0.7940***	-0.701***
lneduc				0.314	0.324	0.289	0.283	0.285	0.281	0.284	0.3093	0.306
urb					-0.229**	-0.233**	-0.222**	-0.222**	-0.220**	-0.230**	-0.2505**	-0.244**
mar						0.273**	0.249**	0.250**	0.250**	0.268**	0.4812***	0.482***
nochild							0.058	0.059	0.061	0.054	0.0464	0.052
migr								0.037	0.028	0.036	0.0154	0.010
emp									0.243	0.235	-	-
emp_agre											-4.1015	-4.077
emp_indst											-4.0345	-4.034
emp_com											-3.6984	-3.662
emp_logs											-1.7190	-1.698
emp_trd											-3.2092	-3.132
emp_hfbs											-2.7560	-2.739
emp_ict											-4.5661	-4.551
emp_fu											-3.6003	-3.584
emp_gov											-3.8141	-3.794
emp_sdat											0.6653	0.666
emp_hth											-	-
emp_art											-8.1100	-8.04937

\*\*\* p<0.01, \*\* p<0.05, \* p<0.1

## ТРУДОУСТРОЙСТВО МОЛОДЕЖНЫХ КАДРОВ ПУТЕМ ВНЕДРЕНИЯ СОВРЕМЕННЫХ МЕТОДОВ ПОДБОРА

**Нигина СУЛТАНОВА,**

*докторант Самаркандского института экономики и сервиса*

**Аннотация:** в данной статье освещается роль негосударственных, частных служб занятости в развитии нашей страны, обеспечение выпускников достойными рабочими местами за счет развития рекрутинговой деятельности и проводимых реформ в этой сфере. Также в статье приведены научные рекомендации по сокращению числа безработных среди молодежи и повышению уровня жизни населения.

**Ключевые слова:** предпринимательство, занятость молодежи, рекрутинг, рекрутинговая деятельность, рекрутинговые агентства, рекрутинговые услуги, содействие занятости.

### ЗАМОНАВИЙ РЕКРУТМЕНТ ТЕХНИКАСИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ЁШ КАДРЛАРНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

**Нигина СУЛТАНОВА,**

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти*

**Аннотация:** ушбу мақолада мамлакатимизни ривожлантиришида нодавлат, хусусий иш билан бандликка кўмаклашиш хизматининг аҳамияти, рекрутинг фаолиятини ривожлантириш орқали битирувчиларни муносиб иш билан таъминлаш ҳамда бу борада олиб борилаётган ислохотлар кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, мақолада, ёшлар орасида ишсизлар сонини камайтириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасида илмий тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** тадбиркорлик, ёшлар бандлиги, рекрутинг, рекрутинг фаолияти, рекрутинг агентликлари, рекрутинг хизмати, бандликка кўмаклашиш.

### EMPLOYMENT OF YOUTH STAFF BY INTRODUCING MODERN SELECTION METHODS

**Nigina SULTANOVA,**

*doctoral student of Samarkand Institute of Economics and Service*

**Abstract:** this article highlights the role of non-governmental, private employment services in the development of our country, the provision of decent employment for graduates through the development of recruitment activities, as well as ongoing reforms in this area. The article also provides scientific recommendations on reducing the number of unemployed among young people and improving the living standards of the population.

**Keywords:** entrepreneurship, youth employment, recruitment, recruitment activities, recruitment agencies, recruitment services, employment promotion.

**Введение.** В условиях модернизации экономики страны обеспечение занятости населения, особенно молодежи, создание благоприятных условий для реализации их трудовых прав, экономической самостоятельности, размещение производительных сил, создание новых рабочих мест, организация занятости помощь, профессиональная подготовка и внедрение справочной системы, а также подготовка и переподготовка кадров является одним из наиболее актуальных вопросов проводимых социально-экономических реформ. Этот вопрос является одним из важнейших вопросов в социально-экономических реформах Правительства Узбекистана, поднимается на уровень государственной политики, обеспечивая важнейший приоритет. Обеспечение занятости нашей молодежи, прежде всего создание необходимых условий для трудоустройства выпускников вузов, останется важнейшим приоритетом нашей социальной политики.

В условиях рыночной экономики в нашей стране одним из основных направлений деятельности учреждений среднего специального, профессионального образования является развитие учащихся как гармонично развитого поколения, формирование совершенной личности, глубокое и совершенное образование в современном стиле, формирование личностного совершенствования студентов и помощь им в продуктивной трудовой деятельности, а также привитие им

предпринимательского духа, помощь молодежи в трудоустройстве и адаптации на рынке труда является требованием современной эпохи.

Такие проблемы, как функционирование и развитие рынка труда в Узбекистане, безработица и занятость, всесторонне изучены учеными республики. Эти проблемы решают Р.А.Убайдуллаева [1], К.Х.Абдурахмонов [2], Л.П.Максакова [3], Б.Х.Умурзаков [4], Ш.Р.Холмуминов, З.Я.Худойбердиев, Д.Ортикова, Д.Н.Рахимова, Н.Х.Рахимова, Н.З.Зокирова, К.З.Хомитов, Н.У.Арабов, Н.Шаюсупова и другие ученые. Научно-методические и практические аспекты повышения эффективности кадровых служб в сфере занятости населения республики частично отражены в научных трудах этих экономистов. С точки зрения мало изученность компонентов инфраструктуры рынка труда Узбекистана и их взаимосвязей, особенностей и тенденций развития, а также совершенствование методов комплексной оценки требует проведения глубоких научно-методических исследований.

**Основная часть.** Выпускники мечтают применить свои теоретические знания и умения не только на практике, но и в самостоятельной работе, организованной ими самими, с родными и близкими. У каждого молодого мужчины и женщины есть большие мечты и цели на будущее. Но осуществить эту мечту не так-то просто. С другой стороны, это не так уж и сложно.

С этой целью необходимо создать в нашей стране частные агентства, содействующие негосударственной занятости, в том числе рекрутингу, которые широко используются в зарубежной практике.

В развитых зарубежных странах кадровые агентства обслуживают работодателей и соискателей как самостоятельные юридические лица. Во всем мире через кадровые агентства ежегодно нанимают 8-10 миллионов человек.

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947, пункт 207 Государственной программы реализации Стратегии действий, планировалось разработать проект Закона «Об НПО (агентства по набору персонала)». После обсуждения проекта «О кадровой деятельности» он был переименован в «О частных агентствах занятости». Этот закон был принят в 2018 году под № ЗРУ-501 и вступил в силу 17 октября текущего года.

Сегодня, несмотря на то, что в стране проведены соответствующие реформы по совершенствованию деятельности частных служб занятости, проблемы в развитии рекрутинговых служб на нашем рынке труда сохраняются.

Развитие современной рекрутинговой деятельности тесно связано с инновациями. Первый период становления современного рекрутмента относится к середине XX века, когда рост производительных сил, научно-технический прогресс, широкое использование достижений науки, появление крупных компаний создавали множество рабочих мест, а также заполняли вакантные места. После Великой Отечественной войны требовало применения мер. Именно текущая ситуация привела к развитию инноваций и услуг по подбору персонала в период развития.

Мэтью Джеффри [5], эксперт по некоммерческим службам занятости, активизировал развитие рекрутмента.

**Таблица 1**

**Инновационные компоненты современного рекрутинга [6]**

<i>Рекрутмент</i>	<i>1.0</i>	<i>2.0</i>	<i>3.0</i>
<b>Технология</b>	Промышленность	Информация	Цифровой
<b>Инструменты</b>	Телефон, реклама, анкета	Компьютер, электронное резюме, интернет, база данных	Автоматизация процессов, профили в социальных сетях, видеointервью и беседы
<b>Источники</b>	Публикации в СМИ, картотека	Порталы вакансий, карьерные сайты, рекомендации	Социальные и профессиональные сети, человеческие ресурсы
<b>Кандидаты</b>	Активные кандидаты	Пассивные кандидаты	Талантливые кандидаты
<b>Объем покрытия</b>	Местный	По всей стране	Глобально
<b>Сфера деятельности</b>	Кадровая работа, психология, социология	Управление персоналом, продажи	Управление талантливыми людьми, бренд-менеджмент, маркетинг, PR

Кадровые агентства как негосударственные службы содействия занятости играют важную роль в повышении уровня занятости населения. Следует отметить, что на 2021 год в мире насчитывается 169 500 агентств в сфере этих услуг, из которых 13% работают в Северной Америке,

20% в Южной Америке, 40% в Европе, 2% в Африке и остальные 25% в Азиатско-Тихоокеанском регионе. Из специалистов, занятых в рекрутинговых услугах, 10% работали в агентствах или их филиалах и представительствах в Северной Америке, 18% в Южной Америке, 19% в Европе, 1% в Африке и 52% в Азиатско-Тихоокеанском регионе [7].

Следует отметить, что создание независимых кадровых агентств на рынке труда Узбекистана приведет к значительной социально-экономической эффективности.

В 2018 году создана нормативно-правовая база, регулирующая деятельность агентств по трудоустройству в Республике Узбекистан как негосударственной службы содействия занятости. 16 октября 2018 года был принят и официально вступил в силу Закон о частных агентствах занятости. В новом законе указано, что «частным агентством занятости является коммерческая организация, оказывающая услуги по поиску работы и трудоустройству лиц, ищущих работу, услуги по подбору персонала для работодателей, а также информационно-консультационные услуги в сфере трудоустройства».

В настоящее время в Узбекистане действуют компании, предоставляющие услуги по подбору персонала, такие как Uzjobs.com, Superjob, Персональное агентство «Бизнес статус», ООО «Аврора человеческие ресурсы», ООО «Глобальные трудовые ресурсы», Кадровое агентство HRC, ТМ Person hunters.

На сегодняшний день количество зарегистрированных государством агентств по трудоустройству в Узбекистане составляет 76. Следует отметить, что большинство частных агентств занятости заинтересованы в трудоустройстве граждан Узбекистана за рубежом.

По данным Министерства занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан, на сегодняшний день в частные агентства занятости обратились более 19 тысяч граждан страны.

**Таблица 2**

**Сведения о деятельности частных агентств занятости, чел.**

№	Регионы	Кандидаты, чел	Устроенные на работу, чел	В зарубежные страны	На территории Узбекистана	Те, кто получил совет
1.	Республика Каракалпакстан	12				12
2.	Андижан	2450	52	52		2398
3.	Бухара	1532	68	68		1464
4.	Джизак	346	14	14		332
5.	Кашкадарья	1289	11	11		1278
6.	Навои	197	7	7		190
7.	Наманган	2132	25	25		2107
8.	Самарканд	2093	16	16		2077
9.	Сырдарья	125	9	9		116
10.	Сурхандарья	824	7	7		817
11.	Ташкент	618	31	31		587
12.	Фергана	6075	142	86	56	5933
13.	Хорезм	842	6	6		836
14.	г.Ташкент	621	39	27	12	573
	Всего	<b>19156</b>	<b>427</b>	<b>359</b>	<b>68</b>	<b>18729</b>

**Источник:** данные Госкомстата Узбекистана.

**Выводы и предложения.** В целях повышения благосостояния населения и обеспечения достойных условий жизни первостепенное значение имеет вопрос достижения оптимального уровня занятости населения и снижения уровня безработицы. В связи с этим необходимо безотлагательно реализовать необходимые меры на рынке труда. В частности, необходимо стимулировать создание новых рабочих мест и сохранение существующих, совершенствовать деятельность государственных и негосударственных (частных) служб занятости, обеспечивающих занятость населения. Таким образом, негосударственная (частная) служба содействия занятости, т.е. агентство по трудоустройству, обладает высоким потенциалом применения нововведений в качестве конкурента государственным службам занятости.

Широкое развитие рекрутинговых услуг на рынке труда страны создает большие возможности в сфере трудоустройства. Сегодня Узбекистан считается страной с огромными резервами трудовых ресурсов.

Исходя из зарубежного опыта, для достижения высоких темпов роста узбекской экономики необходимо полностью урегулировать деятельность национальных кадровых компаний, добиться высокого уровня занятости населения, повысить уровень жизни и достойные условия жизни, изучить трудовой рынок. Для достижения поставленной цели необходимо выполнить следующие задачи:

- развитие негосударственных (частных) служб содействия занятости, поддерживающих занятость населения на основе усиления инноваций, и перспективного развития современного кадрового рынка за счет искусственного интеллекта и роботизации. Робот-рекрутер запрограммирован на установление живого общения, в результате чего он вступает в аудио- или видеосвязь с кандидатом и ведет беседу, задавая открытые и закрытые вопросы по заданному алгоритму;

- разработка организационно-экономических механизмов совместной деятельности, координация деятельности государственных служб занятости и негосударственных, частных агентств занятости. В данном случае конкретное преимущество автоматизации для работодателей характеризуется тем, что она позволяет осуществлять удаленный поиск и отбор кандидатов, соискатели могут организовать онлайн-собеседование и тестирование в удобном для них месте и времени, а для рекрутеров – чтобы увидеть результаты теста и интервью в режиме реального времени. Такие технологии значительно сокращают временные затраты, создают благоприятные условия для работодателей и соискателей. В настоящее время для удаленной работы с кандидатами, в частности, при проведении видеointервью, разработана платформа таких сервисов, как VCV (прямое видеособеседование), Navicon (специальный сервис для подбора стажеров), Preinterview, Skillaz;

- ускорить процесс подготовки высококвалифицированных кадров в сфере рекрутинга за счет обучения на основе мирового опыта и развивать систему рекрутинга в направлении цифрового HR, в котором особое место занимает HR-анализ. Перспективный анализ и эффективная работа с большими объемами информации (Big Data) позволяют оценить множество факторов, влияющих на будущую деятельность компании, изучить влияние вероятности ухода сотрудников из компании на движение кадров, а также создать система мотивации, основанная на личных качествах. Осуществление рабочей деятельности на основе элементов когнитивного анализа экономит трудозатраты и время рекрутера, позволяет выгружать отчеты в режиме реального времени;

- интеграция и углубление уровня образования студентов в высших учебных заведениях. При этом агрегирование и уберизация трендов в сторону цифрового HR также играет важную роль в развитии системы подбора персонала.

Агрегаторы резюме позволяют сайтам поиска работы собирать в единую базу информацию о соискателях, которые разместили свои планы и имеют свой профиль в социальных сетях. Примером такого сервиса является «Яндекс. Работа» и Indeed.com. Также совершенствуются платформы-агрегаторы, такие как Amazing Hiring, Friend work Recruit, Go Recruit.

Уберизация — это растущая тенденция в сотрудничестве между работодателем и рекрутером, также известная как обмен HRspace. Биржи HRspace предоставляют услуги рекрутерам и работодателям, аналогичные деятельности компании “Uber” то есть, когда компании-работодатели публикуют информацию об имеющихся вакансиях, рекрутеры предлагают кандидатов на эти должности. Примеры таких бирж — HRSpace, Jungle Jobs, HR Time, Stafory.

## **Источники и литература**

1. Р.А.Убайдуллаева. «Образование и социально-экономическое развитие в контексте развития человеческого капитала», Ташкент. 2010
2. Абдурахманов К.Х., Зокирова Н.К. Человеческое развитие: Учебник. - Т.: ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В. Плеханова», 2014. - 320 с
3. Максакова Людмила Демографический и миграционный потенциал Узбекистана // Народонаселение. 2016. №1-1 (71-1). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/demograficheskiy-i-migratsionnyu-potentsial-uzbekistana> (дата обращения: 19.09.2022).
4. Б.Х. Умурзаков. ЧТО ИЗМЕНИЛОСЬ В ОРГАНИЗАЦИИ ТРУДА С ПРИХОДОМ РЫНОЧНЫХ ОТНОШЕНИЙ? <https://lib.usue.ru/resource/free/12/s422.pdf>
5. Matthew Jeffery. Recruitment 4.0: Crowdsourcing, Gamification, Recruitment as a Profit Center, ... and the Death of Recruitment Agencies.
6. Таблица разработана автором
7. Доклад о миграции в мире 2020. ISBN 978-92-9068-880-8 (PDF). [https://publications.iom.int/system/files/pdf/final-wmr\\_2020-ru.pdf](https://publications.iom.int/system/files/pdf/final-wmr_2020-ru.pdf)

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАБИИЙ-ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ

**Орынбай НАЗАРБАЕВ,**  
*Қорақалпоқ давлат университети*  
*иқтисодиёт кафедраси профессори,*  
**Эльмира МАДЕНОВА,**  
*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),*  
*Қорақалпоқ давлат университети*  
*иқтисодиёт кафедраси доценти*

**Аннотация:** мақолада минтақанинг рақобат афзалликлари ва стратегик ривожлантириши йўллари батафсил кўриб чиқилган. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасининг агро иқлим шароитлари, чўллашув жараёни, сув ресурслари, ер ресурслари, асосий фондлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси, географик жойлашуви ва республиканинг стратегик аҳамиятга эга табиий салоҳиятлари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** самарадорлик, табиий-иқтисодий салоҳият, стратегия, индекс, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилма, сув заҳиралари, ер заҳиралари, асосий фондлар, минерал-хомашё заҳиралари, меҳнат заҳиралари, географик жойлашув, халқаро транзит, хомашё, тайёр маҳсулот, экспорт.

ПРОБЛЕМЫ ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ И ПРЕИМУЩЕСТВО ПРИРОДНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН

**Орынбай НАВАРБАЕВ,**  
*профессор кафедры экономики*  
*Каракалпакского государственного университета,*  
**Эльмира МАДЕНОВА,**  
*PhD (по экономическим наукам),*  
*доцент кафедры экономики*  
*Каракалпакского государственного университета*

**Аннотация:** в статье подробно рассмотрены конкурентные преимущества и пути стратегического развития региона. В частности агроклиматические условия, процессы опустынивания, водные ресурсы, земельные ресурсы, основные фонды, производственные и социальные инфраструктуры, географическое расположение, а также рассмотрены вопросы природного потенциала стратегического значения для Республики Каракалпакстан.

**Ключевые слова:** конкурентные преимущества, эффективность, природно-экономический потенциал, стратегия, индекс, производственная инфраструктура, социальная инфраструктура, водные ресурсы, земельные ресурсы, основные фонды, минерально-сырьевые ресурсы, трудовые ресурсы, географическое расположение, международный транзит, сырьё, готовая продукция, экспорт.

WAYS TO IMPROVE EFFICIENCY AND THE NATURAL AND ECONOMIC POTENTIAL OF THE REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN

**Orinbay NAZARBAEV,**  
*Karakalpak State University*  
*Professor of the Department of Economics,*  
**Madenova Elmira Nzatmatdinovna**  
*PhD (in economics),*  
*Karakalpak State University*  
*Associate Professor of the Department of Economics*



**Abstract:** in the article, the competitive advantages and ways of the strategic development of the region are considered and described in detail. In particular, the agro-climatic conditions, desertification processes, water resources, land resources, fixed assets, industrial and social infrastructures, geographical location as well as issues of natural potential of strategic importance for the Republic of Karakalpakstan have been included and developed.

**Keywords:** Competitive advantages, efficiency, natural economic potential, strategy, index, production, infrastructure, water resources, land resources, basic funds, mineral raw materials reserves, labour resources, geographical location, international transit raw materials, finished products, export.

Минтақанинг рақобат афзалликлари ва стратегик ривожлантириш йўллари биринчи навбатда унинг табиий-иқтисодий салоҳияти орқали асосланади. Мавжуд нисбий рақобат афзалликлари минтақани келажакда барқарор ривожлантириши учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, нисбий афзалликлар, яъни табиий-иқтисодий салоҳиятнинг айрим турлари стратегик ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ушбу ҳолат ривожланиш стратегиясининг сценарий ва вариантларини ишлаб чиқишда эътиборга олиниши лозим. Қорақалпоғистон Республикасининг табиий-иқтисодий салоҳияти ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев охириги йилларда жаҳонда содир бўлаётган коронавирус пандемиясининг иқтисодиёт ва инсонлар ҳаётига салбий таъсири ва уни Ўзбекистон шароитида бартараф этиш юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган энг устувор вазифалар “Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишдан иборат” деб таъкидлади<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан, “Инсон капиталини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда Оролбўйи минтақасида яшовчи аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш”га алоҳида эътибор қаратилган. (1-жадвал).

Қорақалпоғистон Республикаси сув ва ер захиралари, асосий фондлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма бўйича бошқа минтақаларга нисбатан паст салоҳиятга эга. Лекин шу билан бир қаторда минтақа ўзининг нисбий афзалликлари бўлган минерал хомашё захираларининг бойлиги ва уларнинг юқори рақобатбардошлиги билан ажралиб туради.

1-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикасининг табиий-иқтисодий салоҳиятини нисбий баҳолаш (индекс)**

№	Салоҳият турлари	Қорақалпоғистон Республикаси, (Ўзбекистон - 1,000)	Минтақалараро эгаллаган ўрни
1.	Ишлаб чиқариш инфратузилмаси	0,618	14
2.	Ижтимоий инфратузилма	0,977	7
3.	Сув захиралари	0,330	14
4.	Ер захиралари	0,300	14
5.	Асосий фондлар	0,462	11
6.	Минерал хомашё захиралари	1,415	3
7.	Меҳнат захиралари	0,917	9

**Манба:** Ўз.Р. ва ҚҚ.Р статистик тўпламлари ва интернет маълумотлари асосида ҳисобланган.

Қуйида Қорақалпоғистон Республикасининг стратегик аҳамиятга эга табиий салоҳиятлари кўриб чиқилган.

**Агроклим шароитлари.** Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистоннинг энг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, мамлакатимизнинг бошқа минтақаларига нисбатан куёш радиацияси, термик ресурсларнинг миқдори нисбатан камроқдир. Шунингдек, минтақа совуқ ҳаво оқимларининг шимолдан кириб келиши учун қулай. Минтақада қуруқ субтропик иқлимга мос шарт-шароитлар шаклланган (2-жадвал).

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. 28.01.2022 йил.

Қорақалпоғистон Республикасининг агроиқлим шароити имкониятлари (SWOT-таҳлил)<sup>1</sup>

Кучли томонлари	Кучсиз томонлари
Термик ресурслар пахта, дон, гуруч, полиз, мева, озуқа экинлари ва доривор ўсимликлар учун қулай	Сугориш учун сувнинг етишмаслиги ва уларнинг сифати ёмонлашуви, ерларнинг шўрхоклиги, чўллашув жараёнининг агроиқлимга салбий таъсири, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни камайтиради ва қурғокчиликка олиб келади
Имкониятлари	Хавф-хатарлари
Ер захирасига эга, ҳаво ҳарорати иссиқ.	Иқлимнинг кескин ўзгариши, чўллашувнинг кучайиши, Орол денгизининг ҳаддан ташқари қуриб кетиши.

Мавжуд термик ресурсларнинг мавжудлиги пахта, дон, гуруч, полиз, мева ва озуқа экинлари сингари иссиқсевар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун нисбатан (айниқса, жанубий зоналарда) қулай.

Чўллашув жараёни Қорақалпоғистон Республикаси табиати шаклланишининг асосий омили бўлиб қолмоқда (3-жадвал). Ушбу ҳолат атмосферада ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши, ёғингарчилик миқдори камлиги, ер ости суви захиралари озлиги билан белгиланади. Минтақа майдонининг 90% дан ортиғи чўл зонасида жойлашган. Чўллашувнинг кучайишига асосий сабаб, Орол денгизи сатҳининг кескин камайишидир.

## Қорақалпоғистон Республикасида чўллашув кўрсаткичлари тизими (2021 йил ҳолатига кўра)

Туман ва шаҳарлар	Атмосферада ҳаво ҳарорати+35° дан юқори бўлган кунлар сони (50 кундан ортиқ)-хавфсизлик даражаси	Йилига қум бўронлари бўладиган кунлар сони (30 дан ортиқ)-хавфсизлик даражаси	Йиллик ёғингарчилик миқдори (150 мм.дан кам)-хавфсизлик даражаси	Ер ости сувлари захиралари 1 кишига камида 0,045 м <sup>3</sup> /кунига-хавфсизлик даражаси
<b>Туманлар:</b>				
Амударё	-	-	105	0,001
Беруний	51	-	104	-
Қонликўл	-	-	97	0,001
Қораузак	-	-	94	0,001
Кегейли	-	31	94	-
Қўнғирот	-	-	121	0,001
Мўйноқ	-	35	134	0,001
Нукус	51	-	101	-
Тахтакўпир	50	-	101	-
Тўрткўл	51	-	105	-
Тахиагош	-	-	106	-
Хўжайли	51	-	101	0,01
Чимбой	-	-	101	-
Шуманай	51	-	110	0,01
Элликқалъа	-	-	108	-
<b>Шаҳар:</b>				
Нукус	51	-	101	0,01

**Манба:** Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф- муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Чўл зоналари ўзига хос ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига эга бўлиб, улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш долзарб масала бўлиб қолмоқда (4-жадвал).

<sup>1</sup> SWOT-таҳлил халқаро тажрибада кенг қўлланиладиган усул бўлиб, мавжуд жараёнларнинг ижобий ва салбий томонларини акс эттиради.

**Қорақалпоғистон Республикасида чўллашув шароити имкониятлари (SWOT-таҳлил)**

Кучли томонлари	Кучсиз томонлари
Чўл шароитига мослашган чорвачиликни ривожлантириш, жумладан, қорақўл қўйлар, туялар, жайрон, окқуйруқлар сонини ошириш.	Сув камчилиги, яйловлардан фойдаланиш самарадорлиги пастлиги, махсус дастурлар ишлаб чиқилмаганлиги.
Имкониятлари	Хавф-хатарлари
Кам сув талаб қиладиган ўсимликларни экиш, шунингдек, фармацевтика ва озиқ-овқат саноатида қўлланиладиган чўл ўсимликларидан фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Чет давлатларга экспорт қилиш.	Иқлимнинг кескин ўзгариши, чўллашув жараёни кучайиши.

Қорақўлчилик ва туячилик фақатгина чўл шароитидагина ривожланади. Улар олинadиган маҳсулотлар (қорақўл териси, гўшт ва сут маҳсулотлари) фақатгина ички бозорда эмас, балки ташқи бозорда ҳам юқори талабга эга.

Озиқ-овқат, фармацевтика, парфюмерия соҳаларида чўлдаги айрим ўсимликлар (қизилмия илдизи, коврак) кенг қўлланилади. Умуман, чўлнинг ўзига хос салоҳиятидан самарали фойдаланиш минтақанинг стратегик ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

**Географик жойлашув.** Минтақада рақобат афзалликлари шаклланиши унинг географик жойлашувига ҳам боғлиқ. Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларидан фарқли ўлароқ, транспорт-географик жойлашув Қорақалпоғистон Республикаси учун муҳим аҳамиятга эга.

**Қорақалпоғистон Республикасининг транспорт-географик жойлашув имкониятлари (SWOT-таҳлил)**

Кучли томонлари	Кучсиз томонлари
Хориж давлатларига (Қозоғистон, Туркманистон) бевосита қўшни бўлиши ва улар билан ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш имконияти юқорилиги. Ўзбекистон минтақалари орасида Европа давлатлари жумладан, Россия минтақалари билан иқтисодий алоқаларни шакллантиришнинг қулай ва яқинлиги.	Мавжуд транспорт инфратузилмаси ва логистикаси яқши йўлга қўйилмаганлиги, таъмирталаб йўлларнинг кўплиги ва уларни кенгайтириш.
Имкониятлари	Хавф-хатарлари
Нукус халқаро аэропорти яқин жойлашгани, Европа ва Осиё мамлакатларини боғловчи транзит марказга айланиш имконияти мавжудлиги	Транспорт логистикасининг жаҳон андозаларига мос келмаслиги ва нархларининг жуда юқорилиги.

Аввало, минтақа Туркманистон ва Қозоғистон давлатлари ҳудудлари билан чегарадош, шунингдек, Европа давлатларига, жумладан Россияга чиқишда қулай ва транспорт харажатлари камлиги билан ажралиб туради.

Минтақада транспорт-географик жойлашувнинг яна бир ўзига хос хусусияти йирик транзит маркази сифатида хизмат қилиши, яъни транс евро осие кўприги вазифасини бажариши мумкин.

Нукус-Қўнғирот-Бейнеу-Астрахань-Москва темир йўлидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, Нукус-Қўнғирот-Бейнеу стратегик автомобиль йўлининг салоҳиятидан унумли фойдаланиш, Нукус халқаро аэропорти имкониятлари юқорилиги келажакда транзит хизматлари орқали экспорт салоҳиятини янада юксалтириш учун кенг йўл очиб беради.

Транзит рақобат афзаллиги транспорт-географик жойлашувнинг харажатларини қоплаш каби хусусиятидан фойдаланиш учун қулай шарт-шароит яратади. Маълум бир маънода, келажакда Европадан Осиёга (Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Буюк Ипак йўли ва бошқалар) жумладан, Ҳинд океанига юкларни етказиб бериш бўйича йирик экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш мумкин.

Умуман, Қорақалпоғистон Республикасининг транспорт-географик жойлашувидagi афзалликлардан стратегик режада қуйидаги йўналишларда фойдаланиш мумкин:

- хом ашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар бўйича минтақанинг экспорт салоҳиятини кескин ошириш;
- халқаро транзит юк ташиш қўламини кенгайтириш;
- транспорт харажатларини камайтириш мақсадида бир қатор янги ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш.

Буларнинг барчаси минтақа рақобатбардошлигини ошириш ва стратегик ривожлантиришга аниқ имконият яратади.

**Минерал хом ашё захиралари.** Минтақа иқтисодиётининг ҳозирда шаклланган таркиби бой минерал хом ашё салоҳияти билан номутаносибдир. Аниқланган 62 та фойдали қазилма конларининг (01.01.2021 йилда) фақат 23 тасидан фойдаланилмоқда. Агар минтақадаги табиий газ конденсати, нефть, темир, ош ва сульфат тузлари конларини ҳисобга олсак, мавжуд минерал хом ашё салоҳияти юқори бўлиб, маълум рақобат афзалликларига эга. Шунингдек, минтақада қимматбаҳо тошлар, вермикулит, цемент хом ашёси, агроруда, 40 га яқин қурилиш материаллари (оҳактош, гипс, керамзит, силикат гишт хом ашёси ва бошқалар) конлари мавжуд. Қорақалпоғистон Республикаси табиий газ, темир рудалари, тальк ва тальксимон тош, оҳактош захиралари бўйича мамлакатда етакчи ўринларни эгаллайди.

Келажакда мамлакатда ёқилғи энергетика тармоқларининг ривожланиши кўп жиҳатдан Устюрт платосидаги ва Орол денгизи ҳавзасидаги газ конларини аниқлаш ва қазиб олиш билан боғлиқ. Устюрт ҳудудининг Ўзбекистонда энг йирик газ ва кимё мажмуаси маркази бўлиб қолиш имконияти жуда юқори. Ҳозирги кунда бу ерда 30 га яқин газ ва газ конденсати конлари очилган. Улардан энг йириклари Қоражамбас, Шимолий Бузачи, Қаламкас, Қуйи Сургул ва бошқалар.

Мамлакатимизда нефть ва газ бўйича геология қидирув ишларини ривожлантиришнинг дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастурга кўра, газ захираларининг ярмидан кўпи Устюрт ҳудудига тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Устюртда геология қидирув ишларини олиб бориш дастури тасдиқланган. Ушбу дастурга кўра, 100 дан ортиқ объектларда чуқур бурғулашни амалга ошириш мўлжалланган ва улар хориж инвесторлари учун ажратиб берилган. Асосий геологик қидирув ишлари Акчолак, Куаниш, Фарбий Ургин, Ақтумсук, Насамбек, Шахпахт инвестицион блокларида олиб борилмоқда. Устюртда қиймати 4,0 млрд. доллар бўлган Ўрта Осиёда энг йирик ва ягона газ-кимё мажмуаси қурилиши тугалланди ва ишга туширилди. Мажмуанинг қуввати йилига 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Бу ерда Сургул конидан олинаётган юқори этанли газ қайта ишланмоқда. Ҳукумат қарорларига мувофиқ, Ўрта Куаниш ва Акчолак инвестицион блокларида 2030 йилга қадар 700 млн.куб.м табиий газ қазиб олиш мўлжалланган. Устюрт ҳудудида геологик қидирув ишларини янада кенгайтириш ва газ қазиб олишни кўпайтириш мақсадида 1,0 млрд. доллардан ортиқ инвестициялар йўналтириш мўлжалланган.

Минтақадаги минерал хом ашё конлари орасида ички ва ташқи талабга жавоб берадиган ва ўзлаштиришнинг самарадорлиги жиҳатидан темир рудалари, ош ва сульфатли тузлар, тальк фойдали қазилмаларини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, металлургия соҳасида 1,6 млрд АҚШ долларлик 16 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кузда тутилган.

Хусусан, 2022 йил якунига қадар 13 та инвестиция лойиҳаси доирасида 486,0 млн долларлик хорижий банк кредитини жалб қилиш, республикада мавжуд темир (Тебинбулоқ, Сюренота) ва вольфрам (Саутбай, Ингичка) конларини саноатда ўзлаштириш ва металлургия корхоналарини барпо этиш мақсадида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш<sup>1</sup> белгилаб олинган.

Тебинбулоқ темир рудалари конида (Қораузак тумани) темирнинг миқдори 16-18 % га тўғри келади, унинг прогноз захиралари 1,1 млрд. тоннадан ортиқ. Самарали технологияни қўллаш орқали ушбу кондан юқори сифатли пўлат ишлаб чиқариш мумкин. Ҳозирда ушбу конни ўзлаштириш дастури ишлаб чиқилган. Унга кўра конни ўзлаштириш иккита босқичда амалга оширилади. Умумий қиймати 1,5 млрд. доллар бўлган ушбу инвестицион лойиҳани 2024 йилда тамомлаш кўзда тутилган. Бунда йиллик руда қазиб олиш 33 млн.тн (65 % темир), 1,5 млн.тн темир, 900 минг.тн арматура, 375 минг. тн швеллер ишлаб чиқарилади. Корхонада 2 минг киши ишлайди, маҳсулотнинг 3,5 %и экспорт қилинади.

Асосан минтақа шимолида жойлашган бой минерал хом ашё захираларини ўзлаштиришда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини мутаносиб равишда ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, аҳоли яшаш жойларини ташкил этиш, минерал захиралар маркази бўлган Қўнғирот туманини иқтисодий ривожланиш ва ўсиш марказига айлантириш мақсадга мувофиқ. Уни ўрта шахарлар тоифасига қўшиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Қорақалпоғистон Республикасининг рақобат афзалликлари қаторига мавжуд рекреацион (дам олиш ва туризм) салоҳиятни ҳам киритиш мумкин. Бу ерда жаҳон цивилизацияси билан боғлиқ тарихий архитектура обидалари, экотуризм, соғлиқни сақлашга қаратилган балчиқ орқали муолажа қилиш ва бошқа туризм хизмат турларини ривожлантириш имкониятлари мавжуд.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. 28.01.2022 йил.

Ҳисоб-китобларга кўра, охириги йилларда аҳоли сонининг ўсиш суръатлари (113,0 %) деярли мамлакат кўрсаткичларига мос келади (115,0 %) ва 2030 йилга келиб 248,0 минг кишига ошиши прогноз қилинмоқда. Келажакда аҳоли таркибида 0-15 ёшгача бўлган ёшларнинг улуши бир оз камайиши ва пенсия ёшидагиларнинг улуши ошиши кутилмоқда.

Умуман, келажакда Қорақалпоғистон Республикаси юқори демографик салоҳиятни сақлаб қолади ва ушбу ҳолат барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишда муҳим стратегик омил бўлиб хизмат қилади.

Келажакда саноат тармоқларининг тез суръатлар билан ривожланишини эътиборга олган ҳолда меҳнат бозорида талаб ва таклиф мувозанатини сақлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ривожланиш стратегиясининг муҳим йўналиши бўлиши лозим. Айниқса, юқори малакали кадрларга талабнинг кучайиши таълим тизимига асосий эътибор қаратилиши лозимлигини кўндаланг қилиб кўяди. Аҳоли демографик хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор бериш керак.

Умуман, хулоса қилсак, минтақа табиий-иқтисодий салоҳиятининг кучли томонлари (афзалликлари) ривожланиш стратегиясини илмий асослаш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини янада оширишда асосий тўртки бўлиб хизмат қилади.

### **Манба ва адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. 28.01.2022 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қорақалпоғистон Республикасини 2020-2023 йилларда комплекс ривожлантириши давлат дастури” 2020 й. 10-ноябрь.
3. Проведение социально-экономического обследования потребностей и нужд в регионе Приаралья. Краткий отчет ПРООН, 2017, с-14.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил январь-июнда қабул қилган қарорлари. (2017-2018 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ривожлантириши чоратадбирлари дастури тўғрисида).
5. Статистик тўплам. Тошкент. Ўзбекистон 2020й.
6. Қорақалпоғистон Республикаси статистик тўплами. 2019й.
7. Солиев А. “Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси”. Тошкент. Университет 2014й. 404б.
8. Назаров Ш.Х. “Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов”. Тошкент издательство IFMR. 2014й, 202б.
9. Содиқов А.М. ва бошқ. Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши стратегияси. IFMR. 2013й, 252 б.
10. Минтақани барқарор ривожлантиришининг стратегик режасини ишлаб чиқиши йўллари. Монография. Маденова Э.Н., Назарбаев О. 2019й.

### **Интернет сайтлар.**

WWW.stat.uz.

WWW.economics.uz.

## **ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК БАРОМЕТРИНИ БАҲОЛАШ**

**Шерзодбек ОТАБОЕВ,**

*PhD (иқтисодийёт фанлари бўйича),*

*Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириши вазирлиги бошқарма бошлиғи,*

**Мирзабек ЖАМОЛОВ,**

*Прогнозлаштириши ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти катта илмий ходими*

**Аннотация:** мақолада ҳудудларда иқтисодий фаоллик барометрини баҳолаш услубиёт ишлаб чиқилган ва унинг асосида Ўзбекистон ҳудудларидаги иқтисодий фаоллик баҳоланган. Бунда жорий йил ва ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичлар таққосланган. Ушбу кўрсаткичларни таққослаш орқали ҳудуддаги оқсаетган соҳаларни аниқлаш ва уларга ўз вақтида ечим топиш, фаол рақобатни ривожлантириши имконини яратади.

**Калит сўзлар:** барометр, иқтисодий фаоллик, ҳудуд, диагностика, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, экспорт, импорт.

## ОЦЕНКА БАРОМЕТРА ЭКОНОМИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ В РЕГИОНАХ УЗБЕКИСТАНА

**Шерзодбек ОТАБОЕВ,**

*PhD (по экономическим наукам),*

*Начальник управления Министерства экономического развития и сокращения бедности,*

**Мирзабек ЖАМОЛОВ,**

*старший научный сотрудник*

*Института прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** в статье разработана методика оценки барометра экономической активности в регионах, и на ее основе проведена оценка экономической активности территорий Узбекистана. При этом сравниваются показатели текущего года и соответствующего периода предыдущего года. Сопоставление этих показателей позволяет выявить отстающие отрасли в регионе и своевременно находить пути решения проблем, развивать активную конкуренцию.

**Ключевые слова:** барометр, экономическая активность, регион, диагностика, производство, предпринимательство, экспорт, импорт.

## BAROMETER OF ECONOMIC ACTIVITY IN THE REGIONS OF UZBEKISTAN

**Sherzodbek OTABOYEV,**

*PhD (in Economic),*

*Head of the Department of the Ministry of Economic Development and Poverty Reduction,*

**Mirzabek JAMOLOV,**

*senior researcher Institute of Forecasting and Macroeconomic Research*

**Abstract:** in the article, the working methodology of the barometer of economic activity in the region, and the basis of the methodology of the economic activity in the region of Uzbekistan. At the same time, the indicators of the current year and the corresponding period of the previous year are compared. Comparison of these indicators makes it possible to identify lagging industries in the region and to find solutions in a timely manner, to develop active competition.

**Keywords:** barometer, economic activity, region, diagnostics, production, entrepreneurship, export, import.

**Кирриш.** Юртимизда кейинги йилларда ҳудудларни иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда республикамизда бир қатор дастурлар амалга оширилди. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарорини кўрсатиш мумкин. Унда 2022-2026 йилларга мўлжалланган ҳудудларни барқарор ва жадал ривожлантириш режасида уларнинг комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, табиий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятини, шунингдек, ҳудудларнинг бошқа қиёсий устунликларини баҳолаш белгилаб ўтилган. [1; 2].

Ҳудудларнинг ривожланишини индекслар орқали баҳолаш уларнинг иқтисодиётидаги ўзгаришларни аниқлаш мақсадида иқтисодий фаоллик барометри ишлаб чиқилди.

Иқтисодий фаоллик барометри (ИФБ) бу жорий йилнинг маълум бир даврида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳудудлар иқтисодиётида кузатилган иқтисодий фаоллик даражасини кўрсатади. Бунинг ёрдамида қуйидагиларни аниқлаш ва ечимини топиш имконини беради.

1. Ҳудуд иқтисодиётини мунтазам диагностика қилиш ва унинг ўзгаришини баҳолаш.
2. Фаоллик пасайишига таъсир кўрсатувчи омилларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни яхшилаш бўйича чоралар кўриш.
3. Ҳудудлар ўртасида фаол рақобатни яратиш, бунинг натижасида эса фаоллик барометрини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш.

**Адабиётлар таҳлили.** Иқтисодий ва бошқа соҳаларни ривожлантиришда индексларнинг роли ва аҳамияти жуда катта. Индекс назариясининг иқтисодиёт фанлари учун аҳамияти шундан далолат берадики, кўплаб таниқли олимлар ушбу соҳада тадқиқотлар олиб боришган. Бунга мисол қилиб, А.Боули, А.Маршалл, Ф.Едгеворт, И.Фишер номларини келтириш мумкин. Nobel мукофоти лауреатлари: Д.Кейнс, Р.Фриш, П.Самуэлсонлар ҳам ушбу йўналишдаги тадқиқотларда устувор аҳамият касб этган олимлар ҳисобланади. Статистика томонидан ўрганиладиган ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларнинг аксарияти бир хил ёки турли хил бўлиши мумкин бўлган кўплаб элементлардан иборат. Бир хил ҳодисалар тўғридан-тўғри битта элементни эмас, балки элементлар гуруҳини ёки умуман бутун популяцияни ўзгартиришни тавсифловчи индексларни йиғиши ва ҳисоблаши мумкин. Бундай индекслар умумий индекслар дейилади [3]. Кўп ўлчовли носимметрик индексни куриш учун турли йилларда жисмоний чиқиш ҳажмининг индекслари вектори номаълум бўлган тенгламалар тизимини ечиш керак [4]. Агар индекс бир неча давр учун ҳисобланса, у ҳолда мавжуд қоидаларга мувофиқ, маълум бир даврга тайинланган ҳар бир индексдан қиймат учун тегишли белги қўйилади [5]. Тадқиқот учун иқтисодиётнинг ривожланишини тавсифловчи асосий кўрсаткич сифатида барча иқтисодий субъектлар томонидан яратилган қўшилган қиймат миқдорини белгилайдиган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ) кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир [5]. Жадал иқтисодий ривожланиш шароитида қулай сиёсий-ҳуқуқий муҳит макроиқтисодий барқарорликни амалга ошириш, ҳудудлар ва тармоқларга инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорлик фаолиятини юксалтиришнинг зарур шартидир [6]. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларни комплекс ва мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан мақбул ва самарали фойдаланиш зарур. Хўжалик юритувчи субъектларнинг (ҳудудлар, вилоятлар, вилоятлар, муниципалитетлар) иқтисодий ривожланишини баҳолаш кўрсаткичларини шакллантиришга турли хил услубий ёндашувлар аналитик мақсадлар учун уларни маълум асосда таснифлашни талаб қилади [7]. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиялари стратегик режалаштириш асосида самарали қарорлар қабул қилишнинг замонавий методологиясидан фойдаланиш принципига мувофиқ ишлаб чиқилган [8].

#### **Тадқиқот услубиёти.**

“Ҳудудлар иқтисодий фаоллик барометри”ни ҳисоблаш методикаси 3 та компонентдан ташкил топади ва 12 та баҳолаш кўрсаткичларидан иборат.

#### **1. Ишлаб чиқариш фаоллигида – 5 та кўрсаткич:**

- а) саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати;
- б) истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати;
- в) қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суръати;
- г) хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати;
- д) чакана товар айланмасининг ўсиш суръати.

#### **2. Тадбиркорлик фаоллигида – 5 та кўрсаткич:**

- а) фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сонининг ўсиш суръати;
- б) фаолият юритмаётган кичик бизнес субъектларининг рўйхатдан ўтган жами кичик бизнес субъектлари сонидаги улуши;
- в) фаолияти ихтиёрий тугатиш жараёнидаги кичик бизнес субъектларининг рўйхатдан ўтган жами кичик бизнес субъектлари сонидаги улуши;
- г) янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг ўсиш суръати;
- д) фаолиятини тугатган кичик бизнес субъектларининг ўсиш суръати.

#### **3. Ташқи савдо фаоллигида – 2 та кўрсаткичдан фойдаланилади:**

- а) экспорт ҳажмининг ўсиш суръати;
- б) импорт ҳажмининг ўсиш суръати.

Кўрсаткичлар иқтисодий фаолликка таъсири бўйича ижобий ва салбий бўлади ва шунга қараб қуйидаги формулалардан фойдаланилади:

иқтисодий фаолликка ижобий таъсир кўрсатадиган кўрсаткичларни индексга айлантиришда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$X_{\text{индекс}} = \frac{x - \min(x)}{\max(x) - \min(x)}$$

бу ерда,  $X_{\text{индекс}}$  – кўрсаткич индекси;  $x$  – кўрсаткич қиймати;  $\min(x)$  –  $x$  кўрсаткичнинг ҳудудлар орасидаги энг кичик қиймати;  $\max(x)$  –  $x$  кўрсаткичнинг ҳудудлар орасидаги энг катта қиймати.

Иқтисодий фаолликка салбий таъсир кўрсатадиган кўрсаткичларни индексга айлантиришда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$x_{\text{индекс}} = 1 - \frac{x - \min(x)}{\max(x) - \min(x)}$$

Кўрсаткичлар индекслари асосида ўртача арифметик усулни қўллаган ҳолда ҳар бир компонент бўйича алоҳида ва уларнинг ўртачаси бўйича умумий интеграл индекс ҳисобланиб, натижаси асосида “Худудлар иқтисодий фаоллик барометри” аниқланади.

#### Таҳлил ва натижалар.

Таҳлил натижаларига кўра, 2022 йилнинг биринчи ярмида иқтисодий фаолликнинг юқори кўрсаткичлари Андижон, Жиззах, Самарқанд вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида (ИФБ = 0,569-0,678) кузатилган. Бунга Андижон ва Жиззах вилоятларида истеъмол товарларни ишлаб чиқаришда (ўсиш суръатлари – ОС>140,0%) ҳамда товар ва хизматлар экспорти (ОС>160%) ва импортида (ОС>117%) кузатилган жадал ўсиш, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ва ташқи савдо фаоллигига, ва шу асосда ИФБ индексига ижобий таъсир этган. Бунинг натижасида, Андижон (12 ўриндан 1 ўринга) ва Жиззах (9 ўриндан 2 ўринга) вилоятлари худудлар орасида ўз позицияларини яхшилашга эришишди.

Самарқанд вилоятининг ИФБ юқорилиги (3 ўрин) ушбу худудда тадбиркорлик фаолияти (кичик бизнес субъектларининг ташкил этиш ва самарали фаолият юритиш қулайлиги) ва экспорт салоҳияти (озиқ-овқат маҳсулотлари, туризм хизматлари) ривожланганлиги натижасида кузатилди.

Умуман олганда, ҳисобот даврида 6 та худуд (Андижон, Жиззах, Навоий, Фарғона, Хоразм, Самарқанд вилоятлари) иқтисодий фаоллигини яхшилаган бўлиб, бунда тадбиркорлик (кичик бизнес субъектларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантириш натижасида тадбиркорлик фаоллиги индекси 0,588-0,650 тенг бўлган) иқтисодий ривожланишни юзага келтирувчи асосий омил ҳисобланади.

Кўрсаткичлари нисбатан паст бўлган Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаоллигини ошириш учун кўшимча чора-тадбирлар амалга оширишни жадаллаштириш ва такомиллаштириш учун тавсиялар таклиф қилинади. Тадбиркорлар томонидан олиб борилаётган ишларни рағбатлантириш орқали фаолликни ошириши яхши натижа беришини рейтингда юқори ўринлардаги вилоятлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда билиб олиш мумкин. Фаоллик салоҳиятини ошириш учун янги очилган субъектларни қўллаб-қувватлаш, субсидиялар ажратиш ва тадбиркорликнинг бошқа турларини ривожлантиришга имкон яратиш лозим.

#### Кўрсаткичларнинг иқтисодий фаолликка таъсири бўйича турлари (ижобий ва салбий)

Ишлаб чиқариш фаоллиги	Тадбиркорлик фаоллиги	Ташқи савдо фаоллиги
саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати <b>(ижобий)</b>	фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сонининг ўсиш суръати <b>(ижобий)</b>	фаолиятини тугатган кичик бизнес субъектларининг ўсиш суръати <b>(ижобий)</b>
истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати <b>(ижобий)</b>	<i>фаолият юритмаётган кичик бизнес субъектларининг рўйхатдан ўтган жами кичик бизнес субъектлари сонидаги улуши</i> <b>(Салбий)</b>	фаолиятини тугатган кичик бизнес субъектларининг ўсиш суръати <b>(ижобий)</b>
қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суръати <b>(ижобий)</b>	<i>фаолияти ихтиёрий тугатиш жараёнидаги кичик бизнес субъектларининг рўйхатдан ўтган жами кичик бизнес субъектлари сонидаги улуши</i> <b>(Салбий)</b>	
хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати <b>(ижобий)</b>	янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг ўсиш суръати <b>(ижобий)</b>	
хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати <b>(ижобий)</b>	<i>фаолиятини тугатган кичик бизнес субъектларининг ўсиш суръати</i> <b>(салбий)</b>	



## Худудларнинг иқтисодий фаоллик барометридаги ўрни (2021 йил 6 ой ҳисобида)

	Ишлаб чиқариш фаоллиги			Тадбиркорлик фаоллиги			Ташқи савдо фаоллиги			Худудларда иқтисодий фаоллик индекси		
	2021 й	2022 й	ўзгариш	2021 й	2022 й	ўзгариш	2021 й	2022 й	ўзгариш	2021 й	2022 й	ўзгариш
Қорақалпоғистон Республикаси	8	11	↓	5	7	↓	8	14	↓	6	13	↓
Андижон	13	3	↑	12	3	↑	5	1	↑	12	1	↑
Бухоро	10	10	↓	6	10	↑	9	11	↓	11	11	
Жиззах	5	2	↑	4	5	↓	11	2	↓	9	2	↑
Қашқадарё	4	12	↑	1	4	↓	14	4	↑	5	9	↓
Навоий	14	6	↑	13	9	↑	13	10	↑	14	7	↑
Наманган	7	1	↑	7	11	↓	10	8	↑	4	8	↓
Самарқанд	6	9	↓	2	1	↑	4	3	↑	3	3	
Сурхондарё	9	13	↓	11	14	↓	12	12	↑	13	12	↑
Сирдарё	2	14	↓	14	8	↑	1	9	↓	2	14	↓
Тошкент	3	4	↓	8	6	↑	6	13	↓	7	10	↓
Фарғона	12	8	↑	3	12	↓	7	6	↑	10	5	↑
Хоразм	11	7	↑	10	2	↑	2	7	↓	8	6	↑
Тошкент ш.	1	5	↑	9	13	↓	3	5	↓	1	4	↓

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

### Хулоса

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилишда истиқболга йўналтирилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш учун уни комплекс баҳолашнинг ҳамда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиққан ҳолда уларга тезкорлик билан ва лозим даражада жавоб қайтаришнинг ягона мувофиқлаштирилган механизмини ишлаб чиқиш лозимлиги тавсия қилинади. Худудларни барқарор ва жадал ривожлантириш учун уларнинг комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, табиий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятини, шунингдек, худудларнинг бошқа қиёсий устунликларини баҳолашнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Худудларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш, уларнинг иқтисодиётини янада диверсификация қилиш яна бир тамоил бўлиш керак. Рейтинг кўрсаткичларининг мониторингини ва оммавий ахборот воситалари, шу жумладан расмий веб-сайтда худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш натижалари тўғрисидаги маълумотлар мунтазам равишда кенг ёритилишини таъминлаш ҳам худудлардаги иқтисодий ўсишнинг шаффофлигини таъминлайди.

### Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” 60-сон фармони. 1 б.3-хат боши.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4702-сон қарори. 1 б. 3-хат боши.
3. Аллен Р. Иқтисодий индекслар. М.: Статистика, 1980 й. 68-69 б.
4. Фишер И. Индекслар яратилиши: уларнинг турлари, синовлари ва ишончлилиги ҳақида. М.: ЦСУ 2005 й. 110-112 б.
5. Тикунов В.С., Черешня О.Ю. “Индекс экономического развития регионов Российской Федерации” 2016 г. 165-166 стр.
6. <https://review.uz/post/centr-ekonomicheskix-issledovaniy-i-reform-proanaliziroval-biznes-aktivnost-regionov>
7. Маринов, А. А. “Условия социально-экономического развития региона”. 2009 г. Молодой ученый № 11 (11). — С. 141-145

8. Гагарина Г.Ю., Чайникова Л.Н., Архипова Л.С. Роль анализа устойчивого развития регионов России в стратегическом планировании. *Федерализм*. 2019;(4):5-21. <https://doi.org/10.21686/10.21686/2073-1051-2019-4-5-21>

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2017-2021 йилларнинг январь-декабрь ойлари учун иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ишлаб чиқариши. *Статистика бюллетенлари*.

10. <https://www.undp.org/>

## МИНТАҚАДА ИЧКИ ТУРИЗМ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Гавҳар ХИДИРОВА,**

*PhD (иқтисодийёт фанлари бўйича),*

*Бухоро давлат университети доценти*

**Аннотация:** мақолада мамлакат минтақаларини барқарор ривожлантиришида, маҳаллий туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиши дунё мамлакатлари учун ўзига хос иқтисодий ўсиши омили бўлиб хизмат қилиши кўриб чиқилган. Ўз навбатида минтақаларда иқтисодий ўсишни таъминлаш, энг устувор ижтимоий муаммоларни (бандлик, даромад, инсон капитали ва бошқалар) ҳал қилишида туризмнинг, жумладан, ички туризмнинг ўрни ва аҳамияти янада ошишига олиб келишига алоҳида эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** хизматлар, туризм, минтақаларни барқарор ривожлантириши, ижтимоий муаммолар, ички туризм, табиий-иқтисодий ресурслар, драйвер, ўсиши нуқтаси.

## ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ВНУТРЕННЕГО ТУРИЗМА В РЕГИОНЕ

**Гавҳар ХИДИРОВА,**

*PhD (по экономическим наукам),*

*доцент Бухарского государственного университета*

**Аннотация:** в статье рассматривается устойчивое развитие регионов, на основе эффективного использования местного туристического потенциала как важного фактора экономического роста для стран мира. Уделено особое внимание в обеспечение экономического роста в регионах, в решении важнейших социальных проблем (занятость, доходы, человеческий капитал и др.) повышению роли и значения туризма, в особенности внутреннего туризма.

**Ключевые слова:** услуги, туризм, устойчивое развитие регионов, социальные проблемы, внутренний туризм, природно-экономические ресурсы, драйвер, точка роста.

## FEATURES OF DOMESTIC TOURISM FORMATION IN THE REGION

**Gavkhar KHIDIROVA,**

*PhD (in economics),*

*Associate Professor Bukhara State University*

**Abstract.** the article discusses the sustainable development of regions, based on the effective use of local tourism potential as an important factor in economic growth for the countries of the world. Special attention has been removed to ensure economic growth in the regions, in solving the most important social problems (employment, income, human capital, etc.), to increase the role and importance of tourism, especially domestic tourism.

**Keywords:** services, tourism, sustainable development of regions, social problems, domestic tourism, natural and economic resources, driver, growth point.

**Кириш.** Жаҳон туристик ташкилоти (UNWTO) маълумотларига кўра, асосий туристик йўналишларда ташқи туризмнинг улуши 25-30%ни ташкил қилиб, қолгани ички туризмга тўғри келади. Умумий туризм турлари таркибида ички туризм миллий ва маҳаллий бюджетни

шакллантирувчи асосий даромад манбаи бўлиб хизмат қилади. Жумладан, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ички туризмдан олинадиган даромад умумий даромаднинг 70-90 фоизини ташкил этади. Бу кўрсаткич UNWTO манбаларига мувофиқ, 2018 йилда Хитойда-91,0 %, Бразилияда-95,0%, Японияда-94,0%, Кореяда-93,0%, Мексикада-88,0%, Буюк Британияда-82,0%, АҚШда-81,0%, Австралияда-73,0%, Малазияда-75,0%, Францияда-70,0%, Италияда -71,0%дан юқори бўлган.

COVID-19 туфайли халқаро туризм маълум инқирозга учради. Лекин бу инқирозни енгиб ўтишда деярли барча дунё мамлакатлари устувор йўналиш сифатида асосий урғуни ички туризмни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратдилар.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш (33 ва 34 - мақсадлар), “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий саёҳлар сонини 12 млн нафардан ошириш режалаштирилган (35 мақсад) [1]. Мамлакатда ички туризмни ривожлантиришга бағишланган тадқиқотлар деярли амалга оширилмаган. Айниқса ички туризмни минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан ўзаро боғлаш занжирини шакллантириш, ички туризмни таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш, уни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, давлат томонидан минтақада ички туризмни қўллаб-қувватлаш бўйича илмий-назарий, услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш жуда долзарб бўлиб қолмоқда.

**Асосий қисм.** Тадқиқот методологияси. Мамлакатимизда охириги йилларда ички туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Лекин уни таҳлил қилиш ва прогнозлаштиришнинг илмий услубий асослари бўйича тадқиқотлар деярли амалга оширилмаган. Мақолада хориж ва маҳаллий тажриба бўйича маълумотларни гуруҳлашда монографик кузатув, қиёсий баҳолаш моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Минтақани мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, унинг иқтисодий таркибини такомиллаштириш, драйвер сифатида ўсиш нуқтаси бўлиш кўп жиҳатдан ички туризм билан бевосита боғлиқ. Шу сабабли, ички туризм термини, маъноси, мақсадли вазифалари, унинг турлари ва шакллари илмий-назарий жиҳатдан аниқлаштириб олиш мақсадга мувофиқ.

Ички туризм термини Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида” ги қонунида қуйидагича тушунтирилган. “Халқаро ва ички туризм шакллари дир. Ички туризм Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон республикаси ҳудудидаги саёҳатини ўз ичига олади” [2].

Яна бир расмий таъриф давлат статистика қўмитаси томонидан берилиб, унга мувофиқ “Ички туризм – кўрилатган мамлакат доимий яшовчиси бўлган ташриф буюрувчининг ушбу мамлакат доирасидаги ички ёки чиқувчи сайёҳлик сафарига доир фаолиятини ўз ичига олади” [3].

Расмий ҳужжатларда баён қилинган, хорижий ва мамлакат олимлари томонидан билдирилган ички туризмга берилган таърифларни умумлаштирган ва аниқлаштирган ҳолда муаллиф қуйидаги ўз фикрини илгари сурган. “Ички туризм мамлакат миқёсида, унинг турли даражадаги минтақалари ўртасида маҳаллий аҳоли сайёҳлик оқимининг шаклланишидан иборат”

Бизнинг фикримизча, ички туризм саёҳат йўналишларини ва аҳолини чуқурроқ таҳлил қилишда ва унинг ривожланиш стратегиясини аниқлашда ички туризм оқимини бевосита саёҳат мақсадидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш лозим. Мақсадли ички туризм бевосита сайёҳлик мақсадида ташриф буюрувчилар орқали шакллантирилса, унинг амалий аҳамияти янада ошган бўлар эди. Аниқ мақсадга йўналтирилган ички туризм минтақада ҳозирда ва келажакда унга бўлган талаб ва таклифни шакллантириш, аниқ транспорт ва инфратузилма объектларни ривожлантириш, тараққиёт стратегиялари ва концепцияларини ишлаб чиқиш учун аниқ илмий-назарий ва амалий таклифлар тайёрлаш учун мустаҳкам замин яратишга хизмат қилади.

Юқорида аниқлаштирилган ички туризм атамаси, маъноси, мақсадли шакллантириш таркибидан келиб чиққан ҳолда, унинг асосий вазифаларининг илмий ва амалий аҳамияти аниқлаштирилган. (1-чизма).



**1-чизма. Минтақада ички туризмни ривожлантиришнинг мақсадлари ва вазифалари**

**Манба:** муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Минтақада ички туризмни ривожлантириш мақсадлари иккита йўналишга ажратилган. Биринчи, энг устувор вазифа – бу аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга қаратилган ижтимоий соҳа ва таълим-тарбия тизимида сифат ўзгаришларини амалга ошириш. Иккинчидан, туризм индустриясининг ривожланиши авваломбор мамлакат ва минтақалар аҳолисининг туризм хизматларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган бўлиб, инсон капиталини янада юқори даражага кўтаришга қаратилган.

Худудлардаги энг долзарб ва муҳим ижтимоий вазифа тез суръатларда ўсаётган аҳолини иш билан таъминлашдан иборат. Ушбу масалани ҳал қилишда ички туризм бир қатор афзалликларга эга. Бу туризмнинг нисбатан юқори меҳнат сиғимига эгаллиги, янги иш жойлари ташкил қилишда камроқ харажатлар сарфланиши билан боғлиқ. Ўз навбатида янги иш жойлари аҳоли даромадларининг ошишига, камбағалликни қисқартиришга олиб келади.

Ижтимоий йўналишдаги энг муҳим ва ўзига хос бўлган вазифа ички туризм орқали барча аҳоли қатламларини, биринчи навбатда болалар ва ёшларнинг таълим-тарбиясини таъминлашдан иборат. Ёшларни тарихдан хулоса олишлари, улуғ аجدодларга муносиб улғайишлари, ватанпарварлик руҳини уйғотишда, муқаддас ислом динининг моҳиятини тўғри тушунтиришга, дунё қарашларини кенгайтириш, маънавий-маърифий жиҳатдан юксалишда зиёрат туризмнинг ёш авлодни тарбиялашда нақадар аҳамиятга эга эканлигини қайд этиш лозим.

Зиёрат туризми орқали болалар, ёшлар, қариялар ва бошқа тоифадаги аҳолимизнинг билими ва маданиятини оширишда Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида (Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Индонезия) эътиборнинг юксак даражада эканлиги биз учун ўзига хос ижобий тажриба сифатида қараш мумкин. Ички туризмнинг ривожланиши миллий кадрлар, урф-одатлар, меҳмондўстлик анъаналарини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун ўзига хос замин яратади. Сайёҳлар учун қулай муҳит ва шароитнинг яратилиши шаҳарлар ва қишлоқларни ободонлаштириш, уй-жой-коммунал хўжалик, мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт объектларини мутаносиб равишда ривожлантиришни талаб қилади.

Ташқи ва ички туризмнинг ўзаро фарқланишидаги муҳим омил сифатида туристик саёҳатларни расмий ва норасмий шаклда амалга оширишдир. Бу ўринда ички туризм ўзининг норасмийлик даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради. Асосий муаммо расмий маълумотларни умуман ички туризм, жумладан, норасмий амалга ошириладиган саёҳатлар бўйича расмий ахборот базасини тўла шаклланмаганлигидир. Норасмий туристик саёҳат оқими ва миқёсини фақат махсус тайёрланган сўровномалар орқали алоҳида худуд кесимида аниқлаш тажрибаси мавжуд, холос.

Халқаро туризм ташкилоти маълумотларига кўра, ички туризм бўйича саёхатларнинг норасмий қисми турли мамлакатларда 50-90% атрофида эканлигини кўриш мумкин. Юқоридаги рақамлардан кўринадики, норасмий ички туризмнинг ўрни нисбатан юқори бўлиб, унинг авваломбор реал даражаси ва йўналишлари бўйича аниқ маълумотлар базасини шакллантириш лозим.

Хорижий мамлакатларда ички туризмни бевосита ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари асосида тараққиётини таъминлаш бўйича бир қатор ижобий тажрибалар тўпланган. Биринчи навбатда, ҳудудларда ички туризмни ривожлантиришнинг қонуний-ҳуқуқий ва институционал асослари ишлаб чиқилган. Бир қатор ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда минтақаларда туризмни келажакда ривожлантириш стратегиялари ишлаб чиқилган. Минтақаларда туризмни ривожлантириш стратегияси иқтисодий ўсиш омили сифатида уни амалга ошириш мақсад ва вазифалари, механизмларини кўзда тутди.

1-жадвал

**Хориж давлатларда ички туризмни ривожлантириш стратегиясининг устувор йўналишлари**

Ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш принциплари	Хорижий мамлакатлар		
	Финляндия	Туркия	Канада
Барқарор ривожланиш мақсадлари (17 асосий мақсад)	Рақамли ва яшил технологиялар, муқобил энергия манбаларидан, экологик тоза транспортдан фойдаланган туризм субъектларини қўллаб-қувватлаш	Туризмни ривожлантиришда барқарор ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни қўллаш	Туризмни ривожлантиришда барқарор ривожланиш мақсадли параметрларидан фойдаланиш
Инновацион ғояларни амалга ошириш	Экотуризмни ривожлантириш, кластерларни шакллантириш	Туристтик рекреация зоналарини шакллантириш	Минтақаларда экотуризмни ривожлантириш

**Манба:** Валенская Е.Н. *Инновационные аспекты развития туризма в Московском регионе, Москва, 2011, с.16-20.*

Финляндия, Туркия, Канада ва бошқа бир қатор мамлакатларда ички туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда асосий эътибор БМТ томонидан 2015 йилда ишлаб чиқилган “Барқарор ривожланиш концепциясига”, замонавий инновацион ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, яшил иқтисодиёт ва экологик жиҳатларга қаратилган.

Минтақаларда туризмни ривожлантиришнинг ҳозирги замонавий шаклларида бири кластерлардир, айниқса ушбу шакл болтикбўйи мамлакатларида тез суръатлар билан ривожланмоқда. Туризм кластерининг асосий мақсади самарадорлик ва рақобатбардошликка эришишда ўзаро бир-бирига боғлиқ туристик субъектларни бирлаштиришдан иборат.

Туризм кластерлари Финляндия ва Норвегияда кенг ривожланган. Ҳозирда рақамли технологиялардан фойдаланилган ҳолда, махсус электрон база ва платформалар орқали қишлоқ туризмни кенг кўламда ривожланиши учун катта имкониятлар очилган. Мисол учун, Австралияда қишлоқ туризми жами Европа иттифоқи қишлоқ туризмнинг 16,0 фоизини, Италияда 13,0 фоизини, Францияда 15,0 фоизини ва Испанияда 8,0 фоизни ташкил қилмоқда. Жаҳон туризм ташкилоти UNWTOнинг маълумотларига кўра, 2019 йилда туризмдан олинган даромадларнинг асосий қисми ички туризмдан тушадиган даромадлар улуши Японияда-94,0 фоиз, Хитойда-94,0 фоиз, Бразилияда-95,0 фоиз, Мексикада-88,0 фоиз, Буюк Британияда ва АҚШда-81,0 фоиз, Австралияда-73,0 фоиз, Италияда-71,0 фоиз, Францияда-70,0 фоизни ташкил этган. Юқоридаги рақамлар ички туризмнинг ташқи туризмга нисбатан қанчалик устунликка эга эканлигини кўрсатмоқда. Дунёда асосий туризм оқимининг фақатгина 25-30 фоизигина халқаро ташқи туризмга тўғри келишини кўриш мумкин.

Ички ва ташқи туризмни даромадлар нуқтаи назардан нисбатини солиштирсак қуйидаги аҳволни кўрамыз. UNWTO маълумотлари асосида ҳисобланган ушбу нисбат (ташқи ва ички туризм) АҚШда-1:4, Хитойда-1:8, Японияда-1:8, Буюк Британияда-1:4, Францияда-1:3, Бразилияда-1:15, Италияда-1:3, Мексикада-1:9, Австралияда-1:4, Германияда-1:8, Корея Республикасида-1:8 ва Таиландда-1:8ни ташкил этган. Жаҳон туризм ташкилоти олимлари ва мутахассислари томонидан мамлакатдаги ташқи ва ички туризм ўртасидаги энг оптимал нисбат 1:4 дан иборат бўлиш кераклиги тавсия этилган.

Ўзбекистонда ташқи ва ички туризм нисбатининг даромадлар асосида расмий статистика маълумотлари бўлмаганлиги сабабли, ҳисоблаш имкони йўқ. Ушбу нисбатни туризм оқими, яъни саёҳатчилар сони орқали билвосита аниқлаш мумкин. Унга кўра ташқи ва ички туризм ўртасидаги нисбат 2015 йилда 4:1 ни, 2019 йилда 7:1 ни ва 2020 йилда 4,5:1 ни ташкил этган. Бошқача қилиб айтганда, ривожланган туристик мамлакатлар ва UNWTO таклиф этган оптимал нисбатга қараганда тескари шароитни кўриш мумкин. Хулоса қилинадиган бўлса, Ўзбекистонда ички туризмнинг ўрни ва аҳамияти нисбатан жуда паст бўлиб, мавжуд салоҳият ва талабларга жавоб бермайди. Шу сабабли, ташқи туризм билан бир қаторда ички туризмни юқори суръатларда ривожлантириш мамлакатда иқтисодий ўсишнинг янги омили сифатида қаралиши ва қулай шароитнинг яратилиши жуда долзарбдир.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқорида ички туризмнинг мақсад ва вазифалари, табақалашув турлари ва шакллари, ички туризм ва ташқи туризмнинг фарқланиш омиллари бўйича услубий намуна назардан қарашларни, шунингдек, хориж тажрибасини умумлаштириш асосида қуйидаги ўзига хос хусусиятлар аниқланган:

- маълум ҳудудлар (вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ, маҳалла) доирасида ички туризм хизматларини ва салоҳиятининг жойлашуви;
- ички туризм ва минтақаларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бевосита боғлиқлиги, туристик хом-ашё салоҳият ва туристик маҳсулот (хизматлар) ўртасида иқтисодийнинг барча тармоқлари ва соҳаларини бирлаштирувчи занжирсимон тизимнинг шаклланиши;
- маданият ва маърифат, таълим-тарбия ва маҳаллий кадрларни ички туризмнинг асосий вазифалари сифатида белгиланиши ва асосланиши;
- табиатда дам олиш ва қишлоқ туризмига бўлган талабнинг жаҳонда шаклланаётган турли хавф-хатарлар шароитида ички туризмни устувор йўналишга айланишига олиб келганлиги;
- аҳолининг ижтимоий табақалашуви ички туризмни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, камбағал оилалар, боғча тарбияланувчилари, ўрта мактаб, колледж ва лицей ўқувчилари, студентлар, қарияларнинг туристик хизматлардан фойдаланишининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши;
- ички туризмни оилалар ва маҳаллалар кесимида ташкил этилишининг устуворлиги, миллий кадрларимизни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишга қаратилганлиги.

Ички туризмнинг қайд этилган ўзига хос хусусиятларини ва хориж тажрибасини чуқур таҳлил қилиш, талаб ва таклифни ўрганиш, келажак параметрларини илмий асослаш, ўз навбатида ички туризм статистикаси услубий янгидан шакллантириш, уни жаҳон андозаларига мослаш энг муҳим ва устувор вазифалар қаторига қиради. Ҳозирда, ўрта ва узоқ келажакда ички туризм минтақаларни ривожлантиришнинг ўзига хос драйвери ва стратегик йўналиши бўлиб қолиши учун барча шароитлар ва имкониятлар мавжуд.

### **Манба ва адабиётлар**

1. “2021-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60 сон фармони. Тошкент, 2022 й. 28 январь.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисидаги” қонуни. Тошкент, 2019 йил, 18 июль, 5-модда, 2б.
3. Ўзбекистонда туризм. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Тошкент. 2020,- 14б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Тошкент, 2021йил, 1 июнь. Халқ сўзи газетаси
5. Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимида киришини тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент, 2021 йил, 6 ноябрь. (Халқ сўзи газетаси 2021 йил 7 ноябрь, № 238сон).
6. Bae, S. Y., & Chang, P.-J. (2021). The effect of coronavirus disease-19 (COVID-19) risk perception on behavioural intention towards ‘untact’ tourism in South Korea during the first wave of the pandemic (March 2020). *Current Issues in Tourism*, 24(7), 1017–1035. <https://doi.org/10.1080/13683500.2020.1798895>
7. Алимова Г.А. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда рекреацион-туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш (Тошкент вилояти мисолида) иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. Тошкент, 2019,-20б.

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК ДАРАЖАСИ ВА УНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЯТИ

**Ахметжан МАМАТОВ,**  
*иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,  
Тошкент молия институти,  
Хуршид АСАТУЛЛАЕВ,  
*Тошкент молия институти  
“Иқтисодиёт” кафедраси мудири профессори,  
Сардор ХАСАНОВ,  
*Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти  
мустақил изланувчиси,  
Мамажан МАМАТОВ,  
*PhD (иқтисодиёт фанлар бўйича), доцент,  
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети****

**Аннотация:** мақолада интеграл методологиядан фойдаланган ҳолда минтақанинг иқтисодий барқарорлиги, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш даражаси, аҳолининг ижтимоий таъминоти, демографик барқарорликнинг илмий асосланган мезон кўрсаткичлари ва уларнинг чегаравий қийматлари бўйича баҳолаш услубияти асосида Қашқадарё вилоят минтақаси ва унинг туманларининг иқтисодий хавфсизлик даражасига баҳо берилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодий хавфсизлик, минтақа, рақобатбардошлик, интеграл методология, интеграл кўрсаткичлар, эксперт баҳолаш, индикаторнинг чегара қиймати, нормал даража, инқироз олди даража, ҳалокатли даража, ўртача қиймат, туман.

## УРОВЕНЬ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И МЕТОДИКА ЕГО ОЦЕНКИ

**Ахметжан МАМАТОВ,**  
*доктор экономических наук, профессор,  
Ташкентский финансовый институт,  
Хуршид АСАТУЛЛАЕВ,  
*Заведующий кафедрой "Экономика", профессор  
Ташкентского финансового института,  
Сардор ХАСАНОВ,  
*независимый исследователь  
Каршинского инженерно-экономического института,  
Мамажан МАМАТОВ,  
*PhD (по экономическим наукам), доцент,  
Ташкентский государственный экономический университет****

**Аннотация:** в статье использована комплексная методика, основанная на методике оценки экономической стабильности региона, уровня производства и реализации продукции, социальной защищенности населения, научно обоснованных критериях демографической стабильности и их предельных значениях, дана оценка уровня экономической безопасности Кашкадарьинской области и ее районов.

**Ключевые слова:** экономическая безопасность, регион, конкурентоспособность, комплексная методология, интегрированные показатели, экспертная оценка, предельное значение показателя, нормальный уровень, кризисный уровень, катастрофический уровень, среднее значение, район.

## THE LEVEL OF ECONOMIC SECURITY OF KASHKADARYA REGION AND THE METHODOLOGY OF ITS ASSESSMENT

**Akhmetzhan MAMATOV,**  
*DsC (in Economics), Professor  
Tashkent Institute of Finance,  
Khurshid ASATULLAEV,  
*Head of the Department of Economics, Professor Tashkent Financial Institute,**

**Sardor HASANOV,**  
*independent researcher Karshi Institute of Engineering and Economics,*  
**Mamazhan Mamatov,**  
*PhD (in economics),*  
*Tashkent State University of Economics*

**Abstract:** *the article uses a comprehensive methodology based on the methodology of assessing the economic stability of the region, the level of production and sale of products, social security of the population, scientifically based criteria of demographic stability and their limiting values, the assessment of the level of economic security of the Kashkadarya region and its districts is given.*

**Keywords:** *economic security, region, competitiveness, integrated methodology, integrated indicators, expert assessment, limit value of the indicator, normal level, crisis level, disaster level, average value, district.*

**Кириш.** Мамлакатимизда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси миллий хўжаликда ва унинг минтақаларида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, унинг механизми ва инструментларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни назарда тутади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ҳам алоҳида тўхталиб, қуйидаги фикрларни билдириб ўтганлар: “Қачонки, ҳудудлардаги вазият ижобий томонга ўзгарса, бюджет ижроси тўлиқ таъминланса, жиноятчилик камайса, янги иш ўринлари яратилса, энг муҳими, халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланса, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ижобий баҳо берса бўлади” [1]. Ўзбекистон Республикаси минтақалари ўртасида рақамлаштириш, ижтимоийлаштириш, ресурсли ва инфратузилмани ривожланишда тенгсизлик муаммоларининг кескинлашуви мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва унинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Бу миллий хўжаликда ва унинг минтақалари иқтисодий олдидан турган ички ва ташқи иқтисодий таҳдидлар билан боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Бундай шароитда илмий асосланган мезон кўрсаткичлари ва уларнинг чегаравий қийматлари бўйича минтақаларни иқтисодий хавфсизлик даражасини баҳолаш долзарб аҳамият касб этади. Бу бизга минтақаларнинг ўз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун масъулияти ва жавобгарлигини ҳисобга олган ҳолда, юқори мослашувчан мобиллик ва иқтисодий соҳада манфаатларни ҳимоя қилишнинг самарали механизмига эга бўлган минтақавий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизимини шакллантиришга услубий асос бўлиб хизмат қилади.

**Илмий муаммонинг қўйилиши.** Минтақавий ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг илмий асосланган мезон кўрсаткичлари ва уларнинг чегаравий қийматлари бўйича иқтисодий хавфсизлик даражасини баҳолаш назарияси ва услубиятини тадқиқ этган хорижлик олимлар қаторида Б.Г.Клайнер, Г.А.Саймон, Г.Хакен У.Б.Артур Р. Майерсон, Э.Маскин, Й.А.Шумпетер, А.Ю.Чаленко Н.Луман, Дж.Р. Коммонс, К.Майнцер, Л.Гурвиц, Э.Морена, К.Э.Шеннон кабиларни келтириш мумкин.

Россиялик олимлардан Л.И.Абалкин, В.Л.Береснев, А.Д.Бурикин, О.В.Дамаскин, Д.К. Дьячковский, А.В.Козлова, Е.А.Колесниченко, М.Я.Корнилов, В.В.Криворотов, С.Е.Лелюхина, Г.Е.Лягушева, Е.С.Митякова, Е.А.Олейников, В.И.Орехов, В.С.Панков, В. К.Сенчагов, А.И.Татаркин, Д.В. Третьяков ва бошқалар ушбу мавзуга бағишланган илмий-тадқиқот ишларини олиб борган.

Ўзбекистон Республикаси ва унинг минтақаларида ташқи ва ички таҳдидлар шароитида иқтисодий хавфсизлик даражасини баҳолашни такомиллаштиришнинг илмий-назарий ва минтақавий жиҳатларини Республикаимиз олимларидан Абулқосимов Х.П. Расулев Т.С., Маматов А.А., Қодиров А.М., Назаров Ш.Х., Абдусаломов М. О., Ахмедов Т.М., Садиқов А.М., Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н., Ўлмасов А., Вахобов А.В., Жўраев Т.Т., Турсунов Б.О. ва бошқаларнинг мазкур соҳага дахлдор илмий тадқиқот ишларини ажратиш кўрсатиш мумкин.

"Иқтисодий хавфсизлик" тушунчаси дастлаб давлат ташкилотлари даражасида тан олинган ва институционал жиҳатдан қайд этилган, чунки узоқ вақт давомида давлат суверен ҳуқуқларнинг ягона эгаси сифатида қабул қилинган эди. 1934 йил июнь ойида АҚШ Президенти Ф. Д. Рузвельт дунёда биринчи марта "Иқтисодий хавфсизлик қўмитаси"ни ташкил этди [2].

Минтақанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг институционал назарияси асосчиси Дж.Р. Коммонс институтларнинг тарихий ривожланишидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни қўллаб-қувватлаб унга кўра "эволюцион" тушунчаси "институционал" тушунчаси билан мазмун ва маъноси бир хил бўлади деб таъкидлайди [3].

Минтақанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда иқтисодий механизм концепциясининг асосчиси Л.Гурвиц, механизм тушунчасини ва "рағбатлантирувчи мувофиқлик шартларини"



аниқлаган, марказлашмаган механизмларнинг аҳамиятини кўрсатиб, механизм бўйича тадқиқотларнинг асосий йўналишларини аниқлаган [4].

Рус олими В.К.Сенчагов иқтисодий хавфсизликни "... ички ва ташқи жараёнларни ривожлантириш учун энг ноқулай шароитларда миллий манфаатларни кафолатли ҳимоя қилиш, умуман олганда мамлакатнинг барқарор ижтимоий йўналтирилган ривожланиши таъминланган иқтисодиётнинг ҳолати" деб таъкидлаб ўтади [5]. Д.В.Третьяков томонидан интеграл кўрсаткични ҳисоблаш ва агросаноат минтақасининг иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш усули таклиф этилган [6].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан профессор Абулқосимов Х.П. "Минтақавий хавфсизлик мамлакат вилоятлари манфаатларига ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлигини ифодалайди. Минтақавий хавфсизлик ўз ичига табиий-техноген, озик-овқат, умумиқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ва ижтимоий хавфсизликларни олади" деб баҳо берган [7]. Профессор Турсунов Б.О. "иқтисодий хавфсизлик тушунчасига миллий иқтисодиёт мустақиллиги, унинг барқарорлиги, мустахкамлиги, доимо янгиланишга ва ўз-ўзидан такомиллашиб боришга қодирлигини таъминловчи шарт-шароитлар ва омиллар йиғиндиси" деб баҳо берган [8].

Юқорида келтирилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, минтақа иқтисодиётини рақамлаштириш, унда илмий-тадқиқот, тажриба- конструкторлик ишларини юритиш, интеллектуал мулкдан, интернетдан фойдаланиш ҳолати билан боғлиқ таҳдидларни тадқиқ этиш асосида минтақанинг иқтисодий хавфсизлик даражасини баҳолашнинг концептуал услубий асосларини асослаб бериш муҳим аҳамият касб этади, дейиш мумкин.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада диалектик, тизимли, интеграл методология ва синергетик ёндашувлар, иқтисодий, мантикий, илмий абстракция, таҳлил ва синтез, иқтисодий жараёнлар ва тизимларни моделлаштириш, индукция ва дедукция, қиёслаш, умумлаштириш, гуруҳлаш ва жадвал усулларида фойдаланилади

**Асосий таҳлил ва натижалар.** Минтақанинг иқтисодий хавфсизлиги даражасини аниқлаш учун иқтисодий хавфсизликка таҳдид соладиган чегара қийматларини аниқлаш учун илмий асосланган мезон ва кўрсаткичлар рўйхати зарур ва ундан чиқиш эса иқтисодий хавфсизликка сигнал бўлиб хизмат қилади. Бугунги кун илмий-тадқиқот ишларида барча минтақалар учун мос миқдорий ва сифат кўрсаткичлари тўпламига эга бўлган иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичларининг универсал тизими мавжуд эмас. Минтақа даражасида иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичларининг асосий рўйхатини умумлаштириш катта ҳажмдаги ахборот ва мониторингни таҳлил қилишни талаб қилади.

Иқтисодий хавфсизликни таҳлил қилиш ва баҳолашнинг мавжуд усуллари, уларнинг ўзига хос камчиликлари ва афзалликларини тадқиқ этиш - минтақанинг иқтисодий хавфсизлиги ҳолатини баҳолашнинг интеграл усули деб номланади. Интеграл методология қўллаш ва амалга оширишнинг куйидаги босқичларини ўз ичига олади:

1. Соҳа фаолиятининг бир қанча стратегик муҳим йўналишларини аниқлаш;
2. Минтақанинг иқтисодий хавфсизлиги ҳолати кўрсаткичларини ушбу ҳудуднинг ривожланиши ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш ва уларни йўналишлар рўйхатига мувофиқ гуруҳлаш;
3. Ҳар бир танланган йўналиш учун вазн коэффицентини аниқлаш;
4. Интеграл кўрсаткичлар учун мезон чегаралари шакллантириш;
5. Муҳимлик коэффицентини ҳар бир аниқ кўрсаткич учун ҳисоблаш;
6. Ҳар бир стратегик йўналиш учун интеграл коэффицент ҳисоблаш;
7. Минтақанинг иқтисодий хавфсизлигининг якуний қийматини ҳисоблаш;
8. Натижаларни баҳолаш ва шарҳлаш.

Сўнгги йилларда иқтисодий хавфсизликни таҳлил қилиш ва баҳолашнинг усули бўйича кўпгина олимлар шуғулланишган. Шулардан бири, Россиялик иқтисодчи Д.В.Третьяков[9] томонидан таклиф этилган интеграл кўрсаткични ҳисоблаш ва агросаноат минтақасининг иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш усули эди. Унинг асосида агросаноат йўналишини ҳисобга олмаганда, маълум бир ҳудуд учун кўрсаткичлар рўйхати аниқланган. Кўрсаткичлар ҳудудий фаолиятнинг 5 та йўналиши бўйича гуруҳланган. Ҳар бир йўналиш умуман жамият ва хусусан, муайян ҳудуд учун стратегик аҳамиятга эга.

Ушбу методологиядан фойдаланган ҳолда, Қашқадарё вилоят минтақаси мисолида кейинги ҳисоб-китоблар учун биз куйидаги кўрсаткичлар гуруҳларини аниқладик: Минтақанинг иқтисодий барқарорлиги; Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш даражаси; Аҳолининг ижтимоий таъминоти; Демографик барқарорлик;

Қашқадарё вилоятининг иқтисодий хавфсизлиги даражасини баҳолаш учун шаклланган кўрсаткичлар тизими ва уларнинг чегаравий қийматлари аниқланди. Ҳар бир стратегик йўналиш

бўйича вазн коэффициентларини белгилашда минтақанинг ҳозирги ҳолати, унинг географик ва ресурс хусусиятлари, ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Қашқадарё вилояти мисолида, эксперт баҳолаш орқали вазн омиллари аниқланди:

1. Минтақанинг иқтисодий барқарорлиги - 0,2;
2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш даражаси -0,15;
3. Аҳолининг ижтимоий таъминоти - 0,25;
4. Демографик барқарорлик - 0,25.

Энг катта вазн коэффициентлари ҳар қандай минтақа ва унинг қисмлари фаолиятидаги асосий функция ижтимоий функция эканлигини ҳисобга олиб, аҳолининг ижтимоий таъминоти ва ресурс салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига мос келиши ресурс компоненти танланган минтақанинг хусусиятларига боғлиқ. Минтақанинг иқтисодий барқарорлигига пастроқ вазн коэффициенти берилди, чунки ушбу соҳага киритилган кўрсаткичлар рўйхати кўплаб омилларга, шу жумладан миллий омилларга боғлиқ бўлган умумлаштирилган жараёнларни акс эттиради.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни тавсифловчи кўрсаткичлар гуруҳи ҳам энг кичик вазн коэффициентига эга, бу кўрсаткичлар тўпламига боғлиқ. Шуни таъкидлаш керакки, вазн коэффициентлари бир-биридан кичик оғишлардан иборат бўлиб, мос равишда ҳар бир стратегик йўналиш берилган минтақа учун бевосита аҳамиятга эга.

Таклиф этилган методология доирасида ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун кўрсаткичларни нормаллаштириш керак, чунки улар турли ўлчамларга эга, бу эса уларни қўшимча ўзгартиришларсиз тўғридан-тўғри фойдаланишга имкон бермайди. Нормаллаштириш, яъни маълум бир кўрсаткичнинг аҳамиятлилик коэффициенти топиш, агар тегишли кўрсаткичнинг қийматини ошириш мақсадга мувофиқ бўлса, кўрсаткичнинг ҳақиқий қийматининг чегара қийматига нисбати сифатида аниқланади:

$$K_{i1} = \frac{F_i}{I_i}$$

Агар чегара қийматига нисбатан индикатор қийматининг пасайиши керак бўлса, қуйидаги формула қўлланилади:

$$K_{i2} = \frac{I_i}{F_i}$$

Бу ерда,  $F_i$ -кўрсаткичнинг ҳақиқий қиймати;

$I_i$ -индикаторнинг чегара қиймати.

Натижаларни солиштириш учун нормаллаштириш усулини ҳам кўриб чиқилди. Бу усулда икки хил функциялар ажратилади. Ҳақиқий кўрсаткични чегара қийматидан ошириш керак бўлса қуйидаги функция қўлланилади:

$$y = \begin{cases} \frac{(1-\frac{a}{x})}{2 \ln \frac{10}{3}}, & \text{агар } \frac{x}{a} > 1 \\ -\log_2 \frac{a}{x}, & \text{агар } \frac{x}{a} \leq 1 \end{cases}$$

бу ерда  $x$  - кўрсаткичнинг ҳақиқий қиймати;

$a$  - индикаторнинг чегара қиймати;

$y$  - индикаторнинг нормаллаштирилган қиймати.

Агар индикаторнинг ҳақиқий қиймати чегара қийматидан ошмаслиги, яъни пасайиш тенденцияси қаралаётганда қуйидаги функция қўлланилади:

$$y = \begin{cases} \frac{(1-\frac{a}{x})}{2 \ln \frac{10}{3}}, & \text{агар } \frac{x}{a} < 1 \\ -\log_2 \frac{a}{x}, & \text{агар } \frac{x}{a} \geq 1 \end{cases}$$

Юқоридаги усул билан олинган маълумотларни радар диаграммаси шаклида қаралганда, кўрсаткичларнинг чегара қийматлари  $y = 1$  қаторида кўрсатилади, индикаторларнинг кирувчи қийматлари  $y = 1$  чизиғи билан чегараланган сектор ичидалиги яққол кўринади. Радар диаграммасида келтирилган секторлар бешта “хавф зонаси” га бўлинган:

1. Ҳалокатли хавф  $y = 0,25$  чизиқ билан чегараланган сектор. Ушбу зонадаги индикаторнинг қиймати мутлақо қабул қилиниши мумкин эмас, деб ҳисобланади ва оқибатларни минималлаштириш

ва сабабларни локализация қилиш учун дарҳол чоралар кўриш талаб этилади. Агар ҳисоблаш учун ўсишга мойил бўлган кўрсаткичлар функциясидан фойдаланилган бўлса, унда ушбу секторда бўлиш ҳақиқий қиймат керакли қийматдан 10 баравар кам эканлигини кўрсатади. Тескари функцияни кўллашда - ҳақиқий қиймат чегарадан 10 баравар юқори бўлади;

2. Ҳалокат арафасидаги хавф  $y = 0,25$  ва  $y = 0,5$  чизиқлари билан чегараланган сектордир. Ушбу секторда бўлиш инқирозли вазият мавжудлигидан далолат беради. Агар ҳисоблаш учун ўсиш тенденциясига эга бўлган кўрсаткичлар функциясидан фойдаланилган бўлса, унда ушбу секторда бўлиш ҳақиқий қиймат керакли қийматдан 3 дан 10 бараваргача кам эканлигини кўрсатади;

3. Экстремал хавф  $y = 0,5$  ва  $y = 0,75$  чизиқлари билан чегараланган сектор. Белгиланган секторда индикаторнинг мавжудлиги вазиятни барқарорлаштириш учун бошқарув қарорлари етарли даражада тезкор қабул қилинмаганлигини кўрсатади, шунингдек, ўз вақтида мониторинг ва маълумотларни янгилаш зарурлигини таъкидлайди. Агар ҳисоблаш учун ўсиш тенденциясига эга бўлган кўрсаткичлар функцияси ишлатилган бўлса, унда ушбу секторда бўлиш ҳақиқий қиймат исталган қийматдан 3 дан 1,6 баравар кам эканлигини кўрсатади;

4. Нормал хавф  $y = 0,75$  ва  $y = 0,99$  чизиқлари билан чегараланган сектор. Ушбу секторда бўлиш мақбул, деб ҳисобланади. Бу ҳолат энг кенг тарқалган ва ҳудуднинг ҳар қандай фаолияти унинг иқтисодий хавфсизлиги даражасига сезиларли таъсир кўрсатмаслигидан далолат беради. Агар ҳисоблаш учун ўсиш кўрсаткичлар функциясидан фойдаланилган бўлса, у ҳолда ушбу секторда бўлиш ҳақиқий қийматнинг 1,6 баравар камлигини кўрсатади;

5. Барқарорлик  $y = 1$  чизиқдан ташқарида жойлашган сектордир. Диаграммадаги бундай жойлашув барқарор ривожланишни, ягона ҳудудга нисбатан ўрганилаётган ҳудудда олиб борилаётган бошқарув сиёсатининг етарли даражада барқарорлигини ва самарадорлигини кўрсатади.  $y = 1$  чизиғи кўрсаткичнинг ҳақиқий қийматининг чегара қиймати билан мос келишини кўрсатади. Агар кўрсаткич учун ўсиш талаб қилинса ва ҳисобда тегишли функциядан фойдаланилган бўлса, у ҳолда  $y = 1,25$  чизиқ чегара қийматидан 1,6 марта,  $y = 1,5$  чизиқ эса 3,3 марта ошиб кетганлигини билдиради.

Нормаллаштирилган маълумотларни “бурилишлар” усулидан фойдаланган ҳолда битта интеграл кўрсаткичга бирлаштирилганда, оддий ўртача арифметик формуладан фойдаланиш таклиф этилади, уни кўллашда барча асосий кўрсаткичлар бир-бирининг ўрнини босиши назарда тутилади. Нормаллаштирилган кўрсаткичлар интеграл баҳолашда нормаллаштирилган кўрсаткич қийматининг яна бир ижобий ўзгариши билан тўлиқ қопланади. Ўртача арифметик усулидан фойдаланиш математик нуқтаи назардан тўғри ҳисобланади, чунки функционал боғлиқликда бўлмаган ва бир хил оғирликдаги кўрсаткичлар тизими кўриб чиқилади ва бу кўрсаткичларни танлаш шарт билан белгиланади. Ҳар бир кўрсаткичлар гуруҳи учун кўрсаткичнинг ўртача қиймати ҳисобланади:

$$K_r = \frac{\sum K_i}{n}$$

бу ерда  $n$  - минтақанинг иқтисодий хавфсизлигини таҳлил қилишнинг танланган йўналишидаги кўрсаткичларнинг умумий сони.

Бундан ташқари, юқорида кўрсатилган амалга ошириш режаси ва муайян тортиш омиллари асосида минтақанинг иқтисодий хавфсизлиги ҳолатининг якуний интеграл кўрсаткичи аниқланади:

$$ИХ_x = 0,2K_{rn} + 0,15K_{rc} + 0,25K_{pt} + 0,25K_{rd}$$

бу ерда  $0 < ИХ_x$

$K_{rn}$  - минтақанинг гуруҳ иқтисодий барқарорлиги учун ўртача қиймат;

$K_{rc}$  - маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг гуруҳ даражаси бўйича ўртача қиймат;

$K_{pt}$  - пт аҳолининг ижтимоий таъминоти гуруҳи учун ўртача қиймат;

$K_{rd}$  - гд гуруҳ бўйича ўртача демографик барқарорлик;

Интеграл кўрсаткич учун мезон чегаралари тизими 2-5 жадвалларда келтирилган беш даража билан белгиланади. Критик даража жуда паст ва вазиятни барқарорлаштириш учун бошқарув органларининг зудлик билан аралашувини талаб қилади. Инқироз даражаси ҳам ва ўрганилаётган барча соҳаларда пасайишдан далолат беради. Потенциал ва ривожланиш даражаси юқори бўлган ҳудудлар учун паст даражага йўл қўйиб бўлмайди, депрессияга учраган ҳудудлар учун эса қисқа вақт ичида яхшиланиш тенденцияси билан қониқарли кўринишга ўтказилади. Ўрта ва юқори даражалар энг мақбул бўлиб, ҳудудни бошқаришнинг самарали фаолиятини кўрсатади.

## Минтақанинг иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш даражалари

Минтақанинг иқтисодий хавфсизлиги даражаси	Интеграл индикаторнинг мезон чегаралари
1. Юқори даражада	1.05 ва ундан юқори
2. Нормал даражада	1.00-1.04
3. Инкироз олди даражада	0,70 - 0,99
4. Инкироз даражасида	0,5-0,69
5. Ҳалокатли даражада	0,49 ва ундан паст

**Манба:** муаллифлар ишланмаси.

Таклиф этилаётган усул минтақанинг иқтисодий хавфсизлиги ҳолатининг интеграл кўрсаткичини ҳисоблашдан иборат бўлиб, у вазн коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда, тўртта стратегик соҳада хусусий кўрсаткичларнинг ўртача нормаллаштирилган қийматларидан иборат бўлади.

Ушбу тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширган ҳолда, биз таклиф қилинган интеграл методология асосида Қашқадарё вилоят туманларининг иқтисодий хавфсизлиги даражасини баҳоладик. Энг ишончли маълумотни олиш учун биз ўрганилаётган минтақадаги нисбий ва мутлақ кўрсаткичларни ҳисобга оламиз. Кўрсаткичларнинг ўзига хос қийматларини мумкин бўлган сабаб-оқибат муносабатларини таҳлил қиладиган бўлсак, ҳар бир кўрсаткич бўйича 2021 йилги маълумотлар олинди.

Биринчи гуруҳ кўрсаткичлари - минтақанинг иқтисодий барқарорлиги. Гуруҳ минтақадаги умумий иқтисодий вазиятни акс эттирувчи тўртта кўрсаткич билан ифодаланди. Такдим этилган бутун давр учун аҳоли жон бошига ЯХМнинг қиймати Қарши шаҳри, Ғузор тумани ҳамда Нишон туманларида юқори, Миришкор, Китоб, Яккабоғ ҳамда Муборак таманларида кўрсаткичлар нисбатан паст.

Асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми ЯХМга нисбатан беқарор бўлиб, пасайиш тенденцияси кузатилмоқда, бу минтақадаги умумий молиявий вазият билан боғлиқ бўлиши мумкин. Будан ўз навбатида инвестицияларнинг камайиши минтақада чуқурроқ молиявий муаммо, яъни ўз-ўзини молиялаш йўқ, деган хулосага келиш мумкин. Туман ташкилотларнинг умумий сонидан зарар кўраётган ташкилотларнинг салмоқли қисми тадбиркорлик фаолиятидаги оғир вазиятдан далолат беради, бу эса ўз навбатида солиқ тушумлари пасайишига олиб келганлидан далолат беради.

Интеграл кўрсаткични ҳисоблашнинг энг самарали усулини танлаш учун биринчи гуруҳ кўрсаткичлари - минтақанинг иқтисодий барқарорлиги мисолида биз параллел равишда иккита нормаллаштириш усулини қўлладик.

Кўрсаткич қийматининг ошиши ёки камайиши кераклигига қараб, минтақа учун маълумотлар муганосибликка эришиш ва мутлақ қийматлардан узоқлашиш учун чегара қийматлари билан боғланади.



**1-расм.** Қашқадарё вилоятида ўртача иқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари  
**Манба:** муаллифлар ишланмаси.

Кўрсаткичларнинг иккинчи гуруҳи - маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш даражаси. Бу ҳудудда ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасини тавсифловчи олтига кўрсаткич билан ифодаланади, чунки ушбу соҳанинг йиллик динамикасини акс эттирувчи саноат ишлаб чиқариш индекси барқарор ижобий тенденцияга эга бўлиб, бу ҳудуднинг мумкин бўлган барқарорлиги учун асослардан биридир.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича паст кўрсаткич Муборак, Миришкор, Деҳқонобод ҳамда Шаҳрисабз туманларига тўғри келади. Кейинги вақтларда туманларда чорвачилик ва ўсимликчилик бўйича самарали ишлар олиб борилиши натижасида соҳада ижобий динамика таъминланмоқда. Шунингдек, кейинги йилларда маҳаллий ҳокимликлар томонидан қишлоқни қўллаб-қувватлаш сиёсати амалга оширилиб, унинг доирасида фермер хўжаликларига маҳсулот ишлаб чиқаришдан то тўғридан-тўғри бозорга чиқаришгача кўмаклашилмоқда.



## 2-расм. Қашқадарё вилоятида ўртача маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш даражаси кўрсаткичлари

**Манба:** муаллифлар ишланмаси.

Ишлаб чиқариш тармоқлари индексининг қиймати вилоят бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан қониқарли. Аҳоли жон бошига пуллик хизматлар ҳажми давлат ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар доирасини ифодалайди. Қийматлар Миришкор туманидан ташқари барча туманлар кўрсаткичларида барқарор, бунда қонунчилик ислохотлари туфайли бироз ошгани, бундан мустасно.

Қашқадарё вилоят туманларида инновацион соҳа қониқарсизлигича қолмоқда. Мавжуд вазиятни таҳлил қилар эканмиз, вилоят марказидан узоқда жойлашган туманларда, тоғ-кон саноати ва қишлоқ хўжалигига ихтисослашган ҳудуд дастлаб инновацион йўналишларни ривожлантириш учун қулай муҳит эмаслигини таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, етарли маблағ етишмаслиги туфайли кўрсаткичлар айрим туманларда пастлигича қолмоқда.

Кўрсаткичларнинг учинчи гуруҳи - аҳолининг ижтимоий таъминланиши. Ушбу йўналиш барча туман маъмурий бирлиги учун асосий ҳисобланади. Ушбу гуруҳ кўрсаткичлари ҳудуддаги аҳолининг турмуш даражасини тавсифлайди. Аҳоли жон бошига ўртача даромад Миришкор, Қамаш, Яккабоғ ва Косон туманларида пастлигини кўриш мумкин.

Ишсизлик даражаси мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан ошмайди, лекин айрим туманларда чегарадан юқори, бундан ташқари, статистик маълумотлар ишсизлик даражаси вазиятни етарлича объектив акс эттирмаслигини тушуниш керак. Аҳолининг ихтиёрида бўлган реал даромадлари индекси паст кўрсаткичга эга, яъни 100% дан паст қиймат аҳолининг истеъмол ва жамғариш учун ортикча пуллари йилдан-йилга камайиб бораётганлигини кўрсатади.

Аҳоли жон бошига ўртача пул даромадлари ҳажми, агар таҳлилда ўсиб бораётган инфляция ҳисобга олинса, деярли ўзгаришсиз қолмоқда. Аҳолига тўғри келадиган турар-жой биноларининг умумий майдони Республика ўртача кўрсаткичидан юқори эканлигини кўриш мумкин.



**3-расм. Қашқадарё вилоятида ўртача аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўрсаткичлари**  
**Манба:** муаллифлар ишланмаси.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояланиш даражаси бугунги кунда қониқарли, деб баҳоланмоқда. Бироқ, мутлақ қийматларни таҳлил қилиш шунинг кўрсатадики, баъзи кўрсаткичларнинг қабул қилиниши мумкин бўлмаган қийматлари бошқалар томонидан қопланади. Кўрсаткичларнинг тўртинчи гуруҳи - бу инсон ресурслари билан таъминланишнинг энг муҳим соҳасини тавсифловчи демографик барқарорлик. Туманларда ўртача умр кўриш доимий, сўнгги йилларда бироз ўсиш кузатилди. Таъкидлаш жоизки, 2017-йилдан Республика Президенти ташаббуси билан Республикада чақалоқлар ўлимига қарши фаол кураш олиб борилмоқда, мазкур фаолият доирасида барча ҳудуд марказларида замонавий перинатал марказ барпо этилмоқда. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тиббий хизмат сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.



**4-расм. Қашқадарё вилоятида ўртача демографик барқарорлик кўрсаткичлари**  
**Манба:** муаллифлар ишланмаси.

Қашқадарё вилоятининг туманларида иқтисодий хавфсизлик даражасининг интеграл кўрсаткичини ҳисоблаб чиқилди ҳамда иқтисодий хавфсизлик даражасининг интеграл кўрсаткичининг қиймати 1-жадвалга мувофиқ туманлар бўйича аниқланди. 2021 йилдаги давр учун иқтисодий хавфсизлик даражасининг интеграл кўрсаткичи динамикаси қуйидаги жадвалда берилган.

**Қашқадарё вилоят туманларида иқтисодий даражанинг интеграл кўрсаткичи қийматлари, 2021йил**

№	Туманлар	Интеграл индикаторнинг қиймати	Минтақанинг иқтисодий хавфсизлиги даражаси
1	Қарши шаҳар	0,76	Инқироз олди даражасида
2	Косон	1,00	Нормал даражада
3	Чироқчи	0,94	Инқироз олди даражасида
4	Шаҳрисабз	0,93	Инқироз олди даражасида
5	Яккабоғ	0,76	Инқироз олди даражасида
6	Ғузур	0,95	Инқироз олди даражасида
7	Дехқонобод	0,80	Инқироз олди даражасида
8	Китоб	0,95	Инқироз олди даражасида
9	Қарши тумани	1,05	Юқори даражада
10	Қамаши	0,80	Инқироз олди даражасида
11	Касби	0,86	Инқироз олди даражасида
12	Нишон	0,92	Инқироз олди даражасида
13	Миришкор	0,46	Халокатли даражада
14	Муборак	0,96	Инқироз олди даражасида
	<b>Қашқадарё вилояти</b>	<b>0,87</b>	<b>Инқироз олди даражасида</b>

**Манба:** муаллифлар ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

Баҳолаш натижаларига кўра, Қашқадарё вилоят туманларидан Қарши тумани юқори, Косон тумани ўрта, Миришкор тумани критик ва қолган туманлар иқтисодий хавфсизлиги даражаси инқироз олди ҳолат сифатида белгиланди. Минтақадаги иқтисодий хавфсизлик бўйича энг объектив хулосалар учун биз интеграл методологияни ҳисоблаш жараёнида таъсир қилмаган бир нечта соҳаларни қўшимча равишда кўриб чиқишни таклиф қиламиз. Интеграл кўрсаткичнинг олинган қиймати кўрсаткичларнинг бутун мажмуасини ҳисобга олади ва вазиятни жамланган ҳолда кўрсатади.

Туманларда иқтисодий хавфсизлик даражасини сақлаб қолиш ва барқарорлаштириш учун стратегик йўналишларни белгилаш ва ҳар бир алоҳида ҳудудни унинг аҳамияти ва мавжуд салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда батафсил ўрганиш зарур. Баҳолаш натижаларига кўра, демографик соҳа салбий натижага эга. Аҳолининг табиий ўсиши, миграция ҳаракати туфайли камайиши билан боғлиқ. Бироқ, динамикада кўрсаткич ўсиш тенденциясига эга Бу йўналишда ҳам мамлакатда, ҳам минтақада туғилиш даражасини қўллаб-қувватлаш сиёсатини давом эттириш тавсия этилади. Қўшимча лойиҳалар тавсия этилмайди, чунки бу катта молиявий инвестицияларни талаб қилади ва минтақа бюджетининг харажатлар қисмини оптималлаштириши лозим бўлади.

Бундан ташқари хўжалик фаолиятини рағбатлантириш бошқарув органларининг энг муҳим фаолияти бўлиши керак. Бошланғич ташкилотларга кўмак маҳаллий ҳокимият органларидан фаолиятни амалга ошириш учун рўхсатнома олишдан тортиб, мавжуд савдо майдончаларида маҳсулот сотишни осонлаштиришгача бўлган барча босқичда хизмат кўрсатилиши керак. Маҳаллий компаниялар ва тадбиркорларнинг товарлари, ишлари ва хизматларига нисбатан протекционизм сиёсати зарур. Бюджетнинг даромад қисмига ва уни оширишнинг мумкин бўлган усулларига келсак, рўйхатдан ўтган йирик солиқ тўловчилар билан келишувга эришишдир, уларни қайта рўйхатдан ўтказиш ва солиқ тўловларини туман бюджетига йўналтириш туманнинг молиявий аҳволини сезиларли даражада яхшилашга эришишга олиб келади.

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш кўрсаткичларининг нормаллаштирилган қийматлари ҳам хавф зонасида. Мавжуд вазиятни яхшилаш учун, бизнесни ривожлантиришга кенг қўламли ёрдам бериш керак. Ушбу кўрсаткичлар блокада инновацион фаолият сезиларли даражада паст, албатта бу назарий нуқтаи назардан қониқарсиз. Ҳозирги шароитда узоқ муддатли лойиҳаларга сармоя киритишдан кўра, фаолият кўрсатаётган ҳудудларни мустаҳкамлаш учун маблағлар ва бошқа ресурслардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ишлаб чиқаришга келсак, қишлоқ хўжалигига эътиборни давом эттириш керак, чунки географик ва ҳудудий жиҳатдан минтақа чорвачилик ва

ўсимликчиликнинг турли соҳалари учун жуда мос келади. Ўтган йиллар давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми бир неча баробар ортгани йўналиш муваффақияти ва самарадорлигини тасдиқлайди. Ҳокимият фермерликни қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга оширмакда, уни давом эттириш ва модернизация қилиш зарур. Айнан аграр соҳага бошқа соҳаларда иқтисод қилинган маблағларни йўналтириш мумкин.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ўртача қиймати нисбатан мақбулдир. Аммо батафсил таҳлил аҳолининг кескин табақаланишини кўрсатади. Шундан кўришиб турибдики, ўртача даромад кўрсаткичлари вазиятни бир оз ўзгартириб акс эттиради. Шу боис вилоят мутасаддилари бу масалага жиддий эътибор қаратишлари зарур. Ҳудудий молиялаштириш бўйича давлат ва муниципал муассасаларда ишлаётган фуқароларга тўловлар миқдорини камайтиришга йўл қўймаслик тавсия этилади. Бундан ташқари, мансабдор шахсларнинг аппаратини сақлаш харажатларини оптималлаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Туманларда ресурс салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига келсак, натижалар ижобий. Ресурс самарадорлигини оширишда экологик вазиятга эътибор қаратиш лозим. Бу ерда ҳокимият томонидан доимий мониторинг ва керак бўлганда, тезкор чоралар кўриш зарур.

Туманларда ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг айрим йўналишлари ижобий натижалар бермакда, уларни амалга оширишни давом эттириш, лекин стратегик ривожланиш режасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Мақсад ва вазифаларни белгилаш, юзага келиши мумкин бўлган хавфларни ҳисобга олган ҳолда ва фаолиятнинг асосий йўналишларини таҳлил қилиш билан бундай режани яратиш ўрганилаётган ҳудудни бошқаришда тавсия этилган қадамдир. Шунингдек, вазиятга тезкор жавоб бериш ва ўз вақтида баҳо бериш учун кўрсаткичлар гуруҳи асосида иқтисодий хавфсизлик даражасини баҳолаш методологиясини тасдиқлаш тавсия этилади. Бундан ташқари, ташқи қарз ҳажми каби бир қанча кўшимча йўналишларнинг белгиланиши вазиятни ҳар томонлама баҳолаш имконини беради. Бу самарали мониторинг тизимини ҳамда муваффақиятли бошқарувни яратади.

**Хулоса ва таклифлар.** Интеграл методологиядан фойдаланган ҳолда минтақанинг иқтисодий барқарорлиги, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш даражаси, аҳолининг ижтимоий таъминоти, демографик барқарорликнинг илмий асосланган мезон кўрсаткичлари ва уларнинг чегаравий қийматлари бўйича баҳолаш услубияти ишлаб чиқилди.

Баҳолаш натижаларига кўра, минтақада маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш кўрсаткичларининг нормаллаштирилган қийматлари хавф зонасида турибди. Мавжуд вазиятни яхшилаш учун, минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамият касб этади.

Минтақа саноатида инновацион фаолият сезиларли даражада паст. Бу минтақада узок муддатли лойиҳаларга сармоя киритишдан кўра, туманларда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш корхоналарини иқтисодий мустаҳкамлаш учун молиявий маблағлар ва бошқа ресурсларни жалб этиш мақсадга мувофиқ.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ўртача қиймати бўйича батафсил таҳлил минтақада аҳолининг кескин табақаланишини кўрсатади. Шу боис вилоят ҳокимияти томонидан минтақада аҳолини ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш бўйича кескин чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб этади.

Туманларда иқтисодий хавфсизлик даражасини сақлаб қолиш ва барқарорлаштириш учун ҳар бир туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилаш ва ҳар бир алоҳида туман учун, унинг аҳамияти ва мавжуд салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, стратегик ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш зарур.

Илмий асосланган мезон кўрсаткичлари ва уларнинг чегаравий қийматлари бўйича баҳолашга кўра, минтақанинг Қарши тумани юқори, Косон тумани нормал, Миришкор тумани ҳалокатли ва қолган туманлар инқироз олди даражада эканлиги аниқланди.

## **Манба ва адабиётлар**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т.// Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.*
2. *Берсенева, В.Л. Ведущие центры исследования проблем экономической безопасности в России / В.Л. Берсенева. // Экономика региона. - 2019. - Т. 15, вып. 1. - С. 29-42.*



3. Квашицкий, В. Истоки эволюционной экономики / В. Квашицкий // Истоки: из опыта изучения экономики как структуры и процесса / [редакционная коллегия: Я.И. Кузьминов и др.]. - 2-е изд. - Москва: Изд. дом ВШЭ, 2007. – С.95.
4. Hurwicz, L. On informationally decentralized systems / L. Hurwicz. - Текст: непосредственный // Decision and Organization / R. Radner, C.B. McGuire (eds.). - Amsterdam and London: North-Holland, 1972. - P. 297-336.
5. Сенчагов, В.К. Экономическая безопасность России: Общий курс: учебник / под ред. В.К. Сенчагова. - 3-е изд., перераб. и доп. - Москва: БИНОМ. Лаборатория знаний, 2016. – С.28.
6. Третьяков Д.В. К вопросу об интегральной оценки экономической безопасности агропромышленного региона/ Д.В.Третьяков// Социально-экономические явления и процессы.- №11(033).-2011.-с.213-218
7. Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодий хавфсизлик: Назария ва амалиёт. Дарслик. Т. 2019 й.-Б.455.
8. Турсунов Б.О. Иқтисодий хавфсизлик. Ўқув қўлланма.-Т.: “Инновацион ривожланиш навириёт-матбаа уйи, 2021.-Б.15.
9. Третьяков Д.В. К вопросу об интегральной оценки экономической безопасности агропромышленного региона/ Д.В.Третьяков// Социально-экономические явления и процессы.- №112011.-с.119.

## **МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ ОРҚАЛИ ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

**Бунёд ГАФУРОВ,**

*Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бошқарма бошлиги,*

**Нурбек ЮЛДАШЕВ,**

*PhD (иқтисодийёт фанлари бўйича),*

*Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бошқарма бошлиги ўринбосари,*

**Аннотация:** ушбу мақолада ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришида маҳалланинг имкониятлари таҳлил қилинган. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришини рейтинг баҳолаш тизмини жорий этиш тўғрисидаги Тартиб ҳамда фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизimini такомиллаштириш тўғрисидаги Низомлар таҳлил қилиниб, маҳаллани баҳолашда қайси иқтисодий кўрсаткичларга устуворлик бериш кераклиги тўғрисида фикр мулоҳазалар юритилган.

**Калит сўзлар.** ҳудуд, маҳалла, баҳолаш, иқтисодий ўсиш, маҳаллабай, бандлик, тадбиркорлик, “ўсиш нуқталари”, ихтисослашув, лидер тадбиркор, кооперация, географик жойлашув, йўл харита.

## **ВОЗМОЖНОСТИ РАЗВИТИЯ ТЕРРИТОРИЙ ЧЕРЕЗ ОЦЕНКУ ЭКОНОМИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ МАХАЛЛА**

**Бунёд ГАФУРОВ,**

*начальник управления Министерство экономического развития и сокращения бедности,*

**Нурбек ЮЛДАШЕВ,**

*PhD (по экономическим наукам),*

*заместитель начальника управления Министерство экономического развития и сокращения бедности*

**Аннотация:** в статье анализируются возможности микрорайона в социально-экономическом развитии регионов. Проанализированы Порядок внедрения системы рейтинга социально-экономического развития регионов и Положение о совершенствовании рейтинговой

системы оценки эффективности деятельности сходов граждан, а также даны мнения о том, какие экономические показатели должны иметь приоритет в оценке махалли.

**Ключевые слова.** регион, махалла, оценка, экономический рост, махаллабай, занятость, предпринимательство, «точки роста», специализация, лидер-предприниматель, сотрудничество, географическое положение, дорожная карта.

## POSSIBILITIES OF DEVELOPING AREAS THROUGH ASSESSMENT OF THE ECONOMIC CONDITION OF NEIGHBORHOODS

**Bunyod GAFUROV,**

*Ministry of Economic Development and Poverty Reduction,  
Head of department,*

**Nurbek YULDASHEV,**  
*PhD (in economics),*

*Ministry of Economic Development and Poverty Reduction,  
Deputy Head of Department*

**Abstract:** *this article analyzes the opportunities of the neighborhood in the socio-economic development of the regions. The procedure for the introduction of the system for rating the socio-economic development of regions and the regulations for the improvement of the rating system for evaluating the effectiveness of the activities of citizens' assemblies were analyzed, and opinions were given about which economic indicators should be given priority in the assessment of the neighborhood.*

**Keywords.** *region, neighborhood, evaluation, economic growth, neighborhood, employment, entrepreneurship, "growth points", specialization, leader entrepreneur, cooperation, geographic location, action plan.*

**Кириш.** Мамлакатимизда пандемиядан кейин мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳолини тушқун кайфиятдан чиқариш ҳамда иқтисодий фаол аҳолини банд қилиш каби бир қатор муҳим масалалар турган бир вақтда, мавжуд муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида янгича усулда ислохот олиб борилиши тақозо этилади.

Пандемиядан кейинги мураккаб даврда иқтисодий ўсишни таъминлаш, маҳаллаларда “ўсиш нуқталари”ни аниқлаш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш, аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллий бошқарув органларини аҳолига янада яқинлаштириш мақсадида “махаллабай” ишлаш тизими жорий қилинди.

Ушбу ислохотларнинг барчаси ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш даражасини ошириш учун йўналтирилди.

Шу ўринда Хитой Халқ Республикаси президенти Си Цзиньпин ўзининг “Қашшоқликдан халос бўлиш” китобида “Худудлар қашшоқ бўлгани билан қарашлар қашшоқ бўлиши мумкин эмас” [1] деган фикрлари худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича имкониятлар кўплигини англатади.

Ушбу тадқиқот иши давомида, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг кичик бўғини ҳисобланадиган маҳаллалар ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолашда қайси иқтисодий кўрсаткичларга эътибор қаратиш лозимлиги кўпроқ ўрганилди.

**Асосий қисм.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4702-сонли қарори қабул қилиниб, шу асосда худудларнинг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси баҳоланиб келинмоқда [2].

Мазкур тартибга мувофиқ, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш 2 босқичда амалга оширилади:

**биринчи босқич** – статистик кўрсаткичлар асосида 8 та устувор йўналиш бўйича кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, тегишли балл берилади:

- иқтисодий ривожланиш ва самарадорлик;
- меҳнат бозори самарадорлиги;
- ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имконияти ва сифати;
- инфратузилмадан фойдаланиш имконияти ва унинг ривожланганлиги;
- иқтисодийётнинг рақобатбардошлиги ва диверсификация қилинганлиги;
- ишбилармонлик муҳити сифати ва тадбиркорликни ривожлантириш;

- молиявий мустақиллик, банк-молия соҳасининг ривожланиши;  
- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги ва маълумотларнинг очиклиги;

**иккинчи босқич** – аҳолининг ижтимоий ўзини ҳис этиши ва турмуш сифати, тадбиркорлар ва инвесторлар учун ишбилармонлик муҳитининг ҳолати, жамиятнинг ислохотларга ишончи даражаси ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият институтларининг сифати бўйича алоҳида сўровномалар ўтказилади.

Яқунда статистик кўрсаткичлар асосида тўпланган баллар ва ўтказилган сўровлар натижалари бўйича тўпланган баллар жамланади.

Ушбу методика бўйича ҳудудларнинг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар бўйича баҳоланади.

Амалиётда маҳалла даражасида ишларни ташкил этиш учун вазирлик ва идоралар ўзларининг маълум кўрсаткичларига эга бўлсаларда, ҳозирги кунга қадар маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини баҳолаш бўйича аниқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд эмас.

Таъкидлаш жоизки, ҳудудларни комплекс-ижтимоий иқтисодий ривожланиш ҳолатини баҳолаш бўйича шу пайтгача амалга оширилган илмий тардқиқот ишлари маҳалла даражасида амалга оширилмаган бўлиб, энг кўпи билан туман ёки шаҳар даражасида амалга оширилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги “Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 485-сонли қарори билан “Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом” тасдиқланган [3].

Ушбу Низом, маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимларининг фаолиятини баҳолаш учун мўлжалланган бўлиб, иқтисодий ривожланганлик ҳолатини кўрсатувчи аниқ кўрсаткичлар белгиланмаган. Содда қилиб айтганда, мазкур баҳолаш тартиби маҳалланинг иқтисодий ҳолатини ўзида акс эттирмайди.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 августдаги “Ҳудудларда “маҳаллабай” ишлаш асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг доимий даромад манбаларини кўпайтириш орқали камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 504-сон қарори билан “Ривожланишда орқада қолаётган ҳамда ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш орқали оилаларнинг даромад манбаини яратиш тартиби тўғрисида Низом” тасдиқланган [4].

Мазкур Низомга мувофиқ “оғир” маҳалла деб, секторлар томонидан ўрганиш давомида аниқланган ижтимоий аҳоли оғир ва ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш ихтисослашуви бўлмаган маҳаллалар кўрсатилган.

Бунда сектор раҳбарлари “оғир” маҳаллаларни қуйидаги тартиб бўйича аниқлаши белгиланган:

**биринчи босқич:** ҳар бир хонадон ўрганилиб, қуйидаги 3 тоифага ажратилади:

а) намунали хонадон – даромади юқори, ўзгалар ёрдамига эҳтиёжи бўлмаган бир ёки ундан кўп оила яшайдиган хонадон;

б) ўрта хонадон – жонбошига тўғри келадиган даромади минимал истеъмол харажатлари миқдоридан юқори бўлсада, оила аъзолари ичида ишсиз ёки тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш истаги бор хонадон;

в) эҳтиёжманд хонадон – жонбошига тўғри келадиган даромади минимал истеъмол харажатлари миқдоридан кам, оила аъзолари ичида меҳнатга лаёқатли бир ёки ундан кўп ишсизлар мавжуд хонадон;

**иккинчи босқич:** хонадонларни ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, маҳаллалар 3 тоифага бўлинади:

а) намунали маҳалла – жами хонадонлар сонига нисбатан намунали хонадонларнинг улуши 60 фоиздан юқори ҳамда эҳтиёжманд хонадонларнинг улуши 25 фоиздан кам бўлган маҳалла;

б) ўрта маҳалла – жами хонадонлар сонига нисбатан ўрта хонадонларнинг улуши 60 фоиздан юқори ҳамда эҳтиёжманд хонадонларнинг улуши 25 фоиздан кам бўлган маҳалла;

в) “оғир” маҳалла – жами хонадонлар сонига нисбатан эҳтиёжманд хонадонларнинг улуши 25 фоиздан юқори бўлган маҳалла.

Ушбу баҳолаш тартиби бўйича кўрсаткичлар нисбий ҳисобланиб, уй хўжаликларида ўтказилган сўровнома, интервью асосида амалга оширилган. Яъни хонадонлар қуйидаги мезонлар асосида ўрганиб чиқилади:

доимий даромадга эгаллиги (ўрта ҳолатдаги), ёрдамга муҳтож ёки муҳтож эмаслиги;

сўнги уч йил давомида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредит олганлиги;  
 мавсумий ёки норасмий даромади мавжудлиги;  
 “лидер” тадбиркор билан ишлаш истаги мавжудлиги;  
 ўзининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истаги борлиги;  
 доимий ишга жойлашишга эҳтиёжи борлиги;  
 меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари мавжудлиги;  
 ишлаш истаги йўқ хонадон аъзолари мавжудлиги.

Ушбу тартиб бўйича ўтказилган сўровлар натижасида 9 349 та маҳалладан 8 491 таси “ўрта” ва “намунали” ҳамда 858 таси “оғир” тоифадаги маҳаллалар этиб белгиланган (1-жадвал).

1-жадвал

**Маҳаллаларнинг тадбиркорлик ва бандлик меъзонлари асосида тоифаларга ажратилиши [5]**

№	Худудлар номи	МФЙ сони	Ўрта ва намунали тоифадаги МФЙ сони	Оғир тоифадаги МФЙ сони	Оғир тоифадаги МФЙда мавжуд аҳоли (нафар)
<b>ЖАМИ</b>		<b>9349</b>	<b>8491</b>	<b>858</b>	<b>3 175 841</b>
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	424	379	45	193 788
2.	Андижон вилояти	887	825	62	213 932
3.	Бухоро вилояти	544	508	36	123 550
4.	Жиззах вилояти	299	260	39	157 865
5.	Қашқадарё вилояти	813	743	70	301 995
6.	Навоий вилояти	330	307	23	87 209
7.	Наманган вилояти	782	641	141	527 840
8.	Самарқанд вилояти	1 126	1 109	17	51 427
9.	Сирдарё вилояти	236	208	28	105 282
10.	Сурхондарё вилояти	721	663	58	191 249
11.	Тошкент вилояти	1 020	934	86	269 324
12.	Фарғона вилояти	1 062	939	123	480 847
13.	Хоразм вилояти	526	446	80	222 411
14.	Тошкент шаҳри	579	529	50	249 122

**Манба:** *Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.*

Республиканинг шаҳар ва туманларида “қизил” тоифадаги 858 та маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари”дан келиб чиқиб, уларни 2021-2022 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳар бир маҳалла кесимида амалга ошириладиган чора-тадбирлар “йўл харита”лари ишлаб чиқилган ва тегишли тартибда тасдиқланган.

“Қизил” тоифадаги маҳаллаларни ривожлантириш бўйича 2021 йил 1 декабрь ҳолатига худудларда қуйидаги ишлар амалга оширилган:

Маҳаллаларда ўтказилган ўрганишлар асосида 858 та маҳаллада 104,3 минг нафар ишлаш истаги мавжуд меҳнатга лаёқатли ишсиз аҳоли аниқланган бўлиб, ҳисобот даврида улардан 56,8 минг нафари ёки 54 фоизи бандлиги таъминланган.

Касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқиш истагини билдирган жами 16,5 минг нафар аҳолидан 11 минг нафари турли хил касб-ҳунарга ўқитилган.

Тадбиркорлик субъектлари билан ўтказилган сўров натижаларига кўра, уларда 4,3 мингга яқин муаммолар мавжудлиги аниқланиб, бугунги кунда 3,3 мингга муаммо ҳал этилган.

Шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш борасида кўрилган тадбирлар натижасида, Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 14 071 нафар субъектга жами 276,2 млрд.сўм кредит маблағлари ажратиб берилган.

#### **Дастлабки таҳлилларга кўра:**

- ҳудудлар ва туманлар (шаҳар)ни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ишларни ташкил этиш “маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят – республика” тамойили асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ;

- ҳудудларни секторларга бўлиб ишни ташкил этиш тизимининг жорий этилганлиги халқ билан манзилли мулоқотнинг йўлга қўйилишига имкон яратади;

- маҳаллаларни комплекс ривожлантиришнинг аҳамияти нафақат кўрсатилган ҳудудий номуносивбликлар, ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайиши ва ноўрин моддий йўқотишлар билан боғлиқ;

- маҳаллаларнинг иқтисодий ривожланишини тартибга солиш зарурати ижтимоий-иқтисодий муаммоларни (бандлик, ижтимоий ҳимоя, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқалар) ўзларига бириктирилган даромадлар манбалари ҳисобига ҳал этишда кўпроқ эркинлик ва ваколатлар берилганда юзага чиқади;


- “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ҳудудларнинг “ўсиш нуқталари”дан келиб чиқиб, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуришга алоҳида эътибор қаратиш керак;

- шаҳар ва туманлар марказларида аҳолининг кундалик эҳтиёжи юқори бўлган маиший ва коммунал хизматларни ривожлантириш бўйича пуллик сантехника, электрик, уй жиҳозларини таъмирлаш, кейтеринг каби хизматларни кўрсатиш пунктларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот ишимиз давомида маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи қуйидаги кўрсаткичларни туркумлашга ҳаракат қилдик:

- аҳолининг бандлик кўрсаткичлари;
- маҳалланинг географик жойлашуви, табиий шарт-шароити;
- тадбиркорлик субъектлари сони;
- маҳалланинг саноат зонасига туташлиги;
- аҳолининг тадбиркорлик қилиш истаги;
- маҳалланинг ихтисослашуви;
- маҳалла ҳудудида бўш бино ва ерларнинг мавжудлиги;
- ижтимоий соҳа объектлари (мактаб, боғча, поликлиника) ва инфратузилманинг мавжудлиги;
- “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурига тушганлиги;
- маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчисининг салоҳияти.


Аниқланган кўрсаткичларнинг маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига энг кўп таъсир этиши нуқтаи назаридан сўровнома ўтказилди. Ўтказилган сўровномада 316 нафар респондентлар иштирок этишди. Уларнинг 47 нафари (15 фоиз) 18-30 ёш, 174 нафари (55 фоиз) 30-40 ёш, 95 нафари (30 фоиз) 40-60 ёшдагиларни ташкил этди (1-расм).



**1-расм. Сўровномада иштирок этганларнинг ёши бўйича таркиби**

**Манба:** сўровнома натижалари асосида тузилган.

Жинсий таркиби бўйича, респондентларнинг 95 фоизини эркеклар ҳамда 5 фоизини аёллар ташкил этади (2-расм).



**2-расм. Сўровномада иштирок этганларнинг жинси бўйича таркиби**

**Манба:** сўровнома натижалари асосида тузилган.

Сўровномани ўтказишдан олдин респондентларнинг сифат таркибига алоҳида эътибор қаратилди. Яъни респондентлар ҳозирги кунда маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар иштирокчилари орасидан шакллантирилди. Булар, туман ва шаҳар ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, ҳоким ёрдамчилари, маҳалла раислари ҳамда маҳаллабай ишлаш тизимини ташкил этиш бўйича туман ва шаҳарларга республикадан бириктирилган вакиллар орасидан танлаб олинди. Улар 3 гуруҳга ажратилди: ҳокимнинг биринчи ўринбосари, ҳоким ёрдамчиси ҳамда бошқалар тоифалари.




**3-расм. Сўровномада иштирок этганларнинг лавозими/мақоми бўйича таркиби**

**Манба:** сўровнома натижалари асосида тузилган.

Сўровномада иштирок этганларнинг лавозими/мақоми бўйича таркиби таҳлил қилинганида уларнинг 38 нафари (12 фоиз) туман ва шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, 218 нафари (69 фоиз) ҳамда 60 нафари (19 фоиз) бошқалар (маҳалла раислари ҳамда маҳаллабай ишлаш тизимини ташкил этиш бўйича туман ва шаҳарларга республикадан бириктирилган вакиллар) иштирок этган.

Овоз бериш натижаларига кўра, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида энг муҳим кўрсаткич сифатида 34 фоиз респондентлар аҳолининг бандлик кўрсаткичларини биринчи, 22 фоиз респондентлар маҳалланинг географик жойлашуви ва табиий шарт-шароитини иккинчи, 19 фоиз респондентлар маҳалланинг иқтисослашувини учинчи, 18 фоиз респондентлар маҳалланинг “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурига тушганлигини тўртинчи, 17 фоиз респондентлар маҳалла аҳолисининг тадбиркорлик қилиш истагини бешинчи, 17 фоиз респондентлар маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчисининг салоҳиятини олтинчи муҳим кўрсаткич сифатида белгилаган бўлса, маҳалла ҳудудида саноат зонасининг мавжудлиги ҳамда бўш бино ва ерларнинг мавжудлиги тўққизинчи ва ўнинчи ўринларда қайд этилган (4-расм).



4-расм. Маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича кўрсаткичларга берилган овозлар

**Манба:** сўровнома натижалари асосида тузилган.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, келгусида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун маҳаллаларга эътибор қаратишимиз шарт. Бунинг учун уларни тўғри диагноз қилиш, қайси кўрсаткичларга кўпроқ эътибор қаратиш, қайси соҳа ва йўналишларни янада ривожлантириш, бу борада қандай имконият ва шарт-шароитлар мавжудлигини аниқлаш учун маҳаллаларни тўлиқ тадқиқ қилишимиз керак бўлади.

Мазкур тадқиқот иши давомида амалга оширилган ишлар, ўтказилган сўровномада иштирок этган респондентларнинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда маҳаллани кичик бир ҳудуд деб тасаввур қилсак, уни ривожлантириш учун энг аввало шу маҳаллада истиқомат қилаётган аҳолининг бандлик кўрсаткичларини яхшилаш бўйича ишларни жонлантиришимиз зарур.

Шунингдек, маҳаллаларнинг географик жойлашуви ва табиий шарт-шароити, маҳалланинг ихтисослашуви, маҳалла аҳолисининг тадбиркорлик қилиш истаги ҳамда маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчисининг салоҳияти энг муҳим кўрсаткичлар сифатида кўрсатилмоқда.

Шундай экан ҳозирда маҳаллаларда фаолият юритаётган ҳоким ёрдамчиларига янги ва қўшимча масъулиятли вазифалар юкланиши табиий ҳол. Ҳоким ёрдамчилари фаолияти самарадорлигини ошириш учун тизимни доимий такомиллаштириб бориш, маҳаллабай ишлашнинг ташкилий-иқтисодий ҳамда молиявий механизмларини такомиллаштириб бориш зарур.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, келгусида ҳудудларни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш учун "йўл харита"лари ёки ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда энг аввало аҳолининг бандлик кўрсаткичларини яхшилашга эътибор қаратиш ҳамда кўпроқ ушбу йўналишга ресурсларини йўналтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

#### **Манба ва адабиётлар**

1. Си Цзиньпин. "Қашишоқликдан халос бўлиш". // Тошкент, Ўзбекистон, 2022 йил. 8-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги "Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги ПҚ-4702-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик маълумотлари базаси <https://lex.uz/ru/docs/4803531>.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги "Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 485-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик маълумотлари базаси, <https://lex.uz/uz/docs/4948159>.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 августдаги "Ҳудудларда "маҳаллабай" ишлаш асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг доимий даромад манбаларини кўпайтириш орқали камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 504-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик маълумотлари базаси, <https://lex.uz/docs/5562556>.
5. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари.

## МИНТАҚАЛАРДАГИ ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ТАҲЛИЛИ

**Мэлс РАШИДОВ,**

*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),*

*Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети  
“Иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси доценти*

**Аннотация:** эркин иқтисодий зоналар иш фаолиятини баҳолаб бориши ҳалигача мураккаб жараёнлигича қолмоқда. Бу фаолиятнинг баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиши минтақалар рақобатбардошлигини ошириши ва уларнинг ривожланиши учун рағбатлантирувчи асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу жараённи баҳолаш учун интеграл кўрсаткичларни баҳолаш ва эксперт усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланган. Бундан ташқари, эркин иқтисодий зонадаги ҳар бир объектив омилларнинг корреляцион боғлиқлигини аниқлаш ҳам ўз самарасини беради.

**Таянч иборалар:** эркин иқтисодий зона, самара, мезон, иқтисодий кўрсаткичлар, модернизация, аҳолининг бандлик даражаси, киритиладиган инвестициялар, баҳолаш мезонлари, корреляция.

### МЕТОДЫ И АНАЛИЗ ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН В РЕГИОНАХ

**Мэлс РАШИДОВ,**

*PhD (по экономическим наукам),*

*Навоийский государственный горно-технологический университет  
доцент кафедры «Экономика и менеджмент»*

**Аннотация:** оценка деятельности свободных экономических зон остается сложным процессом. Разработка критериев оценки этой деятельности служит стимулирующей основой повышения конкурентоспособности регионов и их развития. Для оценки этого процесса обоснована целесообразность использования интегральных показателей и экспертных методов. Кроме того, определение соотношения каждого из объективных факторов в свободной экономической зоне также является эффективным.

**Ключевые слова:** свободная экономическая зона, эффективность, критерий, экономические показатели, модернизация, уровень занятости населения, поступающие инвестиции, критерии оценки, корреляция.

### METHODS AND ANALYSIS OF EVALUATING THE EFFECTIVENESS OF FREE ECONOMIC ZONES IN THE REGIONS

**Mels RASHIDOV,**

*PhD (in economics),*

*Navoi State University of Mining and Technology  
Associate Professor of the "Economics and Management" Department*

**Abstract:** evaluating the performance of free economic zones remains a complex process. The development of evaluation criteria of this activity serves as an incentive basis for increasing the competitiveness of regions and their development. To assess this process, the expediency of using integral indicators and expert methods is substantiated. In addition, determining the ratio of each of the objective factors in the free economic zone is also effective.

**Keywords:** free economic zone, efficiency, criterion, economic indicators, modernization, employment rate of the population, incoming investments, evaluation criteria, correlation.

**Кириш.** Ҳозирги пайтда кўпгина мамлакатлар ўзининг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрнини ўзгартириш, қатнашувини фаоллаштириш учун турли хил усулларга мурожаат қиладилар. Экспорт ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, валюта тушумларини кўпайтириш, янги технологияларга эга



бўлиш, мамлакатнинг тўлов балансини яхшилаш мақсадида, алоҳида ҳуқуқий ва божхона иқтисодий мақомига эга бўлиш орқали, хорижий капитални жалб қилиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш учун ЭИЗларни ташкил этишга интилоқдалар.

Эркин иқтисодий зоналар самарадорлигини тўлиқ ҳолда қиймат кўрсаткичлари билан ўлчаб бўлмайди. Чунки ижобий ўзгаришлар нафақат ўша ҳудудда, балки қўшни ҳудудларда ҳам содир бўлади. Эркин иқтисодий зоналар нафақат ўз майдонига, балки зона атрофидаги ҳудудларга капитал маблағлар ва хорижий валюталар оқимини ошириш йўли билан ижтимоий-иқтисодий самара келтиради. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш мамлакат учун яхши самара ҳам беради, яъни миллий иқтисодиётга юқори малакали меҳнат ресурслари келади, замонавий технологиялар, ноу-хаулар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш тажрибаси олиб келинади ҳамда маҳаллий кадрларга ўргатилади. Эркин иқтисодий зоналар маркетинг самарасини беради, яъни зонада ишни яхши ташкил эта олган корхоналар(фирмалар) мамлакатнинг қолган корхоналари учун ишни ташкил этишда ўрнак бўлади. Эркин иқтисодий зоналарда ҳукумат томонидан қўйиладиган тўсиқларни камайтириш йўли ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигига ижобий таъсир қилади. Бу эса мамлакатда иқтисодиётни либераллаштириш жараёнининг тезлашишига ёрдам беради.

**Асосий қисм.** Эркин иқтисодий зоналар устунлигининг яна бир жиҳати илғор технологияларнинг жорий қилинишидир. У бевосита, билвосита ва рақобат самараларини беради.

- бевосита самара - бу эркин иқтисодий зоналардаги корхоналарнинг янги технология туфайли замонавий, рақобатбардош, сифатли, арзон товарлар ишлаб чиқаришларидир;

- билвосита самара – бу эркин иқтисодий зоналардаги янги технология билан ишлаётган корхона, унинг тайёр маҳсулотини ишлатадиган, унга хом ашё, ярим тайёр маҳсулот етказиб берадиган корхоналарга ижобий таъсир қилишидир;

- рақобат самараси – бу янги технологияга ўтган корхоналар зона ичида ва зонадан ташқари фирмалар ўртасида рақобатни кучайтириб юборади, бунинг натижасида фирмаларни илғор технологияларни қўллашга, янги технологиялар яратиш учун илмий тадқиқотлар қилишга мажбур қилади.

Эркин иқтисодий зоналар бандлик даражасини ошириш йўли билан ҳам мамлакат иқтисодиётига ижтимоий-иқтисодий самара келтиради.

Эркин иқтисодий зоналарнинг самарадорлиги, биринчи навбатда, уни барпо этиш сиёсатининг, яъни зоналар сиёсатининг пухта ишлаб чиқилганлигига ҳамда бу сиёсатни кетма-кетликда, тўғри амалга ошира билишга боғлиқдир. Эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлиги, унинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан сифатли таъминланганлигига ҳам боғлиқ. Шунинг учун эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини оширмоқчи бўлсак, унинг талабларига жавоб берадиган норматив–ҳуқуқий базани яратиш зарурдир.

Эркин иқтисодий зоналарнинг яшовчанлиги ва самарадорлиги унда жойлаштирилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмига ҳамда бу корхоналарнинг бир-бирига ҳамкор бўла олиш даражасига боғлиқ. Чунки буларсиз эркин иқтисодий зоналарнинг ўзига хос иқтисодий механизми ишлаб кетиш имконига эга бўлмайди. Бир-бирига унча боғлиқ бўлмаган, кам сонли корхоналар одатда, эркин иқтисодий зоналарга етарли самара бера олмайди. Агар зонага четда жойлашган корхоналар жалб қилинса, унда хўжалик юритишнинг 2 тури – зоналар ва маҳаллий турлари шаклланади. Бу эса зонани бошқаришни мураккаблаштириб юборади.

**Эркин иқтисодий зоналар самарадорлигига таъсир этувчи қуйидаги омилларнинг ҳисобга олиниши муҳим ўрин эгаллайди:**

- эркин иқтисодий зоналар учун жой танлашда оқилона ёндашув (танланган майдонда инвестициявий ҳамкорликни олиб бориш учун объектив шароитларнинг мавжудлиги);

- имтиёз ва қулайликлар тизимини яратишда хорижий инвесторлар манфаатини ҳар томонлама ҳисобга олиш;

- қабул қилувчи мамлакатда қулай инвестиция муҳитини сақлаш кафолатининг мавжудлиги;

- эркин иқтисодий зоналар зарурий ва ишчи инфратузилмасининг мавжудлиги ёки уни яратиш учун молиялаштириш имконининг борлиги;

- зона маъмурий бошқарув тизимининг самаралилиги ва ўта мослашувчанлиги.

Умуман олганда, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, эркин иқтисодий зоналар фаолияти ўз оқибатига қараб турлича бўлиши мумкин. Уларнинг самарадорлиги эса эркин иқтисодий зоналар учун жойни тўғри танлаш, йўналишни тўғри танлаш, сиёсий, иқтисодий, географик ва бошқа турли омилларни ҳисобга олиш, хориждан инвестиция ва технологияни жалб қила билиш, ташқи иқтисодий фаолиятни жадаллаштира олишга боғлиқ. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг самарадорлиги эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишдан кўзланган аниқ бир мақсаднинг

қўйилганлиги, имтиёзлар тизими қай даражада, қай тарзда танланганлигига ҳам боғлиқ. Қўйилган мақсадларнинг кўплиги ва ноаниқлиги асоссиз равишда имтиёзлар фаолиятнинг барча шакллари тарқалишига, охир-оқибатда зона ишида ҳеч қандай самара бермасликка олиб келади.

Эркин иқтисодий зоналарнинг шаклидан бири бўлган, АҚШ ҳукуматининг уй-жой ва шаҳар ривожланиши департаменти томонидан бошқариладиган “тадбиркорлик зоналари”дан 357 тасининг хўжалиқ фаолиятининг таҳлили қуйидагиларни кўрсатди: ишловчиларнинг 34%и ишлов бериш саноатида, 27% чакана савдода, 19% хизмат кўрсатиш соҳаларида, қолганлари эса молия хизмати, қурилиш, транспорт, коммуникация ва улгуржи савдо билан банд экан. Энг кўп ишлов бериш саноатида иш жойлари яратилган. Зоналарнинг 33 фоизида бандлик миллий даражасидан юқори бўлган [1].

**Зоналарда энг яхши самара берган чоралар қуйидагилардан иборат бўлган:**

- иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш-ижтимоий фаровонликни ўзига мўлжал қилиб олган зоналарга нисбатан рағбат ва имтиёзларнинг аниқ бир тизимига эга бўлган зоналар анча муваффақиятли фаолият олиб борган;

- давлат ва маҳаллий солиқларни камайтириш, инвестиция учун кредитлар бериш;

- сотиш, мулк, айланма маблағлар солиқларини камайтириш;

- иш жойларини кредитлаш дастурлари;

- маҳаллий ҳокимиятнинг қатнашуви ва манфаатдорлиги.

Тадқиқотчилар эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият юритиши учун қуйидагиларни муҳим, деб ҳисоблашмоқда [2]:

- ташландик ерлар ва ишлаб чиқаришларни маҳсулдорлик, унумдорлигини тиклаш;

- ҳудуд аҳолиси учун жуда кўп миқдорда иш жойларини яратиш;

- ижтимоий ва хусусий секторлар ўртасида кооперацияни ривожлантириш.

**Самарасиз эркин иқтисодий зоналар тажрибасини таҳлил қилиб, зона фаолиятини режалаштириш босқичида йўл қўйилган қуйидаги хато ва камчиликларни ҳам қайд этишимиз лозим:**

- зона учун муваффақиятсиз жойнинг танланганлиги, масалан, ер ва ҳаво транспорти яхши ривожланмаган жойда жойлаштирилиши;

- инфратузилманинг асосий объектларини яратишга етарли эътибор берилмаслик, масалан, алоқа воситалари ва энергия билан таъминот талаб даражасида эмаслиги;

- зона маъмуриятининг турли хил ҳукумат органлари билан ташкилий алоқаларининг етарли даражада ривожланмаганлиги, масалан, молия вазирлиги, божхона бошқармаси, солиқ қўмитаси кабилар билан алоқалар, чунки иш яхши натижа бериши учун улар билан яхши алоқа ҳамда уларнинг қўллаб-қувватлаши зарур;

- зонани бошқаришда бюрократик услублардан кенг ва кўп фойдаланса, иш самараси пасаяди.

Хатолар кам бўлиши учун лойиҳани албатта обрўли, ишончли халқаро экспертизадан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу анчагина хатоларни бошланғич босқичда минимумга келтириш ва тузатиш имконини беради. Хорижий инвесторларни рўйхатга олишда қийинчиликлар, зона устунликларини реклама ва ташвиқот қилишнинг ёмонлиги иш самарасига кучли салбий таъсир қилади.

Масалан, Навоий эркин иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда – НЭИЗ) фаолияти самарадорлигини қуйидаги мезон кўрсаткичларга қараб баҳолаш мумкин: -хорижий капиталнинг оқими, шу жумладан зонада фаолият олиб бораётган қўшма корхоналар сони; -мамлакат товарлар импортига қилинадиган харажатнинг камайиши; -ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида экспорт маҳсулотнинг ҳиссаси; -фаолиятнинг янги турларига ихтисослашуви, шу жумладан НЭИЗга хизмат кўрсатишнинг ривожланиши; -таъминотнинг яхшиланиши, хизмат кўрсатишнинг ривожланиши; -янги яратилган иш жойлари, зонада бандлик даражасининг ўсиши.

Вилоят макроиқтисодий кўрсаткичларига нисбатан корреляция коэффиценти юқори бўлган индикаторларни, уларнинг НЭИЗ фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларига ҳам ижобий таъсирини инобатга олиб, моделга киритамиз ҳамда уларнинг тегишли равишда ҳар бир макроиқтисодий кўрсаткичга таъсирини ҳисоблаймиз. Яъни:

Корреляция коэффиценти қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$R^2 = \frac{\sum_{xy} - \frac{\sum x \cdot \sum y}{n}}{\sqrt{\left[\sum x^2 - \frac{(\sum x)^2}{n}\right]} \cdot \sqrt{\left[\sum y^2 - \frac{(\sum y)^2}{n}\right]}} [3]$$

Бу ерда ;

R<sup>2</sup>- корреляция коэффиценти;

- х- вилоят макроиктисодий кўрсаткичлари;
- у- эркин иктисодий зона фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари;
- п- кўрилатган йиллар сони;

1. НЭИЗ қатнашчилари ва хўжалик юритувчилари томонидан маҳсулот ва хизматлар сотиш ҳажмининг вилоят кўрсаткичидаги улуши ва маҳаллийлаштириш даражаси кўрсаткичларининг вилоятда сотилган маҳсулот ва хизматлар ҳажми ўсишига таъсири қуйидаги функция билан ифодаланади:

$$y = -1,707 + 1,362x_1 + 1,641x_2$$

Функция НЭИЗ қатнашчилари ва хўжалик юритувчилари томонидан маҳаллийлаштириш даражасини оширишга эътиборнинг кучайтирилиши вилоятда сотилган маҳсулот ва хизматлар ҳажми ўсишига ижобий таъсир этишидан далолат беради. НЭИЗ дирекцияси томонидан маҳаллий хом ашё ва табиий ресурслардан кенг фойдаланган ҳолда импорт қилинадиган маҳсулотларни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш ишларини жадаллаштириш талаб этилади. Бир қатор вариантларни қўллаб, амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижасида маҳаллийлаштириш даражасини бошқа параметрларни ўзгартирмаган тарзда, 15,8%га ошириш энг оптимал вариант бўлиб, вилоятда сотилган маҳсулот ва хизматлар ҳажмини 6,9%га ошириш имконини беради.

НЭИЗ ҳудудидаги инвестициялар улуши ва яратилган бир иш ўрнига тўғри келадиган инвестициялар ҳажмининг ўртача вилоятдагидан фарқи кўрсаткичларининг вилоят инвестициялар ҳажми ўсишига таъсири функцияси

$$y = -0,056 + 0,198x_1 + 0,170x_2$$

кўринишга эга бўлди. Албатта, НЭИЗ ҳудудидаги инвестициялар улушини ошириш вилоят инвестициялар ҳажми ўсишига олиб келади, аммо бир иш ўрнига тўғри келадиган инвестицияларни вилоятдаги ўртачага нисбатан паст бўлиши инвестициялар жозибадорлигини янада оширади. Шунинг учун, НЭИЗ дирекцияси томонидан зонада инвестиция киритиш қулайликларини ошириш бўйича амалга оширадиган ишлар самарадорлигини ошириш ва бир иш ўрнига тўғри келадиган инвестициялар ҳажмини вилоятдаги ўртачага нисбатан фарқини 8%га пасайтириш энг оптимал вариант бўлиб, вилоят миқёсида инвестициялар ҳажмининг 1,55% га ўсишига сабаб бўлиши мумкин.

2. НЭИЗ ҳудудида қурилган ва топширилган ижтимоий кўчмас мулк ва ижтимоий инфратузилма объектлари ҳажми улуши, НЭИЗда яратилган иш ўринлари улуши ва вилоятдаги реал ўртача иш ҳақидан фарқи кўрсаткичларининг вилоят ижтимоий ўсиш кўрсаткичига таъсири функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$y = -0,046 + 0,246x_1 + 0,063x_2 - 0,069x_3$$

Функциядан кўриниб турибдики, НЭИЗ ҳудудида қурилган ва топширилган ижтимоий кўчмас мулк ва ижтимоий инфратузилма объектлари ҳажми бевосита вилоят ижтимоий ўсиш кўрсаткичига таъсир кўрсатади. Реал ўртача иш ҳақи фарқи кўрсаткичларининг таъсири сезиларли эмас. Шунинг учун НЭИЗ дирекцияси зонада янги иш ўринларини яратиш жараёни бўйича ўз фаолиятини жадаллаштириши лозим. НЭИЗда яратилган иш ўринлари улушини 1%га ошириш вилоят ижтимоий ўсиш кўрсаткичини 1,02 %га кўтариш имконини беради.

3. НЭИЗнинг бюджетга қўшимча даромадлар тушишидаги ҳиссаси ва юқори технологик иктисодиёт соҳасига тўғри келадиган ишлаб чиқариш натижасида НЭИЗ корхоналарининг ялпи фойда салмоғи ўсишининг вилоят бюджетига тушадиган қўшимча даромадлар ўсишига таъсири функцияси қуйидаги кўринишга эга:

$$y = 3,003 - 3,013x_1 + 0,705x_2$$

НЭИЗда юқори технологик иктисодиёт соҳасига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажмини 2%га ошириш вилоят бюджетига тушадиган қўшимча даромадлар прогнозини 2,6%га ўсишини кўрсатди.

4. НЭИЗга инвесторларни жалб қилиш ва рўйхатдан ўтказиш самарадорлиги, НЭИЗ фаолиятини назорат қилиш натижадорлиги, НЭИЗда давлат хизматларини кўрсатиш сифати НЭИЗ қатнашчиларига берилган имтиёзлар самарадорлиги кўрсаткичларининг вилоятнинг инвестицион ва инновацион жозибадорлиги ўсишига таъсири қуйидаги функция билан ифодаланади:

$$y = -0,861 + 0,113x_1 + 1,242x_2 + 0,094x_3 + 0,316x_4$$

Функция вилоятнинг инвестицион ва инновацион жозибадорлиги ўсишига ҳамма омиллар ижобий таъсирга эга эканлигидан далолат бермоқда, аммо НЭИЗ фаолиятини назорат қилиш натижадорлиги ва ЭИЗ қатнашчиларига берилган имтиёзлар самарадорлиги кўрсаткичларининг таъсири сезиларлидир. ЭИЗ дирекцияси томонидан ушбу жараёнларни янада яхшилаш ва кўрсаткичларини 1 %га ошириш вилоятнинг инвестицион ва инновацион жозибадорлигини 1,5 %га оширади.

5. Ер участкалари, омбор ва офис биноларини куриш ва топшириш, логистика хизматлари ва инфратузилмаларнинг ривожланиш ҳажмлари кўрсаткичларининг вилоят хизматлар соҳаси ҳажмларининг ўсишига таъсири функцияси куйидаги кўринишга эга:

$$y = -1,438 + 0,762x_1 + 0,864x_2 + 0,285x_3$$

Ер участкалари, омбор ва офис биноларини куриш ва топшириш ҳамда логистика хизматлари ҳажми кўрсаткичларининг таъсири юқори бўлганлиги сабабли, ЭИЗ дирекцияси бюджет маблағларини кўчмас мулк ва логистика хизматларини ривожлантиришга қаратиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу жараёнларни 1%га ошириш вилоят хизматлар соҳаси ҳажмларининг 1,6% ўсишига олиб келади.

Бирин-кетин модел параметрларини дастурли ўзгартириш асосида 100 дан ортиқ вариантлар ҳисобланди ва пировард натижа - вилоят ЯҲМ ҳажмининг оптимал ўсишини таъминлайдиган вариантга эга бўлди.

**2023 йилда кутиладиган натижалар салмоғи куйидагича бўлди:**

- сотилган маҳсулот ва хизматлар ҳажми ўсиши-6,9%;
- инвестициялар ҳажми ўсиши-1,55%;
- ижтимоий ўсиш-1,02%;
- бюджетга тушадиган қўшимча даромадлар ўсиши-2,6%;
- инвестицион ва инновацион жозибadorлиги ўсиши-1,5%;
- хизматлар соҳаси ҳажмларининг ўсиши-1,6%;

Ушбу кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда, Навоий вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулоти-5,8% га ошиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Модель ЭИЗ дирекцияси фаолияти жараёнларини, айниқса, маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш, инвестиция киритиш қулайликларини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, юқори технологик иқтисодиёт соҳасига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ЭИЗ инвесторларини жалб қилиш ва рўйхатдан ўтказиш самарadorлигини, ЭИЗ фаолиятини назорат қилиш натижадорлиги, ЭИЗда давлат хизматларини кўрсатиш сифати, ЭИЗ қатнашчиларига берилган имтиёзлар самарadorлигини оширишларини жадаллаштириш вилоят ЯҲМ кўрсаткичини 6,9 %га ўсишини таъминлайди ва ЭИЗ дирекцияси, ЭИЗ фаолияти ва ҳудуд иқтисодиёти ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ифодалайди.

Аммо, эркин иқтисодий зоналар фаолияти иқтисодий натижаларининг барчасини аниқ ҳисоблаб бўлмайди, уларнинг айримлари вақт жиҳатдан кечикади ёки чўзилади. **Бундай натижалар билвосита натижалар ёки самара дейилади, уларга куйидаги мезон-кўрсаткичларини киритиш мумкин:**

- янги технологиялар билан танишишнинг осонлашуви;
- хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг янги усулларини эгаллаш;
- мамлакатнинг экспорт базасини кенгайтириш;
- янги тармоқларнинг яратилиши;
- регионал номутаносибликнинг бартараф этилиши;
- кадрлар салоҳиятини сақлаш ва ривожлантириш (бошқа регионлар ва хориждан мутахассисларни жалб қилиш, фирмалараро миграция ва ҳоказо).

Таҳлилларимиз давомида эркин иқтисодий зоналар самарadorлигини баҳолаш жараёнлари бўйича куйидаги усулларни ўргандик:

**-Интеграл кўрсаткич усули.** Эркин иқтисодий зонанинг самарadorлигини аниқловчи интеграл кўрсаткич (яъни йиғма деган маънода)ни аниқлаш орқали топилади.

$$Эсэз_f = \sum_{i=1}^n \left( \sum_{l=1}^l \frac{P_{li}}{N_i} \times V_l \right)$$

- Бунда: l-кўрсаткичлар сони;
- i-эркин иқтисодий зона ҳудудидаги корхоналар сони;
- n-инвестицион лойиҳа бўйича норматив;
- v-кўрсаткични аҳамиятлилик даражаси;
- P-корхоналарнинг самарadorлиги бўйича бир нечта кўрсаткичлар;
- V-хар бир кўрсаткичнинг аҳамиятлилик даражаси.

<sup>1</sup> Манба: Муаллиф томонидан [www.fez.com](http://www.fez.com). Ахборот манбаи асосида ишлаб чиқилган.

Аввало ҳар бир корхонанинг белгиланган кўрсаткичлари нисбатлари йиғиндиси олинади, кейин ҳаммасининг йиғиндиси аниқланади. Чикқан натижани баҳолаш бўйича алоҳида мезон келтирилмаган. Лекин, интеграл кўрсаткич 0 билан 1 нинг орасида бўлиб, натижа 1 га қанча яқин бўлса, хулоса шунча ижобий бўлади.

**-Эксперт усули.** Бу усулда эркин иқтисодий зоналарнинг иқтисодий кўрсаткичлари орқали минтақанинг мос равишдаги иқтисодий кўрсаткичлари солиштирилади ва баҳоланади.

**1-жадвал.**

**“Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналарининг ҳудудлар иқтисодиётида тутган ўрни**

№	Кўрсаткичлар	Эркин зона номи	Йиллар								
			2013й	2014й	2015й	2016й	2017 й	2018й	2019 й	2020 й	2021й
1	Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида ЭИЗнинг улуши, %	Навоий	6,1	7,7	7,4	7,0	6,2	5,2	3,6	3,8	4,2
		Ангрен	0,64	0,92	0,89	1,74%	1,76	1,56	1,30	2,1	2,2
		Жиззах	1,73	1,39	1,43	1,38	1,28	1,16	1,26	1,55	1,84
2	Вилоятда и/ч-ган саноат маҳсулотларида ЭИЗ улуши, %	Навоий	12,97	16,32	16,21	15,03	13,09	9,34	5,51	5,5	5,8
		Ангрен	2,2	3,1	3,1	5,5	5,1	3,1	2,75	2,92	3,11
		Жиззах	22,6	19	17,2	14,4	13,7	11,7	11,6	11,9	11,5
3	Ҳудуддаги асосий капиталга инвестициялар суммасининг ЭИЗ улуши, %	Навоий	1,63	7,07	2,43	0,51	1,36	1,84	2,14	2,32	2,81
		Ангрен	18	10	1	0,35	0,27	0,46	1,4	1,8	2,04
		Жиззах	54	58	59	65	45	45	23	24	28
4	Ҳудудда аҳолисининг иш билан банд бўлганлар сонидан ЭИЗ улуши, %	Навоий	0,13	0,14	0,15	0,15	0,38	0,43	0,40	0,40	0,42
		Ангрен	0,10	0,13	0,16	0,37	0,44	0,43	0,52	0,55	0,60
		Жиззах	0,07	0,04	0,16	0,24	0,26	0,25	0,28	0,30	0,31
5	Ҳудуд экспортда ЭИЗ улуши, %	Навоий	1,34	0,83	0,58	0,87	1,16	1,66	1,50	1,52	1,64
		Ангрен	29	33	35	35	35	42	24	25	28
		Жиззах	2	2	2	2	2	2,1	4,2	4,5	4,8
6	Ҳудуддаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сонидан ЭИЗ улуши, %	Навоий	26,32	27,59	28,13	30,99	28,57	29,11	30,4	30,4	35,3
		Ангрен	32	42	38	41	46	45	48	50	50
		Жиззах	22	21	25	23	23	24	26	26	28
7	Ҳудуддаги ўртача иш ҳақиға нисбатан ЭИЗ улуши, %	Навоий	89,66	105,61	103,83	105,44	108,56	112,05	112,5	114,4	115,1
		Ангрен	84	100	83	81	86	90	95	95	96
		Жиззах	98	74	104	106	97	95	95	95	98

**Манба:** [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайтидаги маълумотлар асосида эксперт усули орқали аниқланди.

Таҳлилларимиз натижасида шунга амин бўлдики, эркин иқтисодий зоналар яратиш орқали ҳудудлар иқтисодиётини тизимли равишда ривожлантириб бориш мумкин. Бунда асосан, маҳаллий ресурслардан фойдаланиш даражаси, инвестицияларни ўзлаштираётган соҳа тизимининг ўзгариши, меҳнат ресурсларининг оқилона тақсимланиши каби омиллар ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш учун асосий дастак сифатида ўрганиб борилиши лозим. Масалан, “Навоий” эркин иқтисодий зонасида маҳаллий ресурслардан фойдаланиш даражаси “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналарига қараганда паст кўрсаткичга эга. Бу жараёнга юқори эътибор қаратиш лозим.

**Хулоса қилиб айтганда,** эркин иқтисодий зоналарнинг самарадорлигини ўлчаш анча мураккаб масаладир. Чунки унинг ижобий таъсири нафақат ўша зонада фаолият юритаётган корхоналар ишининг самарасига, балки бутун минтақанинг иши самарасига, қўшни минтақаларга, ҳатто, бутун мамлакат иқтисодиётига ҳам таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, эркин иқтисодий зоналар фаолияти тезда ижтимоий-иқтисодий самара (биринчи навбатда, ижтимоий самара) бермайди, у қандайдир вақт оралиғини талаб қилади. Агар эркин иқтисодий зоналар мавжуд ҳудудларда ишловчиларнинг иш ҳақлари ўса бошласа, хориждан инвестиция кўпроқ кела бошласа, ишсизлар сони камая бошласа, бозорларда товарлар кўпая бошласа, демак эркин иқтисодий зона

яхши ишламоқда. Эркин иқтисодий зоналар яратишда барча қоидаларга, талабларга риоя қилинса ҳамда тайёргарлик ва ташкилий ишлар бошидан пухта олиб борилса, унинг самарали ишлашига кафолат бор. Бундан ташқари қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозимдир:

-ҳар бир эркин иқтисодий зона дирекцияси инвесторларга бериладиган имкониятларни минтақа шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда мотивацион тарзда беришини йўлга қўйиш керак. Бу жараён минтақалар рақобатбардошлигини ошириш учун ҳам хизмат қилади;

-инвесторларга мамлакат минтақаларида яшаш учун етарли шарт-шароитларни яратиш ва бу тизим тартибларини инвесторлар учун соддалаштириш лозим;

-эркин иқтисодий зоналар фаолиятини расмий идоралар томонидан эмас, бозор, яъни ички ва ташқи бозор механизмлари томонидан баҳоланишини ташкил этиш лозим;

-эркин иқтисодий зоналарда янги корхоналарни ташкил этиш ва тугатиш масалаларини ҳал қилишни тўлиқлигича дирекциялар ихтиёрига топшириш керак;

-келажакда эркин иқтисодий зоналар ютуқларининг бардавомлигини таъминлаш учун уларда ҳозирдан илм-фан, илмий ютуқли жараёнлар ва унга мос корхоналарни ташкил этишга юқори эътибор қаратиш лозимдир. Масалан, бу бўйича Россиянинг Наукоградларининг тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

### **Манба ва адабиётлар**

1. Ҳамроев Ҳ.Р. *Зонал сиёсат: Монография.* - Тошкент: Фан, - 2008.

2. Холиқулов А.Р. *Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослар ва жаҳон тажрибаси.* Т., 2002.

3. Рашидов М.К. *Ўзбекистон минтақаларида эркин иқтисодий зоналар фаолиятини такомиллаштириш // Монография. Навоий: “Азиз китобхон” нашриёти, 2022. - 156 б.*

4. Интернет сайтлари:

5. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

6. [www.fez.uz](http://www.fez.uz)

7. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

8. [www.ifmr.uz](http://www.ifmr.uz)

## **СОЦИОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ СОСТОЯНИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В МАХАЛЛЯХ (НА ПРИМЕРЕ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ)**

**Нурбек ЯКУБОВ,**

*ведущий научный сотрудник института прогнозирования и макроэкономических исследований Научный центр по сокращению бедности и изучению благосостояния населения*

**Аннотация:** в статье представлены результаты мониторинга состояния сферы услуг в махаллях Хорезмской области. Для качественной оценки уровня удовлетворенности населения состоянием сферы услуг проводились социологические исследования. Опросом были охвачены 67 махаллей из 11 районов и 2 городов, в которых отбор респондентов производился по разработанному автором трехступенчатому алгоритму, основанному на стратифицированной, кластерной и случайной выборках.

**Ключевые слова:** благосостояние населения, сфера услуг, экономический рост, доход населения, сельской местности, махалля, социологический опрос, респонденты, виды услуг, выборка.

## **МАХАЛЛАЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ҲОЛАТИНИ СОЦИОЛОГИК УСЛУБДА ТАДҚИҚ ЭТИШ (ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**Нурбек ЯКУБОВ,**

*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти,  
Камбагалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ўрганиш илмий маркази етакчи илмий ходими*

**Аннотация:** мақолада Хоразм вилояти маҳаллаларидаги хизматлар соҳаси ҳолатининг мониторинг натижалари келтирилган. Аҳолининг хизматлар соҳаси фаолиятдан қониқishi даражасини сифат жиҳатдан баҳолаш учун социологик тадқиқотлар ўтказилди. Социологик сўровда Хоразм вилоятининг 2 шаҳри, 11 тумани ва 67 маҳалласида истиқомат қилувчилар иштирок этди. Респондентлар муаллиф томонидан ишлаб чиқилган уч босқичли алгоритм асосида танланган.

**Калим сўзлар:** аҳоли фаровонлиги, хизмат кўрсатиш соҳаси, иқтисодий ўсиш, аҳоли даромадлари, қишлоқ жойлари, маҳалла, социологик сўров, респондентлар, хизмат турлари, танлов.

## SOCIOLOGICAL RESEARCH OF THE STATE OF THE SERVICE SPHERE IN MAHALLAS (BY THE EXAMPLE OF THE KHOREZM REGION)

**Nurbek YAKUBOV,**

*Institute for forecasting and macroeconomic research,  
Scientific center for poverty reduction and welfare study, leading researcher*

**Abstract:** the results of monitoring the state of the service sector in the mahallas of the Khorezm region are presented. For a qualitative assessment of the level of satisfaction of the population with the state of the service sector, sociological studies were carried out. The survey covered 67 mahalla from 11 districts and 2 cities, in which the selection of respondents was carried out according to a three-stage algorithm developed by the author, based on stratified, cluster and random samples.

**Key words:** welfare of the population, service sector, economic growth, income of the population, rural areas, mahalla, sociological survey, respondents, types of services, selection

Важной отраслью народного хозяйства, обеспечивающей значительный рост благосостояния населения, является сфера услуг [1-2]. На современном этапе развития цивилизации сфера услуг превращается в доминирующий сектор экономики. Если в сфере услуг страны создаётся меньше 65% ВВП, её невозможно отнести к достаточно развитым [3]. Например, в США на сферу услуг приходится около 80% рабочих мест, в этой сфере занято более 85% кадров высшей квалификации, и 78% ВВП. В ней сосредоточено 40% основных производственных фондов. По данным бюро статистики занятости США, в ближайшее время увеличение числа рабочих мест будет происходить в основном, за счет сферы услуг. Аналогичная тенденция наблюдается в странах Западной Европы, где в сфере услуг занято более 66% общего числа занятых. В странах ЕС на долю услуг приходится около 75% ВВП и 65% занятых. В России же доля услуг в ВВП составляет свыше 70% [4].


В Республике Узбекистан также сфера услуг является определяющим фактором повышения благосостояния населения и ускорения темпов экономического роста. Реализация потенциала сферы услуг позволяет устойчивый экономический рост и снизить зависимость последнего от внешнеэкономической конъюнктуры [5]. Особо следует подчеркнуть ее социальную значимость в решении проблем обеспечения занятости и повышении доходов населения Республики Узбекистан, где давление демографических факторов на рынок труда достаточно высокое.

Развитие социальной сферы находится в тренде государственной политики Республики Узбекистан [6-8]. Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № 55 от 26.02.2016г. «О Программе развития сферы услуг на 2016 — 2020 годы, а также Постановлениями Президента Республики Узбекистан № ПП-5113 от 11.05.2021 г. «О мерах по ускоренному развитию сферы услуг», № ПП-104 от 27.01.2022 г. «О дополнительных мерах по развитию сферы услуг» определены основные направления развития сферы услуг в Республике Узбекистан на ближайшие годы. В них, в частности, предусмотрено увеличение доли сферы услуг в ВВП страны, расширение высокотехнологичных услуг в сфере телекоммуникации, здравоохранения, финансов и образования, предоставление налоговых и таможенных преференций для субъектов сферы услуг, а также утверждены целевые параметры и территориальные программы развития сферы услуг исходя из плотности населения регионов, их географического положения и обеспеченности необходимой инфраструктурой.

Реализация мер, намеченных руководством и правительством страны, привело к развитию отраслей сферы услуг по всем регионам страны. За период 2000-2021 гг. общий объем предоставленных услуг по республике увеличился в среднем почти в 10 раз [9]. К сожалению, в настоящее время доля услуг в ВВП Узбекистана значительно ниже показателей развитых стран,

имеет место неравномерность развития сферы услуг в регионах, особенно в сельской местности. Кроме того, доля услуг в структуре потребительских расходов населения очень низкая [10-11].

В целях оценки уровня удовлетворенности населения состоянием сферы услуг в начале 2022 года на территории Хорезмской области проводился социологический опрос [12]. Опрос проводился в виде интервью способом заполнения опросного листа интервьюера со слов респондента. В качестве респондентов выступили 486 жителей 67 махаллей из 11 районов и 2 городов.



**Рис. 1. Алгоритм формирования выборочной совокупности респондентов**

Для оптимизации соотношения «объем выборки/затраты» нами разработан алгоритм построения выборочной совокупности респондентов, блок-схема которого представлена на рисунке 1. Предлагаемый алгоритм основан на трехступенчатом простом случайном отборе с использованием стратификации и кластеризации совокупностей.

На *первом этапе* производится стратификация генеральной совокупности (респондентов Хорезмской области) по территориальным признакам (районам и городам).

На *втором этапе* из каждой страты (районов и городов) случайным способом отбираются махалли. Процедура отбора заключалась в следующем. Каждая страта представляла собой совокупность  $S_i$ , элементы которой представляют собой отдельные махалли, а их значения – численность населения данной махалли. Шаг выборки определялся как

$$h = S_0 / N_r \quad (1)$$

где  $S_0$  – численность населения махалли,  $N_r$  – количество махаллей в районе. Затем при помощи генератора случайных чисел в интервале  $[0, h]$  выбирается случайное число ( $S_{cl1}$ ); его значение сравнивается с численностью населения махаллей ( $S_i$ ). Если выполняется условие  $S_{cl1} = S_i$ ,  $i$ -*махалля* является первым элементом выборочной совокупности. Далее с шагом  $h$  определяется второе число:

$$S_{cl2} = S_{cl1} + h \quad (2)$$

и по условию  $S_{cl2} = S_i$  определяется вторая махалля выборочной совокупности. Последующие махалли отбирались аналогичным способом. Объем выборки составлял приблизительно треть количества махаллей района. При этом вероятность выборки пропорциональна численности населения махалли.

Единицами отбора *3-этапа* являются респонденты, выборка которых производится следующим образом. Сначала вычисляется шаг выборки  $h_d$  респондентов:

$$h_d = N_d / n_d \quad (3)$$

где:  $N_d$  – общее количество населения в кластере (махалле, ССГ),  $n_d$  – число респондентов, подлежащих опросу в данном кластере. Затем из интервала  $[1, h_d]$  выбирается случайное число,



которое будет определять номер первого респондента ( $D_1$ ) в общем списке респондентов в кластере. Последующие номера респондентов определяются из следующего выражения:

$$D_{i+1} = D_i + h_d(4)$$

В таблице 1 представлены данные о количестве отобранных махаллей и респондентов по каждой административно-территориальной единицы Хорезмской области, а также объемы их выборки при предельной ошибке 5% и значении t-статистики Стьюдента  $t=1,96$ .

**Таблица 1**

**Объемы выборки махаллей и респондентов по районам Хорезмской области**

Административно-территориальные единицы	Численность населения (тыс. чел.)	Количество отобранных махаллей (ССГ) $n_k$	Количество отобранных респондентов $n_d$
г. Ургенч	146,7	5	40
г. Хива	95,3	3	24
<b>Районы:</b>			
Багатский	169,5	5	42
Гурленский	151,9	5	38
Кошкунирский	176,1	9	44
Ургенчский р-н	205,5	7	52
Хазараспский р-н	198,7	7	50
Тупраккальинский	56,6	2	14
Ханкинский	191,6	6	48
Хивинский	149,7	5	38
Шаватский	174,3	6	44
Янгиарыкский	118,9	4	30
Янгибазарский	89,4	3	22
<b>Хорезмская область</b>	<b>1924,2</b>	<b>67</b>	<b>486</b>

Респондентам был задан вопрос: «Какие виды услуг предоставляются на территории Вашей махалли?» Распределение ответов на данный вопрос представлены в таблице 2.

**Таблица 2**

	Виды услуг	Доля ответов респондентов (%)
1	Продуктовые магазины	100,0
2	Парикмахерские	86,7
3	Предприятия общественного питания	70,0
4	Аптеки	66,7
5	Ремонт обуви	63,3
6	Пекарни	53,3
7	Стоматологические кабинеты	50,0
8	Хозяйственные магазины	46,7
9	Овощные и фруктовые ларьки	46,7
1	Поликлиники	26,7

Этими услугами пользуются: ежедневно - 86,7% жителей, еженедельно – 10,5%. А 3,3% жителей махалли вообще не пользуются данными услугами. Респондентами отмечено, что более половины услуг на территории махалли созданы непосредственно по инициативе махаллинского совета.

По мнению жителей, в махаллях не представлены все виды необходимых населению услуг. Ответы на вопрос: «Какие виды услуг востребованы в Вашей махалле?» приведены в таблице 3.

Таблица 3

	Виды услуг	Доля ответов респондентов (%)
1	Спортивные кружки	56,6
2	Учебные курсы для детей	53,3
3	Ремонт бытовой техники	36,7
4	Медицинский пункт	33,3
5	Химчистка	30,0
6	Пункты проката	26,7
7	Сварочные и сантехнические работы	23,3
8	Ремонт обуви	66,7
9	Аптека, газетный киоск, библиотека	3,3

Исследования показали, что в махаллях имеются реальные возможности организации и создания дополнительно следующих видов услуг: ремонт обуви, химчистки, спортивные кружки, газетные киоски, пекарни, кондитерских цехов и предприятий общественного питания. Результаты показали, что среди безработных в опрошенных махаллях имеются специалисты, востребованные в сфере оказания услуг (таблица 4).

Таблица .4

Специалисты	Доля ответов респондентов (%)
Медицинские работники	53,3
Парикмахеры	23,3
Портные	13,3
Бухгалтеры	10,0
Слесари-сантехники	10,0
Водители	6,7
Строители, инженера, учителя	3,3

Вместе с тем, со стороны спонсоров оказывается материальная помощь малообеспеченным семьям, участникам войны и праздничных мероприятий (43%), производится перевод денежных средств на счета махалли (22%) и трудоустройство безработных жителей махалли (7%).

Следует отметить, что жители махаллей сталкиваются с определенными трудностями при дальнейшем расширении и развитии в сферы услуг. Так большинство жителей на вопрос: «Что мешает реализации возможностей Вашей махалли для развития сферы услуг?» ответили, что испытывают финансовые трудности, связанные с отсутствием стартового капитала - 23,3%, отсутствием свободных участков и помещений – 26,7%. Порядка 23,3% опрошенных указали на трудности, возникшие с оформлением кадастровых документов.

Для решения проблем развития сферы услуг (43,3%) жители махалли обращались в органы государственной власти (хокимияты городов – 30,8%, хокимияты районов – 69,2%). Опросы показали, что 30,8% этих обращений решены полностью, 38,4% - решены частично, а 30,7% не решены.

Следует отметить, 56,7% респондентов ответили, что не обращались в органы государственной власти по вопросам развития сферы услуг. Из них 58,8% считают, что в махалле отсутствуют проблемы, препятствующие развитию сферы услуг. По мнению остальной части, (41,2%) респондентов такие обращения не дают практических результатов.

**В ходе исследования были изучены мнения респондентов по развитию сферы услуг в махаллях. Ниже изложены высказанные ими предложения:**

- в махаллях построить гузары и все предприятия сферы услуг размещать на их территории;
- земельные участки и помещения для предприятий сферы услуг выделять безвозмездно или с предоставлением определенных льгот;
- упростить регистрацию учредительных и кадастровых документов предприятий сферы услуг;
- предоставить налоговые льготы предприятиям сферы услуг, расположенных в махаллях;
- выделять бюджетные средства для обеспечения эффективной деятельности и развития предприятий сферы услуг;
- в средствах массовой информации шире освещать роль сферы услуг в развитии национальной экономики и сокращению бедности населения.

Таким образом, по результатам социологического исследования выявлено следующее.

1. Основной проблемой при организации деятельности предприятий сферы услуг является недостаток финансовых ресурсов, отсутствие свободных помещений и земельных участков, а также трудности при оформлении учредительных и кадастровых документов.

2. Наиболее востребованными и недостаточно представленными видами услуг в махаллях являются: детские кружки, предприятия по ремонту бытовой техники, пункты по оказанию первой медицинской помощи, мобильные химчистки, пункты по оказанию срочных коммунальных услуг и др.

3. Основными видами оказываемых в махаллях услуг являются: продуктовые магазины, предприятия общественного питания и бытового обслуживания, пекарни, овощные и фруктовые ларьки, аптеки.

4. Большинство махаллей имеют кадровые ресурсы для расширения и развития сферы услуг на своей территории, однако испытывают недостаток финансовых средств, свободных помещений и земельных участков.

Для повышения социальной, экономической и народнохозяйственной эффективности предприятий сферы услуг в махаллях, на наш взгляд, необходимо практическое решение следующих задач.

1. Укрепление контроля за качеством оказываемых услуг со стороны компетентных организаций и органов местного самоуправления.

2. Совершенствование государственного регулирования в сфере услуг и обуздание теневого рынка.

3. Стимулирование привлечения частных капиталов в развитие социально значимых видов услуг.

4. Выравнивание территориальных диспропорций в доступе к социально значимым и новым видам услуг.

5. Внедрение новых видов высокотехнологичных и наукоемких услуг.

6. Привлечение в сферу услуг местных высококвалифицированных специалистов.

7. Развитие новых методов финансового обеспечения сферы услуг региона.

8. Сохранение и развитие традиционных видов услуг.

**Реализация этих мероприятий позволит повысить:**

- социальную эффективность сферы услуг, отражающую повышение уровня и качества жизни населения;

- бюджетную эффективность сферы услуг, отражающую финансовые последствия деятельности предприятий сферы услуг для регионального и местного бюджета;

- народнохозяйственную эффективность сферы услуг, учитывающую затраты и финансовые результаты предприятий сферы услуг, а также финансовые последствия реализации услуг для ее непосредственных участников.

### **Источники и литература**

1. Разомасова Е.А. Сфера услуг: теория, состояние и развитие: монография / Новосибирск, 2011. – 136 с.

2. Инновационное развитие сферы услуг в национальной экономике / Монография под ред. Я. П. Силина – Урал. гос. экон. ун-т, 2016. – 339 с.

3. Запесоцкий А.С. Экономика и управление в сфере услуг: современное состояние и перспективы развития / Экономика и управление в сфере услуг: современное состояние и перспективы развития //Материалы XVI Всероссийской научно-практической конференции, СПб. – 2019, с. 10-12.

4. Гажур А.А., Лукиянчук И.Н. Тенденции развития сферы услуг в России Вестник Воронежского государственного университета инженерных технологий 3 (77), 2018г. <https://readera.org/140238673>.

5. Ахмедов Т.М. и др. Формирование системы мониторинга социального благополучия населения/ Ташкент. ООО «Print Media», 2012. 135 с.

6. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 55 от 26.02.2016г. «О Программе развития сферы услуг на 2016 — 2020 годы».

7. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-5113 от 11.05.2021г. «О мерах по ускоренному развитию сферы услуг».

8. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-104 от 27.01.2022г. «О дополнительных мерах по развитию сферы услуг».

9. Макроэкономические показатели Республики Узбекистан за 2000-2021гг./ Госкомстат РУз., Ташкент – 2022. [www.stat.uz](http://www.stat.uz).
10. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан в 2017-2021гг. / Госкомстат РУз., Ташкент – 2022. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
11. Хоразм вилоятининг 2010-2021 йиллардаги макроиқтисодий кўрсаткичлари / [www.xorazmstat.uz](http://www.xorazmstat.uz)
12. Шмарихина Е.С. Итоговая оценка качества выборочного обследования / Вестник НГУЭУ, 2012, № 1, с. 61-71.
13. Сфера услуг в направлениях совершенствования / <https://review.uz/> 15.11.2021.
14. Сайдахмедов Х.М. Тенденции и стратегические направления среднесрочного развития сферы услуг в регионах Узбекистана / <https://cyberleninka.ru>

## **НАВОИЙ ВИЛОЯТИНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ ИСТИҚБОЛДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИГА ХАВФ СОЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ТАҲДИДЛАР**

**Назиржон НАЗАРОВ,**  
Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти

**Аннотация:** мақола Навоий вилоятининг барқарор ривожланишига хавф солиши мумкин бўлган таҳдидларни кўриб чиқишига бағишланган. Минтақа ривожланишига ички ва ташқи омиллар таъсири тўғрисида фикрлар юритилган. Мақсадимиз келажакда ривожланишининг мақсадли режаларини белгилашда таъсир кўрсатиши мумкин бўлган асосий таҳдид ва муаммоларни аниқлашдан иборат. Мақолада глобал муаммолар, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг номуаносибликлари ва қарама-қаршиликларнинг ривожланишига салбий таъсирлари келтирилган.

**Калит сўзлар:** барқарор ривожланиш, глобал, минтақавий ва миллий муаммолар, иқлим ўзгариши, сув танқислиги, ерларнинг чўлланиши, ишлаб чиқариш корхоналари, озиқ-овқат хавфсизлиги.

## **УГРОЗЫ, КОТОРЫЕ МОГУТ ПОСТАВИТЬ ПОД УГРОЗУ УСТОЙЧИВОЕ РАЗВИТИЕ НАВОЙСКОЙ ОБЛАСТИ В ДОЛГОСРОЧНОЙ ПЕРСПЕКТИВЕ**

**Назиржон НАЗАРОВ,**  
докторант, Национальный Университет Узбекистана

**Аннотация:** статья посвящена рассмотрению угроз, которые могут представлять угрозу устойчивому развитию Навоийской области. Были высказаны мнения о влиянии внутренних и внешних факторов на развитие региона. Она заключается в выявлении основных угроз и проблем, которые могут оказать влияние на определение целевых планов развития в будущем. В статье представлены глобальные проблемы, дисбалансы социально-экономического развития и негативные последствия противоречий для развития.

**Ключевые слова:** Устойчивое развитие, глобальные, региональные и национальные проблемы, изменение климата, нехватка воды, опустынивание земель, производственные предприятия, продовольственная безопасность.

## **THREATS THAT CAN JEOPARDIZE THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF NAVOI REGION IN THE LONG TERM**

**Nazirjon NAZAROV,**  
Doctoral student of the base of the National University of Uzbekistan

**Abstract:** article is devoted to the consideration of threats that may pose a threat to the sustainable development of the Navoi region. Opinions were made on the influence of internal and external factors on the development of the region. It consists in identifying the main threats and problems that may have an impact in determining the target development plans in the future. The article presents global problems, imbalances of socio-economic development and negative consequences of contradictions on development.

**Keywords:** Sustainable development, global, regional and national problems, climate change, water scarcity, land desertification, manufacturing enterprises, food security.

**Кириш.** Минтақамизда йиллар давомида муаммога айланиб келаётган вазиятлар ҳамда дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар бизнинг истаган мақсадларимизга, орзу-истакларимизга, барқарор ривожланишимизга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Табиий-географик жойлашув, иқтисодий инқироз, пандемия ҳамда халқаро майдондаги геосиёсий нотинч вазиятлар шулар жумласидандир. Иқтисодий инқироз вақтида ҳам коронавирус пандемияси кучайган пайтда ҳам ҳамма соҳаларни оғир шароитдан олиб чиқиш бўйича ҳукуратимиз томонидан муҳим қарорлар қабул қилинганлиги ўз натижасини бермоқда. Ҳозирги вазиятда хавф-хатарларни олдиндан кўра билишимиз ва унга тайёр туришимиз керак. Дунёда бўлаётган воқеалар эришилган натижаларга салбий таъсир кўрсатмаслиги учун аниқ чора-тадбирларни белгилаб олишимиз зарур. Бу борада ҳар бир минтақамиздаги мавжуд муаммолар ва ривожланиш учун хавф солиши мумкин бўлган таҳдидларни ўрганишимиз ва унга тайёр туришимиз лозим.

#### **Асосий қисм**

Республикамизнинг саноат минтақаларидан бири Навоий вилоятининг узоқ муддатли барқарор ривожланишига хавф солиши мумкин бўлган таҳдидларнинг олдини олиш ва аҳоли фаровон яшашини таъминлаш энг олий мақсадларимиздан биридир. Шунга кўра, энг аввало минтақанинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида таҳдидларга алоҳида эътибор қаратишимиз даркор. Аввалам бор, минтақанинг ички ва ташқи таъсир қилувчи омилларига тўхталган ҳолда, атроф муҳитнинг сифатли ҳолати билан боғлиқ мавжуд муаммоларни уч гуруҳга яъни глобал, минтақавий ва миллий ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг институционал муаммолари гуруҳига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Глобал муаммоларга эътибор берадиган бўлсак, буларга озон қатламнинг емирилиши, иқлим ўзгариши, ерларнинг чўлланиши ва деградациясининг олдини олиш, пандемия ва озиқ-овқат танқислиги кузатилаётганлигини айтишимиз мумкин. Озон қатламнинг емирилишининг олдини олиш бўйича халқаро шартномаларга риоя қилган ҳолда мамлакатимиз 2030 йилгача гидрохлорфторуглеродлар ишлатишни батамом тўхтатишни белгилаб олган [1].

Ер юзида иқлим глобал исиши эса тўхтовсиз давом этаётганлиги инсон саломатлиги ва иқтисодий ривожланиши учун катта хавф туғдирмоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда, қолаверса Навоий вилоятида ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Минтақамиздаги асосий дарёларга сув етказиб берувчи тоғдаги музликларнинг эришига олиб келмоқда. Сўнгги 50-60 йилда музликларнинг майдонлари тахминан 30 фоизга қисқарган. Тахминларга кўра, ўртача йиллик ҳарорат 2 даражага кўтарилган тақдирда музликлар ўз ҳажмининг 50 фоизини йўқотиши мумкин, ҳарорат 4 даражага кўтарилган тақдирда эса – бу ҳажм 78 фоизгача етади. Натижада мавжуд сув ресурслари ҳажми ҳам қисқармоқда. Масалан, мамлакатимизда фойдаланиладиган сувнинг йиллик ҳажми сўнгги йилларда ўртача йиллик 51-53 куб километрни ташкил қилади, бу эса ўтган асрнинг 80-йилларига қиёсланганда 20 фоизга камдир. Шу билан бирга, мамлакат аҳолиси ушбу муддат ичида 1,5-2 баравар ўсганлигини айтишимиз мумкин. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон иқлим ўзгаришига нисбатан химояга муҳтож мамлакатлар тоифасига киритилган. Агарда биз ресурсларни тежайдиган қўшимча чора-тадбирларни кўрмаган тақдирда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида беқарорликка олиб келувчи ва озиқ-овқат ҳамда экологик хавфсизликка таҳдид солувчи сув ресурслари тақчиллигига, курғоқчиликлар ҳамда хатарли ҳодисалар кўпайишига дуч келиши мумкин [2].

Охириги йилларда Навоий вилоятида қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдонлари қисқариб бормоқда. 2010 йилдан ҳозирги вақтгача яъни 21 йил вақт ичида 16 минг гектар атрофида экин майдонлари қисқарганлигини билишимиз мумкин (*1-жадвалга қаранг*). Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларидан кўриниб турибдики, деҳқончиликда ҳам чорвачиликда ҳам юқори натижаларга ҳали эришганимизча йўқ. Бунинг бир қанча сабабларини мисол келтиришимиз мумкин. Албатта бунинг энг катта сабаби сув танқислигидадир. Бир муаммо иккинчи муаммони келтириб чиқарганидек, сув муаммоси озиқ-овқат танқислиги муаммосини келтириб чиқармоқда. Бу эса, аҳолимизнинг ошиши ва шу билан боғлиқ озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ошишига олиб келиши яна бир таҳдидлардан бирига тайёр туришимизга ва бу борада керакли чораларни кўришимизга мажбур этади. Навоий вилоятида қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланиши ва аҳолининг фаровон яшашини таъминлашга қаратилган ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳозирги кунда энг долзарб вазифалардан бирига айланмоқда.

## Навоий вилоятида қишлоқ хўжалигининг асосий кўрсаткичлари

	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022 yil yanvar- iyun
Қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдони, минг гектар	105.9	101.8	101.5	96.9	95.1	92.7	92.4	89.9	72.6
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, млрд. сўм	1349.7	4206.1	5034.7	6470.3	8299.8	9467.8	11309.7	14547.2	5741.2
<b>шу жумладан:</b>									
деҳқончилик	610.1	1711.7	2024.1	2769.1	3181.4	3442.1	3989.1	4963.2	4217.8
чорвачилик	739.6	2494.4	3010.6	3701.2	5118.4	6025.7	7320.6	9584.0	1523.4
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш-нинг ўсиш суръати, ўтган йилга нисбатан фоизда	105.9	106.6	106.1	103.3	102.1	101.6	103.3	104.4	103.8
<b>шу жумладан:</b>									
деҳқончилик	105.5	103.9	103.0	101.1	97.4	102.2	103.3	104.3	110.8
чорвачилик	106.3	106.4	106.8	104.8	105.7	101.2	103.3	104.4	101.5

**Манба:** Навоий вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

Олимлар Марказий Осиё бўйича хавотирли оғоҳлантириш билан чиқди. АҚШнинг Небраска университети олимлари сўнгги 40 йил ичида Марказий Осиёнинг айрим қисмларида чўл худуди 100 кмгача кенгайганлигини маълум қилди [4]. Қайд этилишича ўтган асрнинг охиридан бошлаб чўл иклими деб тасвирланган худуд Ўзбекистон ва Қирғизистон шимоли, жанубий Қозоғистонда ва Хитой шимолий-ғарбий қисмидаги “Жумғор” ҳавзаси атрофида 100 кмгача кенгайган. Бундан ташқари, олимлар бу сезиларли кенгайиш қўшни иқлим зоналарига домино таъсирини ўтказганини ва улар ҳам қуриганини таъкидлаган. 1990 ва 2020 йиллар оралигида, баъзи худудларда ўртача йиллик ҳарорат 1960 ва 1979 йилларга қараганда камида 5 даражада иссиқроқ бўлган. Ёз қуруқроқ бўлиб фақатгина қишда ёғингарчилик бўлган. Шу билан бирга, олимлар тоғли худудларда ҳам иқлим ўзгараётганини қайд этишган. Хусусан, Хитойнинг шимолий-ғарбий қисмидаги “Тяншань” тоғ тизмасидаги ҳароратнинг кўтарилиши сабаб, қор эмас, фақатгина ёмғир ёган, ер ва иқлим бўйича мутахассис ва тадқиқотнинг етакчи муаллифи Ци Хунинг сўзларига кўра, “Ҳароратнинг ошиши ва ёғингарчиликнинг кўпайиши баландликлардаги музликларнинг эришига олиб келади”. Олимларнинг тушунтиришича, “Қор ёғишининг камайиши билан Марказий Осиёдаги музликлар йўқолган музнинг ўрнини қоплаёлмайди, бу эса келажакда одамлар ва экинларга камроқ сув етиб боришига сабаб бўлади. Тоғ-кон саноати ва қишлоқ хўжалиги каби инсон фаолияти ҳам чўлланишга ёрдам беради. Шунинг учун, Марказий Осиё ҳукуматлари барқарор қишлоқ хўжалиги ва урбанизацияга эътибор қаратишлари керак.” дейди Буюк Британиянинг Оксфорд университети географи Troy Sternberg [10].

Яна ҳам яқин тарихга қарайдиган бўлсак, инсоният олдида турган яна бир таҳдидлардан бири чўлланиш ҳисобланади. Чўлланишнинг 54 фоизи охириги 100 йилга тўғри келган. Жанубий-Шарқий Осиё ва Африкада бу жараён ҳамон давом этмоқда. Ўзбекистонда эса ҳар дақиқада 9 квадрат метр худуд чўлланиб борапти.

Чўлланишга табиий ва антропоген омиллар таъсир кўрсатади. Антропоген, яъни инсон сабаб бўладиган омилларга ерларни нотўғри суғориш, ерларнинг ифлосланиши, саноат чиқиндилари, тош, кум ва минералларни қазиб олиш киради.

Шунингдек, дунё аҳолисининг ўсиб бориши – чўлланишнинг асосий сабабларидан бирига айланмоқда. Чунки одамлар кўпайиши озиқ-овқат ва моддий бойликларга талабни ҳам оширади. Бу эса, ердан кўпроқ ҳосил олиш кераклигини англатади. Натижада деҳқончилик майдонлари аёвсиз ишлатилади ва ярқисиз ҳолга келади.

Ўзбекистонда чўлланиш жараёнини ўрганиш ва харитага солиш ўтган асрнинг 60-йилларидан бошланган. Ҳозирга келиб чўлланиш жадаллашмоқда. Олимнинг айтишича, масалан, жанубий, шарқий, шимолий ва борган сари ғарбий вилоятларга қараб чўлланиш жараёни тезлашапти. Қарнабчўл, Мирзачўл, Шеробод, Далварзин ва Қорақалпоқ чўллари чегаралари кенгайишда давом

этяпти. Улар қаторига ўтган йиллар ичида энг ёш бўлган чўл – Оролқум ҳам кўшилди. Оролқум хозир 60 ёшга тўлди ва уни дунёдаги энг ёш чўл десак, муболага бўлмайди. Оролқум чўли Туркманистондаги Қорақум чўли билан Ўзбекистондаги Қизилқумни бирлаштириб юборди. Аввал буларнинг ўртасидан Амударё оқиб ўтарди” [6].

В. Рафиқов Оролнинг тубидан кўтарилган тузли чанг, 300–400 километр радиусда атрофга ёғилаётгани ҳақида ҳам тўхталди. 2018 йил чўлланишнинг бевосита таъсири майда чўл зонасидан кўтарилган қум чанглар республикамиз ва Туркманистон, ҳамда Қозоғистонга таъсир кўрсатди, деб айтади.

“Шўрланиш ёки қурғоқчилик муаммоларини нисбатан тезроқ бартараф этса бўлади. Чўлланиш эса бирмунча қийин, чунки шўрланиш ёки бошқа экологик муаммоларнинг энг охириги натижаси чўлланиш ҳисобланади. Чўлланган ҳудудда ер унумдорлигини йўқотади. У ердан ҳеч қандай мақсадда фойдаланиб бўлмайди, яъни қишлоқ хўжалиги, чорвачилик мақсадида фойдаланиш учун яроқсиз бўлади. Бундай ҳудудларда янтоқ, саксовулга ўхшаган ўсимликлар ўсади, лекин истеъмолга яроқли маҳсулот олиб бўлмайди.

Ҳозирги тенденция кузатиладиган бўлса, бевосита Оролнинг қуриган қисми, Қорақалпоғистон, Навоий каби ҳудудларда чўлланиш жадаллашади. Фақатгина Тошкент ва водий қисмларида бу жараён нисбатан секин кечади. Чунки бу ерлар сув ресурсларига бойроқ. Шунинг учун чўлланишга қарши курашда хариталарнинг аҳамияти катта. Чунки улар орқали қайси ҳудудда кучли ёки кучсиз чўлланиш бўлаётганини билиш мумкин ва шунга қараб амалий дастурларни ишлаб чиқса бўлади” [7].

Навоий вилояти ҳудудининг 70 фоизи чўллардан иборат бўлгани учун, чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш масалалари барқарор ривожланишни таъминлашда устувор ўрин эгаллайди. Ҳозирги вақтда вилоятда қарийб бир неча минг гектарлаб яйловлар тубдан яхшиланишга муҳтож. Дарахтларни ёқилғи ва бошқа мақсадлар учун кесиш чўл зонасида дарахт-бута ўсимлигининг анча камайиб кетишига олиб келди.

Орол фожеаси Навоий вилоятини ҳам четлаб ўтмаяпти. Оролнинг қуриб қолган тубидан кучли шамоллар заҳарли моддалар билан тўйинган тузлар ва чанг-тўзонни ҳавога кўтариши аҳоли соғлигига жиддий хавф солмоқда. Бу эса ўз навбатида Навоий вилоятига ҳам қолаверса, бутун Ўрта Осиё минтақасига ҳам таъсир этмай қолмайди. Орол бўйидан кўчадиган қумлар қарийб 200-250 минг гектар майдонни эгаллаб, ушбу ерларнинг 16 минг гектари сўнгги вақтда суғориладиган майдонлар атрофида пайдо бўлди. Бу эса чўллашиш жараёнининг жадаллашувида намоён бўлувчи жиддий таҳдидни вужудга келтирмоқда. Ерлар деградацияси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жалб қилинган суғориладиган ҳудудларда ҳам рўй бермоқда [5].

Минтақавий ва миллий муаммоларга тўхталадиган бўлсак, бунда сув ресурсларининг камайиши ва ифлосланиши, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, чиқиндиларни бошқаришни айтишимиз мумкин. Бунга кўра, минтақа ресурсларни кўп ҳажмда истеъмол қилиш ва хом ашёга йўналтирилганлиги, самарасиз бошқарув тизими ва табиатдан жадал фойдаланиш ҳудудда бир қанча умумий экологик муаммолар шаклланишига сабаб бўлмоқда. Минтақа табиий ресурсларидан, шу жумладан сув-ер, ёқилғи-энергетика захираларидан оқилона фойдаланишимизга тўғри келади.

Навоий вилоятида ўсиб бораётган сув ресурсларининг камайиши, танқислиги ва ифлосланиш муаммоси йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Вазиятни икки ҳолат оғирлаштирмоқда: биринчидан, Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлардан келадиган сув таъминотида боғлиқлиги юқори даражада (истеъмол қилинадиган сувнинг 80 фоизи ташқаридан келади). Марказий Осиёдаги бешта республика ўртасида сув тақсимлаш схемаларига мувофиқ Амударё ва Сирдарё ҳавзалари бўйича Ўзбекистоннинг лимити 100 фоизли лимитда йилига 63,02 км<sup>3</sup>ни ташкил этади. Сув олиш лимитидан фойдаланиш таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ўрта ҳисобда 80-85 фоиз, 2008-2021 йилларда эса 70 – 75 фоизга яқин сув олган. Шунинг учун ҳам, сув танқислиги муаммосини ушбу давлатлар билан келишмасдан ҳал этиб бўлмайди. Иккинчидан, Ўзбекистонда ичимлик суви жуда самарасиз сарф қилинади, айниқса, мамлакатдаги сув ресурсларининг 90 фоизини истеъмол қилувчи қишлоқ хўжалигида. Сув истеъмолчиларга етказиш вақтида (эскирган инфратузилма сабабли суғориш тизимларидаги йўқотишлар 35-40 фоизни ташкил қилади) ва истеъмол жараёнида ҳам (суғориладиган ерларнинг фақат 3 фоизида сув тежовчи технологиялар татбиқ этилган) йўқотилади. **Марказий Осиё давлатлари ичида Ўзбекистон ривожланиш даражаси бўйича алоҳида кўрсаткичларга эга ва яқин келажакда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иқтисодиёт талаблари асосида аҳоли ва ишлаб чиқиришнинг сувга бўлган талаб ва эҳтиёжлари кескин ошиши прогноз қилинмоқда [6].**

Бу ҳақда Василий Белозёров ҳам ўзининг “Сув танқислиги кучаяди” номли мақоласида шундай сўз юритган. Унинг айтишича “Дунёда кечаётган сув танқислиги газ ва нефть учун курашни

ортда қолдириши мумкин. Стратегия таҳлили шуни кўрсатадики, Марказий Осиёни алоҳида кўрсатиб ўтадиган бўлсак, хусусан бу минтақа келаси 15 йилга борар- бормас кескин сув тақчиллигига дуч келади. Марказий Осиёдаги чучук сув таъминоти дунёдаги энг улкан муаммолардан бирига айланади. Агар Ўзбекистонни олсак, бу ерда аҳоли тез ўсмоқда. Бошқа томондан кўп сув талаб қиладиган шопипояларни камайтиришнинг иложи йўқ. Экин майдонларини қисқартира олмайдиган Ўзбекистон учун бу катта муаммо. Чунки зироатга чучук сув керак. Бу муаммонинг ечими бир нечта. Аммо, энг аввало минтақа мамлакатлари муносабатларини йўлга солиб олишлари даркор. Айниқса, Ўзбекистон “Тохтағул” сув омбори жойлашган Қирғизистон билан алоқаларини тўғрилаб олиши шарт. Шу қаторда, пахта далаларини суғоришнинг замонавий усулларини йўлга қўйиш даркор. Айни дамда, Россиянинг Обь дарёсининг бир қисмини Марказий Осиёга буриш борасида музокараларни бошлаш лозим. Ўзбекистон балки аҳолиси сони ошишини камайтириш, халқини иш билан таъминлаш каби масалаларни ўйлаб кўриши керакдир. Ҳозир эса пахта бу мамлакат сотаётган асосий маҳсулотлардан биридир. Уни бирданига ўзгартириш Ўзбекистонда қандай оқибатларни келтириб чиқаришини ўйлаб кўринг-чи?! Россия яқинидаги минтақа - Марказий Осиёда барқарорлик таъминланишига эришади. Шу аснода Марказий Осиё билан Москванинг алоқалари мустаҳкамланади. Шу билан бирга, сувни сотиб, Россия моддий манфаат кўради. Аммо мутахассислар ўтириб, бу ғояни амалга ошириб бўладими, у ўзини қоплайдими, деган саволларга жавоб топишлари даркор. Балки бунинг ортидан эришиладиган сиёсий фойда моддий сарф-харажатни қоплаб кетар. Аммо ҳалигача бу йўналишда амалий қадамлар қўйилмади.” деб фикрини яқунлаган [7]. Василий Белозёров мақоласида келтирган глобал муаммо сув ресурсларини тежаш ҳамда ундан оқилона фойдаланиш бўйича ҳукуратимиз томонидан аллақачон олдинга қадамлар ташланган. Шуни айтиш мумкинки, сув танқислиги муаммосини давлатлар ўртасида бир тўхтамга келиш ва бу катта лойиҳадаги ишни ўз ичига олиши фикримиз тасдиғидир.

Навоий вилоятида энг катта таҳдид ҳам айнан сув муаммоси бўлиб, сувга бўлган талабнинг йил сайин ошиб бориши ва сув захираларининг камайиб бориши ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида ўртача йиллик сув сарфи юқориликча қолмоқда. **Демак, замонавий талабларга жавоб берадиган сув қабул қилиш, тайёрлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш технологиялари, уларни жамият ривожланиши учун хизмат қилиши ўта муҳим аҳамият касб этади. Бу масала ечимида сув манбалари ва улардан сув олиш иншоотлари асосий ҳал қилувчи манба ҳисобланади. Ер ости манбаларидан сув олиш иншооти ҳисобланган артезиан қудуқлар ва уларнинг ишлаш самардорлигини таъминлашда юқори технологияларни жорий қилиш мақсадга мувофиқлиги шак-шубҳасиздир. Чунки уларда бошланғич капитал қўйилмалар мавжуд бўлиб, уларнинг самардорлиги ва узок муддатда узлуксиз ишлаши айнан шундай тадбирларга боғлиқ.**

**Ҳозирги кунда** Навоий вилоятининг асосий сув манбаи – Зарафшон дарёси ҳисобланади. Зарафшондан эса Конимех канали чиқарилган. Навоий вилоятини сув билан таъминлашда Қуйимозор, Тўдакўл сув омборлари ҳамда Конимех каналининг аҳамияти каттадир. Келажакда агар керакли суғориш манбалари топилиб йўлга қўйилса, унда вилоят ҳудудидаги ерларнинг 90%ида унумдорлик салоҳияти мавжуд бўлади.

Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда сув ресурсларига бўлган талабнинг ошиши аҳоли сонининг ошишига чамбарчас боғлиқдир. Навоий вилояти аҳолиси сонига эътибор қаратадиган бўлсак, сўнгги 22 йил ичида 250 минг 500 кишига кўпайганини кўришимиз мумкин (*2-жадвалга қаранг*). Албатта бу ҳолат республикамизнинг бошқа минтақаларига таққослаганда катта кўрсаткич бўлмаслиги мумкин. Лекин шундай бўлсада, вилоятда аҳоли сони ошиши билан боғлиқ муаммоларнинг ошишига олиб келади.

2-жадвал

**Навоий вилояти (шаҳар ва қишлоқ) аҳолиси сони (йил бошига; минг киши)**

Йиллар:	2000	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
<b>Жами аҳоли сони</b>	<b>783.3</b>	<b>810.2</b>	<b>851.6</b>	<b>913.2</b>	<b>927.9</b>	<b>942.8</b>	<b>958.0</b>	<b>979.5</b>	<b>997.1</b>	<b>1013.6</b>	<b>1033.8</b>
<b>Шу жумладан:</b>											
шаҳар аҳолиси	316.7	321.6	420.9	448.5	455.1	460.9	467.6	478.1	487.7	497.0	505.4
қишлоқ аҳолиси	466.6	488.6	430.7	464.7	472.8	481.9	490.4	501.4	509.4	516.6	528.4

*Манба: Навоий вилояти статистика бошқармаси маълумотларига асосан муаллиф томонидан тайёрланди.*



Навоий вилоятининг экологиясига хавф солиб келаётган муаммолардан яна бири «Навоиазот» акциядорлик жамиятини алоҳида айтишимиз мумкин. Айни пайтда корхонада қарийб 9,5 минг нафар ишчи-муҳандислар меҳнат қилаётгани, улкан саноат мажмуасида 70 дан ортиқ ноёб маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани, фикримиз тасдиғидир. Шунингдек, ҳозир уни модернизация қилиш, қувватларни янада кенгайтириш мақсадида қатор йирик инвестиция лойиҳалари босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шунга қарамай, корхона фаолияти инсонлар ва табиатга зарар келтираётгани кўнглимизни хира қилади. Атмосферага энг кўп зарарли ташланма чиқарувчи ҳудуд (диоксид азоти бўйича) Навоий шаҳри ҳисобланади. «Навоиазот» АЖ корхонасидан чиқадиган тутун, асосан Навоий шаҳри, Кармана ва Қизилтепа туманлари аҳолиси соғлигига жиддий таъсир кўрсатиб келмоқда. Яъни, бир қанча касалликлар билан касалланаётганлар кўпаяётганлиги фикримиз далилидир. Ҳаво ифлосланиши дунёда ўлимнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон ҳавонинг ифлосланиш даражаси юқори бўлган 106 та мамлакат ичида 2021 йилда 18-ўринда [қайд этилган](#). Мазкур кўрсаткичдан билиш мумкинки, бугун юртимизда тоза ҳаво масаласи жуда долзарб ва бу борада зарур чора-тадбирларни амалга ошириш керак. Агар бу жиддий муаммога қарши курашишга бироз кечиксак, кун сайин ифлосланаётган ҳаво экотизим учун даҳшатли хавф-хатарлар туғдириши мумкин [8].

**Хулоса.** Навоий вилоятининг узоқ муддатли истиқболда барқарор ривожланишини таминлаш ва хавф солиши мумкин бўлган таҳдидларнинг олдини олишда мақул чора-тадбирларни кўришимиз мақсадга мувофиқдир. Глобал иқтисодий таҳдидлар ва индустриалаштиришнинг ўсиши, атмосферага чиқариб ташланадиган ташламаларнинг кўпайиши, табиий хомашёнинг янги конлари ўзлаштирилиши натижасида ноҳуш узоқ муддатли иқлим ўзгаришлари, шунингдек, табиий муҳит ва сув ресурсларининг камайиши (шу жумладан, экин майдонларининг қисқариши ва ер майдонлари унумдорлигининг тушиб кетиши) иқлим ўзгаришларининг ноҳуш тренди намоён бўлишида акс этади. Бу касалликлар даражаси ўсишига, сув таъминоти ва Навоий вилояти иқтисодиётига, қолаверса, умуман Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Илмий жиҳатдан эса инсоннинг табиатга бўлган муносабатини яхшилаш керак. Бунда экологик маданиятни, инсонларнинг табиатга меҳрини ошириш керак. Инсон – табиатнинг бир бўлаги. Табиатдан унга зарар етказмасдан фойдаланиш керак. Табиатдан оладиган ресурсларимиз эртага тикланиши керак. Агар тикланмайдиган ресурсларни олсак, бу – ернинг қашшоқланиши ва чўлланишига олиб келади. Ҳар қандай, ҳатто катта истиқболга эга ечимлар ҳам тегишли баҳолаш ва ҳисоб-китобларсиз қўйилмаган хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин. Биз ўз ёндашувларимизни муаммоларни ҳал этишда ва инсоният қаршисида турган муаммолар мажмуасининг кўп қирралиги, мураккаблиги ва ўзаро боғлиқлигини англашга қаратишимиз лозим.

## **Манба ва адабиётлар**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сон фармони. Тошкент ш.*
2. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи. 4512 | 16 июль 2021 й. president.uz*
3. *Пивоварова М.А. “Вызовы и угрозы устойчивому развитию мировой экономики”. Экономика и управление. № 3/2016. Стр.31-42.*
4. [Giorgia Guglielmi “Climate change is turning more of Central Asia into desert” 16 June 2022. https://www.nature.com/articles/d41586-022-01667-2](https://www.nature.com/articles/d41586-022-01667-2)
5. *Д. Малышева “Вызовы безопасности в центральной Азии”. ИМЭМО РАН», М., 2013 г., с. 76-95.*
6. *Рафиқов В. Фанлар академияси қошидаги Сейсмология институти директори, география фанлари доктори*
7. *Аҳмаджонов А. “Чўлланиш жараёнининг Ўзбекистон ҳудудига ёйилиши” юзасидан тадқиқотлар олиб боради. У – Сейсмология институти Комплекс регионал географик прогнозлаштириши лабораторияси стажёр тадқиқотчиси.*
8. <https://kun.uz/news/2021/02/18/global-muammolar-davrida-jon-saqlab-qolish-O`zbekiston-uchun-tahdidlar-va-yechimlar>.
9. <https://www.scientificamerican.com/article/climate-change-is-turning-more-of-central-asia-into-desert/>
10. *Climate change is turning more of Central Asia into desert. // 16 June 2022. doi: https://doi.org/10.1038/d41586-022-01667-2.*

11. <https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan-54192832>.
12. <https://xs.uz/uzkr/post/har-bir-ishda-ekologiya-masalasi-inobatga-olinishi-zarur>.
13. [https://www.bbc.com/uzbek/news/story/2009/05/090514\\_central\\_asia\\_water](https://www.bbc.com/uzbek/news/story/2009/05/090514_central_asia_water), <https://topwar.ru/1303-vojny-za-vodu.html>, <https://cyberleninka.ru/article/n/strasti-po-vode-i-tsentralnaya-aziya>
14. <https://daryo.uz/k/2021/11/08/ekologik-tahdidlar-bilan-kelajakda-ko`p-yuzlashamiz-mutaxassislar-O`zbekistonda-havo-ifloslanishining-sabab-va-oqibatleri-haqida>.
15. <https://www.nationalgeographic.com/science/article/ipbes-land-degradation-environmental-damage-report-spd>

## ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХУДУДЛАРИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Раҳимжон ОЧИЛОВ,**

*Прогнозлаштириши ва макроиқтисодий тадқиқотлар  
институтини етакчи илмий ходими,*

**Ҳикматулла САЙДАҲМЕДОВ,**

*иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент,  
прогнозлаштириши ва макроиқтисодий*

*тадқиқотлар институтини бош илмий ходими*

**Аннотация:** мақолада ҳудудларда хизмат кўрсатиши соҳасининг ривожланиши тенденциялари таҳлил этилган бўлиб, бунда қишлоқ жойларида кўрсатилган хизматларга катта эътибор қаратилган. Охириги беш йилликда ҳудудларнинг қишлоқ жойларида хизматлар соҳасини турлари бўйича баҳоланган. Қишлоқ жойларида хизматлар ривожланишини таҳлил этиши асосида мавжуд муаммолар аниқланган. Ҳудудларнинг, асосан қишлоқ жойларда, хизмат кўрсатиши соҳасини янада ривожлантириши юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ҳудуд, қишлоқ жойлари, хизматлар, хизмат турлари, хизматлар таркиби, ялпи ҳудудий маҳсулот, улуши, муаммолар, тавсиялар, механизмлар.

## СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В СЕЛЬСКОЙ МЕСТНОСТИ УЗБЕКИСТАНА

**Раҳимжон ОЧИЛОВ,**

*ведущий научный сотрудник*

*Института прогнозирования и макроэкономических исследований,*

**Ҳикматулла САЙДАҲМЕДОВ,**

*Кандидат экономических наук,*

*доцент, главный научный сотрудник*

*Института прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** в статье анализируются тенденции развития сферы услуг в регионах с акцентом на услуги, оказываемые в сельской местности. В последние пять лет сфера услуг в сельской местности регионов оценивалась по видам. На основе анализа развития услуг в сельской местности выявлены существующие проблемы. Разработаны предложения и рекомендации по дальнейшему развитию сферы услуг, преимущественно в сельской местности.

**Ключевые слова:** регион, сельская местность, услуги, виды услуг, состав услуг, валовой региональный продукт, доля, проблемы, рекомендации, механизмы.

## MODERN SITUATION AND MAIN DIRECTIONS OF DEVELOPMENT OF SERVICES IN RURAL AREAS OF UZBEKISTAN

**Rahimjon OCHILOV,**

*leading researcher,*

*Institute of Forecasting and Macroeconomic Research,*

**Abstract:** *the article analyzes the trends in the development of the service sector in the regions, focusing on the services provided in rural areas. In the last five years, the service sector in the rural areas of the regions has been evaluated by types. Based on the analysis of the development of services in rural areas, existing problems have been identified. Proposals and recommendations have been developed for the further development of the service sector, mainly in rural areas.*

**Keywords:** *region, rural areas, services, types of services, composition of services, gross regional product, share, problems, recommendations, mechanisms.*

**Кириш.** Мамлакатимизда сўнги йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда республикаимизда бир қатор дастурлар амалга оширилди. Бунинг натижасида мамлакатимизда 2017-2021 йиллар давомида хизматлар соҳаси қарийб 1,7 баробарга ўсди. Бу соҳани мамлакатимиз ва ҳудудлар миқёсида янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январда “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сон қарори ва 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали кейинги 5 йилда хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 бараварга ошириш таъкидлаб ўтилган. [1; 2].

2017 йил натижаларига кўра, республикаимизда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) таркибида хизматлар соҳасининг улуши 41,4 %ни ташкил этган бўлса, 2021 йил якунига кўра 38,6 %ни ташкил этиб, 2,8 % бандига камайган. Охириги йилларда саноат ва қурилиш соҳаларининг жадал ривожланиши ва уларнинг ЯИМдаги улушининг ортиб боришини бунинг асосий сабаби сифатида изоҳлаш мумкин.


Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш жараёнлари нисбатан кам ривожланмоқда, аҳолининг хизматларга бўлган талаблари етарли даражада қондирилмаяпти.

**Адабиётлар таҳлили.** Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан И.С.Очилов “Хизмат деганда, инсоннинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади, деб таъкидлаган[3]. М.М.Мухаммедов хизмат кўрсатиш соҳасини инсон нуқтаи-назаридан қараб, аҳолининг соғлиғига, кайфиятига, меҳнатга муносабатига, ишчи ходимларнинг меҳнат унумдорлиғига, ўз ҳаётидан розилик даражаси ва хурсандлиғига, умуман ишлаб чиқариш кучларининг ҳаёти ва тараққиётига бевосита ва сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган соҳа”[4], деб, Ж.М.Қурбонов хизмат кўрсатиш “бу инсонларнинг яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йўлидаги ҳаракати билан фаолият олиб бориши тушунилади”[5], деб таъриф берган. Қ.Ж.Мирзаев хизмат кўрсатиш соҳасини корхоналарнинг даромад олиш нуқтаи назаридан қараб, “хизмат кўрсатиш - инсонларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш субъектларида юзага келадиган, ўз истеъмол эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ва даромад олишга қаратилган ҳаракатлар мажмуини ифодаловчи фаолият”[6], деб айтиб ўтган.

Россиялик олимлар Б.Алиев ва М.Абакаровлар хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари яширин ишсизликни юмшатишга катта ҳисса қўшади ва қўшимча иш ёки даромад олиш имкониятини беради, деган хулосага келишган [7]. Иқтисодий ривожланишнинг инновацион моделини шакллантиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Яна бир рус олими Р.Маннапов хизматлар соҳаси таркибидаги баъзи фаолият турлари “инновацион иқтисодиёт”нинг замонавий тармоқларини яратиш билан бевосита боғлиқ эканини таъкидлайди [8]. Юқорида қайд этиб ўтилган адабиётлар ва бошқа илмий ишларни ўрганиш натижасида қишлоқ жойларида хизматлар соҳасини ривожлантириш масалаларига етарли даражада эътибор берилмаганлигини кўришимиз мумкин.

**Таҳлил ва натижалар.** Мамлакатимизда кўрсатилган жами хизматларда қишлоқ жойларида кўрсатилган хизматларнинг улуши таҳлил қилинганда, бу кўрсаткич 2017 йилда 26,1 %га тенг бўлган бўлса, 2021 йил натижаларига кўра 23,6 %ни ташкил этди. Ҳудудлар кесимида Самарқанд (32,1 %), Тошкент (31,8 %), Хоразм (30,9 %) ва Сурхондарё (30,6%) вилоятларида юқори кўрсаткичлар қайд этилди. Бунинг асосий сабабларидан бири юқорида келтириб ўтилган ҳудудларда аҳолининг кўпчилик қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилишидир. Қишлоқ жойларида кўрсатилган хизматларнинг энг паст миқдори Навоий (19,5 %) вилоятига тўғри келди. Бунга йирик саноат

корхоналарининг Навоий шаҳрида жойлашгани сабабли, асосий хизмат турлари шаҳарда амалга оширилиши ва вилоятнинг қишлоқ жойларида аҳолининг сийрак жойлашгани сабаб бўлган (1-расм).



1-расм. 2017-2021 йилларда жами хизматларда қишлоқ жойларида кўрсатилган хизматлар улушининг ўзгариши, (%)

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

2017-2021 йилларда мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида амалга оширилган хизматларнинг турлари ва соҳалари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, таълим соҳасидаги хизматлар 9,5 %га, яшаш ва овқатланиш хизматлари 7,5 %, савдо хизматлари 5,1 %, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар 5,0 %, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар 4,7 %, бошқа хизматлар 2,7 %, шахсий хизматлар 2,6 %, транспорт хизматлари 2,1 %, компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар 1,4 %, меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматларда 0,7 %га пасайиш кузатилди. (1-жадвал). Худудлар кесимида жами хизматларда қишлоқ жойларида кўрсатилган хизмат турлари улушларининг пасайиши Сурхондарё вилоятида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (20,1 %), Наманган вилоятида таълим соҳасидаги хизматлар (13,9 %), Тошкент вилоятида кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар (13,4 %), Сирдарё вилоятида молиявий хизматлар (12,4 %), Андижон вилоятида шахсий хизматлар (10,2 %), Самарқанд вилоятида меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (9,9 %), Бухоро вилоятида яшаш ва овқатланиш хизматлари (9,1 %), Қашқадарё вилоятида савдо хизматлари (7,9 %) ва Навоий вилоятида транспорт хизматлари (7,6 %) соҳаларида кузатилган.

1-жадвал


Худудларнинг қишлоқ жойларида кўрсатилган хизматлар ҳажмининг жами хизматлардаги улуши (2021 йил ҳолатига % ҳисобида)

Хизматлар номи	Республика кўрсаткичи	Қорақалпоғистон Республикаси	вилоятлар											
			Андижон	Бухоро	Жиззах	Қашқадарё	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент	Фарғона	Хоразм
Жами - хизматлар	23,6	25,6	26,1	23,7	24,3	25,2	19,5	22,7	32,1	30,6	23,8	31,8	26,3	30,9
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	1,1	0,3	0,8	2,0	0,7	2,3	0,6	0,7	0,6	0,3	0,9	3,4	0,7	1,0
Молиявий хизматлар	24,9	29,1	13,5	22,3	28,3	26,8	18,3	29,4	27,7	33,5	23,8	23,4	25,6	30,4
Транспорт хизматлари	20,9	21,5	36,4	31,2	31,7	41,4	28,1	21,4	48,3	34,7	35,7	40,8	27,9	37,0

шу жумладан: автотранспорт хизмати	37,5	39,3	36,7	33,7	31,6	43,1	32,9	19,7	50,4	37,4	35,9	40,6	29,1	38,6
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	19,7	6,8	18,8	26,9	16,3	21,1	15,1	21,2	18,3	13,2	9,6	26,7	16,6	18,4
Савдо хизматлари	30,1	36,8	34,7	25,0	22,9	25,5	23,5	24,2	35,0	36,5	26,0	29,4	31,6	34,6
Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	18,9	20,0	29,4	5,2	27,6	19,0	8,5	6,4	33,0	20,8	20,0	20,0	11,6	15,0
Таълим соҳасидаги хизматлар	11,5	14,6	13,7	10,0	6,8	2,1	5,3	16,2	9,1	6,9	7,5	17,7	18,7	13,2
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	24,1	11,1	12,9	17,3	35,0	5,3	9,0	21,2	22,4	19,7	9,0	42,6	36,4	25,6
Ижара хизматлари	26,1	42,6	17,3	38,3	32,2	20,4	14,4	27,2	23,1	31,5	39,8	28,5	15,9	26,3
Компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	29,7	36,3	27,5	16,8	32,2	9,2	40,8	31,5	29,3	34,7	38,9	35,4	36,1	33,9
Шахсий хизматлар	32,9	46,1	35,6	32,0	27,5	32,1	26,1	30,2	33,7	36,9	37,1	28,7	29,7	41,5
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	31,9	22,4	34,5	25,4	30,9	19,3	6,0	7,8	19,2	41,4	25,4	53,5	44,4	40,3
Бошқа хизматлар	17,5	4,0	11,0	9,9	7,9	2,4	4,7	19,7	20,2	11,3	6,6	41,5	16,6	35,9

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Таҳлиллар натижаларига кўра, қишлоқ жойларида кўрсатилган хизматлар улуши билан демографик салоҳият ўртасида тафовутлар мавжуд. Бухоро, Хоразм ва Навоий вилоятларида бу номуносиблик яққол намоён бўлиб, энг катта фарқ Бухоро вилоятида кузатилган. Вилоят аҳолисининг 63,3 % и қишлоқ жойларда истиқомат қилиб, хизматларнинг қишлоқ жойлардаги улуши 23,7 % ни ташкил этади. Бу, асосан, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасининг суст ривожлангани билан боғлиқ (2-расм).



**2-расм. Республика қишлоқ жойларидаги яшовчи аҳоли сони ва хизматлар ҳажмининг улуши, (%)**

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Бошқа ҳудудлар кесимида ҳам қишлоқ жойларида кўрсатилган хизматларнинг улуши нисбатан паст даражада. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз аҳолисининг ярмига яқин қисми қишлоқ

жойларида яшашига қарамасдан, бу ерларда жами хизматларнинг оз қисми амалга оширилиб келмоқда. Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, қишлоқ жойларида хизматлар соҳаси яхши ривожланмаган. Соҳада куйидаги муаммолар мавжуд:

1. Худудларнинг хизматлар соҳаси таркибида сўнгги беш йилда алоқа ва ахборотлаштириш, ижара ва молия хизматларидан ташқари барча турларида ўсиш кузатилмаган.

2. Худудларда туризм хизматларининг ривожланишида, айниқса Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида инфратузилма билан боғлиқ муаммолар соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

3. Қишлоқ жойларда соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар етарли даражада ривожланмаган. Жумладан, 9 та худудда (Қорақалпоғистон республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари) республика бўйича ўртача кўрсаткичдан пастлиги қайд этилган.

Қишлоқ жойларида кўрсатиладиган хизматларни ривожлантириш учун куйидагилар таклиф этилади:

1. Юқори қўшилган қийматга эга анъанавий ва замонавий хизмат турларини ривожлантириш ҳисобига Тошкент шаҳридан ташқари барча худудларда хизмат кўрсатиш соҳасининг вилоятлар ялпи худудий маҳсулотдаги улушини ошириш;

2. Худудларнинг республика ичидаги ва ташқи бозордаги интеграцион алоқаларини мустақамлаш. Бунга хизматлар соҳасида (транспорт, молиявий, ахборот, хизмат кўрсатиш ва бошқалар) минтақалараро оқилона алоқаларни таъминлаш орқали эришилиб, бу эса пировардида ҳар хил турдаги хизматлар учун харажатларни камайитириш, талаб ва рақобатбардошлиқни оширишга ижобий таъсир қилади;

3. Қишлоқ жойларда, айниқса Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Бухоро ва Жиззах вилоятларида хизмат кўрсатишга ихтисослашган фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига янги хизмат кўрсатиш объектлари ва технологик жиҳозлар яратиш учун зарур ресурслар билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

4. Худудларни комплекс ривожлантириш дастурини тайёрлашда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича амалдаги дастурлар ижроси ва янги ташаббускор лойиҳаларни ишлаб чиқиш юзасидан вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда манфаатдор ташкилотлар томонидан ҳар ой мониторинг ўтказиш;

5. Худудларда, айниқса Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент, Наманган, Жиззах вилоятларининг мавжуд рекреацион салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида (туристик жойлар тўғрисида рақамлаштирилган маълумотлар, инфокиосklar, йўл белгилари) ички ва ташқи туризмни ривожлантириш. Ушбу худудларда туристик-экскурсия хизматларини ривожлантириш ва кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш бўйича йўл хариталари ишлаб чиқиш;

6. Худудларда хизматлар соҳасидаги кадрларни мунтазам равишда қисқа муддатли малакасини ошириш курсларида ўқитиш;

7. Хизматлар соҳаси фаолиятида уни ташкил этишнинг янги замонавий услублар, хусусан, соҳани рақамлаштириш, аутсорсинг, давлат хусусий шерикчилиги ва бошқалардан кенг миқёсда фойдаланиш.

Юқорида қайд этиб ўтилган таклифларни амалга ошириш қишлоқ жойларида хизматлар соҳасини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

### **Манба ва адабиётлар**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сон қарори.*

2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сон фармони.*

3. *Очилов И. С. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. “Иқтисод молия”, 2008. 37 б.*

4. *Мухаммедов М.М. —Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш - устувор масала // «SERVIS». Илмий-оммабон журнал. 2009 йил, 1-сон. 53 б*

5. *Карбонов Ж.М. Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис // «SERVIS». Илмий- оммабон журнал. 2009 йил, 1-сон. 58 б.*

6. Мирзаев К.Ж. Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик асослари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2012 й. 49 бет
7. Алиев Б. Х. и др. Эффективность сферы услуг трудоизбыточного региона в условиях финансового кризиса //Финансы и кредит. – 2010. – №. 5 (389). – С. 45-50.
8. Маннапов Р.Г. Организационные аспекты инновационного развития сферы услуг региона //Инновационная деятельность. – 2012. – №. 19. – С. 83-88.
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. 2017-2021 йилларнинг январь-декабрь ойлари учун иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ишлаб чиқариши. Статистика бюллетенлари. Тошкент, 2018-2022 йиллар.

## ТУРИСТИК ХУДУДНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Бобур СОБИРОВ,**  
PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Самарқанд филиали доценти,  
**Машхура АЛИМОВА,**  
иқтисодиёт фанлари доктори,  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
Менежмент кафедраси профессори

**Аннотация:** мақолада туристик ҳудуд рақобатбардошлигини баҳолашнинг методик асосларини такомиллаштириши бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган. Бунда «ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати», «ҳудуднинг туристик жозибадорлиги», «ҳудудий туристик инфратузилманинг ҳолати», «ҳудуднинг туристик ресурслари салоҳияти» каби комплекс характерга эга субиндексларни интеграциялаш асосида туристик ҳудуд рақобатбардошлиги интеграл кўрсаткичини баҳолаш методикаси таклиф этилган. Мамлакатимизда туризм статистикаси бўйича юритиладиган методологик ёндашувлар ва статистик маълумотларга асосланиб, туристик ҳудуд рақобатбардошлиги интеграл кўрсаткичини аниқлашда 4 та субиндексга интеграцияланувчи 83 та индексдан фойдаланилди. Таклиф этилган методика асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг туризм бўйича рақобатбардошлиги нисбий кўрсаткичлари аниқланди.

**Калит сўзлар:** туризм, рақобатбардошлик, интеграл кўрсаткич, субиндекслар, туристик жозибадорлик, туризм инфратузилмаси, ишибилармонлик муҳити, халқаро очиқлик, табиий ва маданий ресурслар салоҳияти.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИЧЕСКОЙ ОСНОВЫ ОЦЕНКИ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ТУРИСТСКОГО РЕГИОНА

**Бобур СОБИРОВ,**  
PhD (по экономическим наукам),  
доцент Самаркандского филиала Ташкентского  
государственного экономического университета,  
**Машхура АЛИМОВА,**  
доктор экономических наук,  
профессор кафедры Менеджмент Самаркандского  
института экономики и сервиса,

**Аннотация:** в статье разработаны научные предложения по совершенствованию методической основы оценки конкурентоспособности туристского региона. При этом предлагается методика оценки интегрального показателя конкурентоспособности туристского региона на основе интеграции субиндексов комплексного характера, таких как «уровень социально-экономического развития региона», «туристская привлекательность региона», «состояние региональной туристской инфраструктуры», «потенциал туристских ресурсов региона». На основе

методологических подходов и статистических данных, применяемых в статистике туризма в нашей стране, для определения интегрального показателя конкурентоспособности туристского региона были использованы 83 показателя, объединенных в 4 субиндекса. На основе предложенной методики определены относительные показатели конкурентоспособности туризма регионов Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** туризм, конкурентоспособность, интегральный показатель, субиндексы, туристическая привлекательность, инфраструктура туризма, бизнес-среда, международная открытость, потенциал природных и культурных ресурсов.

## IMPROVING THE METHODOLOGICAL BASIS FOR ASSESSING THE COMPETITIVENESS OF A TOURISM REGION

**Bobur SOBIROV,**

*PhD (in economics),*

*associate professor of the Samarkand branch of the Tashkent*

*State University of Economics,*

**Mashhura ALIMOVA,**

*DSc (in economics),*

*Professor of the Department of Management,*

*Samarkand Institute of Economics and Service,*

**Abstract:** *the article develops scientific proposals for improving the methodological foundations for assessing the competitiveness of a tourist region. At the same time, a methodology is proposed for assessing the integral indicator of the competitiveness of a tourist region based on the integration of sub-indices of a complex nature, such as "the level of socio-economic development of the region", "tourist attractiveness of the region", "state of regional tourism infrastructure", "potential of tourism resources of the region". Based on the methodological approaches and statistical data used in tourism statistics in our country, 83 indicators combined into 4 sub-indices were used to determine the integral indicator of the competitiveness of the tourism region. Based on the proposed methodology, relative indicators of the competitiveness of tourism in the regions of the Republic of Uzbekistan were determined.*

**Keywords:** *tourism, competitiveness, integral indicator, sub-indices, tourist attractiveness, tourism infrastructure, business environment, international openness, potential of natural and cultural resources.*

**Кириш.** Туризм охирги йигирма йил давомида жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири сифатида қайд этилиб, унга мансуб бўлган ўсиш суръатлари ва жаҳон макроиқтисодий кўрсаткичларидаги улуши келажак индустрияси сифатида эътироф этилишига сабаб бўлди. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига кўра, 2019 йилда халқаро туристик таширларнинг 49 фоизи Италия, Франция, АҚШ, Испания, Германия, Буюк Британия, Хитой, Туркия, Таиланд, Мексика ҳиссасига тўғри келган<sup>1</sup>, ҳамда туристик салоҳиятга эга бошқа туристик ҳудудлар халқаро туризм бозорининг қолган улуши учун кескин рақобат курашида қатнашиб келмоқда.

2020 йилда пандемиянинг глобал таъсири жаҳон туризм индустриясининг иқтисодий инкирозга юз тутишига сабаб бўлди, ҳамда соҳанинг кейинги ривожланиш тенденцияларида кескин рақобат муҳитига асос солди. Жаҳонда пост-пандемия шароитида туризм соҳасини қайта жадал ривожлантириш, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги мавқеини тиклаш масалаларига бағишланган замонавий илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Рақамли иқтисодиёт муҳитида туристик ҳудуд салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг янги имкониятларини жалб қилиш асосида унинг рақобатбардошлигини оширишнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш нуқтаи назаридан мазкур масаланинг услубий ва амалий жабҳаларини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарблиги билан ажралиб туради. Алоҳида ҳудудларнинг туризм йўналишида рақобатбардошлигини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш ана шундай масалалар қаторига гиради ҳамда мазкур тадқиқотимизнинг долзарблигини белгилайди.

**Адабиётларнинг таҳлили.** Рақобатбардошлиқни тадқиқ этиш борасидаги ёндашувлар таҳлили мазкур соҳада илмий йўналишларнинг ранг-баранг эканлигини кўрсатди. Бироқ бизнинг тадқиқот ишимизда қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда, рақобатбардошлиқнинг нархга боғлиқ бўлмаган

<sup>1</sup> Global Economic Impact & Trends 2020, p. 3 // <http://www.unwto.org>.



назарияларига алоҳида урғу берилди, бу ўринда америкалик иқтисодчи М. Портернинг (1990) рақобатбардошлик борасидаги назарияси муҳим ўрин тутди. Юқорида номи зикр этилган иқтисодчи томонидан илгари сурилган назариянинг асосий ғояси шундан иборатки, унга кўра мамлакатда рақобатбардошлик омиллари мерос қилиб қолдирилмайди, аксинча бундай омиллар яратилади. Омиллардан фойдаланиш самарадорлиги, уларни яратиш суръатлари ва такомиллаштириш механизми ҳал қилувчи аҳамият касб этади [1]. Кейинчалик рақобатбардошлик назарияси А. Болтхо томонидан ривожлантирилади ва у миллий рақобатбардошликни аниқлаштириш мақсадида вақт (қисқа ва узоқ муддатли) ўлчовини таҳлил соҳасига киритади [2]. Ж. Кларк ва К. Гайлар мамлакат рақобатбардошлиги пировард натижада ишлаб чиқарувчилар, яъни маҳаллий ва халқаро бозорларда рақобатлаша оладиган корхона ва фирмаларнинг ўзига боғлиқдир, деган фикрни илгари сурадилар [3]. Миллий рақобатбардошликни таъриф-тавсифлаш борасидаги фикрларга кўшимча равишда К. Тефертиллер, Р. Вард, Н. Ньюмен, А. Портер, Ж. Роеснер, А. Конфонг, Х. Джин каби олимлар миллий рақобатбардошлик даражасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бир қатор бошқа омилларни ажратиб кўрсатадилар. Бундай омиллар сирасига улар меҳнат унумдорлиги, маркетинг ва тақсимлаш тизимига самарали хизмат кўрсатиш, ҳукуматнинг миллий сиёсати ва фуқароларнинг ёндашуви, ишлаб чиқариш қувватлари ва инфратузилмага инвестициялар қабиларни киритадилар. Юқорида санаб ўтилган омиллар турли тармоқ ва соҳалар кесимида ҳам қараб чиқилади.

Маҳсус илмий адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, туризм ва меҳмонхона индустрияси соҳасидаги аксарият тадқиқотлар баҳолаш бирлиги сифатида асосан фирмаларга йўналтирилгани ҳолда, мезо ва макродаражада туризм объектлари рақобатбардошлигини баҳолашда маълум бир чекловларни келтириб чиқаради. Бироқ, Е.Бордаснинг таъкидлашича, туристик бизнес – бу нафақат фирма ёки корхона, балки инсонларнинг дам олиш ва ҳордик чиқариш борасидаги эҳтиёжларини қондирувчи бозор, маҳсулот ва технологияларни ўз ичига олувчи кенг қамровли тушунчадир. Фирма даражасидан ташқари чиққан ҳолда, у 1994 йилда туристик диққатга сазовор жойлар, инфратузилма, асбоб-ускуналар, хизматлар ва ташкилотларни ўзида мужассамлаштирган кластер борасидаги тасаввурлардан келиб чиққан ҳолда, дестинациянинг рақобатбардошлик концепциясини ишлаб чиқади, шу билан бир қаторда мазкур жой (худуд) ўз ташриф буюрувчиларига қандай маҳсулот ва хизматларни таклиф эта олишига ойдинлик киритади. Бу борада Е.Бордас рақобатбардошлик мамлакатлар ўртасида эмас, балки кластерлар ва туристик бизнес ўртасида амалга ошади, деб ҳисоблайди [4]. С.Цизмар ва С.Вебер танлов борасида туристлар томонидан қабул қилинувчи сўнги қарор энг муҳим ва бирламчи ҳисобланади, ушбу қарорнинг қабул қилиниши мамлакат имиджи, оммабоплик, жозибадорлик, хавфсизлик ва шу каби бир қатор ташқи омилларга кўп жиҳатдан боғлиқ ҳисобланади [5].

Хорижлик олимлар томонидан дестинация рақобатбардошлигининг бир нечта моделлари (Дж.Ритчи ва Г.Крауч (1993-1999), К.Чон ва К.Майер (1995), М.Козак ва М.Риммингтон (1999), Л.Двайер, П.Форсайт ва П.Рао (2000), Ф.Гоу ва Р.Говерс (2000), Ю.Юн (2002), Л.Двайер ва С.Ким (2003), С.Хсу, С.Вульф, С.Кан (2004), М.Фукс ва К.Вейермар (2004), Дж.Энрайт ва Дж.Ньютон (2005), Н.Гуручюрн ва Г.Суджуарто (2005), О.Бахар ва М.Козак (2007), Си Люн ва С.Белоглу (2013)) таклиф этилган. Мазкур моделларнинг ҳар бирида тадқиқотчилар туристик манзилларнинг рақобатбардошлигини ҳисобга олиш ва уни баҳолашда у ёки бу детерминантни киритишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаб берадилар. Бу борада тадқиқотчилар кластерли таҳлил, туризмдан иқтисодиётга келиши кутилаётган фойда ва харажатларнинг таҳлили, мультипликатив таҳлил, кўп ўлчамли жадваллардан фойдаланиш, омилли таҳлил, экспертли баҳолаш усулларида кенг фойдаланишади.

*Дж. Ритчи ва Г. Крауч модели* туристик манзил рақобатбардошлигининг биринчи умумий модели сифатида машҳур (1994). У атроф –муҳитнинг микро ва макро омилларини ўзаро боғлагани ҳолда, бешта бир-бирини тақозо этувчи ва вақт ўтиб бориши билан кучайиб борувчи ташкил этувчилардан ташкил топади: асосий ресурслар ва аттракциялар, қўллаб-қувватловчи ресурслар ва омиллар, туристик манзилда амалга оширилувчи сиёсат, режалаштириш ва ривожлантириш, худудни бошқариш. Рақобатбардошлик омилларининг ўлчанмаслиги мазкур моделнинг заиф жиҳатини кўрсатади [6].

*Л. Двайер ва С. Ким модели* нафақат бир қатор детерминантларни кенгайтирилган категорияларга бирлаштирди, балки талабни юзага чиқарувчи омилларни эътиборга олиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишга хизмат қилувчи рақобатбардошлик унсурларини аниқлаштирган ҳолда аввалги моделни соддалаштирди ва бир мунча таҳлил доирасини кенгайтирди. Муаллифлар синчков ва талабчан саёҳатчилар учун дестинацияларнинг сифат жиҳатдан фарқловчи жиҳатлари алоҳида аҳамият касб этади, бу эса мазкур дестинацияларни жозибадорлиги ва ўзига хослигини янада

оширади, деб таъкидлайдилар [7]. Бирок, мазкур модель доирасида танлаб олинган аксарият детерминантларнинг бирор-бир эмпирик тестлар орқали асосланмаганлиги, улар ўртасида сабаб-оқибат алоқаларининг мавжуд эмаслиги тадқиқотчилар томонидан танқид остига олинган (М. Хэнэфик, М.Хемди, И. Ахмад) [8].

**Т. Ваёр усули** мижозларни қониқиш даражасининг тузилмавий манзарасини ифода этувчи кўрсаткичларни икки ўлчамли жадвал кўринишида ўлчашга асосланади. Баҳолаш усули мижозларнинг ўзлари томонидан танланган нисбатан кўп сонли ўзгарувчиларнинг муҳимлик даражасини аниқлаш ва унумдорликнинг яққол кўзга ташланмайдиган ҳосилавий кўрсаткичлари билан дестинация хизматларининг муайян ташкил этувчилари нисбати борасида муҳимлик даражасидаги баҳолашларни ўзаро таққослашга асосланади. Бу ўз навбатида қониқишнинг учта ҳар хил детерминантларини ажратиб олиш имконини беради: самарали, қониқарли ва қониқарсиз натижалар [9]. Бирок, кейинчалик мазкур модель К. Мацлер, Е. Сайервайн, А. Хейшмидт (2003) каби тадқиқотчилар томонидан танқид остига олинди [10]. Танқидий фикрлардан бири шундан иборат эдики, унга кўра мазкур назария дестинация доирасида турлича қониқиш омиллари олиниши мумкинлигини тушунтириб бера олмайди.

**Дестинация бенчмаркинги.** М.Фукс ва К. Вейермар Австрия ҳукумати томонидан 1987 йилда амалга оширилган ва фақатгина нарх ва сифатга асосланган бенчмаркинг кўрсаткичлари тизимини танқидий жиҳатдан баҳолаб чиқишди ва туристларнинг эҳтиёжларини қондириш борасидаги тадбирлар билан боғлаш ҳисобига таққосланма таҳлилга нисбатан мазкур ёндашувни бир мунча кенгайтиришди. Улар туризм сифати атрибутларини учта турли омиллар гуруҳига ажратишди (базавий ёки асосий омиллар, иштиёқ уйғотувчи омиллар ва самарадорлик омиллари) [11].

Туризмни барқарор ривожлантириш концепцияси билан боғлиқ саволларнинг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда 2012 йилда Л. Гернат ва Дж. Гордон бенчмаркингни қўллаб, бир қатор миқдорий кўрсаткичлар асосида туризмнинг барқарорлигини баҳолаш борасида ягона услубиётни ишлаб чиқишга ҳаракат қилишади. Тадқиқотчилар унинг асосида турли мамлакатларда туристик фаолиятнинг барқарорлигини баҳолаш мумкин бўлган бир қатор мезонларни таъмин этувчи *барқарор туризмни баҳолаш воситалари* (*Sustainable tourism benchmarking tool, STBT*)нинг услубий асосларини ишлаб чиқишди [12].

**Рақобатбардошлик монитори** (*Competitiveness Monitor*) 2005 йилда ТТРИ илмий-тадқиқот институти ва Туризм ва саёҳат бўйича бутунжаҳон кенгаши (WTTC) ўртасидаги ҳамкорлик натижасида яратилган. Тадқиқотлар WTTCдан олинган маълумотларга асосланган. Тадқиқотчилар Н. Гуручюрн ва Г.Суджуартолар томонидан индекслар шаклида тақдим этилган кўрсаткичларнинг саккизта гуруҳи (жами 54 та) бошқа мамлакатларга нисбатан ҳар бир мамлакатнинг туризм соҳасида рақобатбардошлиги даражасини кўрсатиб беради. Модель кўйидаги кўрсаткичлар гуруҳини ҳисоблаш асосига қурилган: нарх бўйича рақобатбардошлик; халқаро савдони амалга ошириш борасида бозорларнинг очиклиги; технологик тараққиёт; инфратузилманинг ривожланиши; туризмнинг инсонга таъсири; ижтимоий ривожланиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; инсон ресурслари [13].

**Саёҳат ва туризм рақобатбардошлиги индекси** Бутунжаҳон иқтисодий форуми томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур индекс туризм ва саёҳат соҳасидаги экспертлар, халқаро ташкилотларнинг маълумотлари ва очиқ манбалардан олинган маълумотларни таҳлил қилиш асосида икки йилда бир марта ҳисоб-китоб қилинади. Саёҳат ва туризмнинг рақобатбардошлиги борасидаги биринчи маъруза 2007 йилда эълон қилинган. У ўз ичига шаклланган ва ривожланаётган бозорга эга бўлган 124 та мамлакатни қамраб олган эди, 2019 йилда эса 140 та дунё мамлакатларидаги туристик рақобатбардошлик масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Тан олиб айтиш лозимки, олимлар томонидан идеал индекс сифатида тан олинмасада, бугунги кунда ТТСИ индекси туризмни ривожлантириш борасида мамлакатлар рақобатбардошлигини баҳолашда энг кенг қўлланилувчи модель ҳисобланади.

Худудий туризм рақобатбардошлигини баҳолаш борасидаги маҳаллий ва хорижий ёндашувларни ўрганиш худудий туризм рақобатбардошлигини баҳолаш борасидаги машҳур услубиётларнинг аксарият қисмидан Ўзбекистон шароитида уларнинг бошланғич шаклида ёки уларга муайян бир ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали амалда кенг фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади. Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда туризмга оид статистиканинг юритилиши имкониятларидан келиб чиққан ҳолдаги туристик худуд рақобатбардошлигини баҳолаш услубиётни ишлаб чиқиш давр талаби ҳисобланади.

**Методология.** Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан худудий туризм статистикаси бўйича юритиладиган

методологик ёндашувлар ва маълумотларга асосланиб, туристик ҳудуд рақобатбардошлиги интеграл кўрсаткичини аниқлашда 4 та субиндексга интеграцияланувчи 83 та индексдан фойдаланишни таклиф этдик (1-жадвал).

1-жадвал

**Туристтик ҳудуд рақобатбардошлиги интеграл кўрсаткичини аниқлашда  
4 та субиндексга интеграцияланувчи индекслар**

<b>ХУДУДНИНГ ИНТЕГРАЛ РАҚОБАТБАРДОШЛИК КЎРСАТКИЧИ</b>	
<b>SI1-ХУДУДНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ</b>	
<b>Худуднинг макроиқтисодий кўрсаткичлари</b>	<b>Таълим соҳасининг ривожланиш ҳолати</b>
I1-ЯҲМ, млрд.сўм; I2-Аҳоли жон бошига ЯҲМ, минг сўм; I3-Худудларнинг республика асосий иқтисодий кўрсаткичларидаги ўрни, бозор хизматлари (%); I4-Истеъмол моллари ишлаб чиқариш, млрд. сўм; I5-Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд.сўм; I6-Аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси, минг сўм; I7-Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар сони.	I8-Касб-хунар колледжлари сони; I9-ОТМлар сони; I10-ОТМларни битирган мутахассислар, минг киши.
	<b>Соғлиқни сақлаш соҳасининг ривожланиш ҳолати</b>
	I13-Имтиёзлардан фойдаланган тадбиркорлик субъектлари сони; I14-Фойдаланилган имтиёз суммаси; I15-Олинган имтиёз орқали яратилган объектлар сони; I16-Мазкур объектлар орқали яратилган иш ўринлари сони.
<b>Соҳага тақдим этилган имтиёзлардан фойдаланиш даражаси</b>	
I11-10000 аҳолига шифокорлар сони; I12-10000 аҳолига ўрта тиббий ходимлар сони.	
<b>SI2- ХУДУДНИНГ ТУРИСТИК ЖОЗИБАДОРЛИГИ</b>	
I17-Худуднинг экологик жозибadorлиги; I18-Худуднинг тарихий-маданий жозибadorлиги;	I19-Худуднинг ички туризм дестинацияси сифатидаги жозибadorлиги; I20-Худуднинг кириш туризми дестинацияси сифатидаги жозибadorлиги.
<b>SI3- ХУДУДИЙ ТУРИСТИК ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ ҲОЛАТИ</b>	
<b>Санитария-гигиена инфратузилмаси</b>	<b>Жойлаштириш инфратузилмаси</b>
I41-Туристтик объектларда янги ташкил этилган санитария-гигиена шаҳобчалари I42-Йўл бўйларида янги ташкил этилган санитария-гигиена шаҳобчалари	I21-Меҳмонхоналарда жойлар сони I22-Меҳмон уйларидаги жойлар сони I23-Хостеллардаги жойлар сони
	<b>Рекреацион туризм инфратузилмаси</b>
<b>Овқатланиш инфратузилмаси</b>	I24-Ёшлар дам олиш лагерлари сони I25-Пансионатлар, курорт, туристик базалар сони
I43-Ресторанлар сони	
<b>Тиббиёт ва соғломлаштириш туризми инфратузилмаси</b>	
I44-Санаторий ва соғломлаштириш объектларида ўринлар сони I45-Клиникалар (хорижий туристларга хизмат кўрсатувчи) сони	I26-Туристтик ташкилотлар сони
	<b>Ахборот инфратузилмаси</b>
	I27-Ташкил этилган Wi-Fi нуқталари I28-Ташкил этилган ахборот марказлари I29-Ўрнатилган туристик йўл кўрсаткичлари
<b>Транспорт инфратузилмаси</b>	
I36-Гидроцикллар сони I37-Йўл танламас (автомобиль внедорожник) сони I38-Умумфойдаланадиган темир йўлларининг фойдаланадиган узунлиги, км I39-Умумфойдаланадиган қаттиқ қопламали автомобиль йўллари узунлиги I40-Халқаро ва ҳудудий аэропортлар сони	I30-Туристлар учун автобуслар сони I31-Микроавтобуслар сони I32-Электромобиллар сони I33-Моторли катерлар сони I34-Даблдекерлар сони I35-Квадроцикллар сони
<b>SI4- ХУДУДНИНГ ТУРИСТИК РЕСУРСЛАРИ САЛОҲИЯТИ</b>	
<b>MICE туризм ресурслари</b>	<b>Инсон ресурслари</b>
I46-Халқаро конференциялар сони I47 (Фестиваллар, форумлар, ярмарка ва бошқалар) Гастрономик туризм ресурслари	I67-Гидлар-экскурсоводлар I68-Туристларга хизмат кўрсатувчи фольклор ансамбллари I69-Туристтик ташкилотлар ходимлари сони I70-Меҳмонхоналар ва жойлаштиришнинг бошқа воситалари ходимлари сони I71-Санаторий-курорт муассасалари ходимлари сони
I48-Ташкил этилган кафе, умумий овқатланиш шаҳобчалари, ресторан жами, шу жумладан: I49-Ўзбек миллий таомлари I50-Хорижий миллий таомлар	
	<b>Эко-агротуризм ресурслари</b>
<b>Этнографик туризм ресурслари</b>	I72-Ўрмон хўжаликлари объектлари I73-Ўрмон ов хўжаликлари объектлари I74-Балиқчилик қўллари I75-Сув омборлари ва қўллар
I51-Ташкил этилган кафе, умумий обод кишлок дастури бўйича киритилган маҳаллалар сони; I52-Туризм мақоми берилган маҳаллалар сони.	

Тарихий-маданий туризм ресурслари	Туристик ресурслар тарғиботи
I53-Кинотеатрлар; I54-Музейлар; I55-Театрлар I56-Кўнгилочар ва тематик парклар I57-Концерт ташкилотлари сони I58-Маданият ва истироҳат боғлари I59-Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари; I60-Тарихий ва маданий мерос объектлари; I61-Археологик обидалар	I76-Қўриқланма ҳудудлар I77-Дор йўллари I78-Туристларга хизмат кўрсатишга мослаштирилган экотуризм объектлари I79-Туристларга хизмат кўрсатишга мослаштирилган экотуризм объектлари агротуризм объектлари I80-Йўл бўйи туризм объектлари мажмуи I81-"Сафари" хизмат кўрсатиш объектлари
Зиёрат туризми ресурслари	Туристик ресурслар тарғиботи
I62-Вақф объектлари; I63-Масжид; I64-Черков; I65-Синагога; I66-Будда масжидлари	I82-Худуд туризм салоҳиятини тарғиб қилувчи тайёрланган материаллар сони I83-Худуд туризм салоҳиятини тарғиб қилувчи материалларнинг ОАВга жойлаштирилиши (ТВ, радио, босма, интернет)

**Манба:** муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган

Шундан келиб чиқиб, мавзу тадқиқоти давомида туристик ҳудуднинг рақобатбардошлик кўрсаткичини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган. Қуйида туристик ҳудуднинг рақобатбардошлик кўрсаткичини аниқлаш тартиби таклиф этилган:

$$HR = W_{ir} \times IR + W_{Tj} \times TJ + W_{Ti} \times TI + W_{Tr} \times TR, \quad 0 < HR < 5, \quad (1)$$

**Бунда:**

$HR$  – Ҳудуднинг рақобатбардошлик интеграл кўрсаткичи;

$IR$  – 1-субиндекс: «Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати»;

$TJ$  – 2-субиндекс: «Ҳудуднинг туристик жозибadorлиги»;

$TI$  – 3-субиндекс: «Ҳудудий туристик инфратузилманинг ҳолати»;

$TR$  – 4-субиндекс: «Ҳудуднинг туристик ресурслари салоҳияти»;

$W$  – субиндекснинг интеграл кўрсаткич таркибидаги вазни.

Ҳудуднинг туристик жозибadorлиги кўрсаткичи қиймати социологик сўров усули ёрдамида баҳоланди. Туризм соҳаси экспертларига ҳудудларнинг туристик жозибadorлигини 0-5 балл асосида баҳолаш бўйича сўровнома тарқатилди ҳамда натижаси эксперт баҳолаш усули ёрдамида баҳоланди.

Интеграл кўрсаткичга киритилган ҳар битта субиндекснинг вазни уларга эксперт баҳолаш усули асосида балларни бириктириш орқали аниқлаш таклиф этилди. Экспертлар томонидан ҳар битта субиндекснинг интеграл кўрсаткичдаги аҳамияти 0-5 балл тизимида баҳоланган. Бунда ҳар бир субиндекснинг алоҳида экспертга тегишли ҳисобланган вазни қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$EV_{ij} = \frac{E_{ij}}{\sum_{j=1}^m E_{ij}}; \quad EV_{ij} > 0; \quad i = \overline{1, n}; \quad \sum_{j=1}^m EV_{ij} = 1, \quad (2)$$

**Бунда:**

$EV$  –  $i$ - эксперт томонидан  $j$ - субиндексга белгиланган вазн;

$E_{ij}$  –  $i$ - эксперт томонидан  $j$ - субиндекс вазнига берилган баҳо;

$m$  – субиндекслар сони;

$n$  – экспертлар сони.

Субиндексларнинг интеграл кўрсаткич таркибидаги вазни қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$W_j = \frac{\sum_{i=1}^n E_{ij}}{\sum_{j=1}^m \sum_{i=1}^n E_{ij}}; \quad W_j > 0; \quad i = \overline{1, n}; \quad \sum_{j=1}^m W_j = 1, \quad (3)$$

**Бунда:**

$W_j$  –  $j$ - субиндекснинг интеграл кўрсаткич таркибидаги вазни;

$n$  –  $i$ - эксперт томонидан  $j$ - субиндексга белгиланган вазн;

$E_{ij}$  –  $i$ - эксперт томонидан  $j$ - субиндекс вазнига берилган баҳо;

$m$  – субиндекслар сони;

$n$  – экспертлар сони.

$$SI_j = \frac{\sum_{k=1}^n V_k \times I_k}{\sum_{k=1}^n V_k}, \quad 0 < SI_j < 5, \quad (4)$$

**Бунда:**

$SI_j$  – j-интеграл субиндекс («Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати»; «Худуднинг туристик жозибдорлиги»; «Худудий туристик инфратузилманинг ҳолати»; «Худуднинг туристик ресурслари салоҳияти») қиймати;

$I_k$  – k- меъёрлаштирилган (стандартлаштирилган) индекс;

$V_k$  – k- индекснинг интеграл субиндексдаги вазни;

n – кўрсаткичлар сони.

Маълумки, 1-жадвалда келтирилган туристик худуднинг рақобатбардошлигини баҳолаш индекслари турли хил ўлчов бирликлари ва ўлчамларга эга. Ушбу кўрсаткичларни интеграл кўрсаткичга киритишда иқтисодий статистикада меъёрлаштириш (стандартлаштириш) усулларидан фойдаланилади. Уларнинг ичида кенг тарқалган усуллардан бири – бу “минимакс” бўйича чизиқли меъёрлаштириш усулидир. Шу сабабли, рақобатбардошликни аниқлаш ва баҳолаш учун келтирилган барча индексларни қуйида келтирилган формула ёрдамида меъёрлаштиришни таклиф этдик:

$$I_k = 4 \times \left( \frac{I_k - I_{\min}}{I_{\max} - I_{\min}} \right) + 1, \quad 0 < I_k < 5, \quad (5)$$

Бунда:

$I_k$  – k- меъёрлаштирилган (стандартлаштирилган) индекс;

$k_j$  – кўрсаткичнинг амалдаги қиймати;

$k_{\max}$  – кўрсаткичнинг максимал қиймати;

$k_{\min}$  – кўрсаткичнинг минимал қиймати.

**Таҳлил ва натижалар**

Таклиф этилган усул ёрдамида (5-формула) худудий рақобатбардошлик индекслари меъёрлаштирилди ҳамда субиндексларнинг қийматлари аниқланди.

2-жадвал

Субиндексларнинг меъёрлаштирилган қийматлари

	SI1	SI2	SI3	SI4
Қорақалпоғистон Республикаси	1,5	1,4	1,8	1,6
Андижон вилояти	1,8	2,1	1,5	2,0
Бухоро вилояти	2,5	4,2	3,1	2,7
Жиззах вилояти	1,2	2,4	1,7	1,6
Қашқадарё вилояти	1,7	3,4	2,1	2,6
Навоий вилояти	1,8	1,3	1,8	1,9
Наманган вилояти	1,6	2,6	1,7	1,6
Самарқанд вилояти	2,4	5,0	2,8	2,6
Сурхондарё вилояти	1,4	2,8	1,6	1,7
Сирдарё вилояти	1,3	0,8	1,3	1,2
Тошкент вилояти	2,2	3,3	3,2	2,1
Фарғона вилояти	1,8	3,2	2,3	2,2
Хоразм вилояти	1,9	3,7	2,0	1,7
Тошкент шаҳри	4,0	3,7	3,0	2,4

Манба: муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Субиндексларнинг вазнини баҳолаб беришда Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасида фаолият олиб бораётган олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, тегишли давлат бошқаруви органлари ходимлари, туризм соҳаси экспертлари иштирок этди. Таклиф этилган усул (3-формула) ёрдамида субиндексларнинг интеграл кўрсаткич таркибидаги вазни қийматлари аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

j-субиндекснинг интеграл кўрсаткич таркибидаги вазни қийматлари

Экспертлар	Субиндексларнинг аҳамияти баллари				Жами	Субиндексларнинг вазнари			
	Ei1	Ei2	Ei3	Ei4		EV11	EV12	EV13	EV14
1	2	4	5	5	16	0,13	0,25	0,31	0,31
2	4	5	3	5	17	0,24	0,29	0,18	0,29
3	4	4	3	5	16	0,25	0,25	0,19	0,31
4	2	3	2	3	10	0,20	0,30	0,20	0,30
5	5	5	5	5	20	0,25	0,25	0,25	0,25

6	3	4	5	4	16	0,19	0,25	0,31	0,25
7	2	3	3	2	10	0,20	0,30	0,30	0,20
8	5	5	5	5	20	0,25	0,25	0,25	0,25
9	5	5	4	5	19	0,26	0,26	0,21	0,26
10	1	5	2	5	13	0,08	0,38	0,15	0,38
11	3	4	5	5	17	0,18	0,24	0,29	0,29
12	4	4	4	4	16	0,25	0,25	0,25	0,25
13	4	5	3	4	16	0,25	0,31	0,19	0,25
						<b>W<sub>1</sub> =0,21</b>	<b>W<sub>2</sub> =0,28</b>	<b>W<sub>3</sub> =0,24</b>	<b>W<sub>4</sub> =0,28</b>

**Манба:** муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Меъёрлаштирилган индекслар ҳамда уларнинг вазнлари қийматларидан фойдаланиб, ҳудудий рақобатбардошликнинг субиндекслари Ўзбекистон Республикасининг алоҳида ҳудудлари учун баҳоланди (4-жадвал). Шунингдек, ҳар бир ҳудуд учун, субиндекслар ва унинг интеграл кўрсаткич таркибидаги вазни қийматлари асосида, ҳудудий рақобатбардошлик кўрсаткичи аниқланди.

4-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг туризм бўйича рақобатбардошлиги интеграл кўрсаткичлари**

	SI1	SI2	SI3	SI4	HR
Самарқанд вилояти	2,356	5,000	2,769	2,563	3,241
Тошкент шаҳри	4,037	3,677	2,973	2,387	3,227
Бухоро вилояти	2,509	4,199	3,114	2,661	3,162
Тошкент вилояти	2,240	3,343	3,242	2,090	2,740
Қашқадарё вилояти	1,712	3,424	2,131	2,530	2,449
Фарғона вилояти	1,840	3,180	2,322	2,171	2,416
Хоразм вилояти	1,948	3,696	2,006	1,740	2,387
Наманган вилояти	1,574	2,617	1,683	1,618	1,900
Сурхондарё вилояти	1,356	2,757	1,601	1,692	1,894
Андижон вилояти	1,846	2,096	1,491	2,006	1,875
Жиззах вилояти	1,230	2,368	1,661	1,607	1,751
Навоий вилояти	1,759	1,326	1,846	1,868	1,690
Қорақалпоғистон Республикаси	1,546	1,442	1,782	1,592	1,586
Сирдарё вилояти	1,308	0,822	1,259	1,215	1,136

**Манба:** муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот давомида амалга оширилган таҳлил натижасида қуйидаги хулосалар қилинди:**

1. Ўзбекистон Республикасининг энг рақобатбардош ҳудуди сифатида Самарқанд вилояти (HR=3,241) эътироф этилди, шунингдек Тошкент шаҳри (HR=3,227), Бухоро вилояти (HR=3,162), Тошкент вилояти (HR=2,740), Қашқадарё вилояти (HR=2,449), Фарғона вилояти (HR=2,416), Хоразм вилояти (HR=2,387) рақобатбардошлик позицияси бўйича кейинги ўринларни эгаллаганлиги;

2. «Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати» кўрсаткичи бўйича республикада етакчи ўринларда Тошкент шаҳри (SI1=4,037), Бухоро вилояти (SI1=2,509), Самарқанд вилояти (SI1=2,356), Тошкент вилояти (SI1=2,240), Хоразм вилояти (SI1=1,948) эканлиги;

3. «Ҳудуднинг туристик жозибadorлиги» кўрсаткичи бўйича республикада етакчилик позицияларида Самарқанд вилояти (SI2=5,000), Бухоро вилояти (SI2=4,199), Хоразм вилояти (SI2=3,696), Тошкент шаҳри (SI2=3,677), Қашқадарё вилояти (SI2=3,424) эканлиги;

4. «Ҳудудий туристик инфратузилманинг ҳолати» кўрсаткичи бўйича республикада етакчилик позицияларида Тошкент вилояти (SI3=3,242), Бухоро вилояти (SI3=3,114), Тошкент шаҳри (SI3=2,973), Самарқанд вилояти (SI3=2,769), Фарғона вилояти (SI3=2,322) эканлиги;

5. «Ҳудуднинг туристик ресурслари салоҳияти» кўрсаткичи бўйича республикада етакчилик позицияларида Бухоро вилояти (SI4=2,661), Самарқанд вилояти (SI4=2,563), Қашқадарё вилояти (SI4=2,530), Тошкент шаҳри (SI4=2,387), Фарғона вилояти (SI4=2,171) вилояти эканлиги аниқланди.

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси алоҳида ҳудудларини туристик жиҳатдан рақобатбардошлиги интеграл кўрсаткичининг энг юқори қиймати 3,2 баллни ташкил этмоқда (ишлаб чиқилган услубга асосан энг юқори қиймат 5 баллни ташкил этиши белгиланган). Мазкур ҳолат, алоҳида ҳудудларда туризм инфратузилмасининг ривожланиш даражасини акс эттирувчи «Ҳудудий туристик инфратузилманинг ҳолати» кўрсаткичининг нисбатан паст қийматга эгаллигидан келиб чиққан.

**Хулоса ва таклифлар.** Худудий туризм рақобатбардошлигини баҳолаш борасидаги маҳаллий ва хорижий ёндашувларни ўрганиш худудий туризм рақобатбардошлигини баҳолаш борасидаги машҳур услубиётларнинг аксарият қисмидан Ўзбекистон шароитида, уларнинг бошланғич шаклида ёки уларга муайян бир ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали, амалда кенг фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

Шу билан бир қаторда, қараб чиқилган моделлар миқдорий кўрсаткичларни баҳолашда қўлланилувчи кўрсаткичлар ва ёндашувлар борасида бир-биридан фарқ қилади, бу эса мамлакатимиз худудларида туризм рақобатбардошлигини баҳолаш борасида турлича натижаларга олиб келиши мумкин. Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда худудий туризм рақобатбардошлигини баҳолаш борасида ҳаққоний ва ўз вақтида натижаларга эга бўлиш борасида барча худудлар бирдек фойдалана олишлари мумкин бўлган янги ва оқилона услубиётни ишлаб чиқиш талаб этилади. Худудий туризм рақобатбардошлигини баҳолаш борасида ўзаро солиштириш имкони бўлган ва ҳаққоний натижалар мавжуд бўлган шароитдагина, мамлакатимиз ва унинг худудлари учун миллий ва халқаро туристик хизматлар бозорида ўз мавқе ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш борасида истиқболли имкониятлар яратилади.

Шундай қилиб, худуд иқтисодиётининг муҳим тармоғи сифатида туризм индустриясини шакллантириш ва уни барқарор ривожлантиришни биргина бозор механизмлари орқали таъмин этиб бўлмайди, бунинг учун албатта давлат кўмаги талаб этилади. Айнан шу ўринда, давлат, хусусий-давлат шерикчилиги алоқаларини кўзда тутувчи ҳукумат, бизнес сектор, таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш асносида, худуд даражасида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дастурлар ва инновацион лойиҳаларни изчил жорий этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим иқтисодий катализатор вазифасини ўтайди. Бу борада худудий туризм инфратузилмасини такомиллаштириш туристик худуд рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

### **Манба ва адабиётлар**

1. Портер М. *Международная конкуренция: Конкурентные преимущества стран.*- М.: *Международные отношения*,1993
2. Boltho A. *The assessment:International competitiveness//Oxford Review of Economic Policy.*-1996.- №12 (3).-P.1-16.
3. Clark J.,Guy K.*Innovation and competitiveness:A review//Texnology Analysis&Strategic Management.*-1998.-№ 10 (3).-P.363-395.
4. Bordas E. *Competitiveness of tourist destinations in long distance markets//The Tourist Review.*-1994.-№3.-P.3-9.
5. Cizmar S., Weber S. *Marketing effectiveness of the hotel industry in Croatia//international Journal of Hospitality Management.*-2000.-№19 (3).-P. 227-240.
6. Ritchie J.B., Crouch G.I. *A Model of Destination Competitiveness and Sustainability /WangY., Pizam A. (eds.)//Tourism Destination Marketing and Management:Theories and applications.*-2011.-P.326-339.
7. Dwyer L., Kim C. *Destination competitiveness: Determinants and indicators//Current issues in Tourism.*-2003.-Vol.6-No.5.-P.369-414.
8. Hanafiah M.H.,Hemdi M.A., Ahmad I. *Reflections on Tourism Destination Competitiveness (TDS) Determinants//Advanced Science Letters.*-2015.-Vol.21.-No.5-P.1571-1574.
9. Vavra T.G. *Improving Your Measurement of Customer Satisfaction: A Guide to Creating, Conducting, Analyzing and Reporting customer Satisfaction Measurement Program.* Milwaukee.-WI:ASQC Quality Press,1997
10. Matzler K., Sauerwein E., Heischmidt A. *Importance –performance analysis revisited: The role of the factor structure of customer satisfaction//Service Industries Journal.*-2003.-№23 (2).-P.112-129.
11. Fuchs M., Weirmair K. *Destination benchmarking: An indicator-system's potential for exploring guest satisfaction//Journal of Travel Research.*-2004.-№42 (3).-P.212-225.
12. Cernat L., Gourdon J. *Paths to success: Benchmarking cross-country sustainable tourism//Tourism management.*-2012.-Oct.-Vol.33.-No. 5.-P.1044-1056.
13. Gooroochurn N., Sugiyarto G. *Measuring Competitiveness in Travel and Tourism Industry.*2004 [Электронный ресурс]http://www.nottingham.ac.uk

**HUDUDLARNI KOMPLEKS RIVOJLANTIRISHDA “OBOD QISHLOQ” VA  
“OBOD MAHALLA” DASTURLARINING ROLI  
(Navoiy viloyati misolida)**

**Shahzodjon TOSHIMOV,**

*Navoiy davlat konchilik va texnologiyalar universiteti  
“Iqtisodiyot va menejment” kafedrasida assistenti*

**Annotasiya:** maqolada 2018-21-yillarda hududlarni rivojlantirishda “Obod qishloq” va “Obod mahalla” dasturlarining Navoiy viloyati bo‘yicha bajarilgan ishlari tahlil qilinib, ushbu dasturlarning amalga oshirilishini Navoiy viloyatining asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlariga ta‘siri va o‘zgarish dinamikasini tahlil qilingan. Tahlil natijalaridan kelib chiqqan holda xulosa va takliflar shakllantirilgan.

**Tayanch iboralar:** obod mahalla, obod qishloq, hududlarni rivojlantirish, yalpi hududiy mahsulot, bandlik, infratuzilma, kommunikatsiya, ishsizlik, kambag‘allikni qisqartirish, jamoatchilik nazorati.

**РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ПРОГРАММ «ОБОД КИШЛОК» И «ОБОД МАХАЛЛА» В  
КОМПЛЕКСНОМ РАЗВИТИИ РЕГИОНОВ  
(На примере Навоийской области)**

**Шахзоджон ТОШИМОВ,**

*Навоийский государственный горно-технологический университет  
ассистент кафедры «Экономика и менеджмент»*

**Аннотация:** в статье проанализирована роль и значение программ «Обод кишлок» и «Обод махалла» в развитии регионов в 2018-21 годах в Навоийской области, проанализировано влияние реализации этих программ на основные макроэкономические показатели Навоийской области и динамика изменения. По результатам анализа сформированы выводы и предложения.

**Ключевые слова:** благополучная «махалла» (микрорайон), благополучное село, региональное развитие, валовой региональный продукт, занятость, инфраструктура, связь, безработица, сокращение бедности, общественный контроль.

**THE RELEVANCE AND SIGNIFICANCE OF THE “OBOD KISHLOK” AND “OBOD  
MAHALLA” PROGRAMS IN THE INTEGRATED DEVELOPMENT OF REGIONS  
(On the example of Navoiy region)**

**Shakhzodjon TOSHIMOV,**

*Navoi State University of Mining and Technology  
Assistant of the "Economics and Management" Department*

**Abstract:** the article analyzes the role and significance of the programs "Obod qishloq" and "Obod mahalla" in the development of regions in 2018-21 in Navoi region, analyzed the impact of the implementation of these programs on the main macroeconomic indicators of the Navoi region and the dynamics of change. Based on the results of the analysis, conclusions and proposals are formed.

**Keywords:** prosperous neighborhood, prosperous village, regional development, gross regional product, employment, infrastructure, communication, unemployment, poverty reduction, public control.

**Kirish.** Insonlar tomonidan hududlarni o‘zlarining ijtimoiy, iqtisodiy, hamda yashash sharoitlariga moslashtirishi va foydalanishi bilan “hududlarni rivojlantirish” tushunchasi bevosita bog‘liqdir. Hududlarni rivojlantirish va uni boshqarishning klassik standart nazariyasi, oqilona joylashtirish usullari, maxsus va umumiy standart nazariyalari A. Predel, T. Palander, N.N. Baranskiy, N.N. Kolosovskiy, I.A. Viti, Yu.G. Saushkin va boshqa olimlar tomonidan asoslangan. Bugungi kunda maxsus adabiyotlarda “hududlarni rivojlantirish” tushunchasiga nisbatan ma‘lum bir ilmiy qoida mavjud emas. Turli mualliflar «hududlarni rivojlantirish»ga turlicha ta‘rif berishadi. «M.V.Stepanov tahriri ostidagi o‘quv qo‘llanmada aytilishicha, «hududlarni rivojlantirish – davlat iqtisodiy siyosatining muhim tarkibiy qismi. U o‘z ichiga ham markaziy (respublika), ham mahalliy hokimiyat organlari tomonidan amalga oshiriladigan hamda ishlab chiqarish kuchlarini joylashtirish jarayonlarini tartibga solishga qaratilgan turli hil qonunchilik, ma‘muriy va iqtisodiy tadbirlar majmuasini oladi» [1]. Uning mohiyati, fikrimizcha, shundan iboratki, u inson zaruriyati uchun



hududlarni imkon boricha yaxshiroq moslashtirish, u yoki bu hududdan foydalanish natijasida ma'lum bir hududdan ko'proq boylik olish maqsadida ushbu hududning infratuzilmasiga doimiy tarzda ma'lum maqsadga yo'naltirilgan ishlarni amalga oshirishdan iboratdir.

Hududni rivojlantirishda mamlakatdagi demografik holatni tahlil qilish, (mintaqada, viloyatda, tumanda, aholi punktlarida), aholi uchun uy-joy sharoitlarini ta'minlash, aholining bandligi, ishchi kuchini tashkil etish, aholi uchun madaniy-maishiy, sog'lomlashtirish, shahar va qishloq joylarida ishlab chiqarish infratuzilmalarini yaratish, joylashtirish hamda rivojlantirishni o'z ichiga oladi. Shundan kelib chiqib so'ngi yillarda mamlakatimizda hududlarni rivojlantirish bo'yicha qator ishlar amalga oshirildi. Birgina O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 29-martdagi PF-5386-sonli "Obod qishloq dasturi to'g'risida"gi farmoni mazkur yo'nalishdagi ishlarni yanada jonlantirish lozimligini ko'rsatib berdi.

**Asosiy qism.** Milliy iqtisodiyotni isloh qilish borasida tashqi savdo, soliq va moliya siyosatini liberallashtirish, tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash va xususiy mulk daxlsizligini kafolatlash, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini chuqur qayta ishlashni tashkil etish hamda hududlarni jadal rivojlantirishni ta'minlash bo'yicha ta'sirchan choralar ko'rildi.

Fuqarolarning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish va kambag'allikni qisqartirish davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi sifatida belgilanib, aholini yangi ish o'rinlari va kafolatli daromad manbai, malakali tibbiy va ta'lim xizmatlari, munosib yashash sharoitlari bilan ta'minlash sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarildi.

So'nggi besh yillik islohotlarning natijasida mamlakatimizda Yangi O'zbekistonni barpo etishning zarur siyosiy-huquqiy, ijtimoiy-iqtisodiy va ilmiy-ma'rifiy asoslari yaratildi.

Jahon miqyosidagi murakkab jarayonlarni va mamlakatimiz bosib o'tgan taraqqiyot natijalarini chuqur tahlil qilgan holda keyingi yillarda "Inson qadri uchun" tamoyili asosida xalqimizning farovonligini yanada oshirish, iqtisodiyot tarmoqlarini transformatsiya qilish va tadbirkorlikni jadal rivojlantirish, inson huquqlari va manfaatlarini so'zsiz ta'minlash hamda faol fuqarolik jamiyatini shakllantirishga qaratilgan islohotlarning natijasida "Harakatlar strategiyasidan – Taraqqiyot strategiyasi sari" tamoyiliga asosan ishlab chiqilgan yettita ustuvor yo'nalishdan iborat 2022 – 2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi va uni "Inson qadri ulug'lash va faol mahalla yili"da amalga oshirishga oid davlat dasturlari qabul qilindi. Ushbu dasturning uchinchi bo'limida milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o'sish sur'atlarini ta'minlash qaratilgan hududlarning muhandislik-kommunikatsiya va ijtimoiy infratuzilma tizimini hamda xizmat ko'rsatish va servis sohalarini rivojlantirish belgilangan. Shundan kelib chiqqan holda, "Obod qishloq" va "Obod mahalla" dasturlari doirasida hududlarning "o'sish nuqtalari"dan kelib chiqib, muhandislik-kommunikatsiya va ijtimoiy infratuzilma obyektlarini qurishga alohida e'tibor qaratilmoqda.

Xususan, Navoiy viloyatida amalga oshirilgan ishlarning tahliliga ko'ra, 2018-yilda viloyatdagi 8 ta tuman va shahardagi 16 ta qishloqda "Obod qishloq" dasturi asosida qishloqlarning arxitektura qiyofasini yangilash va hududlarini obodonlashtirish bo'yicha jami 113,5 mlrd. so'mlik ishlar bajarildi. 2019-yilda ham o'tgan yilni davom ettirgan holda bunyodkorlik ishlari amalga oshirildi. 2019-yilda viloyatdagi 2 ta shahardagi 5 ta mahallada "Obod mahalla" dasturi asosida jami 56,8 mlrd. so'mlik ishlar bajarildi. 2020-yilga kelib esa, epidemiologik vaziyat tufayli ushbu dasturlar to'xtab qoldi. 2021-yilga kelib ushbu ishlar yanada jadallashtirildi va ushbu yilda 279 ta mahallalarning (mavjud mahallalarning 84 foizida) arxitektura qiyofasini yangilash va hududlarini obodonlashtirish bo'yicha jami 957,2 mlrd. so'mlik ishlar bajarildi (1-jadval).

## 1-jadval

### 2018-21-yillarda "Obod qishloq" va "Obod mahalla" dasturi doirasida Navoiy viloyati bo'yicha bajarilgan ishlar

t/r	Tuman va shaharlar	2018		2019		2021	
		Mahalla va qishloqlar soni	o'zlashtirilgan mablag'lar (mln so'm)	Mahalla va qishloqlar soni	o'zlashtirilgan mablag'lar (mln so'm)	Mahalla va qishloqlar soni	o'zlashtirilgan mablag'lar (mln so'm)
1	Navoiy shahri	0	0	3	33 212	31	166 468
2	Zarafshon shahri	0	0	2	23608	13	33 037
3	G'ozg'on shahri	0	0	0	0	4	43 415,7
4	Karmana tumani	2	17 571	0	0	36	91 904

5	Konimex tumani	2	5 635	0	0	15	60 103
6	Qiziltepa tumani	2	31 906	0	0	46	115 438
7	Navbahor tumani	2	10 855	0	0	36	119 595
8	Nurota tumani	2	10 918	0	0	28	111 766
9	Tomdi tumani	2	8 167	0	0	3	20 512
10	Uchquduq tumani	2	5 672	0	0	11	41 484
11	Xatirchi tumani	2	22 865	0	0	56	153 514
Jami (mlrd.so'm)		16	113,5	5	56,8	279	957,2

**Manba:** [www.stat.uz](http://www.stat.uz) saytidagi ma'lumotlar asosida jadval shakllantirildi.

Tahlillarimizni davom ettirgan holda, ushbu amalga oshirilgan ishlarning Navoiy viloyati YaHM bilan solishtirish uchun 2-jadval ma'lumotlari asosida tahlil qilamiz. Unga ko'ra, 2018 yilda "Obod qishloq" va "Obod mahalla" dasturi doirasida o'zlashtirilgan mablag'lar 113,5 mlrd. so'mni tashkil etmoqda va bu ushbu yildagi YaHM ning 0,5 foizni tashkil etmoqda. 2021-yilga kelib esa, o'zlashtirilgan mablag'lar 957,2 mlrd. so'mni va ushbu yildagi YaHM ning 1,6 foizini egallamoqda. Ushbu ajratilgan mablag'larning kamligi va buni kelajakda oshirish hududning salohiyatini yanada yaxshilashga yordam beradi, sababi Navoiy mamlakatimizning iqtisodiy-ijtimoiy salohiyatini yuksaltirishda muhim o'rin tutadigan viloyatlardan biri hisoblanadi. Bu, avvalo, viloyatda yer osti va yer usti tabiiy boyliklarining nihoyatda mo'ligi, bu boyliklarni qazib olish va qayta ishlash uchun zamonaviy talablarga javob beradigan yirik sanoat korxonalarining mavjudligi bilan o'lchanadi.

2018-2021 yillar davomida viloyatning yalpi hududiy mahsuloti (YaHM) 62 foizga oshib, 22,6 trln. so'mdan 59,3 trln so'mga yetdi. Shu davr mobaynida YaHMning sanoat sohasi 22,8 trln so'mdan 73,6 trln. so'mga o'sdi. Chakana xizmatlar 77 foizga ko'payib, 5,4 trln. so'mdan 9,6 trln so'mga yetdi.

Viloyatda faoliyat ko'rsatayotgan korxonalar soni 2018 yildagi 10,4 ming donadan 2021 yilda 21,4 ming donaga ko'paydi. Shu davr mobaynida 111 mingga yaqin yangi ish o'rni yaratildi.

## 2-jadval

### Navoiy viloyatining 2018-2021 yillardagi makroiqtisodiy ko'rsatkichlari tahlili

	O'lchov birligi	2018 y.	2019 y.	2020-y	2021-y
Yalpi hududiy mahsulot	mlrd.so'm	22 677,2	36 661,9	50 605,8	59 357,7
	o'sish sur'ati, % da	104,8	105,2	106,6	107,2
Sanoat mahsuloti	mlrd.so'm	22 892,4	44 438,1	65 084,9	73 633,5
	o'sish sur'ati, % da	101,8	104,3	109,1	107,0
Iste'mol tovarlari	mlrd.so'm	2 528,3	3 243,4	3 896,5	4 342,5
	o'sish sur'ati, % da	100,1	101,1	102,3	107,0
Qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligi	mlrd.so'm	8 685,8	9 934,2	11 908,1	5 710,1
	o'sish sur'ati, % da	102,0	101,4	103,4	101,0
Asosiy kapitalga investitsiyalar	mlrd.so'm	10 579,5	17 646,3	15 688,5	15 020,1
	o'sish sur'ati, % da	188,0	144,3	77,1	86,0
Qurilish ishlari	mlrd.so'm	2 280,8	3 464,0	3 944,7	5 155,5
	o'sish sur'ati, % da	147,5	125,6	94,6	116,8
Chakana savdo tovar aylanmasi	mlrd.so'm	5 436,3	6 776,0	7 922,8	9 619,5
	o'sish sur'ati, % da	105,9	109,7	105,2	109,4
Xizmatlar, jami	mlrd.so'm	3 925,6	5 056,1	5 840,5	7 459,6
	o'sish sur'ati, % da	111,4	115,2	105,8	118,3
Tashqi savdo aylanmasi	mln. AQSH. dol	1 636,2	1 835,5	1 312,3	1 168,5
	o'sish sur'ati, % da	212,8	112,2	71,5	89,0

**Manba:** [www.stat.uz](http://www.stat.uz) saytidagi ma'lumotlar asosida jadval shakllantirildi.

Yuqorida ko‘rib o‘tganimizdek, infratuzilma va kommunikatsiya tarmoqlarining yaxshilanishi bu bevosita hududning investitsion jozibadorligini oshiradi va yalpi hududiy mahsulot ishlab chiqarishni rag‘batlantiradi. Ushbu o‘zgarishlarni aniqlash maqsadida ekspert usulidan foydalanamiz. Bu usulda hudud infratuzilmasi rivojlanishi Navoiy viloyatida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning yalpi hududiy mahsulotdagi hajmi va ulushining o‘zgarishini 3-jadvalda berilgan ko‘rsatgichlar orqali tahlil qilamiz.

### 3-jadval

#### Navoiy viloyatida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning yalpi hududiy mahsulotdagi hajmi va ulushi

Tarmoq sohasi		2018	2019	2020	2021
Sanoat	(mlrd.so‘m)	3 837,8	3 746,3	4 257,3	4 892,9
	% ulushi	16,8	8,4	6,5	6,6
Qurilish	(mlrd.so‘m)	1 657,5	2 492,2	2 921,8	3 899,8
	% ulushi	72,7	71,9	74,1	75,6
Bandlik	(ming kishi)	229,3	227,2	215,0	207,3
	% ulushi	56,2	55,1	51,9	50,5

**Manba:** [www.stat.uz](http://www.stat.uz) saytidagi ma‘lumotlar asosida jadval shakllantirildi.

2018-2021 yillar davomida viloyatning yalpi hududiy mahsulotida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning eng katta ulushi qurilish va bandlikka to‘g‘ri kelmoqda. Sanoat sohasining kam miqdorda to‘g‘ri kelishiga sabab esa viloyatdagi yirik sanoat korxonalarining ulushida davlat ishtirokining yuqoriligi sabab hisoblanadi. 2018-yildan buyon qurilish sohasidagi xususiy tadbirkorlikning o‘sganini ko‘rishimiz mumkin. Shuningdek, viloyatning respublika YaIM tarkibida hissasi 8,1%ni tashkil etgan.

### 4-jadval

#### Navoiy viloyatida aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan yalpi hududiy mahsulot hajmi va uning o‘shish sur‘ati

	2018 y.	2019 y.	2020 y.	2021-y
Aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan YaHM hajmi, (mln.so‘m)	23,3	37,1	50,3	57,9
Aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan YaHMning o‘shish sur‘ati (o‘tgan yilga nisbatan %)	102,6	103,4	104,8	105,2

**Manba:** [www.stat.uz](http://www.stat.uz) saytidagi ma‘lumotlar asosida jadval shakllantirildi.

Aytish joizki, YaHM hajmi jihatdan Navoiy viloyati Respublika bo‘yicha Toshkent shahri va Toshkent viloyatidan keyingi 3-o‘rinda bo‘lsa, aholi jon boshiga nisbatan hisoblaganda 1-o‘rinda. 4-jadvalda berilgan ma‘lumotlarni tahlil etadigan bo‘lsak, 2018-yildan aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan YaHM 23,3 mln so‘mni tashkil etgan bo‘lsa, bu ko‘rsatgich 2021-yilga kelib, 57,9 mln so‘mni, 2018-yilga nisbatan esa qariyb ikki yarim barobarga o‘sganini ko‘rishimiz mumkin.

Tahlillarimiz shuni ko‘rsatmoqdaki, hududlarni kompleks rivojlantirish viloyatda faoliyat ko‘rsatayotgan korxonalar sonining 10,4 ming donadan 21,4 ming donaga ko‘payishiga va shu davr mobaynida 111 mingga yaqin yangi ish o‘rni yaratilishiga, qolaversa, hududning makroiqtisodiy ko‘rsatkichlarining o‘shishiga olib keladi. Bu iqtisodiy o‘shish sababli hududda tadbirkorlik va xususiy biznesga imkoniyatlar kengayadi, biznes yuritish va uni rivojlantirish osonlashadi, aholi bandligi ta‘minlanadi va kambag‘allikni qisqarishiga olib keladi. Ishlab chiqarish kengayadi va o‘z-o‘zidan eksport mahsulotlarning turi va soni oshishiga sabab bo‘ladi va bu provardida yalpi hududiy mahsulotning o‘shishini anglatadi.

Xulosa qilib aytganda, hududlarni kompleks rivojlantirishda “Obod qishloq” va “Obod mahalla” dasturlarining dolzarbligi Navoiy viloyati misolida ko‘rib o‘tdik. Chunki ushbu dasturlarni boshqa mahalla va qishloqlarga yoyish orqali hududni yanada rivojlantirish va buning natijasida hudud iqtisodiy ko‘rsatgichlarini oshirishga erishish mumkin. Yuqorida keltirilgan tahlillardan kelib chiqqan holda quydagi tavsiyalar ishlab chiqildi:

- “Obod qishloq” va “Obod mahalla” dasturlarini hududning boshqa mahalla va qishloqlarida tizimli ravishda davom ettirish;
- “Obod qishloq” va “Obod mahalla” dasturlarining bajarilishi ustidan tasirchan jamoatchilik nazoratini o‘rnatish;
- “Obod qishloq” va “Obod mahalla” dasturlarini amalga oshirilishini raqamli texnologiyalarni joriy etgan holda doimiy ravishda monitoringini olib borish;
- hududlarni kompleks rivojlantirish uchun infratuzilma va kommunikatsiya tarmoqlarini yaxshilash va dasturlarni ishlab chiqishda bugungi zamonaviy ilm-fan yutuqlarini joriy etish kerak, deb hisoblayman.

### **Manba va adabiyotlar**

1. Yakubov I.O., Islomov A.A., Sunnatov M.N. *Mintaqaviy iqtisodiyot: Darslik.* –T.:2019.-228 b.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Hududlarning jadal ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini ta‘minlashga doir ustuvor chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi 2017 yil 8 avgustdagi PQ-3182-son qarori
3. Yillik statistik to‘plam 2020. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi. Toshkent. 2021.

### **Internet saytlari:**

1. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
2. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

## **HUDUDLARNING MUAMMOLILIK DARAJASINI BAHOLASH**

**Salimjon BEKMURODOV,**  
*Prognozlash tirish va makroiqtisodiy  
tadqiqotlar instituti katta ilmiy xodimi*

**Annotatsiya:** maqolada O‘zbekiston Respublikasi hududlarining barqaror ijtimoiy-iqtisodiy o‘shish sur‘atlarini ta‘minlashda hududlarning iqtisodiy ko‘rsatkichlari orqali ularning ijtimoiy-iqtisodiy holatini aks ettiruvchi yig‘ma indeks baholangan va shu bilan birga o‘rganilayotgan mintaqaning muammolilik darajasi(MD) hisoblanib, mavjud kamchilik va hudud samaradorligini o‘z potensialidan ortda qoldirayotgan yo‘nalishlar sanab o‘tilgan.

**Kalit so‘zlar:** kompozit indeks, qishloq xo‘jaligi, iste‘mol tovarlari, aholi bandligi, aholi daromadlari, tashqi savdo, iste‘mol narxlari indeksi, muammolilik darajasi, aholining turmush tarzi.

## **ОЦЕНКА УРОВНЯ ПРОБЛЕМНОСТИ РЕГИОНОВ**

**Салимжон БЕКМУРОДОВ,**  
*старший научный сотрудник Института прогнозирования  
и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** в статье оценен совокупный индекс, отражающий социально-экономическое состояние регионов через их экономические показатели в обеспечении устойчивых темпов социально-экономического роста регионов Республики Узбекистан, и в то же время подсчитан уровень проблемности изучаемого региона, перечислены имеющиеся недостатки и направления, опережающие эффективность территории по своему потенциалу.

**Ключевые слова:** комбинированный индекс, сельское хозяйство, товары народного потребления, занятость населения, доходы населения, внешняя торговля, индекс потребительских цен, уровень проблемности, уровень образа жизни населения.

## ASSESSMENT OF THE PROBLEM LEVEL OF THE REGIONS

**Salimjon BEKMURODOV,**  
senior researcher, Institute for Forecasting  
and Macroeconomic Research

**Abstract:** *the article evaluates the aggregate index reflecting the socio-economic state of the regions through their economic indicators in ensuring sustainable rates of socio-economic growth of the regions of the Republic of Uzbekistan, and at the same time calculates the level of problems of the studied region, lists the existing shortcomings and areas that are ahead of the effectiveness of the territory in terms of its potential.*

**Keywords:** *composite index, agriculture, consumer goods, employment of the population, income of the population, foreign trade, consumer price index, level of problem, level of lifestyle of the population.*

**Kirish.** So'ngi yillarda hududlarni (viloyat, shahar, tuman) ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishda hududlardagi mavjud muammolarni aniqlash va ularni bartaraf etish choralari ishlab chiqishga katta e'tibor qaratilmoqda[1]. Jumladan, mamlakat hududidagi nisbatan past sur'atda rivojlanotgan hududlarni aniqlash va ortda qolish omillarini kamaytirish mexanizmlarini ishlab chiqish muhim ahamiyatga ega. Shularni inobatga olgan holda, O'zbekiston Respublikasi hududlarining muammolik darajasi ko'rsatkichini aniqlash va hududlarning muammolilik darajasi bo'yicha toifalarga ajratish mazkur tadqiqot ishining asosiy fokus maqsadi qilib olingan.

**Tahlil metodikasi.** Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishdagi muhim ko'rsatkich hududlarning muammolik darajasini ko'rsatuvchi indeks kompozit indeksni qurish metodikasi yordamida o'rganildi va natijalar tahlil qilindi.

**Asosiy qism.** Hududlarning barqaror ijtimoiy-iqtisodiy o'sish sur'atlarini ta'minlashda jamiyatdagi ijtimoiy-iqtisodiy o'zgarishlarning maqsadga muvofiqligi, samaradorligi va iqtisodiy hatarlarni baholashning samarali vositalaridan, shuningdek o'rganilayotgan mintaqaning muammolilik darajasini baholash ham hisobga olinishi lozim.

Hududlarning iqtisodiy rivojlanishdagi tengsizlik diagnostikasi (**assimetriya**) mamlakatning rivojlanishidagi depressivlikni, shu jumladan, ijtimoiy ko'rsatkichlarni tahlil qilishni o'z ichiga oladi. (Suspitsin, 2002).

Amaliyotda hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanganlik darajasini tahlil qilishning bir qancha usullari mavjud bo'lib, shulardan keng tarqalgan uslubiyatlardan biri har bir hududga tegishli bo'lgan turli xil ko'rsatkichlarni yagona **composite index**, ya'ni **yig'ma indeks**ga keltirish hamda uning qiymatlariga ko'ra hududlardagi mavjud muammo va kamchiliklarni hal etishdir.

**Hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanganlik darajasini diagnostika qilish quyidagi 3 ta bosqichda amalga oshiriladi:**

- 1) Ko'rsatkichlarni tanlab olish;
- 2) Yig'ma indeksni qurish;
- 3) Hududlarni solishtirish uchun kriteriyalar ishlab chiqish hamda hududlardagi qo'loqlik sabablarini aniqlash;

O'zbekiston Respublikasi viloyatlari va Qoraqalpog'iston Respublikasining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanganlik darajasini diagnostika qilishda quyidagi ikki indeks: hududning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanganlik darajasini ko'rsatuvchi yig'ma indeks va hududning muammolilik darajasini tavsiflovchi sub-indekslaridan foydalaniladi. Hududlardagi muammolilik darajasini aniqlash hamda hududlardagi mavjud muammo va kamchiliklarni tahlil qilish uchun **18 ta ko'rsatkichdan** foydalanildi.


Ma'lumki, iqtisodiy, ijtimoiy va ekologik ko'rsatkichlar bir-biridan farq qiladi va ular mintaqadagi ijtimoiy-iqtisodiy holatga o'zining bevosita ta'sirini o'tkazadi. Shu sababdan, **MD aniqlovchi indeksni qurish jarayonida tanlab olinadigan ko'rsatkichlarni quyidagi guruhlariga ajratib olamiz:**

1. Ishlab chiqarish va qishloq xo'jalik mahsulotlari ko'rsatkichlari;
2. Aholi bandligi va savdo ko'rsatkichlari;
3. Turmush tarzi darajasi ko'rsatkichlari.

Ushbu keltirilgan guruhlarini 1-darajali ko'rsatkichlar deb olamiz, mos ravishda ularning har biri ham guruhlardan iborat. 1-darajali ko'rsatkichlardan quyidagi indekslarni 2-darajali, 2-darajali ko'rsatkichlarni tashkil etuvchi indekslarni esa 3-darajali indekslar deb ataymiz.

Dastavval, hududning iqtisodiy-ijtimoiy rivojlanganlik darajasini ko'rsatuvchi yig'ma indeksni hosil qilamiz. Muhim sanalgan MD ni aniqlash esa ushbu indeksning qiymatiga ko'ra amalga oshiriladi.

Quyida tanlab olingan ko'rsatkichlarning umumiy ko'rinishini keltiramiz:



1-rasm. Ko'rsatkichlar klassterizatsiyasi

Manba: muallif tomonidan tuzilgan.

Tadqiqot davomida ba'zi ko'rsatkichlar: aholi daromadlari, aholi jon boshiga to'g'ri keluvchi qishloq xo'jaligi mahsulotlari hajmi kabi ko'rsatkichlar **ijobiy** (“+”) ta'sirga ega, shuningdek, hududdagi ishsizlik darajasi, iste'mol narxlar indeksi kabi ko'rsatkichlar **salbiy** (“-”) ta'sirga ega, deb baholandi va composite index ko'rsatkichi shu yo'sinda hisoblandi. Ya'ni kompozit indeksni hosil qilish jarayonida salbiy ta'sirga ega ko'rsatkichlarimizning vaznlari bilan mos ko'paytmalari ayiriladi, ijobiy ta'sirga ega ko'rsatkichlarning vaznlari bilan ko'paytmalari esa qo'shib hisoblanadi.

Tahlil mobaynida barcha ko'rsatkichlar *normal ko'rinishga* keltiriladi, ya'ni statistik ko'rsatkichlarning son qiymatlari  $[0; 1]$  oraliqqa akslantiriladi. **Bu jarayon quyidagi formula yordamida amalga oshiriladi:**

$$\hat{x}_i = \frac{x_i - \min_{1 \leq i \leq n} x_i}{\max_{1 \leq i \leq n} x_i - \min_{1 \leq i \leq n} x_i} \quad (1)$$

MDning afzallik jihati shundaki, olingan yig'ma ko'rsatkichning qiymatlariga qarab qaysi hudud boshqalariga qaraganda ijtimoiy va iqtisodiy tomonlarni yaxshiroq rivojlanganligini yoki aksincha aynan qaysi ko'rsatkich bo'yicha ortda qolayotganligini ko'rsatadi. Shuningdek, ushbu uslubiyat yordamida olingan raqamli natijalarni tahlil qilish orqali mintaqani *ortga tortayotgan soha va yo'nalishlarni* aniqlash imkoniyati ham mavjud.

Hududning iqtisodiy-ijtimoiy rivojlanganlik darajasini ko'rsatuvchi yig'ma indeks  $R$  (0-darajali) quyidagi 1-darajali statistik ko'rsatkichlar  $(P, L, M)$  vektor hamda  $(\gamma_1, \gamma_2, \gamma_3)$  vazn vektorining skalyar ko'paytmadan iborat bo'ladi:

$$R = \gamma_1 E + \gamma_2 M + \gamma_3 L \quad (2)$$

bu yerda,  $\gamma_i$  — har bir sohaning integral ko'rsatkichdagi vazni,  $\sum_{i=1}^3 \gamma_i = 1$ .

**Bunda ko'rsatkichlar bo'yicha vazn qiymatlari ekspert baho sifatida tanlab olindi. 1-darajali ko'rsatkichlar mos ravishda yuqoridagi formulaga o'xshash tarzda hisoblanadi:**

$$E = \sum_{i=1}^2 E_i \beta_{1i}, \quad M = \sum_{i=1}^2 M_i \beta_{2i}, \quad L = \sum_{i=1}^2 L_i \beta_{3i}, \quad (3)$$

$\beta_i$  ko'rsatkichlarning vaznlari,  $\sum \beta_i = 1$ .

2-darajali ko'rsatkichlar ham shu tarzda hisoblanadi:

$$E_i = \sum_{j=1}^k E_{ij} \alpha_{1j}, \quad M_i = \sum_{j=1}^k M_{ij} \alpha_{2j}, \quad L = \sum_{j=1}^k L_{ij} \alpha_{3j}, \quad (4)$$

$\alpha_j$  ko'rsatkichlarning vaznlari,  $\sum \alpha_j = 1$ ,  $k$  — 2-darajali ko'rsatkichni tashkil etuvchi 3-darajali ko'rsatkichlar soni.

Yuqoridagi (3) va (4) tengliklar orqali  $E, M, L$  larning qiymatlari aniqlanadi va yakuniy (2) formuladan foydalanib, hududning ijtimoiy-iqtisodiy holatini ko'rsatuvchi indeksni hosil qilishimiz mumkin.

Hududlarni yetakchilar va muvaffaqiyatsizlar guruhlari bo'yicha taqsimlashning tabiiy shkalasi daraja ko'rsatkichlarining o'rtacha qiymati va standart og'ish xususiyatlari bilan amalga oshirildi:

$$I_i = \bar{R} + \sigma(R) - R_i$$

Bu yerda  $I_i$  — hududning muammolilik darajasi,  $R_i$  —  $i$ -hudud uchun hisoblangan kompozit indeks,  $\bar{R}$  — har bir hudud uchun hisoblangan kompozit indeksning o'rtacha qiymati,  $\sigma(R)$  — hududlarning kompozit indeksleri uchun standart og'ish ko'rsatkichi.

**Olingan hududning muammolilik darajasi ko'rsatkichlariga ko'ra hududlarni quyidagi guruhlariga ajratishimiz mumkin bo'ladi:**

1-guruh—Qoloq hududlar:

2-guruh—Muvaffaqiyatsiz hududlar:

3-guruh—Muvaffaqiyatli hududlar:

4-guruh—Lider hududlar:

$$I_n > 2\sigma(R^0);$$

$$\sigma(R^0) < I_n < 2\sigma(R^0)$$

$$0 < I_n < \sigma(R^0)$$

$$I_n < 0.$$

Muammolilik ko'rsatkichi	Hududlar	Muammolilik darajasi bo'yicha hududlar o'mi	Hududiy guruhlar
1,00	Qoraqalpog'iston Respublikasi	1	muammoli hudud
0,38	Andijon	10	yetakchi hudud
0,29	Buxoro	11	yetakchi hudud
0,57	Jizzax	9	muvaffaqiyatli hudud
0,83	Qashqadaryo	2	muammoli hudud
0,00	Navoiy	13	yetakchi hudud
0,70	Namangan	3	muvaffaqiyatsiz hudud
0,62	Samarqand	6	muvaffaqiyatli hudud
0,66	Surxondaryo	5	muvaffaqiyatsiz hudud
0,60	Sirdaryo	7	muvaffaqiyatli hudud
0,37	Toshkent viloyati	12	yetakchi hudud
0,68	Farg'ona	4	muvaffaqiyatsiz hudud
0,58	Xorazm	8	muvaffaqiyatli hudud

**2-rasm. O'zbekiston Respublikasi hududlarining muammolilik darajasini aniqlash bo'yicha olingan natijalar**

Yig'ilgan ma'lumotlar asosida hududlardagi muammolilik darajasini ko'rsatkuvchi indeks hisoblandi va ular ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanganlik darajasiga ko'ra guruhlariga ajratildi:

Tadqiqot natijalariga ko'ra 2020-yilda mamlakatdagi yetakchi hududlar qatoriga Navoiy (0,0002), Toshkent (0,029), Buxoro(0,13) va Andijon(0,034) viloyatlari kirgan, respublika bo'yicha muammoli hududlar sifatida Qoraqalpog'iston Respublikasi(0,84) hamda Qashqadaryo(0,59) viloyati, muvaffaqiyatsiz hududlar sifatida esa Namangan(0,37), Surxondaryo(0,30), Farg'ona (0,32) viloyatlari qayd etildi. Shu jumladan, tahlil natijalari Jizzax(0,17), Xorazm (0,18), Sirdaryo (0,21) va Samarqand (0,23) viloyatlari muvaffaqiyatli hududlar ekanligini ko'rsatib berdi.

**Xulosa va takliflar.** Yetakchi hududlar Navoiy, Toshkent, Buxoro va Andijon viloyatlarida rivojlanishning asosiy drayverlari bo'lib, qishloq xo'jaligi mahsulotlari (jami respublika qishloq xo'jaligi mahsulotining **34,2%**i), tashqi savdo aylanmasi(respublikadagi jami ulushi **28,2%**) va aholining bandlik ko'rsatkichlari(**66,5 – 68,3%**) xizmat qilgan.

Muammoli hududlardagi asosiy kamchiliklar sifatida qishloq xo'jaligidagi past unumdorlik, ularning respublika tashqi savdosidagi past ulushi(har ikkala hudud ulushi **1,6%** dan) shuningdek, sabzavot mahsulotlarini yetishtirishda Qoraqalpog'iston hamda Qashqadaryo viloyatlari aholi jon boshiga to'g'ri keluvchi sabzavot mahsulotlari bo'yicha respublikaning o'rtacha ko'rsatkichlaridan deyarli **1 barobarga** kamroq natija qayd etganligi kuzatilgan.

Surxondaryo viloyatida iste'mol tovarlarini ishlab chiqarish (respublikadagi ulushi **1,7%**) va tashqi savdo aylanmasining hajmi bo'yicha(respublikadagi ulushi **1,3%**) nisbatan pastroq ko'rsatkichlar qayd etilgan bo'lsa, Farg'ona va Namangan viloyatlarida esa aholi jon boshiga to'g'ri keluvchi qishloq xo'jalik mahsulotlari hajmi ushbu davrda boshqa hududlarga nisbatan kamroq, respublika bo'yicha o'rtacha ko'rsatkichdan mos ravishda **24,7-25%** ga pastroqligi hududlarda MDni oshirishga xizmat qilgan. Shuningdek aholi jon boshiga umumiy daromadlari bo'yicha Farg'ona va Namangan viloyatlarida respublikaning o'rtacha ko'rsatkichlaridan **23,2%** va **27,2%** past natija qayd etilgan.

Mintaqaning ijtimoiy-iqtisodiy muammolarini hal qilish ishlab chiqarish hajmini oshirish, iqtisodiyotni sifat jihatidan o'zgartirish, mehnat unumdorligini oshirish, shuningdek, ta'lim, fan va madaniy muhitni rivojlantirishdagi ijobiy tendensiyalardan iborat (Bondareva, 2017).

MD ni baholash yordamida olingan raqamli natijalarni tahlil qilish orqali hududlarni rivojlanishdan ortda qoldirayotgan sohalarni aniqlab, aynan qaysi yoʻnalishlar boʻyicha zaruriy choralar koʻrish mumkinligi borasida takliflar ishlab chiqish mumkin.

Xulosa oʻrnida shuni aytish mumkinki, oʻtkazilgan tadqiqot natijalari “muammoli” hududlarda xususan, Qoraqalpogʻiston Respublikasida don va sut mahsulotlarini ishlab chiqarish, chakana tovarlar savdosi va aholining iqtisodiyotda bandlik jabhalarida, Qashqadaryo viloyatida esa sabzavot mahsulotlarini yetishtirish, aholining iqtisodiy faolligi, bandlik koʻrsatkichlari shuningdek, oziq-ovqat mahsulotlari narxlaridagi respublika koʻrsatkichlariga nisbatan biroz noturgʻun oʻzgaruvchanlik ushbu hududlarda izchil islohotlar oʻtkazilishiga ehtiyoj sezilayotganidan dalolat bermoqda.

Natijalarga koʻra “muvafaqqiyatsiz” deb topilgan hududlar Surxondaryo, Namangan va Fargʻona viloyatlarining barchasida jon boshiga toʻgʻri keladigan aholining pul daromadlari respublikaning oʻrtacha koʻrsatkichlaridan ortda qolayotgani hamda Surxondaryoda xizmatlar sohasi va ishsizlik koʻrsatkichlari boʻyicha, Fargʻona va Namangan viloyatlarida esa goʻsht mahsulotlarini yetishtirishda kamchiliklar mavjudligini shuningdek, bu keltirilgan yoʻnalishlar boʻyicha islohotlar amalga oshirilishi hududlardagi aholining ijtimoiy-iqtisodiy farovonlik darajasini yanada oshirishini koʻrsatmoqda.

### ***Manbalar va adabiyotlar***

1. Бондарева Я.Ю., Верещагина Л.В., Ворожейкина Т.М. Факторы устойчивого развития регионов России: монография / под ред. С.С.Чернова. Новосибирск: Издательский дом ЦРНС, 2017. - 180 с.
2. Унтура Г.А., Комиссарова И.Г., Ушаков Ф.А. Методы обработки данных для построения комплексных (интегральных) индикаторов и классификации объектов. – Новосибирск: Издательство НГУ. – 1998. – 76 с.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2017-2021 йиллардаги даврий нашрлари. <https://stat.uz/en/publications>
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi "2022-2026 yillarga muljallangan yangi O'zbekistonning strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-son farmoni.



